

[illegible]
$$\frac{1}{2025}$$

**FALSAFA va HUQUQ
ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW**

ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-ҳуқуқий журнал
2025/1 (№31)

Тарих синовларидан ўтган ҳақиқат шуки, ўзини ўзгартиришига қодир бўлган, вақтни – имкониятга, имкониятни – ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ – буюк халқдир. Бундай халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, кўзлаган муродмақсадларига албатта эришади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Таҳрир ҳайъати:

М.Н.Абдуллаева –
ф.ф.д., профессор

Б.Т.Тўйчиев –
ф.ф.д., профессор

Ж.С.Рамагов –
ф.ф.д., профессор

В.Р. Топилдиев –
ю.ф.д., профессор

Г.Т.Махмудова –
ф.ф.д., профессор

Қ.Н.Назаров –
ф.ф.д., профессор

И.Саифназаров –
ф.ф.д., профессор

Ў.М.Абилов –
ф.ф.д., профессор

А.Ў.Ўтамурадов –
ф.ф.н., профессор

Ў.Ғ.Тилавов –
ф.ф.д., DSc

Бош муҳаррир:

А.Г.Муминов –
с.ф.д., профессор

Бош муҳаррир

ўринбосари:

Х.В.Соқиев
фалсафа доктори, PhD

М у а с с и с: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,
Университет кўч., 4.

www.phljournal.nuu.uz

E-mail: falsafavahuq-jurnal@nuu.uz

ISSN 2181-7294

Босишига 05.06.2025 да берилди

Бичими 60x84 Offset қоғози. “Times”
гарнитураси. Хажми 30 б.т. Нашриёт ҳисоб
табоғи 30 б.т. Адади 100 нусха.

Журнални нашрга тайёрловчилар
Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев



Google
Scholar

CYBERLENINKA

МУНДАРИЖА

Парпиев М.Т.	Марказий Осиёда Иккинчи Ренессанс даврининг ижтимоий-фалсафий моҳияти	3
Kadirova X.B.	Ta'lim tizimida media savodxonlik va sun'iy intellektdan foydalanishning afzalliklari	7
Xolmaxmatov A.H.	Yoshlar ishini tashkil etishning kategorial tuzilmasini takomillashtirishning nazariy asoslari	11
Қодиров Б.Б., Бекмуродов Д.Б.	Олий таълим муассасаси мақоми таҳлили: муаммолар ва ечимлар	15
Xomidjonov U.	Inson kapitalini rivojlanishiga ta'sir ko'rsatuvchi omillar	20
Umarova R.Sh	Beruniyning falsafani mohiyati va vazifalari haqidagi qarashlari	27
Мухаммадиева О.	Мирзо Бедилнинг инсон моҳиятидаги ўзгаришлар ва уларни маънавий асослари ҳақидагидаги фалсафий қарашлари	30
Туленова К.Ж.	Научное предвидение и процессы цифровизации: взаимосвязь и перспективы.	34
Muxamedjanova L.	Sharq etikasining tarixiy-madaniy tamoyillari	37
Азимов Ҳ.И.	Буюк даҳолар мероси Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам устун	41
Narkulov S.D., Umarova F.S.	Intellectual izlanishlar va o'zbek etnotafakkuridagi o'zgarishlar	45
Сабилова У.Ф.	Нарративное интервью как метод исследования социологического образования в Узбекистане	49
Agzamxodjaeva S.	Noklassik diskursda siyosiy voqelikning falsafiy asoslari	52
Боймуродов З.Ш.	Миллий турмуш тарзини оптималлаштиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили	56
Tashanov A.	Lyotard va Fukoning postmodern falsafasida buzg'unchi g'oyalar tahlili	60
G'anieva Ch.G'.	Yoshlarda ijtimoiy faollik pozitsiyasi va daxldorlik tuyg'usini shakllantirishning tarixiy va ma'naviy asoslari	64
Axrarova S.A.	Jamiyatda ayollarning ijtimoiy rivojlanish tendensiyalari	67
Иззетова Э.М., Абдурахимов А.Н.	Проблема бытия человека в контексте философии виртуального экзистенциализма	70
Kubaeva Sh.T.	Ilmiy tafakkur va o'yin aloqadorligining konseptual tahlili	75
Нуруллаев У.Х.	АҚШ ва Европа иттифоқида ахборот воситачиларининг ҳуқуқий жавобгарлик шартлари	79
Шаймарданов Р.Н.	Чегара қўшинлари шахсий таркибини малакали кадрлар билан таъминлашда матбуот ва олий таълимнинг ўрни	83
Маҳаммаджанов Ғ., Мусаев Ф.	Ахборотлашув ва аҳоли ижтимоий онгида ўзгаришлар жараёни таҳлили (социологик ёндашув)	87
Fozilov G'.N.	Daholikning ijtimoiy-falsafiy mohiyati	91
Нуруллаева Дж. С	Подготовка футболистов Узбекистана к тест-системе «YO-YO»	95
Normurodov D.	Boshqaruv madaniyatining asosiy komponentlari va paradigmalari	99
Аминова Н.Б.	Фан, фалсафа ва глобал муаммолар	103
Dulanbaeva O.	Mutolaa fenomenini talqin etishning zamonaviy konsepsiyalari.	107
Yuldasheva M.	Milliy axloqiy qadriyatlar va milliy mentalitetni jamiyatga ta'siri hamda milliy o'zlikni anglashdagi ahamiyati	111

Ortiqov A.N.	Odam o'g'irlash bilan bog'liq jinoyatlarga qarshi kurash va oldini olish	115
Toshboboeva M.	Yangi O'zbekistonda xotin-qizlarning o'rniga doir o'zgarishlarning nazariy masalalari	119
Сайдивалиева Х.Х.	Оила муҳитида болаларни тарбиялаш ва ота-оналик мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни келишувлар асосида тартибга солиш	122
Тўраев О.Б.	Глобал трансформацион шароитда ижтимоий хавфсизликни таъминлашда соғлиқни сақлаш омили (социологик таҳлил)	127
Тошполатова Ш.М.	Сунъий интеллект (СИ) асрида Ўзбекистон давлат хизматчиларининг рақамли саводхонлиги	132
Бозаров Д.М.	Синергетиканинг онтологик ва методологик асослари: фалсафий таҳлил	135
Umarova F.S.	Modernizatsiya: ilmiy va ijtimoiy-falsafiy talqinlar	139
Tursinkulov N.A.	Erkinlik va qullik: yoxud liberalizm tarixi va tadriji xususida	143
Рахимова Ш.А.	Ахборот алмашинуви ва унинг хусусиятлари	147
Kuyliyev B.T.	Global axborot makonida manipulyatsiya: tarixiy va zamonaviy yondashuvlar	151
Djuraev G.A.	Jan Pol Sartr ekzistensializmida mavjudlik va mohiyat masalasi	154
Shukurov A.Sh.	Noklassik bilish nazariyasi va tarmoq paradigmasi doirasida kommunikatsiya	157
Aminova G.	Gender mafkurasi kontekstida falsafa va ilohiyot: chegaralar va aloqalar tahlili	161
Isabaev M.B.	Parlamentning vakillik funksiyasi ta'sir etuvchi mexanizm sifatida	166
Кубатов Ш.Р.	Корреляция философии с теорией государства и права	171
Turgunov A.T.	Axborot xavfsizligini ta'minlashda media madaniyatni zamonaviy yo'nalishlari	175
Мусаев Ф.	Аҳоли ижтимоий онгида ўзгаришларнинг муҳим хусусиятлари (ахборотлашув мисолида)	179
Rajabova M.I.	Bag'rikenglik siyosati – tinchlik, barqarorlik va ahil qo'shnichilikni ta'minlovchi omil sifatida	183
Hamraeva V.M.	Ijtimoiy tadbirkorlik tushunchasi ilmiy tadqiqot ob'yekti sifatida	187
Xaytboev B.X.	Zamonaviy jamiyatda inson, fan va texnika konvergentsiyasining axborotlashuv zarurati.	192
Nosirova M.	Abu Ali Ibn Sinoning mantiqiy-gnoseologik ta'limotini o'rganishning ahamiyati	197
Meylimurotova M.	Ekologik muammolarning O'zbekiston ekologik muhitiga ta'siri	200
Қулмаматов Д.У.	Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш муддатини бир ой этиб белгилашнинг ҳуқуқий ва амалий асослари	204
Ahmadjonova D.G.	Shaharlashish jarayonlarining retrospektiv asoslari	209
Abduvaxidov A.A.	XIX asr oxiri XX asr boshlarida hindistondagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlar	212
Raxmonaliev Z.I.	Sud tizimida korrupsiyaviy harakatlar natijasida fuqarolarning buzilgan huquqlarini tiklash	216
Sayfullaev S.	Muhandislik bilimlarining evolyusion taraqqiyoti	220
Soqiyev X.V.	Virtual muhit va shaxs identikligi transformatsiyasi	224
Murotov E.N.	Jamiyat ma'naviy yuksalishining ayrim jihatlarini	227

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИККИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ**Парпиев М.Т. -***АндДПИИ Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар
бўйича биринчи проректори, фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент.* 10.24412/2181-7294-2025-1-3-6

Марказий Осиёдаги Иккинчи Ренессанс даври – XIV-XV асрлардаги маданий юксалиш – минтақа тарихидаги энг муҳим даврлардан бири ҳисобланади. Бу давр Амир Темур ва унинг ворислари ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Ушбу уйғониш жараёнининг асосий сабаблари кўп қиррали бўлиб, улар сиёсий барқарорлик, иқтисодий юксалиш ва савдо алоқаларининг ривожланиши, илмий-маданий ривожланиш ва илм-фанга ҳомийлик сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши, меъморчилик ва шаҳарсозликнинг ривожланиши, адабиёт ва санъатнинг юксалиши, диний ва маънавий қадриятларнинг уйғунлашуви, халқаро алоқалар ҳамда маданий таъсирлар билан боғлиқ. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай деган эди: “Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтаради. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса “Ренессанс” – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён. Маълумки, бугунги Ўзбекистон замини қадимда икки буюк уйғониш даврига – Биринчи (маърифий – IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар – XIV-XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган. Бу – жаҳон илм-фанида ўз исботини топган ва тан олинган тарихий ҳақиқатдир.”[1, 1] Фалсафа фани олдида турган муҳим муаммолардан бири ана шу даврда юз берган маданий кўтарилишнинг сабабалари ва ижтимоий-иқтисодий омилларини таҳлил қилиш ва шу орқали келгусидаги тараққиётимиз учун фойдали таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Мақолада Марказий Осиёда Иккинчи Ренессанс даврининг бошланишига таъсир қилган сабабларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини ўрганиб, унга таъсир қилган омилларни кўриб чиқамиз.

Биринчи сабаб – сиёсий барқарорлик ва марказлашган давлат тизими. Амир Темурнинг ҳукмронлиги даврида Марказий Осиёда кучли марказлашган давлат ташкил этилди. Б.Манз таъкидлаганидек, “Темур давлатида марказлашган бошқарув тизими сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт учун мустаҳкам асос бўлди”. [2, 134] Бу сиёсий барқарорлик ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун зарур шароитларни яратди. Темурийлар давлатида маданий ва илмий фаолият давлат томонидан қўллаб-қувватланган. Масалан, Амир Темур Самарқандни ўзининг пойтахтига айлантириб, бу шаҳарни маданият ва илм-фан марказига айлантирган.

Иккинчи сабаб – иқтисодий тараққиёт ва савдо алоқаларининг кучайиши. Марказий Осиё савдо йўналишларининг муҳим марказларидан бири бўлиб, бу ҳудуд Ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо алмашинувида ҳал қилувчи рол ўйнаган. Савдо йўллари орқали нафақат товарлар, балки илм-фан ва маданиятга оид ғоялар ҳам тарқалган. С.Соукекнинг фикрича, “Ипак йўлидаги савдо алоқалари Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий алмашинувнинг асосий омили бўлган”. [3, 154] Бу жараён шаҳарлар тараққиётига туртки бериб, маданий тикланиш учун молиявий ресурсларни яратган.

Учинчи сабаб – илмий-маданий ривожланиш ҳамда илм-фанга ҳомийлик. Амир Темур ва унинг авлодлари илм-фан ва маданият ривожланишини қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнаган. Мирзо Улуғбекнинг (1394-1449) астрономия ва математика соҳасидаги фаолияти бунинг яққол мисоли ҳисобланади. Мирзо Улуғбек – темурийлар сулоласининг ёрқин вакили, машҳур алломаси, астроном ва математик, Марказий Осиёнинг Иккинчи Уйғониш даврида илм-фаннинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган шахслардан бири. Унинг илмий мероси нафақат ўз

даврида, балки кейинги асрларда ҳам дунё илм-фани ривожланишига таъсир ўтказган. Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолиятининг энг юксак нуқталаридан бири Самарқандда қурилган обсерваториядир. Бу обсерватория 1424–1429 йиллар оралиғида барпо этилган бўлиб, ўз замонасида жаҳоннинг энг илғор астрономия марказларидан бири сифатида танилган. Обсерваториянинг асосий жиҳозларидан бири радиуси 40,2 метр бўлган меридиан доираси бўлиб, у орқали юлдузларнинг ҳаракатини дақиқ кузатиш мумкин эди. Обсерваторияда амалга оширилган кузатувлар ва тадқиқотлар натижасида Мирзо Улуғбек “Зижи Улуғбек” номли юлдузлар жадвали асарини яратди. Бу асарда 1018 юлдузнинг дақиқ координаталари келтирилган бўлиб, унинг юксак математик ва астрономик савиясини намоён этади. Бу асар орқали Улуғбек ўзидан аввалги астрономлар, жумладан, Птолемейнинг хатоларини тузатган. Мирзо Улуғбек Самарқандни нафақат астрономия маркази, балки илмий мактаб сифатида ҳам ривожлантирди. У ўз атрофига машҳур олимларни, жумладан, Қозизода Румий, Али Қушчи ва Гиёсиддин Жамшид ал-Коший каби етук мутахассисларни жамлади. Обсерваторияда амалга оширилган тадқиқотлар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги илмий алмашинувда муҳим роль ўйнаган. Улуғбекнинг илмга бўлган қизиқиши ва уни қўллаб-қувватлаши туфайли, Самарқанд дунё илм-фанидаги стратегик аҳамиятга эга бўлган марказга айланди. Эдвард Сахау таъкидлаганидек, “Улуғбекнинг фаолияти Юнон ва исломий илмнинг муваффақиятли уйғунлигини кўрсатади”. [4, 231] Унинг асарлари ва тадқиқотлари кейинги асрларда астрономия ва математика ривожланишига улкан таъсир кўрсатди. Мирзо Улуғбекнинг илмий мероси уни Марказий Осиёдаги Иккинчи Уйғониш даврининг энг буюк алломаларидан бири сифатида танитди. Улуғбекнинг илмий фаолияти нафақат ўз даври, балки инсониятнинг келажаги учун ҳам улкан аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Темурийлар ҳукмронлигидаги ҳомийлик сиёсати натижасида олимлар, шоирлар ва санъаткорларга кенг имкониятлар яратилган. Қозизода Румий (1364–1436) – ўз замонининг машҳур олимларидан бири бўлиб, Марказий Осиёдаги Иккинчи Уйғониш даврида астрономия ва математика соҳаларида катта ютуқларга эришган. Унинг илмий мероси нафақат астрономик кузатувлар ва математик тадқиқотлар, балки фалсафий фикр юритишдаги маҳорат билан ҳам ажралиб туради. У илм-фан ва фалсафани инсоннинг руҳий тараққиёти учун зарур восита сифатида қараган. Эдвард Сахау таъкидлаганидек, “Қозизода Румийнинг фалсафий қарашлари Юнон-рим фалсафаси ва исломий илмнинг уйғунлигини намоён этиб, илм-фаннинг маънавий аҳамиятини очиқ берди”. [4, 243] Қозизода Румий илм-фаннинг жамиятдаги ролига алоҳида эътибор қаратган.

Тўртинчи сабаб – меъморчилик ва шаҳарсозликнинг ривожланиши. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва бошқа шаҳарларда ўзига хос меъморчилик иншоотлари барпо этилди. Регистон мажмуаси, Биби Хоним масжиди ва Гўри Амир мақбараси каби иншоотлар нафақат уларнинг архитектураси, балки маданий аҳамияти билан ҳам ажралиб туради. Ш.Блэр ва Ж.Блум таъкидлашича, “Темурийлар давридаги архитектура ислом санъатининг энг юксак намунасидир”. [5, 89] Меъморчилик иншоотлари илм-фан, санъат ва маданият учун ҳам хизмат қилган.

Бешинчи сабаб – адабиёт ва санъатнинг ривожланиши. Бу даврда Алишер Навоий (1441–1501) каби буюк шоирлар туркий адабиётни юқори чўққиларга кўтарган. Алишер Навоийнинг “Хамса” асари адабиёт тарихидаги йирик асарлардан бири бўлиб, унинг ижоди нафақат адабий, балки маънавий тарбия учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иккинчи Ренессанс нафақат рационал тафаккур, балки гуманизм ғояларининг майдонга чиқиши ва қатор масааллар билан интеграция қилиш даврига ҳам тўғри келган. Алишер Навоий туркий тилни адабий тил даражасига кўтариш билан бирга туркий халқларнинг инсон сифатидаги қадри ва қимматини оширишга хизмат қилди. Шу нуқтаи назардан, Алишер Навоий нафақат буюк шоир, балки фалсафий фикр соҳасида ҳам юксак ютуқларга эришган алломалардан бири сифатида Марказий Осиё тарихида алоҳида ўрин тутади. Алишер Навоийнинг фалсафий мероси нафақат Шарқ адабиёти, балки жаҳон маданияти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шарқшунос олим Бертелс таъкидлаганидек, “Алишер Навоийнинг ижоди Шарқ ва Ғарб адабиёти ўртасидаги ўзига хос кўприк бўлиб, унинг фалсафий қарашлари инсониятнинг маънавий тараққиётига катта ҳисса қўшган”. [6, 87] Алишер

Навоийнинг фалсафий мероси инсон ахлоқи, маънавий юксалиш ва ижтимоий адолат каби асосий масалаларни ёритиб, уларни ўзининг бадиий ижоди орқали намоён этади. Бугунги кунда Учинчи Ренессансда барпо этишда Алишер Навоий ижоди муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормокда. "...Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган саммитида илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантиришга қаратилган яна бир муҳим ташаббусимиз қабул қилиниб, Туркий кенгашнинг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилди. Биз буни барча туркий халқларнинг фахру ифтихори бўлган ҳазрат Алишер Навоий бобомизга, шундай улуғ зотларни тарбиялаб вояга етказган халқимизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз." [1, 1] Чунки, унинг асарлари фақат адабий эмас, балки фалсафий йўналишда ҳам улкан аҳамиятга эга бўлиб, улар инсониятнинг маънавий тараққиёти учун муҳим йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, бу даврда мусаввирлик ва ҳунармандчилик соҳалари ҳам ривожланиб, юксак санъат намуналари яратилган. Камолиддин Беҳзод (1455–1535) Марказий Осиёнинг иккинчи уйғониш даврида миниатюра санъатининг энг буюк намоёндаси сифатида танилган. Унинг ижоди нафақат Шарқ мусаввирлик санъатида, балки жаҳон санъат тарихида ҳам алоҳида ўрин тутди. Беҳзоднинг миниатюралари техник мукамаллик, эстетик гўзаллик ва маънавий мазмуннинг уйғунлиги билан ажралиб туради. Унинг ижоди Темурийлар давлатидаги маданий тикланиш даврининг ажралмас қисми бўлган. Унинг миниатюралари нафақат юксак эстетик гўзаллик, балки маънавий мазмун билан ҳам бой бўлган. Беҳзоднинг таъсири фақат Марказий Осиё билан чекланиб қолмаган. Унинг асарлари Шарқ ва Ғарб санъат алоқаларида муҳим роль ўйнаган ва Европа мусаввирлик санъатига ҳам таъсир қилган. Унинг ижоди ҳозирги кунгача дунё санъатининг муҳим қисми сифатида қадрланади. Унинг асарлари нафақат санъат асари сифатида, балки маънавий ва ахлоқий қийматга эга дурдона ҳисобланади.

Олтинчи сабаб – диний ва маънавий қадриятларнинг уйғунлашуви. Темурийлар даврида исломий қадриятлар ва миллий маданият бир-бирига уйғунлаштирилган. Бу жараён жамиятнинг маънавий юксалишига туртки берган. Масалан, ислом илм-фани ва ахлоқий қадриятларини ўрганиш марказлари – мадрасаларда фаолият кенгайган. Бу мадрасаларда нафақат диний илмлар, балки табиий фанлар, фалсафа ва адабиёт ҳам ўрганилган. Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) Марказий Осиёдаги энг машҳур тасаввуф уламолардан бири бўлиб, унинг номи бутун дунёга "Нақшбандия" тариқати асосчиси сифатида маълум. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёти ва мероси Исломнинг маънавий қирраларини чуқур тушуниш ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини намоён этишда муҳим ўрин тутди. Нақшбандия тариқати нафақат руҳий тарбияга, балки ижтимоий масъулиятга ҳам алоҳида эътибор қаратган. "Тасаввуф диний-фалсафий хусусиятга эга бўлган таълимот бўлиб, инсонни мувозанатда сақлаш, уйғун бўлиш, камолотга етишга ёрдам беради." [7, 169] Баҳоуддин Нақшбанднинг таълимоти жамиятнинг ҳар бир қатламига йўналтирилган бўлиб, унинг мақсади адолатли ва маънавий уйғун жамият барпо қилиш бўлган. Нақшбандия тариқати замонавий жамиятда ҳам маънавий тарбиянинг муҳим манбаи бўлиб қолмокда.

Марказий Осиё тарихидаги энг муҳим диний ва фалсафий шахслардан бири Хўжа Аҳрор Валий (1404–1490) бўлиб, унинг фаолияти нафақат диний доиралар, балки жамиятнинг турли қатламлари учун ҳам катта аҳамият касб этган. Хўжа Аҳрор Валийнинг диний-фалсафий мактаби инсон қалбини маънавий тарбиялаш, адолатли жамият қуриш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган. Хўжа Аҳрор ишонч ва меҳнат орқали нафақат шахсий муваффақиятга, балки жамият тараққиётига ҳам ҳисса қўшиш мумкинлигини тарғиб қилган. У жамиятнинг камбағал қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этган. Шарқшунос Ж.Бертелс таъкидлаганидек, "Хўжа Аҳрор Валийнинг таълимотлари Марказий Осиё маънавий ҳаётининг юксак чўққиларидан бири бўлиб, уларнинг таъсири нафақат дин, балки жамиятнинг барча соҳаларида сезиларли бўлган". [8, 78] Хўжа Аҳрор Валийнинг ғоялари нафақат суфийлик, балки Марказий Осиё жамиятининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ҳам чуқур из қолдирган. Унинг таълимотлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмокда ва маънавий тарбия учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Еттинчи сабаб – халқаро алоқалар ва маданий таъсирлар. Темурийлар давлати Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий мулоқот маркази бўлиб хизмат қилган. Турли халқлар ва маданиятларнинг алмашинуви илм-фан ва маданиятнинг янада ривожланишига имкон берган. Амир Темурнинг дипломатик алоқалари орқали минтақада маданий таъсирлар янада кучайган.

Саккизинчидан, “Иккинчи Ренессанс даври номи билан машҳур бўлган XIV–XV асрларда Марказий Осиёда давлатчилик, илм-фан ва маданиятнинг юксалиши Амир Темур ва темурийлар даврига тўғри келади. Ушбу давр илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига асос сифатида IX–XII асрлардаги Марказий Осиё ҳудудидаги биринчи Ренессанс даври ютуқларини кўрсатишимиз мумкин.” [9, 46]

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Иккинчи Ренессанс даврининг фалсафий моҳияти ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг давлатчилик тараққиёти билан бевосита боғлиқ эканлигини, маданий юксалиш нафақат илм-фан, балки маънавий ҳаётда ҳам юз берганини қайд этиш мумкин. Бу даврда неоплатонизм, рационализм ва гуманизм ғоялари алломалар асрларининг фалсафий моҳиятини ташкил этди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Янги Ўзбекистон. 2021 йил, 17 август, 165-сон. 1-бет.
2. B.Manz. “The Rise and Rule of Tamerlane”. Cambridge University Press, Cambridge, 1999, p. 134.
3. S.Soucek. “A History of Inner Asia”. Cambridge University Press, Cambridge, 2000, p. 154.
4. E.Sachau. “Alberuni’s India”. Kegan Paul, 1910, p. 231.
5. Sh.Blair and J.Bloom. “The Art and Architecture of Islam 1250-1800”. Yale University Press, New Haven, 1995, p. 89.
6. Bertels. “Navoi and Persian Literature”. Moscow, 1965, p. 87.
7. Г.Н.Наврўзова. Нақшбандия – камолот йўли. Тошкент, Фан. 2007. 169-бет.
8. J.Bertels. “Sufism and Society in Central Asia”. Moscow, 1965, p. 78.
9. И.Ҳамдамов. Мирзо Улуғбек даврида илм-фан ва маданиятнинг юксалишининг ижтимоий-фалсафий омиллари. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Issue – 2 № 6 (2021) / ISSN 2181-1415. – Б. 46.
10. Муминов А.Г. “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда Президент Ш. Мирзиёвнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асаридан фойдаланиш”. Журнал: Academic research in educational sciences, 2022, №3, 70-76 бетлар

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада Марказий Осиёдаги Иккинчи Ренессанс даврининг ижтимоий-фалсафий моҳияти тадқиқ қилиниб, унга таъсир қилган омиллар ўрганилган.

Калит сўзлар: Иккинчи Ренессанс, Темурийлар даври, уйғониш, сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт, илмий ривожланиш.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматривается социально-философская природа Второго Ренессанса в Центральной Азии и рассматриваются факторы, повлиявшие на него.

Ключевые слова: Второй Ренессанс, период Тимуридов, возрождение, политическая стабильность, экономическое развитие, научное развитие.

RESUME:

The article the socio-philosophical essence of the Second Renaissance in Central Asia is researched and the factors that influenced it are studied.

Keywords: Second Renaissance, Timurid period, renaissance, political stability, economic development, scientific development.

TA'LIM TIZIMIDA MEDIA SAVODXONLIK VA SUN'IY INTELLEKTDAN
FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI

Kadirova X.B. -

Nizomiy nomidagi TDPU dotsenti



10.24412/2181-7294-2025-1-7-10

Axborot texnologiyalari sohasidagi zamonaviy taraqqiyot va yangi raqamli media va o'quv vositalarining keng tarqalishi, media savodxonlik va axborot madaniyatini oshirishni ahamiyati tobora ortib borishga olib keldi. Bugungi kunda media savodxonlik deyarli butun dunyo ta'lim tizimida eng asosiy kompetensiyalardan biri deb tan olinmoqda.

Mavzuni yoritishda avval "mediasavodxonlik", "sun'iy intellekt" (SI), umuman "intellekt" xaqidagi tushunchani aniqlab olishimiz kerak.

YuNESKO media va axborot savodxonligini shakllantirish asoslarini ishlab chiqishda faol ishtirok etadi. Mediata'lim bo'yicha Gryunvald Deklaratsiyasida (1982), axborot savodxonligi va insonning butun hayoti davomida oladigan ta'limi bo'yicha "Axborot jamiyatining mayoqlari" Aleksandriya deklaratsiyasi (2005) va Parij YuNESKO kun tartibida (2007) belgilangan maqsadlarga erishishda YuNESKO a'zo davlatlarini qo'llab-quvvatlaydi.

Shuningdek, shaxs axborot madaniyatining muhim yo'nalishlaridan biri ta'limga kirib kelayotgan yangi atama mediasavodxonlik, sun'iy intellekt, mediakompetentlilik hisoblanib, u media ma'lumotlarni turli ko'rinishda uzatish va baholash, o'rganish, taxlil qilish, yetkaza bilish kabi ma'nolarni o'z ichiga oladi.

Umuman, ta'lim tizimi oldidagi ustuvor vazifalardan biri - yosh avlodga zamonaviy bilim berish bilan birga, ularni mustaqil fikrlovchi, umuminsoniy va milliy qadriyatlarni e'zozlovchi, yuksak insoniy fazilatlariga ega vatanparvar inson sifatida tarbiyalash hamda yoshlar ongida turli mafkuraviy tahdidlar va axborot xurujlariga qarshi ma'naviy immunitetni shakllantirishda mediasavodxonlik oid bilim malaka va ko'nikmalarini shakllantirishdan iboratdir. [1]

Mediasavodxonlik o'quvchilarga nafaqat axborotni iste'mol qilish, balki tanqidiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish, axborotni solishtirish va xulosalar chiqarish ko'nikmalarini ham beradi. Bu esa o'z navbatida ta'limning sifatini yanada oshirishga olib keladi.

Media tushunchasiga axborotni yaratish, nusxalashtirish, tarqatish vositasi hamda mualliflar va ommaviy auditoriya o'rtasida axborot almashinuvining texnik vositalari kiradi.

Germaniyada (nem. – medienkompetenz, ing. – media competence) mediakompetentlilikni "mediaga nisbatan malakaviy, mustaqil, ijodiy va ijtimoiy-mas'uliyatli harakatlar" qobiliyati sifatida tushuniladi [2].

Mediasavodxonlik – insonning jamiyatdagi fuqaro sifatidagi mas'uliyatini his qilgan holda faol va savodli bo'lishi, mediamatnlarni qabul qila olishi, yaratishi, tahlil eta olishi va baholashi, zamonaviy mediani ijtimoiy-madaniy va siyosiy mazmunini tushuna olishi demakdir.

Media va axborot savodxonligi nima uchun kerak?

Huquqiy demokratik jamiyatimizning to'laqonli, faol fuqarosi sifatida amalga oshirilayotgan islohotlar mazmun-mohiyatini tushinish;

OAV orqali uzatilayotgan va qabul qilinayotgan kundalik axborotni saralash ko'nikmalarini shakllantirish;

Axborot orqali inson ongini boshqarishga yo'l qo'yimaslik va har qanday vaziyatda to'g'ri qaror qabul qilish;

Insonning vizual obrazlar ta'siri ostida ijobiy yoki salbiy tomonga o'zgarishlarini tahlil eta olish va vizual xabarlar ostida beriladigan ko'rinmas ma'lumotlarni "o'qiy olish";

OAV orqali beriladigan matnli kommunikatsiyalar mohiyatini tahlil etish;

Axborot qaerdan, kim tomonidan va nima maqsadlarda uzatilyapti, kimning manfaatlarini o'zida aks etayapti degan savollarga javob topa olish uchun zarurdir

Mediasavodxonlik quyidagilarni o'z ichiga oladi. Bularga:

Estetik va kreativ ko'nikmalar - media kontentni ijobiy jihatdan anglash, yaratish va talqin etish qobiliyatini bildiradi. Media kontentni yaratish orqali o'quvchi mazkur ko'nikmalarni o'zida shakllantirishi mumkin.

Interfaollik ko'nikmalari- media orqali muloqat qilish va turli media rollarni bajarib ko'rish qobiliyatida namoyon bo'ladi. Mazkur ko'nikmalarni ta'lim va amaliyot doirasida rivojlantirish mumkin.

Tanqidiy tahlil ko'nikmalari- turli tahlil vositalaridan foydalangan holda, turli xil media kontentni talqin qila olish va ahamiyatini tushunishni bildiradi. Ushbu ko'nikmalar rang-barang mediakontent va janrlarni o'rganish orqali yaxshiroq rivojlanadi.

Xavfsizlik ko'nikmalari-murakkab vazifalardan chiqish va ularni oldini olish qobiliyatida namoyon bo'ladi. Virtual makondan xavfsiz foydalanish, shaxsiy makonni himoya qilish hamda zararli kontent va muloqotdan voz kechishni nazarda tutadi.

O'zbekistonda ham axborotlashtirish va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish orqali 2030 yilga qadar innovatsion taraqqiy etgan yetakchi davlatlar qatoridan o'rin egallash ustuvor vazifa sifatida belgilangan.[3]

Xususan, 2021 yilning 17 fevral kuni "Sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori qabul qilindi. Mazkur Qarordan ko'zlangan maqsad - "Raqamli O'zbekiston – 2030" Strategiyasiga muvofiq sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish va ularni mamlakatimizda keng qo'llash, raqamli ma'lumotlardan foydalanish imkoniyatini va ularning yuqori sifatini ta'minlash, ushbu sohada malakali kadrlar tayyorlash uchun qulay shart-sharoitlar yaratishdir.

Qarorda sun'iy intellekt texnologiyalarining qaysi sohalarda qay tarzda qo'llanilishi, bu borada ko'zda tutilgan vazifalar ham to'liq o'z aksini topgan.

Misol uchun qishloq xo'jaligi, bank, soliq, ta'lim, transport sohasida sun'iy intellekt texnologiyalarini qo'llash vazifalari belgilangan. Shuningdek, qarorda boshqa sohalarda ham sun'iy intellekt texnologiyalaridan keng foydalanish bo'yicha vazifalar o'rin olgan.

"Intellekt" so'zi lotincha "intellektus" so'zidan kelib chiqqan bo'lib, u bilish (aniqlash), tushunish yoki faxmlash (aql) ma'nosini beradi. "Intellekt" so'zini aniqlovchi, psixologlar tuzgan uchta tushunchani keltiramiz. Bu tushunchalar "intellekt" tushunchasi mazmunini aniqlash uchun yordam beradi. Intellekt - fikrlash kobiliyati, ratsional bilish va shunga o'xshash. Umumiy xolda esa fikrlash, shaxsni aqliy rivojlanishi sinonimi bo'lib xizmat qiladi. Intellekt (aql) - o'z xulqini sozlash yo'li bilan har qanday (ayniqsa yangi) xolatga yetarli baho berish qobiliyati. Intellekt - turmushdagi dalillar o'rtasidagi o'zaro borliqliqni tushunish qobiliyati. Bu qobiliyat belgilangan maqsadga erishishga olib boruvchi xarakatlarni ishlab chiqish uchun kerak bo'ladi. Yuqorida aniqlangan "intellekt" tushunchasidan shunday xulosa chiqarish mumkinki, ya'ni intellekt faqat insonlarga tegishli va odam aqliy qobiliyatining o'ziga xos o'lchovidir. Psixologlar shunday maxsus usullar yaratdilarki, bu usullar yordamida tajriba orqali odamning intellektual (aqliy) darajasini aniqlash mumkin. Intellekt – bu maqsadga erishishda zarur bo'ladigan omillar va usullar to'plamidan iborat bo'ldi.

Sun'iy intellekt texnologiyalari ta'lim sohasida katta o'zgarishlarga sabab bo'lmoqda. Adaptiv o'quv tizimlari yordamida ta'lim jarayoni individual ehtiyojlarga moslashtirilgan holda amalga oshirilishi, o'quvchilarning bilim olish jarayonini samarali va qiziqarli qilish imkonini yuzaga keltiradi. Shu sababli, SI texnologiyalarining ta'lim sohasidagi roli va ahamiyati yanada ortib bormoqda.

BIMT Birlashgan Millatlar Tashkilotining ixtisoslashgan muassasasi bo'lib, a'zo davlatlar uchun intellektual mulk, sun'iy intellekt, siyosat, axborot va hamkorlik xizmatlari bo'yicha global forum hisoblanadi. Barcha mamlakatlarning iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy rivojlanishi uchun ixtirolar va ijodkorlikni targ'ib qilish vakolatining bir qismi sifatida, a'zo davlatlar BIMTdan intellektual mulk va sun'iy intellekt siyosatini muhokama qilish uchun forum o'tkazishni so'rashdi. "BIMTning 2019-yildagi texnologiya tendensiyalari – Sun'iy intellekt" yig'ilishida nazariyadan amaliy qo'llanishga o'tayotgan sun'iy intellekt bilan bog'liq ixtirolar namoyish etildi. Sun'iy intellekt sohasidagi o'zgarishlarni tezlashtirishga yordam bergan bir qator omillar mavjudligi aytib o'tildi. Uchrashuvda BIMT Bosh deirektori Frensis Garri "Sun'iy inte llekt hayot tarzimiz va ishimizni o'zgartirish orqali dunyoga chuqur ta'sir ko'rsatadigan yangi raqamli chegaradir" deya ta'kidlab, BIMT muvozanatli va

samarali xalqaro intellektual mulk tizimini rivojlantirishga rahbarlik qilishini va barchaning manfaati uchun innovatsiyalar va ijodkorlikni qo'llab-quvvatlashini e'lon qildi. [4].

"Sun'iy intellekt" atamasi 1956 yilga kelib paydo bo'ldi. Shu yilning yozida AQShning Dartmut universitetida sun'iy tafakkur masalalari bo'yicha anjuman bo'lib o'tdi. Unda Klod Shennon (Bell Laboratories), Nataniel Rochester (IBM), Gerbert Saymon (Karnegi universiteti, Trenchard Mur (Prinston universiteti), Jon Makkarti (Dartmut universiteti), Marvin Minski (Garvard universiteti) kabi olimlar ishtirok etgan.

Ushbu anjumanda ma'ruza qilgan amerikalik informatika sohasidagi olim Jon Makkarti (1927–2011) "Artificial Intelligence" ("Sun'iy tafakkur") atamasi muallifi sifatida tarixda nom qoldirdi.

Sun'iy intellekt muayyan vazifalarni bajarishda inson xatti-harakatiga taqlid qilishga qodir bo'lgan tizim yoki texnologiya bo'lib, olingan ma'lumotlardan foydalanib asta-sekin mukammallashib boradi. [5]. Sun'iy intellekt format ham, funktsiya ham emas, balki bu jarayon bo'lib, ma'lumotlarni to'plash, yig'lgan ma'lumotlar asosida ma'lumotlarni tahlil qilish kabi jarayonlarni o'z ichiga oladi.

Uchinchidan, sun'iy intellekt mahsulotlari raqobatbardoshlikni mustahkamlash bilan birga boshqa foydali omillar uchun ko'plab samarali vositalarni taklif qila oladi. [6]

Sun'iy intellekt texnologiyalari ta'lim sohasida ko'plab yangi imkoniyatlarni taqdim etmoqda. Bularga 1. Ta'limni individuallashtirish. Sun'iy intellekt har bir o'quvchining bilim darajasini tahlil qilib, moslashtirilgan o'quv materiallarini taqdim etadi. O'quvchi o'z qobiliyatlari va imkoniyatlariga mos o'quv muhitida tahsil oladi.

2. O'qituvchi yordamchisi. Chatbotlar va interaktiv yordamchilar talabalar savollariga javob berib,, SI uy vazifalarini avtomatik tekshirish orqali o'qituvchilarning vaqtini tejaydi.

3. Ta'lim jarayonini avtomatlashtirish. Sun'iy intellekt umumiy o'quv jarayonlarini boshqarishda yordam beradi. Jumladan, test va imtihonlarni avtomatlashtirilgan tarzda baholash imkoniyati, o'quvchilarning darsdagi faoliyati va natijalarini tahlil qilib, ular qaerda qiyinchiliklarga duch kelayotgani haqida ma'lumot beradi, ta'lim jarayonining samaradorligini oshirish uchun tavsiyalar ishlab chiqadi.

4. Inklyuziv ta'limda. Ko'zi ojiz yoki eshitish qobiliyati cheklangan talabalar uchun maxsus vositalar yaratishda hamda jismoniy imkoniyati cheklangan talabalar bilan interaktiv aloqa uchun moslashtirilgan texnologiyalarni yaratishda sun'iy intellektdan foydalanish mumkin.

5. Immersiv texnologiyalarni tadbiq etishda. Virtual reallik (VR) va kengaytirilgan reallik (AR) texnologiyalari yordamida amaliy mashg'ulotlar va treninglarni tashkil qilish, o'quv fanlarida o'quvchilarini tibbiyot yoki muhandislik kabi sohalarga erta yo'naltirish uchun sun'iy muhitda amaliyot tashkil etiladi.

6. Xorijiy tillarni o'rganishda. SI asosida ishlab chiqilgan platformalar (masalan, Duolingo) til o'rganishni qiziqarli bo'lishiga yordam beradi. Turli tillarda taqdim etilgan materiallarni tarjima qilgan holda tushunishga yordam beradi. Bu o'quv resurslarining globallashtirishini ta'minlaydi va rivojlangan davlatlardagi metodologik yutuqlarni bilish va uni parallel ravishda ta'lim jarayoniga qo'llash imkoniyati taqdim etiladi.

Sun'iy intellektdan axloqiy foydalanishda quyidagi jihatlarga olohada e'tibor qaratish lozim.

Chatbotlardan har qanday shaxsiy ma'lumotlarini himoya qilish; Maxfiy hujjatlarni chatbotlarga kiritmaslik; Faqat ishonchli va litsenziyalik chatbotlardan foydalanish; Chatbotlarni asosiy manba sifatida emas aksincha qo'shimcha vosita sifatida ko'rish; Insoniy munosabatlarning ustunligini saqlashga amal qilish; Chatbotlar bergan ma'lumotlarni tegishli va asosli manbalardan tekshirish.

Ushbu yondashuv sun'iy intellekt texnologiyalaridan xavfsiz va axloqiy foydalanishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mediasavodxonlik va sun'iy intellektni ta'lim tizimida birgalikda qo'llash natijasida birinchidan o'quvchilarda mediasavodxonlikni rivojlantirish orqali axborotni to'g'ri tahlil qilish, muammolarni hal qilish va qarorlar qabul qilish ko'nikmalarini rivojlantirishga olib kelsa, ikkinchidan mediasavodxonlik va sun'iy intellektning integratsiyasi o'quvchilarda raqamli axborotdan mas'uliyatli foydalanish ko'nikmalarini shakllantiradi. Uchinchidan ta'lim sifatini oshirishda Sun'iy intellekt yordamida ta'lim jarayonini shaxsiylashtirish va optimallashtirish mumkin, mediasavodxonlikni

o'rgatish orqali esa o'quvchilarning axborotlarni tahlil qilishda ongli faoliyat yuritish imkoniyatlari yaratiladi.

O'quv jarayonida o'quvchilarning xulq-atvori haqida katta ma'lumotlar to'plab, ularni nafaqat olingan baholari bo'yicha, balki materialni o'zlashtira olish qobiliyati bo'yicha ham tasniflash mumkin: kimdir tez boshlaydi va tez charchaydi, kimdir esa sekinasta jarayonga kiradi, lekin keyinchalik tezlashadi. Bunday ma'lumotlar har bir o'quvchining xususiyatlarini hisobga olgan holda ta'lim tizimini moslashtirish imkonini beradi. Moslashuvchanlik-ta'limda sun'iy intellektni qo'llashning eng istiqbolli sohasi bo'lib, u ko'pincha ta'limni personallashtirish bilan birga olib boriladi. Ta'limda suniy intellektidan foydalanishning asosiy elementlaridan biri ta'lim faoliyatini sifat va samaradorligini oshirish uchun ta'lim tuzulmasiga oid ma'lumotlardan tezkor va qulay ko'rinishda foydalanishni taqozo qiladi. Buning asosiy mazmuni bir tomondan ta'lim faoliyati bilan bog'liq o'quv-uslubiy, o'quv qo'llanma, darsliklar, virtual resurslar va ilmiy ishlar hamda turli ko'rinishdagi xar-xil ma'lumotlardan an'anaviy va onlayn tizimlarda foydalanishni taqozo qilsa, ikkinchi tomondan ulardan foydalanishda turli dasturiy vositalarni qo'llab ta'lim tizimida ma'lumotlarni olishning zamonaviy usul va uslublari hamda o'quv jarayonida zamonaviy interfaol metod va metodikalardan foydalanish imkoniyatini yaratadi.

ADABIYOTLAR

1. X.B.Kadirova. Mediasavodxonlik mediata'limning uzviy bog'liq qismidir. Фалсафа ва ҳуқуқ. 2024/1.В.110-114
2. Эшанкулова С. Жаҳон кутубхоналарида сунъий интеллектдан фойдаланиш истикболлари. № 3 (35) 2023. Информационно-библиотечный “журнал” INFOLIB
3. Angeles J. Fundamentals of Robotic Mechanical Systems Theory, Methods, and Algorithms. -VerlagNew York, Inc., 2003. 545 p
4. <https://yuz.uz/news>
5. Муминов А.Г. Ўзбекистонда таълим тизими: ҳолати ва истикболлари. Журнал: Academic research in educational sciences, 2022, №3, 34-37 бетлар

REZYUME:

Ushbu maqolada media, mediasavodxonlik, axborot madaniyati va sun'iy intellekt kabi masalalarni ko'rib chiqadi.

Kalit so'zlar: O'quvchi, yoshlar, ta'lim, media, mediasavodxonlik, axborot madaniyati, intellekt, sun'iy intellekt.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматриваются такие вопросы, как медиа, медиаграмотность, информационная культура и искусственный интеллект.

Ключевые слова: Студент, молодежь, образование, медиа, медиаграмотность, информационная культура, интеллект, искусственный интеллект.

RESUME:

The article examines issues such as media, media literacy, information culture and artificial intelligence.

Key words: Student, youth, education, media, media literacy, information culture, intelligence, artificial intelligence.

YOSHLAR ISHINI TASHKIL ETISHNING KATEGORIAL TUZILMASINI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI

Xolmaxmatov A.H. -
O'zMU mustaqil izlanuvchisi

 10.24412/2181-7294-2025-1-11-14

Ko'plab huquqiy hamda davlat va jamiyat boshqaruvi sohasiga oid hujjatlar, shuningdek, turli publitsistik, tadqiqot ishlarida yoshlar tushunchasi bilan bir qatorda yoshlar sohasi tushunchasiga ham tez-tez murojaat qilinadi. Kundalik muloqotda mazkur tushunchadan keng foydalanilishiga muloqot ishtirokchilari ayni tushuncha borasidagi fikrlarni o'zaro bemaolol tushunishlariga qaramasdan uning kategoriya sifatidagi iste'molini tahlil etishga zarurat mavjud.

Yoshlarning quyi yosh chegaralarini ko'rish imkoni yuzaga keladi. Agar yoshlarda ularning hatti-harakatlari uchun javobgarlikni yengillashtiruvchi vositachilar (ular uchun javob beruvchi ota-onalar, pedagogik strukturalar) mavjud bo'lmagan holatda yosh deb qaralsa, demak yosh ko'rsatkichining quyi chegarasi shaxsga rasmiy-huquqiy javobgarlik yuklanadigan payt bilan bog'liq bo'lishi lozim. Soddaroq qilib aytganda qilmishlari uchun faqatgina o'zi javob berishi talab qilinadigan yosh ko'rsatkichi yoshlikni belgilovchi quyi chegarasi bo'la oladi. O'zbekistonda mazkur yosh 14 yosh qilib belgilangan bo'lib, u hech qanday maxsus nazariy tadqiqotlarsiz ham yuqoridagi me'zonlarga mos keladi.

Mazkur so'z birikmasining mantiqiy boshlang'ich asosi soha tushunchasi hisoblanadi. Bu atama esa ijtimoiy-siyosiy fanlarda to'laqonli bir ma'noli ta'riflangan deb bo'lmaydi. U iqtisodiy, sanoat, ta'lim, ilmiy va boshqa yo'nalishlardagi tushunchalar bilan birikma hosil qilgan holda keng qo'llaniladi. Ularning har birida jamiyatning ichki yaxlitlikka ega bo'lgan boshqalaridan alohida chegaralari bilan ajralib turuvchi qismi nazarda tutiladi[1].

Tushunchaning turli yo'nalishdagi ma'nolari qiyosan o'rganilsa, ulardagi mazmun aniq ko'zga tashlanadi. Ammo yoshlar bilan bog'liq yo'nalishlarda soha tushunchasini aniq tasavvur hosil qilish uchun, uning nazariy chegaralarini aniqlash lozim.

Yoshlar ishini tashkil etishning kategorial tuzilmasini takomillashtirish masalalarini ustvor yo'nalish sifatida tahlillarni amalga oshirgan olimlar qatoriga O.Nasriddinova, N.Jo'raev., F.Muxammedjanova, T.Alimardonov, Q.Quranboev, S.Abdunazarov, N.Turg'unova, D.Kattaxanova, F.Ravshanov, M.Yuldashev, kabi taniqli olimlarning izlanishlari va ilmiy ishlarini kiritish mumkin. Shuningdek, mazkur sohadagi ilmiy-nazariy qarashlar bir qator xorijiy olimlarning ishlarida ham o'z aksini topgan.

Tadqiqot olib borish davomida ob'yektivlik, tarixiylik, qiyosiy-tarixiy, tuzilmaviy, tuzilmaviy-funksional, tahlil va sintez, induksiya va deduksiya, hujjatlarni o'rganish, ma'lumotni qayta ishlash guruhlash kabi usullardan foydalanildi.

Har qanday jamiyat sohasining yadrosida unga mos ijtimoiy institut turadi. Ijtimoiy institut o'zida ijtimoiy hayot turli sub'yektlarning o'zaro aloqador faoliyatlaridan iborat barqaror tuzilmani namoyon qiladi. Ijtimoiy hayotning bunday sub'yektlari sifatida individlar, jamoat birlashmalari, davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari kabilarni kiritish mumkin[2]. Ijtimoiy hayot sub'yektlarini birgina yuqorida ko'rsatib o'tilganlar bilan cheklab qo'yish noo'rin. Aniqrog'i, sub'yektlar o'zgarib turishi mumkin. Masalan, sub'yektlikni tugatgan bir individ o'rnini boshqasi egallaganidek, faoliyati barham topgan tashkilot o'rniga yangisi tashkil etilishi mumkin. Sub'yektlarning almashinuviga qaramasdan, tuzilmaning o'zi ya'ni o'zaro aloqador faoliyati saqlanib qolaveradi. Albatta, tuzilma mutlaqo o'zgarmas xususiyatga ega deb bo'lmaydi, ammo u vorisiylik va o'z-o'ziga aynanlikni saqlab qoladi. Mazkur barqarorlik alohida sub'yektlarning turli sub'yektlarning xulq-atvor qoidalari va yo'nalganligini belgilab beruvchi ijtimoiy institutlarning o'zaro aloqador qadriyatlar va me'yorlar tizimi orqali ta'minlanadi. Ijtimoiy hayot sohalari o'zida tegishli qadriyatlar va me'yorlar tizimini qamrab oluvchi turli sub'yektlarning tashkillashgan va o'zaro aloqador faoliyatlarini anglatadi.

Shunday ekan, ijtimoiy institut nomoddiy qadriyatlar va me'yorlar tizimi bo'lib ijtimoiy hayot sohasi esa ana shu qadriyatlarni ro'yobga chiqarish uchun xizmat qiluvchi harakatlanuvchan moddiy tizim degan xulosaga kelish mumkin.

Konkret ijtimoiy institut va unga muvofiq ijtimoiy hayot sohasi o'rtasidagi munosabat mantig'i tarixiy genetik emas, aksincha, funksional karakter kasb etadi. Ijtimoiy hayot sohalari va unga muvofiq ijtimoiy institutlar tabiiy-tarixiy taraqqiyot mobaynida shakllanib boradi. Ammo, yoshlar sohasiga nisbatan qo'llanilganda vaziyat biroz boshqacha ko'rinish kasb etadi. Yoshlar sohasi tarixiy taraqqiyotning iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, ta'lim sohalari vujudga kelgandan ko'ra, kishilar biror bir sohaning shakllanishida ongli ravishda ishtirok etadigan bosqichida paydo bo'ldi. Shunga ko'ra, yoshlar sohasining chegaralari insonning nisbatan ongli faoliyati orqali belgilangan.

Albatta, yoshlar sohasining nazariy asoslari o'ta erkin konstruksiya mahsuli ekanligini anglatmaydi. Loyihalarning real voq'elikka nomuvofiq jihatlari uzoq muddat amal qilmaydi yoki ularni amalga oshirishning imkoni deyarli mavjud bo'lmaydi. Ammo shunga qaramay turli variantlarni tanlash imkoniyati mavjud bo'ladi. Bundan esa yoshlar sohasining yadrosini tashkil etadigan qadriyatlar va me'yorlar tizimini nazariy aks ettirish (refleksiyalash) yoki asoslash zarurati kelib chiqadi. Yoshlar bilan ishlash tuzilmasini mazkur nazariy refleksiya va uning konkret jamiyat xususiyatlariga nisbati asosida ishlab chiqish talab qilinadi.

Yoshlar sohasi qadriyatlari qatoriga yoshlarning sub'yektlik xususiyatini so'zsiz hurmat qilish, yoshlar sohasiga ijtimoiy miqyosda e'tibor qaratish, bu sohada professional faoliyat yurituvchi insonlarning yetarlicha yuqori ijtimoiy mavqeyiga hurmat bilan qarash kabilarni kiritish mumkin[3]. Sohaning eng muhim fundamental me'yori sifatida yoshlar sohasida boshqa sub'yektlar bilan o'zaro hamkorlikda professional faoliyat yurituvchi kishilarga yoshlarning murojaat qilishi me'yorini keltirish mumkin. Mazkur me'yor vaqt o'tishi bilan xuddi bolaning maktabda tahsil olishi kabi odatiy holga aylanishi lozim. Yoshlar sohasida faoliyat yurituvchi sub'yektlar qatoriga yoshlar bilan ishlashga ixtisoslashgan yoshlar, yoshlar tashkilotlari, davlat va mahalliy hokimiyat organlari, yoshlar bilan ishlovchi kadrlar tayyorlaydigan ta'lim muassasalari, yoshlar muammolari bilan shug'ullanuvchi jamoat tashkilotlari, shuningdek, yoshlar bilan ishlovchi yoki shunga tayyor bo'lgan har qanday boshqa sub'yektlarni ham kiritish mumkin.

Yevropadagi yoshlar bilan bog'liq masalalar, dasturlar va loyihalarni amalga oshirish jarayonlarini umumlashtirish maqsadida mintaqada amal qiluvchi hujjatlarda "yoshlar ishi" tushunchasi qo'llaniladi.

Yoshlar ishi ma'nosida qo'llanadigan "youth work" atamasini o'zbek tiliga to'g'ridan to'g'ri tarjima qilish bir muncha murakkab.

Turli xil manbalar va hujjatlar tahlili asosida xorijda qo'llaniladigan yoshlar ishi tushunchasi mazmunini quyidagicha ifodalash mumkin:

- yoshlar masalalariga yo'naltirilgan ijtimoiy ish;
- yoshlar siyosatini umumiy darajada amalga oshirish;
- inqirozli vaziyatlarda ijtimoiy ko'mak ko'rsatish;
- yoshlarning aniq muammolarini hal qilishga yo'naltirilgan xizmatlar faoliyati[4].

Shuningdek, sohaga oid o'quv qo'llanmalar, ilmiy publististik materiallarda ham "yoshlar ishi" tushunchasi keng qo'llaniladi. Mazkur tushuncha yoshlar bilan professional ishlashni nazarda tutuvchi faoliyat turiga nisbatan qo'llaniladi.

Buni "yoshlar ijtimoiy ishi", "yoshlar ijtimoiy-pedagogik ishi", "yoshlar tarbiya ishi", "psixokorreksiya ishi", "reabilitatsiya ishi" kabilarda ko'rish mumkin.

Kasbiy xususiyatlari va mutaxassisligiga qarab har bir yosh yoshlar ishining ob'yekti va sub'yekti bo'lishi mumkin. Agar biror bir yosh kishi o'z muammosini shaxsan o'zi hal qila olmasa, yoki mazkur vaziyatda unga nisbatan paternalistik yondashuv qo'llanilsa, u holda bunday shaxs professional faoliyatning (yoshlar ishining) ob'yekti hisoblanadi. Professionallar bilan hamkorlikda o'z muammolarini hal qila oladigan, o'zini-o'zi rivojlantira oladigan o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqara oladigan yosh kishini yoshlar ishining sub'yekti deyish mumkin.

Mamlakatimizda bu boradagi vazifalar muhimligi yoshlar qatlamining jamiyatda boshqa qatlamlarga nisbatan ko'pligini tashkil etishidadir. Shu sababdan yoshlarimizning siyosiy ongi,

madaniyati hamda demokratik qadriyatlarni ustuvor bo'lishi biz qurmoqchi bo'lgan jamiyatning tayanchi va ishonchi bo'lib xizmat qiladi[5].

Yoshlar ishi mutaxassisning alohida yosh kishi bilan ishlashini nazarda tutuvchi individual, yoshlarning katta guruhlariga qaratilgan yoki alohida xususiyatlariga ega (masalan, psixokorreksion) yoshlar guruhi bilan ishlashga qaratilgan bo'lishi mumkin. Shuningdek, mazkur faoliyat yoshlarning nisbatan katta guruhiga qaratilgan bo'lishi ham mumkin. Masalan, maktab, kollej va OTMlarda yo'lga qo'yilgan tarbiya masalalariga yo'naltirilgan yoshlar ishi.

Yoshlar ishi uni amalga oshiradigan muassasa, tashkilotlarning yo'nalishi va ixtisosliklariga ko'ra ham farqlanadi. Masalan, tarbiya ishi, bo'sh vaqt va madaniyat ishi, kasbga yo'naltiruvchi, profilaktika ishi, yashash joyiga ko'ra yoshlar ishi, korxonalar bo'yicha yoshlar ishi va boshqalar.

Yoshlar ishining tashkilot, muassasalar faoliyat yo'nalishlaridan mustaqil ravishdagi tavsifi tizimlilik, izchillik, uni tashkil etish uchun zarur bo'lgan sharoitning yaratilganligi, kadrlar bilan ta'minlanganlik kabilar bilan belgilanadi[6].

Yoshlar ishi yaxlit ijtimoiy hodisa bo'lib, u o'zida oila, yaqin atrof-muhit, maktab, an'anaviy va professional yoshlar ishi mutaxassislari tarbiyasini ko'rgan tengdoshlar kabi barcha ijtimoiy tarbiya va yoshlarni shakllantirish sub'yektlarini birlashtiradi.

Yoshlar ishi yoshlar bilan alohida-alohida ishlashni emas, balki tizimli tashkil etilgan professional faoliyat turini anglatadi.

Aynan yoshlar bilan ishlashda harakatlarning o'zaro aloqadorligi va faoliyatning tizimlashganligi yoshlar ishining muhim tavsifi hisoblanadi. Yoshlar ishi tizim ya'ni yaxlitlik hosil qilishi lozim. Ushbu yaxlitlik esa sohani tashkil etadi. Yoshlar ishi yoshlar turmush sifatini yaxshilashga yo'naltirilgan rejalashtirilgan amaliy chora-tadbirlar umumlashmasidir.

Yoshlar ishining quyidagi asosiy vazifalarini ajratib ko'rsatish mumkin:

1) yoshlarning intellektual ijodiy salohiyatini rivojlantirish uchun zaruriy sharoitlar yaratish orqali ularning tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash va motivatsiyalash;

2) yoshlarga noformal ta'lim yo'nalishlari orqali hayot ko'nikmalari, bilim, kompetensiya olishlari uchun imkoniyatlar yaratish;

3) yoshlarga bo'sh vaqtdan unumli foydalanishi uchun qulay imkoniyat yaratish;

4) yoshlarni ularning ehtiyojlari va taraqqiyoti uchun zarur axborotlar bilan ta'minlash.

Yoshlar ishi yoshlarga oid davlat siyosatining tegishli sohalariga muvofiq davlat hokimiyati va o'z-o'zini boshqarish organlari, shuningdek, turli muassasalar, jumladan, yoshlar tashkilotlari hamda yoshlar tashabbus guruhlarini tomonidan amalga oshiriladi.

Yoshlar ishining bosh maqsadi yoshlarga ijtimoiy kompetentlik taqdim etishdan iborat.

Bir so'z bilan aytganda yoshlar ishi yoshlarning individual xususiyatlari, muammolari, ehtiyojlari va manfaatlarini hisobga olgan holda amalga oshiriladigan professional faoliyat sohasi hisoblanadi.

Yoshlar ishi sohasi o'z ichiga yoshlarning joriy vaqt va joriy sharoitda dolzarb bo'lgan ehtiyojlarini qondiradigan, ularning muammolarini hal qilib qiziqishlarini rivojlantiradigan yosh kishilarni ham tashkilot va muassasalarni ham qamrab oladi.

Umuman olganda yoshlar, yoshlar sohasi va yoshlar ishi tushunchalari yoshlarga oid davlat siyosatining tarkibiy elementlari sifatida metodologik asosi hamda kategorial apparatini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu tushunchalar nazariy jihatdan yoshlar siyosatining ob'yekti, sub'yekti modellari kabilardan iborat kategorial apparatini shakllantirib, yoshlar siyosati mohiyatini ochib berishga qaratilgan metodologik yondashuvlar evolyusiyasining tahliliga imkon ochsa, amaliy jihatdan yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishning mexanizm va texnologiyalarini samarali qo'llash imkonini beradi. Buning uchun esa eng avvalo yoshlarga oid davlat siyosatining konseptual-metodologik asoslari o'rganilib shu asosda muayyan mamlakat (masalan O'zbekiston) hududidagi yoshlarga oid davlat siyosati elementlari hisoblanuvchi yuqoridagi tushunchalarning (yoshlar, yoshlar sohasi, yoshlar ishi) institutsionallashtirish jarayonlari ko'rib chiqilishi lozim.

ADABIYOTLAR:

1. O.Nasriddinova Huquqiy madaniyat-fuqarolik jamiyati shakllantirishda muhim omil (talaba yoshlar misolida): Yurid.fan.nomz.dis.-Toshkent.: TDYuI 2009, B-21.
2. N.Jo'raev. Yangilanish konsepsiyasi: yaratilishi, evolyusiyasi va amaliyoti. – T.: Ma'naviyat, 2002. – B. 43.
3. F.Muxammedjanova Axborot globallashuvi va yoshlar ma'naviyati. //Yoshlarni axborot-psixologik xurujlardan himoya qilish texnologiyalari:nazariya va amaliyot Respublika ilmiy-amaliy konfrensiyasi materiallari. Toshkent, 2012.B – 32.
4. Социально-молодежная работа : международный опыт : учебно-методическое пособие. – Москва, 2014. С – 57.
5. Т.Алимардонов “Ёшлар ишончи демократия таянчи” “Туркистон” газетасининг 2006 йил 4 апрелдаги 1-сони
6. Теория и практика воспитательных систем /отв. ред. Л. И. Новикова. – Москва : Изд-во ИТП и МИО РАО, 2013. – Кн. 1.С – 143.

REZYUME:

Mazkur maqolada yoshlar ishini tashkil etishning kategorial tuzilmasi va uni takomillashtirish masalalari bilan bog'liq tadqiqotlar tahliliga e'tibor qaratilib, ushbu masalalarning yechimlari mahalliy va davlat boshqaruvi, sotsiologiya, ijtimoiy ish, pedagogika sohasidagi amaliyotchi va nazariyotchi mutaxassislarning qarashlari asosida ochib beriladi.

Kalit so'zlar: yoshlar ishi, yoshlar siyosati, demografik guruh, maktab o'quvchisi, litsey o'quvchisi, kollej o'quvchisi.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье основное внимание уделяется анализу исследований, связанных с категориальной структурой организации молодежной работы и вопросами ее совершенствования, а также раскрываются пути решения этих вопросов на основе взглядов практиков и теоретиков в области местного и государственного управления, социологии, социальной работы и педагогики.

Ключевые слова: молодежная работа, молодежная политика, демографическая группа, школьник, старшеклассник, студент колледжа.

RESUME:

This article focuses on the analysis of research related to the categorical structure of the organization of youth work and issues of its improvement, and also reveals ways to solve these issues based on the views of practitioners and theorists in the field of local and public administration, sociology, social work and pedagogy.

Key words: youth work, youth policy, demographic group, schoolchild, high school student, college student.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ МАҚОМИ ТАҲЛИЛИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Қодиров Б.Б. -

ТКТИ проректори,
юримдик фанлар доктори, профессор

Бекмуродов Д.Б. -

ТДЮУ талабаси

 10.24412/2181-7294-2025-1-15-19

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 5 февраль куни ўтказилган “2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар” юзасидан видеоселектор йиғилишида “Олий таълим муассасаларининг мақомини белгилаш бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилиши, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига 116 та олийгоҳни ўрганиб, уларни йириклаштириш дастурини ишлаб чиқиш, уларга “миллий”, “давлат” университети, академия ёки институт мақомини беришнинг аниқ мезонларини белгилаш топширилди”.

Бугунги шиддат билан тараққий этиб бораётган жамиятда ҳар жабҳада содир бўлаётган ўзгаришлар айрим масалаларни қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Айниқса, ижтимоий соҳаларнинг асосий йўналиши ҳисобланган таълим, шу жумладан олий таълим тизимида ҳам айтили вақтда мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва жиддий ислохотларни амалга ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Давлатимиз раҳбари: “аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичига айланган бугунги шароитда тараққиётнинг муҳим омили сифатида таълимнинг роли ортиб бормоқда”, дея мазкур соҳанинг нақадар аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Бутун дунёда таълим ҳамда илм-фанга эътибор тобора ортиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда олий таълим соҳасида жуда катта ўзгаришлар бўлганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Давлат олий таълим муассасалари сони бир неча баробарга ошди. Нодавлат олий таълим ташкилотлари тармоғи ҳам анча кенгайди. Олий таълим қамрови даражаси 9 фоиздан 42 фоизга етди. Бироқ, замонавий технологиялардан келиб чиқиб, таълим сифатини таъминлаш бугунги кунга жавоб бераётгани, тайёрланаётган олий маълумотли кадрлар эса иш берувчилар талабига мос келаяптими, деган қатор саволлар долзарблигича қолмоқда. Олий таълим тизимида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аниқ механизмлари ҳақида ошқора гапирмас эканмиз, биз истаган ва кутган натижаларга эриша олмаймиз.

Шу боис ҳам жорий йилнинг 5 февраль куни мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида ўтказилган “2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар” юзасидан видеоселектор йиғилишида олий таълим тизимида мавжуд муаммолар муҳокама қилинди ва уларни бартараф этиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Дарҳақиқат, айтили вақтда таълим қонунчилиги ва тизимдаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, уларнинг ечими бўйича ишлар амалга оширилиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ташкилот, шу жумладан олий таълим муассасасининг фаолияти унинг юридик табиати билан белгиланади. Юридик тадқиқотларда олий таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақомига оид умумий таърифлар берилган бўлса-да, турлича қарашлар мавжуд. Олий таълим муассасасининг мақоми бир нечта асосий қисмларга ажратилади. Мақсад ва вазифалар, олий таълим муассасасини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, фаолият йўналишлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, бошқариш тартиби, таркибий тузилмаси, шунингдек, юклатилган вазифаларни амалга ошириш механизмлари, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва бошқа йўналишлар орқали намоён бўлади.

Юридик шахслар тизимида давлат олий таълим муассасаси тижоратчи бўлмаган ташкилотлар тоифасига кириб, асосий мақсади даромад топиш ҳисобланмайди, шунингдек, ишлаб топилган даромадлар муассислар ўртасида бўлинмайди. Давлат олий таълим муассасасининг асосий мақсади эса иқтисодиётнинг реал соҳалари учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Шунга қарамасдан олий таълим муассасалари кадрлар тайёрлаш ва тадбиркорлик фаолияти орқали бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан муайян даромадлар ҳам олади. Бироқ, бугунги кунда рақобат муҳитини яратиш мақсадида ташкил этилаётган нодавлат олий таълим ташкилотларининг асосий мақсади эса даромад топишга қаратилганлигини кузатиш мумкин. Кадрлар тайёрлаш сифати ва рақобатбардошлиги масаласига эътибор қаратилмаяпти. Шунинг учун ҳам деярли барча нодавлат олий таълим ташкилотларида муҳандислик-технология йўналишларида эмас, балки асосан ижтимоий-гуманитар йўналишларида кадрлар тайёрланмоқда.

Ўз навбатида, олий таълим муассасаларининг мақомини кўриб чиқишда уларнинг номланиши турлича эканлигига гувоҳи бўламиз. Масалан, кўпгина хорижий олимларнинг фикрига кўра, қонунчиликда олий таълим муассасаларига “муассаса”, “таълим муассасаси”, “бюджет муассасаси”, “таълим ташкилоти” ва “нотижорат таълим ташкилоти” каби ибораларнинг қўлланилиши “олий таълим муассасаси” тушунчасининг бир хил талқин этилмаслигига олиб келади. Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам олий таълим муассасалари мақоми билан боғлиқ тегишли мезонлар белгиланмаган.

Айнан шунинг учун ҳам Давлатимиз раҳбари ҳозирги вақтда долзарб бўлиб турган **“олий таълим муассасаларининг мақомини белгилаш бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилиши, уларга “миллий”, “давлат” университети, академия ёки институт мақомини беришнинг аниқ мезонларини белгилаш”** масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Бугунги кунда республикамызда мавжуд норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, “Таълим тўғрисида”ги [2] қонунда таълим муассасалари мақоми турлича талқин қилинади. Қонуннинг асосий тушунчалар акс эттирилган 3-моддасида **“давлат таълим муассасаси”** ва **“нодавлат таълим ташкилоти”**га таърифлар берилган. Демак, давлатга қарашли муассасага **“таълим муассасаси”**, нодавлат муассаса эса, **“таълим ташкилоти”** сифатида белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Аммо, қонун матнида давлат ёки нодавлат ҳисобланишидан қатъи назар **60** та жойда **“таълим муассасаси”** деб юритилган бўлса, **215** та жойда **“таълим ташкилоти”** дея келтириб ўтилган. Шунинг учун ҳужжатларда ҳанузгача турлича, яъни айрим жойларда таълим ташкилоти деб юрилаётган бўлса, баъзи ҳужжатларда таълим муассасаси деб ёзилиб келинади.

Ташкилот ва муассаса тушунчалари амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг [1] 40-моддасида фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ушбу Кодексда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкинлиги назарда тутилган. Бундан ташқари, Кодекснинг 76-моддасида бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланиши белгиланган. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси ижтимоий вазифаларни амалга ошириши, шунингдек асосий фаолияти тижоратчиликдан иборат бўлмаганлиги сабабли ташкилот ёки муассаса деб аталиши масаласини кўриб чиқилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, 2003 йилда тасдиқланган “Олий таълим тўғрисидаги низом”га [7] мувофиқ мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг университет, академия ва институт каби турлари белгиланган. Унга кўра **университет** таълим ва билимнинг бир қанча соҳалари,

академия билим ва таълимнинг муайян соҳалари, **институт** эса одатда билимнинг бир соҳаси доирасида олий ва ундан кейинги таълим дастурларини амалга ошириши мустаҳкамланган. Бу ҳолатда ҳам бугунги кунда республикада фаолият кўрсатаётган университет, академия ва институтларда кадрлар тайёрлаш йўналишлари турлича йўлга қўйилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, баъзи университетлар бир қанча эмас, балки муайян соҳа бўйича кадрлар тайёрлаётган бўлса, айрим институтлар муайян соҳа эмас, балки турли йўналишларда мутахассислар тайёрламоқда. Айниқса, бу ҳолат нодавлат олий таълим ташкилотларида кўпроқ кузатилади. Қолаверса, нодавлат олий таълим ташкилотларининг номланишига ҳам эътибор қаратилмаяпти. Афсуски, етарли моддий-техника базаси ҳамда профессор-ўқитувчилар салоҳиятига, зарур ўқув адабиётлари фондига эга бўлмаган ҳолатларда ҳам ташкил этилган нодавлат олий таълим ташкилотлари учрайди. Шу билан бир қаторда йигирма йил олдин тасдиқланган “Олий таълим тўғрисидаги низом” [7] ҳам бугунги кундаги талаблар ва янги қабул қилинган ҳужжатлар асосида қайта кўриб чиқилиши лозим.

Шу ўринда кейинги йилларда давлат олий таълим муассасаларига берилган эркинликлар қандай натижа бераётганлиги ҳақида тўхталиб ўтиш даркор. Олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда шу орқали ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сон [4] ва ПҚ-61-сон [5] қарорларига мувофиқ 2022 йилдан республикадаги **40** та давлат олий таълим муассасалари **мақоми жиҳатдан ташкилий, академик ва молиявий мустақилликка эга бўлди** ҳамда уларга қатор масалаларда мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилди.

Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида васийлик кенгашлари тугатилиб, **таркибининг камида 70 фоизи** тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз олий таълим муассасаларининг Кузатув кенгашлари ташкил этилди.

Дарҳақиқат, ташкилий, академик ва молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида ўқув режалари, фан дастурлари ва малка талабларини ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларини яратиш ва таълим жараёнига жорий этиш, таркибий тузилмасини тасдиқлаш, хорижий фуқароларни ишга қабул қилиш, иш ҳақи миқдорларини белгилаш, тўлов-контракт муддатларини белгилаш, тўлов-контракт асосида қабул квоталарини шакллантириш ва бошқа шу каби қатор масалаларни мустақил амалга ошириши олий таълим муассасалари учун кенг имкониятларни яратиб берди.

Шу билан бир қаторда, **тан олиш керакки, Кузатув кенгашларига берилган баъзи ваколатлар тўлақонли татбиқ этилаяпти деб бўлмайди**. Кузатув кенгашларига молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасалари ректор ва проректорларини лавозимга тайинлаш ёки лавозимидан озод этиш ваколати берилган бўлиб, ректор ва проректор лавозимларига номзодларни кўриб чиқиш ҳамда танлаш механизми ёки тартиби мавжуд эмас. Олий таълим муассасасини ривожлантириш ва унинг молиявий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилоти кўринишида мақсадли капитал жамғармасини шакллантириш Кузатув кенгашларининг асосий ваколати этиб белгиланган бўлиб, ушбу йўналишда ҳам амалга оширадиган ишлар талайгина.

Қайд этиш керакки, аҳолининг тўлов қобилиятлари ҳисобга олинган ҳолда сўнгги 3-4 йил давомида талабаларнинг тўлов-контракт миқдорлари оширилмасдан сақланиб келинаётганлиги албатта тақсинга лойиқ. Аммо, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошлари, коммунал тўловлар ва бошқа сақлаш харажатлари бир неча баробарга ошганлиги бир нафар талабага йил мобайнида сарфланаётган харажатларни қоплашга сезиларли таъсир этмоқда. Натижада, сарфланган харажат даромаддан ошиб кетмоқда. Шунинг учун бу масалани ҳам кўриб чиқиш айтиш вақтида муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларининг Кузатув кенгашлари ваколатларини қайта кўриб чиқиш, мавжуд механизмларни амалга ошириш учун тажриба-синов тариқасида айрим давлат олий таълим муассасаларида қўллаш орқали ижобий

самара берган тақдирдагина бошқа олий таълим муассасаларига ҳам татбиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, хорижий давлатларда бўлгани каби мамлакатимиз олий таълим муассасалари ҳузурида **собик талабалар, яъни битирувчиларнинг нодавлат шаклдаги жамғармаси** ташкил этилса, албатта олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилган бўлар эди.

Айни вақтда таълим ислохотларини жадаллаштириш зарурати пайдо бўлаётганлиги сабабли мавжуд муаммолар ечими юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, Президентимизнинг 2024 йил 2 февралдаги **“Таълим соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ПҚ-54-сон [6] қарорининг қабул қилиниши айнан юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, таълим соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ошириш, таълим муассасаларида ўқув жараёнлари ва хизматлар кўрсатишни янги тамойиллар асосида ташкил этиш, таълим хизматлари сифатини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш, ислохотларни янада жадаллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, қарор билан давлат муассасаси шаклида ташкил этилган **“Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази”** лойиҳа офисининг таълим соҳасини ислоҳ қилишдаги асосий фаолият йўналишлари, ваколат ва ҳуқуқлари белгилаб берилди. Айниқса, таълимга оид масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Лойиҳа офиси билан келишилиши шартлиги белгиланганлиги ҳам таълим қонунчилигидаги бўшлиқлар ва ноаниқликларни бартараф этиш учун муҳим пойдевор яратади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, фикримизча, Лойиҳа офиси нафақат таълим дастурлари, балки бутун бир узлуксиз таълим, шу жумладан олий таълимга оид қабул қилинган қонунлардан тортиб, барча қонуности ҳужжатларни таҳлил қилиши ҳамда тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши зарур. Бу борада қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, “Таълим тўғрисида”ги қонун [2] билан бир қаторда “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” қонун [3] қабул қилинган бўлиб, бизнингча, яхлит **“Таълим кодекси”**ни яратиш концепцияси бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, олий таълимга оид муносабатларни тартибга солувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш чораларини кўриш лозим.

Учинчидан, халқаро тажрибалар асосида олий таълим муассасалари раҳбарлари, шу жумладан **ректорларни танлаш ва тайинлаш (сайлаш)нинг янги механизмларини** тажриба тариқасида босқичма-босқич татбиқ этишни кўриб чиқиш керак.

Тўртинчидан, чуқур таҳлиллар ва пухта ишланган тавсиялар асосида **“Таълим соҳасини ривожлантиришнинг миллий дастури”** ёки **“Таълимни ривожлантириш стратегияси - 2030”** лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Таълим соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-54-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2003 йил 9 январдаги 9-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим тўғрисидаги низом” (давлат рўйхати 1222, 2003 йил 22 февраль).

РЕЗЮМЕ:

Мақолада олий таълим муассасасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, университет, академия, институтларнинг мақоми ва номланиши, таълим қонунчилиги таҳлил қилинган ва мавжуд муаммолар юзасидан таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасаси, ташкилий-ҳуқуқий шакл, мақом, нодавлат таълим ташкилоти, таълим қонунчилиги, университет, академия, институт, кузатув кенгаши, лойиҳа офиси.

РЕЗЮМЕ:

В статье анализируется организационно-правовая форма высшего образовательного учреждения, статус и название университетов, академий, институтов, образовательное законодательство, а также высказываются предложения по существующим проблемам.

Ключевые слова: высшее образовательное учреждение, организационно-правовая форма, статус, негосударственная образовательная организация, образовательное законодательство, университет, академия, институт, наблюдательный совет, проектный офис.

RESUME:

The article analyzes the organizational and legal form of a higher educational institution, the status and name of universities, academies, institutes, educational legislation, and also makes proposals on existing problems.

Keywords: higher educational institution, organizational and legal form, status, non-state educational organization, educational legislation, university, academy, institute, supervisory board, project office.

INSON KARITALINI RIVOJLANISHIGA TA'SIR KO'RSATUVCHI OMILLAR

Xomidjonov U. -

*O'zJOKU o'qituvchisi,
sotsiologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

doi 10.24412/2181-7294-2025-1-20-26


Bugungi kunda barcha sohalaridagi rivojlanish ko'rsatkichlarini baholovchi juda ko'plab indikatorlar mavjud. Jumladan, iqtisodiy, demografik, tenglik, ijtimoiy sotsial, rivojlanish indikatorlarini bunga misol qilib keltirishimiz mumkin. Ijtimoiy-iqtisodiy indikatorlar mamlakatlar va mintaqalarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining turli jihatlarini o'lchash uchun keng qo'llaniladi. Quyida eng keng tarqalgan ijtimoiy-iqtisodiy ko'rsatkichlar keltirib o'tamiz:

YaIM (yalpi ichki mahsulot): bu ma'lum bir vaqt ichida (odatda bir yil) mamlakat ichida ishlab chiqarilgan barcha tovarlar va xizmatlarning umumiy qiymatini anglatadi. YaIM iqtisodiy rivojlanishning asosiy ko'rsatkichidir va odatda turli mamlakatlarning iqtisodiy ko'rsatkichlarini taqqoslash uchun ishlatiladi.

Aholi jon boshiga YaIM: bu mamlakat yalpi ichki mahsulotining uning umumiy aholisiga bo'lingan qiymatidir. Ushbu ko'rsatkich mamlakatdagi fuqarolarning o'rtacha daromadlari va farovonligini baholashga yordam beradi. "Inson taraqqiyoti indeksi" bu nafaqat iqtisodiy o'sishni, balki umr ko'rish davomiyligi, ta'lim va turmush darajasi kabi omillarni ham hisobga oladigan keng qamrovli ko'rsatkichdir". Bu bizga mamlakatda inson taraqqiyotining umumiy darajasini baholash imkonini beradi. Qashshoqlik darajasi: ushbu ko'rsatkich ma'lum daromad darajasidan tashqarida yashovchi yoki oziq-ovqat, uy-joy, sog'liqni saqlash va ta'lim kabi asosiy xizmatlar va resurslardan yetarli darajada foydalana olmaydigan aholining ulushini o'lchaydi. Ishsizlik darajasi: bu ishchi kuchining umumiy soniga nisbatan faol ish izlayotgan mehnatga layoqatli yoshdagi odamlarning ulushini anglatadi. Ishsizlik darajasi mehnat bozori holati va iqtisodiy barqarorlikning muhim ko'rsatkichi hisoblanadi. Savodxonlik darajasi: bu biror mamlakatdagi ma'lum bir yosh guruhidagi savodli odamlarning foizidan kelib chiqadi. Savodxonlikning yuqori darajasi mamlakatdagi ta'lim sifatining ko'rsatkichi hisoblanadi.

Shuningdek, inson kapitali rivojlanishini baholashning eng mashxur indikatorlaridan biri sifatida Jahon banki tomonidan yuritib kelinadigan Inson kapitali indeksi e'tirof etiladi. Bu indeks jaxon banki guruhi tomonidan ishlab chiqilgan va inson kapitalini rivojlantirish loyihasi (Human Capital Project) doirasida foydalaniladigan dunyo mamlakatlari va mintaqalarida inson kapitalining rivojlanish darajasini o'lchovchi birlashtirilgan ko'rsatkich (indikator) hisoblanadi.

Fikrimizcha, inson kapitali deganda odamlar butun hayoti davomida to'playdigan bilim, ko'nikma va sihat salomatlikdan iborat bo'lib, bu ularga jamiyatning foydali va samarali a'zolari sifatida o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga imkon berishi tushuniladi. Ishlab chiqarish jarayonida inson kapitali jismoniy kapitalni to'ldiradi, ijtimoiy taraqqiyot va uzoq muddatli iqtisodiy o'sish uchun muhim manba bo'lib xizmat qiladi. "Sifatli sog'liqni saqlash, ta'lim, ko'nikma va ish joylari orqali odamlarga sarmoya kiritishni 3 darajali indeks komponentlari quyidagilardan iborat" [1]. (1-rasm);




1-rasm. Inson karitali indeksi komponentlari. Muallif tomonidan chizmaga solingan.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. So‘nggi paytlarda tadqiqotchi olimlar tomonidan inson kapitali komponentlariga ijtimoiy himoya omili ham qo‘shildi. Jumladan, sotsiolog olima X.Xusanovaning fikricha, ...”aholining ijtimoiy himoyalanganlik darajasini ko‘rsatuvchi iste’molchilik sarf-harajatlari, uy-joy, kiyim-kechak, oziq-ovqat kabi ijtimoiy-maishiy turmush inson kapitalini rivojlantiruvchi omillar sifatida e’tirof etilmoqda” [2].

Yangi davrda inson kapitali rivojlanish jarayonlarini baholashning turli xil xalqaro indikatorlari yaratilib, bu sohada dunyo ekspertlari qator ilmiy tadqiqotlarni amalga oshirmoqdalar. Jumladan, BMT taraqqiyot dasturi ekspertlari tomonidan inson taraqqiyoti indeksi yuritib kelinadi. Inson taraqqiyoti konsepsiyasi BMT Taraqqiyot Dasturi tomonidan ishlab chiqilgan eng taniqli intellektual mahsulotlardan biri sifatida e’tirof etiladi. Uning dasturiy elementlari: inson taraqqiyoti konsepsiyasi, shuningdek ushbu mavzu bo‘yicha global, milliy va mintaqaviy ma’ruzalardan iborat.

BMT taraqqiyot dasturi dunyo mamlakatlarining iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyotini baholovchi birinchi ma’ruzasini e’lon qilib, unda inson taraqqiyoti konsepsiyasini quyidagicha shakllantiridi: "Inson taraqqiyoti-bu tanlov doirasini kengaytirish jarayonidir. Erkin tanlovning eng muhim elementlari uzoq va sog‘lom hayot kechirish, ta’lim olish va munosib turmush darajasiga ega bo‘lishdir. Tanlovning qo‘shimcha elementlariga siyosiy erkinlik, kafolatlangan inson huquqlari va o‘z-o‘zini hurmat qilish kabilar kiradi. Ushbu qarashlar tizimi inson hayotining sifatini yaxshilash, uning barcha sohalarda imkoniyatlarini kengaytirish va takomillashtirishga qaratilgan. Bizningcha, ko‘ra inson taraqqiyoti quyidagi uchta tarkibiy qismga bo‘linadi (2-rasm);



2-rasm. Inson taraqqiyoti tarkibiy qismlari.

-rasm. Inson taraqqiyoti tarkibiy qismlari.


Inson taraqqiyoti konsepsiyasining asosiy strategik o‘zagi Pokistonlik iqtisodchi Mahbub ul-Haq tomonidan ishlab chiqilgan Human Development Indeks hisoblanadi. Inson taraqqiyoti baholash me’zoni insonning muayan bir mamlakatda turmush darajasining har tomonlama ko‘rsatkichidir, shuning uchun gohida "hayot sifati", "turmush darajasi" kabi tushunchalarning sinonimi sifatida foydalaniladi. Me’zon aholi salomatligi, ta’limi va haqiqiy daromadlari nuqtai nazaridan mamlakatning yutuqlarini baholaydi, uning indekslari asosiy uchta komponent bo‘yicha o‘lchanadi:

1) Aholining o‘rtacha umr ko‘rish darajasi: salomatlik va uzoq umr ko‘rish, tug‘ilishda o‘rtacha umr ko‘rish ko‘rsatkichi bilan o‘lchanadi.

2) Ta’lim indeksi: maktab yoshidagi bolalar uchun o‘rtacha kutilgan maktab davomiyligi va kattalar ta’limining o‘rtacha davomiyligi bilan o‘lchanadigan ta’limga kirish.

3) Yalpi milliy daromad indeksi: aholi jon boshiga yalpi milliy daromad qiymati bilan o‘lchanadigan munosib turmush darajasi AQSh dollarida sotib olish qobiliyati inobatga olinadi.

“BMT tomonidan o‘tkazilgan xalqaro inson taraqqiyoti indeksi natijalariga ko‘ra 2022 yilda quyidagi 10 mamlakat xalqaro reytingda eng yuqori o‘rinlarni zabt etgan” [3] (3-rasm);



23-rasm BMTning 2022 yilgi inson taraqqiyoti reytingdagi tor 10 mamlakatlar ro'yxati. Diagramma muallif tomonidan ishlangan.

Fikrimizcha inson kapitalini rivojlantirishdagi eng muhim omillardan biri bu ta'lim sohasidir. Zero, bugungi kunda butun dunyoda inson kapitalini rivojlantirish masalasi o'ta dolzarb vazifa sanaladi. Shuningdek mamlakatimizda ham inson kapitalini rivojlantirish, insonni sog'ligini saqlash, unga sifatli ta'lim tarbiya berish, insonni umrini uzaytirish, unga adolatli mehnat sharoitlarini yaratib berish vazifasi hayotiy muhim masalalardan biriga aylanib ulgurdi desak mubolog'a bo'lmaydi.

Tadqiqot metodologiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan Yangi O'zbekistonni barro etish, mamlakatimizda Uchinchi Renesans poydevorini qurish, aholi turmush darajasini oshirish, xalqimiz farovonligini ta'minlash bir so'z bilan aytganda xalqni rozi qilish, inson qadrini ulug'lashga asoslangan davlat siyosati amalga oshirilmoqda. "Bu ko'zlangan ezgu maqsadlarga erishishda, Vatanimizni iqtisodiy-ijtimoiy, madaniy va ma'rifiy sohalarida taraqqiy etishida avvalambor inson omili hal qiluvchi rol o'ynaydi".


"O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 sentabrdagi "2019-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini Innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi farmonida mamlakatning xalqaro maydondagi raqobatbardoshligi darajasini va innovatsion jihatdan taraqqiy etganini belgilovchi asosiy omil sifatida inson kapitalini rivojlantirish - Strategiyaning bosh maqsadi sifatida belgilangan" [4]. "Bosh maqsadga erishishda Strategiyaning asosiy vazifalari sifatida O'zbekiston Respublikasining 2030 yilga kelib Global innovatsion indeks reytingi bo'yicha jahonning 50 ilg'or mamlakati qatoriga kirishiga erishish; Barcha darajada ta'lim sifati va qamrovini oshirish, uzluksiz ta'lim tizimini rivojlantirish, kadrlar tayyorlash tiziminining iqtisodiyot ehtiyojlariga moslashuvchanligini ta'minlash; Ilmiy tadqiqotlar va ishlanmalarning ilmiy salohiyatini mustahkamlash va samaradorligini oshirish, ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstruktorlik va texnologik ishlar natijalarini keng joriy etish uchun ta'lim, ilm-fan va tadbirkorlikni integratsiya qilishning ta'sirchan mexanizmlarini yaratish vazifalarini belgilaydi"[5]. Inson kapitalini rivojlantirishdagi asosiy me'zon bo'lgan ta'lim sohasi va uni o'lchovchi indikatorlarlar o'z dolzarbligini yo'qotmaydi. Bugungi kunda dunyoda ta'lim tizimlarini baholash amaliyotida turli xil kombinatsiyalarda asosan uchta indikator ko'rsatkichlari guruhi qo'llaniladi va ular quyidagi jihatlarni tavsiflaydi;

talabalarning va o'quvchilarning ta'lim yutuqlari darajasi;

ta'lim tizimlarining ko'lami va ta'limning qulayligi;

ta'lim sohasiga jalb qilingan resurslarni o'lchovchi indikatorlardir.

Darxaqiqat Yangi O'zbekistonda mamlakatni barcha sohalarida rivojlantirish, xalqaro reytinglarda munosib o'rin egallash inson kapitalini yuksaltirish xukumatning eng ustuvor yo'nalishi sifatida belgilandi. Bu borada xukumat tomonidan zaruriy chora-tadbirlar ko'rilmogda. Jumladan "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.09.2023 yildagi PF-158-son Farmoni asosan qabul qilingan "O'zbekiston– 2030" strategiyasida ijtimoiy sohalarni rivojlantirish ustuvor vazifa etib belgilangan"[6]. Shu bois 2024 yil uchun davlat budjeti loyihasida bu sohalarga katta e'tibor qaratilgan. 2024 yilda inson kapitalini rivojlantirish uchun 102,5 trillion so'm mablag' yo'naltirish ko'zda tutilgan edi. Bu o'tgan yilga nisbatan 15 foiz ko'r. Shu o'rinda Jaxon banki taqdim etgan so'nggi ma'lumotlarga ko'ra dunyo mamlakatlarida ta'lim sohasiga ajratilayotgan xarajatlarini ko'rib chiqamiz.



4 rasm. "Dunyo mamlakatlarida ta'lim xarajatlari"[7] (YaIMga nisbatan foizda diagramma muallif tomonidan ishlangan)


Iqtisodiy hamkorlik taraqqiyoti tashkiloti tomonidan tashkil etilgan xalqaro tadqiqotlar, shu jumladan PISA testlarini o'tkazishdan maqsad maktab o'quvchilarida haqiqiy hayotda kerak bo'ladigan bilim va kompetensiyalarni rivojlantirish real voqea va hodisalarni tahlil qilish, ulardan xulosa chiqarish, jamiyatda muloqotga kirishish ko'nikmalarini qay darajada egalayotganligini ta'lim tizimining bu o'zgarishlarga qanchalik moslashayotganligini aniqlashdan iborat. PISAning o'ziga xos xususiyati shundaki, u sof bilimni emas, balki turli sohalarida savodxonlikni baholaydi. Savodxonlik – "o'quvchilarning asosiy mavzular bo'yicha bilim va ko'nikmalarni qo'llash qobiliyati, turli vaziyatlarda muammolarni aniqlash, talqin qilish va hal etishda samarali tahlil qilish, mulohaza yuritish va muloqot qilish qobiliyati" sifatida izohlanadi.

"Jahonda ta'lim sifati, darajasini aniqlab beruvchi xalqaro mezon sifatida "PISA" (O'quvchilarning ta'limdagi yutuqlarini baholash xalqaro dasturi), hamda "RIRLS" (Matnni o'qish va tushunish darajasini aniqlovchi xalqaro tadqiqot), "TIMSS" (Maktabda matematika va aniq fanlar sifatini tadqiq qiluvchi xalqaro monitoring) kabi qator xalqaro dasturlarni e'tirof etish mumkin". Mazkur xalqaro dasturlar va indikatorlar rivojlangan mamlakatlarda ta'lim sifatini oshirish, inson kapitalini yanada rivojlantirishdagi asosiy mezon sifatida keng qo'llanilib kelinmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"[8] gi PF-5712-sonli Farmonida O'zbekiston Respublikasining 2030 yilga kelib "PISA" xalqaro miqyosda o'quvchilarni baholash dasturi reytingi bo'yicha jahonning birinchi 30 ta ilg'or mamlakatlari qatoriga kirishiga erishish ustuvor vazifa sifatida belgilab qo'yilgan. "Shuningdek, mazkur hujjatda Xalq ta'limi tizimining strategik maqsadlari ham ko'rsatib o'tilgan bo'lib, ya'ni umumta'lim tizimida iqtisodiyotning innovatsion rivojlanishi, ilg'or xalqaro tajriba va jamiyatning zamonaviy talablariga muvofiq sifatli ta'lim olish imkoniyatini yaratishdan iborat"[8].

"1950 yillarda Iqtisodiy Hamkorlik Taraqqiyoti Tashkiloti davlatlari tomonidan turli ta'lim tizimlarining statistik ma'lumotlarini yuritish va tahlil qilish ishlari boshlab yuborildi. Mazkur statistikaning yuritishdan maqsad uzoq kelajakni o'ylagan holda sanoat davlatlarning ta'limini rejalashtirish orqali malakali mutaxassislarga bo'lgan ehtiyojlarni ta'minlashdan iborat bo'lgan. Ushbu statistika yuritish iqtisodiy nuqtai nazardan qiziqishdan tashqari, ijtimoiy-siyosiy jihatdan ham ahamiyatli bo'lib, ta'lim olishda teng huquqlilik masalalarini ham tahlil qilish uchun kerakli statistik ma'lumotlarga ega bo'lish imkoniyatini beradi"[9].

Tahlil va natijalar. PISA dasturi reytingida yuqori rag'onani egallagan davlatlar misolida shuni aytish mumkinki, PISA baholash tizimi bo'yicha muayyan mamlakatning eng yuqori ko'rsatkichga ega bo'lgan o'quvchisi bilan eng past ko'rsatkichga ega o'quvchisi o'rtasidagi tafovut kamligidir.


O'zbekiston Respublikasi ham 2022 yilda xalqaro PISA tadqiqotida ilk marotaba ishtirok etdi. Natijalarga ko'ra, matematika yo'nalishida yurtimiz o'quvchilari 81 davlat orasidan 364 ball bilan 72-o'rinni egallagan.



5-rasm. 2023 yilda matematika savodxonligi bo'yicha PISA tadqiqotlarida davlatlar ishtiroki (Erishilgan natijalar ball ko'rinishida berilgan).


Yuqori o'rinlarni Singapur, Xitoy, Yaponiya singari davlatlar egalagan. O'zbekistonlik o'quvchilar 2-yo'nalish o'qish savodxonligi bo'yicha 336 ball bilan 80-o'rinni egallagan. O'zbekistonga o'xshash eng past natijalarni Kosova, Iordaniya, Marokash va Kambodja o'quvchilari

ko'rsatgan. 3-yo'nalish tabiiy fanlar savodxonligi bo'yicha esa O'zbekiston 355 ball bilan 80-o'rinni egallagan. Bu yo'nalishda Singapur 561 ball bilan birinchilikni qo'lga kiritgan. Yuqoridagi natijalardan ko'rinib turibdiki, yurtimizda maktab ta'limi sifati qoniqarsiz axvolda. Fikrimizcha, bunday natijaga yetaklovchi ko'plab ijtimoiy iqtisodiy sabablar mavjud. Masalan maktablardagi infratuzilma ob'ektlari, kutubxona va undagi resurslar, sport zali va sport jihozlari, hojatxona va sharoiti, ichimlik suvi, kanalizatsiya, maktablarning isitish- yoritish tizimi bilan bog'liq muammolar. "Bugun kunda yurtimizda jami 10163 ta maktablar mavjud bo'lsa shundan 8842 nafarida kanalizatsiya, 3638 nafarida oshxona, 915 nafarida ichimlik suvi, 2300 nafarida sport zali mavjud emas. Shuningdek, 2886 nafar maktablar internet tarmog'iga ulanmagan bo'lsa, 1695 nafari mukammal ta'mirga muxtoj. 3000 nafar maktablarga esa qo'shimcha o'quv binolari qurish zarurati mavjud"[10].




6 – rasm. Yurtimizdagi maktablardagi mavjud sharoitlar haqida ma'lumot

Ta'lim sifatiga yillar davomida maktab o'qituvchisi kasbiga tekin ishchi, mardikor sifatida qarash, ularni majburiy mehnatga jalb etilganligi, oylik maoshlarning kamligi, o'qituvchi kasbiga nisbatan past nazar bilan qarashga doir turli stereotiplarning shakllanganligi kabi omillar ta'sir ko'rsatgan. Shuningdek, maktab direktori va o'qituvchilarning bilimi va salohiyati, o'quvchilarning oilalaridagi ijtimoiy muhit, o'quvchilarning ovqatlanish ratsioni, to'yib ovqatlanmaslik, ijtimoiy tengsizlik kabi qator omillarni keltirishimiz mumkin. Shuningdek, bu yillar davomida maktab ta'limida to'planib qolgan kompleks muammolar va ta'limga nisbatan e'tiborsizlik oqibatida kelib chiqqan deysizga asoslarimiz bor. "PISA tadqiqotlarida ishtirok etgan maktablardagi so'rovnoma natijalariga ko'ra yurtimizdagi 6.40% o'quvchilarning xonadonlarida ilmiy va badiiy kitoblar mavjud emas 32 % o'quvchilarning xonadonlarida esa 10 tadan kam ilmiy yoki badiiy kitoblar bor, 14.60% o'quvchilarning xonadonida esa kitob javoni yo'q, 10.60% o'quvchilarning uyida yuvinish uchun dush yoki vanna mavjud emas, 10% o'quvchilarni uyida muzlatgich yo'q"[11]. Mazkur raqamlar va oiladagi ijtimoiy vaziyat, ota onalarning farzand ta'limiga bo'lgan munosabati o'quvchilarni o'rab turgan ijtimoiy borliq ham ta'sir ko'rsatmay qolmaydi.



7-rasm RISA tadqiqotlarida ishtirok etgan o'quvchilarning oilaviy sharoiti to'g'risida ma'lumot

PISA tadqiqotlarida ishtirok etgan o'quvchilarning o'rtacha 27% mablag' yetishmaganligidan haftada 1 marta o'qish jarayonlarida o'zlarini ovqatlanishdan tiyib yurishini 5% esa haftada 2-3 marta ovqatlanmasdan yurishini, 12% deyarli har kuni maktabda o'qish mobaynida ovqatlanishga mablag'i bo'lmasligini ma'lum qilgan.



8-rasm. “Oxirgi 30 kun ichida ovqat sotib olishga rul yetishmagani uchun necha marta ovqatlanmadingiz?”

Xulosa va takliflar. Ammo eng muhimi biz yurtimizdagi barcha sohalar singari ta’lim sohasini ham isloh etishga va sohani rivojlantirish uchun zaruriy chora-tadbirlarni amalga oshirishga bel bog’ladik. Nazarimda bu o’ta muhim jihat sanaladi. Biz yurtimizda maktab ta’limini dunyoning xalqaro reytingida qay darajada ekanligini va qacda turganimizni aniqlab oldik va yo’l qo’yilgan xato va kamchiliklardan to’g’ri xulosa chiqarib yaqin yillar ichida maktab ta’limi sifatini xalqaro reytinglarda yuqori natijalarga olib chiqish uchun harakat qilishimiz talab etiladi. Prezidentimiz ta’biri bilan aytganda: kamchiliklar o’zimizniki uni xech kim chetdan kelib tuzatib bermaydi. Faqatgina o’z kuchimiz, bilimimiz va qat’iyatligimiz bilan axvolni o’zgartira olamiz. Fikrimizcha, buning uchun maktab ta’limida tizimli islohotlar o’tkazilishi talab etiladi va islohotlar allaqachon boshlandi.

Dunyoda maktab ta’limi sohasida yuqori o’rinlarda turuvchi Finlyandiya ta’lim tizimining eng diqqatga sazovor jihati fanlarni yuqori darajada o’zlashtiruvchi va past darajada o’zlashtiruvchi o’quvchilar o’rtasidagi tafovutni dunyo bo’yicha eng pastligidir. Masalaning muhim jihati shundan iboratki, o’quvchilarning, oilasidagi ijtimoiy-iqtisodiy ahvoldan qat’i nazar, sifatli ta’lim tarbiya olishi va ta’lim sohasida yetarli muvaffaqiyatga erishishiga erishish lozim. U poytaht Toshkent shahrida bo’ladimi yoki O’zbekistonning chekka tog’li hududidagi maktabdami – barcha o’quvchilarning sifatli ta’lim olishlari uchun yetarli darajada shart sharoit yaratish lozim. Aks holda, bu notenglik boshqa ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni yuzaga keltirishi mumkin.

ADABIYOTLAR:

1. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/publication/human-capital>
2. Xusanova X. O’zbekistonda aholini ijtimoiy himoyalashning konseptual asoslari va innovasion tendensiyalari. Sos.f.d (DSc) diss. – Toshkent: O’zRDBA, 2023. – B. 97.
3. <https://gtmarket.ru/ratings/human-development-index>
4. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 21.09.2018 yildagi Farmoni. “2019-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini Innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash t’yg’risida” <https://lex.uz/ru/docs/3913188>
5. “O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 sentabrdagi “2019-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini Innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash t’yg’risida”gi farmoni Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 12.09.2023 y., 06/23/158/0694-son; 29.12.2023 y., 06/23/214/0984-son)
6. <https://gtmarket.ru/ratings/global-education-expenditure>
7. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 29.04.2019 yildagi PF-5712-son 29.04.2019 <https://lex.uz/docs/-4312785>
8. O’zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash t’yg’risida»gi 2019 yil 29 apreldagi PF-5712 son Farmoni. O’zbekiston Respublikasi qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 29.04.2019.
9. <https://gtmarket.ru/ratings/global-education-expenditure>
10. Matkarimov A.M. PISA xalqaro y’quvchilarning savodxonligini baholash tadqiqotining rivojlanish bosqichlari, maqsad va vazifalari. // Zamonaviy ta’lim / Современное образование 2020, 8 (93) – B. 54.
11. (<https://www.oecd.org/publication/pisa-2022-results/country-notes/uzbekistan-2bb94bf1>)

REZYUME:

Maqolada inson karitalini baholovchi xalqaro me’zonlar shuningdek inson karitalini rivojlantirishga ta’sir qiluvchi omillar to’g’risida fikr yuritiladi. So’ngi yillarda yurtimizda inson karitalini rivojlantirish borasida amalga oshirilgan islohatlar mazmun mohiyati yoritilgan.

Kalit so’zlar: yalri ichki mahsulot, savodxonlik darajasi, Global innovatsion indeks, RISA tadqiqotlari, qashshoqlik darajasi, inson taraqqiyoti indeksi, ishsizlik darajasi

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматриваются международные критерии оценки человеческого капитала, а также факторы, влияющие на развитие человеческого капитала. Освящена суть реформ, проведенных в последние годы в нашей стране по развитию человеческого капитала.

Ключевые слова: ВВП, уровень грамотности, Глобальный индекс инноваций, исследование PISA, уровень бедности, индекс человеческого развития, уровень безработицы

RESUME:

The article discusses international criteria for assessing human capital, as well as factors influencing the development of human capital. The essence of the reforms carried out in recent years in our country on the development of human capital is highlighted.

Keywords: GDP, literacy rate, Global Innovation Index, PISA study, poverty rate, human development index, unemployment rate

BERUNIYNING FALSAFANI MOHIYATI VA VAZIFALARI HAQIDAGI QARASHLARI

Umarova R.Sh
TDTTrU professori v.b.

 10.24412/2181-7294-2025-1-27-29

Ma'lumki, Prezident Shavkat Mirziyoyevning "O'zbekiston ijodkor ziyolilari vakillari bilan uchrashuvdagi" ma'ruzasida "...barchamiz, ayniqsa, ijodkor ziyolilarimiz, bizning qanday buyuk va shonli o'tmishimiz, qanday ulug' ajdodlarimiz borligini yaxshi bilamiz va bu bilan hamisha faxrlanamiz. Kolumbdan 500 yil oldin Amerikani kashf etgan Beruniy bobomizni olamizmi, o'rta asrlarda tibbiyot fanining poydevorini yaratgan Ibn Sinoni olamizmi, astronomiya sohasida beqiyos kashfiyotlar qilgan Mirzo Ulug'bekni olamizmi – jahon sivilizatsiyasi va madaniyatiga ulkan hissa qo'shgan bunday ulug' ajdodlarimizning me'rosini chuqur o'rganishimiz lozim"[1,3] ligi ta'kidlanishi ma'naviyatimizni yuksaltirishni taqozo etadi. Bu esa, o'z navbatida, tariximizni xolisona o'rganish va haqqoniy baholash, ma'naviy merosimizni boyitish va rivojlantirishni talab qiladi. Shu nuqtai nazardan ajdodlarimiz merosiga, xususan buyuk alloma Beruniy qarashlariga murojaat qilish uning ma'naviyatimizni rivojlantirishning muhim omili bo'lib xizmat qiladi.

Beruniyning haqiqatdan ham buyuk olim, faylasuf, siyosatchi, mutafakkir bo'lganligi haqida so'z yuritib, uning kichik zamondoshlari Abul-Fazl-Bayhaqiy, Abul-Hasan-Bayhaqiy va boshqalarning allomaning yirik siyosatchi, dirlomat bo'lganligini tasdiqlovchi maxsus tadqiqotlari xulosalarini keltirib, tahlil etgan edik. Darhaqiqat, Beruniy o'zi qiziqqan, shug'ullangan tadqiqot va izlanishlar sohalarining qaysi biri bo'lmasin, shu jumladan, falsafa sohasida ham, o'z so'zini ayta olgan, o'zi yetakchilaridan biri bo'lgan musulmon xalqlari falsafasi tabiyyun oqimi vakili sifatida borliq, substansiya muammosining juda ham asosli talqini, konsepsiyasini ilgari sura olgan, Sharq arastuchilari-mashshoiyyunlar naturfalsafasining borliq-substansiya haqidagi relatsion konsepsiyasining o'z, zaif nuqtalarini jiddiy tanqid ostiga olgan edi.

Mutafakkir merosini o'rganish shuni ko'rsatadiki, "Beruniy hech qachon falsafaning mohiyati va vazifalari haqidagi masalani maxsus qo'ygan emas" [2,49], lekin uning asarlarida nafaqat naturfalsafaning aniq masalalarini ishlab chiqish, balki muayyan darajada falsafaning mohiyati va umumiy vazifalari haqidagi qarashlari o'z aksini torgan" [2,50]. Boshqacha bo'lishi mumkin ham emas, chunki falsafaning maqsadi, muammolari, uning fan bilan bo'lgan munosabatini bilmasdan turib, borliq to'g'risida dunyoqarash mazmunga ega fikr-mulohazalarni, g'oyalarni hosil qilib bo'lmaydi. Haqiqatda ham, mutafakkir falsafaning bir qancha fundamental masalalariga, shu jumladan, borliq muammosining qadimgi yunon faylasuflari tomonidan qo'yilishi va hal etilishiga e'tiborini qaratadi. Xususan, allomaning qayd etishicha, "Yunonlardagi falsafa (tushunchasi) esa uni ifodalay oladigan haqiqatlarga mos tarzda butun "mavjudlik yoki borliq" tushunchasi bilan cheklangan edi" [3,221]. Falsafaning mohiyati va vazifasi, Beruniyga ko'ra, bizga ko'rinib turgan butun borliq-mavjudotni u qanday bo'lsa shunday tushunishdan iboratdir. Shu ma'noda Beruniy falsafa, uning asosiy muammosi bo'lmish borliq, substansiya mohiyatini tushunishda yunon falsafasi, Demokrit, Aflotun, Arastu an'alarini davom ettirgan, ongli tarzda rivojlantirgan degan xulosaga kelish mumkin.

Buning ustiga, o'zining "Hindiston" asarida Beruniy quyidagi kuzatish-xulosasini ta'kidlab o'tgan: "Hindlarda, ularning fanlariga balog'at, mukammallik ko'rinishini bera oladigan unga o'xshagan (ya'ni Suqrot)lar yo'q edi. Ularda bunda asqotishi mumkin bo'lgan maxsus (falsafiy) asarlarini torish ham amri mahol, balki behad rarokanda, nobarqaror va o'zining yakuniy ko'rinishida qora olomonning uydirmalari... diniy e'tiqodlar bilan qorishib ketgan" [4,37].

Buyuk alloma hindlar qarashlaridagi falsafiy mulohazalarni, shu jumladan borliq masalalariga tegishli bo'lganlarini ajratib ko'rsatishga harakat qiladi. Xususan, uning fikricha, hindlar olamni murakkab tuzilishga ega mohiyat sifatida talqin qilishgan, bu murakkablikning sodda bo'laklar yig'indisidan tashkil torishini ta'kidlashgan. Bu haqida Beruniy quyidagilarni yozadi: "Olamdagi hamma mavjudot besh unsurdan iboratdir. Hindlar fikricha, ular osmon, shamol, olov, suv va turroqdir. (Ular bir so'z bilan) mahobihuta, ya'ni ulug' tabiatlar deb ataladi... Bu unsurlarning barchasi ham

murakkabdir, ya'ni sodda bo'laklari bor. Ularni rancha motari, ya'ni besh ona deb ataydilar va sezish orqali bilinadigan beshta narsalar deb tavsiflaydilar" [4,47]. Bu sodda unsurlarning har biri muayyan sezgi a'zosi orqali his qilinadi, xususan, osmon eshitib bilinadi, shamol – tegib bilinadi, olov - ko'rib bilinadi, suv - tatib bilinadi, turroq – hidlab bilinadi. "Shu sodda unsurlardan har birining o'ziga xos kayfiyati hamda undan yuqori turgan besh kayfiyatning hammasi nisbat beriladi"[4,49], - deb yozadi Beruniy va gar oxir-oqibatda yigirma besh unurning mavjudligi haqidagi xulosaga borib taqalishini ta'kidlaydi. Bu yigirma besh unsurlar "...nafsi kulliy, shaklga kirmaydigan tub modda, shaklga kirgan modda, bildiruvchi sezgilar, ishlatuvchi ifoda va qurol organlarining zaruriy ishlari"[4,50] dan iborat bo'lib, hammasi bitta ism – tatva bilan ataladi. Ilm va ma'rifat faqat ularni bilish natijasida hosil bo'ladi. Shundan keyingina istagan dinga kirib, najot torish mumkin, degan hindlarning aqidaviy xulosasini Beruniy alohida ajratib ko'rsatadi[4,51].

Beruniyning yuqoridagi so'zlaridan uning haqiqiy falsafa nima, uning mohiyati, qadr-qimmati, muammolari va vazifalari nimalardan iborat bo'lishi kerakligi haqidagi o'ta jiddiy, aniq tasavvuri bo'lganligini yaqqol ifodalaydi.

Boz ustiga Beruniy Suqrot, Aflotun, Demokrit, Arastu yoki Forobiy qat'iy talab qilganlaridek, falsafa bilan har kim ham shug'ullana bermasligi, buning uchun falsafani alohida oliy va muqaddas qadriyat deb biladigan, unga o'zini bag'ishlashga tayyor, fidoyi shaxslar bo'lishi lozimligini ta'kidlaydi.

Bundan tashqari, Beruniyga ko'ra, falsafa bilan shug'ullanmoqchi bo'lgan kishidan, Demokrit, Aflotun aytganlaridek, matematika fanlarini, ayniqsa butun tabiatshunoslik ilmlarini chuqur, mukammal bilishi, qobiliyati, salohiyatini namoyon etishi, ya'ni falsafa san'atining fundamental asoslari, poydevorini, usul va vositalarini, mantiqiy isbotlash usullarini egallagan, bu borada balog'at kasb etgan bo'lishi talab etiladi.

Beruniyning qat'iy e'tiqodiga ko'ra, falsafani egallash yo'li boshqa fundamental, aniq fanlarni egallash orqali, ya'ni tabiatshunoslik fanlarini o'rganish vositasida sodir bo'ladi. Bu fanlarning olamni falsafiy tushunishdagi o'rnini Beruniy aniq tasavvur etgan. Xususan, uning fikricha, tabiatshunoslik fanlari, bir tomondan, falsafaning mohiyatini, o'ziga xosligini bilib olish, anglab yetish, idrok etish imkonini beradi, boshqa tomondan esa, ular ochgan qonunlarning umumlashtirilishi, falsafaning universal rrinsirlarini, borliqni tadqiq etish uslublarini, bilimlarni isbotlash usullarini ishlab chiqishga yordam beradi[5,51].

Beruniyning falsafaning mohiyati, o'ziga xosligini naqadar chuqur va mukammal tushunganligini mutafakkirning "Xordalarni aniqlash haqidagi risola"sida bildirgan fikrlari tasdiqlaydi. Xususan, falsafa va tabiatshunoslik o'rtasidagi bog'liqlik, aloqadorlikni tushuntirar ekan, Beruniy o'z shogird-o'quvchilaridan biriga quyidagilarni yozgan: "...tajriba orttira borib, sen tabiiy fanlardan ilohiyot ilmlariga qarab ko'ratila borasan", ya'ni falsafani tabiat fanlaridan ajralgan holda tushunish mumkin emas, deb aytgan. Buning ustiga boshqa fanlar kabi falsafa-"ilohiy ilm" "isbotlash rrinsirlariga tayanishi kerak", "...ulardan chetlashuvchi esa muqarrar tarzda chalkashib ketadi"[6,148], degan fikrda bo'lgan.

Demak, falsafa, Beruniy nazdida; 1) oddiy, tor ilm sohasi emas, balki butun tabiatshunoslik fanlari materiallari, xulosalari poydevoriga, ayniqsa, mantiqiy isbot usullariga tayanadigan, umumlashtiruvchi, o'ziga xos fan; 2) Falsafa bilan shug'ullanish uchun uning maxsus instrumentariysini egallash, xususan mantiq vositalaridan mohirona foydalanish lozim; 3) falsafaning o'ziga xosligi uning nafaqat bu dunyo, balki u dunyo muammolarini ham qamrab ola bilishi, ya'ni "ilohiy ilmlar"ni ham, "isbotlash rrinsirlariga tayanuvchi ilmni ham o'z ichiga olishi tufayli bu fan "ilohiy fan, ilm" darajasini oladi.

"Ilohiy ilmlar", deganda Beruniy, albatta, qadimgi Sharq va Yunoniston an'anasidagi "Metafizika"ni tushungan va shu munosabat bilan alohida qayd qilib o'tgan ediki, bu ilmlarning muammolarini "ularning ma'nolarining murakkabligi, ular ibtido-asoslarining chalkashligi, metodlarining o'ta nozikligi, ular rredmetining o'ta katta, buyukligi va ular haqidagi tasavvurlar, qarashlarning o'ta kengligi tufayli tushunish juda qiyin"[6,93].

Shuning uchun ham, Abu-l-Fazl al-Bayhaqiyning alohida umumlashtiruvchi xulosasiga ko'ra, Beruniy "...so'z ilmlarida va narsalar mohiyatini tushunishda, geometriyada va falsafada shu qadar

bilimdon, mohir ediki, u yashagan davrda unga o'xshash odam bo'lmagan va u bilgan narsani xayoliga qanday kelib qolsa, shundayligicha yozmagan"[7,807].

Beruniyning keyingi boshqa bir yaqinroq asrdagi ixlosmandi Abu-l-Hasan Bayhaqiy esa o'zining "Tatimma sivan-ul-hakma" tazkirasida Beruniy haqida " uning Abu Ali ibn Sino bilan bahs-munozarasi bo'lib o'tgan: asarlari miqdori bir tuya yukidan ortiq edi. U bu olijanob sohada (ya'ni ilm, falsafada) benazir, omadli edi va buning hayron qoladigan joyi yo'q, zero zumrad (dengiz) chig'anog'ida toriladi-da!"[6,94], deb aytgan edi.

Beruniyning ilm-fandagi dahosi, shuhrati va dovruq'i Sharqda ham, ayniqsa XIX-XX asrlarda G'arbiy Yevrorada ham behad yuksak baholangan, qadrlangan va mukammal ta'riflangan. Xususan, fransuz fan, falsafa tarixchisi Karrade Vo Beruniyga quyidagicha ta'rif bergan edi: "Unga (Beruniyga), ayniqsa, yuksak falsafiy did va muammolarni hal qilishda matematika nuqtai- nazaridan yondashish usulining o'ta yuqori darajada omixta bo'lishi xos bo'lib, bu uning asarlarida yorqin, o'chmas iz qoldirgan"[8,106]. Boshqa nemis olimi, fan tarixchisi M.Maerxof esa to'g'ridan-to'g'ri, lo'nda qilib, "Abu-r-Rayhon Muhammad ibn Ahmad al-Beruniy, shubhasiz eng buyuk tabiatshunos va, ehtimolki, o'z davri musulmon doiralarining eng buyuk mutafakkiri edi"[9,45].

ADABIYOTLAR:

1. Mirziyoyev Sh.M. "Adabiyot va san'at, madaniyatni rivojlantirish – xalqimiz ma'naviy olamini yuksaltirishning mustahkam poydevoridir" O'zbekiston ijodkor ziyolilari vakillari bilan uchrashuvdagi ma'ruzasi. 2017 yil 3 avgust. - Toshkent: O'zbekiston, 2017.
2. Sharipov A. Velikiy myslitel Abu Rayxan Biruni. -Tashkent: Uzbekistan, 1972. – S. 49 .
3. Beruni. Geodeziya. Izbrannyye proizvedeniya. T.III. – Tashkent: Nauka, 1966. – S. 221.
4. Beruniy. Hindiston. Tanlangan asarlar. T.II. – Toshkent: Fan, 1965. – B.37.
5. Biruni. Traktat ob opredelenii xord v krug pri pomoshchi lomanoy linii, vyneshennoy v nego, uchenogo Abu Rayxana Muxammada ibn Axmada al-Biruni //Iz istorii nauki i tekhniki v stranax Vostoka. Выр. III –М., 1963. – S. 93-148.
6. Beruni. Mashaxiri Xvarazm-Abu-l-Fazl Bayxaki. Istoriya Ma'suda. -M.: Nauka, GRVL, 1969. – S.807.
7. Semyonov A.A. Beruniy Velichaishiy uchyonuy srednevkovogo Vostoka i Zapada //Literatura i iskusstvo Uzbekistana Tashkent: 1938 V.I.B.1. - S.106. Sharipov A. Velikiy myslitel Abu Rayxan Biruni kitobida (45-b) keltirilgan itibosdan olindi.-R.U.

REZYUME:

Mazkur maqolada Abu Rayhon Beruniyning falsafa faniga bergan ta'rifi, fanning vazifasi va bu masalada mutafakkirning yunon , xind falsafiy me'rosiga b'lgan munosabati yoritilgan.

Kalit s'zlar: falsafa, vazifa, borliq, reallik. tabiiy, ijtimoiy, ma'naviy mavjudlik, substansiya.

RESUME:

В данной статье рассматривается определение данное Абу Райхан Беруни, философской науки, задача философии и отношение мыслителя в этом вопросе к греческому, индийскому философскому наследию.

Ключевые слова: философия, задача, бытие, реальность. естественное, социальное, духовное существование, субстанция.

RESUME:

This article examines the definition of philosophical science by Abu Rayhan Beruni, the task of philosophy and the attitude of the thinker in this matter to the Greek, Indian philosophical heritage.

Keywords: philosophy, task, being, reality. natural, social, spiritual existence, substance.

МИРЗО БЕДИЛНИНГ ИНСОН МОҲИЯТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ ҲАҚИДАГИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Мухаммадиева О. –
ЎзМУ профессор в.б.

 10.24412/2181-7294-2025-1-30-33

Ҳозирги замон ижтимоий тараққиёти, айниқса, фан-техника, технологиялар, сунъий интеллектлар ривожини инсоннинг жисмоний ва маънавий қиёфасига, руҳияти ва касбий малакасига таъсири инсон моҳиятини бир бутун, яхлит ўрганишни тақозо қилмоқда. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, таълим тарбия тизимида инсон моҳиятини ўрганишга қаратилган ижтимоий фанларнинг роли тобора камайиб кетмоқда. Ҳозирги замон фани тўплаган инсон тўғрисидаги маълумотлар ҳам жаҳон цивилизациясининг бугунги талабларига жавоб бермайди. Чунинчи, инсоншунос олимларнинг гувоҳлик беришича, бугунгача тўплаган барча билимларнинг 95—98 фоизи табиат муаммоларига бағишланган[1]. Бу рақамдан кўриниб турибдики, инсон табиати ва моҳиятини ифодаловчи маълумотлар тўплаган илмларнинг беш фоизидан ҳам камроғини ташкил этади. Ваҳоланки, инсон моҳияти масаласи тарихдаги энг муҳим фалсафий мавзулардан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, инсон борлиғи масаласи фалсафий муаммоларнинг асосий масаласидан бири бўлиб, ушбу муаммо ҳар бир даврда файласуфларнинг диққат марказида бўлиб келган, десак муболаға бўлмайди. Инсоннинг табиати, онгу-тафаккури, ижтимоий қиёфаси, руҳиятидаги ўзгаришлар жамиятнинг барқарор тараққиёти ва ёки инқирозига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шундай экан инсон моҳияти масаласи ҳар бир даврнинг долзарб муаммоларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилишни тақозо қилаверади.

Қадимги даврдан то бугунги кунимизга қадар яшаб ўтган мутафаккирлар, файласуф олимлар инсон моҳияти ҳақида ўзларининг турлича қарашларини билдириб ўтишган. Масалан, буюк файласуф Арастуни таъкидлашича, инсон моҳияти ақл ва ўйлаш қобилияти билан боғлиқ. Арасту инсонни "аъло даражада ақлий мавжудот" сифатида таърифлайди. У инсоннинг асосий вазифаси — "ақлий фаолият орқали камолотга эришиш" деб ҳисоблайди. IV-V асрларда яшаб ўтган Августин Аврелий, христиан фалсафаси доирасида инсон моҳиятини Аллоҳга бўлган иродаси ва у билан бўладиган маънавий алоқада кўради. Инсоннинг моҳияти — унинг руҳида ва Аллоҳга яқинлашишда, деб ҳисоблайди ва "Инсон ақл ва эркин ирода соҳибидир"[2], деган ғояни илгари суради. Ибн Сино фикрича, "Инсон бошқа барча ҳайвонот оламидан сўзи, тили ва ақли, тафаккур қилиши билан фарқ қилади. Инсон ақли турли фанларни ўрганиш билан бойийди"[3], деб ҳисоблайди. Француз файласуфи Р.Декарт "Инсон фикрловчи нарсадир", деган фикрни билдириб ўтган.

Немис классик фалсафасининг йирик номаёндаси Иммануэл Кантнинг фикрига кўра, инсоннинг моҳияти унинг ахлоқий қобилиятида намоён бўлади. У инсонни эркинликка эга, ўз қарорларини ахлоқий қонунларга мувофиқ қабул қила оладиган шахс сифатида кўради. Фридрих Ницше инсон моҳиятини ўз "иродага куч" назариясида тушунтиради. Унингча, инсоннинг асосий вазифаси — ўз-ўзини янгилаш, кучли шахс сифатида шаклланиш ва "юксак инсон"га айланиш ғояси инсон моҳиятининг асосини ташкил этади. Экзистенциалистлар фикрича, инсон моҳияти олдиндан берилмайди, балки инсон ўз ҳаёти давомида ўзини шакллантиради. Жан-Поль Сартрнинг фикрига кўра, инсон келажакка қараб интилади ва шу тариқа ўзини ўзи яратади[4]. Яъни, аввало мавжуд бўлади, кейин эса ўз моҳиятини яратади.

Глобаллашув ва замонавий дунёда инсон моҳиятида турли хил ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришлар иқтисодий, технологик, ижтимоий ва маънавий омилар билан боғлиқ бўлиб, улар қуйида асосий тенденцияларда яққол кўзга ташланади:

1. Технологиянинг таъсири. Рақамлаштириш: Инсон ҳаётининг кўплаб жабҳалари рақамли дунёга кўчиб ўтмоқда. Бу инсоннинг тафаккури, мулоқот қилиши ва шахсий моҳиятига катта таъсир кўрсатмоқда. Инсон ҳозир нафақат жисмоний, балки виртуал дунёда ҳам мавжуд бўлиб қолди. Ижтимоий тармоқлар: Бу платформа инсоннинг ўзини намоён этиш услубини ўзгартириб, ташқи кўринишга, оммафикрга ёки лайкларга боғлиқликни кучайтирмоқда. Инсон моҳияти "намоиш" ва "қабул қилинганлик" билан боғланиб қолмоқда.

2. Маънавий инқироз ва қайта қидирув. Глобаллашув маданий хилма-хилликни тарқатса-да, у кўплаб жамиятларда миллий ва диний қадриятларни йўқотиш хавфини келтирмоқда. Бу маънавий инқирозга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, инсон янги маъноларни изламоқда, бу эса маънавий қайта қидирувларни келтириб чиқармоқда.

3. Инсоннинг ижтимоий мослашуви. Индивидуализмнинг кучайиши: Замонавий дунёда шахсий эркинлик ва индивидуал қадриятларга урғу берилаётгани инсоннинг ижтимоий муносабатларга бўлган қарашларини ўзгартирмоқда. Оилавий ва жамоавий муносабатлар айрим жойларда сустлашмоқда. Космополитизм: Миллат, дин ёки маданиятга тегишлиликни четлаб ўтиб, инсон ўзини "дунё фуқароси" сифатида ҳис қила бошлади.

4. Табиатга муносабатнинг ўзгариши. Экологик муаммолар глобал даражада инсоннинг моҳиятини қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш ва уни асраш этик қадрият сифатида мустаҳкамланмоқда.

5. Ахлоқий қарашлар ўзгариши. Глобал дунёда ахлоқий ва этик меъёрлар ҳам ўзгариб бормоқда. Турли маданиятларнинг яқинлашуви универсал қадриятларнинг пайдо бўлишига олиб келса-да, айрим ҳолларда анъанавий ахлоқий меъёрларнинг кучсизланиши кузатилмоқда.

6. Илм-фаннинг таъсири. Илм-фаннинг тез ривожланиши инсоннинг моҳиятини чуқур таҳлил қилиш имконини бермоқда. Айниқса, сунъий интеллект, генетика ва трансгуманизм каби йўналишлар инсон табиати ҳақида янги саволларни ўртага ташламоқда. Инсоннинг биологик чекловлари сунъий равишда ўзгартирилаётгани унинг моҳиятини янги босқичга олиб чиқиши мумкин.

Барча замонларда инсонда умумий асосни излаш билан банд бўлган Шарқ тафаккурига ҳозир ҳам инсонни ва унинг ташқи дунё билан алоқасини тушунишга нисбатан Ғарб фалсафасидагидан ўзгача ёндошув ҳосилдир. XX аср бошида ҳинд мутафаккири С.Вивекананда шундай деб ёзган эди: "Инсон табиатни ўзига бўйсундириш учун туғилади ва бу ўринлидир. Аммо Ғарб "табиат" деганда фақат моддий, ташқи дунёни тушунади. Бу ташқи табиат ўзининг барча тоғлари, океанлари, дарёлари, ўзининг чексиз кучлари, чексиз ранг-баранглиги билан жуда улуғвор. Лекин ундан ҳам улуғворроқ дунё борки, бу инсоннинг ички дунёсидир. У қуёш, юлдузлар, ер ва бутун моддий коинотдан юксакроқ, бизнинг шахсий, жажжи ҳаётларимизнинг тор чегарасига сиғмайдиган дунёдир. Ғарб одами ташқи дунёда "ўзиники" бўлганидек, бу ички дунёда Шарқ одами ҳам худди шундай "ўзиники"дир. Шу боис Ғарб маънавий дунё нима эканлигини, Худо нима эканлигини, инсон жони нима эканлигини, дунёнинг сири ва мазмуни нимада эканлигини англаб етмоқчи бўлса, у шарқ оёқлари остига чўкиб кулоқ солиши керак. Ҳамонки дунё ҳозир маънавий уйғонишга муҳтож экан, бунда у кучни Шарқдан олади"[5]. Дарҳақиқат, инсоннинг ўзлигини англаш орқали маънавий юксалиши, руҳий камолоти масаласида шарқ файласуфларининг қарашлари ҳеч бир даврда ўз аҳамиятини йўқотмаган, десак муболаға бўлмайди. Шу ўринда XVII-XVIII асрда яшаб ўтган Шарқнинг забардаст мутафаккири, файласуф-шоир Мирзо Абдулқодир Бедилнинг фалсафий қарашларидаги инсон моҳиятига эътиборимизни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бедил инсон моҳиятини руҳий камолот ва маънавий ҳаёт билан боғлайди. Унингча, инсон ўзининг ички дунёси ва руҳий олами орқали олий маъноларга етиши мумкин. Бедил девонида келтирилган қуйидаги байтнинг таҳлили фикримизга асос бўлиб хизмат қилади:

از بسته شدن چشم ها، نگاه به
شمعی از پس زمینه خیال تبدیل شد،
برای فانوس سخت است که لذت تماشا را از عاشقان بگیرد.
در این محفیل مقصدی آرام نمی یابم
در نتیجه رد پا را مانند شمع

به يقه تبديل می کنم.

Кўзни юмишдан нигоҳ ҳаёл фонуси шамига айланди,
Фано ошиқлардан тамошо завқини олиб кетиши мушкул.
Ушбу маҳфилда бирор тинч манзил мўлжалини тополмайман,
Оқибат шам каби оёғ изини ёқага айлантираман[6].

Нигоҳ ва ҳаёлниң фонусга айланиши: "Кўзни юмишдан нигоҳ ҳаёл фонуси шамига айланди" сатрида инсонниң идрок ва онги тасвирланади. Кўз юмиш — жисмоний дунёдан ажралиш, ички дунё ёки ҳаёлга шўнғишни ифодалайди. Нигоҳниң "ҳаёл фонуси"га айланиши эса инсонниң тасаввур кучини, ёруғлик (фонус) эса руҳий маърифатни ифода этади. Шам бу ерда вақтниң ўткинчилиги ва ҳаётниң ўзига хослигини англатади. Фанонинг тамошо завқини ўғирлаши мушкул: Бу жумлада инсон ҳаётиниң ўткинчи экани таъкидланган бўлса-да, фано (ўлим ва йўқ бўлиш) инсон қалбидаги завқ ва маънавий меросни олиб кетолмаслигини эслатади. Завқ бу ерда фақат дунёвий эмас, балки руҳий бир завқ — ўлимдан юқори бўлган гўзалликни кўриш ва ҳис қилиш сифатида талқин қилиниши мумкин. Тинч манзил тополмаслик ва шам излари: "Ушбу маҳфилда бирор тинч манзил мўлжалини тополмайман" — инсонниң ҳаётдаги бетиним изланишларини, ички сокинликка эриша олмаслигини билдиради. Бу руҳий ёки фалсафий бетинчиликни, инсонни доимо тинчлик ва ҳақиқатни излашга мажбур қиладиган ҳаётниң мураккаблигини ифодалайди. "Оқибат шам каби оёғ изини ёқага" — шам ҳаётниң ўткинчилиги, ёруғлик эса инсонниң қолдирган изларини ифодалайди. "Ёқага" сўзи чексизлик, янги қирралар ёки бошқа дунёвий чегаралар сари интилишни англатади. Бу инсонниң ўлимдан кейин ҳам маънавий ёки руҳий из қолдириши мумкинлигини таъкидлайди. Умумий мазмунниң фалсафий талқини: Ушбу сатрлар ҳаёт ва ўлим, вақт ва абадийлик, инсонниң ўз изини қолдиришга бўлган эҳтиёжи ва ҳаётниң моҳияти ҳақида фикр юритишга ундайди. Шам ҳаётниң ўткинчилиги ва бир вақтниң ўзида унинг маъносини акс эттиради. Бу фикрлар орқали Мирзо Бедил инсонниң ҳаётда ўз мақсадини топиши ва умрни мазмунли кечириши зарурлигини ёритади.

من نمی توانم خاک مناسبی برای ترمیم رفتار پیدا کنم،

چونون در کلبه ویران من پای صحرا زد.

ای بدیل تا زمانی که هستی نشانه ای جز نام نیست

دنپاله بال های آنکو را مانند

Ўзни тутиш таъмири учун сазовор бир сиқим тупроқ тополмайман,

Жунун менинг вайрона кулбамда сахро этагини қоқди.

Эй Бедил, токи сен бор экансан, номдан ташқари, бошқа белги йўқ,

Анқо қанотлари изини кўзниң олами деб бил[7].

Ўзни тутиш ва тупроқ рамзи: "Ўзни тутиш таъмири учун сазовор бир сиқим тупроқ тополмайман" — бу сатр инсонниң ўзини англаш, ички мувозанат ва маънавий барқарорликка интилишини ифодалайди. "Тупроқ" бу ерда ҳаётниң асосий унсури, моддий ва маънавий ҳаётниң бирлиги рамзи сифатида талқин қилинади. Аммо бу тупроқни "тополмаслик" ўзини англаш йўлида чексиз изланишларни ёки маънавий бўшлиқни англатади. Инсон ҳар доим ўз моҳиятини тушунишга интилади, лекин буни амалга ошириш мураккабдир. 2. Жунун ва вайрона кулба: "Жунун менинг вайрона кулбамда сахро этагини қоқди" — жунун (ақлниң чегараларидан чиқиб кетган ҳолат) руҳий бетинчилик ва маънавий азобни англатади. "Вайрона кулба" эса инсонниң ички дунёсини, эҳтимол, бу дунёниң мураккаблиги ёки маънавий бўшлиққа ишора қилади. Жунунниң "сахро этагини қоқиши" — инсон қалбидаги шиддатли изтироб ва маънавий курашни тасвирлайди. Бу шунингдек, мутафаккирниң ўзини излаш йўлида бошидан кечирган ички зиддиятларини ҳам ифодалайди. 3. Ном ва моҳият ўртасидаги қарама-қаршилик: "Эй Бедил, токи сен бор экансан, номдан ташқари, бошқа белги йўқ" — бу фикр инсон ҳаёти ва моҳиятиниң ўтказгичлари сифатида тил ва ифоданиң чекланганлигини кўрсатади. "Ном" ташқи белгиларни, инсон ўзини ва бошқаларни қандай аташини англатади, аммо ҳақиқий моҳият ёки ҳақиқат бундан ортиқроқ ва чуқурроқдир. Бу Бедил фалсафасида ўзини англашниң чегараларига ва инсонниң ҳақиқий моҳиятни излашда дуч келадиган қийинчиликларига ишора қилади. 4. Анқо ва кўзниң излари: "Анқо қанотлари изини кўзниң

фалсафий таҳлили олами деб бил" — бу ерда Анқо (афсонавий қуш) камдан-кам учрайдиган ва тушуниб бўлмайдиган нарсаларни ифодалайди. Унинг "қанот излари" инсоннинг маънавий изланишлари ва ҳақиқатни топишга интилишини англатади. Кўзнинг "фалсафий таҳлил олами" эса дунёни идрок қилишнинг чегаралари ва инсоннинг моддий ҳақиқат орқали маънавий ҳақиқатга эришишга бўлган уринишларини билдиради. Ҳақиқий ҳақиқатни тушуниш инсоннинг оддий сезги чегараларидан ташқарида жойлашган. Умумий фалсафий мазмун: Шеър инсоннинг ўзини англаш ва маънавий ҳақиқатни излаш йўлидаги курашларини ёритади. Бедил фалсафасига хос бўлганича, бу изланишлар кўпинча мураккаб, ноаниқ ва чексиздир. Анқо рамзи, жунун ва "вайрона кулба" тасвирлари инсоннинг маънавий оламига саёҳатини, ўз моҳиятини ва абадий ҳақиқатни излаш йўлида дуч келадиган ички зиддиятларини очиб беради. Бу сатрлар инсоннинг дунёдаги ўрни, чексиз имкониятлари ва чекловлари ҳақида чуқур фалсафий мулоҳазалар қилишга ундайди

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув шароитида инсоннинг моҳияти ўзгарувчан бўлиб, у замонавий талаб ва шароитларга мослашмоқда. Бироқ, инсоннинг руҳий, ахлоқий ва маънавий моҳияти барқарорлигини сақлаш ва инсон моҳиятини гуманизациялаштириш (инсонийликни тиклаш ва ривожлантириш) муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Глобаллашув ва замонавий дунёда инсон моҳиятини гуманизациялаштиришда Мирзо Абдулқодир Бедил ижодидан фойдаланиш жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки унинг асарлари инсон руҳияти, маънавий камолот ва инсоний қадриятларнинг ўзига хос тарғибчиси сифатида намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Choriyev, Anvar. Inson falsafasi: Inson to'g'risidagi falsafaiy fikrlar taraqqiyot. «O'zbekiston faylasuflari m illiy jamiyati nashriyoti», 2007.-Б.5
2. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар» Ўзбекистан Файласуфлари миллий жамияти нашриёти 2004 йил -Б.72.
3. Ибн Сина. Данишнамэ. Душанбе, 1957. -С.59.
4. Н.Шермухамедова. Фалсафа- Т., Idris Abdurauf Nashr. 2021. -Б.531.
5. Н.Шермухамедова. Фалсафа- Т., Idris Abdurauf Nashr. 2021. -Б.528.
6. Мирзо Абдулқодир Бедил. Девони. Ҳижрий 1333 йил.
7. Мирзо Абдулқодир Бедил. Девони. Ҳижрий 1333 йил.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола фалсафий тафаккур тарихида инсон моҳиятига бўлган қарашлар, глобал дунёда илм-фан, техника ва технология тараққиёти таъсирида инсон моҳиятидаги ўзгаришлар ҳамда инсон моҳиятини гуманизациялаштиришда Мирзо Бедил фалсафий қарашларининг ўрганишга бағишланган.

Калит сузлар: Инсон, гуманизация, онг, тафаккури, ижтимоий киёфа, руҳият, эркин ирода, виртуал дунё, инсон моҳияти, индивидуализм, космополитизм.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена изучению взглядов на сущность человека в истории философской мысли, изменений в сущности человека под влиянием развития науки, техники и технологий в глобальном мире, а также философских взглядов Мирзо Бедила на гуманизацию сущности человека.

Ключевые слова: Человек, гуманизация, разум, мышление, социальный облик, психика, свободная воля, виртуальный мир, человеческая сущность, индивидуализм, космополитизм.

RESUME

This article is devoted to the study of views on human essence in the history of philosophical thought, changes in human essence under the influence of the development of science, technology and technology in the global world, as well as Mirzo Bedil's philosophical views on the humanization of human essence.

Keywords: Man, humanization, reason, thinking, social appearance, psyche, free will, virtual world, human essence, individualism, cosmopolitanism.

НАУЧНОЕ ПРЕДВИДЕНИЕ И ПРОЦЕССЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ: ВЗАИМОСВЯЗЬ И ПЕРСПЕКТИВЫ.

Туленова К.Ж. –
д.ф.н., профессор ТГПУ им. Низами

 10.24412/2181-7294-2025-1-34-36

В условиях цифровизации социально-экономического развития Узбекистана все большее значение приобретает определение перспектив и основных направлений дальнейшего развития Нового Узбекистана, поэтому проблема предвидения, и в частности, прогноз по социально-экономическому развитию требует формирования новых технологий, основанных на цифровой экономике на что неоднократно обращает внимание в своих выступлениях и обращениях Президент Узбекистана. Стратегия «Узбекистан-«2030» отражает новое видение развития страны на ближайшие семь лет. Одна из основных идей, как известно, реализации Стратегии «Узбекистан - 2030» - развитие интеллектуального потенциала, предусматривающее создание системы образования, медицины и социальной защиты, полностью соответствующей потребностям граждан и международным стандартам.

Одной из важных функций науки, как известно, является предвидение, которое как правило направлено в будущее, исследование направленное на получение знаний о возможных явлениях, процессах, происходящих в будущем. Процесс предвидения представляет один из сложных процессов для научного анализа. «Задачей научного предвидения и прогнозирования является познание закономерностей окружающего мира и на этой основе предвидение будущего изучаемых систем, объектов и явлений.» [1.]

Дальнейшее более успешному ее исследованию поможет овладение новейшими методологиями, связанными с синергетикой, информационными технологиями, искусственным интеллектом и др.

В процессе предвидения используются поисковый и нормативный методы. Поисковое прогнозирование определяет перспективы развития системы, это процесс исследовательский, в отличие от нормативного прогнозирования, которое дает информацию, при помощи которой создаются планы и цели ее дальнейшего развития на основании заранее заданных норм, целей, идеалов, т.е. желаемое будущее. Нормативное прогнозирование, постепенно становится отражением перспектив развития, хорошо развитой информационной основы планирования и управления при условии взаимодействия с поисковыми прогнозами, которые, в свою очередь, определяют объективные условия, законы и тенденции развития будущего.[2]. Поисковое предвидение экстраполирует развитие событий по выявленным закономерностям развития. В современное время роль и значение предвидения возрастает, а вместе с этим все сложнее становится сам процесс. Поэтому возрастает роль эффективной методологии предвидения происходящих процессов обществе. Эффективное управление всех сфер жизнедеятельности общества невозможно без предвидения основных тенденции ее развития.

Научное предвидение или прогнозирование научных и технологических изменений, в современное время, играет ключевую роль в развитии общества. В условиях стремительной цифровизации, когда технологии проникают во все сферы жизни, необходимость в эффективных методах прогнозирования становится более актуальной.

В этой связи встают вопросы влияния цифровизации на научное предвидение и какие новые возможности она открывает. Цифровизация, как известно, подразумевает внедрение цифровых технологий в различные процессы, что приводит к значительным изменениям в производстве, образовании, здравоохранении и других областях. Это влияет на процесс научного предвидения несколькими способами.

Современные технологии позволяют собирать и анализировать огромные объемы данных. Это открывает новые горизонты для прогнозирования трендов и выявления паттернов,

которые ранее были недоступны. Например, анализ больших данных в здравоохранении может помочь предсказать вспышки заболеваний или оценить эффективность новых методов лечения. Цифровые модели и симуляции позволяют ученым тестировать гипотезы и сценарии в виртуальной среде. Это значительно ускоряет процесс научного предвидения и уменьшает риски, связанные с экспериментами в реальном мире. Цифровизация способствует интеграции знаний из разных областей, используя междисциплинарный подход. Это позволяет создавать более комплексные и точные прогнозы, учитывающие множество факторов. Например, синергия между информационными технологиями и биотехнологиями может привести к разработке новых лекарств и методов лечения.

Несмотря на преимущества, цифровизация также приносит определенные вызовы для научного предвидения: обработка и интерпретация больших объемов данных требует высокой квалификации и ресурсов. Неправильная интерпретация данных может привести к ошибочным выводам и прогнозам. Использование цифровых технологий в научном предвидении поднимает вопросы о приватности, безопасности данных и ответственности за принимаемые решения. Это требует разработки новых этических норм и стандартов. В условиях стремительного развития технологий прогнозы могут быстро устаревать. Ученым необходимо адаптироваться к изменяющимся условиям и постоянно обновлять свои модели.

Одним из утвердившихся вариантов предвидения становится в условиях цифровизации определение рисков при принятии решений. За последние десятилетия объем публикаций по проблемам риска растет с исключительной скоростью. Например, в социальных науках считается, что произошел «поворот к риску» благодаря работам Э. Гидденса, У. Бека, Н. Лумана. Активное обращение к проблематике риска, проходящее через целый спектр научных дисциплин, говорит о том, что эти вопросы весьма важны в аспекте наращивания возможностей предвидения, как теоретическом уровне, так и на практическом. Анализ современного состояния исследований по проблемам риска показывает его возможности как одного из способов предвидения. Для этого есть свои основания. Риск утвердился в междисциплинарной области знания, этот термин приобрел статус общенаучного понятия. [3].

«Риск – это исторически и социально заданная форма проблематизации будущего, выражающая соответствие между актуальным настоящим и неопределенным будущим в сознании личности, социокультурный смысл которой определяется внутренней сложностью общества и способностью человека формулировать и решать все более сложные задачи» [4].

Необходимо отметить, что и сегодня предвидение в условиях цифровизации во многом опирается на оценку рисков в различных отраслях человеческой деятельности, начиная от экономики и заканчивая оценками природного и техногенного риска. Для оценки риска сначала необходимо «измерить» неопределенность, возникающую в результате принятия решений субъектом, т.е. определить и дать количественную характеристику вероятности возможных событий. В настоящее время теория вероятностей является той областью знания где предвидение приобретает все большее утверждение и наиболее распространенным является аксиоматическое определение вероятности.

Сегодня предвидение во многих случаях не возможно без риска – это не беспомощное ожидание, а сознательный выбор. Наиболее полное определение, с нашей точки зрения, дал А. П. Альгин: «Риск – это деятельность, связанная с преодолением неопределенности в ситуации неизбежного выбора, в процессе которой имеется возможность количественно и качественно оценить вероятность достижения предполагаемого результата, неудачи и отклонения от цели» [5].

Будущее научного предвидения в условиях цифровизации выглядит многообещающим. Ожидается, что развитие искусственного интеллекта и машинного обучения приведет к созданию более точных и надежных прогнозирующих моделей. Кроме того, сотрудничество между учеными, инженерами и бизнесом может ускорить внедрение инноваций и их коммерциализацию.

Научное предвидение и цифровизация взаимосвязаны и взаимодополняют друг друга. Цифровые технологии открывают новые возможности для прогнозирования и анализа, но также

требуют решения ряда вызовов. Успех в этой области будет зависеть от способности исследователей адаптироваться к изменениям и эффективно использовать доступные инструменты.

Стремительная цифровизация образования связана с понятием, введенным Э. Тоффлером – «шок будущего». Цифровизации в начале XXI в. становится настолько стремительным процессом, что общество не в состоянии быстро реагировать на него. В условиях процессов цифровизация происходит изменение отношений между участниками образовательного процесса, между слушателями и педагогами, требуются новые методические подходы к обучению, новых стандартов, которые принимаются медленнее, чем меняется сама жизнь и технологические условия. [6]. В современное время это использование искусственного интеллекта, электронных переводчиков, использование компьютеров для анализа информации - первоисточников, текстов, сбора количественных данных и формулирования выводов о качественных характеристиках тех или иных явлений и событий.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Бестужев-Лада, И.В. Нормативное социальное прогнозирование: возможные пути реализации целей общества. – М., 2001. – 624с.
2. Чередникова Н. П Роль предвидения и прогнозирования в процессе познания. 2016. с.253. [https:// cyberleninka.ru](https://cyberleninka.ru)
3. Туленова К.Ж. Расулев Э.Х. О месте риска в обществе: методологический анализ.- “FALSAFA VA INSONIYAT: O‘TMISH, HOZIRGI ZAMON, KELAJAK” ILMIY-NAZARIY ANJUMAN ALFRAGANUS UNIVERSITY (E)ISSN: 2181-1784 4(26), Nov., 2024 www.oriens.uz, 144-148
4. Общество риска и человек: онтологический и ценностные аспекты. Саратов: ООО Изд. центр «Наука», 2006. С 16.
5. Альгин А. П. Риск и его роль в общественной жизни / А. П. Альгин. – М. : Мысль, 1989. С.9.
6. Синчурина Е.С. Цифровизация как инновационная философская парадигма // Контекст и рефлексия: философия о мире и человеке. 2023. Том 12. № 1А. С. 222-232. DOI: 10.34670/AR.2023.18.81.020

РЕЗЮМЕ:

В данной статье подчеркивается взаимосвязь научного предвидения и процессы цифровизации. В настоящее время, когда технологии проникают во все сферы жизни, необходимость в эффективных методах прогнозирования становится более актуальной.

Ключевые слова: предвидение, прогнозирование, цифровизация, цифровые технологии, интеграция знаний, искусственный интеллект.

REZYUME:

Ushbu maqolada ilmiy bashorat va raqamlashtirish jarayonlari o'rtasidagi bog'liqlik qayta etilgan. Texnologiyalar hayotning barcha jabhalariga kirib borayotgan hozirgi vaqtda prognozlashning samarali usullariga bo'lgan ehtiyoj yanada dolzarb bo'lib bormoqda.

Kalit so'zlar: prognoz, prognozlash, raqamlashtirish, raqamli texnologiyalar, bilim integratsiyasi, sun'iy intellekt.

RESUME:

This article emphasizes the relationship between scientific foresight and digitalization processes. At present, when technologies penetrate into all spheres of life, the need for effective forecasting methods becomes more urgent.

Keywords: foresight, forecasting, digitalization, digital technologies, knowledge integration, artificial intelligence.

SHARQ ETIKASINING TARIXIY-MADANIY TAMOIYILLARI

Muxamedjanova L. -
O'zMU professori.

 10.24412/2181-7294-2025-1-37-40

Sharq etikasi jahon falsafasi va axloqshunosligining muhim tarkibiy qismi bo'lib, u turli dinlar (Islom, Hind dinlari, Buddizm, Konfutsiychilik, Daosizm) va falsafiy maktablar (sufiylik, Hind falsafasi, Xitoy falsafasi) ta'sirida shakllangan. Sharq sivilizatsiyasining uzoq tarixi davomida inson axloqi, ma'naviy kamolot, jamoatchilik bilan munosabatlar, ruhiy ozodlik hamda adolat kabi tushunchalar turli ta'limotlar asosida boyib borgan.

Sharq etikasining manbalari juda xilma-xil va murakkab bo'lib, ularning asosini dinlar, falsafa va urf-odatlar tashkil qiladi. Sharq jamiyatlarida axloqiy qoidalar va qadriyatlar asosan diniy ta'limotlar, falsafiy qarashlar va an'anaviy urf-odatlar orqali shakllangan va rivojlanib kelgan. Bu uchta manba Sharq axloqshunosligining o'ziga xosligi va rang-barangligini ta'minlaydi, hamda jamiyatning ma'naviy va madaniy rivojlanishida muhim ahamiyatga ega.

Mazkur maqolada tarixiy-madaniy manbalarni tizimli o'rganish, muqoyasaviy-tahliliy yondashuv va matnshunoslik usullaridan foydalanildi. Aniqrog'i:

1. Tarixiy metod orqali Sharq etikasi shakllanishining uzoq yillik jarayonidagi asosiy bosqichlar aniqlandi.

2. Muqoyasaviy-analiz asosida Sharq sivilizatsiyasidagi turli dinlar, falsafiy maktablar va urf-odatlardan kelib chiquvchi axloqiy tamoyillar taqqoslandi.

3. Matnshunoslik yutuqlari yordamida birlamchi manbalar (Qur'on, Dxammapada, "Lun Yuy", "Dao De szin", "Bxagavad-Gita" va boshqalar) dagi iqtiboslar tahlil qilindi.

Bu yondashuvlar Sharq etikasini har tomonlama qamrab olishga va ilmiy asosda sarhisob qilishga imkon berdi.

Sharq etikasi manbalari. Diniy manbalar: Islom axloqshunosligi Qur'on va Hadis asosida shakllanib, adolat (adl), rostgo'ylik (sidq), sabr va shukronalik (shukr) tamoyillariga tayanadi. Adolat (Adl): Inson adolatli bo'lishi, har qanday vaziyatda ham adolat qoidalariga rioya qilishi lozim. Adolat nafaqat shaxsiy munosabatlarda, balki jamiyatda ham ta'minlanishi kerak.

"Inson adolatli bo'lib, Allohning irodasiga itoat qilishi kerak" [1] Rostgo'ylik (Sidq): Islom axloqida rostgo'ylik va qalb pokligi insonning asosiy fazilatlaridan biri hisoblanadi. Inson qalbi toza bo'lmay turib, uning axloqiy faoliyati ham toza bo'lolmaydi.

Sabr va shukronalik: Inson hayotdagi qiyinchiliklarga sabr qilgan holda sabrli bo'lishi va Allohga shukronalik bildirishi kerak....

Imom G'azzoliy o'zining "Ihyo ulum ad-din" asarida insonning qalb pokligi va Allohga itoatini ta'kidlaydi: "Insonning qalbi pok bo'lmay turib, uning axloqiy faoliyati sof bo'lolmaydi; qalbning pokligi e'tiqodning sofliigi bilan ta'minlanadi".[2] Islom axloqshunosligi: Islom axloqi insonning Allohga itoat va insoniyatga xizmat qilish asosida quriladi.

So'fiylik inson ichki totuvligi, qalb pokligi va ma'naviy kamolotni eng muhim maqsad sifatida belgilaydi. Ahmad Yassaviy e'tirof etadiki, "Haqiqiy hayot — bu Alloh yo'lida toza qalb bilan ibodat qilish va insonlarga adolatli munosabatda bo'lishdir"[3].

Hind dinlari axloqshunosligi (Hinduizm, Buddizm, Jaynizm) inson karma va sansara doirasida yashayotgani, axloq esa nafsni yengish va ruhiy ozodlikka erishish bilan chambarchas bog'liqligini uqtiradi. Budda ta'kidlaydi: "Zarar yetkazishdan saqlanib, yaxshi ishlar qiling, va ongingizni poklang. Bu buddizmning asosiy ta'limotidir"[4].

Hind falsafasi dxarma, karma va moksha tushunchalari asosida inson hayotidagi axloqiy burchlar, ruhiy ozodlik va ma'naviy yuksalish masalalarini talqin qiladi. "Inson o'z burchini bajarishi, xatto u kamchilikka ega bo'lsa ham, o'zgalarning mukammal ishini qilishdan yaxshiroqdir"[5].

Xitoy dinlari axloqshunosligi. Xitoy dinlari axloqshunosligi: Xitoy axloqshunosligi asosan Konfutsiychilik va Daosizmga asoslangan. Konfutsiychilik axloqni jamiyatdagi tartib va totuvlikni ta'minlash vositasi sifatida ko'radi. Konfutsiyning "Lun Yuy" asarida shunday deyiladi: "Jamoaviylik va munosabatlar adolatli bo'lsa, jamiyatda totuvlik va tartib saqlanadi" [6] Daosizm esa insonning tabiat bilan uyg'unlikda yashashini ta'kidlaydi. Lao szыning "Dao De szin" asaridagi fikrlar shundan dalolat beradi:

"Dao hamma narsaning asosiy qonunidir; insoniyat tabiatning bir qismi bo'lib, u bilan uyg'unlikda yashashi lozim" Dao falsafasida ilk substansiya bor, lekin xudo yo'q; unda xudojo'ylar bor, ammo dogma yo'q. Daodagi xudojo'ylik hayotning, borliqning Butunligiga ishonishdadir. Olamni ham, odamni ham hech kim yaratmagan; agar ularni kimdir yaratgan bo'lsa, yaratish boisi mavjud. Boisi bor narsa o'tkinchidir, u yo'q bo'lishga mahkum. Faqat Mavjudlik, Butun va ularga taalluqli narsalargina barqarordir, abadiydir. "Agar siz,- deb yozadi Lao -tszi,- ichingizda butunni, muxabbatni tuygan va u bilan bevosita aloqaga kirishgan bo'lsangiz, demak, siz dao yo'lidasiz"[7]

Konfutsiychilikda jamoaviylik, burch va adolat, Daosizmga esa tabiat bilan uyg'unlik markaziy o'rin tutadi. Lao szы yozadi: "Dao hamma narsaning asosiy qonunidir; insoniyat tabiatning bir qismi bo'lib, u bilan uyg'unlikda yashashi lozim" Konfutsiy, insonlar orasidagi aloqa va munosabatlarning ahamiyati bilan bir qatorda hayot, o'lim, sharaf... barchasining Osmon xudosi tomonidan kelishini aytgan. Unga ko'ra Tien, o'sha paytdagi e'tiqodga ko'ra, osmonda o'tiruvchi, yomon hukmdorlarni jazolovchi, yangi oilalar barpo qiluvchi va yaxshilarni mukofotlovchi ajdodlarga nisbatan beriluvchi bir nom emas, balki Tien; Ulug' Mavjudot, tabiat nizomining idora qiluvchisi, hamma narsadan ustun, yaratuvchi qudrat edi. Bu boradagi boshqa bir atama esa "Dao"dir. "Dao", inson yuradigan to'g'ri yo'l, ya'ni axloq asoslaridir. U bu atamani ham ishlatgan. Konfutsiy, "ertalab Daoni zikr qilgan kishi kecha borib bemalol jon berishi mumkin", degan. Konfutsiy o'zini himoya qiladigan va uni vazifalantirganligiga ishongan azamatli bir Ulug' Borliqqa e'tiqod qilgan. Unga ko'ra Ulug' hukmdor bo'lgan Tangri, hurmat va ibodat qilinishi kerak bo'lgan bir mavjudotdir. Koinotni u boshqaradi. [8]

Konfutsiylarning ma'lum bir iymon-e'tiqod asoslari yo'q; faqatgina quruvchisi, Tangri tushunchasi va muqaddas matnlari mavjud, xolos.

Konfutsiylar, dindan ham ko'ra ko'proq axloq va hikmat yo'li deb bilinadi. Konfutsiyning axloq asoslari, jamiyat va xalq uchun qaratilgan. Maqsadi; xalqni siyosiy bir tarbiya va saodatga yetishtirishdir.

Konfutsiy diniy faoliyat sifatida Xitoyning eski diniy tasavvurlarini qayta tiklashga harakat qilgan. To'xtalib o'tishdan qanchalik o'zini olib qochmasin, "narigi dunyo"ning mavjudligini inkor etaolmagan. U qilingan gunoh ishlarning jazosiz qolmasligi, bu kabi ishlarning jazosini u dunyodan ham ko'ra bu dunyoda tortilishini; yomonlik qilganning xatosini darhol tushinib yetib tuzatishi va shunday qilib gunohidan kechirilishini so'rashining shartligini ta'kidlagan.

Bu dinda duo va ibodat bir vazifadir; lekin doimiy emas. Bu diniy ma'noda, ro'za tutilib toza bo'lgandan keyin amalga oshiriluvchi qurbonlikdan iboratdir.

Konfutsiylarda ijtimoiy-axloqiy masala alohida o'rin egallaydi. Shu ma'noda Konfutsiy ta'limotini inson hatti-harakati, hayotiy me'yorlari haqidagi ta'limot deyish ham mumkin. Konfutsiy "Buyuk ta'limot" kitobida ularni besh fazilat sifatida shunday izohlaydi:

- 1.Tavoze' (kamtarlik),
- 2.Saxiylik,
- 3.Samimiylik,
- 4.Rostgo'ylik,
- 5.Nazokat, (odob-axloq).

Konfutsiyning o'zi bu fazilatlarni quyidagicha sharhlaydi: "Kamtarin, og'ir, bosiq bo'lsang hurmatsizlik ko'rmasan, saxiy bo'lsang hamma narsani qo'lga kiritasan, samimiy bo'lsang xalq senga ishonadi, rostgo'y bo'lsang ko'p narsaga muvaffaq bo'lasan, odob-axloqli bo'lsang insonlarni o'z xizmingda ishlata olasan". [8]

U komil insonni, "Tushkun va bechoralarga yordam beradi va boylarning boyligini ko'paytirmaydi", deya ta'riflaydi. Unga ko'ra komil inson bilan pastkash insonning farqi shunday keltiriladi: "Buyuk va komil inson insonlarning taqdirini, pastkash esa o'z huzur-halovatini o'ylaydi.

Komil inson qonunlar ustida bosh qotirsa, pastkash o'z foydasini izlashga tushadi. Komil inson faqatgina to'g'rilikni o'ylasa, pastkash faqatgina manfaatni o'ylaydi". O'zi uchun esa shunday deydi: "Yoshi kattalarga huzur-halovat bag'ishlash, do'stlarga samimiy va yoshlarga nazokat bilan munosabatda bo'lishni xohlayman".

Undan tavsiya berishini istagan bir boshqaruvchiga: "...to'g'rilikdan ayrilma, xatolarni tuzat",[8] degan. Konfutsiyga ko'ra bir kishi tashqi go'zallikdan ko'ra ko'proq yaxshi axloqqa e'tibor bersa, oilasiga xizmatda jiddiy g'ayrat ko'rsatsa, boshlig'iga hayoti davomida bog'liq qolaolsa, do'stlari bilan bo'lgan munosabatda samimiy bo'lsa, unday inson kishilar tomonidan ilmsiz deb bilinsa-da, aslida u bilimdonidir. Komil va buyuk insonlar, hatti-harakatlarida ma'noli va e'tiborli bo'lishga, yuz ifodalarida samimiyatga, so'zlarida nazokat va sharaflikka ahamiyat beradilar. Ular; ota-onalariga yaxshi muomalada bo'lib, xalqini, jamiyatini fazilat bilan yuksaltiradilar.

Olingan natijalar shundan dalolat beradiki, Sharq etikasida din, falsafa va urf-odatlar birgalikda ishlab, juda murakkab axloqiy tizimni vujudga keltirgan. Eng asosiy jihat shundaki, ushbu tizimda jamoatchilik manfaatlarini shaxsiy manfaatlardan ustun qo'yish, kamtarlik, adolat va ichki totuvlik kabi mezonlar asosida taraqqiyotga erishish nazarda tutiladi. Biroq zamonaviy globallashuv sharoitida, bir tomondan, an'anaviy qadriyatlar tadrijiy ravishda zamonaviy tushunchalar bilan assimilyatsiyalashib borayotgan bo'lsa, ikkinchi tomondan, madaniyatlararo muloqotlar bu qadriyatlarning qayta qadrlanishi va turli ta'limotlar orasidagi o'zaro hamkorlik paydo bo'lishini rag'batlantirmoqda.

Sharq jamiyatlarida shaxs va jamoatchilik munosabatlarida ahillik, burch va mas'uliyat lozim ekanligi tarixiy jihatdan asoslangan. Konfutsiy, Budda, Imom G'azzoliy kabi ulug' mutafakkirlarning asarlari ham buni tasdiqlaydi. Shu bilan birga, shaxsiy erkinlik, inson huquqlari va gender tengligi kabi tushunchalar ham kundan-kunga muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shu bois Sharq axloqshunosligini ilmiy jihatdan qayta ko'rib chiqish, asl qadriyatlarni saqlab qolgan holda, ularni zamonaviy hayot shart-sharoitlariga moslashtirish zarur.

Sharq etikasi ko'p asrlik tarixiy rivojlanish davomida shakllangan kompleks tushunchalar, tamoyillar va qadriyatlar tizimi bo'lib, u turli dinlar, falsafa maktablari va milliy urf-odatlar bilan boyib boradi. Asosiy e'tibor jamoaviylik, adolat, kamtarlik, ichki totuvlik, burch va mas'uliyat kabi mezonlarga qaratilgan. Islomda adolat va rostgo'ylik, Buddizmda zo'ravonliksizlik va ruhiy ozodlik, Konfutsiychilikda burch va jamoaviylik, Daosizmda tabiat bilan uyg'unlik, Hind falsafasida esa karma va mokshaga intilish kabi konsepsiyalar shakllangan.

Zamonaviy sharoitda globallashuv jarayonlari, texnologiyalarning jadal rivojlanishi va madaniyatlararo aloqalar kengayishi sababli Sharq jamiyatlarida shaxs erkinligi, gender tengligi, inson huquqlari kabi tushunchalar ham muhimlik kasb etmoqda. Shu bilan birga, an'anaviy qadriyatlarning – oilaviy munosabatlar, kattalarni hurmat qilish, jamoaviy manfaatlarni ustun qo'yish va kamtarlik kabi mezonlarning – susayib qolishi yoki teskari reaksiya sifatida qayta mustahkamlanishi kuzatilmoqda.

Demak, Sharq axloqshunosligining asosiy vazifasi – ushbu qadriyatlar bilan zamonaviy hayot tarzi o'rtasida muvozanatni shakllantirish, bir tomondan, tarixiy-madaniy merosni asrab qolish, ikkinchi tomondan, taraqqiyot talabi bilan uyg'unlashgan holda ma'naviy-axloqiy an'analarni boyitishdir. Turli dinlar, falsafiy maktablar va urf-odatlar asosida rivojlangan Sharq axloqshunosligi odamlar o'rtasida bag'rikenglik, o'zaro hurmat va umumiy taraqqiyotni ta'minlashda davomli ilhom manbai bo'lib qoladi.

Asosiy xulosa shundaki, Sharq sivilizatsiyasining chin ma'naviy boyligi – bu jamoaviylik, kamtarlik va adolat kabi qadriyatlarning birlashuvi bo'lib, ular XXI asrda ham dolzarb ekanligi namoyon bo'lmoqda. Shu bois ushbu qadriyatlarni ilmiy jihatdan xolis o'rganish, amaliy hayotda tatbiq etish va ularni yosh avlod tarbiyasida qo'llash eng muhim masalalardan biri hisoblanadi.

ADABIYOTLAR:

1. Abdulaziz Mansurov. Qur'on. "Toshkent islom universiteti" nashriyot-matbaa birlashmasi, 2004 y.58 oyat.
2. Imom G'azzoliy o'zining "Ihyo ulum ad-din" «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi. Toshkent – 2007
3. Ahmad Yassaviy Hikmatlar. Gafur Gulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1990 y.
4. A.Ochildiev. Dinshunoslik. «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi. Toshkent – 2013

5. A.Ochildiev. Dinshunoslik. «Toshkent islom universiteti» nashriyot-matbaa birlashmasi. Toshkent – 2013
6. Muallif Adib: Jahon adabiyoti va madaniyati, Naqlar, hikmatlar, rivoyatlar Konfutsiy. Lun Yuy, «Hikmatlar» kitobi 2010
7. V.Alimasov. Buyuk faylasuflar turkumidan: Lao-szi yoxud Dao falsafasi.
8. Konfutsiy xikmatlar.K.Juraev. O.Juraev tarjimasi. Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. 2010

REZYUME:

Ushbu maqolada Sharq etikasi, uning tarixiy-madaniy tamoyillari va asoslari kompleks tahlil qilinadi. Sharq sivilizatsiyasida axloqiy qarashlar turli dinlar (Islom, Hind dinlari, Buddizm, Konfutsiychilik, Daosizm) va falsafiy maktablar (sufiylik, Hind falsafasi, Xitoy falsafasi) ta'sirida shakllangan.

Kalit so'zlar. Sharq etikasi, axloq, falsafa, din, urf-odat, adolat, kamtarlik, umumiylik, jamoaviylik.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассматривается этические воззрения Востока, её историко-культурные принципы и основы. Этические представления в восточной цивилизации сформировались под влиянием различных религий (ислам, индийские религии, буддизм, конфуцианство, даосизм) и философских школ (суфизм, индийская философия, китайская философия).

Ключевые слова. Восточная этика, нравственность, философия, религия, обычаи, справедливость, скромность, коллективизм.

RESUME:

This article provides a comprehensive analysis of Eastern ethics, examining its historical and cultural foundations. Moral concepts within Eastern civilization have been shaped under the influence of diverse religions (Islam, Indian religions, Buddhism, Confucianism, Daoism) and philosophical schools (Sufism, Indian philosophy, Chinese philosophy).

Keywords Eastern ethics, morality, philosophy, religion, traditions, justice, humility, collectivism.

БУЮК ДАҲОЛАР МЕРОСИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ МУСТАҲКАМ УСТУНИ

Азимов Ҳ.И. -
ТДЮУ профессори.

 10.24412/2181-7294-2025-1-41-44

Буюк аждодларимизнинг тарихий-маданий меросининг буюк қудрати ва унинг кадр-қимматини ёш авлодлар қалбига сингдириш нафақат бугунги кун учун балки, келажак авлодлар учун ўта муҳим ҳисобланади. Инсониятнинг босиб ўтган узоқ тарихий тараққиёт даврларига назар ташлар эканмиз, бирон-бир жамият, давлатнинг илм-фан, маърифат, эзгу ғоялар ва мафкурасиз ривожлана олмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб келмоқда. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни мақсад қилиб олди. Ана шу эзгу мақсадни амалга оширишда ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган жамиятнинг асосларини яратишга киришилди. Буюк даҳоларимизнинг улкан меросини атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш ва уни ҳаётимизга татбиқ этишга устувор аҳамият қаратилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, мафкуранинг дунёвий илдизлари маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуидан иборатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак. Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради... Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламуларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур”[1]. Инсоният тарихида буюк хизматлари ва ўлмас дурдона асарлари билан ном қолдирган, ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби **Мир Алишер Навоий** (1441–1501) нинг хизматлари мангуликка дахлдордир. Алишер Навоийнинг яратган асарлари, унинг эзгулик йўлидаги таҳсинга лойиқ ишлари асрлар оша сайқал топиб, инсонлар қалбини ром этиб келмоқда. Алишер Навоий шоир бўлиш билан бирга улўғ олим, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қайд этганидек: “Агар бу улўғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониридир”. Алишер Навоий устоз Абдурахмон Жомий билан ҳамкорликда маънавият тараққиётига ғоявий жиҳатдан раҳнамолик қилди. Улар тимсолида бадиий адабиёт энг буюк ютуққа эришди. Алишер Навоийнинг инсонпарварлик, эзгулик ғоялари билан суғорилган “Хамса” ва “Хазойин ул-маоний” девони, Абдурахмон Жомийнинг “Ҳашт авранг” ва шеърий девонлари нафақат ўша давр адабиётининг энг буюк намуналари бўлиб қолмасдан балки, бугунги кун адабиётининг ҳам юксак намунаси бўлиб келмоқда.

1483 йилдан Алишер Навоий ўзининг буюк “Хамса” асарини ёзишга киришди ва уни уч йилда тугаллади. Беш дostonни ўз ичига олган бу улкан бадиий қомус 50 минг мисрадан ошиқ бўлиб, Алишер Навоийнинг барча шеърий меросининг деярли ярмини ташкил қилади. “Хамса” Алишер Навоий ижодининг қалби бўлиб, туркий халқларнинг обрў-эътиборини янада юқори

босқичга олиб чиқди. Унинг адолат ҳақида илгари сурган бебаҳо ғоялари ҳозирги кунда ҳам беқиёс аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир. Алишер Навоийнинг “Хамса” асарида ўша даврнинг аламли ва изтиробли масалалари қаторида инсонларнинг орзу ва армонлари тўлақонли ўз аксини топди. Шу боис ҳам “Хамса” асари халқнинг олқишларига, ҳурматига сазовор бўлди. Шунингдек, устози Абдурахмон Жомий томонидан алоҳида эътироф этилди. Хукмдор Султон Хусайн Бойқаро эса шоирнинг буюк хизматларини юксак қадрлаб, тасаннолар билдирди. Хусайн Бойқаро ўзининг оқ отига миндириб, жиловдорлик қилгани бундан яққол далолатдир. Асар дунёнинг 60 дан ортиқ тилларига таржима қилинганлиги ҳам унинг нақадар аҳамиятга молик асар эканлигидан далолатдир.

Алишер Навоий ҳар вақт эзгулик ва адолат йўлида тинимсиз меҳнат қилди. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай деган эди: “Бу борада Алишер Навоий бобомиз “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун “адл қасри”, яъни “адолат кўрғонини бунёд эт”, – деб айтган сўзларида қанчалик чуқур маъно бор”[2].

Бобокалонимиз Алишер Навоий ижоди хорижий мамлакатларда ҳам севиб ўқилиб, асарлари бот-бот таржима қилинмоқда. Америка Қўшма Штатларининг Массачусетс штатида истиқомат қилувчи адабиётшунос, ёзувчи ва шоир Денис Дели кўп йиллик изланишлари туфайли Алишер Навоий ғазалларини тадқиқ этиб, “Cervena Barva Press” нашриётида “Алишер Навоийнинг йигирма бир ғазали” (“Twenty one ghazals by Alisher Navoiy”) деб номланган китобни чоп эттирди. Тўплам хорижликлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди[4]. Бу эса, хорижлик олимларнинг Алишер Навоий ижоди ва фаолиятига бўлган юксак эҳтиромдан яққол далолатдир. Ҳамюртларимиз ва хорижлик олимлар томонидан янгидан янги тадқиқот ишлари олиб борилди ва олиб борилмоқда. Алишер Навоийнинг асарлари дунё халқларининг тилларига кенг таржима қилиб келинмоқда. Хусусан, “Мажолис ун-нафоис” 16-асрлардаёқ форс тилига Фаҳрий бин Султон Муҳаммад Амирий, Муҳаммад Қазвиний ва Шоҳали Абдуали Нишопурийлар томонидан 3 маротаба таржималари амалга оширилди. 19-асрнинг охири ва 20-асрнинг бошларида Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари турк ва татар тилларига таржима қилинди. Ёзувчи Ойбекнинг “Навоий” романи, Иззат Султоннинг эса “Навоийнинг қалб дафтари” каби ҳужжатли қиссасларининг яратилиши аҳамиятга молик ишлардан бўлди. Бу каби тарихий ишлар кейинги йилларида ҳам кенг қўламда амалга оширилди ва амалга ошириб келинмоқда. Алишер Навоийнинг туркий тилни равнақи учун амалга оширган ишлари буюк жасорат эди. Бу ҳақда буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай деган эди: “Туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқон эмас”.

Ўзининг буюк хизматлари билан тарих саҳифасидан муносиб ўрин эгаллаган яна бир буюк бобокалонимиз **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** (1483–1530) ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур кенг дунёқараши ва мукамал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, давлат арбоби сифатида ном қолдирган бўлса, “Бобурнома” асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятнинг энг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубаййин” (“Баён этилган”), “Хатти Бобурий”, “Ҳарб иши”, аруз ҳақидаги рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 феввалида Андижонда Фарғона улусининг ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида дунёга келди. Бу даврда Марказий Осиё ва Хуросонда турли ҳокимлар, ака-укалар, тоға-жиянлар, амакиваччалар ўртасида ҳокимият – улуг боболари Амир Темур тузган йирик давлатга эгалик қилиш учун кураш ниҳоят кескинлашган эди.

Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр қўйган Заҳириддин, барча Темурий шахзодалар каби бу илмлар асосини отаси саройида етук устозлар раҳбарлигида эгаллади. Бироқ унинг беташвиш ёшлиги узоққа чўзилмади. 1494 йили отадан етим қолди. 12 ёшида отаси ўрнига Фарғона улусининг ҳокими этиб кўтарилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётида залворли дамлар бошланди. 1526 йилнинг апрель ойида Панипатда Ҳиндистон султони

Иброҳим Лўди билан ва 1527 йилнинг март ойида Читора ҳокими Рано Санго билан бўлган жангларда Бобурнинг қўли баланд келди. Тарихий маълумотларда баён қилинишича, Ҳиндистонга юришда Дехли ҳукмдори Иброҳим Султон сиёсатидан норози бўлган Панжоб ҳокимлари ҳам Бобурни қўллаган ва Сикри жангидаги бу ғалаба Бобурга Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш ҳамда Бобурийлар сулоласини барпо этиш имкониятини берди. “Бобурийлар сулоласи” Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилди. Бобур 1530 йилнинг декабрь ойида Агра шаҳрида вафот этди ва кейинроқ унинг васиятига кўра фарзандлари унинг ҳокими Қобулга олиб келиб дафн этди. Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жаваҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: “Бобур Ҳиндистонга келганидан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий-бадний фаолиятини ҳам давом эттирди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди. Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари “Бобурнома”дир. Маълумки, унда Бобур яшаган давр ораллиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат, унинг биринчи қисми XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеалар; иккинчи қисми XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Қобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеалар; учинчи қисми XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. “Бобурнома”да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукаммал баён қилинар экан, ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Қобул улусининг йирик шаҳарлари Қобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

“Бобурнома”ни варақларканмиз, кўз олдимизда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган фазилат, уларнинг тафаккур олами кенглиги ва мураккаблиги билан бирга ўша даврдаги ҳаёт муаммолари, Бобур давлатидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг тўлиқ манзараси намоён бўлади. Мовароуннаҳрни бирлаштиришга уринишлари натижа бермагач Заҳириддин Муҳаммад Бобур руҳан қийналган, амалдорларнинг хиёнатлари таъсиридан азият чеккан кезлардаги кайфияти шеърларида акс этган. Кейинчалик ўз юртини тарк этиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга юз тутганда Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърлятида Ватан туйғуси, атан соғинчи, унга қайтиш умиди мавж ура бошлади.

**Толе йўқки жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишниким, айладим хатолиғ бўлди,
Ўз ерин қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг маълум ва машҳур асарлари билан тарихнавис адиб, лирик шоир ва ижтимоий масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшган олим сифатида халқимиз маънавий маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллайди[5]. Шунинг билан қайд этиш керакки, Ҳиндистон Миллий архивида мамлакатнинг кўп минг йиллик тарихи ва маданияти, сиёсати, адабиёти ҳамда санъатига оид ноёб китоблар ва маълумотлар сақланади. Изланишлар натижасида ана шундай ноёб асарлар илк бор кашф қилинди. Жумладан, “Бобур девони”, “Воқеоти Бобурий” (“Бобурнома”) ва Бобур даврида яшаган Ҳаким Қандахорийнинг Бобурга бағишлаб ёзган “Тули рангин” (“Қизил гул”) дostonлари бўлиб, ундan нусхалар оlinиб юртимизга келтирилди. Айниқса, “Тули рангин” дostonи мутлақо янгилик, ҳали бу асар ўзбек ўқувчисига маълум эмас эди[6].

Инсоният цивилизацияси учун ажодларимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асрлар давомида сайқал топиб, давлат ва жамият ҳаётида мислсиз аҳамият касб этиб келмоқда. Буюк даҳоларимизнинг илм-фан соҳасида эришган ютуқлари нафақат ўз даври учун

муҳим аҳамият касб этиб қолмасдан, балки ҳозирги замон тараққиёти учун ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Буюк аждодларимизнинг ватанпарварлиги, халқпарварлиги, эзгулик, бунёдкорлик ва халқ фаровонлиги йўлидаги яратувчанлик каби буюк ғоялари ва асарлари асрлар оша мангуликка дахлдор бўлиб қолади. Дарҳақиқат Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек:” Буюк аждодларимиз мероси, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати, интеллектуал ва маънавий салоҳияти, унинг меҳнатсеварлик ва тadbиркорлик фазилати бу йўлда бизга куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади”.[3]

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрь куни Ўқитувчи ва Мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.
2. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи. – 2018. – 8 декабрь.
3. Мирзиёев Ш.М. Янгиланган Конституциямиз Учинчи Ренессансни барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади. 2023 йил 8 май.
4. Ғарбда Алишер Навоий асарларини ўқишга эҳтиёж катта. “Халқ сўзи”. – 2018. – 5 апрель.
5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т. 1. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 83–88; Маънавият юлдузлари // Масъул муҳаррир М. Хайруллаев – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – Б. 251–255.
6. Машрапов З. Буюк меросимиз дурдоналарини излаб... “Халқ сўзи”. – 2018. – 22 сентябрь.
7. Муминов А.Г. “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда Президент Ш. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асаридан фойдаланиш”. Журнал: Academic research in educational sciences, 2022, №3, 70-76 бетлар.

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада буюк даҳоларимизнинг улкан меросини атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш ва уни ҳаётимизга татбиқи ўрганилган.

Калит сўзлар. Уйғониш даври, маданият, шеърят, ўзбек тили, Буюк ипак йўли, Мовароуннаҳр, Хуросон, “Хамса”.

РЕЗЮМЕ:

В этой статье рассматривается глубокое изучение, исследование и применение наследия наших великих гениев.

Ключевые слова: Возрождение, культура, поэзия, узбекский язык, литература, поколения, Великий Шелковый путь, Мавераннахр, Харасан, «Хамса»

RESUME:

In this article, priority is given to the comprehensive study, research and application of the great heritage of our great thinkers.

Keywords: Renaissance, culture, poetry, Uzbek language, literature, generations, the Great Silk Road, Maverannahr, Kharasan, “Khamsa”.

INTELLEKTUAL IZLANISHLAR VA O'ZBEK ETNOTAFAKKURIDAGI O'ZGARISHLAR

Narkulov S.D. –

TTA, kafedra mudiri, falsafa fanlari doktori.

Umarova F.S. –

TTA dotsenti, falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori

 10.24412/2181-7294-2025-1-45-48

Zamonaviy modernizatsiya intellektual va innovatsion izlanishlar bilan uzviy bog'liq. An'anaviy hayot tarzini, tafakkurni va ma'naviy-madaniy sohaning yangilanishi intellektual va innovatsion izlanishlarni taqozo etayotgani aksiomadir. "To'rtinchi ilmiy-texnika inqilob" nomini olgan bugungi modernizatsiya ilgarigi o'zgarishlardan keskin farq qiladi. Taniqli amerikalik faylasuf Ye.Toffler bu o'zgarishlarni uchga, ya'ni insoniyatning ibtidoiy davrdan agrar munosabatlar davriga o'tgani, agrar davrdan kapitalistik ishlab chiqarishga o'tgani va ilmiy-texnik taraqqiyot bosqichlariga o'tgani bilan bog'liq deb ko'rsatadi [1.]. Shunga o'xshash fikrlar, yondashuvlar ko'pgina faylasuflar va jamiyatshunoslarda uchraydi. Ular modernizatsiyalash bosqichlarini turlicha guruhlashtirgan bo'lsa-da, hozirgi davrdagi o'zgarishlarni globallashtirish va ilmiy-texnik inqilob bilan bog'lashayotganida yakdildir. O'zbekiston mutaqqillikka yerishgan ilk kunlardan o'q globallashtirish va ilmiy-texnik taraqqiyot bosqichiga o'tish insoniyat uchun yangi imkoniyatlar ochayotganini ye'tirof yetgan. Shu bois ham u intellektual boy va murakkab ijtimoiy muammolarni yechishga qodir yangi avlodni tarbiyalashni o'zining strategik vazifalaridan biri deb e'lon qilgan [2.]. Mustaqillikning dastlabki yillarida ham yangi avlodni tarbiyalashga oid zarur dasturlar va huquqiy hujjatlar qabul qilingan, ta'lim-tarbiyaning yangi tizimlari yaratilgan. "Ta'lim to'g'risida" qonun shunday strategik ahamiyatga ega hujjatlardan hisoblanadi.

Sh.M.Mirziyoyevning ilk islohotlaridan biri maktab ta'limini qayta tikladi, o'zini oqlamagan kollejlarni boshqa muassasalarga aylantirdi. Buni u o'z ixtiyori bilan, volyuntaristik tarzda emas, balki kollejlarni haqida xalqdan tushgan arzlar, noroziliklarga asoslanib qildi. "Bugun jahon miqyosida yurtimiz haqida so'z ketganda, - deydi Sh.M.Mirziyoyev, - "Yangi O'zbekiston" iborasi tilga olinmoqda. Bu keyingi yillarda taraqqiyotning mutlaqo yangi bosqichiga qadam qo'yganimiz, yerishayotgan zalvarli yutuqlarimizning ye'tirofidir. Xalqimizning ulug'vor qudrati jo'sh urgan hozirgi zamonda O'zbekistonda yangi bir uyg'onish - Uchinchi Renessans davriga poydevor yaratilmoqda, desak, ayni haqiqat bo'ladi. Chunki bugungi O'zbekiston kechagi O'zbekiston emas, Bugungi xalqimiz kechagi xalq emas... "Milliy tiklanishdan - milliy yuksalish sari" degan da'vatkor g'oya xalqimizga tobora chuqur kirib bormoqda. Biz ayni shu asosda xalqimiz hayotini tubdan yaxshilash, inson huquq va yerkinliklari, qonun ustuvorligi va ijtimoiy adolatni ta'minlash, innovatsion taraqqiyot borasida muhim qadamlar qo'ymoqdamiz" [3, 40-41].

Intellektual izlanishlar, o'tgan yillardagidek, shunchaki ilm-fan bilan shug'ullanish, shunchaki oliy ma'lumotli bo'lish, shunchaki ilmiy darajaga yerishish emas, endi biz raqobatga qurilgan dunyoga, unda nafaqat manfaatlar kurashi, shuningdek, intellektual izlanishlarda o'zligini, qanday aqlu idrokka, ijodiy salohiyatga yega yekanimizni amalda isbotlaydigan, hatto xavf xatarlarga to'la munosabatlarga, aloqalarga kirmoqdamiz.

Intellektual izlanishlar kishidan ilm-fan sirlari va yutuqlaridan xabardor bo'lishni, ijtimoiy taraqqiyot qonunlarini anglagan holda ijodiy kuchlari va salohiyatini xalq, millat ravnaqiga sarflashni taqozo etadi. Shu maqsadda O'zbekistonda Prezident maktablari, ixtisoslashgan va ijod maktablari tashkil yetildi, "Zamonaviy maktab" dasturida 147 o'rta maktab qayta qurildi, 168 tasi ta'mirlandi. Yoshlarning ijodiy va ijtimoiy faolligini ro'yobga chiqarish uchun Yoshlar ishlari agentligi, Yoshlar masalalari bo'yicha idoralararo kengash tuzildi, Oliy Majlis qoshida Yoshlar parlamentlari, O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi qoshida Yoshlar akademiyasi

ochildi, viloyatlarda yesa “Loyihalar fabrikasi” ishga tushirildi. “Yoshlar - kelajagimiz” Davlat dasturi doirasida iqtidorli va tashabbuskor yoshlarni qo‘llab-quvvatlash uchun 8 mingdan ziyod biznes loyihalariga 1,7 trillion so‘m mablag‘ ajratildi. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligi tomonidan ilmiy izlanishlarni qo‘llab-quvvatlash uchun 2020 yilning birinchi yarmi davomida 28,2 milliard so‘mlik 31 startap loyiha moliyalashtirildi. Xalqaro ilmiy hamkorlik doirasida Germaniya, Rossiya va Belarus Respublikalari bilan birgalikda 9,6 milliard so‘mlik 38 ta qo‘shma loyiha amalga oshirildi [4.]. Prezident aytganidek: “Mamlakatimiz yuqori texnologik sohalar bo‘yicha dunyoda ortda qolib ketgan. Barcha sohalarini modernizatsiya qilish, jahon bilan ham qadam bo‘lish uchun Innovatsion rivojlanish vazirligini qayta tashkil yetib, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligiga aylantirildi. Vazirlik jamoasi ilmiy-texnik rivojlanish sohasida aniq amaliy natijalar ko‘rsatishi kerak” [5.].

O‘zbekistonda oliy ta‘limni 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi qabul qilingan bo‘lib, unda oliy ta‘lim qamrovini 50 foizgacha yetkazish nazarda tutilgan. Ta‘lim tizimini xalqaro ta‘lim standartlari darajasiga ko‘tarish, nazariy bilimlarni ijtimoiy amaliy masalalar bilan bog‘lashga yerishish, oliy o‘quv yurtlarining xalqaro nufuzli 1000 talik tizim qatoriga olib chiqish, Yevropa standartlari pog‘onasidagi Bollone tizimiga muvofiq keladigan ilmiy va ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlashga yerishish, kadrlar tayyorlash va intellektual salohiyatni oshirish borasida oliy ta‘limda tub o‘zgarishlar qilish, kredit modul tizimiga o‘tish, fan, ishlab chiqarish va ta‘limning integratsiyalashuvi “Universitet 3.0” dasturiga muvofiqlashtirish kabi yangilanishlarni amalga oshirish muhim vazifalardan hisoblanadi [6.]. O‘zbekiston oliy ta‘lim tizimi nafaqat ta‘lim xizmatlarini import qiluvchi, shuningdek, yeksport qiluvchi muassasalarga aylanishi kerak. Biroq savol-javoblar ko‘rsatadiki, oliy ta‘limdagi islohotlar ommaga, talabalar ota-onalariga har doim ham tushunarli bo‘lavermas yekan. Masalan, respondentlarimizning 37 foizi “universitetlarning 1000 lik” tizimi nima, “kredit modul” nima degani, “Bolone jarayoni” deganichi, “global tarmoq” nimani anglatadi, “universitet reytingi”, “ta‘lim tizimini modernizatsiyalash”, “pedtexnologiya”, “masofaviy ta‘lim” nega kerak, “ta‘limga investitsiya kiritish”, “xalqaro standartlar” kabi savollar haqida aniq tushunchalarga yega emas. Ular nima uchun institutlar universitet va akademiyalarga aylantirilayotganining ahamiyati haqida ham biror nima deya olishmaydi. Jamiyatda, ta‘lim tizimida kechayotgan modernizatsiya jarayonlaridan ular deyarli bexabar, vaholanki, ularning farzandlari u yoki bu oliy o‘quv yurtlarida ta‘lim olishadi. Ammo bu ta‘lim tizimiga yetnotafakkurning munosabati deyarli salbiy yekan, degan fikrga olib kelmaydi. Oliy ta‘lim tizimida bugun xalqaro standartlarni joriy yetish shiddat bilan davom yetmoqda, bu modernizatsiyalashtirishning barcha jihatlarini bilan keng omma tanish bo‘lmasligi mumkin. Respondentlarimizning deyarli 67 foizi kontrakt to‘lovlari oilalarga og‘ir tushayotganini, bu yesa kishilar o‘rtasida noroziliklar uyg‘otayotganini bildirishadi. Ularning aksariyati kontrakt pullarini to‘plash uchun oila xarajatlarini, oziq-ovqatlarga ajratiladigan pullarini qisqartirishga majbur bo‘lishayotganini aytishadi. Ular ichida kontrakt pullarini to‘lash imkoni bo‘lmagani uchun farzandlarini oliy o‘quv yurtlaridan qaytarib olganlari ham bor. Respondentlarning deyarli yarmi, ya‘ni 48 foizi oliy ta‘lim tizimidagi an‘anaviy kasb-kordan tashqari yana qanday yo‘nalishlar mavjudligini bilishmaydi. Ular farzandlarining xorijiy yo‘nalishdagi kasb-korlarga qiziqishi borligini tan olgan holda, bu kasb-korlar farzandlariga nimalar berishini aniq aytisholmaydi. Respondentlarimizning 41 foizi O‘zbekistonda oliy ta‘limni rivojlantirish konsepsiyasi ishlab chiqilgani va qabul qilinganidan bexabar, 28 foiz u haqda yeshitganu, lekin aniq qanday maqsad va vazifalarni nazarda tutishini bilishmaydi. Hatto mazkur respondentlar ichida oliy ma‘lumotlilar 87 foizni tashkil yetishadi. Shunday bo‘lsa-da, xalqimiz va yoshlarimizda oliy ma‘lumotli, zamonaviy bilimli va kasb-korli bo‘lishga intilish kuchli. Respondentlarimizning 88 foizi farzandlarini oliy ma‘lumotli, zamonaviy qarashli, ye‘tiborli kasb-kor yegasi bo‘lishini istaydi. Hatto ular oshirilgan kontrakt (superkontrakt) pullarini to‘lab bo‘lsa-da, farzandlarini o‘qitishni istaydi. Mazkur optimistik yondashuv respublikamizda yangi ochilayotgan oliy ta‘lim muassasalari yo‘nalishlariga va talablariga muvofiq keladi. Toshkent xalqaro Vestminster universiteti rektori K.Karimovning fikricha, oliy ta‘limni rivojlantirish uchun “o‘ziga xos bozor mexanizmlarini ishlab chiqish zarur. Bunda xorijiy universitetlar tajribasidan foydalanish maqsadga muvofiq. Ushbu bozor mexanizmlari oliy ta‘lim muassasalari faoliyatida o‘ziga xos “o‘yin qoidalari”dir. Ular mulkchilik shakllari, kredit modul tizimi, o‘qish narxlarini, universitet va davlat

oʻrtasidagi munosabatlarga tegishli boʻlib, davlatning meʼyoriy-huquqiy hujjatlarida oʻz aksini topishi kerak... Demak, bora-bora mamlakatimizda taʼlim sohasida ham yerkini raqobat bozori shakllanadi va uning natijasida Oʻzbekiston oliy oʻquv yurtlari jahon taʼlim makonining bir qismi tarzida nafaqat taʼlim xizmatlarini import qiluvchi, balki yeksport qiluvchi muassasalarga aylanadi. Bu yesa raqobatdosh mutaxassislar tayyorlash zaminidir” [7].

Mamlakatimizda barcha sohalar kabi intellektual izlanishlar va yetnotafakkurdagi innovatsion oʻzgarishlar uchun imkoniyat yaratilgan. Buni maxsus soʻrovnomalar ham koʻrsatadi. Masalan, BMT Bolalar jamgʻarmasi (YUNISEF) ning yoshlarga moʻljallangan “Uz Report” xalqaro loyihasi uchun raqamli platforma orqali “Mahalla va oila” ilmiy tadqiqot instituti koʻmagida mingdan ziyod respondent oʻrtasida oʻtkazilgan ommaviy soʻrovnoma misol boʻlishi mumkin. Oʻzbekistonda 2020 yil “Ilm-maʼrifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” deb eʼlon qilinishi va unda belgilangan vazifalarni toʻla bajarishga hukumatimiz bor imkoniyatlarini ishga solib, yoshlarning intellektual salohiyati va tafakkurida innovatsion oʻzgarishlar yasash maqsadida barcha sharoitlarni yaratmoqda.

Oʻzbekiston Respublikasida innovatsion rivojlanish konsepsiyasi qabul qilingan boʻlib, unga koʻra 2030-yilga borib mamlakatimiz 50 ta ilgʻor davlatlar qatoriga chiqib olishi kerak. Bu faqat ilmiy-texnik kashfiyotlarni olib kelish, joriy yetishdan iborat emas, avvalo ichki intellektual kuchlarni harakatga keltirish, ayniqsa yoshlarning innovatsion oʻzgarishlarga moyilligi va oʻchligiga tayangan holda, milliy tafakkurda yangilanish yasash ham demakdir. Butun taʼlim tizimi, innovatsiya markazlari va ilmiy-texnik ishlanmalarni yaratishga daʼvat yetilgan laboratoriya, institut, jamoalar dunyodagi ilmiy yangiliklarni oʻrganish, oʻzlari ham yangiliklar kashf yetib, mamlakat taraqqiyotini yangi bosqichga koʻtarishga daʼvat qilingan. Respondentlarimizning 52 foizi mamlakatning innovatsion rivojlantirish ilmiy-texnik izlanishlarga bogʻliqligini qayd yetishgani holda, bu borada yoshlarning imkoniyatlari va salohiyati katta rol oʻynashiga ishonadilar. Yetnotafakkurning kelgusi yoʻnalishlari va taraqqiyoti ana shu ilmiy-texnik izlanishlar hamda yoshlarning oʻz tafakkurida innovatsion oʻzgarishlar qilishiga bevosita bogʻliq boʻladi. Shu bilan birga respondentlarimizning 63 foizi yoshlarda maʼnaviy-madaniy yuksalishga boʻlgan intilishlarni yeʼtibordan soqit qilmaslik kerakligini uqtiradilar. Ularning fikricha, ilmiy-texnik kashfiyotlar inson qalbi va ichki olamini goʻzal, oliyanob qilishga qaratilganini unutib boʻlmaydi.

Yevropa davlatlarida amalga oshirilgan modernizatsiya jarayonlari pirovard natijada inson qalbi, axloqi va intellektual salohiyatiga yoʻnaltirilishi zarurligini koʻrsatdi. Ilmiy-texnik kashfiyotlar, innovatsiya qanchalik muhim boʻlmasin ular, pirovard natijada, insonga, uning maʼnaviy-ruhiy olamini yuksaltirishga xizmat qilmogʻi kerak.

Xulosa qilib aytganda, Oʻzbekistonda madaniy-maʼnaviy sohani modernizatsiyalash quyidagi yoʻnalishlarda amalga oshirilmoqda:

madaniyat va sanʼat muassasalarining yangi tizimini yaratish (Madaniyat vazirligi, moddiy madaniyat obʼyektlarini tadqiq etish instituti, muzeylar jamgʻarmalari, kitobxonlikni qoʻllab-quvvatlash uyushmalari tashkil etildi, xalqaro festival va koʻriklar uyushtirildi, Islom madaniyati markazi barpo etilmoqda va boshqalar);

madaniyat va sanʼat muassasalarining moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, mutaxassislar mehnatiga haq toʻlashning yangi tartibini va innovatsion boshqarish usullarini joriy etish;

ziyolilarni yangi, zamon talablariga va mamlakatimiz innovatsion rivojlanishi talablariga muvofiq keladigan asarlar yaratishga undash;

malakali kadrlar tayyorlashning mutlaq yangi, innovatsion tizimini shakllantirish;

xorijiy davlatlar tajribalarini oʻrganish asosida yirik sanʼatkor va ijodkorlarning ijodiy ustaxonalari, studiyalari va maktablarini tashkil etish, davlat idoralarini ularni har tomonlama qoʻllab-quvvatlashi;

taʼlim tizimini qayta tashkil etish (Prezident maktablari, iqtidorli bolalar va ijod maktablari, Maktabgacha taʼlim vazirligi, Xalq taʼlimi vazirligi, Innovatsion rivojlanish vazirligi va uning joylardagi markazlari, Yoshlarning innovatsion izlanishlarini qoʻllab-quvvatlash jamgʻarmalari va boshqalar);

oliy taʼlim doirasini va yoʻnalishlarini kengaytirish, chet ellardagi ilgʻor texnologiyalarni kadrlar tayyorlash tizimiga joriy qilish kabilardir. Kuzatishlardan maʼlum boʻladiki, madaniy-maʼnaviy

sohadagi modernizatsiya va o'zbek etnotafakkuridagi yangilanishlar silliq kechadigan jarayonlar emas, ular butun jamiyatdagi o'zgarishlar mahsuli sifatida namoyon bo'lish xususiyatiga ega. Shu bilan birga ular ijtimoiy ong, ijodiy izlanishlar, intellektual salohiyatni ro'yobga chiqarish, yoshlarning bilim olishga bo'lgan qiziqishlarini qondirish, ularda zamonaviy kasb-kor ko'nikmalarini shakllantirish kabilarga bevosita ta'sir etish kuchiga ega alohida fenomendir.

ADABIYOTLAR:

1. Тоффлер Э. Третья волна. - Москва: АСТ, 2004.
2. Uchinchi ming yillik bolasi. - Toshkent: O'zbekiston, 1996; Barkamol avlod orzusi. - Toshkent: O'zbekiston, 1998; Ziyamuhammedov A. Barkamollikning ijtimoiy-pedagogik negizlari. – Toshkent: O'qituvchi, 2019.
3. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekistonda erkin va farovon yashaylik. – Toshkent: O'zbekiston, 2023. – B. 40-41.
4. www.xs.uz. 2020, 13 iyun.
5. Xalq s'zi, 2020, 13 iyun.
6. www.xs.uz
7. www.xs.uz
8. Narkulov S.D., Atamuratova F.S., Umarova F.S. The Impact of the Process of Civil Society Development of the Creative Feature of Social Intellect. // International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8 Issue-3, September 2019. – P. 4556 – 4560.

REZYUME:

Maqolada Yangi O'zbekiston davrida ma'naviy-madaniy sohada amalga oshirilayotgan islohotlar, konseptual ahamiyatga ega yondashuvlar, O'zbekiston Prezidenti tomonidan ilgari surilayotgan innovatsion g'oyalar, takliflar va tashabbuslarning ijtimoiy-falsafiy mohiyati ochib beriladi.

Kalit so'zlar: modernizatsiya, innovatsiya, tafakkur, madaniyat, san'at, etnotafakkur, ijtimoiy ong

РЕЗЮМЕ:

В статье раскрывается социально-философская сущность реформ, осуществляемых в духовно-культурной сфере в эпоху «Нового Узбекистана», концептуально значимых подходов, инновационных идей, предложений и инициатив, выдвигаемых Президентом Узбекистана.

Ключевые слова: модернизация, инновация, мысль, культура, искусство, этномысль, общественное сознание.

RESUME:

The article reveals the socio-philosophical essence of the reforms being carried out in the spiritual and cultural sphere in the era of the "New Uzbekistan," conceptually significant approaches, innovative ideas, proposals, and initiatives put forward by the President of Uzbekistan.

Keywords: modernization, innovation, thought, culture, art, ethnothought, social consciousness

НАРРАТИВНОЕ ИНТЕРВЬЮ КАК МЕТОД ИССЛЕДОВАНИЯ СОЦИОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Сабилова У.Ф. -

доцент НУУз, доктор социологических наук (DSc),

 10.24412/2181-7294-2025-1-49-51

Одной из важных теоретических предпосылок нарративного интервью является обладание каждым человеком в повседневной жизни интуитивной компетентностью относительно правил построения рассказа (неважно, касается он какого-то конкретного случая или целой жизни). Одна из главных задач нарративной методологии – прояснение элементов этой компетентности. Другая важная предпосылка заключается в том, что рассказчик воспроизводит историю о событиях своей жизни так, как эти события были им пережиты, т.е. жизненный опыт репродуцируется исходя из той релевантности, какую он имеет для самого повествующего.

Начиная рассказывать о своем жизненном пути, человек подчиняется динамике процесса повествования и в меньшей степени ориентирован на возможности самопрезентации, обусловленные актуальной ситуацией интервью [1].

Функционирование различных форм знания можно понять только через рассмотрение их нарративной, повествовательной, природы [2, С.56].

В нарративе всегда взаимодействует два реально существующих полюса человеческой жизни: индивидуальный и социальный. Также в нем существует два уровня причинности, как мы видели в выше рассмотренном нарративе: индивидуальная и объективная (социальная).

В рамках исследования мониторинга образования автором предпринята первая в республике Узбекистан попытка использовать в новейшей истории социологии качественный метод - нарративное интервью для системного анализа. Идея заключалась в том, что при устном рассказе формулируются определённые структурные категории, уникальное построение историй, неповторимые социальные стратегии, которые можно проанализировать как различные контексты с выделением отдельных переменных (данных). Принцип нарратива, по мнению Ван Дейка, имеет особый смысл, так как «повествование историй занимает важное место в нашей повседневной жизни» [3]. При этом, рассказываемые людьми истории могут представлять интерес не только для теории коммуникаций, но и представлять обширный и интересный материал для социологического анализа. В этом отношении методология нарративного или повествовательного интервью Ф.Шютце, например, получила в немецкой качественной традиции большую популярность. Данный подход, к сожалению, на наш взгляд до последнего времени фактически не находила должного применения в социологии Узбекистана, не анализируя способность людей выступать в роли рассказчиков.

В изыскательской работе автор провел целый ряд нарративных интервью с ведущими социологами Узбекистана в рамках темы «Нарративные оси становления социологии и развития социологического образования в Узбекистане». Часть нарративных интервью опубликована в электронном журнале социальных исследований “Tadqiqot.uz” (2019 г.), на которые были получены положительные отзывы и просьбы продолжить проделанную работу [4]. Всего было опрошено 60 социологов Узбекистана, как тех, кто начинал ее становление в период обретения независимости, так и современных ученых сферы. Была предпринята авторская историографическая попытка обобщения и анализа колоссального пути формирования научной мысли и накопления опыта проведения социологических исследований в Узбекистане, поиска статуса и профессионализма конкретных учёных, благодаря деятельности которых эта история и создавалась. Отдельные характеристики творческой деятельности тружеников науки, выраженные в формате нарративных интервью, явились принципиальной находкой автора,

желающего передать эмоциональную живость воспоминаниям и рассказам о пройденном пути и результатах индивидуального и коллективного научного труда¹.

На основе данных теоретических концепций, Ф.Шютце, в рамках социологического проекта Билефельдского университета (начиная с 1975 г.), начал практическое применение нарративного интервью для анализа положения дел и взаимодействия между властными структурами после объединения муниципальных округов. Действительно наибольшую известность техника нарративного интервью приобрела как метод биографических исследований, однако, первоначально она разрабатывалась как инструмент получения нужной информации через обращение к политикам с просьбой рассказать о степени их включенности в события, связанные с тем или иным событием. Уже Ф.Шютце показал, что из этих рассказов удавалось узнать о возникающих в ходе реорганизации сложностях больше, нежели при использовании целенаправленных вопросов. Подвергая перекрестному сравнению материалы нарративных интервью, проведенных с различными политиками, Ф.Шютце обнаружил, что такая процедура помогает сравнивать выводы самих социологов, полученные на основе содержащихся в текстах формальных индикаторов (например о появляющейся в суждениях неуверенности, об уходе от детального рассмотрения тех или иных тем), с выводами, основанными на эксплицированных суждениях других информаторов [5].

При использовании данного метода в исследовании сферы социологического образования в Узбекистане интервью начинается со следующего нарративного импульса – «Под пристальным вниманием со стороны Главы государства, за последние годы в Узбекистане проведена значительная по масштабам работа, направленная на системное развитие научной сферы, повышение эффективности научно-исследовательской деятельности, усиление роли науки в социальном и экономическом развитии, демократическом обновлении страны. Реформы стимулируют научную и творческую активность коллективов и отдельных ученых, мобилизацию их усилий на достижение научных результатов, решение актуальных проблем развития науки и общества, внедрение разработок на практике. Не могли бы Вы поделиться и рассказать свою историю жизни как ученого социолога. Если можно начните с того момента, с того времени, когда Вы начали свое образование, а затем расскажете затем обо всем, что с Вами происходило вплоть до настоящего времени. Вы можете говорить даже о деталях, так как меня интересует все, что важно для Вас самого».

Далее на данном этапе после того, как респондент вошел в разговор, функция интервьюера сводится к роли слушателя и стимулированию продолжения повествования кивками головы и обычными для заинтересованного слушателя репликами. Пассивная роль интервьюера позволяет рассказчику в наибольшей степени сконцентрироваться на своем жизненном опыте. В случае, если респондент заканчивает повествование, автор стимулировал его заранее подготовленными вопросами. Важным требованием данного метода является то, что поставленные вопросы не ставили респондента перед необходимостью аргументации и оценки описанных событий. Цель вопросов было просто стимулировать рассказ о периодах жизни, которые либо были недостаточно освещены, либо вообще остались не затронутыми. В частности, в рамках своей работы автор задавал такие вопросы как: «Какие профессиональные достижения Вы можете отметить в начале своей карьеры?», «Как и почему Вы приняли решение проводить именно социологические исследования, защищать диссертации, связанные с социологией?», «Какова была направленность Ваших диссертационных исследований?» и т.д.

На втором этапе – «фазе нарративных расспросов», респонденту, согласно методике, задавались вопросы о событиях, упомянутых им ранее в своем повествовании. Опять речь шла не об оценках и аргументации. Автор как интервьюер предлагал респонденту дополнить или прояснить важные с точки зрения исследования темы. Например, в случае исследования автора это были вопросы: «Удалось ли Вам или Вашим коллегам внедрить (хотя бы часть) своих социологических рекомендаций в реальной практике?», «Как сейчас развивается Ваша научная

¹ Данная работа в настоящее время обобщается и будет издана также в виде отдельной монографии.

школа?», «Вспомните, пожалуйста, когда создавались первые социологические структуры и организации, с каким составом персонала?» и т.д.

На третьем этапе – заключительной части, каждому респонденту давалась возможность дать дополнительные оценки и объяснения по поводу событий своей жизни.

Ввиду ограниченного объема статьи, мы не имеем возможности подробно остановиться на итогах проведенного нарративного интервью и дадим лишь краткую резюмирующую часть. Респонденты отмечают, что за последние годы в Узбекистане проведена значительная по масштабам работа, направленная на системное развитие научной сферы, повышение эффективности научно-исследовательской деятельности, усиление роли науки в социальном и экономическом развитии, демократическом обновлении страны.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Терехова Татьяна Александровна, Малахаева Светлана Карловна Нарративное интервью как методологический конструкт междисциплинарного качественного исследования // Психология в экономике и управлении. 2013. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/narrativnoe-intervyu-kak-metodologicheskij-konstrukt-mezhdistsiplinarnogo-kachestvennogo-issledovaniya> (дата обращения: 24.03.2025).
2. Рождественская Е. Ю. ИНТЕР-энциклопедия: нарративное интервью // Интеракция. Интервью. Интерпретация. 2020. Т. 12. № 4. С. 114–127. DOI: <https://doi.org/10.19181/inter.2020.12.4.8>
3. Ван Дейк Т. Язык. Познание. Коммуникация. -М.: Прогресс, 1989. - С. 26.
4. Сабинова У. Ф. СОЦИОЛОГИЯ КАК ПУТЬ ПОВЫШЕНИЯ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА //ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2020. – Т. 3. – №. 5.; Сабинова У. Ф. СОЦИОЛОГИЯ ФАҚАТ ИЖОБИЙЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ //ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2020. – Т. 3. – №. 2.
5. Schütze F. Kollektive Verlaufskurve Oder kollektiver Wandlungsproze (J - Dimensionen des Vergleichs von Kriegserfahrungen amerikanischer und deutscher Soldaten. Kassel, 1989.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассмотрен нарративный анализ как качественный метод исследования в социологического образования. Автором описывается методологический подход проведения нарративного интервью и методика исследования мониторинга социальных процессов.

Ключевые слова: метод, нарративное интервью, социологический метод, социология образования, анализ, история

REZYUME:

Maqolada narrativ tahlil sotsiologik ta'limda sifatli tadqiqot usuli sifatida ko'rib chiqiladi. Muallif tomondan narrativ intervyular o'tkazishda uslubiy yondashuv va ijtimoiy jarayonlar monitoringining tadqiqot usullarini tavsiflanadi.

Kalit so'zlar: metod, narrativ suhbat, sotsiologik usul, ta'lim sotsiologiyasi, tahlil, tarix

RESUME:

The article considers narrative analysis as a qualitative research method in sociological education. The author describes a methodological approach to conducting narrative interviews and research methods for monitoring social processes.

Keywords: method, narrative interview, sociological method, sociology of education, analysis, history.

NOKLASSIK DISKURSDA SIYOSIY VOQELIKNING FALSAFIY ASOSLARI

Agzamxodjaeva S. -

O'zMU professori, falsafa fanlari doktori 10.24412/2181-7294-2025-1-52-55

Siyosiy voqelik konseptining shakllanish xususiyatlarini tavsiflash uchun, avvalo, «siyosiy voqelik» tushunchasiga ta'rif berish zarur. Ilmiy adabiyotlarda «siyosiy soha,» «siyosiy makon» va «siyosiy olam» kategoriyalarini topish mumkin, ular ba'zi hollarda «siyosiy voqelik» bilan tenglashtiriladi, ammo bizning muammomizga nisbatan ushbu ta'riflarni kengaytirish zarurati tug'iladi.

Tabiiyki, «siyosiy voqelik» kategoriyasi prinsipial xususiyatlar sifatida dastlab juda murakkab belgilar tizimi sifatida ta'riflangan «voqelik» konseptining o'ziga xos xususiyatlarini o'z ichiga oladi. Shu munosabat bilan V.P.Rudnev ta'kidlaganidek, u «tabiat (yoki Xudo) va odamlar tomonidan shakllangan,... lekin bu shunchalik murakkab va ko'p qirrali belgilar tizimi, u shunchalik ko'p belgilar tizimini o'z ichiga oladiki, oddiy tashuvchi va foydalanuvchi uning semiotik xususiyatini e'tiborsiz qoldirishga moyil» [1, 256-257].

Voqelikning o'ziga xosligi haqida fikr yuritar ekan, R. Bart, masalan, uni ikki rakursda ko'rib chiqish mumkinligi haqida gapirdi: «Yoki biz voqelikni tarix uchun mutlaqo o'tkazuvchan deb hisoblaymiz - ya'ni ideallashtiramiz; yoki, aksincha, voqelikni oxir-oqibatda o'tkazuvchan, reduksiyanmaydigan deb hisoblaymiz - ya'ni uni badiiylashtiramiz» [2, 286]. Postmodernistik yo'nalishda voqelikka nisbatan umumiyroq yondashuv voqelikni «bizning tajribamizga vositachilik qilish, odamlar o'rtasida ularning insoniy dunyosida tartib va ma'no o'rnatish» qobiliyati sifatida belgilaydi [3, 214].

Bunday qarashlar klassik va postnoklassik falsafadagi voqelikni tushunishga munosabat edi. Masalan, A. Uaythed ko'rinishdan tashqari, voqelikni tajribaning obektiv mazmunining rakurslaridan biri sifatida belgilagan. Shu bilan birga u mentallikning oliy ko'rinishlari biror organizmda ijtimoiy barqarorlashgan hollarda zohiriylik reallik bilan qo'shilib ketishini qayd etgan [4, 611].

Ilgari nemis falsafasi klassiklari ham o'z konsepsiyalari doirasida voqelik mohiyatini aniqlash muammosiga to'xtalib o'tishgan. I. Kantning fikricha, «hodisalarda sezgilarga mos keladigan narsa real bo'ladi» [5, 159-160]. G.V.F. Hegel reallik va borliqning ajralmasligini ko'rsatib, reallikni «sifat, mavjud borliq; shu bilan u salbiylik momentini o'z ichiga oladi va faqat shu tufayli u qanday bo'lsa, shundayligicha aniqdir» deb ta'riflaydi [6, 95-96].

Siyosiy voqelikning o'ziga xos xususiyatlarini uni turdosh kategoriyalar, masalan, «siyosiy dunyo» kategoriyasi bilan bog'lash orqali aniqlash mumkin. Uni ijtimoiy-madaniy makrokosmosning «dunyolari»dan biri sifatida tushunish mumkin, bunda ijtimoiy-madaniy makrokosm ruhga nisbatan barcha ramzlar yig'indisi sifatida tushuniladi. Siyosiy dunyoni siyosiy madaniyatning o'ziga xos makoni sifatida tavsiflab, umuman olganda, siyosatning xarakteri «jamiyatning amorf massadan paydo bo'lishi va uning mavjudligini ta'minlash shartlari» sifatida belgilanadi [7, 7-8]. Shuni ta'kidlash kerakki, siyosiy olam o'ziga xos xususiyatlarga ega: markaz, chegaralar, asosiy elementlar, vaqt va makonni belgilovchi omillar. Shunday qilib, siyosiy makon siyosiy zamon bilan bir qatorda siyosiy olamning asosiy tavsifi sifatida namoyon bo'lib, siyosiy olam elementlarining ko'lami, tarkibiy tuzilishi, shuningdek, birgalikda mavjudligi va o'zaro ta'sirini ko'rsatadi, degan xulosaga kelinadi. U holda siyosiy voqelik boshqa narsalar bilan bizning tajribamizga (bu holatda - ramziy) muvofiq biz kutishga moyil bo'lgan munosabat sifatida tushuniladi. Biz boshqa hissiy obektlar bilan biz o'z tajribamiz tufayli normal deb hisoblaydigan usul bilan bog'langan hissiy obektlarni real deb atashimiz mumkin, bu aloqa bo'lmasa, ular «illyuziyalar» deb ataladi [8, 238-239].

Siyosiy voqelik tavsifiga siyosiy jamiyat xususiyatlarini qo'shish orqali yana bir chiziqni qo'shish mumkin. Bunday imkoniyat haqida fikr yuritar ekanlar, R.Pento va M.Gravits «siyosiy jamiyat birlamchi reallikdir. Siyosiy tashkilsiz odamlarning birligi mavjud bo'lmaydi.» Shu bilan birga, ular siyosiy jamiyatni...»muayyan makonda mavjud bo'lgan, tashkiliy apparat va moddiy

vositalarga ega bo'lgan jamoaviy insoniy hamjamiyat» deb ta'riflaydilar. U normativ tartibni belgilaydi. Unda hokimiyat fenomeni mavjud. U o'zining umumiy qamrab oluvchi xarakteri bilan boshqa ijtimoiy guruhlardan farq qiladi: u boshqa ijtimoiy guruhlarni o'z ichiga oladi, lekin o'zi ularning hech biriga kirmaydi» [9, 115].

Shunday qilib, biz «voqelik» kategoriyasini «imkoniyat» va «voqelik» kabi tushunchalar bilan tenglashtirishimiz mumkin. Shu bilan birga, siyosiy voqelik o'ziga xos shakl sifatida bir qator tashqi va ichki xususiyatlarga ega bo'lib, o'zida hokimiyat borlig'ini representativlik sifatida mujassamlashtiradi. Ushbu holatdan kelib chiqib, biz nafaqat siyosiy voqelikning ko'p qatlamliligi va xilma-xilligini qayd etamiz, balki uni kognitiv baholash zarurligini ham ta'kidlash imkoniyatiga egamiz.

Tadqiqotchilarning siyosiy voqelik muammosiga qiziqishi siyosiy fan natijalarining amaliy hayotda talab qilinishi bilan bog'liq. Masalan, K. Manxeymning fikricha, «haqiqiy siyosatchi... davlat muassasalari mavjud bo'lgan va ular uchun asos bo'lgan ijtimoiy munosabatlarni tushunishi kerak» [10, 97]. Shu bilan birga, shuni yodda tutish kerakki, siyosiy institutlar ham o'z-o'zidan ijtimoiy tuzilmalardir va shuning uchun ular ijtimoiy tuzilmaning boshqa siyosiy bo'lmagan jihatlariga ta'sir qiluvchi mustaqil, ya'ni oddiy ma'noda tasodifiy omillardir. Ta'kidlash joizki, siyosiy faoliyat davlat va jamiyat tomonidan amalga oshiriladi, shuning uchun siyosat ham fan sifatida shakllanish jarayonida bo'ladi. Doimiy ravishda dinamiklashib, u o'z bilish chegaralarini tobora kengaytiradi, shu bilan birga o'zida mumkin bo'lgan maksimal axborot hajmini to'playdi. Siyosiy fan siyosiy tizimlarning tobora murakkablashib borayotgan tuzilishi keltirib chiqarayotgan savollarga javob berishga harakat qilib, siyosat makoni, shu jumladan siyosiy voqelik haqidagi tasavvurlarni takomillashtirmoqda.

Siyosiy voqelik muammosining genezisi ilmiy nazariyalarning keng doirasi bilan ifodalanadi, ammo aksariyat falsafiy konsepsiyalar siyosiy voqelikning o'ziga xos xususiyatlarini bevosita ko'rib chiqmaydi, balki uni ijtimoiy munosabatlar olami bilan bevosita bog'liqlikda tavsiflaydi, «dunyo» atamasini boshlang'ich nuqta sifatida qabul qiladi, keyinchalik «siyosiy dunyo» sifatida konkretlashtiriladi.

Fikrimizcha, siyosiy voqelik mazmuni haqidagi tasavvurlarning bu qadar faol rivojlanishi XX asrda inson muammosi va ong muammosi asosiy falsafiy muammolardan biriga aylanganligi bilan bog'liq. Voqelikni ongda obektiv aks ettirishdan voz kechish uning subektivligi va individualligi mavjud degan pozitsiyaga olib keladi. Aynan shu munosabat bilan subektning o'z borlig'ini bevosita boshdan kechirish jarayoni katta ahamiyat kasb etadi.

Inson muammosining dolzarbligi falsafiy va tabiiy-ilmiy yondashuv o'rtasidagi chegarani aniqlashtirishga qaratilgan edi. Psixologik, ekzistensial, falsafiy antropologiya, pozitivizm, analitik falsafa kabi yo'nalishlarning ajratilishi nafaqat falsafiy bilim ufqlarini kengaytirishga, balki insonning siyosat kabi hayot faoliyatining o'ziga xos sohasiga munosabati haqida o'ylashga imkon berdi. Shu bilan birga, ijtimoiy dunyoning nomukammalligiga e'tibor qaratadigan nazariyalarning mavjudligi, masalan, A. Shopengauer nazariyasi va F. Nitsshening «hayot falsafasi» bizga siyosat haqida sotsium ziddiyatlarini bartaraf etuvchi omil sifatida fikr yuritishga imkon beradi.

A. Shopengauer dunyoni ta'riflar ekan, «dunyo... bir tomondan, butunlay tasavvur bo'lsa, ikkinchi tomondan, butunlay irodadir. Voqelik esa... xayolga cho'mgan bema'nilikdan boshqa narsa emas va unga yo'l qo'yish falsafaning adashgan alangasidir» [12, 142]. Aynan shuning uchun ham bu faylasufga Sharq dinlari shunchalik ta'sir qiladi: ular faylasufning inson va insoniyatning najot topishi fenomenal dunyodan, tasavvur sifatidagi dunyodan voz kechish va shu bilan birga uning asosida yotgan yashash irodasini inkor etishdan iborat, degan asosiy qoidasining tasdig'i bo'lib xizmat qiladi. Biz ko'rib turibmizki, butun dunyo azob-uqubaddir, uning sababi aqlsiz, maqsadsiz va tartibsiz irodadir, u inson hayotining qartadagi uylarini o'zboshimchalik bilan quradi va vayron qiladi, bunga qandaydir ma'no berish haqida qayg'urmaydi. Ammo azob-uqubatni to'xtatish ham mumkin: agar aql irodasiga xizmat qilishdan voz kechib, hayot maqsadini «hech narsa» deb, «hech narsaga» aylanishni maqsad qilsa, hayot ma'no kasb etadi. Natijada ham siyosiy, ham ijtimoiy dunyo nafaqat inson borlig'iga og'irlik qiladi, balki haqiqiy borliqning mutlaqo nomaqbul shaklidir.

F. Nitsshening «Hayot falsafasi» asarida (agar ta'bir joiz bo'lsa) Sharq haqidagi afsona e'tiborimizga havola etilgan bo'lib, uning yordamida G'arbning kamchiliklarini tuzatishga umid qiladi.

F. Nitsshe ham, A. Shopengauer ham G'arb sivilizatsiyasini yoqtirmaydi. Agar A. Shopengauer uning yaqqol ifodalangan tajovuzkorligiga salbiy munosabatda bo'lsa, F. Nisshe uning aynishi va tanazzuli haqida to'g'ridan to'g'ri gapiradi. Masalan, u o'zining «Antixristian» asarida taraqqiyot muammosi haqida fikr yuritir ekan, «insoniyat yaxshilik, yuksaklik, kuchliroq yo'nalishda - bugungi kundagilar o'ylagandek ma'noda rivojlanmayapti. «Taraqqiyot shunchaki zamonaviy, ya'ni soxta g'oya. Bizning zamonamizdagi yevropalik o'z qadriyati jihatidan Uyg'onish davri yevropaliklaridan beqiyos darajada past turadi; ilgarilanma taraqqiyot albatta kuchlarning o'sishi, yuksalishi, ko'payishiga olib kelmaydi» [13, 20]. F. Nitsshe «hokimiyatga bo'lgan iroda» deb ataydigan o'z-o'zidan paydo bo'lishini ham ko'rsatadi. Biroq mazkur holatda siyosiy hukmronlikka intilish hayotiy o'zini o'zi qaror toptirish va qudratga intilishning bir ko'rinishidir, xolos. Ushbu tamoyildan kelib chiqqan holda, ushbu ta'limotda a'lo odam davri shunday dunyo sifatida namoyon bo'ladi, unda hammaning hammaga qarshi urushi me'yorga aylanadi. Shu bilan birga, total diktaturaga intilish hayotiy jo'shqinlikning ma'nosiga aylanadi.

Mavjud dunyoning fojialiligi mavzusining davomi S. Kerkegor tomonidan amalga oshirilgan ekzistensial tushuntirish tajribasidir, u ichki va tashqi dunyo o'rtasidagi farqni yaqqol ko'rsatadi. Shu bilan birga, ularning ziddiyatlari shundaki, birinchi dunyo real kuchdan, ikkinchisi esa jiddiy ma'nodan mahrum. Biroq, bu ikki fazoni birlashtirishga urinish faqat takrorlash jarayonida mumkin, ammo u faqat Ilohiy kuch ishtirokida to'liq amalga oshirilishi mumkin. Shuning uchun ham faylasuf ideal va realni bir butunlikka birlashtirish mumkin emas, degan xulosaga keladi. Inson taraqqiyotida hech qanday qonuniyatlarning aniqlanmaganligi go'yo inson hayot makonini egasizlantiradi va buning fonida pozitivistik yo'nalish yanada yorqin namoyon bo'ladi.

Keyinchalik O. Kont, undan keyin esa G. Spenser ijtimoiy taraqqiyot qonunlarini ta'riflash bilan shug'ullanib, shu bilan birga erkin inson shakllanishiga ta'sir etuvchi omillarni ham tahlil qiladi. Ammo O. Kont tarixiy taraqqiyotning turli bosqichlarida jamiyatda nimalar o'zgarishiga urg'u bersa, G. Spenser bu o'zgarishlarning sabablariga ko'proq e'tibor qaratadi. Huquq-tartibotni o'z davrining ijtimoiy-siyosiy voqealari kontekstida tadqiq etib, G. Spenser hokimiyatning xarakteri, oxir-oqibat, hozirgi davrda insoniyat rivojlanishining o'rtacha darajasiga bog'liq degan xulosaga keladi [14]. Jamiyatning siyosiy tashkil etilishiga katta ahamiyat berib, tadqiqotchi siyosiy nazoratning ma'lum chegaralarini belgilaydi: u individlarning funksionalligini haddan tashqari cheklamasligi kerak. Liberal qadriyatlar tarafdori bo'lgan G. Spenser demokratik siyosiy dunyoni barpo etish tarafdoridir, biroq bu jarayon tadrijiy ravishda o'tishi lozimligini, chunki shaxs va davlatning o'zaro munosabatlari qonunga hurmat, ratsionallik va inson tabiatining ijobiy sifatlariga asoslanishi lozimligini ta'kidlaydi. Aks holda, jamiyat anarxiyaga duch kelishi mumkin, chunki keskin sakrash davrida hokimiyat sotsiumni to'liq nazorat qila olmaydi.

Biroq, ba'zi nazariyalarda dunyo va u bilan bog'liq barcha narsalar sotsiumning ichki va tashqi intilishlarining namoyon bo'lishi sifatida namoyon bo'lmaydi. Masalan, B. Rassel olamni u haqda gapirish usulimizning in'ikosi sifatida qaraydi. Shuning uchun ham u materiyani «mantiqiy konstruksiya» deb e'lon qiladi [16, 23]. Shu bilan birga, u mavjudlik kategoriyasining o'zini fikr-mulohaza sifatida talqin qiladi (mavjud bo'lish - bu fikr-mulohazaga ega bo'lish demakdir) va til insonni dunyo bilan bog'lamaydi, balki undan begonalashtiradi. Shunga ko'ra, siyosiy til siyosiy dunyoni tushunishga imkon bermaydi, balki uni yanada tushunarsizlashtiradi.

Keyinchalik, ushbu yo'nalishni rivojlantirib, L. Vitgenshteyn, xuddi B. Rassel kabi, mantiqqa mutlaqo alohida voqelik, ya'ni inson aqliy faoliyatining rasmiy shartlari sifatida qaraydi. Shu bilan birga, L. Vitgenshteyndagi mantiqiy empirizm aynan mantiq dunyoni aks ettirish sifatida namoyon bo'ladi. Aslida, u bizga bevosita berilgan dunyoni aks ettirish haqida emas, balki biz uni tasavvur qilayotgan sharoitlarni aks ettirish haqida gapiradi. Dunyo «narsalar emas, faktlar yig'indisi» sifatida qaraladi, shuning uchun «dunyo faktlarga bo'linadi» va bunda «har qanday fakt o'z o'rniga ega bo'lishi yoki ega bo'lmasligi mumkin, qolgan barchasi o'z holicha qoladi» [17, 31]. Faylasuf fikriy va aytilgan faktlarni birlashtiradi, bu esa uni til kontsepsiyasi bir vaqtning o'zida dunyoning muayyan manzarasi (yoki ontologiya) sifatida namoyon bo'ladi, degan xulosaga olib keladi. Shu bilan birga, tilga tarixan shakllangan madaniyat fenomeni sifatida katta e'tibor qaratiladi, chunki aynan u dunyoning to'liq manzarasini taqdim eta oladigan ifoda vositalarining chegaralarini sezilarli darajada

kengaytiradi.

Analitik falsafaga o'tishning uzil-kesil yakunini K.Popper nazariyasida kuzatish mumkin. Epistemologik yo'nalish doirasida bizga jamiyatning «yopiq»likdan «ochiq»likka o'tishini kuzatish imkoniyati berildi. Shu bilan birga, yopiq jamiyat qat'iy ko'rsatmalar mavjudligiga, muhokama qilinmaydigan qadriyatlar tizimiga, bevosita shaxslararo va guruhlararo aloqalarga asoslanadi [18]. Ochiq jamiyatda siyosiy olamning o'zagi bo'lib xizmat qiladigan liberal qadriyatlar ustunlik qiladi. Ushbu siyosiy dunyo insonlarga fuqarolik jamiyati institutlarining mavjudligi tufayli o'zlarini to'laqonli fuqaro va shaxs sifatida namoyon qilish imkonini beradi. Shunday qilib, K.Popperning siyosiy dunyo modeli liberal demokratiyaning xususiyatlarini o'zida mujassamlashtirganligini ta'kidlash mumkin.

Boshqacha aytganda, noklassik falsafa mavjud ijtimoiy olamning kamchiliklarini aniqlash va tahlil qilishga da'vat etilganligini ko'ramiz. Uning nomukammalligini aniqlashdan tashqari, u bizga inson hayot faoliyati sohalarini uyg'unlashtirish imkoniyatini ko'rsatadi. Noklassik faylasuflar ularni bartaraf etishga yoki zo'rlik yo'li bilan ulardan qutulishga urinmasdan, turli xil usul va uslublar orqali ularni kompensatsiya qilishga harakat qiladilar. Aynan ijtimoiy dunyoning nomukammalligini qabul qilish natijasida biz siyosiy dunyoning mumkin bo'lgan ziddiyatsizligi haqidagi dalilni ajratib ko'rsatishimiz mumkin. Shu bilan birga, siyosiy tinchlik ijtimoiy tinchlikni barqarorlashtiruvchi omil sifatida namoyon bo'lishi mumkin.

Shu bilan birga, «siyosiy reallik» kategoriyasini konkretlashtirgan holda, biz uni ijtimoiy dunyo muammolarining o'ziga xos yechimi sifatida qarashimiz mumkin va shu tariqa, siyosiy reallik siyosiy dunyoning o'ziga xos manzarasi sifatida namoyon bo'ladi, u inson tomonidan u egallagan tajribaga muvofiq shakllanadi.

АДАБИЁТЛАР:

1. Кант И. Критика чистого разума // Кант И. Сочинения. – М.: Чоро, 1994. – Т. 3. – 741 с.
2. Гегель Г.В.Ф. Наука логики. – СПб.: Университетская книга, 1997. – 799 с.
3. Рассел Б. Философский словарь разума, материи и морали. – Киев: Port-Royal, 1996. – 368 с.
4. Пэнто Р., Гравитц М. Методы социальных наук. – М.: Наука, 1972. – 607 с.

REZYUME:

Maqola noklassik falsafada siyosiy voqelik konseptining shakllanishini o'rganishga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: siyosiy voqelik, noklassik falsafa, subyektivlik, hokimiyat, erkinlik, mafkura, siyosiy fikr, ijtimoiy transformatsiyalar, tanqidiy nazariya, postmodernizm

РЕЗЮМЕ:

Статья посвящена исследованию формирования концепта политической реальности в неклассической философии.

Ключевые слова: политическая реальность, неклассическая философия, субъективность, власть, свобода, идеология, политическая мысль, социальные трансформации, критическая теория, постмодернизм

RESUME:

The article is devoted to the study of the formation of the concept of political reality in non-classical philosophy.

Keywords: political reality, non-classical philosophy, subjectivity, power, freedom, ideology, political thought, social transformations, critical theory, postmodernism

МИЛЛИЙ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Боймуродов З.Ш. -
ҚарДУ доценти

 10.24412/2181-7294-2025-1-56-59

Бугунги кунда турмуш тарзини оптималлаштириш учун энг аввало уларнинг моддий таъминотини яхшилаш зарур бўлади. Бироқ юксак моддий таъминотнинг ўзи турмуш тарзига оптимал тус беравермайди. Бунинг учун аҳолини моддий имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳам ўргатиш зарур бўлади. Шунингдек, турмуш тарзида соғлом одат ва кўникмаларни қарор топтириш масалалари ҳам долзарб тус олмоқда. Турмуш тарзини оптималлаштиришнинг уч йўли мавжуд: а) Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни жадаллаштириш; б) уларнинг молиявий маданиятини юксалтириш; в) уларнинг соғлом одат ва кўникмаларини ривожлантириш.

Мазкур мулоҳазаларга асосланиб, мазкур жарёни куйидагича тасниф ва тавсиф қилиш мумкин:

- Турмушни тарзини яхшилашнинг энг мақбул йўли уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш;
- тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга тўсқинлик қилаётган муаммолар мажмуини аниқлаш;
- тарзини оптималлаштириш учун уларнинг молиявий маданиятини юксалтириш;
- молиявий маданиятини ривожлантириш тўсқинлик қилиб турган муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш;
- соғлом одат ва кўникмаларни юксалтиришнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш;
- соғлом одат ва кўникмаларни ривожлантириш борасида сақланиб қолаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш.

Халқимиз турмуш тарзида сақланиб қолаётган салбий ҳолат ва муаммоларни бартараф этишга киришишнинг таянч нуқтаси уларнинг моддий аҳволини, моддий таъминотини яхшилаш билан боғлиқ. Чунки айнан моддий таъминот одамлар учун барча муаммоларни ҳал қилишнинг дастлабки асоси вазифасини ўтайди.

Албатта, аҳоли моддий аҳволини яхшилаш учун уларни муносиб иш билан таъминлаш зарур – бу аксиоматик мулоҳаза. Бироқ меҳнат бозоридаги ишчи кучи ривожини билан янги иш ўринларининг яратилиши ўртасида номутаносиблик мавжуд бўлган бир шароитда бу вазифа ҳал қилиб бўлмас аҳамият касб этади. Масаланинг ягона ечими тадбиркорликни ривожлантириш, халқимизда тадбиркорлик руҳини уйғотиш билан боғлиқ. Шуни назарда тутган ҳолда давлат раҳбари: “Истеъдодли ва билимли ёшларимизни тадбиркорликка кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга,”- деб таъкидлаганди[1; 260]. “Ёшларни иш билан таъминлаш учун аввало улар ўртасида тадбиркорликни кенг ривожлантириш, бу борада янги имкониятлар яратиш мақсадида биз бир қатор чора-тадбирларни кўзда тутмоқдамиз”[2; 522].

Кундалик ҳаётда “тадбирли одам” деганда ўз ишини пухта ўйлаб амалга оширадиган шахслар тушунилади. “Тадбиркор” ва “тадбиркорлик” тушунчаларининг мазмунини англаб етишда ҳам ушбу талқин қўл келади. Тадбиркор – муайян соҳада даромад олиш мақсадида ўз хатти-ҳаракатларини пухта ўйлаган ҳолда, муайян режа асосида амалга оширишга қодир кишидир. Тадбиркорлик фаолияти эса “тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир”[3]. Бироқ даромад билан тугалланган ҳар қандай фаолият ҳам тадбиркорлик бўлавермайди. Инсоннинг атиги бир бор даромад олишига сабаб бўлган сабб-ҳаракатлари тадбиркорлик эмас. Ҳар қандай фаолият

тадбиркорлик сифатида тан олиниши учун даромадлар мунтазам ва тизимли характерга эга бўлмоғи даркор.

- Тадбиркорлик фаолияти турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Одатда у якка, хусусий ёки жамоавий тарзда олиб борилади. Якка тадбиркорлик “юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши”[3]ни билдиради. Хусусий тадбиркорлик турли кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш орқали амалга оширилади. Жамоавий тадбиркорлик ширкат, корхона, масъулияти чекланган жамият, ҳиссадорлик жамияти, деҳқон хўжалиги ва шу каби субъектлар томонидан йўлга қўйилади. Кейинги йилларда мамлакатимизда ривож топиб келаётган оилавий тадбиркорлик ҳам жамоавий тадбиркорликнинг ўзига хос кўринишидир. Тадбиркорлик шакллари ҳақида гап кетганда, айрим мамлакатларда давлат тадбиркорлиги хусусида ҳам фикр юритилади. Бироқ Ўзбекистонда “давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас” [3].

- Тадбиркорлик фаолияти мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг воқеликка айланган фаолият турларидан биридир. Бироқ бундан Ўзбекистонда тадбиркорлик кейинги 30 йилдагина қарор топди, деган хулоса келиб чиқмайди. Тадбиркорлик фаолияти билан муваффақиятли шуғулланган кишилар барча замонларда ҳам бўлган. Боз устига, Буюк ипак йўлининг мамлакат ҳудудидан ўтиши, Марказий Осиёнинг барча даврларда жаҳон савдо алоқаларининг муҳим бўғини бўлгани тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириб келган. Совет ҳокимияти йилларида социалистик мулкчилик ва ишлаб чиқаришнинг татбиқ этилиши мамлакатдаги тадбиркорлик фаолиятига ҳам чек қўйди. Вазият Ўзбекистон мустақиллигидан кейингина ижобий томонга ўзгарди, холос. Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор берилди. Бу эътиборнинг самараси ўлароқ, масалан, 2015 йилга келиб, “кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар сони 10,2 млн кишидан ошди. Бу эса иқтисодиётда жами иш билан банд бўлганларнинг 77,9 фоизини ташкил қилади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида уларнинг улуши 2005 йилдаги 38,2 фоиздан 56,5 фоизга етди. Кичик бизнес улуши саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда 38,9 фоизни, экспортда эса 26,9 фоизни ташкил қилди” [4; 21]. Кейинги йилларда мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аҳолида тадбиркорлик руҳини шакллантириш масалаларига айниқса жиддий эътибор берилди бошланди. Биз мавзудан четга чиқмаслик мақсадида бу борадаги саъй-ҳаракатларни тизимли равишда таҳлил қилишга тўхталмасдан, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш масалаларига диққатни жамлаймиз.

- Тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим омили бўлиши билан бир қаторда турмушини оптималлаштиришда ҳам жиддий рол ўйнайди. Жумладан, тадбиркорлик:

- одамларни иш билан таъминлайди ва уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

- одамларнинг молиявий мустақиллигини таъминлайди, яъни уларнинг муносиб иш ҳақи, даромадга эга бўлишларига замин яратади, бошқа молиявий манбалар ва шахсларга қарам бўлишининг олдини олади;

- оилавий турмушни яхшилаш имконини беради, яъни ўзини уй-жой, маиший техника, уй-рўзғор буюмлари, зарурий маҳсулотлар билан таъминлаш, оила аъзоларининг муносиб ҳаётини яратишда қўл келади;

- жамият ишларига қатнашиш доирасини кенгайтиради, уларнинг фаолиятига аниқ мақсад ва манфаатлар бахш этади;

- халқимиз дунёқарашини ўзгартиради ва ривожлантиради. Уларнинг олам ва жамият, унинг ҳаёти ва ўзгариши ҳақидаги билим ва тасаввурларига барқарорлик ато этади.

одамларда инсоний фазилятлар, одат ва кўникмаларни ривожлантиради, яъни улардаги меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, ҳалоллик, масъулиятлилик каби фазилятларни, муросасозлик,

тартиблилик, интилувчалик, позитивлик каби одатларни, бошқарув ва ташкилотчилик кўникмаларини ривожлантиради;

бўш вақтдаги фаолиятига мақсадлилиқ ато этади, яъни уларнинг бўш вақтини муайян мазмун билан тўлдиради, уни ўз маҳоратини ошириш сари йўналтиришга одатлантиради.

Кўриниб турибдики, турмуш тарзини оптималлаштиришда, уни фаровонлаштиришда ва сифатини яхшилашда тадбиркорлик фаолияти ҳал қилувчи рол ўйнайди. Айнан шунинг учун ҳам кейинги йилларда давлат раҳбарининг ташаббуси билан ёшларда тадбиркорлик руҳини ривожлантириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масалаларига жиддий эътибор берилди. Умуман олганда, бу борадаги чора-тадбирлар ёшларга, уларнинг эҳтиёж ва муаммоларига, ҳуқуқ ва манфаатларига эътибор янги паллага кирган бир вазиятда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон халқини тадбиркорлик руҳини ривожлантириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида тизимли равишда амалга оширилаётган ишлар жиддий натижалар берди. Биринчидан, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолият билан шуғулланаётганлар сони ошди. Иккинчидан, мазкур фаолиятга жалб қилинганларнинг меҳнати жараёни, уларнинг жамият ишларига муносабати ва иштироки сезиларли ўзгарди, айни пайтда уларнинг кундалик ҳаётида ҳам янги жиҳатлар пайдо бўлди.

Бироқ кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини авж олдиришга, шу жумладан йигит ва қизларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратишга катта эътибор берилганига қарамасдан, бу фаолиятга тўсиқ бўлиб турган айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги айрим ҳолларда ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишдан ҳадиксирашларига, хавфсирашларига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида тадбиркорлик фаолиятининг ёшлар турмуш тарзини оптималлаштириш борасидаги имкониятлари тўлиқ рўёбга чиқмай қолмоқда. Бинобарин, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва шунинг билан уларнинг турмуш тарзларини тубдан ўзгартириш учун айнан ана шу муаммоларни бартараф этишга диққатни жамлаш зарур бўлади.

Объективлик нуқтаи назаридан кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган коррупцион ҳолатлар жадал бартараф этиб борилаётганини айтиб ўтмоқ даркор. Лекин бундай ҳолатларнинг ҳануз мавжудлиги тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун масъул бўлган давлат органлари фаолиятини модернизациялаш, фуқаролик жамияти институтларининг тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, “давлат органлари-тадбиркорлар” мулоқотининг замонавий механизмларини вужудга келтириш, лицензиялаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш заруриятини туғдирмоқда.

Иккинчидан, ёшлар тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун бу соҳада мавжуд бўлган манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш керак. Маълумки, манфаатлар тўқнашуви деганда давлат хизматчисининг функционал вазифалари билан шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддиятли вазият тушунилади. Бундай вазият ходимга ўз хизмат вазифаларини холис, адолат тамойиллари асосида бажаришга ҳалақит беради, ўзи манфаатдор бўлган томонларни, хусусан ўзига даҳлдор тадбиркорларни қўллашга ундайди. Аксарият ҳолларда мазкур ёндашув бошқа тадбиркорлар манфаатларига зиён етиши билан якун топади.

Учинчидан, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши ҳолларига барҳам бериш керак бўлади. Биргина 2020 йилда Бизнес омбудсманга тадбиркорлар мулкӣ ҳуқуқларининг бузилишига доир 1 минг 67 та мурожаат келиб тушган. “Шулардан 395 таси ер ва бино ажратиш, 511та мурожаат ер ва бинони олиб қўйилиши ва бузилиши, 161 таси эса давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олинган ер майдонлари учун компенсация тўловларини амалга оширилмаётганлиги масаласидаги мурожаатлар сирасига киради.

Бундай вазиятларнинг олдини олиш учун мамлакат Президентининг тадбиркорлар эркинлигини таъминлашга доир ташаббусларини рўёбга чиқариш масаласига алоҳида эътибор бериш, унинг ижросини қатъий назорат остига олиш зарур бўлади. Тадбиркорлар эркинлигини таъминлашга хизмат қиладиган қонунлар ижросини муттасил мониторинг қилиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувларга барҳам бериш зарур. Кейинги йилларда давлат раҳбарининг талаби ва ташаббуси билан тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашув учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кучайтириб борилмоқда. Бу борада салмоқли ўзгаришлар юз берганини ҳам тан олмоқ даркор.

Бешинчидан, айрим тадбиркорлик субъектларига асоссиз имтиёзлар тақдим қилиш амалиётини тугатиш керак. Тадбиркорлик билан шуғулланаётган айрим субъектларга асоссиз имтиёзлар ва преференцияларнинг тақдим қилинаётгани, бир томондан, иқтисодий муносабатларга салбий таъсир кўрсатаёпти, иккинчи томондан эса, тадбиркорларнинг кайфиятига, мавжуд воқеликка муносабатига зиён етказаяпти.

Юқоридаги мулоҳазалардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади. Турмуш тарзида сақланиб қолаётган салбий ҳолат ва муаммоларни бартараф этиш учун энг аввало уларнинг моддий аҳволини, моддий таъминотини яхшилаш зарур. Бунинг учун мамлакатимиз аҳолисини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишни жадаллаштириш керак. Соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган коррупцион ҳолатларнинг бартараф этилиши, манфаатлар тўқнашувига чек қўйилиши, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши ҳолларига барҳам берилиши, тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олди олиниши, айрим субъектларга асоссиз имтиёзлар тақдим қилиш амалиётининг тугатилиши ёшлар тадбиркорлигини кескин ривожлантиради. Бунинг натижасида одамлар иш билан таъминланади, улар молиявий сарф-харажатларини мустақил амалга оширишга кўника бошлайдилар, оиладаги ҳаётларида ижобий силжиш юз беради, жамият ишларига иштироки фаоллашади, дунёқараши кенгаяди, аҳамиятли фазилатлари ривож топади, соғлом одатлари кўпаяди, бўш вақти мазмунли ўта бошлайди.

ADABIYOTLAR:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2020.- Б. 260.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.- Б. 522.
3. <https://parliament.gov.uz/uz/laws/adopted/332/24313>. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”.
4. Захирова Г.М., Қодиров С.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда маҳаллий ҳокимият органларининг роли. // Мамлакатни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини бошқаришнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.- Тошкент: ЎзМУ, 2016. - Б. 21.

РЕЗЮМЕ:

Мақола миллий турмуш тарзининг ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида ўзгариши, унинг қонуниятлари ва замонавий тенденцияларнинг таҳлилига бағишланган.

Калит сўзлар: Ижтимоий-тарихий тараққиёт, экологик вазият, иқтисодий омил, турмуш тарзи.

РЕЗЮМЕ:

Статья посвящена анализу изменения национального образа жизни в ходе общественно-исторического развития, его закономерностей и современных тенденций.

Ключевые слова: социально-историческое развитие, экологическая ситуация, экономический фактор, образ жизни.

RESUME:

The article is devoted to the transformation of the national lifestyle throughout the socio-historical development, its legalities and the analysis of modern tendencies.

Keywords: socio-historical development, environmental situation, economic factor, lifestyle, lifestyle characteristics, factors affecting lifestyle.

LYOTARD VA FUKONING POSTMODERN FALSAFASIDA BUZG'UNCHI G'OYALAR TAHLILI**Tashanov A. –***Toshkent iqtisodiyot va texnologiyalar universiteti dotsenti
falsafa fanlari nomzodi* 10.24412/2181-7294-2025-1-60-63

“Postmodern” atamasi Jan-Fransua Lyotard tomonidan ilmiy iste’molga kiritilib, uning 1979 yilgi kitobida postmodernizm tushunchasi ta’riflangan edi[1.79]. U postmodernlik holatini “metanarrativlarga ishonchsizlik” deb ta’riflaydi. Metanarrativ - bu katta hodisalarni keng ko’lamli va izchil tushuntirish. Dinlar va boshqa totallashtiruvchi mafkuralar hayotning ma’nosini yoki jamiyatning barcha illatlarini tushuntirishga harakat qilganda metanarrativlardir. Lyotard ularni “mini-rivoyatlar” bilan almashtirishni va kichikroq va shaxsiy haqiqatlarni tushunishga intilishni targ’ib qildi. Shu tomondan u nafaqat Nasroniylik yoki marksizmni, balki fundamental fanni ham ko’rib chiqdi. Uning fikriga ko’ra, “biz ilmiy til deb ataydigan narsalar bilan axloq va siyosat deb ataydigan narsalar o’rtasida yaqin bog’liqlik mavjud.

Ilm-fan va u orqali olingan bilimlarni hokimiyat bilan bog’lab, u fanning ob’yektivlikka bo’lgan da’volariga qarshi chiqadi. Lyotard bunday postmodern ishonchsizlikni universal mulk, deb e’lon qiladi va 19-asrning oxiridan boshlab “bilimning qonuniyligi tamoyilining ichki eroziyasi” asta-sekin bilim maqomini o’zgartira boshlaganini ta’kidlaydi. Natijada 1960 yillarga kelib olimlarning “shubhalari” va demoralizatsiyasi “kuchli” qonuniylashtirishning markaziy muammosiga ta’sir ko’rsatdi. Qancha olimlar unga ruhiy tushkunlikka tushmaganliklarini va ularning shubhalari usulni qo’llagan har bir kishi uchun mos bo’lganidan tashqariga chiqmasligini, faqat oraliq natijalar berishini hamda “isbotlab bo’lmaydigan” gipotezalar asosida ishlashini aytishmasin, uning ishonchini o’zgartirish uchun bu mumkin emas yedi.

Lyotardda aniq epistemologik nisbiylikni (shaxsiy yoki madaniy jihatdan o’ziga xos haqiqatlar yoki faktlarga ishonish) va “hayotiy tajriba”ning yempirik dalillardan ustunligini himoya qilishni ko’rish mumkin. Shuningdek, uning plyuralizm versiyasida har qanday ozchilikning nuqtai nafari avtoritar va dogmatik deb e’lon qilingan olimlarning umumiy konsensusidan yoki liberal-demokratik yetikadan ustun yekanligi ko’zga tashlanadi. Bu qarashlar umuman postmodern fikrga xosdir.

Mishel Fukoning tahlillarida buzg’unchi g’oyalar mavjud bilim va hokimiyat strukturalarini tanqid qiladi, ularning boshqaruv mexanizmlarini fosh qiladi. Fukoning buzg’unchilik nazariyasi ko’p jihatdan qudrat va bilim o’rtasidagi bog’liqlikni tadqiq qilishdan kelib chiqadi. Uning buzg’unchilik tushunchasi ijtimoiy va siyosiy institutlarni, qudrat tizimlarini va bilimning shakllanishini tanqidiy tahlil qilish vositasi sifatida namoyon bo’ladi. Fukoning buzg’unchilik tushunchasi falsafiy jihatdan qudrat va bilimning ijtimoiy tuzilmalariga shubha bilan qarashga asoslanadi. Uning asosiy g’oyasi shuki, bilim va qudrat hech qachon bir-biridan ajralmasdir. Qudrat hokimiyatidagi guruhlar bilim tizimlarini shakllantiradi va tarqatadi, bu orqali jamiyatdagi normalar, qoidalar hamda me’yorlarni nazorat qiladi.

Fukoning qudrat va bilim haqidagi nazariyasiga ko’ra, qudrat hokimiyat tizimlarining bir qismi bo’lib, bilim va tushunchalarni shakllantirishga yordam beradi[2]. Qudrat hokimiyatdagi guruhlar tomonidan amalga oshiriladi va ular bilim tizimlari orqali jamiyatni nazorat qiladi. Shu tariqa, bilim hech qachon neytral emas, balki ma’lum siyosiy va ijtimoiy qudratga xizmat qiladi. Qudrat bilimni yaratish vositasi bo’lib, bilim esa qudratni mustahkamlaydi.

Fukoning buzg’unchilik tahlilida norma va deviantlik tushunchalari muhim ahamiyatga ega. Uning fikriga ko’ra, jamiyatdagi norma tushunchasi, bu qudratga ega institutlar tomonidan yaratilgan ijtimoiy vositadir. Institutlar norma va deviantlik o’rtasidagi chegaralarni belgilash orqali jamiyatni nazorat qiladi. Deviantlik tushunchasi qudrat tizimlari tomonidan tanlangan “normal” tushunchasiga qarshi qo’yiladi va jamiyatdagi ayrim guruhlarini chetga surish, ularni marginallashtirish vositasi

sifatida ishlatiladi. Fuko buzg'unchilikni dissiplina (norma va qoidalar tizimi) va institutsional qudrat tizimlari orqali tushundiradi. Uning fikriga ko'ra, jamiyatdagi asosiy institutlar — masalan, maktablar, kasalxonalar, qamoqxonalar — insonlarni nazorat qilish va ularning xatti-harakatlarini shakllantirishda muhim rol o'ynaydi. Buzg'unchilik ushbu institutlar orqali amalga oshirilgan dissiplinar mexanizmlarni tanqid qilib, ularni shubha ostiga qo'yadi.

Fukoning "panoptitsizm" tushunchasi qudratning qanday qilib insonlar ustidan mustahkam nazoratni saqlab qolishi mumkinligini ko'rsatadi. Panoptikon tushunchasi orqali u jamiyatning fuqarolarini doimo kuzatib turuvchi va ularning xatti-harakatlarini to'g'rilashga majbur qiluvchi tizimlar haqida so'z yuritadi. Buzg'unchi g'oyalar ushbu nazorat mexanizmlarini ochib, ularni yo'qqa chiqarishga qaratilgan. Fukoning buzg'unchilik nazariyasi turli bilim tizimlarining inqirozini ochib berishga qaratilgan. Uning fikriga ko'ra, "bilim tizimlari ma'lum qudratga ega guruhlar tomonidan shakllantiriladi va bu bilim tizimlari orqali ijtimoiy normalar jamiyatga singdiriladi"[3].

Fukoning falsafasida tarix ham qudrat va bilimning yo'naltirilgan shakli sifatida tushuniladi. Tarix doimo qudrat tizimlari tomonidan yoziladi va shu tariqa, jamiyatdagi muhim voqealar va shaxslar faqatgina qudratga ega bo'lganlar nuqtai nazaridan tasvirlanadi. Fuko tarixni doimiy shaklda qayta yozish va bu orqali hokimiyatning qudratini oshirish jarayoni, deb tushunadi. Fukoning buzg'unchilik nazariyasi ko'p jihatdan jamiyatdagi asosiy institutlarning qudrat tuzilmalari va ularning insonlar hayotiga ta'sirini tanqid qiladi. U jamiyatdagi normalar, qonunlar va institutlar jamiyat a'zolariga o'zlarini qanday tutishi va qanday yashashi kerakligi haqida qoidalarini singdiradi, deb ta'kidlaydi. Inson subekti doimo jamiyatdagi qudrat va bilim tizimlari tomonidan shakllantiriladi. Inson o'zini qanday anglashini belgilash uchun qudrat tizimlaridan kelgan ma'lumotlardan foydalanadi. Insonning shaxsiy erkinligi yoki individualistik qarorlari o'zi mustaqil ravishda emas, balki jamiyatdagi qudrat tizimlari orqali shakllantiriladi.

Fuko o'zining postmodernistizmga yondashuvini "arxeologik" deb atadi, chunki u madaniy tarixning turli jihatlarini hujjatlashtirilgan nutq qatlamlaridan (ma'lum bir nuqtai nazarni targ'ib qiluvchi yoki baham ko'radigan so'zlar) "tozalaydi" deb ishongan. Fukoning so'zlariga ko'ra, nutqlar "ma'lum" bo'lishi mumkin bo'lgan narsalarni boshqaradi; holbuki, bu nutqlarning o'zi tarixning turli davrlarida va turli joylarda institutsional hokimiyatning turli tizimlari tomonidan boshqariladi. Shunday qilib, bilim kuchning bevosita mahsulidir. "Har qanday madaniyatda va har qanday vaqtda har doim bilimning mumkin bo'lgan shartlarini belgilaydigan bitta "Epistema" mavjud, u nazariyada ifodalangan yoki amaliyotga nozik sarmoya kiritilgan[4.183].

Bundan tashqari, odamlar o'zlari madaniyat tomonidan qurilgan. "O'zining barcha shaxsiy xususiyatlariga yega bo'lgan shaxs - bu organlarga, ularning yehtiyojlariga, imkoniyatlariga, harakatlantiruvchi motivlariga, intilishlariga nisbatan qo'llaniladigan kuch munosabatlarining mahsulidir"[5.198]. Bu deyarli mustaqillikdan mahrum. Kristofer Butlarning so'zlariga ko'ra, Fuko muayyan shaxsning axloqiy yoki axloqsiz xatti-harakatlaridan qat'i nazar, «nutq» kabi qarashni rad yetib, uning sinfi yoki kasbi kontekstida odamni idrok yetishning dastlabki buzuvchiligi tushunchasiga ishonadi"[6.49]. U zamonaviy liberal demokratiyani zulm darajasi bo'yicha o'rta asr feodalizmi bilan tenglashtiradi va "ularning yordami bilan doimo bilvosita sodir yetilgan siyosiy zo'ravonlikni" fosh qilish uchun har qanday institutlarni qattiq tanqid qilishni oqlaydi[7.41]. Fuko yekstremal madaniy relyativizmning asoschisidir, bu kuch tuzilmalari muqarrar ravishda individual va universalning har qanday ko'rinishini yo'q qiladi, degan taxminga asoslanadi. Buning o'rniga, odamlar o'zlarini topadilar-madaniyatdagi hukmron g'oyalarga nisbatan mavqeiga qarab - yezilgan yoki qiynalgan bo'ladi. U o'z shubhali nazariyasini tashkil qachon Judith Butler Foucault ko'p narsa o'rgandim, unga ko'ra gender, birinchi navbatda, madaniy qurilish hisoblanadi; postkolonializm va "sharqshunoslik" va Kimberly Crenshouning Yedvard Said nazariyasi "kesishish" tenglik siyosat uning himoya bilan ham Foucault g'oyalarini rivojlantirishga hissa qo'shgan. Shuningdek, biz zo'ravonlik va majburlash bilan tenglashtirilgan tilni, zulm bilan tenglashtirilgan aql va universal liberalizmni ko'ramiz.

Bizning fikrimizcha, Mishel Fukoning buzg'unchilik nazariyasi jamiyatdagi qudrat va bilim tuzilmalariga shubha bilan qarashga asoslangan. U qudrat va bilimning o'zaro bog'liqligi, institutlar va normalarning inson hayotini nazorat qilish mexanizmlarini ochib beradi. Faylasufning buzg'unchilik nazariyasi inson subektining shakllanishini, normalik va deviantlik tushunchalarini va tarixni qayta

yo'zish jarayonlarini tahlil qilish orqali jamiyatning qudrat tizimlarini tanqid qiladi. Postmodernizm mavjud ierarxiya va tizimlarni buzishga intiladi. Modern davridagi mustahkam ierarxiyalar va tizimlar (masalan, din, davlat, ilm) postmodernlik nuqtai nazaridan shubha ostiga olinadi. Buzg'unchi g'oyalar ushbu strukturalarning sun'iy va mafkuraviy asoslarini ochishga qaratilgan. Jan Bodriyyar o'zining "simulyakr" va "haqiqatning yo'qolishi" haqidagi fikrlarida buzg'unchi g'oyalar orqali mavjud haqiqat va moddiy borliq tushunchalarini tanqid qiladi. Uning fikriga ko'ra, zamonaviy jamiyatdagi voqelik "simulyakrlar", ya'ni hech qanday asllikka ega bo'lmagan nusxalar orqali shakllanadi va natijada haqiqat yoki yangilikning o'zi yo'qoladi. Jil Delyoz va Feliks Gvattari o'zlarining rizoma nazariyasida mavjud ierarxiya va tizimlarning buzilishini yoqlaydi. Ularning fikriga ko'ra, fikrlash va ijtimoiy tuzilmalar "rizoma" (ya'ni murakkab va cheksiz bog'liqliklarga ega bo'lgan) shaklda bo'lishi kerak va ierarxik tuzilmalar bilan cheklanmasligi kerak[8.238].

Buzg'unchi g'oyalar postmodern falsafada zamonaviy jamiyatning turli xil ziddiyatlarini yoritib, yangi fikrlarni shakllantirishda muhim o'rin tutadi. Bu g'oyalar har qanday mutlaq yoki mustahkam tizimlarga shubha bilan qarashni va ularni qayta ko'rib chiqishni talab qiladi. Postmodernizmda buzg'unchilik ko'p hollarda dekonstruksiya bilan bog'liq. Bu jarayon mavjud tuzilmalarni yoki g'oyalarni shunchaki buzish uchun emas, balki ularning yashirin ma'nolarini, ziddiyatlarini va noaniqliklarini ochish uchun xizmat qiladi[9.169]. Postmodernlik nuqtai nazaridan haqiqat tushunchasi inqirozga duch kelgan. Buzg'unchi g'oyalar inson va jamiyatni ma'lum bir haqiqatga yoki qadriyatlar tizimiga bog'lanishdan ozod qiladi. Shu tariqa, postmodernlikda buzg'unchilik ijodiy jarayonning bir qismi sifatida namoyon bo'ladi. Jan-Fransua Liotar o'zining "metanarrativlar" tanqidi orqali buzg'unchi g'oyalarning ahamiyatini tasvirlaydi. Uning fikriga ko'ra, zamonaviy jamiyatdagi har qanday katta g'oyalar yoki umumiy tushunchalar (metanarrativlar) shubha ostiga olinishi va ularning universalligidan voz kechilishi kerak[10.128]. Bu buzg'unchilik orqali yangi va turli xil shaxsiy tushunchalar yaratilishi mumkin. Slavoy Jijek ham o'zining tanqidiy falsafasida buzg'unchi g'oyalarni modernlikning sun'iy qadriyatlari va ideologik tizimlarini fosh qilish vositasi sifatida ko'radi. Uning fikriga ko'ra, mavjud tuzilmalarni yoki g'oyalarni tanqid qilish inson va jamiyatni aniqroq anglashga yordam beradi.

Xullas, postmodern falsafada buzg'unchi g'oyalar ko'pincha ijodkorlik va yangi fikrlarning manbai sifatida qaraladi. Buzg'unchilik orqali yangi g'oyalar va tushunchalar vujudga keladi, mavjud tuzilmalarning buzilishi natijasida inson yangi yo'llar va imkoniyatlarni kashf qiladi. Buzg'unchilik va yangilanish o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik postmodernlikda muhim o'rin tutadi. Dekonstruksiya orqali mavjud fikrlar va tuzilmalar buziladi, ammo bu buzilish yangicha tushunchalarni shakllantirish uchun imkoniyat yaratadi. Postmodernlikda buzg'unchi g'oyalar orqali jamiyatdagi turli xil me'yorlar va an'analar buziladi, ammo bu me'yorlardan voz kechish insonning erkinligi va ijodkorligi uchun yangi imkoniyatlar ochadi. Postmodern falsafada buzg'unchi g'oyalar haqiqat, ierarxiya va bilim tizimlarini shubha ostiga olish va qayta ko'rib chiqish vositasi sifatida qaraladi. Bu g'oyalar mavjud tuzilmalarni buzish va ularni yangi, nisbiy va cheksiz imkoniyatlarga ochiq tushunchalar bilan almashtirishga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR:

1. Nazarov Q. Jahon falsafasi qomusi 2-jild, -Toshkent: O'FMJ nashriyoti, 2022. –B. 79
2. Bokareva O.B. Konsepsiya vlasti i ponyatie «vlast-znanie» v filosofii mishelya Fuko // International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol.3-1
3. Savenkova Ye.V. Panoptizm kak metafora vlasti: sub'yekt nablyudayumiy // <https://cyberleninka.ru/article/n/panoptizm-kak-metafora-vlasti-subekt-nablyudayuschiy-1>
4. The Order of Things: An Archaeology of the Human Sciences. Routledge, 2011. P. 183.
5. About the Beginning of the Hermeneutics of the Self: Two Lectures at Dartmouth // Political Theory. No. 21. -P. 198–227.
6. Postmodernism: A Very Short Introduction. Oxford University Press, 2002. P. 49.
7. The Chomsky – Foucault Debate: On Human Nature. The New Press, 2006. P. 41.
8. Falsafa qomusi lug'ati / Tuzuvchi va mas'ul muharrir Q.Nazarov. –Toshkent: Sharq, 2004. –B.238
9. Tashanov A. Vayronkor g'oyalar va buzg'unchi mafkuralar –Toshkent, Turon zamin ziyo, 2015. -B. 169-170
10. Lyotard J.-F. The Differend: Phrases in Dispute. Minneapolis: University of Minnesota Press, 1998.- B. 128

REZYUME:

Maqolada postmodenizm falsafasining yirik vakillari Jan-Fransua Lyotard va Mishel Fukolarning falsafiy konsepsiyalarida buzg'unchi g'oyalarning postmodernlik ta'riflarini "dekonstruksiya", "metanarrativlarga ishonchsizlik" va mavjud bilim va hokimiyat, norma va deviantlik o'rtasidagi munosabatlari orqali o'rganilgan.

Kalit so'zlar: Lyotard, Fuko, postmodernizm, falsafa, buzg'unchi g'oyalar, dekonstruksiya, metanarrativlarga ishonchsizlik, bilim va hokimiyat

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматриваются деструктивные идеи в философских концепциях видных представителей постмодернизма Жана-Франсуа Лиотара и Мишеля Фуко. Определения постмодернизма анализируются через такие понятия, как «деконструкция», «недоверие к метанарративам», а также через взаимоотношения между существующими знаниями и властью, нормой и девиантностью.

Ключевые слова: Лиотар, Фуко, постмодернизм, философия, деструктивные идеи, деконструкция, недоверие к метанарративам, знание и власть.

RESUME:

This article examines the destructive ideas in the philosophical concepts of prominent postmodern thinkers Jean-François Lyotard and Michel Foucault. The definitions of postmodernism are analyzed through key notions such as "deconstruction," "skepticism towards metanarratives," and the relationships between knowledge and power, norm and deviance.

Keywords: Lyotard, Foucault, postmodernism, philosophy, destructive ideas, deconstruction, skepticism towards metanarratives, knowledge and power.

YOSHLARDA IJTIMOIIY FAOLLIK POZITSIYASI VA DAXLDORLIK TUYG‘USINI SHAKLLANTIRISHNING TARIXIY VA MA’NAVIY ASOSLARI

G‘anieva Ch.G‘. -
TDTrU tayanch doktoranti

 10.24412/2181-7294-2025-1-64-66

Bugun yoshlarda ijtimoiy faollik pozitsiyasi va daxldorlik tuyg‘usini shakllantirish zaruriyati haqida bot-bot gapirilmoqda.

Kishi qaysi kasbning egasi bo‘lishidan, qanday lavozimda ishlashidan qat’iy nazar, uning jamiyat rivojiga hissa qo‘shishga, zamondan ortda qolmaslikka bo‘lgan harakatlari bilan o‘zining ijtimoiy faollik pozitsiyasina namoyon qiladi. Mana shu jarayonda u o‘zini shaxs va fuqaro sifatida namoyon qiladi.

Biroq, ijtimoiy faollik ham o‘z-o‘zidan sodir bo‘ladigan jarayon emas. Avvalo yetarli ta’lim va tarbiya orqali shaxsda ijtimoiy faollikning muayyan darajalari, qolaversa mas’uliyat hissi shakllantiriladi. Mas’uliyat – avvalo, jamiyatning axloqiy talablarini kundalik faoliyatida qo‘llay bilish, ularga rioya etish yoki etmaslik tushuniladi. Bu tushuncha fuqarolar huquq va majburiyatlarining o‘zaro uyg‘unligini ifodalaydi. Inson o‘z burchini anglagani sari uning zimmasida ma’suliyat hissi ortib boradi. Inson jamiyat oldidagi mas’uliyatini, burchini anglasa, unda shaxsiy daxldorlik hissi paydo bo‘ladi.

Barchamiz yaxshi anglab olishimiz kerakki, hayotimizning boshqa sohalaridagi, amalga oshirilayotgan islohatlarimizning samaradorligi, avvalo xalq ma’naviyatining tiklanishi, tarixiy merosimizning keng o‘rganilishi, an’alarimizning saqlanishi, madaniyat va san’at va ta’lim rivoji hamda fuqarolar daxldorligi bilan uzviy bog‘liq. Bundan ma’naviyat – ma’naviyat uchun emas, inson farovonligiga qaratilgan islohatlar samaradorligi uchun degan haqiqat kelib chiqadi. Ma’naviy sohada sivilizatsiya hayotning qaror topishi eng radikal tarzda bo‘lib, inson ruhiyatida mantiqiy tafakkurni, unda esa, sifat jihatdan yangi dunyoqarashni keltirib chiqaradi, bu jarayon dunyo mamlakatlari taraqqiyoti evolyusiyasi, unga ta’sir qiladigan texnologik jarayonlar, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, mafkuraviy jarayonlarning globallashuvi bilan uzviy aloqadorlikda kechadi. Intellect, aql-zakovatning kuchi muayyan shaxsning bilimi, iqtidori hamda globallashuv jarayonida sivilizatsiyalararo ta’sirning mohiyatini anglay olishida ko‘rinadi.

Daxldorlik fazilatining ziddiga loqaydlik, beparvolik, manmanlik, egoizm, egotsentrizm kabi axloqiy qusurlarni kiritish mumkin. Insoniyat boshiga uzoq-yaqin tarixda qancha kulfat, kasofat tushgan bo‘lsa insonning o‘z hayotiga, taqdiriga loqaydligi, beparvoligi sabab bo‘lgan. Loqaydlik hodisasining mohiyati “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da shunday izohlanadi: “Loqayd” degan so‘z arab tilidan olinib, ahamiyat, e’tibor bermaslik, beparvolik, qiziqmaslik, befarqlik ma’nolarida keladi”[1].

Loqaydlikning ijtimoiy ildizi nimalardan iborat? Loqaydlik, ya’ni qayd etmaslik, daxldorlikni his etmaslik, e’tibor bermaslik, o‘zini chetga olish – bugungi kunda xalqimiz orasida eng keng tarqalgan ijtimoiy illat bo‘lib bormoqda. Bu esa jamiyatning taraqqiyotiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Bugungi kunda buzg‘unchi ma’naviy-ma’fkuraviy oqimlarning suverenitetimizga bo‘layotgan tahdidining oldini olish uchun o‘z taqdiriga, atrof- muhitdagi voqea- hodisalarga beparvo va loqaydlikdan xalos bo‘lish hamda bu voqea-hodisalarga shaxsiy daxldorlik hissi bilan yashash talab etiladi. O‘zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Karimov bu borada shunday degan edi: “...birovning hayotiga, yon-atrofida sodir bo‘layotgan voqea-hodisalarga betaraf va beparvo qarab, shunchaki kuzatuvchi bo‘lib yashaydigan odamdan qo‘rqish kerak. Ulardan hech qachon yaxshilik chiqmaydi, chunki ularda na iymon, na iroda bo‘ladi, ular hatto o‘z xalqi va Vatani taqdiriga ham bamisoli begona odamdek qaraydi. Azaldan ma’lumki, beparvo odam dushmanidan xavfliroqdir. Chunki dushmanning kimligi, asl qiyofasi siz uchun oldindan ma’lum bo‘ladi. Biroq loqayd va beparvo odamning qiyofasini birdaniga bilib bo‘lmaydi. Shuning uchun u ichingizda yurib, sizga qarshi tish qayraydigan dushmanlar uchun imkoniyat yaratib beradi”[2].

Shu o'rinda haqli savol tug'ilishi tabiiy. Ijtimoiy faollik pozitsiyasi va daxldorlik tuyg'usini shakllantirishni nima uchun aynan yoshlardan boshlash kerak? Kattalarga bu tuyg'u kerak emasmi? Aksincha, avvalo bu tuyg'uni katta yoshli avlod o'zida shakllantirib, so'ng yosh avlod qalbiga singdirishi zarur.

Biroq, bu borada ko'proq yosh avlodga urg'u berilayotganligining sababi yoshlar har qanday jamiyatning ajralmas qismi hisoblanadi. Qolaversa, davlat va jamiyat boshqaruvida ham, biznesni taraqqiy ettirishda ham, umuman, barcha soha rivojida salohiyatli yoshning alohida o'rni bor. Qolaversa, ular jamiyat uchun "yangi qon" vazifasini o'taydi. Yangidan-yangi tashabbus g'oyalarni ilgari surish, zamonaviy ish yuritish uslublarini joriy qilishda ana shu qatlam yigit-qizlarning nuqtai nazari va say-harakatlari alohida ahamiyat kasb etadi. Dunyo miqyosida 1,8 milliard yosh avlod vakillari bor. Jumladan, O'zbekiston aholisining deyarli teng yarmidan ko'prog'ini yoshlar tashkil etadi.

Globallashuv davrida avvalambor yoshlarning muammolari birinchilardan bo'lib yuzaga chiqadi. Insoniyatning global muammolari, globallashuvning real jarayonlari va shakllarini aniqlashda, birinchi navbatda, yoshlar parametri turadi. Aynan yoshlar iqtisodiy va ijtimoiy tomondan aziyat chekadilar va mojarolar markaziga borib qolishlari mumkin. Avvalo, yoshlar yangilanib borayotgan dunyoviy etikani puxta egallab, uning asosida yashashni o'rganishlari kerak. Mustaqil hayotga kirib kelayotgan yoshlarimiz tinchlik madaniyatini anglashlari va tushunib yetishlari, globalizatsiya jarayoniga ijtimoiy masofadan qarashlari muhimdir. Har bir millat o'ziga xos xususiyatlari va mentalitetiga ega ekan, ajdodlar milliy, ma'naviy merosi taraqqiyot va istiqbol uchun asosiy manba hisoblanadi. ...O'z negizlari asosida rivojlanish yo'lidan bormaydigan millat istiqbolda, o'zligini yo'qotadi. Bunda, millatning o'z negizlariga tayanib rivojlanishini hisobga olish, amal qilish zarur.

Shu ma'noda aytish mumkinki, yoshlarda ijtimoiy faollik pozitsiyasi va daxldorlik tuyg'usini shakllantirishning tarixiy asoslari ham bizning eng qadimgi o'tmishimizga borib taqaladi. Qadimdan ajdodlarimiz o'z farzandlarini oila va el-yurt taqdiriga daxldorlik ruhida tarbiyalashganiga qadimgi manbalarimiz guvohlik beradi.

O'zbek xalqining turmush tarzi, mehnat faoliyati, o'zaro munosabatlari, hamkorlik, hamdardlik, vafodorlik, bir-biriga suyanishi, yaxshi qo'shnichilik, bolajonlik, ota-onaning bolaga, bolaning ota-onaga hurmati, sadoqati kabi qadriyatlari zamirida daxldorlik fazilati mujassamlashgan. O'zbek xalqi bir umr mehr-shafqatli bo'lgan, barchaga yordam qo'lini cho'zgan. O'zbek xalqi o'zining insonparvarligini fashizmga qarshi kurash yillari yetim bolalarning boshini silab o'z tarbiyasiga olib yorqin namoyon etdi.

Millatlarning o'z milliy qadriyatlariga e'zosi, hurmati va sadoqati qanchalar ulug' bo'lsa, ularning nufuzi ham shunchalar yuksak bo'lib boradi. Butun dunyodagi juda ko'p xalqlar biz o'zbeklarning ota-onaga, uztozga bo'lgan hurmatimiz, nonga nisbatan e'zozimiz, marhumlar ruhiga bo'lgan e'tiborimiz, tug'ilib o'sgan makon Ona-yurtga mehr-muhabbatimiz, duoni qadrlashimiz, mahalla-ko'ydagi oqibatimiz, ibo, hayo, sadoqat, or-nomusni joyiga qo'yishimizga havas bilan qarashadi, tan berishadi. Milliy qadriyatlar xalqni ma'naviy poklanishga yetaklaydigan asoslardan biri bo'lib, tug'ilgan joy va ona yurtga muhabbat, avlodlar xotirasiga sadoqat, kattalarga hurmat, muomalada mulozamat, hayo, andisha kabi jihatlar ustuvorligi bilan belgilanadi.

O'zbekona, milliy axloqda ota-bobolarimizning tarixiy tajribalari, davrlar sinovidan o'tgan saboqlari va bizga doimo madad bo'lib turgan ruhiy quvvatlari jamuljamdir. Ular tufayli milliy-axloqiy qadriyatlarimiz asrlar osha avloddan avlodlarga o'tib kelmoqda. Yosh avlodni milliy ruhda tarbiyalash shaxsning milliyligiga bevosita aloqador bo'lgan fazilatlarini singdirish tamoyilidan kelib chiqib belgilanadi. Merosimiz durdonalaridan kelajak avlod tarbiyasida foydalanish, ularni yoshlar hayotiga tadbiq qilish orqali bolalarda davr talabi asosida axloqiy, estetik, mehnat va jismoniy fazilatlarini takomillashtirish mumkin.

Yosh avlodda qadriyatlar asosida daxldorlik tuyg'usini shakllantirish bizning oldimizdagi asosiy masala bo'lib qolmoqda. Bizning millatimizda bola tug'ilgandan tavallud, beshik, hatto ism qo'yishda ham an'analar mavjud. Salom va alik; kattalar va yoshi ulug'larni e'zozlash, ularning hurmatini ado etish; dasturxon odobi; ovqatlanish odobi; to'y tomoshalar; hayit-bayramlar; sovcilik;

ta'ziya; tug'ilgan joyi, mahalla-ko'ygа munosabat; qo'shnichilik munosabatlari va boshqa kabilarning ham o'ziga xos milliy an'ana qonun-qoidalari mavjud.

Bunday qadriyatlar o'z ahamiyatini yo'qotmaydigan abadiy qadriyatlardir. Odamlarning fe'l-atvori turlicha. Ular nihoyatda murakkabdirlar, shuning uchun hayot murakkab. Biroq tuirmush insonning xatti-harakatlarini ma'lum chegarada, ma'lum meyorda bo'lishini taqozo qiladi. Odob-axloq insoniyat tarixidagi butun tajribalarga suyangan holda yaratilgan. Ularning zamirida urf-odatlar turadi. Bu urf-odatlar qadriyatga aylanib boraveradi. Qadr tuyg'usi yo'q joyda qadriyat bo'lmaydi. Qadriyatlar yo'q joyda insoniylik bo'lmaydi. Insoniylik bo'lmasa, xalq, odamzod yo'q bo'ladi, tanazzulga uchraydi. Qadriyatlar inson ma'naviyatini boyitadi. Ma'nān barkamol, ma'naviyati yuksak insonni hech qanday kuch yenga olmaydi. Insoniyat tarixi fikrlar, g'oyalar kurashidan iborat bo'lib kelgan va biz yashayotgan davr ham bundan mustasno emas. Fikrsiz inson bo'lmaganidek, g'oya va mafkurasiz jamiyat ham bo'lmaydi. Biroq shunday paytlar bo'ladiki, muhitda mafkuraviy bo'shliq yuzaga keladi va bu jamiyat uchun juda tahdidlidir. Chunki mustahkam iymon – e'tiqod yoshlarning zamon sinovlaridan o'tishida suyanch va tayanch bo'ladi. Shunda duch kelgan hayotiy va ma'naviy muammolarga javob bera oladi.

Barchamiz yaxshi anglab olishimiz kerakki, hayotimizning boshqa sohalaridagi, amalga oshirilayotgan islohatlarimizning samaradorligi, avvalo xalq ma'naviyatining tiklanishi, tarixiy merosimizning keng o'rganilishi, an'alarimizning saqlanishi, madaniyat va san'at va ta'lim rivoji hamda fuqarolar daxldorligi bilan uzviy bog'liq. Bundan ma'naviyat – ma'naviyat uchun emas, inson farovonligiga qaratilgan islohotlar samaradorligi uchun degan haqiqat kelib chiqadi. Ma'naviy sohada sivilizatsiya hayotning qaror topishi eng radikal tarzda bo'lib, inson ruhiyatida mantiqiy tafakkurni, unda esa, sifat jihatdan yangi dunyoqarashni keltirib chiqaradi, bu jarayon dunyo mamlakatlari taraqqiyoti evolyusiyasi, unga ta'sir qiladigan texnologik jarayonlar, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, mafkuraviy jarayonlarning globallashuvi bilan uzviy aloqadorlikda kechadi. Intellect, aql-zakovatning kuchi muayyan shaxsning bilimi, iqtidori hamda globallashuv jarayonida sivilizatsiyalararo ta'sirning mohiyatini anglay olishida ko'rinadi.

ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi. <https://lex.uz/uz/>
2. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: О'zbekiston нашриёти, 2021 йил.
3. Ўзбекистон Республика Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь
4. Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008 йил.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. – Москва: 1981 йил
6. Ramatov, J., & Umarova, R. (2021). Central Asia in IX-XII Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(04), 148-151.
7. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.
8. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1974-1980.
9. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Khasanov, M., Sultonov, S., & Kushakov, F. (2022). PROBLEMS OF INFLUENCE OF ISLAM ON CONSCIOUSNESS TRANSFORMATION. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 591-597.
10. Умарова, Р. Ш. (2020). Роль натурфилософии Абу Райхана Бируни в развитии современной науки. *Экономика и социум*, (3), 685-688.

REZYUME:

Maqolada ma'naviy jarayonlarning globallashuvi sharoitida yoshlar ma'naviy tarbiyasiga e'tibor qaratish tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Vatan, yoshlar, daxldorlik, ma'naviyat, burch, mas'uliyat, globallashuv, millat, mentalitet.

РЕЗЮМЕ:

В статье анализируется направленность духовного воспитания молодежи в условиях глобализации духовных процессов.

Ключевые слова: Родина, молодежь, принадлежность, духовность, долг, ответственность, глобализация, нация, менталитет..

RESUME:

The article analyzes the focus on the spiritual education of youth in the context of the globalization of spiritual processes.

Keywords: Homeland, youth, belonging, spirituality, duty, responsibility, globalization, nation, mentality.

JAMIYATDA AYOLLARNING IJTIMOIIY RIVOJLANISH TENDENSIYALARI

Axrarova S.A. -

TDTU professori, falsafa fanlari doktori (DSc)

 10.24412/2181-7294-2025-1-67-69

O'zbekistonda xotin-qizlarining jamiyat hayotidagi siyosiy-ijtimoiy faolligi davlat siyosati darajasida xalqaro mezon va talabalarda shakllantirilmoqda. Davlat siyosati oilaga, xotin-qizlarning jamiyatdagi roli va huquqi masalasiga an'anaviylikdagi ahvol hamda tarixiy taraqqiyot davridan vorisilikni zamonaviy inson huquqlariga mos hal etish bilan bog'liqdir. O'zbek xalqi hayotida ayollarning ijtimoiy maqomi va ijtimoiy faolligi milliy-diniy asosda ijtimoiy hayot stereotipi ham qabul qilingan. Shu bois fuqarolik jamiyatining rivojida xotin-qizlarning ijtimoiy faolligini kengaytirish, bozor iqtisodiyoti sharoitida xotin-qizlarning iqtisodiy faolligi ularning siyosiy-huquqiy madaniyatiga ta'sir ko'rsatadi. Natijada, Markaziy Osiyoda ayollarning ijtimoiy-siyosiy faolligi oila va nikoh ilmiy adabiyotlarda erkakning avtoritar hukmronligi doirasida qaralishi qadriyatlashgan. Nikohda erkakning maqomi va tashabbusi ayolning gender tengligida bir qator muammolarni keltirib chiqaradi. Ilmiy tadqiqotda ayollarning siyosiy faolligi ijtimoiy hayotda oqilona tabiiy munosabatlar deviasiyasida nikohning ijtimoiy qimmati bilan oila qadriyatiga putur yetkazishini ham tasdiqladi. Shu bilan birga tadqiqot sivilizatsiya paradigmalarda milliylik va diniylikning madaniy zaruriyat ekanligi, tarixiy taraqqiyotning yangi sifat bosqichlariga o'tishining ta'minlanishini ham ko'rsatdi. Ayollarning tadbirkorligi natijasida mamlakatimizning xalq xo'jaligi taraqqiyotiga o'z hissasini qo'shishiga imkoniyat yaratilib, oilaviy hayotini qo'llab-quvvatlashning tizimli mexanizmlari ishlab chiqildi. Shunga qarab milliy iqtisodiyotda ish bilan band bo'lgan xotin-qizlarning soni ham o'sib bordi. Masalan, bu ko'rsatkich 1995 yilda 42,7 foizni tashkil qilgan bo'lsa, 1998 yilda 44 foizni, 2000 yilda 45,9 foizni, 2010 yilda 47,2 foizni, 2017 yilda 51,4 foizni, 2021 yilda 75,3 foizni tashkil qildi^[1].

Hozirgi paytda xotin-qizlarni bozor malakalariga o'rgatish, kichik va o'rta biznesni qo'llab-quvvatlash bo'yicha bir nechta dasturlar "Biznes-fond", Bandlikka ko'maklashish fondi, Yevropa ittifoqining TESIS dasturi, Tadbirkor ayollar uyushmasi va boshqa NNTlar faoliyatining maqsadi ayollarning moddiy farovonligini ko'zlagan. Tadqiqotda "2018 yilda 9235 ta NNTdan 6148 tasi davlat ro'yxatidan o'tkazilib, 3087 tasi esa yangidan hisobga qo'yilgan"ligi bilan dalillangan^[2]. Jumladan, "Tadbirkor ayol" O'zbekiston ayollar Assotsiatsiyasi (uyushmasi)ning 2019-yilda 1660 nafar a'zosi bo'lib, atrofiga 6 mingdan ortiq faollarni birlashtirgan. Ularning 70 foizdan ortig'i o'zining mustaqil bo'lib, 1999 yilda ular uyushma a'zolarining 20 foizidan oshmagan. Natijada, 18789 ta ish o'rni yaratilib, 40 mingdan ziyod xotin-qizlarga xizmat ko'rsatildi. Barcha viloyatlarda o'zining bo'limlariga ega. "Biznes -inkubator", "Bozor ko'nikmalarini shakllantirish", "Fermer-fermerga", "Biznesni qo'llab-quvvatlash", "Eksportga yordam berish" kabi grant loyihalari asosida ayollarga amaliy biznes ko'magi tashkil etildi.

Ayollarning siyosiy faolligi "Siyosiy partiya a'zolarining 35-50 foizini xotin-qizlar tashkil etib, 2013 yil MFY raislari saylovida nomzodlarning 39 foizini xotin-qizlar tashkil qildi"^[3]. 2018 yil siyosiy kompaniyada 581807 nafar tadbirkor ayol Liberal demokratik partiyada – 146853, Xalq demokratik partiyasida – 217225, Milliy tiklanish demokratik partiyasida – 97646, Adolat sotsial-demokratik partiyasida – 120083 nafarni tashkil etgan^[4]. Shu ma'noda xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligi tufayli ayollar O'zbekistonning ijtimoiy taraqqiyotida o'zining munosib o'rnini egallashga erishdi. Xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirishda birlamchi vazifa ularning bandligini ta'minlash bir necha o'n yillarga mo'ljallangan davlat dasturida bosqichma-bosqich amalga oshirilishi belgilandi. Chunki xotin-qizlarning bandligi oila va nikoh, kasbiy faoliyat bilan ko'rsatkichlarni yaxshilash mumkinligi aniqlandi.

Mamlakatimizda oxirgi yillarda mahalla tizimi faoliyati Asosiy Qonunimizning konstitutsion me'yori asosida "Fuqarolarning o'z-o'zini boshqarish idoralari to'g'risida"gi qonunning qabul qilinishi, mahalla oqsoqollari va kotiblariga, diniy, ma'naviy-ma'rifiy ishlar bilan shug'ullanayotganlarga hamda

maslahatchilarga maosh belgilanishi, mahallalarda ayollar kengashining tuzilishi natijasida mahalla faollaridan 200 dan ortiqroq kishi davlat mukofotlariga sazovor bo'ldi. Xotin-qizlarning Oliy Majlis va mahalliy kengashlarga deputat qilib saylanib, Respublika "Mahalla" xayriya jamg'armasining tuzilganligi va nihoyat Prezidentning "Kam ta'minlangan oilalarni ijtimoiy ta'minlashga doir tadbirlar to'g'risida"gi farmoniga ko'ra, ijtimoiy yordam ham ayollarning ijtimoiy faolligiga imkoniyat yaratdi. "Fuqarolar yig'inlari qoshida diniy, ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha rais o'rinbosari ayol kishi bo'lib, ularning soni 9900 dan oshadi. Mahalla raislarining ichida 742 nafari ayol, 3342 nafar ayol esa maslahatchi bo'lib ishlaydi, mas'ul kotiblarning 8402 nafari xotin-qizlardan iborat"[5].

Xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini ta'minlashda ijtimoiy muhit va uning tarkibiy qismi bo'lgan oilaviy muhitning alohida o'rni bor. Ijtimoiy muhit ayollarni faol bo'lishga rag'batlantirsa, oilaviy muhitda uning barkamollikka erishuvi uchun zarur shart-sharoitlar yaratiladi, ya'ni ijtimoiy muhitning kichik bir bo'lagi hisoblangan oilaviy muhitning ayollar faolligini oshirishdagi o'rni beqiyosdir, chunki oila jamiyatning kichik bo'g'inidir. Jamiyatning ma'naviy-ma'rifiy hayotida xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini ta'minlashning murakkabligi shundan iboratki, bu masalaga har bir xalq o'zining milliy o'ziga xosligidan, ma'naviy qadriyatlaridan, avloddan-avlodga o'tib kelayotgan urf-odatlaridan kelib chiqadi. Hozirgi vaqtda O'zbekistonda xotin-qizlarning tashabbuslari bilan tuzilgan nodavlat xotin-qizlar tashkilotlari yangi ijtimoiy munosabatlarning shakllanganligi, xotin-qizlar harakatining vujudga kelganligini tasdiqlaydi. Ular ayollarning aniq muammolarini o'rganib, ijtimoiy xizmatlarning yangi turini ishlab chiqishi va amaliyotga tatbiq etishi faoliyatda ish yuritishning yangi shakl hamda metodlaridan foydalanilmoqda. O'zbekistondagi nodavlat xotin-qizlar tashkilotlari davlatning ayollar teng huquqliligini ta'minlashga yo'naltirilgan siyosat yuritishida hamda ijtimoiy muammolarni hal etishida o'zlarini davlatning hamkori va yordamchilari, deb hisoblaydilar. Hozirgi vaqtda respublikada 417 ta ilmiy ishlab chiqarish birlashmalari (IChB) ro'yxatga olingan bo'lib, ulardan 49 tasi ayollar masalalari bo'yicha ish olib bormoqda. 9100 ta fuqarolik institutlari, partiyalarga 800 mingdan ortiq kishi uyushgan bo'lib, ularning 40-43 foizini xotin-qizlar tashkil qiladi.

Xotin-qizlarning barcha IChBlari o'zlarining amalga oshiradigan dasturlariga ko'ra, bir-biridan farq qilishiga qaramay faoliyatini xotin-qizlarning huquqini himoya qilishga, ayollar va erkaklar uchun teng imkoniyatlar yaratishga, ayollarning oiladagi va jamiyatlardagi maqomini oshirishga, demokratik qayta qurishlarga ayollarni jalb etishga, yangi iqtisodiy sharoitlarga ularni ko'niktirishga yo'naltirgan. Bu yo'nalishda faol ish olib borayotgan tashkilotlar qatorida Respublika "Tadbirkor ayollar" uyushmasi va uning viloyatlardagi bo'limlari, Qoraqalpog'iston Respublikasining "Perzent", Toshkent shahridagi ayollar resurs markazi, "Mehr", "Ayol va jamiyat" tashkilotlarini ko'rsatib o'tish mumkin. Xotin-qizlarning IChBlari respublika ijtimoiy hayotining bir qismiga aylandi, ammo hali muhim voqealarning borishiga ta'sir ko'rsata oladigan ijtimoiy harakatga aylangan emas. BMTning O'zbekistondagi taraqqiyot dasturi, "Mehr-muruvvat" korpusi, TASHIS, Amerika yuridik konsorsiumi, Kaunterpart interneyshnl, Kaunterpart konsorsiumi, Yevroosiyo fondi, Global proekt, Xalqaro ayollar fondi SIGI, Konrad Adenauer fondi kabi tashkilotlar faoliyat yuritmoqda. Shu bilan birga O'zbekiston xalqaro hujjatlarda ayollarning manfaatlarini muhofazalash maqsadida "ayollarga nisbatan kamsitish, inson sifatidagi qadr-qimmat, oila va jamiyatning farovonligiga qarshi qaratilgan, mamlakatning siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy hayotida erkaklar bilan teng sharoitlarda ishtirokini ta'minlash" belgilangan[6]. Ayni vaqtda, ayollarning ichkilik va giyohvandlikka berilishi sog'lom turmush tarzini qaror toptirish uchun ayollarning deviant xulq-atvori – "qizlar jangi"ning oldini olish muhim masala bo'lib qolmoqda.

Ushbu maqolada ayollarning ijtimoiy faolligiga ta'sir etuvchi salbiy jihatlarni alohida guruhlashtirgan: ichkilik, giyohvandlik, tamaki moddalarga tobelikni ortishi kabilari. Chunki xotin-qizlar turmushidagi deviant holat milliy genofondning buzilishi hamda yosh bolalarning o'limi darajasini oshiradi. Ayollar sog'lom farzand tug'ilishi, komil inson tarbiyasi bilan ham ijtimoiy follikni namoyon etadi[7]. "O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Inson huquqlari bo'yicha vakili (Ombudsman)ga 1995-1998 yillarda kelib tushgan 6211 ta murojaatdan 3748 tasi, 1998 yilda kelib tushganlaridan 63,4 foizi xotin-qizlar tomonidan yo'llanganligi" ham bu yo'nalishda talay qonunbuzarliklarga yo'l qo'yilayotganligini ko'rsatadi[8]. "Xalq qabulxonalari" va "Bosh vazir qabulxonalari"ga keyingi 2 yil ichida 100 mingdan ortiq fuqarolar arizalarining 70-80 foizini xotin-

qizlar arizasi tashkil qiladi. Ayollar uy-joy, maishiy sharoit, oilaviy tadbirkorlik bo'yicha murojaat etishi ularning dunyoqarashi, tashabbuskorligidan dalolat beradi. "Oilaviy tadbirkorlikda 2009 yili 100 mingta, 2010 yili 130 ming 161 ta, 2011 yili 142 ming 100 ta, 2012 yili 345 ming 43 ta, 2016 yili 521 ming 860 ta, 2018 yilda esa 632 ming 73 ta ish o'rinlari yaratilgan".^[9] Natijada, "Oilaviy biznes: xotin-qizlarning tadbirkorligi mahalliy hokimiyatlar va Vazirlar Mahkamasi tomonidan o'rganilib, monitoring o'tkazilib, "Oila va jamiyat" kabi gazetalarda har yili e'lon qilib borilishi kerak"^[10].

O'zbekistonda ayollar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash davlat dasturi bo'yicha davlat madadi, bank krediti asosida xotin-qizlarning savzavot va mevalarni qayta ishlash, oilaviy kasanachilik: tomorqa xo'jaligi, gilamchilik va hunarmandchilik sohalarida xususiy tadbirkorlik tuzilmalarini yaratishga yordam ko'rsatilishi nazarda tutilmoqda. Demak, xotin-qizlarning tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanishiga qulay sharoit yaratish, mahsulotlarning chet mamlakatlarga eksport qilinishi, fikrimizcha, mamlakatimizda ayollar tadbirkorligining keng quloch yoyilishiga, mamlakatimiz iqtisodiyotida ularning ulushi jiddiy o'sishiga olib keladi. Ayollarning faollik omiliga ta'sir etuvchi omillardan yana biri mehnat bozorida xotin-qizlarning raqobatbardoshligini nazarda tutgan holda professionallashtirishda ko'maklashish: kasbiy yo'naltirish, qayta o'qitish va malakasini oshirish bilan mahalliy mehnat bozori sharoitlariga moslashuv (adaptatsiya) ko'nikmalarini hosil qilish darkor.

ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston: iqtisodiy statistik ko'rsatkichlar. –Toshkent: Fan. 2021. – 124 b.
2. Ma'lumotlar 2018 yil yakunlaridan olingan.
3. Nishonova N.R. O'zbekiston davlat boshqaruv tizimida xotin-qizlar faoliyatining ijtimoiy-falsafiy tahlili. Fals. fan. dok. dis.... Toshkent, 2020. – 204 b.
4. Tadbirkor ayollar uyushmasi ma'lumoti. Toshkent: TDIU, 2021. – 132 b.

REZYUME:

Ushbu maqolada O'zbekistonda xotin-qizlarining ijtimoiy-siyosiy faollashuvida tarixiy turmush tarzi, an'anaviylik omilining muhim ahamiyati, xotin-qizlarning muammolarini ilmiy anglashda sog'lom etnokonfessional taraqqiyot tendensiyalariga tayanish ostida ilmiy-falsafiy yondashuvlar amalga oshirilganligi bayon etilgan.

Kalit so'zlar: etnokonfessional, tendensiya, gender tenglik, feminizm, devyatsiya, avtoritar, mexanizm.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье раскрыты значение фактора традиционализма в общественно-политической активизации женщин Узбекистана, научно-философские подходы в научном осмыслении женских проблем.

Ключевые слова: этноконфессиональная, тенденция, гендерное равенство, феминизм, девиация, авторитарный, механизм.

RESUME:

This article presents scientific and philosophical approaches to the increasing socio-political activity of women in Uzbekistan, emphasizing the significant role of historical lifestyle and traditional factors. It highlights the importance of relying on healthy ethnoconfessional development trends in the scientific understanding of women's issues.

Keywords: ethnoconfessional, trend, gender equality, feminism, deviation, authoritarian, mechanism.

**ПРОБЛЕМА БЫТИЯ ЧЕЛОВЕКА В КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФИИ ВИРТУАЛЬНОГО
ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМА****Иззетова Э.М.***д.ф.н., профессор ТашГУВ***Абдурахимов А.Н. –***студент ТашГУВ* 10.24412/2181-7294-2025-1-70-74

Социально-культурная динамика XXI века детерминирована цифровыми технологиями, а современный человек живет в мире виртуальной реальности, социальных сетей, электронной культуры. В ответ на стремительное развитие цифровых технологий, которые трансформируют традиционные представления о человеческом существовании, возникает виртуальный экзистенциализм как новая философская парадигма. С приходом цифровой эпохи виртуальный ландшафт всё более тесно переплетается с социальной реальностью глобального мира, что становится причиной возникновения философии цифрового экзистенциализма. Интеграция философии и технологий способствовала возникновению междисциплинарного направления в неклассической философии – «цифрового экзистенциализма» [1]. Актуальность исследования в поле экзистенциальной философии детерминирована глобальной социально-культурной, геоэкономической, геополитической, духовно-психологической турбулентностью, нарастающей неопределенностью, нестабильностью, «экзистенциальной неустойчивостью» [2, с. 16] существования «информационно - цифрового человека».

Это направление философии сосредоточено на изучении глубинных последствий цифровизации бытия, ставя под вопрос традиционные понятия подлинности (аутентичности), свободы, ответственности, смысла жизни, идентичности личности, существования в гибридном мире. Исследование этих вопросов становится ключевым для понимания уникальных условий жизнедеятельности современного человека в мире, где реальный и виртуальный миры переплетаются, образуя гибридный мир и новую экзистенциальную реальность. Экзистенциализм – философское направление, которое ставит в центр внимания существование человека, его свободу, выбор, ответственность и уникальность. Оно исследует вопросы смысла жизни, одиночества, смерти и абсурдности бытия. Основной тезис: существование предшествует сущности, то есть человек сначала существует, а затем сам создает свою сущность через действия, свободу решать и выбирать. Научный интерес сконцентрирован на «индивидуальном бытии, выступающее источником разнообразных знаний и ценностей» [3, с.78]. Яркими представителями экзистенциализма являются Сёрен Кьеркегор, Жан-Поль Сартр, Альбер Камю, Мартин Хайдеггер, Карл Ясперс, Симона де Бовуар, Габриэль Марсель.

Классический экзистенциализм, в частности Ж.-П. - Сартр, человека определяет через свободу выбора, ответственность и конструирование смысла в рамках реального мира. Однако в современном обществе, где виртуальная реальность становится всё более доступной и притягательной, индивид всё чаще склоняется к абстрагированию от физической экзистенции, предпочитая моделировать свою идентичность и опыт в цифровом пространстве.

Согласно исследованиям в области психологии и нейронауки, длительное погружение в виртуальные среды может приводить к изменениям в когнитивных процессах, таким как снижение способности к эмпатии, ухудшению внимания, памяти, усилению тревожности, социальной замкнутости, социофобии и инфантильности. Например, исследование, проведенное в 2023 году Университетом Калифорнии, показало, что пользователи, проводящие более четырёх часов в день в виртуальных мирах, демонстрируют снижение активности в областях мозга, ответственных за социальное взаимодействие и эмоциональную регуляцию. В то же время виртуальная реальность предлагает уникальные возможности для самовыражения: создание альтернативных аватаров, участие в симуляциях и эксперименты с различными

социальными ролями, что может быть интерпретировано как новая форма экзистенциальной свободы.

В повестке дня обозначилась проблема: «Не является ли такая свобода иллюзорной?» В виртуальной реальности человек освобождается от многих ограничений физического мира, но при этом рискует утратить связь с подлинным бытием, что в терминах экзистенциализма можно рассматривать как форму "неподлинного существования". Таким образом, виртуальный экзистенциализм ставит перед философией вызов переосмысления традиционных категорий свободы, ответственности и самоидентификации в условиях цифровой эпохи. Граница между реальным и виртуальным в этом ландшафте становится всё более размытой.

Исследование человеческого бытия в условиях виртуального экзистенциализма помогает раскрыть новые измерения идентичности, свободы и выбора в современном цифровом мире, где стремление к игре и самопознанию соединяет реальное и виртуальное в единое целое. Понятие "виртуальный" — изначально связано с латинским словом *virtus* (сила, потенция), *virtualis* (возможный, иллюзорный) объект или состояние, не существующее реально, однако может возникнуть при определенных условиях. Оно означает нечто, что существует потенциально или как возможность, но не в реальной, физической форме. В современном смысле термин чаще используется для обозначения объектов или пространств, созданных средствами информационно-компьютерных и цифровых технологий, такой как виртуальная реальность.

Идея виртуального уходит корнями в философию Средневековья и Нового времени. Например, схоластика обсуждала понятие *virtus* как скрытую силу, а Лейбниц говорил о возможных мирах. Современное значение связано с развитием высоких технологий в XX – XXI веках. Таким образом, виртуальность - не новое явление, но она обрела инновационный смысл и формы благодаря технологическому прогрессу [2, с. 6–16]. Виртуальная реальность превратилась в эффективный инструмент постижения природы бытия человека. «Человек явно испытывает глубокую потребность проникнуть в глубины своего социального и природного бытия, гонимый желанием вырваться из тех рамок, в которые он закован» [4, с.296].

Виртуальная реальность - один из самых примечательных технико- культурных феноменов современности, активно проникающий в повседневную жизнь [5, с.47]. Реакция на этот феномен варьируется от резкой критики до восторженных оценок. С одной стороны, виртуальная реальность нередко воспринимается как заменитель «настоящей» жизни и как способ избежать реальных проблем, тяжелых коллизий бытия, что вызывает беспокойство в отношении молодого поколения. Молодой человек попадает в ситуацию, «когда разлад оказывается непреодолимо тягостным, утраты неоправданно бессмысленными, а ужас безвыходным, почти не привычным» [6, с.66]. В рамках философии абсурда переживания личности связаны с осознанием пустоты человеческой жизни, «тошноты», безвыходности из состояния одиночества, некоммуникативности, невозможности и нежелания понимания. Хаос господствует над космосом и ощущение этого духовно-психологически, нравственно-эстетически тягостно [6, с.66]. С другой стороны, многие полагают, что виртуальная реальность знаменует начало новой эры человеческого развития, воспринимая её как пространство для формирования «нового» типа человечества, особенно в рамках молодежных субкультур. Современный молодой человек своей деятельностью создает новую социокультурную реальность, социальную структуру общества, новые профессии.

Цифровые технологии трансформируют понятие аутентичности, позволяя людям создавать множество идентичностей. В данной ситуации возникает дилемма: «Отражает ли цифровое "Я" истинную суть личности или становится лишь способом ухода от реальности?» В ситуации, где самосознание определяется взаимодействием с цифровой средой, граница между подлинностью и конструированием размывается. Соответственно, поднимается ещё более глубокая проблема - как определить, что является подлинным, если сама суть личности всё больше зависит от технологий, которые предлагают бесконечные возможности для её переосмысления?

Виртуальный экзистенциализм указывает на необходимость пересмотра понятия аутентичности при создании онлайн-личностей. Центральным в этом анализе становится вопрос: «Является ли цифровое "я" подлинным продолжением человеческой сущности,

раскрывающим аутентичные грани личности?» Может быть это лишь фасад, фиксирующий вымышленный образ? Синтез экзистенциальной философии и теории киберпространства помогает нам глубже понять сложные взаимосвязи между аутентичным "Я" и его цифровым воплощением [7, с.414]. Исследователи Е.А. Рыльская, Д.Н.Погорелов акцент ставят на последствиях активного использования субъектом социальных сетей, которое может привести к ощутимым трансформациям самого процесса конструирования идентичности в виртуальном пространстве. Активная вовлеченность в виртуальное пространство особую опасность представляет для поколения – Z (зумеров). Так как снижает адаптивную способность к реальной жизни, смещает жизненные ориентиры и обостряет ситуацию нерешенностью возрастных задач, порождает группу социальных затворников. У этого социального феномена нет ни хобби, ни работы, ни каких-то глобальных целей на будущее. Это может стать основой конструирования ими особого вида эго-идентичности, в частности идентичности в виртуальном пространстве социальных сетей [8].

Исследуемый феномен открывает новую перспективу свободы, которая освобождается от привычных физических ограничений, но при этом сталкивается с цифровыми барьерами. Имеется в виду влияние алгоритмов, структурированные правила виртуальных платформ и сбор данных, что ставит под сомнение её подлинную неограниченность. Как известно, в традиционной реальности свобода определяется борьбой с физическими, социальными, культурными и экзистенциальными границами, в виртуальном же ландшафте она приобретает иное измерение. Открывается больше возможностей для выбора, но часто оставаясь иллюзорной из-за манипуляции цифровой архитектуры, и именно эти различия становятся ключевыми для осмысления свободы личности в эпоху цифровой этики.

Помимо рационально - теоретического анализа, особое внимание уделяется эмпирическому измерению. При таком подходе удастся выявить, каким образом пользователи социальных сетей эмоционально переживают и реализуют свою свободу в онлайн-пространстве. Подобные вопросы требуют более глубокого осмысления и понимания экзистенциальной значимости цифровой свободы и её проявлений в современных условиях [9, с. 92].

Цифровая активность, несмотря на свои безграничные возможности, характеризуется амбивалентностью. Во-первых, цифровая активность воспринимается пользователями как подлинное самовыражение. Во-вторых, осмысливается, что осуществляется контроль невидимыми алгоритмами и структурами. В-третьих, пользователи видят в онлайн-пространстве площадку для реализации своей свободы. В-четвертых, субъекты указывают на ее ограниченность, детерминированной манипуляцией данных и тайными механизмами. Ценность эмпирического измерения непосредственно связана с обогащением понимания сущности свободы в цифровой картине мира.

В контексте виртуального экзистенциализма идеи Ж.-П. Сартра о личной ответственности приобретают новое значение. Сартр утверждает, что человек несет ответственность не только за свои поступки, но и за всё человечество. Эта концепция, основанная на принципе «существование предшествует сущности» [10, с.258] служит основой для понимания свободы, выбора, ответственности и самоопределения индивида. Ж.-П. Сартр констатирует, что быть свободным – значит не думать и не поступать как все., проявить свою индивидуальность. Достичь такой свободы нелегко, так как над человеком тяготеют чувства тревоги, страха, любви, совести, отчаяния, безисходности. Чувство, характеризующее бытие человека, – это чувство абсурдности, постоянного конфликта человека с абсурдным миром. В дальнейшем экзистенциальная философия повлияла на гуманистическую психологию К. Роджерса и А. Маслоу. В своих исследованиях К. Роджерс акцентирует внимание на важности самопринятия и аутентичности, подчеркивая значимость осознанного выбора в процессе психологического роста. В то время как А. Маслоу связывает полноту человеческого опыта с ответственностью за свою жизнь и влияние на других субъектов социального процесса. Данный тезис отражает идею Ж.-П.Сартра о связях между личностью и человечеством в целом [11].

Философская рефлексия сосредоточена на цифровых технологиях, которые формируют восприятие субъектом мира и самого себя. Как известно, взаимодействие в виртуальном

пространстве может, с одной стороны, обогащать миропонимание, а с другой стороны, затушевывать представления личности о автономии и саморегуляции. Требуется ответ на вопрос: «Насколько значимо наше цифровое «Я», в сравнении с физическим «Я»? [12, с. 1072.]. Природа свободы в понимании классического экзистенциализма (Ж.-П.Сартра) требует переосмысления в условиях, когда виртуальная идентичность может постоянно изменяться, в ответ на воздействие социальных и культурных норм, принципов, законов. Трансформация экзистенциальных понятий в преломлении виртуальных реальностей открывает новые перспективы для философских исследований. Вместе с тем указывает на важность размышлений о природе существования человека в мире, где линии между личным опытом и его цифровым отражением все более неразличимы.

Такого рода исследования могут привести к новому пониманию свободы, идентичности и ответственности, а также дать важные ключи для взаимодействия в условиях растущей цифровизации. Анализ разных граней данной проблемы позволит человечеству подойти к более глубокому пониманию того, что значит существовать как свободный индивидуум в современном мире, в котором реальность преломляется через призму цифровых технологий. Современные технологии, особенно гаджеты и приложения, предназначенные для коммуникации, диалога, прямой и обратной связи, обучения, бизнеса и личностного роста, стали неотъемлемой частью повседневной жизни современного человека. Этот феномен можно воспринимать как дар, расширяющий возможности человечества, но одновременно он несет и серьезные вызовы. Нельзя упускать из поля зрения тот факт, что ускорение цифровизации сопровождается рисками социальной и культурной деградации [10, с. 320].

В условиях современного мира, пронизанного цифровыми технологиями, виртуальный экзистенциализм как философское направление предлагает богатую тематику для размышлений о подлинности и идентичности. В данном контексте научный интерес представляет позиция Н.М.Мамедовой, которая вводит в исследовательское поле понятие «трансгрессия социальности». «Трансгрессия – ключевое понятие постмодернизма, выражающее феномен перехода непроходимой границы и прежде всего – границы между возможным и невозможным» [13], реальным и иллюзорным. Можно согласиться с утверждением Н.М. Мамедовой, определяющей «трансгрессию социальности как следствие лавинообразного роста цифровых коммуникаций и причину радикального изменения социального и экзистенциального статуса человека и его идентичности» [2, с.8]. Виртуальный экзистенциализм углубляет понимание человеческого существования, сталкивая человека и общество с новыми вызовами и возможностями в контексте стремительного изменения окружающей действительности и социокультурной реальности. Важно критически осмысливать, как слияние реальности и виртуальности влияет на наше восприятие себя и наши отношения с окружающими. Современное виртуальное пространство предоставляет обширные возможности для самовыражения, что ведет к появлению новых форм идентичности. Однако это открытие ставит под сомнение традиционные подходы к пониманию личности. «Традиционные формы социальных связей и институционализированных практик вытесняются и замещаются экспериментальными формами идентификации и консолидации индивидов, формирующих собственную идентичность на границе реального и виртуального существования» [14, с.81].

Постоянная доступность информации и фрагментарность взаимодействий ставит человека перед риском размывания самых основополагающих ценностей. В частности, традиционные гуманистические ценности сталкиваются с необходимостью адаптации к новым социальным реалиям, нравственным нормам, которые формируются в зависимости от контекста. Алгоритмы платформ, выбирающие и рекомендуемые контент, могут создавать поверхностные представления о том, кем мы являемся, что подрывает подлинность идентичности человека. В этом контексте каждый индивид оказывается не только носителем множества идентичностей, но и находится постоянно в поиске, что именно можно считать подлинным «Я». Такой поиск сопряжен с саморефлексией, где вопросы о сохранении целостности своей идентичности становятся центральными. В ситуации, когда каждое представление о себе может оказаться проекцией, созданной для соответствия внешним ожиданиям. Подобная обстановка порождает

вопрос: «Как мы можем искренне взаимодействовать с окружающими и оставаться верными самому себе?».

Краткое резюме. В эпоху виртуального экзистенциализма встает вопрос: возможно ли сохранить свою подлинность и гуманистические ценности, находясь в мире, где реальное и цифровое переплетаются так, что порой это невозможно различить? Этот вопрос открывает новые горизонты для философского дискурса, ставя перед исследователями задачу системного, глубокого анализа не только индивидуального, но и коллективного опыта. Нам необходимо поразмышлять о том, что значит быть человеком тогда, когда границы нашего «я» постоянно пересматриваются, перестраиваются и реконструируются, модифицируются. Этот возврат может стать ключом к сохранению антропологической, культурной, социальной, национальной идентичности и традиционных ценностей. Способность ориентироваться в динамично меняющемся цифровом мире, и позволит человечеству выработать более устойчивое понимание того, что значит быть настоящим человеком в условиях, когда цифровое окружение оказывают все более мощное влияние на нашу жизнь.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Зайцева Н.В., Вякин Н.М. Цифровой экзистенциализм: распутывание философских нитей виртуального бытия // Научно-практический электронный журнал Аллея науки, № 10 (85), 2023.
2. Мамедова Н.М. Идентичность личности в модусе свободы и ответственности / Н.М. Мамедова // Вестник МГПУ. Серия: Философские науки. - 2022. - № 3(43). - С. 6-16.
3. Стрельник О.Н. Философия. – М.: Юрайт-издат., 2008.- 335с.
4. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – М.: АСТ- ЛТД, 1998. – 670с.
5. Степаненко П.А. Экзистенциальное переживание виртуальной реальности // Омский научный вестник, 2006, №2 (35). - С.– 47 – 49.
6. Мамедова Н. М. Человек в эпоху цифровизации: на грани реального и виртуального // Век глобализации, 2021, № 3 (39). - С. 74-85. EDN RMIXIC. DOI: 10.30884/ vglob/2021.03.06

РЕЗЮМЕ:

Проведен философский анализ феномена виртуальной реальности через призму экзистенциальной парадигмы. Интерактивные аспекты виртуальной реальности рассматриваются как факторы, способные привести к утрате человеком ощущения реальности и формированию стремления к уходу в «виртуальный мир».

Ключевые слова: виртуальная реальность, экзистенциализм, виртуальный экзистенциализм.

REZYUME:

Virtual haqiqat hodisasining falsafiy tahlili ekzistensial paradigma prizmasi orqali amalga oshiriladi. Virtual haqiqatning interaktiv jihatlari insonda voqelik tuyg'usini yo'qotishiga va "virtual dunyoga" kirish istagini shakllantirishga olib keladigan omillar sifatida qaraladi.

Kalit so'zlar: virtual haqiqat, ekzistensializm, virtual ekzistensializm.

RESUME:

A philosophical analysis of the phenomenon of virtual reality is carried out through the prism of the existential paradigm. The interactive aspects of virtual reality are considered as factors that can lead to a person's loss of a sense of reality and the formation of a desire to go into the "virtual world".

Key words: virtual reality, existentialism, virtual existentialism.

ILMIY TAFAKKUR VA O'YIN ALOQADORLIGINING KONSEPTUAL TAHLILI

Kubaeva Sh.T. -

*TATU Samarqand filiali dotsenti, falsafa fanlari
buyicha falsafa doktori (PhD)* 10.24412/2181-7294-2025-1-75-78

Endilikda global o'zgarishlar va kompyuter texnologiyasi inqilobi sharoitida inson tafakkurida noan'anaviy fikrlashga asos bo'ladigan o'yin modellarini shakllanishiga, virtual olamning ontologik asoslarini yaralishiga olib keldi. O'yin fenomenining zamonaviy falsafiy tadqiqotini ilmiy tafakkur metodologiyasi asosida amalga oshirish, innovatsion-intellektual faoliyatning o'yinli xislatlarini ochib berish imkoniyatini beradi.

Ilmiy tafakkur va o'yin (hozirgi kungacha o'rganilgan o'yin shakllari, xususan jismoniy va zehniy o'yinlar) o'rtasidagi aloqadorlikni konseptual tahlil qilish, insonning kognitiv faoliyati va ijtimoiy rivojlanish jarayonlari o'rtasidagi murakkab munosabatlarni tushunish uchun muhimdir. Ilmiy tafakkur — bu fan taraqqiyoti davomida yaratilgan tamoyillar, murakkab tushunchalar, modellar va nazariyalar yordamida dunyoni tushunish, tadqiq qilish hamda tushuntirish jarayoni. Ilmiy metod esa biron-bir aniqlangan qonuniyatni tadqiqot tamoyiliga aylanishidan, bir hodisaning qiymati, xossasi yoki doimiyligini boshqa ob'yektni o'rganishga nisbatan qo'llashdan, tafakkurning tahlil qilish va umumlashtirish xislatini mantiqiy qoida sifatida foydalanishdan kelib chiqadi. Ilmiy metod tafakkurning mantiqiy va tizimli shakli bo'lib, kuzatish, gipoteza qo'yish, eksperimentlar o'tkazish va natijalarni tahlil qilish orqali ishlaydi. Bu jarayon esa o'yinlar bilan uyg'unlik kasb etishi mumkin. O'yin - psixofiziologiyasi yuqori darajada rivojlangan jonzotlarga xos xatti - harakat (taqlid qilish, ifodalash, yutuqqa intilish) bo'lib, u erkin harakat, munosabat va muloqot qilish yo'li bilan maqsadga erishish jarayonida zavq va qoniqlik hissi hosil qiladigan faoliyatdir.[1] Faoliyatning boshqa hech bir turida inson xuddi o'yindagidek o'zining jozibali ruhiy-fiziologik va intellektual holatini namoyish qila olmaydi. Ilmiy fikrlash va o'yin o'rtasidagi munosabat murakkab va ko'p qirrali tushuncha bo'lib, u o'rganish, kognitiv rivojlanish va ijodkorlikka bir nechta yondashuvlarni qamrab oladi. Ilmiy fikrlash ko'pincha mantiqiy va tizimli jarayon sifatida tavsiflanadi, lekin uning o'yin bilan aloqasi kognitiv faoliyatning yanada moslashuvchan va intuitiv tomonlarini ochib beradi, ijodiy fikrlashni tahlillash qobiliyatlarini rag'batlantiradi. Bu erda muhim element tushunchalar, o'xshashliklar va gipotezalar bilan "o'ynash" g'oyasi bo'lib, bu o'quv jarayonini rasmiy va doimiy qolipga asoslanishidan chiqarib tabiiyroq qilishga olib keladi. O'yinga asoslangan yondashuvlar, ayniqsa bolalik davrida, tajriba va vaziyatlarni modellashtirish orqali ilm-fan ko'nikmalarini va kreativ fikrlashni erta rivojlantirishga yordam beradi.

Har qanday ilmiy tadqiqot jarayonini o'yin bilan solishtirish mumkin, chunki ilmiy tadqiqot — o'yinga o'xshash holatlarda belgilangan chegaralar va qoidalar ichida amalga oshiriladi. Ilmiy tafakkurda eksperiment o'tkazish jarayoni ham tadqiqotchiga yangi ma'lumotlarni ochish imkonini beradi, bu esa o'yin jarayoniga o'xshashdir. Ilmiy o'yinlar ham tadqiqot olib borish jarayonida muhim rol o'ynaydi. Masalan, kompyuter simulyatsiyalari yoki modellashtirish jarayonlari — o'yinlar shaklida namoyon bo'ladi, va ular yordamida turli nazariy modellar sinovdan o'tkaziladi.

Ma'lumki, aksariyat konstruktiv xarakterdagi o'yinlar ijodiy tafakkurni rivojlantirishda katta ahamiyatga ega. O'yin jarayonida inson yangi ma'lumotlarni tavsiflash, yangi holatlar va mantiqiy bog'liqliklar o'rtasidagi munosabatlarni tushunishga harakat qiladi. Ilmiy jarayon esa aynan shu kabi ijodiy yondashuvni talab qiladi. O'yin jarayoni insonning turli sharoitlarda yangi echimlar topish qobiliyatini oshiradi. Bu esa ilmiy jarayondagi innovatsiya va kashfiyotlarga olib keladi. Tafakkurlash jarayonida o'yinli yondashuv insonni yangi nazariyalar ishlab chiqishga, mavjud bilimlarni qayta ko'rib chiqishga va yangi ilmiy yondashuvlar yaratishga undaydi. Chunki o'yin jarayoni insonning jamiyatdagi tartiblarni, qoidalarni va strukturalarni o'rganishga yordam beradi. Ilmiy tafakkur esa ushbu qoidalar va munosabatlarni tushunish va ularni o'zgartirish uchun xizmat qiladi. Ilmiy tafakkur

va o'yin o'rtasidagi aloqadorlik insonning aqliy rivojlanishi va ijodiy yondoshuvining manbai sifatida muhimdir. Har ikkisi ham yangi bilim va tushunchalarga olib keluvchi jarayonlar bo'lib, ular yordamida jamiyat o'zining ilmiy va madaniy darajasini oshiradi. Fan tushunchalari va ko'nikmalarini rivojlantirish uchun bola hayotining maktabgacha va maktab ta'limi qismida ijodiy erkinlikka qaratilgan konstruktiv o'yinlar asosida ilmiy bilimlar o'yin faoliyatining bir qismi sifatida ishlatilib borilsa bu inson ongida yangi bilim va tushunchalarni yanada moslashuvchan idrok etib borish imkoniyatini beradi. Bugun insoniyat intellektining ko'pgina funksiyalari, masalan, xotira, kombinatsion tafakkurlash, variantlarni baholash va tanlash sun'iy intellekt zimmasiga yuklatilgan. Shu sababli ham, bilish parametrlari kengaygan. Ayni paytda, o'yin modellarida o'rganilayotgan murakkab tizim elementlarining o'zaro aloqalarini, munosabatlarining alternativ variantlari ko'rib chiqiladi. Demak, murakkab tizimlardagi holatlar, xatti-harakatlarning ssenariysi yaratilib, ushbu ssenariydagi ko'rsatmalarning amalga oshish qonun-qoidasi ishlab chiqiladi va bir butun o'yin modeliga aylanadi. Shu tarzda o'yin modeli yordamida bunday tizimlarning ko'p variantli harakati yoki ta'sirining optimal yo'nalishi (echimi), prognoz qilingan, oqibati ochib beriladi.[2] Shunday qilib, bilish ob'yektining murakkablashishi evaziga, bilish jarayoni va metodlari o'zgardi. Agar avvallari tadqiqotchi bir chiziqli bo'ylab, oddiydan murakkabga tomon harakatlansa, endi ko'p parametrlilik murakkab kombinatsion tadqiqot olib borishga imkoniyat yaratildi.

O'yin va bilish jarayonining bir-biriga yaqinlashuvi, bilish jarayoni, strukturasi va maqsadlari xususidagi qarashlarni o'zgartirib yubordi. Endilikda bilish keng qamrovli tizimli faoliyat, o'z ichiga qadriyatli, bashorat qilish, loyihalash, boshqarish elementlarini birlashtirgan faoliyatga aylandi. Shu tarzda o'yin jarayoni va uni modellashtirish ham shartli maqsadlar va normalar asosida qurilgan faoliyat turiga aylanib boradi.

Bu o'rinda o'yinning ikkita asosiy jihati yuzaga chiqadi, ya'ni ham jalb qiluvchilik, ham tashqi olamga moslashuvchanlik. Bu ikki jihat namoyon bo'lganda istalgan faoliyat o'yinga aylanishi mumkin. Ishlash, dam olish, o'qish, suhbatlashish ham «jiddiy», ham «o'yin» tarzida amalga oshishi mumkin. O'yin minimal darajada tanlash imkoniyati bo'lgan joyda, ya'ni ekstremal vaziyatlarda ham bo'lishi mumkin. O'yin qanday holda sodir bo'lmashligi mumkin? Qaysiki faoliyat, xatti-harakat to'liq tabiiy fiziologik jarayonda bo'lsa, masalan: uyquda, og'ir kasal bo'lgan holda (koma, stress, shok) o'yin holati bo'lmashligi mumkin. Shu bilan birga, o'yin bir butun, tugallangan, asosan, mustaqil tarzda ro'y beradigan jarayondir. O'yinda inson erkin bo'ladi, lekin shu bilan birga, o'yinning strukturasi, tuzilishi va qat'iyligi bilan ajralib turadi, insonni o'ziga to'liq buysundiradi. Tadqiqot qanchalik asosiy bo'lsa, shuncha yuqori darajadagi erkin ijodiy muhit va kreativ tafakkurni talab qiladi. Shundagina, u tashqi qat'iy belgilash va majbur qilishga shuncha kam yo'l qo'yadi.

O'yin ham kognitiv rivojlanish mexanizmi, ham ilmiy tahlil va fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish uchun rag'bat bo'lib xizmat qilishi mumkin. Ilmiy fikrlash va o'yin fikrlash moslashuvchanligi, yangi g'oyalarni o'rganish va tushunchalar bilan tajriba o'tkazish orqali o'zaro bog'liqdir.

Ta'limda ilmiy va tanqidiy fikrlashga kreativ o'yinlarning ta'siri juda muhim masala, chunki o'yinlar bolalar va kattalarning fikrlashini yangi rakurslardan rivojlantirishga xizmat qiladi. Ilmiy va tanqidiy fikrlashning asosiy maqsadi – muammolarni hal qilish qobiliyatini oshirish, yangi g'oyalar to'g'risida fikr yuritish va ma'lumotlarni tahlil qilishni o'rgatish. Kreativ o'yinlar esa aynan shu qobiliyatlarni rivojlantirishda yordam beradi, chunki ular inson aqlini standart yo'llardan tashqari ishlatishga majbur qiladi.

Buni shunday izohlash mumkinki, bilamizki, ilmiy fikrlash — aniq ma'lumotlarga asoslanib, muammolarni echish jarayoni. Ilmiy metodikada muammolar qo'yiladi, gipoteza tuziladi, tajriba o'tkaziladi va natijalar tahlil qilinadi. Kreativ o'yinlar esa o'quvchilarni biror muammoni echish uchun turli yo'llarni sinab ko'rishga undaydi va yangi g'oyalarni yaratishga imkoniyat beradi.

Biror xil konstruktor o'yinchoqli o'yinlar yoki pazllar o'quvchilardan muammoni hal qilish uchun turli strategiyalarni ishlab chiqishni talab qiladi. Ular masalan, biror bino qurish kerak bo'lsa, qanday qismlarni bir-biriga to'g'ri kelishini aniqlashlari kerak. Bu jarayonda bola yoki katta ilmiy metodlar kabi muammoni tahlil qiladi, taxmin qiladi, gipoteza tuzadi va uni tekshiradi ya'ni eksperiment qiladi. Kreativ o'yinlar orqali ilmiy va tanqidiy fikrlash birlashadi. Bunda o'yinlar ko'p hollarda yangi

g'oyalari va gipotezalarni ishlab chiqishga yordam beradi, shu bilan birga bu g'oyalarni tanqidiy tahlil qilib tekshirishga undaydi. Masalan, Minecraft o'yinini o'ynash o'quvchilardan turli qurilishlar yaratish uchun resurslar yig'ishni talab qiladi. Bir tomondan, ular ilmiy fikrlash usulidagi kabi resurslarni to'g'ri tanlash va ulardan foydalanish jarayonini o'rganadilar, boshqa tomondan, ular bu jarayondagi har bir qadamni qayta tekshirishlari va tahlil qilishlari kerak, bu esa tanqidiy fikrlashni rivojlantiradi. (Minecraft – bu mashhur sandboks o'yini bo'lib, uni 2009 yilda shved dasturchisi Markus Persson ("Notch" taxallusi bilan tanilgan) yaratgan. [3])

Ma'lumki ilmiy fikrlash uchun tadqiqot ob'yekti buyicha ma'lumotlarni tahlil qilish, mavjud vaziyatlarni to'g'ri prognoz qila olish va echim topish zarur hisoblanadi. intellektual o'yinlarda esa o'yinchilar aynan mana shu jihatlarga e'tibor qaratadi. Ya'ni ma'lumotni tahlil qilish, vaziyatlarni baholash va yechim topish intellektual o'yinlarning asosiy talabi bo'lib bu ko'nikmalarning shakllanishi ilmiy fikrlashda gipotezalarni shakllantirish, mantiqiy tahlil qilish va nazariyalarni sinab ko'rish qobiliyatini rivojlantirishga yordam beradi.

Aksariyat intellektual o'yinlar murakkab muammolarni hal qilish va optimal echimlarni topishni o'z ichiga oladi. Masalan shaxmat, shashka. Bu ilmiy tadqiqot va muhandislik faoliyati uchun muhim bo'lgan tizimli yondashuv va echimlarni uslubiy izlash ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam beradi. Shaxmat, boshqotirma va matematik o'yinlar mantiqiy va mavhum fikrlash qobiliyatini talab qiladi. Ushbu ko'nikmalar ilmiy fikrlashning asosidir, chunki ular mavhum tushunchalar va munosabatlarni modellashtirish va tahlil qilishda yordam beradi. intellektual o'yinlarda ishtirok etish diqqatni jamlashni va tafsilotlarga e'tiborni talab qiladi. Bu fazilatlar ilmiy tadqiqotlar uchun juda muhim, bu erda hatto kichik xatolar ham natijalarga ta'sir qilishi mumkinligini hisobga olgan o'yinchi imkon qadar diqqatini boricha o'yindagi vaziyatlarga qaratadi. Natijaga olib borish yo'llarini har tomonlama tahlil qiladi. Bu esa ilmiy bilish jarayonida tadqiqotchidan talab qilinadigan diqqatni dolzarb, nazariy va amaliy jihatdan asoslanadigan mavzuga qaratish hamda tadqiqot ob'jektini imkon qadar aniq ajrata bilish xislatini takomillashtiradi.

Ma'lumki, ko'pgina aqliy o'yinlar qoidalar, strategiyalar va oldingi harakatlarni yodlashni talab qiladi. Bu murakkab ilmiy mavzularni o'rganish va tajribalar o'tkazishda foydali bo'lgan ishchi xotira va kognitiv qobiliyatlarni yaxshilaydi. [4] Yana bir jihatdan o'yinlar odatda jamoaviy xususiyatiga ega ekanligini hisobga olsak ular asosida jamoada ishlash va muloqot qobiliyatlarini shakllantirish mumkin bo'ladi. Chunki jamoaviy viktorinalar yoki rolli o'yinlar kabi aqliy o'yinlar ilmiy loyihalar va tadqiqot ishlari uchun muhim bo'lgan jamoaviy ish va muloqot qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradi.

Ilmiy bilish va tadqiqot insondan ijodiy fikrlashni talab qiladi. Strategik va ijodiy o'yinlar esa bir xil standart shakldan tashqarida fikrlashni va yangi g'oyalarni yaratishni talab qiladi.

Bu ko'pincha muammolarni hal qilishning original echimlari va yondashuvlarini izlash intellektual o'yinlarda muntazam ishtirok etish nafaqat kognitiv qobiliyatlarni yaxshilashga, balki ilmiy ish uchun zarur bo'lgan asosiy ko'nikmalarni rivojlantirishga ham yordam beradi.

Bizningcha, intellektual o'yin shaxsning ijodiy faoliyatini tartibga soluvchi, o'rganish, bo'sh vaqt o'tkazish, ma'lum bir fazilatlar va xususiyatlarni rivojlantirishda insonning butun ma'naviy salohiyatini belgilaydigan faoliyatning aksi sifatida bugungi kunda ijtimoiy-madaniy sohada mutaxassislar tayyorlashning ta'lim amaliyotida muhim va istiqbolli vazifadir. Zamonaviy pedagogika vositalari bilan birgalikda intellektual o'yin o'qitish amaliyotida munosib o'rin egallashi kerak, chunki ko'plab an'anaviy metodlardan farqli o'laroq, u ko'proq madaniy qadriyatlarni saqlash va tarqatish, ijtimoiy-tashkiliy va sotsiopedagogik funksiyalarni bajarish uchun zarur bo'lgan kasbiy muhim shaxsiy fazilatlarini shakllantirishga qaratilgan.

Yana bir jihatdan umumiy kasbiy fanlarni o'rganishda ham intellektual o'yinlardan foydalangan holda tadqiqot o'tkazishni tashkil qilish, qiyosiy tahlil, eksperimental ishlar natijalari hamda gipotezani tasdiqlovchi ishlab chiqilgan usullarga muvofiq, kelajakdagi ijtimoiy-madaniy soha mutaxassisining kasbiy muhim shaxsiy fazilatlarini intellektual o'yinlar orqali rivojlanishini belgilaydigan ob'ektiv omillarni aniqlashga imkon berdi.

Bizningcha, ilmiy tafakkur va o'yin aloqadorligini tahlil qilishning ahamiyatli tomoni shundaki har ikkala faoliyat ham inson bilim olishi va ijodiy imkoniyatlarini ochib beradigan muhim jarayon hisoblanadi. Ilmiy tafakkur analitik va mantiqiy yo'naltirilgan bilim yaratishni maqsad qilsa o'yin

insonlarning ijodiy salohiyatini, kreativligini rag'batlantiradi hamda yangi g'oyalarni yaratishda ahamiyat kasb etadi.

O'yin va ilmiy tafakkurning o'zaro bog'liqligi shundaki, ilmiy tafakkurlash jarayonida ham o'yindagidek erkin, ijodiy yondashuv va mavjud tasavvurlardan chetga chiqish mumkin bo'ladi. O'yin orqali yangi g'oyalarni sinash, ba'zan ularni amalga oshirishga zamin yaratilsa, ilmiy tafakkur ularni aniqlashtirib, amaliy tadqiqotlar orqali baholashga yordam beradi.

Demak, ilmiy tafakkur va o'yin bir-birini to'ldiruvchi jarayonlar sifatida qaralishi mumkin. Ular insonlarning ijtimoiy, madaniy va ma'naviy rivojlanishi uchun katta ahamiyat kasb etadi.

ADABIYOTLAR:

1. Kubaeva Sh.T. O'yin va innovatsion tafakkur. Monografiya. –Samarqand: SamDChTI nashriyoti, 2021. - 27 bet.
2. Демьяненко Е.В. и др. Практическое применение теории игр//www.rusnauka.com/2_kand_2011/Economics/78492doc.htm
3. <https://wikipedia.org>
4. Никитин Б.П. Интеллектуальные игры. М.: «Лист», 2000. - 184 с.
5. Ретюнских Л.Т. Философия игры. - М.: Вузовская книга, 2002. - 256 с.
6. Қўшоков Ш.С. Креативность как характеристика семантической виртуальности //Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари: Аллома Омонулла Файзуллаев илмий назарий - семинари материаллари. – Тошкент, "MUMTOZ SO'Z", 2016. -32 б.

REZYUME:

Ushbu maqola ilmiy tafakkur va o'yin jarayonining aloqadorligiga bag'ishlangan bo'lib, unda ilmiy tafakkurning mantiqiy tizimli jarayon ekanligi, shu bilan birga u ijodiylik hamda kreativlikni talab qilishi ta'kidlab o'tilgan.

Kalit so'zlar: o'yin, ilmiy tafakkur, ilmiy bilish, kreativlik, konstruktivlik, intellektual o'yinlar, kognitiv faoliyat, ijodiy tafakkur, mantiqiylik

РЕЗЮМЕ:

Данная статья посвящена взаимосвязи научного мышления и игрового процесса, в которой подчеркивается, что научное мышление представляет собой логический систематический процесс, в то же время требующий творчества и творчества.

Ключевые слова: игра, научное мышление, научное познание, творчество, конструктивность, интеллектуальные игры, познавательная деятельность, творческое мышление, рациональность.

RESUME:

This article is devoted to the relationship between scientific thinking and the game process, in which it is emphasized that scientific thinking is a logical systematic process, at the same time it requires creativity and creativity.

Keywords: game, scientific thinking, scientific knowledge, creativity, constructiveness, intellectual games, cognitive activity, creative thinking, rationality

**АҚШ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА АХБОРОТ ВОСИТАЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ЖАВОБГАРЛИК ШАРТЛАРИ****Нуруллаев У.Х. –***Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармаси
ХТЭ ва МБ бошлиғи.* 10.24412/2181-7294-2025-1-79-82

Бугунги кунда ахборот воситачилари фуқаролик жамиятида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Уларнинг фаолияти шахсий танловларимизга, ҳуқуқларимиздан фойдаланиш тарзига ва ижтимоий муносабатларимизга сезиларли таъсир кўрсатади. Айрим компанияларнинг бозордаги устунлиги эса уларга оммавий коммуникация воситаларини бошқариш имконини беради.

“Ахборот воситачилари” тушунчаси, одатда, Интернет муҳитида жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлайдиган, тез ривожланаётган ва турли хизматларни тақдим этувчи провайдерларга нисбатан қўлланилади. Улардан айримлари фойдаланувчиларни Интернет тармоғига улаш, маълумотларни қайта ишлаш ҳамда веб-хизматларни, шу жумладан, шарҳ қолдириш имкониятларини тақдим этиш билан шуғулланади. Бошқалари эса маълумот йиғиш, қидирув жараёнини осонлаштириш, товар ва хизматларни сотиш жараёнини энгиллаштириш ёки бошқа тижорат фаолиятларини таъминлаш каби вазифаларни бажаради. Таъкидлаш жоизки, бу воситачилар бир вақтнинг ўзида бир нечта турли хизматларни кўрсатиши, шунингдек, воситачиликдан ташқари қўшимча функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин. Асосан, алгоритмлар орқали контентни қайта ишлаш, тарқатиш ва баъзи ҳолларда нашриётчиликка оид вазифаларни бажариш – ахборот воситачиларининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари томонидан таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар бозорига катта таъсир кўрсатгани сабабли, улар ўзлари яратган контентни тарқатиш жараёнида ҳуқуқий таваккалчиликка дуч келиши мумкин. Бу жараёнда улар ўз фаолияти учун тўғридан-тўғри жавобгарликни ўз зиммасига олишлари ёки фойдаланувчилар томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатлар учун бевосита ёки билвосита жавобгарликка тортилиши эҳтимоли мавжуд [1]. Бундай ҳолат воситачилар томонидан танланган бизнес моделидаги табиий омил сифатида баҳоланиши мумкин. Бироқ, бу турдаги масъулият уларнинг хизмат кўрсатиш имкониятларини чеклаб, Интернет муҳитининг узлуксиз ривожланишига тўсиқ бўлиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш лозим [2].

Ахборот воситачиларининг турларини таснифлашда 1998 йилда қабул қилинган “АҚШ рақамли маконида муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонун (Digital Millennium Copyright Act – DMCA) [4] муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қонуннинг 512-бўлимида ахборот воситачиларининг бешта асосий тури аниқ белгилаб берилган. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Вақтинчалик рақамли алоқа провайдерлари;
2. Кеш провайдерлари;
3. Хостинг провайдерлари;
4. Қидирув хизматлари ва амалий хизмат кўрсатувчилар;
5. Нотижорат таълим муассасалари [5].

Европа Иттифоқининг 2000/31/ЕС-сонли директивасида ахборот воситачилари уч асосий тоифага бўлинади:

1. Контент провайдерлар – ўз материалларини яратади, тарқатади ва унинг омма учун очиклигини таъминлайди.
2. Фойдаланиш провайдерлари – маълумотни ўз серверларида сақламасдан, ундан фойдаланиш имкониятини тақдим этади.
3. Хостинг провайдерлар – учинчи шахслар томонидан яратилган контентни жойлаштириб, унинг мавжудлигини таъминлайди.

Европа Иттифокида провайдерларнинг жавобгарлигига оид норматив қоидаларни ишлаб чиқишда АҚШ муаллифлик ҳуқуқидаги “софдил портлари” тамойили асос сифатида қабул қилинган. Аммо АҚШ қонунчилигидан фарқли равишда, 2000 йил 17 июлда ЕИ томонидан қабул қилинган 2000/31/ЕС-сонли “Электрон тижорат тўғрисида”ги Директива ахборот воситачилари фаолиятини фақат муаллифлик ҳуқуқи билан чекламайди. Ушбу ҳужжатга кўра, провайдерларнинг жавобгарлиги кенгроқ шароитларда ва турли ҳолатларда баҳоланиши мумкин.

Европа Иттифоқининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги 2000/31/ЕС-сонли (ECD) Директивасида ахборот хизматларини кўрсатувчи провайдерларнинг жавобгарлиги 12-15-моддаларда тартибга солинади. Шу билан бирга, мазкур Директива “ахборот хизмати” тушунчасини қуйидагича изоҳлайди: “... хизмат кўрсатиш одатда ҳақ эвазига амалга оширилади, масофавий тарзда электрон ускуналар ёрдамида маълумотларни қайта ишлаш (жумладан рақамли сиқиш) ва сақлашни ўз ичига олади ҳамда хизматни олувчининг шахсий сўровига асосан кўрсатилади”[5].

Бу таъриф турли хизмат турларини, жумладан, оддий провайдерларни ҳам ўз ичига оладиган даражада кенг қамровлидир. Бироқ, ушбу Директивада АҚШнинг DMCA қонунчилигидан фарқ қиладиган бир нечта муҳим жиҳатлар мавжуд.

Биринчидан, мазкур Директива ахборот хизматларини фақат хизмат олувчининг шахсий сўровига асосан тақдим этилишини талаб қилади, бу эса радио ва телевидение эшиттиришларини ундан мустасно қилади.

Иккинчидан, у тўлиқ масофавий шаклда амалга ошириб бўлмайдиган хизматларни қамраб олмайди, яъни бундай хизматлар Директива доирасидан чиқариб ташланади.

Воситачининг жавобгарлиги, асосан, Интернет орқали электрон маълумотларни узатиш, қайта ишлаш ёки сақлаш жараёнида иштирок этувчи ахборот воситачиларига тааллуқли бўлиб, улар ўз тармоқлари орқали тарқатилган ёки сақланган ноқонуний контент учун масъулиятга тортилиши мумкин. Баъзи ҳолларда, учинчи шахслар томонидан яратилган ва воситачиларнинг ўзлари хабарсиз ҳолда жойлаштирилган контент учун ҳам улар жавобгарликка тортилиш эҳтимоли мавжуд.

Кўплаб давлатлар илмий нуқтаи назаридан Интернетни тартибга солишнинг дастлабки ёндашуви ахборот воситачиларини жавобгарликдан ҳимоя қилишга қаратилганини таъкидлайди. Давлат органлари онлайн ахборот узатиш жараёнида воситачиларнинг марказий ролини ҳисобга олган ҳолда, учинчи шахслар томонидан содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун уларни жавобгарликка тортиш ахборот эркинлигини чеклаши мумкинлигини тушунишган. Шу билан бирга, платформалар жавобгарликдан қочиш мақсадида контентни кенг кўламда блоклаш эҳтимоли борлиги ҳам хавотирга сабаб бўлган. Шунинг учун АҚШ ва Европа Иттифоқи замонавий рақамли иқтисодиётнинг асосий тамойилларидан бири сифатида “хавфсиз порт” қоидаларини ўз ичига олган махсус ҳуқуқий тартибларни ишлаб чиқди.

Европа Иттифоқида “хавфсиз гавана” концепцияси “Электрон тижорат тўғрисида”ги Директивада мустаҳкамланган бўлиб, у ахборот воситачиларини учинчи шахслар томонидан жойлаштирилган контент учун жавобгарликдан озод қилади. Мазкур Директивада “хавфсиз порт” тамойили асосан Европа IT-секторига ҳаддан ташқари ҳуқуқий хавфсизликка дуч келмаган ҳолда ривожланиш имконини яратиш мақсадида жорий этилган[7]. “Facebook” ва “YouTube” каби платформалар, агар улар белгиланган талабларга мувофиқ фаолият юритса, Директиванинг 14-моддаси доирасида ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиши мумкин. Ушбу ҳимояни сақлаб қолиш учун, воситачилар ноқонуний контентни зудлик билан олиб ташлаш ёки унга киришни чеклаш чораларини кўришлари талаб этилади. Шунингдек, “Электрон тижорат тўғрисида”ги Директиванинг 14-моддаси товарларга оид маълумотларни тақдим этиш ва қайтариб олиш тартибларини шакллантиришга хизмат қилган[8].

Европа Иттифоқи Директиваси ахборот воситачиларининг фаолият турларини уч асосий категорияга ажратиб, уларнинг жавобгарлигини белгилаш учун қуйидаги мезонларни назарда тутди:

1. Маълумотнинг одатий шаклда узатилиши (ЕИ Директивасининг II-боби, 4-бўлим, 12-модда);

2. Маълумотнинг вақтинчалик сақланиши (ЕИ Директивасининг II-боби, 4-бўлим, 13-модда);

3. Маълумотнинг узок муддатли сақланиши ва жойлаштирилиши (ЕИ Директивасининг II-боби, 4-бўлим, 14-модда).

Ушбу тоифалар ахборот воситачиларининг жавобгарлиги қандай ҳолатларда вужудга келишини тартибга солади.

АҚШнинг “Рақамли даврда муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонуни (Digital Millennium Copyright Act – DMCA) ахборот воситачиларининг жавобгарликдан озод қилиниши учун тўртта асосий йўналишни белгилайди. Ушбу махсус қоидаларга кўра:

Маълумот узатиш жараёни (II бўлим, а банди);

Маълумотларни вақтинча сақлаш (кешлаш) (II бўлим, в банди);

Фойдаланувчининг топшириғи асосида маълумотларни тизимлар ёки тармоқларда узок муддатли жойлаштириш (хостинг) (II бўлим, с банди);

Техник воситалар ёрдамида маълумот манзилини аниқлаш (II бўлим, d банди) каби ҳолатларда ахборот воситачилари жавобгарликдан озод этилиши мумкин[10].

Шимолий Америкада Интернет-провайдерларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш усули АҚШ Конституциясининг биринчи тузатмаси – сўз ва ахборот эркинлиги принципларига таянади. АҚШ амалиёти айрим мамлакатларда Интернет-провайдерлар учун ноқонуний контентга нисбатан муносабат ва уни олиб ташлашга оид корпоратив сиёсатни шакллантиришда намуна сифатида қўлланилмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, маълумот воситачиларининг жавобгарлигини чеклашга оид учта ҳуқуқий ёндашув мавжудлиги аниқланган:

1. Маълумот воситачиларининг жавобгарлигини мутлақ чеклаш (АҚШда қўлланиладиган модел);

2. Манфаатдор томон маълумот мавжудлиги ҳақида хабар бергандан сўнг, унга аралашмаслик шарти билан жавобгарликни чеклаш ёки унга киришни чеклаш (Буюк Британия, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Ўзбекистонда амалга ошириладиган модел);

3. Бундай ахборотни фаол равишда аниқлаш ва ўчириш мажбурияти билан жавобгарликни чеклаш (Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан илгари сурилган модел)[11].

Шундай қилиб, бошқа давлатларнинг интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилиги ҳам мазкур моделларга ўхшаш тарзда шакллангани кўриниб турибди. Бироқ, бу ҳолат қонунчиликни янада такомиллаштириш учун етарли асос бўла олмайди.

Ахборот воситачиларининг жавобгарлиги турли давлатларда турлича тартибга солинган бўлиб, қуйидаги асосий моделлар ажралиб туради:

1. АҚШ тажрибаси – “Алоқа тўғрисида”ги қонуннинг 230-моддаси ва “Рақамли даврда муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонун (DMCA) доирасида Интернет воситачиларига кенг дахлсизлик ҳуқуқи берилган. Агар платформа фойдаланувчилар томонидан яратилган қонунга зид контент ҳақида хабардор бўлса ва уни ўз вақтида ўчирмаса, у ҳолда жавобгарлик юкланади. Бу модель Интернет компанияларининг эркин фаолият юритишини қўллаб-қувватлайди.

2. Европа Иттифоқи тажрибаси – “Электрон тижорат тўғрисида”ги 2000/31/ЕС-сонли Директивада маълумот воситачиларининг жавобгарлиги чекланган бўлса-да, улар ноқонуний контент ҳақида маълумотга эга бўлгандан сўнг зудлик билан чора кўриши талаб қилинади. Шунингдек, Европа Иттифоқи ахборот воситачиларининг фаолиятини назорат қилиш мақсадида 2022 йилда “Рақамли хизматлар тўғрисида”ги қонун (Digital Services Act – DSA) ни қабул қилди. Унда платформа эгаларига фойдаланувчиларнинг зарарли контентини назорат қилиш ва контентни назорат қилиш бўйича муайян мажбуриятлар юклатилган.

3. Буюк Британия тажрибаси – Ахборот воситачилари жавобгарлиги масаласи “Онлайн хавфсизлик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси орқали мустаҳкамланиб, платформа эгалари

фойдаланувчилар хавфсизлигини таъминлашга мажбур қилинади. Ушбу қонун ҳужжати болалар ва ҳимояга муҳтож гуруҳлар учун хавфли контентни олдиндан блоклашни талаб қилади.

4. Хитой тажрибаси – Хитойда Интернет тармоғи устидан кучли давлат назорати мавжуд. Платформалар давлат томонидан белгиланган цензура талабларига риоя қилишга мажбур ва агар фойдаланувчи ноқонуний контент жойлаштира, жавобгарлик воситачиларга ҳам юклатилади.

Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар

1. Ахборот воситачиларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш – “Ахборот воситачиси” тушунчасини қонунчиликда аниқ белгилаш керак. Айни пайтдаги нормаларда Интернет платформаларининг жавобгарлиги тўлиқ аниқлаштирилмаган.

2. Жавобгарлик чегараларини белгилаш – Ахборот воситачиларининг жавобгарлигини чеклаш учун АҚШ ва Европа тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, “хабардор эмаслик” принципи жорий қилиниши мумкин. Яъни, платформа ноқонуний контент ҳақида хабардор бўлмасдан, уни тарқатгани учун жавобгарликка тортилмаслиги керак. Аммо маълумотга эга бўлганидан кейин зудлик билан чора кўрмаса, жавобгарлик юкланиши лозим.

3. Онлайн хавфсизлик ва платформалар мажбуриятларини мустаҳкамлаш – Европа ва Буюк Британия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, фойдаланувчи хавфсизлигини таъминлаш учун онлайн платформаларга аниқ мажбуриятлар юклаш керак. Масалан, болалар ва ҳимояга муҳтож гуруҳлар учун зарарли контентни блоклаш механизмларини ишлаб чиқиш талаб қилиниши мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Helberger N., Kleinen-von Königslöw K., Van Der Noll R. Regulating the new information intermediaries as gatekeepers of information diversity //info. – 2015. – Т. 17. – №. 6. – С. 50-71.
2. Ahn J. B., Khandelwal A. K., Wei S. J. The role of intermediaries in facilitating trade //Journal of International Economics. – 2011. – Т. 84. – №. 1. – С. 73-85.
3. Васичкин К.А. Регулирование деятельности информационных посредников в целях охраны интеллектуальных прав в сети Интернет по законодательству России, США и ЕС // Актуальные проблемы российского права. – 2014. – №6. – С. 1180-1184.
4. Blanchard S. Courts as information intermediaries: a case study of sovereign debt disputes //BYU L. Rev. – 2018. – С. 497.

РЕЗЮМЕ:

Ахборот воситачиларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш интеллектуал мулк, айниқса, муаллифлик ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: ахборот воситачиси, ахборот воситачиларининг жавобгарлиги, АҚШ, Европа Иттифоқи, Интернет, DMCA (Digital Millennium Copyright Act).

РЕЗЮМЕ:

Правовое регулирование деятельности средств массовой информации имеет важное значение для устранения проблем, связанных с интеллектуальной собственностью, особенно нарушением авторских прав.

Ключевые слова: информационный посредник, ответственность информационных посредников, США, Европейский Союз, Интернет, DMCA (Закон об авторском праве в цифровую эпоху).

RESUME:

The regulation of information intermediaries' activities plays a crucial role in addressing issues related to intellectual property and copyright violations. This study provides a comparative analysis of the legal provisions that establish the liability framework for information intermediaries.

Keywords: information intermediary, liability of information intermediaries, United States, European Union, Internet, DMCA.

**ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ ШАХСИЙ ТАРКИБИНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР
БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МАТБУОТ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ****Шаймарданов Р.Н. –***Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим
бошлиги, истеъфодаги подполковник* 10.24412/2181-7294-2025-1-83-86

Мустақилликнинг дастлабки йилларида эндигина ташкил этилган ҳарбий қисмлар, янги очилган чегара постларининг кундалик хизмат ва маиший шароит-лар турмуш тарзи талаб даражасидан йироқ эди. Аммо тез орада бу қийинчилик-лар бартараф этилди. Хизматнинг барча машаққатларига бардош бериш, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўриқлаш фидойи Ватан ҳимоячиларига қийинчиликлар туғдирар ва улар зиммасига катта масъулият юklar эди.

Бу даврда Мудофаа вазирлигига қарашли айрим ҳарбий қисм ва бўлинмалар Ўзбекистон Чегара қўшинлари таркибига ўтказилди. Чегара қўшинларидаги бўш ўринлар Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги офицерлари ҳисобидан тўлдирилди, захирадаги офицерлар ҳарбий хизматга чақирилди. Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ҳарбий билим юрти битирувчилари чегара қўшинларига хизматга юборилди ва уларнинг касбий тайёргарлиги оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кўриқлашни кучайтиришга қаратилган ташкилий тадбирлар ҳақида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва кўриқлаш Концепцияси тасдиқланди. Концепцияга мувофиқ чегара қўшинларининг янги ташкилий тузилмаси белгиланди. 1999 йил 13 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан МХХ чегара қўшинлари Бош штаби замирида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи Кўмита ташкил этилди[1]. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш концепцияси тасдиқланди. 2001 йилда “Чегара қўшинлари низоми” тасдиқланиб, унда давлат чегараларни кўриқлашда қўшилма ва бўлинманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди. Экстерриториал тартиб бўйича Ўзбекистонда хизмат қилаётган офицерлар хизматни давом эттириш учун ўз юртларига қайтиб кетдилар. Ҳарбий академияни тамомлаган офицерлар сони бор-йўғи ўн нафарни ташкил этар эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Барча илмий тадқиқотларнинг асосида назарий билимлар ётади ва назарий билимлар амалиётга татбиқ этилади. Амалиёт назарий билимлардаги хато ва камчиликларни топиб, назарияга йўл очади. Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими принципиал жиҳатдан мутлақо янги асосга ўтказилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий офицер кадрлар юртимиздаги ҳарбий хизматчилар умумий сонининг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Офицерларни тайёрлаш учта ҳарбий билим юртида ва бор-йўғи учта ҳарбий мутахассислик бўйича олиб борилар эди. Амалга оширилган ишлар натижасида қўшимча равишда янги, замонавий ҳарбий таълим муассасалари ташкил этилди, курсантларни ўқитиш тизими эса, кўп тармоқли асосда йўлга қўйилди”, [2] дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Чегара қўшинлари офицерлар таркибини тўлдириш учун 1994 йилнинг сентябрида чегара қўшинлари мутахассисларини тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юрти ташкил этилди. Ушбу билим юрти қошида офицерлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари очилди. Билим юртида олий маълумотли чегарачилар ўқитилиб, уларга биринчи офицерлик унвонлари берилди. 1997 йилда ТОҲЧБЮнинг биринчи битирувчилари чегара қўшинлари бўлинмаларига юборилди. 2000 йилдан 2004 йилгача Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юртини 300 дан ортиқ курсантлар тамомлаб, лейтенант ҳарбий унвони билан чегара қўшинлари ҳарбий қисмларига юборилди.

2009 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-даги Давлат бошқаруви академиясида махсус малака ошириш курси ташкил этилди. Унда Чегара қўшинлари ҳарбий қисмлари кадрлар ва тарбиявий ишлар бўлимлари офицерлари ўз малакаларини оширдилар.

Машғулотлар режасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди-нинг малакали ходимлари, шунингдек, академиянинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ҳамда доцентлари томонидан кўргазмали куроллар ва мульти-медиа дастурлари ёрдамида ҳарбий хизматчиларга турли мавзуларда маърузалар ташкил этилди. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳар қандай хавф-хатарни чуқур таҳлил этишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга офицер кадрлар тайёрланди. Сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳар томонлама билимли, жисмонан бақувват, фикри теран кичик командирлар етишиб чиқмоқда. Ҳарбий қисмларда ҳам аскарларнинг нафақат жисмоний, балки юксак ақл-идрок, алоҳида рухий-маънавий хусусият ва фазилатлар соҳиби бўлишлари, замонавий технология-ларни пухта ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган [3].

Таъкидлаш лозимки, офицер кадрларнинг касбий малакасини ошириш Давлат чегарасини ишончли ҳимоялашда асосий шартлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Чегара қўшинларида офицерлар таркибининг касбий маҳоратини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Офицерлар касбий малакасини оширишда: Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар Академияси, ДХХ Академияси, штаб офицерларини тайёрлаш олий курслари, олий ҳарбий билим юртларида ташкил этилган турли ўқув курслари, қўмита ва бирлашмаларда ўтказиладиган ўқув ҳамда ўқув-услубий йиғинлар имкониятларидан кенг фойдаланилади. Жумладан, Самарқанд Олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртида чегара қўшинлари офицерлари муҳандислик, кимё, курол-аслаҳа ва ички таъминот хизмати йўналишлари бўйича ўз касбий маҳоратларини оширмоқдалар. Шу билан бирга, Тошкент ҳарбий умумқўшин кўмондонлик билим юртига мобилизация гуруҳи офицерлари, Чирчиқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида танк бўлинмалари командирлари касбий малакаларини ошириш учун юборилди. Шунингдек, фуқаролик олий ўқув юртларининг ҳарбий факультетлари, жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ҳарбий тайёргарлик ўқув марказининг ўрни бекиёс. Мен ҳам ушбу олий ўқув юртининг ҳарбий кафедрасида 1993-1994 йилларда таҳсил олганман.

Маълумки, давлат чегараларини мустаҳкамлашда шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлигини ошириш бўйича улкан ишлар йўлга қўйилди. Бу борада сержантлар тайёрлаш мактаблари ва ДХХ Чегара қўшинлари ўқув марказларининг ўрни катта бўлди. Миллий кадрларни тайёрлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Чегара постлари офицерларининг касбий маҳоратини такомиллаштириш мақсадида, ДЧХҚК бошқарма аппаратида “Офицерлар синфи” ташкил этилди. Бу ерда ДХХ чегара қўшинларининг тажрибали офицерлари томонидан кичик офицерлар таркибига билим ва кўникмаларини юксалтиришга хизмат қилувчи машғулотлар олиб борилди. Шунинг учун ҳам мазкур курслар ёш офицерлар учун нафақат билим манбаи, балки ўзига хос тажриба алмашиш майдони бўлиб ҳам хизмат қилди. Шунингдек, офицерлар синфида, тингловчиларнинг малака даражалари турли хил синовлар орқали текширилиб, улар орасидан қолганларга нисбатан салоҳияти юқори бўлган ҳарбий хизматчилар саралаб олинишига ва уларни юқори лавозимларга тавсия этиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

2006 йилда Чегара қўшинлари тиббий хизмат шифокорлари 62,5% ни ташкил этди. Ҳамдўстлик мамлакатлари тиббий хизматлари тажрибаларини ўрганиш мақсадида, 2006 йилнинг апрель ойида ҳарбий-тиббий бўлим бошлиқлари Минск шаҳрида бўлиб ўтган ҳамдўстлик мамлакатлари тиббий хизмат бошлиқлари йиғинида иштирок этиб, тажриба алмашиб келдилар.

ДХХ ЧҚ жанговар салоҳиятини ошириш, юқори малакали командирлар билан бутлаш, офицерлар ва сержантларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ҳамда малака ва маҳоратларини ошириш борасида узлуксиз ишлар олиб борил-моқда. Офицерлар таркиби ўз билим ва малакаларини ошириш учун Куролли Кучлар Академиясининг олти ойлик ва икки йиллик махсус ўқув курсларида ўқимоқда. Сержантлар замонавий ўқув базасига эга бўлган сержантларни тайёрлаш мактабларида таълим олмоқда. Ҳарбий хизматчилар янги ўқув методикаси ва

ўқитишнинг янги технологияси асосида таълим олишлари учун ўқув машғулоти хоналари замон талабларига жавоб берадиган тренажёрлар, ҳар хил ускуналар, ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминланди [4].

Республикаимизнинг барча ҳудудларидаги божхона-чегара назорат ўтказиш масканларида замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган [5]. Шундай жиҳозлар борки, ер юзидан неча минг хил мато бўлса, бир парчаси аппаратга қўйилса, унинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини бир лаҳзада аниқлаб беради. Дарвоза-ларимиздан кириб келаётган турли хил ҳолатларнинг олдини олиш қонуний асосда амалга оширилишида, тинчлигимиз, хотиржамлигимизга раҳна солал-майдиган даражада бўлиши кўп жиҳатдан чегарачиларга боғлиқ. Кўриб-билиб, ажратиб олиш муҳимдир. Бироқ кириб келаётган меҳмонларнинг қалбида нима бор, онгида, юрагида нима бор? Бизнинг халқимизга яхшилик соғиниб келаяп-тими, ёвуз ниятларни, мақсадларни қўнғлига жойлаб келяптими? Афсуски, бу жараёнларни кўрсатиб берадиган, ўлчайдиган, аниқлайдиган асбоб-ускуна йўқ. Мана шундай таҳдидларни, турли ниқобдаги кўриниш ва ҳолатларни фарқлай олиш бўйича тасаввурлар катта ёрдам бериши ўқув жараёнида тизимли ва кенг қамровда ўргатилди. ДХХ Чегара қўшинларида мутахассисларни касбий тайёр-лаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ўқув марказларида таълим-тарбия жараёни мунтазам равишда такомиллаштириб боришмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ДХХ Чегара қўшинларида кичик мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилган учта ўқув маркази фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара қўшинларидан 4 нафар ҳарбий хизматчи – Россия Федерацияси ИВ “Ростов” мактабида, 18 нафар ҳарбий хизматчилар Қозоғистон Республикаси МХК марказий питомнигида, 6 нафар ҳарбий хизматчилар – Беларусь Республикаси чегара қўшинлари Кинология марказида таҳсил олиб қайтган. БМТнинг “Марказий Осиёда наркотик воситалар ноқонуний савдосининг олдини олиш”га қаратилган дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Чегара қўшинлари сафидан бир қатор ҳарбий хизматчилар Австрия ва Латвия давлатлари эксперт мутахассислари раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси Миллий кинология марказида малака оширилди. Бу жараён бугунги кунларда ҳам давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўқув йили якуни бўйича “Энг илғор мутахассис” кўрик-танловининг Республика босқичи ғолиблари талайгина [6]. “Ватанпарвар” газетасида “Бугуннинг қаҳрамонлари” рукни билан “Энг илғор мутахассис” кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини қутлаймиз” деб номланган фотоочерк тақдим этилган. “Энг илғор батальон командири”, “Энг илғор взвод командири”, “Энг илғор гуруҳ командири”, “Энг илғор сержант” кўрик-танлови ғолибларининг сафи йил сайин кенгайиб бораётгани хусусида “Ватан остонаси” журналида, “Ҳамроҳ” ва “Сарҳад” газеталарида туркум материаллар тақдим этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинларида “Энг илғор мутахассис” кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритган ходимлар кўпчиликти ташкил этади. Кўрик-танлов ғолибларининг сафи йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ўртасида ўқув йили якуни бўйича ўтказилган танловда Ўзбекистон Чегара қўшинларининг ҳарбий қисмлари тўрт марта “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг энг илғор қўшилмаси” деб эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2006 йил 12 январдаги Фармонида биноан, МХХ чегара қўшинларига қарашли Термиз чегара раёни Ватанимизнинг юксак мукофоти – Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланди [7]. 2008 йил 10 январда Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара катерлари алоҳида базаси ҳам Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланди. Ушбу Давлат мукофоти ўз даврининг моҳир саркардаси, ватан ҳимояси йўлида мардонавор курашган буюк бобокалонимиз номи билан аталиши ҳар бир ҳарбий хизматчи учун шарафлидир. Бугун биз қадимги Жайхун дарёсини кечиб, муқаддас заминимизга бостириб кирган босқинчиларга қарши мардона курашган аجدодларимиз билан ғурурланамиз. Ҳарбий қисм ҳозирги кунда энг замонавий қурол-аслаҳалар, тезюар кема ва катерлар ҳамда бошқа замонавий техник воситалар билан тўлиқ таъминланган. Айтиш жоизки, Дарё чегарачиларининг асосий улови – бу чегара кемалари ва катерлари. Ушбу катерлар ўзининг тезюарлиги, барча турдаги замонавий ўқотар қуроллар билан жиҳозланганлиги, бошқаришнинг автоматлаштирилгани билан ажралиб туради. Чегараолди ҳудудларида хизмат олиб бораётган

чегара постлари ўзига хос кун тартиби, яшаш тарзи ва анъаналарига эгадир. Чегарачилар бирор сония ҳам ҳушёрликни унутмайдилар. Уларнинг ортида ота-оналарию, ёру биродарлари борлигини, Ватан кенгликларида кечаётган осуда ҳаёт чегарадан бошланишини улар яхши биладилар. Чунки бир неча метр масофадан сўнг давлат ҳудуди бошланади. Худди шу ерда, давлат чегарасида кечагина мактабни битирган сара йигитлар жиддий синовдан ўтадилар.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи дунё ва минтақадаги кескин ва мураккаб вазият қўшинларнинг энг замонавий қурол-яроғ ҳамда жанговар техника, юқори аниқликка эга бўлган қуроллар, бошқарув ва алоқанинг электрон ҳамда компьютер тизимлари, энг янги самолёт ҳамда вертолётлар, учувчисиз учиш воситалари билан таъминланиш даражасини янада яхшилаш, бошқарув органлари ва қўшинларнинг кундалик ҳаётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва шу асосда қисм ва бўлинмаларнинг жанговар қобилиятини тубдан оширишни талаб этмоқда. Бу вазифа муваффақиятли бажарилмоқда ва ҳарбий кадрлардан шахсий таркибнинг тайёргарлик тизими, офицер ҳамда сержантларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини янада яхшилашни талаб этмоқда. Ҳарбий таълим ва жанговар тайёргарлик сифатининг янги босқичга чиқиши Қуролли Кучларимиз, жумладан, ДХХ ЧҚ жанговар салоҳиятини янада оширишнинг энг муҳим шартидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмитани ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. 13.01.1999 й. ПФ-2176-сон.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашр. -Т.: “O‘zbekiston”, 2022. -Б. 378-379.
3. Арипов Ш. “Муқаддас бурчимиз”. Халқ сўзи. 2014 йил 16 январь., -Б. 2.
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига 25 йил. Тошкент.: “Sharq” нашриёти, 2017. -Б. 340.
5. “Ватанпарвар” газетаси 2010 йил 15 январь.(№3)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи, 2006 йил 14 январь № 9 (3808).

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини асраш, халқимизнинг осуда ҳаётини химоя қилишда Ўзбекистон Чегара қўшинлари шахсий таркиби олдида турган катта вазифалар, малакали кадрлар билан таъминлашда олий таълимнинг роли ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ҳарбий қисм, чегара қўшинлари, малакали кадрлар, олий таълим, ватанпарвар, маънавият, курсант, офицер, кадрият, матбуот, мудофаа, чегарачи.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье говорится о больших задачах, стоящих перед личным составом пограничных войск Узбекистана в защите территориальной целостности и неприкосновенности границ нашей страны, защите мирной жизни нашего народа, а также о роли высшего образования в обеспечении квалифицированными кадрами.

Ключевые слова: Воинская часть, пограничные войска, квалифицированные кадры, высшее образование, патриот, моральный дух, курсант, офицер, ценность, печать, оборона, пограничник.

RESUME:

This article discusses the significant tasks faced by the personnel of the Uzbekistan Border Troops in ensuring the inviolability of the country's borders and the territorial integrity of the nation, as well as safeguarding the peaceful life of the people.

Keywords: Military units, border troops, qualified personnel, higher education, patriotism, values, cadets, officers, media, national defense, border security.

**АХБОРОТЛАШУВ ВА АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ ОНГИДА ЎЗГАРИШЛАР
ЖАРАЁНИ ТАҲЛИЛИ**
(социологик ёндашув)

Маҳаммаджанов Ғ. -

*Ижтимоий ҳуқуқий медиа маркази бўлим бошлиғи,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)*

Мусаев Ф. -

Ижтимоий ҳимоя агентлиги масъул ходими

 10.24412/2181-7294-2025-1-87-90

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ва унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг тадқиқ этиш инсон, жамият ва давлат муносабатлари мукамал даражага эришмасдан аввал тадқиқот объекти сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Социология фанида ижтимоий онг ва унинг шакллари аслида давлат ва жамиятда ҳаётида янгича мезонларни ўрнатиш ҳамда уни ривожлантириш механизми сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан, ижтимоий онгни хулқ-атвор меъёрлари («ўйин қоидалари») хулқ-атвори институционализация (ўзгартириш, қайта шакллантириш) қилишнинг энг муҳим воситаси сифатида қарашлар ҳам мавжуд.

Замонавий социологик назарияларга кўра, жамиятда ижтимоий онг ва унинг шакл-институтларнинг ривожланиб бориши натижасида уларга бўлган қарашлар ва назарияларнинг янги жиҳатлари очила борди. Ғарблик олим Р. Дальнинг назариясида ижтимоий онгнинг турли шакллари, хусусан, анъана ва қадриятлар мавжуд бўлишини муайян давлатда демократия тараққий топишининг асосий кафолати эканлиги билан боғлиқ қуйидаги сингари бир қатор амалий ишлар сифатида кўрсатиб ўтади: жамиятда янги қатламларни, аввало, сиёсий элиталарни шакллантиришда, шунингдек, фикрлар турли-туманлигини, сўз эркинлигини таъминлашда, фуқароларнинг ягона мақсадларга бирлаштиришнинг муҳим механизми ҳисобланади[1].

Хар бир давлат ўзининг ривожланиш даражаси турли-туманлиги, аввало жамиятдаги билан фарқланади. Бу жараён жамиятнинг ижтимоий тузилмаларига ҳам тегишли. Аммо ижтимоий фанларда ижтимоий муҳит, ижтимоий онгнинг трансформациясининг қай йўналишда кечиши масаласи муҳимдир. АҚШлик олим Н.Смелзер буни қуйидагича ифодалайди: «ижтимоий институтлар жуда камдан-кам ҳолларда узоқ вақт давомида барқарорлигини сақлаб қолади, бунинг асосий сабаби уларга таъсир этувчи шароитлар ҳамда уларга таъсир қилиш ҳолати доимий равишда ўзгариб туради»[2]. Ижтимоий жараёнлар трансформациясига ёки транзитологияга доир тадқиқотларнинг шаклланиши (расмий равишда) 1970 йилда Д.Растоу томонидан «Comparative Politics» журналыда эълон қилинган «Демократияга ўтиш: динамик модел томон йўл» тадқиқоти билан бошланган[3].

Жамиятда айнан ижтимоий институтлар, ижтимоий онгнинг тараққиётида содир бўладиган трансформациялашув билан боғлиқ тадқиқотлар умумий 3 йўналишга ажратилади:

1. Жамиятда фуқароларнинг ижтимоий ҳолати даражаси, ўзгарувчанлиги муаммолари;
2. Ижтимоий институтларга хос тадқиқотлар ва улардаги институционал ўзгаришлар динамикасига оид тадқиқотлар;
3. Давлатларнинг сиёсий тузумида фуқароларнинг мойиллиги даражасига (*ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий онг*) доир тадқиқотлар[4].

Жамиятнинг ижтимоий онгига даражаси, унинг реал ҳолатининг трансформациявий жараёнлардан ўтиши бу шу давлат ва жамият барқарорлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Бойси, фуқароларнинг ижтимоий онгига даражаси, унинг потенциали жамиятда ижтимоий-сиёсий жараёнлар изчиллиги, босқичма-босқичлигини таъминлаш, аввало, бошқарув мувозанатини шакллантиришда етакчи аҳамият касб этади. Фикримизча, ижтимоий онг ҳамда унинг субъектлари манфаатларига хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг эҳтиёжлари

доимий ўзгарувчанликка мойил бўлади, бу эса жамиятда ижтимоий онгнинг манзарасида алоҳида кўриниш касб этади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий онгнинг трансформациялашуви жамият аъзоларининг (*фуқаролар, қатламлар, синфлар*) мақсад ва манфаатларига мос келсагина, муайян давлатнинг ижтимоий онг даражасини ҳақиқий маънода трансформациялаган деб атаса бўлади. Шу нуқтаи назардан давлатлар ва жамиятлар том маънода доимий равишда трансформациялашувдан ўтиб бормоқда. Россиялик олим В. Кувалдиннинг тадқиқотида кўра, «1973 ва 1989 йиллар оралиғида 186 та давлатнинг 77 тасида демократик ўзгаришлар (ижтимоий-сиёсий институт ларнинг трансформациялашуви) содир бўлган»[5]. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, ижтимоий онг, оммавий маданиятдаги ўзгаришлар, унинг илмий муаммолари юзасидан Ғарбда Г.Лебон, Х.Ортеги-и-Гассета, П.Бурдьё, Россияда эса С.Москович, Б.Грушин, Г.Дилигенский каби олимларнинг тадқиқотларида алоҳида ўрин эгаллаган.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятда ижтимоий онг даражасининг ўзгариши, сабаблари, мотивлари ҳамда унинг келажақдаги таъсири нуқтаи назаридан аниқ бир назария ёки илмий тўхтамга келинган эмас. Замонавий фанларда бу борада икки илмий қараш мавжуд бўлиб, унга кўра, ижтимоий онг: а) жамиятда фуқароларнинг умумий қарашларининг яқдил бир шакли; б) алоҳида ўрганиладиган ижтимоий реаллик сифатида.[6]

Социология фанида ижтимоий онг жамиятнинг ўзига хос ижтимоий структураси сифатида талқин этади. Чунки, жамиятдаги барча ўзгаришларнинг асоси – ижтимоий онг даражасидаги у ёки бу ўзгаришлар ритми доирасида амалга оширилади. Ижтимоий онг ва унга хос бўлган ўзгаришларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд[7]. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий онг даражасига таъсир этувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий омиллар алоҳида аҳамият касб этади. Айнан бу жараёнда уларнинг трансформациялашуви амалга оширилади. Аммо ижтимоий онгни барқарорлигининг ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, улар стереотиплар, қадриятлар, менталитет ҳамда тарихий ривожланиш қонуниятлари билан боғлиқлиги ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан у тўғридан-тўғри трансформацион жараёнларга дучор бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунинг исботи сифатида жамиятдаги ўзгаришлар, айниқса янгиланишларнинг бирданига қабул қилмаслик ҳолатларининг учраб туришини кўрсатиб бўтишимиз мумкин. Жамиятда ижтимоий онг даражасининг ўзгариши – жамиятнинг ижтимоий муносабатларини қай даражада эканлигини кўрсатиб берувчи ижтимоий жараёндир. Бундай муносабатларнинг горизантал ва вертикал ўзгаришлар тенденциясини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бу айниқса, замонавий, ахборот ривожига асосланган давлатлар ва жамиятларда муҳим мавзулардан бири ҳисобланади.

Социология фанида ижтимоий онг даражасини трансформацияси билан боғлиқ жараёнда қуйидаги аниқ жиҳатларнинг ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлиги ажратилади:

1. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти ва унинг объектлари ва субъектлари ўртасидаги муносабатлар;
2. Давлат сиёсий тизимидаги ўзгаришлар ва унинг асосий стратегий ривожланиш йўналишлари;
3. Иқтисодий ўсиш имкониятларининг жамият ва давлат ҳаётидаги аҳамияти даражаси;
4. Турли гуруҳ ва аҳоли қатламларининг этник ҳамда конфессиял мансублиги ҳолати;
5. Географик мансублик жиҳатдаги ўзгаришлар[8].

Аслида, ижтимоий онг – жамиятнинг маълум соҳасини тартибга солиш учун шаклланган расмий ва норасмий қоидалар шакллантиришнинг асосий механизмларидан бири ҳисобланади. Яна бир таърифга кўра, тарихан шаклланган ва жамият ҳаётини тартибга солишга хизмат қилувчи қадриятлар, рамзий белгилар бирлиги тушунилади[9]. Фикримизча, жамиятнинг энг муҳим эҳтиёжларини тартибга солиш, бошқариш ҳамда йўналтириш нуқтаи назаридан ижтимоий ва унинг ашкллари ҳар қандай бошқарув асосидаги жамиятларда алоҳида аҳамият касб этади, бунда уларнинг фаолият мезони, аввало, аҳолининг манфаатлари бирлиги билан ифодаланади. Б.Бердиевнинг фикрига кўра, табиий эҳтиёжларни қондириш учун жамиятнинг ижтимоий онгида ҳам ўзгаришлар юз бериши лозим бўлади[10]. Ижтимоий онг ва бошқа ижтимоий жараёнлар каби ўзгаришларга эҳтиёж сезади. Бу табиий жараён сифатида амалга

оширилиши лозим. Аммо ҳар бир трансформация жараёни, аввало ижтимоий онгни негизда содир бўлиши ҳам ижобий, ўз навбатида салбий ҳолатларнинг келтириб чиқаришини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бунинг асл моҳиятини аниқлашда социология фани муҳим ҳисобланади. Чунки, ушбу жараённинг амалий хусусиятларини аниқлаш ва шу асосда эмпирик тадқиқотлар ўтказиш – жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгаришлари “ижобийлик эффекти”ни оширишга хизмат қилади. Россиялик олим Г. Дилигенский ижтимоий онгнинг шакллари тадқиқ қилар экан, уларни жамиятдаги қуйидаги асосий мақсад ва вазифаларни бажариб бериши билан боғлайди:

а) умумэтироф этилган норматив қадриятлар тизими шакллантиради;

б) фуқароларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш ва йўналтиради;

в) функционал муносабатларни таъминлайдиган бошқарув ва назорат қилувчи органларнинг жамиятдаги ижтимоий нормаларга мувофиқлигини назорат қилиш ҳамда жамият аъзоларининг мақсадлари ва эҳтиёжларини амалга ошириш ва шу асосда бирлаштириш[11]. Давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий ўз мавқеига кўра, фуқаролар ва давлат, жамият муносабатларида барқарор майдонни шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Ижтимоий онгни даражасини ўрганиш, уни шакллантириш ва тадрижий ривожлантириш – ҳар бир жамият барқарор ривожланишининг ҳамда сиёсий тизим мустаҳкамлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Сиёсий тизимнинг мустаҳкамлиги деганда, давлат ҳокимияти ривожланиши учун асосий стратегик ресурс омили ижтимоий онг ва унинг шакллари оқилона ривожлантириш вазифаси назарда тутилмоқда. Жамият ва давлатчилик борасидаги буюк олим Форобийнинг фикрича, жамиятдаги ижтимоий онг (*унинг шакллари*) барча учун бирдек бўлган сиёсий тизимни мустаҳкамлашнинг объекти эканлиги кўрсатиб ўтилган ва у шундай ёзади: «Қонунларни ўрганиш тўғри, билмаслик муаммоларнинг бошидир. Чунки, қонунларни билмаган ва уларга бўйсунмаганлар (*қонунларни*) беъмани деб аташни хоҳлаб қоладилар»[12]. Аслини олганда, ижтимоий онгнинг трансформациялашуви жамиятда анъанавий муносабатлардан тортиб замонавий ҳолатгача бўлган эволюцион жараёни ўз ичига олади. Тан олиш керак, ижтимоий онг ва унинг шакллари сиз ҳеч бир жамият ва давлат мавжуд бўлмайди, прогрессив жиҳатдан ривожланмайди. Аммо бу жараённинг самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири – уларнинг трансформация жараёнига қанчалик тайёр эканлигидир. Фикримизча, жамиятда мавжуд ижтимоий онг нафақат сиёсий тизим асосини, балки, унинг ижтимоий бирдамлиги ва бардавомлигини белгиловчи етакчи кўрсаткич ҳамдир. Яна бир илмий манбага кўра, ижтимоий онгни ўзи бошқариш ва бошқарилувчи тизимдаги замонавий усуллар, институтлар тузилишини тақозо қилишини кўрсатиб беради[13]. Таниқли социолог олим П. Штомка жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришларнинг (*хусусан, ижтимоий онг даражасини ҳам*) икки асосий кўринишини келтириб ўтади: репродукция ва трансформация. Репродуктив ижтимоий ўзгаришлар билан микдорий параметрлар камаяди, кўпаяди ёки сақланади. XXI асрга келиб, социологик адабиётларда жамиятларга хос бўлган «ижтимоий онгни трансформациялашуви» белгиси ҳамда «замонавийлашуви» ҳақидаги турли илмий қарашлар, назарияларнинг янгича кўринишлари қўлланила бошлади. Бу табиий ҳолат ҳисобланиб, унинг асосий сабабларидан бири ахборотлашув ва ғоявий мафкуравий ҳаётдаги кескин бурилишлар билан боғласак тўғри бўлади. Бунда ижтимоий онг, унинг шакллари ва давлат ва жамиятнинг ёки тараққиёти ёки таназзулининг бирламчи омили бўлиб қолганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, дунёдаги ҳар бир давлат ва жамият ҳаётида содир бўладиган ўзгаришлар, ривожланиш жараёнлари муайян ҳудуддаги қонун-қоидалар ҳамда мавжуд ижтимоий онг асосидаги жамият аъзолари ҳамда бошқарувнинг самараси билан узвий боғлиқдир. Бугун давлатлар ривожда кузатилаётган ижтимоий онг даражасининг ўзгариши тенденцияларининг ўрни ва роли ҳамда ундаги трансформациялашув хусусиятларини қуйидаги белгилар асосида кузатиш мумкин: а) ижтимоий онг шакллари трансформациялашувини жамиятдаги фуқаролар қарашларининг (*плюрализм*) ўсиб бориши оқибатида кузатилган янги муносабатларга эҳтиёжи тарзида навбатдаги босқич сифатида талқин этиш мумкин; б) ижтимоий онг шакллари трансформациялашуви давлатлар ва жамиятларда (*айниқса, демократик тамойил асосидаги*) замонавийлик муносабатларига мослашиш орқали унинг барқарорлигини таъминлашга боғлиқдир; в) глобаллашув ва ахборот алмашинувининг

шиддатли кўринишлари юзага чиқаётган бир паллада ижтимоий онг, унинг кўринишларини анъанавий ривожланиш негизларини трансформация қилмасдан туриб, тадқиқ этиб бўлмайди. Бу эса социология фанида ижтимоий муносабатларнинг динамикасини талқин этишда, фарқлашда алоҳида аҳамият касб этади; г) бошқарувнинг қандай шаклига эга бўлмасин барча давлатда ижтимоий онг қайсидир маънода замонавийлик хусусиятлари таъсирида такомиллашади ва трансформациялашади. Бу инкор этиб бўлмайдиган ижтимоий аксиомадир; д) ижтимоий онгнинг трансформациялашуви жамиятда замонавий-лашув муносабатлари учун имкониятлар яратиш манбаи. Шу билан бирга, ижтимоий онг ва унинг шакллари трансформациялашуви доимий, узлуксиз давом этадиган ижтимоий, маънавий, аҳамият касб этувчи жараёндир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Даль Р. О демократии. Пер.с. англ. А.С. Богдановского. – М.: Аспект Пресс, 2000. – С. 88.
2. Смелзер Н. Социология. – М.: Феникс, 1994. – С.79.
3. Растой Д. Переходы к демократии: попытка динамической модели // Политические исследования. 1996. №5. – С.5-15.
4. Гельман В.Я. «Transition» по-русски: концепции переходного периода и политическая трансформация в России: 1989–1996 // Общественные науки и современность. 1997. № 4. – С. 64-81.
5. Кувалдин В.Б. Президентская и парламентская республики как формы демократического транзита (Российский и украинский опыт в мировом контексте) // Политические исследования. 1998. № 5. – С. 134-138.
6. Бурдые П. Социология политики / пер. с фр.; сост., общ. ред. и предисл. Н. А. Шматко. М. : Socio-Logos, 1993. 336 с.
7. Гулевич О. А. Концепции и методы изучения сознания на уровне больших групп. URL: <http://www.psychology.ru/lomonosov/tesises/eu.htm> (дата обращения: 05.10.2017)
8. Немировский В. Г. Массовое сознание и бессознательное как объект постнеклассической социологии // Социс. 2008. № 2.
9. <http://www.onlinedics.ru/slovar/fil/i/institut.html>.
10. Бердиев Б. Ўзбекистонда сиёсий модернизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd) даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Т.: 2019. – Б.79.
11. Муминов А.Г., Муминов Э.А. Янги Ўзбекистонда ахборотлашув жараёнининг устувор йўналишлари, Журнал: Science and innovation, 2024, №3, 605-611 б.

РЕЗЮМЕ

Мақоллада ижтимоий онг тушунчасига хос замонавий қарашлар турли-туманлиги, бунинг асосий сабаби улар фаолият кўламининг ошиши, илғор технологиялар, аввало, глобаллашувнинг ижтимоий-сиёсий таъсири кенг миқёсда эканлиги билан ифодаланиши изоҳланган.

Kalit soʻzlar: ижтимоий онг, тафаккур, ижтимоий онг шакллари, социологик таҳлил, ижтимоий тизимлар.

РЕЗЮМЕ

В статье объясняется разнообразие современных взглядов на понятие общественного сознания, основной причиной которого является увеличение масштабов деятельности, передовые технологии и, прежде всего, масштабное социально-политическое воздействие глобализации.

Ключевые слова: общественное сознание, мышление, формы общественного сознания, социологический анализ, социальные системы.

RESUME

The article explains the variety of modern views of the concept of social consciousness, the main reason for which is the increase in the scope of activities, advanced technologies, and first of all, the large-scale socio-political impact of globalization.

Key concepts: social consciousness, thinking, forms of social consciousness, sociological analysis, social systems.

DAHOLIKNING IJTIMOY-FALSAFIY MOHIYATI

Fozilov G'.N. -

*O'zMU katta o'qituvchisi,
falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori* 10.24412/2181-7294-2025-1-91-94

Daholik fenomenining rivojlanish tarixi qadimgi davrlardan boshlab zamonaviy ilmiy yondashuvlargacha davom etgan uzoq jarayonni o'z ichiga oladi. Qadimgi Sharq va G'arb falsafasida donishmandlar, payg'ambarlar va san'at namoyandalari alohida iqtidor egalari sifatida e'tirof etilgan bo'lsa, O'rta asr va Uyg'onish davrida individual iste'dod va ijodiy tafakkurga bo'lgan e'tibor yanada kuchaygan. Yangi davr falsafasida esa daholik ilmiy tafakkur, san'at va texnologiya bilan chambarchas bog'liq holda o'rganila boshlandi.

Xovard Gardnerni "Daholik: Yaratish psixologiyasi" (1993) kitobida daholikni insonning ko'p qirrali intellekti nuqtai nazaridan tahlil qiladi. U turli sohalaridagi daholar, jumladan, san'at, ilm-fan va siyosatdagi yetakchi shaxslarning ijodiy jarayonlarini o'rganadi. Gardnerning tadqiqotlari daholikning faqat tug'ma iste'dod emas, balki muhit, tarbiya va shaxsiy tajriba bilan ham bog'liqligini ko'rsatadi.

Chezar Lombrozo "Daho va telbalik" ushbu asarida daholik va ruhiy kasalliklar o'rtasidagi bog'liqlikni tahlil qiladi. U daholikni patologik holat sifatida ko'rib, daholar va ruhiy kasallikka chalingan shaxslar o'rtasidagi o'xshashliklarni o'rganadi. Lombrozo daholikning biologik va genetik asoslarini izlashga harakat qiladi.

Jeyms S. Xensni "Daholikning evolyusiyasi" (2001) ushbu kitobida daholikning evolyusion asoslarini va uning insoniyat taraqqiyotidagi rolini o'rganadi. U daholikni tabiiy tanlanish jarayonining natijasi sifatida ko'rib, uning biologik va ijtimoiy omillar bilan bog'liqligini tahlil qiladi.

Sudo Nobuyukini "Yapon madaniyatida ijodkorlik va daholik" (1998) kitobida Yapon madaniyatida daholik va ijodkorlik tushunchalarini tahlil qiladi. U Yapon jamiyatida ijodkorlikning o'ziga xos xususiyatlari, an'anaviy qadriyatlar va zamonaviy tendensiyalarni o'rganadi. Sudo ijodkorlikning ijtimoiy va madaniy omillar bilan bog'liqligini ko'rsatadi.

Nakamura Junsuke "Daholik va ijodkorlik" (2005) kitobida daholik va ijodkorlikning psixologik va ijtimoiy jihatlarini tadqiq qiladi. U ijodiy shaxslarning psixologik xususiyatlari, ijtimoiy muhitning ta'siri va ijodkorlikning rivojlanish omillarini tahlil qiladi.

Ushbu maqolada daholikning ijtimoiy ahamiyati, g'oyalar va innovatsiyalarni rivojlantirishdagi roli hamda ularning barqaror taraqqiyotga ta'siri ilmiy tahlil qilinadi. Metodologik asos sifatida interdisiplinar yondashuv qo'llaniladi. Daholik fenomeni falsafa, sotsiologiya, iqtisodiyot va innovatsiyalar nazariyasi nuqtai nazaridan o'rganiladi. Ushbu yondashuv orqali daholik va uning ijtimoiy taraqqiyotdagi o'rni keng qamrovli tahlil qilinadi. Tadqiqotda tarixiy va zamonaviy misollar orqali daholikning jamiyatga ta'siri o'rganiladi. Tarixiy-komparativ tahlil usuli yordamida turli davrlardagi daho shaxslar va ularning innovatsion g'oyalari ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish jarayoniga qanday ta'sir qilgani solishtiriladi.

Daholik va ijtimoiy muhit o'rtasidagi bog'liqlikni aniqlash maqsadida ijtimoiy-tahliliy yondashuvdan foydalaniladi. Bu usul yordamida jamiyatda mavjud ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarning daho shaxslarning yetishib chiqishiga ta'siri o'rganiladi. Daholikning mohiyatini chuqur anglash uchun falsafiy tahlil usuli qo'llaniladi. Buyuk faylasuflarning g'oyalar, ijodiy tafakkur va inson aqlining cheksiz imkoniyatlari haqidagi qarashlari asosida daholikning ijtimoiy ahamiyati tahlil qilinadi. Tadqiqot natijasida daholik, innovatsiyalar va ijtimoiy taraqqiyot o'rtasidagi murakkab bog'liqlik aniqlanadi hamda ushbu jarayonlarni rivojlantirish uchun qanday sharoitlar zarurligi yoritiladi. Ushbu metodologik yondashuvlar maqolada ilmiy asoslangan xulosalar chiqarish va mavzuni chuqur o'rganishga imkon yaratadi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). Bugungi kunda daholikning ijtimoiy-falsafiy mohiyati turli nazariyalar doirasida muhokama qilinmoqda. Ba'zi tadqiqotchilar uni inson ongi va

tafakkurining eng yuqori shakli deb bilsa, boshqalar uni faqat individual xususiyat emas, balki ijtimoiy va madaniy omillar natijasi sifatida tushuntiradilar. Ayniqsa, zamonaviy ilm-fan va texnologiyaning jadal rivojlanishi fonida daholik masalasi yangicha yondashuvlarni talab qilmoqda.

Antropologik yondashuvga ko'ra, daholik insonning tug'ma qobiliyatlari va ularning rivojlanishi bilan bevosita bog'liq bo'lib, tafakkurning shakllanishi va evolyusiyasi jarayonida namoyon bo'ladi. Bu yondashuv daholikni insoniyatning intellektual va madaniy taraqqiyoti bilan uzviy bog'liq holda ko'rib chiqadi va uni faqat individual qobiliyatlarning natijasi sifatida emas, balki jamiyatning umumiy rivojlanishining mahsuli sifatida tahlil qiladi.

"Insonning tafakkur jarayoni biologik va genetik omillar bilan bir qatorda ijtimoiy va madaniy sharoitlarning ham ta'siri ostida rivojlanadi. Tug'ma qobiliyatlar, neyrobiologik xususiyatlar va genetik imkoniyatlar daholikning tabiiy asoslarini tashkil etsa, ijtimoiy muhit, ta'lim tizimi, madaniy qadriyatlar va tarixiy kontekst bu qobiliyatlarning namoyon bo'lishida hal qiluvchi rol o'ynaydi." [1] Inson tafakkuri avloddan-avlodga o'tib kelayotgan bilim va tajriba orqali rivojlanib, yangi tafakkur shakllarining paydo bo'lishiga zamin yaratadi.

Antropologik yondashuv evolyusion nuqtai nazardan qaraganda, daholikni insoniyatning intellektual taraqqiyoti bilan bog'laydi. Odamzod tarixi davomida muayyan bosqichlarda paydo bo'lgan daho shaxslar jamiyat taraqqiyotiga ulkan hissa qo'shib, yangi ilmiy va madaniy yutuqlarning shakllanishiga turtki bergan. Inson tafakkurining rivojlanish jarayoni nafaqat individual salohiyat bilan, balki ijtimoiy o'zgarishlar va tarixiy shart-sharoitlar bilan ham bevosita bog'liq bo'lib, bu jihatni antropologik yondashuv alohida ta'kidlaydi.

Sotsiologik yondashuvga ko'ra, daholik individual hodisa emas, balki jamiyat bilan o'zaro aloqada shakllanadigan va ijtimoiy muhit ta'sirida rivojlanadigan fenomen hisoblanadi. "Inson tafakkurining rivojlanishi nafaqat shaxsiy intellektual qobiliyatlarga bog'liq, balki u madaniy muhit, ijtimoiy sharoitlar, ta'lim tizimi va tarixiy omillar bilan ham bevosita bog'liqdir." [2] Daholik shaxsning jamiyatdagi o'rni va uning ijtimoiy jarayonlarga moslashish darajasiga qarab namoyon bo'ladi.

Sotsiologik yondashuv doirasida daholikni shakllantiruvchi omillar qatoriga ijtimoiy institutlar, madaniy qadriyatlar, ilmiy va ijodiy an'analar, ta'lim tizimi hamda iqtisodiy va siyosiy shart-sharoitlar kiradi. Jamiyatning rivojlanish darajasi va unga xos ijtimoiy munosabatlar daho shaxslarning yetishib chiqishida muhim rol o'ynaydi. Masalan, ilm-fan va san'at rivojlangan jamiyatlarda iste'dodli shaxslarning imkoniyatlari kengayadi va ularning kashfiyotlari qadrlanadi, aksincha, cheklovlar va senzura mavjud bo'lgan jamiyatlarda esa bu imkoniyatlar susayishi mumkin.

"Daholikning shakllanishida ijtimoiy aloqalar va madaniy muhit hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Har bir daho shaxs o'z davrining mahsuli bo'lib, uning tafakkuri va ijodiy faoliyati jamiyatning ehtiyojlari, muammolari va imkoniyatlari bilan bog'liq holda rivojlanadi." [3] Innovatsion yondashuvlar va ilmiy taraqqiyot faqat individual aql-idrok natijasi emas, balki ijtimoiy talab va kollektiv bilim almashinuvi jarayonining mahsuli hisoblanadi. Shu sababli, sotsiologik yondashuv doirasida daholikni tushunish uchun shaxsiy qobiliyatlar bilan bir qatorda, ijtimoiy omillarni ham hisobga olish zarur.

Daholik fenomeni ijtimoiy muhit ta'sirida rivojlanar ekan, uning namoyon bo'lishi jamiyatning unga bo'lgan munosabatiga bog'liq bo'ladi. Agar jamiyat ijodkorlik va intellektual erkinlikni qo'llab-quvvatlasa, daho shaxslar o'z qobiliyatlarini to'liq namoyon etishlari mumkin. Aksincha, cheklovlar va an'anaviy qarashlarga asoslangan muhitda bu qobiliyatlar to'liq rivojlana olmaydi. Shu bois, sotsiologik yondashuv daholikni shaxsiy iste'doddan tashqari, ijtimoiy sharoitlar va madaniy muhit natijasi sifatida tahlil qiladi.

Gnoseologik yondashuvga ko'ra, daholik bilim va tafakkurning o'ziga xos rivojlanish shakli sifatida tushuntiriladi. Ushbu yondashuv daholikni inson bilimi doirasida yangi g'oyalar yaratish, innovatsiyalarni ilgari surish va fundamental kashfiyotlar qilish jarayoni bilan bog'laydi. Bunda tafakkurning chuqurligi, bilish jarayonining murakkabligi va insoniyatning ilmiy-madaniy merosiga qo'shilgan hissasi asosiy mezon sifatida qaraladi.

"Daholik gnoseologik nuqtai nazardan qaralganda, u shaxsning bilimni anglash, tahlil qilish va yangi bilim yaratish qobiliyatiga asoslanadi. Daho shaxslar mavjud ilmiy yoki falsafiy tushunchalarni qayta ko'rib chiqib, yangicha yondashuvlar va paradigmalar ishlab chiqadilar." [4] Bunday tafakkur rivojlanish jarayoni jamiyatdagi an'anaviy bilish usullarini takomillashtirish va bilim doirasini

kengaytirishga olib keladi. Shu sababli, gnoseologik yondashuv daholikni nafaqat intellektual qobiliyat sifatida, balki inson bilish faoliyatining eng yuqori shakli sifatida tushuntiradi.

Daholik inson tafakkurining harakatlanuvchi kuchi sifatida ko'riladi. Daho shaxslar bilimni qayta ishlab, yangi g'oyalar orqali insoniyatni taraqqiyot sari yetaklaydi. Ularning tafakkuri nafaqat mavjud bilimlarni o'zlashtirishga, balki ularni tanqidiy tahlil qilish, yangi nazariyalar yaratish va ilm-fanni yangi bosqichga olib chiqishga yo'naltirilgan bo'ladi. Shu bois, gnoseologik yondashuvda daholik inson tafakkurining eng yuqori ifodasi, bilish jarayonining yuksak cho'qqisi sifatida qaraladi.

Psixologik yondashuvga ko'ra, daholik inson tafakkuri va shaxsiy xususiyatlari bilan bevosita bog'liq bo'lib, ijodiy jarayonlarning miya faoliyatiga ta'sirini o'rganish orqali tushuntiriladi. Ushbu yondashuv daholikni faqatgina yuqori intellektual qobiliyat sifatida emas, balki inson ongining chuqur psixologik jarayonlari bilan bog'liq bo'lgan noyob tafakkur shakli sifatida qaraydi.

"Daholikning psixologik asoslari shaxsning tafakkur qobiliyati, ijodiy yondashuvi, muammolarni hal qilish ko'nikmasi va motivatsiya darajasi bilan belgilanadi. Daho shaxslar odatda noodatiy fikrlash qobiliyatiga ega bo'lib, ular mavjud bilimlarni yangi shaklda talqin qilish, ilgari anglanmagan bog'liqliklarni kashf etish va innovatsion g'oyalar yaratish imkoniyatiga ega bo'ladilar." [5] Ushbu jarayon miya faoliyati bilan bevosita bog'liq bo'lib, neyrobiologik tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, ijodkor insonlarning miyasida neyron aloqalar boshqacha shakllangan bo'lib, ular bir vaqtning o'zida bir nechta murakkab tafakkur jarayonlarini amalga oshirish qobiliyatiga ega bo'lishadi.

"Daholikning psixologik tahlilida ijodiy tafakkurning shakllanishi va rivojlanishi muhim o'rin tutadi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, daho shaxslarning tafakkur jarayonlari oddiy insonlarnikidan farq qiladi – ular divergent (tarqoq) tafakkur usulidan foydalanib, bir muammoni hal qilish uchun turli alternativ yondashuvlarni ishlab chiqishadi." [6] Bunday tafakkur turi kreativlik, tahliliy fikrlash va muammolarni o'zgacha yondashuv orqali hal qilish qobiliyati bilan ajralib turadi.

Bundan tashqari, psixologik yondashuv doirasida daholikni shakllantiruvchi psixologik omillar ham tahlil qilinadi. Bularga shaxsning temperament xususiyatlari, hissiy barqarorlik darajasi, ichki motivatsiya, diqqatni jamlash qobiliyati va ijodiy ishga bo'lgan qiziqishlari kiradi. Daholik odatda yuqori darajadagi kognitiv moslashuvchanlik, mustaqil fikrlash, tizimli tahlil qilish qobiliyati hamda yangi bilim va innovatsiyalarga bo'lgan ehtiyoj bilan tavsiflanadi.

Bugungi tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki, daholik genetik omillar, ijtimoiy ta'sir, miyadagi neyrofiziologik jarayonlar va shaxsiy intellektual tajribalar uyg'unligida shakllanadi. Zamonaviy neyrobiologiya va kognitiv fanlar daho shaxslarning tafakkuri qanday ishlashi, miyadagi neyron aloqalar qanday shakllanishi va ijodiy fikrlash qanday rivojlanishini aniqlashga intilmoqda. Shu bilan birga, kelajakda sun'iy intellekt texnologiyalari daholikni chuqurroq tushunish va unga taqlid qilish imkoniyatini yaratishi mumkin.

Daholik – bu faqatgina tug'ma iste'dod emas, balki ijtimoiy va madaniy jarayonlar natijasida shakllanadigan murakkab hodisadir. Tarixiy nuqtai nazardan, uning talqini doimiy ravishda o'zgarib borgan va turli fan sohalari tomonidan tahlil qilinmoqda. Bugungi kunda daholikni o'rganish falsafa, neyrofiziologiya va sotsiologiya doirasida yangi qirralarni ochib bermoqda. Kelajakda sun'iy intellekt va zamonaviy ilm-fan yutuqlari daholik tushunchasiga yangi yondashuvlarni taqdim etishi mumkin.

Daholik inson tafakkurining eng yuksak ko'rinishi bo'lib, uning mohiyati tarixiy taraqqiyot jarayonida turli falsafiy, sotsiologik va ilmiy yondashuvlar orqali izohlanib kelgan. Bu fenomen nafaqat individual qobiliyatlar, balki jamiyat, madaniyat, ilm-fan va texnologik taraqqiyot bilan chambarchas bog'liqdir. Qadimgi dunyo falsafasida daholik ilohiy ilhom mahsuli sifatida talqin qilinib, Platon va Aristotel uni inson tabiatining eng yuksak shakli deb hisoblagan. O'rta asrlarda esa daholik diniy nuqtai nazardan tushuntirilib, Xudoning inoyati va bashariyatga berilgan ne'mat sifatida ko'rilgan. Yangi zamon falsafasida Didro, Kant va Hegel kabi mutafakkirlar daholikni tafakkur va individuallikning eng yuqori shakli deb hisoblab, uning jamiyat rivojiga ta'sirini o'rganganlar. XX-XXI asrlarda esa ilm-fan va texnologiyalar rivoji bilan daholik neyrofiziologiya, psixologiya va sun'iy intellekt doirasida tadqiq qilinmoqda.

Kognitiv fanlar va neyrobiologiya bugungi kunda daholikning miyadagi fiziologik mexanizmlarini o'rganishga qaratilgan bo'lib, zamonaviy tadqiqotlar ijodkorlik va tafakkur

jarayonlarini ilmiy asosda tushuntirishga intilmoqda. Shu sababli, daholik fenomenining o'rganilishi faqat falsafiy yoki sotsiologik yondashuvlar bilan cheklanmay, balki fan, texnologiya va sun'iy intellekt bilan bog'liq yangi tadqiqotlar yordamida yanada keng qamrovli tahlil qilinishi lozim. Bu jarayonda ijtimoiy muhit, ta'lim tizimi va innovatsion texnologiyalarni rivojlantirish orqali daholikning namoyon bo'lishi va unga zamin yaratish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu boisdan, kelajakda daholikni chuqurroq tushunish va unga zamin yaratish uchun tahliliy yondashuvlarni kengaytirish, ilm-fan va texnologiya imkoniyatlaridan unumli foydalanish hamda ijodiy tafakkurni rivojlantirishga qaratilgan strategiyalarni ishlab chiqish dolzarb masala bo'lib qolmoqda.

ADABIYOTLAR:

1. David Henry Feldman. "The Genesis of Genius: Social and Cultural Contexts". Cambridge: Cambridge University Press, 2009, b-76.
2. Margaret A. Boden. "Creativity and Genius: Philosophical Analysis". London: Routledge, 2004, b-112.
3. Susan K. Perry. "Genius and Mental Health: Psychological Approaches". Baltimore: Johns Hopkins University Press, 2010, b-50.
4. Craig W. Gruber. "The Sociology of Genius: Social Factors and Creativity". New York: Palgrave Macmillan, 2015, b-89.
5. Raymond S. Nickerson. "Genius and Technology: A History of Innovations". Oxford: Oxford University Press, 2013, b-17.
6. Keith J. Holyoak. "The Philosophy of Genius: Thought and Creativity". Cambridge: MIT Press, 2011, b-140.
7. Robert J. Sternberg. "Genius and Education: Fostering Creativity". Cambridge: Cambridge University Press, 2007, b-106.
8. Scott Barry Kaufman. "Genius and Culture: Global Perspectives on Creativity". New York: Basic Books, 2016, b-188.

REZYUME:

Mazkur tadqiqotda daholikning ijtimoiy-falsafiy mohiyati, uning rivojlanish tarixi va jamiyat taraqqiyotiga ta'siri tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: daho, bosh miya, aql, zehn, tafakkur, donolik, autizm, kasallik, yolg'izlik, dunyoqarash, geliyal katakcha, neyron.

РЕЗЮМЕ:

В исследовании анализируется социально-философская сущность гениальности, история ее развития и влияние на развитие общества.

Ключевые слова: Гений, мозг, разум, интеллект, мышление, мудрость, аутизм, болезнь, одиночество, мировоззрение, гелиальная клетка, нейрон.

RESUME:

This study analyzes the socio-philosophical essence of genius, its history of development, and its impact on the development of society.

Key words: Genius, brain, mind, intellect, thinking, wisdom, autism, disease, loneliness, worldview, helial cell, neuron.

ПОДГОТОВКА ФУТБОЛИСТОВ УЗБЕКИСТАНА К ТЕСТ-СИСТЕМЕ «YO-YO»

Нуруллаева Дж. С-
УзГУФКС, и.о.доцент

 10.24412/2181-7294-2025-1-95-98

Футбол занимает особое место в Узбекистане, где прилагаются значительные усилия по продвижению этого вида спорта и повышению вовлеченности молодежи. В Указе Президента УП-5887 изложена долгосрочная стратегия развития футбола до 2030 года. Имея инфраструктуру из 255 футбольных учебных заведений, страна стремится популяризировать футбол и повысить конкурентоспособность своих игроков. Однако физическая подготовка узбекских футболистов вызывает беспокойство, поскольку ни один из них не прошел тест на периодическое восстановление «YoYo», глобальный эталон для оценки выносливости и восстановления. В этой статье рассматриваются правовые рамки развития футбола, роль теста YoYo в оценке результатов спортсменов, а также международные сравнения, ставящие цели по достижению 5% уровня развития футбола к 2030 году.

Футбол считается самым популярным видом спорта в Узбекистане. У большинства граждан Узбекистана интерес к футболу выше, чем к другим видам спорта. За последние годы реализован ряд мер по заботе о здоровье нашего народа, формированию духовно и физически гармоничного поколения, широкому вовлечению населения, особенно молодежи, в футбол, который является игрой миллионов и занимает особое место в нашей стране [1]. Это гарантия того, что футбол в Узбекистане будет поднят на уровень политики. Его правовые основы выражены в Указе Президента УП-5887 «О мерах по выводу развития футбола в Узбекистане на качественно новый этап».

Концепция вывода развития футбола в Узбекистане на новый этап до 2030 года включает комплексные меры, разработанные для дальнейшей популяризации футбола и системного развития этого вида спорта [2]. Суть Концепции определяется повышением престижа обновляющегося Узбекистана в спортивном сообществе, особенно в воспитании подрастающего поколения в духе патриотизма и дальнейшем развитии «футбольного фактора» в содержательном досуге молодежи, в рамках реализации масштабная работа по устранению накопившихся за годы недостатков в сфере футбола.

Сегодня в Узбекистане действуют 255 спортивных образовательных учреждений, направленных на развитие футбола, из них:

- 209 – детско-юношеские спортивные школы;
- 14 – детско-юношеские футбольные академии;
- 15–детско-юношеские футбольные школы при профессиональных футбольных клубах;
- 17 — частные футбольные школы.

Население республики насчитывает около 38 миллионов человек, из них 327 291 человек (в том числе 11 884 женщины) занимаются футболом. Из них футболом в 297 средних образовательных учреждениях занимаются 45 919 (в том числе 610 женщин), в возрасте от 7 до 18 лет, профессиональных футболистов - 2 220 (в том числе 400 женщин), 0,14% населения регулярно занимаются футболом [2].

В 2019 году в организованных массовых и любительских турнирах по футболу приняли участие более 161 000 юношей и подростков в возрасте от 7 до 18 лет. Среди лиц старше 18 лет более 200 тысяч человек приняли участие в таких футбольных соревнованиях, как «Кожаный мяч», «Кубок Независимости», «Лига любителей», «Чемпионат ветеранов». Профессиональная футбольная лига Узбекистана проводит соревнования по трем категориям с участием 37 профессиональных футбольных клубов: Суперлиги, Про-лиги А и Про-лиги Б [2].

Основные задачи – сделать футбол самым популярным видом спорта среди населения Узбекистана, наладить систему отбора и подготовки высокоталантливых молодых футболистов

в качестве профессиональных спортсменов, вывести футбол страны на уровень, способный конкурировать с развитыми странами, подготовить футбольных специалистов на базе по международным требованиям и стандартам, развивать деятельность футбольных клубов, эффективно организовывать тренировочный процесс национальных сборных, организовывать в стране крупные международные соревнования по футболу, в том числе чемпионаты мира и континента среди юношеских, и женских команд.

Сегодня в Узбекистане ведется работа по разработке и внедрению порядка регулирования деятельности футбольных агентов (посредников) и их аккредитации в соответствии с требованиями Международной федерации футбольных ассоциаций (ФИФА) для подготовки высокопотенциальных футболистов на профессиональном уровне, обеспечивать их профессиональную деятельность в престижных зарубежных футбольных клубах, а также защищать права и законные интересы футболистов [3].

Если обратиться к международному футбольному опыту, то в Великобритании действуют 39 812 детско-юношеских футбольных школ и академий, в которых 11,5 млн (20,9%) из 65 млн населения регулярно занимаются футболом. В Германии действуют 27 336 футбольных школ и академий, при этом 16,3 млн (20%) из 81 млн населения регулярно занимаются футболом. В России действуют 2245 специализированных футбольных школ, в которых из 146 млн населения регулярно занимаются футболом 5,8 млн (4,1%) [2].

Целевые индикаторы развития футбола в Узбекистане до 2030 года предусматривают обеспечение популярности футбола в республике за счет увеличения количества постоянных участников футбола не менее чем до 5% от общей численности населения. При этом ставится цель добиться включения сборной Узбекистана в топ-50 рейтинга сборных Международной федерации футбольных ассоциаций. Однако выяснилось, что уровень физической подготовленности футболистов Узбекистана низкий и не соответствует международным требованиям. Например, ни один футболист национальной и олимпийской сборных не смог пройти тест «YO-YO» для оценки специальной выносливости и скорости восстановления [2]. Это обуславливает необходимость включения в число актуальных задач вопроса подготовки футболистов Узбекистана к системе тестирования «YO-YO».

Тест «YO-YO», официально известный как «Тест прерывистого восстановления «Ё-Ё», был разработан в 1990-х годах датским футбольным физиологом Йенсом Бангсбо [4]. Он был разработан как метод измерения аэробной выносливости спортсмена, особенно в видах спорта, включающих прерывистые упражнения с короткими периодами восстановления, таких как футбол, баскетбол и регби. Тест включает в себя бег вперед и назад между двумя линиями на расстоянии 20 метров друг от друга с возрастающей скоростью и короткими периодами активного восстановления. Этот тест называется «YO-YO» из-за его схемы бега вперед-назад. В этой рецензируемой статье, написанной создателем теста и его коллегами, представлен всесторонний обзор разработки, методологии и применения теста «YO-YO» в спортивной науке.

Тест периодического восстановления широко известен как «Тест YO-YO», представляет собой инструмент оценки физической подготовки, предназначенный для оценки способности человека выполнять повторяющиеся интенсивные упражнения. Разработанный в 1990-х годах датским физиологом Йенсом Бангсбо, он стал широко использоваться в командных видах спорта.

Важно отметить, что, хотя общий метод теста широко известен и используется в исследованиях и практике, использование официальных материалов или коммерциализация теста может потребовать надлежащего лицензирования или разрешения от владельцев авторских прав.

Тест прерывистого восстановления Yo-Yo (YYIRT) предназначен для оценки способности человека неоднократно выполнять высокоинтенсивную аэробную работу со значительным анаэробным вкладом.

Для проведения теста Yo-Yo необходимы некоторые ключевые системные требования и оборудование, в зависимости от версии теста:

1. Пространство: необходима плоская нескользящая поверхность длиной не менее 20 метров для испытания на долговечность или 40 метров для прерывистого испытания. Ширина зависит от количества участников, обычно один метр на спортсмена.
2. Маркеры и рулетка. Для разметки трассы необходимы конусы или линии, по крайней мере, с двумя маркерами на расстоянии 20 метров друг от друга для версии на выносливость. Для точной настройки рекомендуется использовать измерительную ленту длиной 20 метров.
3. Аудиофайл и проигрыватель. Тест сопровождается аудиозаписью (на компакт-диске, в формате mp3 или в специальном приложении), которая воспроизводит звуковые сигналы, сигнализирующие о том, что спортсмену следует стартовать и развернуться.
4. Динамики. Следует использовать громкоговорители или другие аудиоустройства, чтобы все участники могли четко слышать звуковые сигналы.
5. Регистрационные листы: они используются для отслеживания результатов каждого спортсмена, отмечая его прогресс в прохождении уровней тестирования [6].

Эти требования обеспечивают точность проведения теста и эффективное измерение уровня физической подготовки спортсменов.

Различные организации и компании предоставляют ресурсы, оборудование и рекомендации для проведения теста Yo-Yo, но не существует единого руководящего органа, который бы осуществлял исключительный надзор за его использованием. Многие спортивные научные институты, профессиональные спортивные команды и компании, занимающиеся фитнес-тестированием, включают тест Yo-Yo в свои протоколы оценки.

Тест Yo-Yo дает игрокам несколько преимуществ, особенно в тех видах спорта, которые предполагают прерывистые нагрузки высокой интенсивности. Основываясь на общих знаниях в спортивной науке, вот несколько способов, которыми система тестирования Yo-Yo может принести пользу игрокам:

1. Измеряет конкретную физическую форму: оценивается способность игрока выполнять повторяющиеся высокоинтенсивные аэробные нагрузки, что имеет решающее значение во многих командных видах спорта.
2. Спортивная выносливость: тест имитирует характер стоп-старта многих видов спорта, что делает его более актуальным, чем тесты на непрерывный бег для многих спортсменов.
3. Отслеживание прогресса. Регулярное использование позволяет тренерам и игрокам отслеживать улучшение физической формы с течением времени.
4. Мотивация. Может служить для игроков мотивационным инструментом для улучшения уровня физической подготовки.
5. Выявление талантов. Его можно использовать как часть набора тестов для выявления талантливых молодых спортсменов.
6. Рекомендации по обучению. Результаты могут помочь в составлении индивидуальных программ обучения.
7. Оценка возвращения в игру: ее можно использовать для оценки того, восстановил ли спортсмен необходимый уровень физической подготовки после травмы [6].

В Узбекистане футбол стал важной частью национальной политики, преследуя цель популяризации спорта, привлечения молодежи и улучшения физического и психического благополучия. Это реализуется посредством мер, изложенных в Указе Президента УП-5887, направленных на то, чтобы к 2030 году поднять футбол до международных стандартов. Однако ключевой проблемой является низкий уровень физической подготовки узбекских футболистов, ни один из которых не прошел тест «YO-YO», который оценивает специальную выносливость и скорость восстановления. Это подчеркивает необходимость целевых фитнес-программ, специально разработанных для улучшения показателей в этой области.

Рекомендации:

1. Целенаправленная тренировка. Реализация специализированных фитнес-программ, ориентированных на высокоинтенсивные интервальные тренировки (НИТ), чтобы улучшить результаты тестов Yo-Yo.

2. Раннее вовлечение: как можно раньше вовлекать молодежь в структурированные футбольные программы, уделяя особое внимание физической подготовке.

3. Отслеживание прогресса: проводить регулярные тесты Yo-Yo для отслеживания и корректировки режимов тренировок национальных и клубных команд.

4. Инвестирование объектов: расширение инфраструктуры, чтобы обеспечить подходящие условия для тренировок, включая объекты для восстановления и выносливости.

Систематически устраняя эти пробелы, Узбекистан может воспитать поколение футболистов, способных конкурировать на международной арене.

Выводы. Для достижения цели, позволяющей узбекским футболистам соревноваться на международном уровне и соответствовать стандартам физической подготовки, стране необходимо устранить пробелы в физической подготовке, выявленные с помощью теста YoYo. Этот тест имеет решающее значение для оценки выносливости, которая напрямую коррелирует с футбольными результатами на высоких уровнях.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по выводу развития футбола в Узбекистане на качественно новый этап» от 4 декабря 2019 года № УП-5887.
2. Концепция вывода развития футбола в Узбекистане на новый этап до 2030 года, 4 декабря 2019 года.
3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшей поддержке деятельности региональных футбольных ассоциаций» от 22 мая 2020 года №311.
4. Бангсбо Дж., Иайя Ф.М. и Круструп П. (2008). Тест прерывистого восстановления YOYO: полезный инструмент для оценки физической работоспособности в прерывистых видах спорта. Спортивная медицина, 38(1), 37-51.
5. Официальный сайт Yo-YoIRTest. <https://www.yoyoirtest.com/>
6. Официальный сайт Yo-Yo Test. <https://www.theyoyotest.com/>

РЕЗЮМЕ:

В этой статье рассматриваются правовые рамки развития футбола, роль теста YoYo в оценке результатов спортсменов, а также международные сравнения, ставящие цели по достижению 5% уровня развития футбола к 2030 году.

Ключевые слова: физическая подготовка, аэробная выносливость, футбольная инфраструктура, спортивная политика, Международная федерация футбольных ассоциаций (ФИФА).

RESUME:

This article examines the legal framework for football development, the role of the YoYo test in assessing athlete performance, and international comparisons setting targets for achieving a 5% participation rate in football by 2030.

Keywords: physical fitness, aerobic endurance, football infrastructure, sports policy, International Federation of Football Associations (FIFA).

РЕЗЮМЕ:

Ushbu maqolada futbolni rivojlantirishning huquqiy asoslari, sportchilarning faoliyatini baholashda YoYo testining oʻrni va 2030-yilga borib futbolda 5 foizlik ishtirok etish koʻrsatkichiga erishish boʻyicha xalqaro taqqoslashlar koʻrib chiqiladi.

Kalit soʻzlar: jismoniy tayyorgarlik, aerobik chidamlilik, futbol infratuzilmasi, sport siyosati, Xalqaro futbol assotsiatsiyalari federatsiyasi (FIFA).

BOSHQARUV MADANIYATINING ASOSIY KOMPONENTLARI VA PARADIGMALARI

Normurodov D. –
O'zMU tadqiqotchisi

 10.24412/2181-7294-2025-1-99-102

O'zbekistonda fuqarolik jamiyati institutlarida boshqaruv madaniyatini rivojlantirish tendensiyalari, jamiyatning barqaror rivojlanishini, fuqarolarning ijtimoiy faolligini va jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlarni mustahkamlashga qaratilgan. Ushbu tendensiyalar, boshqaruv madaniyatini shakllantirish va jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy rivojlanishini ta'minlash uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Madaniyatlarni turli xillarga ajratish ularning asosiy xususiyatlarini aks ettiradi, bu xususiyatlar tadqiqotchi uchun qiziqarli bo'lib, u ularni boshqa tashkilotlar madaniyati bilan mosligini baholash yoki tadqiq etilayotgan tashkilotning muvaffaqiyatli rivojlanishi va faoliyati uchun asosiy deb biladi[1].

Boshqaruv madaniyati – bu davlat va jamiyat boshqaruvi, ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy jarayonlardagi boshqaruvning ma'naviy, ijtimoiy va psixologik aspektlarini o'z ichiga oladi. Uning spesifikasi jamiyatning tarixi, madaniyati, qadriyatlar, an'analar, iqtisodiy sharoitlari va boshqaruv tizimining xususiyatlari bilan bog'liq. Biroq, bir qator mualliflar (A. Smolkin, N. Samoukina va boshqalar) “tashkilot madaniyati” va “tashkiliy madaniyat” tushunchalarini ajratishni taklif qiladilar[2, s.64]. Ularga ko'ra, tashkilot madaniyati umuman olganda “ushbu korxona xodimlari tomonidan qabul qilingan umumiy qadriyatlar va xulq-atvor normalari majmuasi” deb tushuniladi[3, s.67]. Sotsiomadaniy menejment – fan, san'at va madaniyat sohasidagi boshqaruv faoliyati texnologiyasi sifatida – ko'p qirrali va murakkab hodisa bo'lib, u bir necha daraja yoki turdagi menejmentni o'z ichiga oladi: normativ, strategik, axborot va kadrlar menejmenti[4]. Boshqaruv madaniyati ko'plab faktorlardan ta'sirlanadi, shulardan asosiylari:

Boshqaruv madaniyatining birinchi komponenti — madaniyatning umumiy komponentlari: til, an'analar, qadriyatlar, urf-odatlar. Boshqaruv madaniyati jamiyatning umumiy madaniyati bilan uzviy bog'liq bo'lib, ijtimoiy munosabatlar va psixologik holatlarga ta'sir ko'rsatadi. Til boshqaruv jarayonida fikr almashish va kommunikatsiyada muhim ahamiyatga ega. Boshqaruvda ijobiy samaralar olish uchun to'g'ri va aniq mo'ljallangan tildan foydalanish kerak. Boshqaruv madaniyati jamiyatdagi umumiy qadriyatlarga asoslanadi. Masalan, jamiyatdagi adolat, mas'uliyat, ishonch va hamjihatlikka asoslangan boshqaruv madaniyati barqarorlikni ta'minlaydi.

Boshqaruv madaniyati ijtimoiy-siyosiy muhitning o'zgarishiga moslashishi kerak. Bu jamiyatdagi siyosiy rejim, jamoatchilik fikri, fuqarolarning huquqlari va manfaatlari bilan bog'liqdir. Bu jarayonning tahlili borasida aytish joizki, boshqaruv madaniyati demokratik, avtoritar yoki totalitar rejimlarga bog'liq bo'ladi. Demokratiyada boshqaruv madaniyati fuqarolarning ijtimoiy faolligini rag'batlantiradi, avtoritar rejimlarda esa bo'shliq va mutlaq bostirishning aniq ko'rinishi bo'lishi mumkin. Shuningdek, fuqarolarning boshqaruvga bo'lgan munosabati boshqaruv madaniyatini belgilaydi. Fuqarolarning faolligi, ijtimoiy sheriklik va ijtimoiy nazorat boshqaruv madaniyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Boshqaruv madaniyati boshqaruvning maqsadlari, vazifalari va prinsiplari bilan aniqlanadi. Boshqaruvning maqsadlari jamiyatning taraqqiyotiga, fuqarolarning manfaatlarini hisobga olishga va ijtimoiy adolatni ta'minlashga yo'naltirilgan. Boshqaruvning asosiy maqsadi jamiyatning taraqqiyoti, ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash va fuqarolarning hayot sifatiga erishishdan iborat. Boshqaruvning vazifalari fuqarolarning manfaatlarini himoya qilish, ijtimoiy munosabatlarni mustahkamlash va ijtimoiy adolatni ta'minlashdan iborat. Ushbu vazifalar boshqaruv madaniyatini shakllantirishda muhim rol o'ynaydi. Ushbu yondashuvlarga muvofiq, to'rt asosiy madaniyat turi mavjud bo'lishi mumkin. Birinchi tur eng barqarori bo'lib, shaxsga kuchli yo'naltirilganlikni yuqori darajadagi iqtisodiy samaradorlikka yo'naltirilganlik bilan birlashtiradi[5.195].

Boshqaruv madaniyatining psixologik aspektlari boshqaruvchilar va fuqarolarning individual va ijtimoiy psixologiyasini o'z ichiga oladi. Psixologik ta'sir boshqaruv jarayonida fuqarolarning hissiyotlari, munosabatlari va psixologiyasi orqali namoyon bo'ladi. Fuqarolarning boshqaruvga bo'lgan munosabatini va ijtimoiy faolligini rag'batlantirish uchun motivatsiya muhim ahamiyatga ega. Boshqaruvchilar fuqarolarni faollashtirish va rag'batlantirishda samarali usullardan foydalanishlari kerak. Bundan tashqari, boshqaruv madaniyati fuqarolarning boshqaruvga bo'lgan ishonchini mustahkamlashga yordam beradi. Ishonch va hisobdorlikni ta'minlash fuqarolarning ijtimoiy aktivligini oshiradi.

Boshqaruv madaniyatining asosiy komponentlaridan biri texnologik va innovatsion jihatlardir. Texnologik rivojlanish va innovativ g'oyalar boshqaruv madaniyatiga ta'sir ko'rsatadi. Boshqaruv jarayonida zamonaviy texnologiyalardan foydalanish samaradorlikni oshiradi. Boshqaruv jarayonida zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, xususan, raqamlashtirish va avtomatlashtirish boshqaruvni samaralilashtiradi. Boshqaruvda yangi, innovatsion yondashuvlarni qabul qilish fuqarolarning manfaatlarini samarali ta'minlash imkonini beradi.

Boshqaruv madaniyatining spesifikasi jamiyatning umumiy madaniyati, ijtimoiy-siyosiy konteksti, boshqaruvning maqsadlari va vazifalari, psixologik aspektlar, texnologik rivojlanish va innovativ g'oyalarning ta'siri bilan aniqlanadi. Ushbu komponentlar birgalikda boshqaruv madaniyatini shakllantirib, jamiyatda barqarorlik, adolat va ijtimoiy ravnaqni ta'minlaydi. Boshqaruv madaniyatini yaxshilash jamiyatda samarali boshqaruvni ta'minlash va fuqarolarning ijtimoiy faolligini rag'batlantirish uchun muhimdir.

Boshqaruv madaniyati — bu jamiyatni boshqarishda muhim bo'lgan konsepsiyalar, prinsiplar, falsafiy qarashlar va amaliy usullarni o'z ichiga oladi. Mutaxassislar, mutafakkirlarning va tadqiqotchilarning boshqaruv madaniyatiga doir qarashlari turlicha bo'lishi mumkin. 1960-yillarning oxirida AQShda bir qator asarlar, masalan, D. Hempton va X. Trays tomonidan nashr etilgan bo'lib, ularda tashkilotlarda madaniyat mavjudligi tasdiqlangan fakt sifatida emas, balki turli an'analar, marosimlar va rituallarga alohida e'tibor qaratilgan[6.129]. Bu o'rinda asosiy mutafakkirlar va ularning boshqaruv madaniyati haqidagi qarashlarini batafsil ko'rib chiqish mumkin.

Maks Veber, nemis sotsiologi, boshqaruvni ijtimoiy institutlar tizimi va byurokratiya asosida qaradi. U boshqaruv madaniyatidagi muhim komponentlarni, shu jumladan, ijtimoiy konstruksiyalarni va munosabatlarni eslatdi. Veber byurokriyani samarador boshqarish uchun kerakli mexanizm deb qaradi. U boshqaruv madaniyatidagi muvaffaqiyatli byurokratiya prinsiplari (an'analar, ierarxiya, aniq vazifalar)ni ta'kidladi. U boshqaruvning ijtimoiy va madaniy kontekstida ijtimoiy munosabatlarni o'rganishning ahamiyatini belgiladi. Piter Druker boshqaruv sohasidagi eng taniqli mutaxassislardan biri, boshqaruv madaniyatiga yo'nalishlar va prinsiplar bilan yaqindan bog'liq. Druker boshqaruvda samarali kommunikatsiyaning ahamiyatini ta'kidladi. U boshqaruvni fuqarolar va mutaxassislar o'rtasida ochiq aloqa sifatida ko'radi. U boshqaruvning samaradorligini ta'minlash uchun maqsadga yo'nalishni shakllantirishni talab qildi. Maqsadlar fuqarolar va jamiyat manfaatlarini hisobga olib belgilash kerak.

Deniel Golman - psixolog va mutaxassis, boshqaruv madaniyatida emotsional intellekt (EI)ning ahamiyatini ta'kidlaydi. Goltonga ko'ra, boshqaruvchilarning emotsional intellekt darajasi samarali boshqarish uchun kerak. Emotsional intellekti yuqori bo'lgan boshqaruvchilar fuqarolarning hissiyotlarini tushuna oladi va ularni rag'batlantira oladi. U boshqaruv madaniyatida hamkorlik va ijtimoiy munosabatlarni mustahkamlashni rag'batlantiradi. Xenri Mintsberg boshqaruvning turli aspektlarini, jumladan, boshqaruv uslublari va falsafasini o'z ichiga olgan. U boshqaruvchilarning faoliyatini to'rt asosiy uslubga bo'ladi: interaktiv, moslashuvchan, strategik va taktik. Bu uslublarda boshqaruv madaniyatidagi samaradorlikka ta'sir ko'rsatadi. Mintsberg boshqaruvchilarning asosiy rollari (lider, muassis, ko'rsatuvchi)ni belgilaydi. Ushbu rollar boshqaruv madaniyatining ijobiy ta'sirini ta'minlaydi.

Djon Kotter o'zgartirish boshqaruvi sohasida mutaxassis, boshqaruv madaniyatida o'zgarishlarni joriy etishdagi prinsiplarni olib keldi. Kotter o'zgarish jarayonlarini samarali boshqarish uchun qadamlar ierarxiyasini belgilaydi. Boshqaruv madaniyati o'zgarishlarga moslashishga va innovativ yondashuvlarni qabul qilishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak. U boshqaruvning samaradorligi

uchun fuqarolarni o'zgartirish jarayonida faol ishtirok etishga chaqirdi. Frederik Teylor boshqaruv fanining asoschilaridan biri, samaradorlik va resurslarni optimallashtirishni mustahkamlashga qaratilgan. Teylorning "fanli boshqaruv" konsepsiyasi, boshqaruv madaniyatida ishlarni samarali tashkil etishning ahamiyatini belgilaydi. U ish jarayonlarini optimallashtirishda samaradorlikni ta'minlashning kerakligini ta'kidlaydi. U ish jarayonlarini standartlashtirish va me'yorlar orqali samaradorlikka erishish uchun mexanizmlar yaratdi.

Edvard Deming esa, sifatni boshqarish mutaxassisi, boshqaruv madaniyatida sifatni ta'minlashning ahamiyatini ta'kidlaydi. Deming sifati yuqori bo'lgan boshqaruv madaniyatini shakllantirish orqali samaradorlikni ta'minlashni rag'batlantiradi. Sifatni nazorat qilish jamiyatda yuqori natijalar olishga yordam beradi. U o'zgarishlarga va rivojlanishlarga doimiy ravishda moslashish muhimligini ta'kidlaydi.

Boshqaruv madaniyati mutafakkirlari turli paradigmalar, prinsiplar va uslublar orqali jamiyatni boshqarishda muhim kontekstlarni yaratadilar. Ushbu qarashlar boshqaruv madaniyatining samaradorligini, innovativligini va fuqarolarning ijtimoiy faolligini rag'batlantirishga yordam beradi. Boshqaruv madaniyati, o'zaro munosabatlar va ijtimoiy kontekst bilan yaqindan bog'liq bo'lib, jamiyatning rivojlanishida katta rol o'ynaydi.

Boshqaruv madaniyatining bir nechta paradigmalari mavjud va ular boshqaruv madaniyatining mohiyati va samaradorligini tushunishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Klassik paradigma - klassik boshqaruv paradigmasi, XIX asrning oxirlarida va XX asrning boshlarida tashkil etilgan. Uning asosida tashkilotlarning ierarxik strukturasi va byurokratiya konsepsiyasi yotadi. Frederik Teylorning fanli boshqaruvi, Maks Veberning byurokratiya modeli boshqaruv madaniyatining klassik paradigmasiga misol bo'ladi.

Tuzilmaviy paradigma - bu paradigma tashkilotlarni sistema sifatida ko'rib chiqadi, ya'ni ularning ichki va tashqi muhiti, resurslari, maqsadlari va strukturalari bilan bog'liqligini ta'kidlaydi. Buning misollari sifatida tashkilotni sistemaviy yondashuv (sistema modellari, muvozanat prinsiplari)ni ko'rish mumkin.

Psixologik paradigma - insonning psixologiyasini, ixtiyorlarini va ijtimoiy munosabatlarini hisobga oladi. Boshqaruv jarayonida fuqarolarning emotsional va ijtimoiy ehtiyojlari ahamiyatlidir. Bu paradigmaga emotsional intellekt, ishonch, motivatsiyalarni misol qilib keltirish mumkin.

Innovativ paradigma - innovatsiya va yangiliklar markazida bo'lgan paradigma. Ushbu paradigma tashkilotlarning rivojlanishida innovatsion yondashuvlar, texnologik rivojlanish va raqobatchilik muhim ahamiyatga ega ekanini ko'rsatadi. Bu paradigmaga misollar sifatida innovatsion boshqaruv, Agile va Lean usullarini keltirish mumkin.

Boshqaruv madaniyatining o'ziga xos prinsiplari mavjud bo'lib, ular ham boshqaruv samardorligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Boshqaruv madaniyatining eng muhim prinsiplaridan biri ishonch va shaffoflikdir. Boshqaruv jarayonida ishonchni shakllantirish va shaffoflikni ta'minlash zarur. Fuqarolar va boshqaruvchilar orasida ishonch va shaffoflik, ijtimoiy munosabatlarni mustahkamlaydi.

Shuningdek, mas'uliyat va hisobdorlik ham muhim prinsip bo'lib, uning mohiyatiga ko'ra, boshqaruvchilar fuqarolar va jamiyat uchun mas'uldir. Ular o'z qarorlari va faoliyatlari uchun hisobdor bo'lishlari kerak. Yana bir prinsip faol ishtirok bo'lib, fuqarolarning boshqaruv jarayonida faol ishtiroki, jamiyatdagi qarorlarni qabul qilishda ishtirok etishlari samaradorlikni oshiradi. Bundan tashqari, boshqaruv madaniyatining strategik fikrlash, boshqarishda moslashuvchanlik kabi prinsiplari ham mavjud. Boshqaruvda strategik fikrlash zarur, ya'ni maqsadlarni belgilash, resurslarni samarali taqsimlash va kelajakni rejalashtirish kerak. Shuningshe, boshqaruv jarayoni moslashuvchan bo'lishi kerak. Modern dunyoda o'zgarishlarga tez moslashish, boshqaruvning samaradorligini oshiradi.

Xulosa o'rnida aytish joizki, boshqaruv madaniyatining paradigmalari, prinsiplari va uslublari jamiyatni samarali boshqarishda muhim rol o'ynaydi. Ushbu komponentlar birgalikda boshqaruv jarayonining samaradorligini, ijtimoiy munosabatlarni mustahkamlashni va fuqarolarning ijtimoiy faolligini rag'batlantirishni ta'minlaydi. Boshqaruv madaniyati, jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Boshqaruv madaniyati, jamiyatni boshqarishning samaradorligi va ta'sirchanligini ta'minlash uchun muhim hisoblanadi. Uning asosiy paradigmalari, prinsiplari va uslublari asosan boshqaruvning nazariy asoslarini va amaliy yondashuvlarini tashkil etgan.

Boshqaruv madaniyati jamiyatni samarali boshqarishda asosiy ahamiyatga ega. U samaradorlikni, ijtimoiy munosabatlarni, fuqarolik faolligini, strategik rivojlanishni va innovatsiyalarni ta'minlashga yordam beradi. Boshqaruv madaniyatining tarixiy tahlili uning evolyusiyasini va jamiyat rivojlanishidagi muhim rol o'ynashini ko'rsatadi. Tarixiy kontekstda, boshqaruv madaniyati jamiyatning ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy hayotida mustahkamlangan va uning rivojlanishida yordam bergan.

ADABIYOTLAR:

- 1.Стеклова О.Е. Организационная культура: учебное пособие - Ульяновск: УлГТУ,2007. - 127 с.
- 2.Смирнов Э.А. Основы теории организации. – М.: Юнити, 2008. - 217 с.
- 3.Смирнов Э.А. Основы теории организации. – М.: Юнити, 2008. - 217 с.
- 4.Карпухин О. И., Комиссаров С. Н. Парадигмы управления в культуре -М: Гуманитарные науки: теория и методология. 2024 — №1. –С. 70
- 5.Радугин А.А., Радугин К.А. Введение в менеджмент: социология организаций и управления. – Воронеж: Высшая школа предпринимателей, 2013. – 195 с.
- 6.Гаспарович Е. О. Управление организационной культурой : учеб. пособие. – LAP LAMBERT Academic Publishing Saarbrücken, Deutschland, 2016. – 500 с.

REZYUME:

Maqolada boshqaruv madaniyatining mazmuni, madaniy, ijtimoiy-siyosiy, psixologik, texnologik va innovatsion komponentlari va ularning boshqaruv samaradorligini oshirishdagi ahamiyati o'rganilgan.

Kalit so'zlar: boshqaruv madaniyati, boshqaruv samaradorligi, madaniy komponent, ijtimoiy-siyosiy komponent, psixologik komponent.

PEZYOME:

В статье изучено содержание культуры управления, ее культурные, социально-политические, психологические, технологические и инновационные компоненты, а также их значение в повышении эффективности управления.

Ключевые слова: культура управления, эффективность управления, культурный компонент, социально-политический компонент, психологический компонент.

RESUME:

The article examines the essence of management culture, its cultural, socio-political, psychological, technological, and innovative components, as well as their significance in enhancing management efficiency.

Keywords: management culture, management efficiency, cultural component, socio-political component, psychological component.

ФАН, ФАЛСАФА ВА ГЛОБАЛ МУАММОЛАР

Аминова Н.Б. -

ТошДПУ доценти,

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

 10.24412/2181-7294-2025-1-103-106

Бугунги кунда бутун дунёда рўй бераётган барқарорлик ва беқарорликлар замирида дунёқарашларнинг мураккаблиги, эҳтиёжларнинг серкирралиги ортиб бораётган бир пайтда, глобаллашув, экологик, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тушуниш, ҳаётимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри тушуниб олиш уларга илмий муносабатда бўлиб тўғри хулосалар чиқариш учун маълум даражада назарий тафаккурга эга бўлиш лозим. Бундай қобилият умумбашарий, фалсафий фикрларни ўрганиш орқали шаклланади, аксинча бўладиган бўлса, яъни, фаннинг умуминсоний жиҳатларини менсимаслик, инкор этиш жамият тараққиётини секинлашувига олиб келади.

“Фан инсон фаолиятининг ўзига хос муҳим соҳаси; ижтимоий онгнинг махсус шакли бўлиб, у ўзида янги билимларни олиш ва олинган билимлардан амалий натижаларга эришишдек икки жиҳатни чамбарчас бирлаштиради. Ўз навбатида, объектив борлиқ ҳақидаги энг муҳим маълумотлар мажмуи ҳам билим деб аталади” [1, 70]. Фан мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида, инсон фаолиятининг махсус йўналишидир. Фан тараққий этса бизни ўраб турган моддий олам ва унинг қонуниятлари тўғрисида билимлар янада умумлашади. Фаннинг пайдо бўлиши шаклланиши ва тараққиёти ижтимоий амалиёт билан алоқадорликда. Моддий ҳамда маънавий ишлаб чиқариш ва амалиёт эҳтиёжлари фаннинг табиий, техник, ижтимоий гуманитар соҳаларига бўлинишини тақозо этади. фан олам ҳодисаларини одий содда мушоҳада қилишдан иборат эмас, дунёда бўлаётган ўзгаришларни олдиндан башорат қилиш улардан инсон манфаати йўлида фойдаланишидир.

Бугунги кун фанининг йўналишига хос бўлган тенденция интеграция жараёнидир. Турли хилдаги фанларнинг алоқадорлиги натижасида муайян янги фанларнинг пайдо бўлиши ҳамда тармоқларга бўлиниши илмий билишнинг бир неча соҳаларига хосдир. Фаннинг тадқиқот объектлари мураккаб ҳодисалар бўлиб, уларни кундалик билишда қўлланиладиган воситалар билан ўрганиб бўлмайди.

Глобаллашув даврида ноосфера чегараси космик олам ва ернинг жуда чуқур қаърига томон кенгайиб бормоқда.

“Фанда кундалик амалиёт доирасига кирмайдиган объектлар ҳам ўрганилади. Фан тили мураккаб бўлиб, сунъий тил деб аталади. Сунъий тиллар кундан-кунга ривожланиб янги-янги фан соҳаларини вужудга келтирмоқда. Масалан, математика символика, ментал математика, компьютер тили. Ҳар бир фан ўз соҳасини ифодаладиган тушунча ва таърифлардан қонунлардан фойдаланади. Маълум қонуният ва назарияларга таяниб, номаълум соҳаларга кириб боради.” [2, 105]

Ижтимоий-гуманитар фанлар табиий ва техник фанлардан фарқ қилиб, инсон ва инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаёт масалаларини таҳлил қилади. Биз яшаётган ҳозирги давр инсоният тарихининг янги бурилиш палласини ташкил қилади.

Ҳаётимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри тушуниб олиш уларга илмий муносабатда бўлиб тўғри хулосалар чиқариш учун ҳар бир талаба аввало маълум даражада назарий тафаккурга эга бўлиши лозим. Тараққиёт, айниқса фаннинг ривожланиши ва методологияси бир хилликни эмас, балки хилма-хилликни, ранг-барангликни тақозо этади. Умуминсоний илмий ютуқларни танқидий-ижодий ўрганиш илмий фалсафий дунёқарашни ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Айниқса бугунги кунда тараққиётнинг шиддат билан тезлашуви, рақамлаштириш жараёнининг кундан-кунга янгиланиб бориши, ҳар бир соҳа вазифаларини мунтазам равишда кенгайиб боришни тақозо этмоқда.

Янги технологиялар асосида таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнида интеграция қилиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Фан, таълим ва амалиёт бир-бирига узвий боғлиқ ва бир-бирини тақоза қилади инсонларнинг ижтимоий фаолиятлари тўғри йўналтиришида муҳим роль ўйнайди. Фан ва таълимнинг ўзига хос томонлари у ёки бу жамиятнинг ривожланиш даражалари, ҳукмрон дунёқарашлар, ижтимоий ҳаётни бошқариш йўсинлари билан боғлиқ бўлган тизимлар билан белгиланади.

Ҳар бир тарихий даврда фаннинг ижтимоий вазифалари ривожланиб боради. Глобал муаммоларни ҳал қилишда ҳам фаннинг аҳамияти кучайиб, ижтимоий кучга айланмоқда. Фан олам ҳодисаларини одий содда мушоҳада қилишдан иборат эмас, дунёда бўлаётган ўзгаришларни олдиндан башорат қилиш улардан инсон манфаати йўлида фойдаланишдир.” [3,143]. Фалсафа фанида оламдаги нарса-ҳодисалар тараққиётининг давомийлиги ва уларнинг бир-бирига ўтиб туришини англатувчи имконият ва воқелик категорияси бўлиб, унинг моҳиятини яхши англаган тадқиқотчилар бу жараёнларнинг муайян зарурият ва қонуниятлар асосида рўёбга чиқишини назардан қочирмайдилар. Илм-фан далилларига таяниб фаолият белгиласа, имконият ва воқелик узлуксиз ривожланиш жараёнидаги нарса-ҳодисаларнинг даври ва ҳолати ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Имкониятларнинг объектив оламда мавжудлиги ва уларнинг муайян шарт-шароитлар бўлганда воқеликка айланиши зинҳор тасодифий ҳодиса эмас.

Ривожланиш ички жиҳатларига қарамасдан, бир бутундир, яъни унинг куйи ва юқори босқичлари ўртасида диалектик муносабат мавжуд. Мавҳум имконият объектив оламда ўз ҳолича мавжуд бўлса-да, аммо унинг воқеликка айланиши учун зарур шарт-шароит етилмаган бўлади. Масалан, Ойда ердаги Менделеев жадвалида бўлган барча кимёвий элементлар мавжуд. Бироқ унинг воқеликка айланиши, яъни ўша бойликлардан фойдаланиш учун етарли техник, технологик шарт-шароитлар, айни чоғда инсон омили ҳам етилган бўлиши лозим.

Жамият тараққиёти илмий жиҳатдан асосланган ғоя ва қарашларнинг шаклланиши, ривожланиши, айни чоғда уларнинг турмушга татбиқ этилишидан ва ҳаёт синовидан ўтиб, янада такомиллашиб боришидан иборат мураккаб жараёндир. Ҳар қандай жамият одамзот ақли ва тафаккури кудрати бўлган илм-фанга таянса ва ундан самарали фойдаланиш йўллари, воситалари, услубларини излаб топса, албатта ижтимоий тараққиётга эришади. Жамият олдида турган муаммолар моҳияти ва уларни ҳал этиш йўллари масалалари ўз даврининг зукко шахслари онгида пишиб етилади, сўнгра бу ғоялар, қарашлар, билимлар, тажрибалар тизими сифатида аниқ вазифаларни бажариш, индивидлар фаолиятини илмий йўналишга солиб юбориш имконияти пайдо бўлади. Чунки инсон ҳамиша бирор муаммони ҳал этиш имкониятларини ўз ақл-заковати, билими, кучи ва иродаси билан аниқлайди. У борлиқнинг турли шакллари ва улар орасидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятларини билиб олишга интилади ва уни билимлар, илмий назариялар ва ҳулосаларга таяниб хатти-ҳаракатларни амалга оширса, воқеликда мақсадга мувофиқ ўзгаришлар содир бўлади.

Шахс тафаккур тарзининг энг муҳим кўрсаткичи ақлий (интеллектуал) фаолият ва фаоллик бўлиб, у амалий фаолиятининг ҳолати даражаси ифодасидир. Ақлий фаолият туфайли инсон оламда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини билишга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Бирор муаммони ҳал этиш имкониятларини инсон ўз ақл-заковати, билими, кучи ва иродаси билан аниқлайди. Инсон борлиқнинг турли шакллари ва улар орасидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятларини билиб олишга интилади ва уни билимлар, илмий назариялар, ҳулосаларга таяниб туриб амалга оширса, воқеликда мақсадга мувофиқ ўзгаришлар содир бўлади. Худди шунинг учун ҳам ақлий фаоллик инсон маънавий савиясини тавсифловчи, унинг фикрлаш тарзи даражасининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Тафаккур тарзи ва маънавияти халқнинг тарихи, маданий мероси, миллий, умуминсоний қадриятларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳолисона билиш, улардан оқилона фойдаланиш, ривожлантириш билан боғлиқдир. Ўз миллий-маънавий қадриятлари, тарихий меросидан бебаҳра ва беҳабар бўлган халқларда ўтмиш ҳақидаги аниқ тасаввур ҳам, келажакка қаратилган муайян орзу -умид ҳам, бу йўлда уюшқоқлик билан кураш олиб бориш иштиёқи ҳам бўлмайди. Маънавий бўҳрон ҳолатига

тушиб қолган халқ ундан чиқолмаса, бошқа давлатларнинг таъсирига тез берилувчан бўлиб, ўз миллий руҳиятини йўқотиши, кадр-қимматини унутиши мумкин.

Қийин ва мураккаб масалаларни ҳал қилишда инсонга ҳар доим фан ёрдамга келади. Шунинг учун, табиийки, глобал муаммолар хавф туғдириши ҳақида илк бор тилга олинади ва огоҳлантиришлар инсонларни фанга мурожаат қилишга, олимларни эса ушбу муаммолар ечими топиш устида ўйлашга мажбур қилади.

Юзага келган вазиятнинг ғайри оддийлиги ва янгилиги шундан иборатки, агар ҳар қандай аниқ муаммолар алоҳида фан томонидан ҳам, биргаликда ҳаракат қилган бир нечта фанлар томонидан ҳам тадқиқ қилиниши мумкин бўлса, глобал жараёнлар ва улар туғдирган муаммоларни ҳал қилишга, уларнинг ўта мураккаблиги туфайли, алоҳида фанларнинг кучи етмайди. Шунинг учун у ёки бу фан қандай аниқ масалаларни ҳал қилишидан қатъий назар, жараёнлар ва ҳодисаларга, яъни умуман вазиятга ҳамда охир оқибатда олинган натижаларга фалсафий нуқтаи назардан ёндашиш зарур шарт ҳисобланади.

Бундай кенг, аниқ фан доирасидан чиқадиган унинг предмети ва инсоният олдида турган муаммоларга яхлит, билимнинг бошқа соҳаларидаги барча охириги ютуқлари акс этган қарашсиз фундаментал кашфиётлар ҳам, фанни ўзининг ривожланиши ҳам мумкин эмас.

Фалсафанинг асосий вазифаларидан (функцияларидан) келиб чиқадиган энг муҳим, билишнинг фақат ушбу шаклига хос хусусиятларни таъкидлаб ўтамиз.

“Биринчидан, Фалсафа, ўз дунёқарабини шакллантирганда муайян қадриятли кўрсатмаларни илгари суради, улар инсон фаолиятининг йўналганлигини кўп жиҳатдан белгилаб беради. “Мазкур фан орқали инсон ўз-ўзини англашни жамиятнинг тараққиёт қонунларини ўрганади. Амалиётда муаммоларни ҳал қилишда асқотадиган усул ва воситалардан фойдаланиш малакасига эга бўлади

Турли фанлар тадқиқ қиладиган мураккаб тизимлар ҳақида бир бутун тасаввурнинг йўқлиги турли фанларнинг ўзаро таъсири йўлида жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шунинг учун фалсафанинг методологик функцияси, унинг заминида пайдо бўладиган умумлаштирувчи назариялари принципаал жиҳатдан зарур, чунки илмий билимнинг интеграциясига кўмаклашади

Иккинчидан, Фалсафа ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни тарихий контекстда тушунириш имконини беради. У жамият ва табиат ривожланишининг энг умумий қонунларини таърифлаб беради ва шунинг учун глобал жараёнларни тадқиқ қилишда уларни ижтимоий тараққиёт билан уйғун бўлган қонуний ҳодиса сифатида тушунишга йўналтиради.

Учинчидан, Бугунги глобаллашув шароитида техника технологиялар тез шиддат билан ривожланмоқда. Бунинг натижасида янги муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Агар биз бу муаммоларни ўз вақтида бартараф этмасак, улар маданиятимизнинг ривожланишига салбий таъсирини ўтказади.[4,106]. Фалсафа маданиятшуносликка оид функцияни бажаради, чунки назарий тафаккур маданиятини ривожлантириш имконини беради. Турли халқлар фалсафа тарихини ўрганиш уларнинг маданияти билан танишиш имконини беради, ундан узилган ҳолда халқ олдида турган муаммолардан биттаси ҳам ҳал қилиниши мумкин эмас.

Тўртинчидан, Фалсафа инсоннинг яшашдан мақсади-маъноси, ўлим ва абадият масалаларини қўяди, бу глобаллашув ва глобал муаммолар таҳдиди вазиятида алоҳида аҳамият ва долзарблик касб этади.

“Бешинчидан, Фалсафа томонидан “табиат”, “жамият”, “глобаллашув”, “глобал муаммолар”, “цивилизация”, “ижтимоий тараққиёт” каби глобалистика асосий категорияларининг ишлаб чиқилиши унинг муҳим методологик функцияси ҳисобланади, бу категориялар инсониятнинг долзарб муаммоларини акс эттиради ҳамда жаҳон ривожланишининг объектив тенденцияларини англаш ва тушунишда катта рол ўйнайди.”[5, 6].

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Аминова Н.Одамнинг ижтимоийлашувида маънавиятнинг ўрни. Монография 2019 йил.Тошкент 70-бет.
- 2.Аминова Нурхон Бобомуродовна Мустақил Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида маънавиятнинг ўрни.Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.Т.2019.105-бет

3. Аминова Н. Фалсафа Ўқув қўлланма. Тошкент 2024 143-бет.
4. Н. Аминова Мустақил Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида маънавиятнинг ўрни Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2019., 106-б.
5. А.Н.Чумаков; Глобалистика: энциклопедия / гл. ред. И.И. Мазу Центр научных и прикладных программ «Диалог». — М.: Радуга, 2003. 6 бет

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада глобал муаммоларни ҳал қилишда фан ва фалсафанинг роли ҳамда, жараёнлар ва ҳодисаларга фалсафий нуқтаи назардан ёндашиш муҳимлиги борасидаги ғоя ва қарашларнинг шаклланиши, ривожланиши, мураккаб жараёнларни ҳал қилишда фаннинг аҳамияти фалсафий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фан, интеграция, глобаллашув, таълим ва амалиёт, глобал муаммолар, янги технологиялар, жамият тараққиёти.

РЕЗЮМЕ:

В статье дается философский анализ формирования и развития идей и взглядов на роль науки и философии в решении глобальных проблем, важность философского подхода к процессам и явлениям, а также значение науки в решении сложных процессов.

Ключевые слова: наука, интеграция, глобализация, образование и практика, глобальные проблемы, новые технологии, социальное развитие

RESUME:

This article provides a philosophical analysis of the formation and development of ideas and views on the role of science and philosophy in solving global problems, the importance of approaching processes and phenomena from a philosophical perspective, and the importance of science in solving complex processes.

Key words: science, integration, globalization, education and practice, global problems, new technologies, social development.

MUTOLAA FENOMENINI TALQIN ETISHNING ZAMONAVIY KONSEPSIYALARI.

Dulanbaeva O. -

*O'zMU katta o'qituvchisi,
sotsiologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)* 10.24412/2181-7294-2025-1-107-110

Ma'lumki, mutolaa inson faoliyatining ajralmas qismi bo'lib, u muayyan bilim, axborot, ma'lumotga ega bo'lishni ko'zda tutadi. Insoniyat tafakkur taraqqiyoti davomida mutolaaga nisbatan turli davrlarda turlicha qarashlar ilgari surilgan. Bu ma'noda ayniqsa, XX asrda shakllangan yondashuvlar muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki mutolaani talqin etish, uni tushunishdagi zamonaviy konsepsiyalarining shakllanishi ayni davrda yuzaga kelgan. Ushbu maqola doirasida mutolaaning zamonaviy konsepsiyalari, xususan, postmodernizm, eksperimental, psixologik- kognitiv hamda ekzistensial yondashuvlarning tahliliga diqqat qaratiladi. Zotan sanab o'tilgan ushbu yondashuvlar mutolaa jarayoniga an'anaviy qarashlardan butunlay o'zgacha, zamonaviy reallik sharoitidan kelib chiqqan holda tarif berishni, uni tushunishni nazarda tutadi.

Ushbu maqolada qiyosiy tahlil, analiz va sintez kabi umumilmiy va falsafiy metodlardan foydalanilgan. Shu bilan birga, maqolaning nazariy metodologik asosini M.Blansho, B.Valdenfels, F.Gvattari, J.Delez, R.Jirar, P.Klossovski, J.X.Miller va boshqa olimlarning ilmiy-nazariy xulosalari tashkil etadi.

Mutolaa fenomenini tushunishda eksperimental paradigma o'ziga xos yo'nalish bo'lib, uning ildizlari Z. Freydning qarashlariga borib taqaladi. Freydizm nuqtai nazariga ko'ra, mutolaa "anglanmaganlik" chegarasini toraytirishga urinish harakati sifatida tushuntiriladi. Ushbu konsepsiya tarafdorlari uchun, birlashtiruvchi g'oya insonning barcha faoliyatini, jumladan mutolaani ham harakatlantiruvchi kuch bo'lgan qandaydir meta-asos - "istak"ning mavjudligida namoyon bo'ladi. Bunda inson faoliyatining yagona maqbul maqsadi sifatida dunyo bilan munosabatlarini uzluksiz boyitib boruvchi subektivlikni yaratish ko'rsatiladi [1,c.13]. Qolaversa, bu harakatlanish kuchi individual ruhiyatda mujassam bo'lib, undan tashqarida emas, bu esa mazkur paradigmani makroiijtimoiy paradigmaga zid qo'yadi. Shu tariqa, bu yerda mutolaa har doim oldindan bashorat qilib bo'lmaydigan natijaga ega psixologik tajriba hisoblanadi.

Eksperimental konsepsiyaning asosiy qoidalari sifatida quyidagilarni ajratib ko'rsatish mumkin:

- insondagi mutolaa qobiliyati tug'ma bo'lib, u azaldan insonda mavjud hisoblanadi;
- mutolaa muloqotga intilish harakati sifatida inson mohiyatiga daxldor sanaladi;
- mutolaa qobiliyatining amalga oshirilishi insoning ongli faoliyati va ruhiyatida mavjud bo'lib, shaxsga nisbatan tashqi istaklarning ta'siri uni o'zgartirib yuboradi.

Eksperimental konsepsiyaning asosini J. Delez va F. Gvattarining shizoanaliz konsepsiyasi tashkil etadi deb hisoblash mumkin. Bu konsepsiya doirasida o'qish tabiatining kelib chiqishi "ongsizlikning ishlab chiqaruvchi kuchi"ga asoslanadi.

Ushbu mulohazaga ko'ra, inson ongidagi tasavvurlarni shakllantirishda yaratuvchanlik va ko'r ko'rona taqlid usullari muhim rol bajaradi. Mazkur usullar ongda turli obrazlar, so'zlar va istaklarni yaratish va qayta ishlab chiqarishga undaydi. Bu ma'noda jamiyatdagi madaniy ishlab chiqarish va insoning xohish- istaklarini ishlab chiqarish mohiyatan bir xil sanaladi.

Dunyoning modelini qurishdan butunlay voz kechgan postmodernizmdan farqli o'laroq, eksperimental konsepsiya jamiyatning yaxlit tizimini shakllantirishga intiladi. Unga ko'ra, madaniyatning barcha tushunchalari ikki qutb – hissiyot va ratsionallik o'rtasida taqsimlanadi. Bu ikki qutb bir-biriga zid bo'lgan fikrlash usullarini hosil qiladi. Bunda birinchisi (hissiy emotsionallik) so'zsiz ijobiy deb baholanadi, ikkinchisi (ratsionallik) esa, aksincha, madaniyatning barcha salbiy jihatlarni o'zida mujassamlashtiradi.

Ijtimoiy tuzilmalarning makrodunyosi ratsionallikka asoslangan bo'lib, "davlat" tafakkuriga tayanadi. Uning negizida aynanlik, o'xshashlik, haqiqat, adolat va inkor tushunchalari yotadi. Bu esa

alohida shaxsning fikrlashi va intilishlarini ierarxik tarzda shakllantirish, ularga yagona yo‘nalishlar belgilash, ya‘ni ularni “hududlashtirish” imkonini beradi. “Molekular” mikroolam esa hissiy emotsional farqlilik va har qanday markazlashgan tartibni buzuvchi kuchlarning erkin o‘yiniga asoslangan “ko‘chmanchi” fikrlash tamoyillari asosida quriladi [2,c.11-22].

Mutolaa fenomenini tushuntirishda zamonaviy konsepsiyalardan yana biri bu psixologik-kognitiv yondashuvi sanaladi. Mazkur konsepsiya mualliflari jamiyatning me‘yorlashtiruvchi tuzilmalaridan ozod bo‘lgan shaxsning xulq-atvorini “dekonstruksiyalangan subekt” yoki “shizoid” sifatida talqin qiladilar. Bu tushuncha ruhiy kasal odamning xatti-harakatlarini emas, balki jamiyat qonun-qoidalarini ongli ravishda rad etib, o‘zining tabiiy “istak ishlab chiqaruvchi” kuchiga, ya‘ni ongsizligiga bo‘ysunuvchi shaxsning xatti-harakatlarini ifodalaydi. O‘z “shizo”si (ya‘ni insonning asosini tashkil etuvchi emotsional ovozigacha quloq solish talabi ruhiy hayotdan madaniyat tomonidan singdirilgan me‘yoriy tuzilmalarni chiqarib tashlash zaruriyatiga olib keladi. Shu nuqtai nazardan, matnni yagona belgilangan qoidalar asosida to‘g‘ri talqin qilish amaliyoti sifatidagi o‘qish rad etiladi va u oldindan belgilanmagan hisoblanadi. Mutolaa – bu tanib olish emas, balki tovar dunyosi ramzlari erkin yaratish, kodlarni yechish, qayta kodlash va matn kodlarini “istak ishlab chiqarish”ning ichki jarayonlariga muvofiq qayta tashkillashni anglatadi [3,c.161-178].

Soddaroq qilib aytganda, psixologik – kognitiv konsepsiyaga ko‘ra, matn qotib qolgan jonsiz organizmdan ko‘ra yorqin va turfa xil o‘zgarishlarga ochiq fikr maydoni sifatida namoyon bo‘ladi. Bunda mutolaa jarayoni matn doirasida ixtiyoriy erkin tafakkur bilan uni markazlashgan boshqarish yoki nazorat qilishga urinish o‘rtasidagi kurash maydoni sifatida qabul qilinadi. Markazlashmagan matn chuqur ma‘no va aksiologik jihatdan ajralib turadigan talqinni nazarda tutadi. R.Bart ta‘biri bilan aytganda, til orqali belgilangan matn faqatgina shakl nuqtai nazaridan muayyan qolibga tushadi, aslida esa uning mazmuni hech qanday qolip yoki shaklga tushmaydi [4,c.180-213].

Mutolaaning mohiyati tushunchalarni erkin yaratish va ularni keyinchalik qo‘llashni ko‘zda tutadi. Bu tushunchalar “oldindan berilgan” yoki “azaldan” mavjud bo‘lgan emas, balki inson uchun hali dunyoning obektiv tuzilishiga kirmagan, ammo endi “tashqi olam”ning bir qismi bo‘lishi mumkin narsalarni ifodalaydi.

Psixologik-kognitiv konsepsiyasi e‘tiborni natijadan jarayonning o‘ziga, mutolaa uslubiga qaratadi. F.Gvattarining ta‘kidlashicha, “ifodalovchi va ifodalanuvchining majburiy va mutlaq ziddiyati yozuv mashinasi paydo bo‘lishi bilan vujudga kelgan ifodalovchi imperializmi ta‘siriga duchor bo‘lgan. Bunday holda barcha narsa qonuniy ravishda belgilarga keltiriladi. Bu mustabid qayta kodlash qonunidir”. F.Gvattari ifodalovchini “buyuk mustabid (yozuv davri) belgisi” va “buyuk imperiyalarga olib boruvchi ulkan arxaizm” sifatida tushunish to‘g‘ri deb hisoblaydi. Bunday modelning maqsadi “madaniyatga qarshi turuvchi mavhum qayta kodlash yo‘nalishlarini” izlashni anglatadi [5,c. 222].

Bir so‘z bilan aytganda, mutolaa – bu subektivlashuv, mustaqillikka erishish jarayonlaridan biri bo‘lib, uning xususiyati insonning ko‘plab niqoblarni sinab ko‘rishiga imkon beradi [6,c.287]. Bu ma’noda, mutolaa muayyan matn usullari orqali muallifni obektivlashtirish va u bilan bog‘liq bo‘lgan shaxssiz shakllanish yoki o‘zining “Man-shakllanish” jarayonlarini ozod qilishni nazarda tutadi. O‘qish faoliyatining mohiyati xabarlarini uzatish va o‘zlashtirishda emas, balki shaxsga zamonaviy ommaviy axborot vositalari tartibsizligi ostida barqarorlikka erishish imkonini beruvchi ekzistensial operatorlarni faollashtirishda namoyon bo‘ladi. Bu poetik-ekzistensial katalizator semiotik jihatdan tuzilgan ma’noli va ma‘no beruvchi to‘qimalar ichidagi faol jarayonli uzilishlarni amalga oshirish orqali o‘quvchini “qayta kristallash”ni ishga tushiradi, shu asosda u yangi referensial olamlarni harakatga keltiradi [7,c.138]. Boshqacha qilib aytganda, o‘qish - bu doimo matnning qotib qolgan, shakllantiruvchi ma‘nosidan qochish, yangi munosabatlar maydonini yaratish uchun uning chegaralarini buzish, uzluksiz ma‘no o‘zgarishi jarayonidir.

M.Blanshoning fikriga ko‘ra, mutolaa erkinlikning bir shakli hisoblanadi [8,c.167-177]. Mutolaa jarayoni “tushunish harakatidan oldin yoki undan tashqarida” markazlashgan. Bunday o‘qish talqin qilish usullaridan butunlay farq qiladi, chunki asar, uning fikricha, obektiv maqomga ega emas. M.Blanshoning taklifi shundan iboratki, biz “asarni o‘z holicha qabul qilishimiz va shu yo‘l bilan uni muallif tasiridan ozod etishimiz kerak”.

M.Blansho o'qish harakati hech narsani o'zgartirmaydi va qo'shmaydi, balki narsalarning o'z holida bo'lishiga imkon beradi, degan fikrdan kelib chiqib, mutolaani o'zini aslida qanday bo'lsa shunday ko'rish imkoniyati, ya'ni "o'zini o'qish" sifatida talqin etadi. Boshqacha aytganda, mutolaa jarayonida ong o'z-o'ziga qaratiladi, ammo u borliqning hech qachon to'liq anglab bo'lmaydigan shakli tomon intilmaydi. Olim bu jarayonni "mohiyatli mutolaa" deb ataydi. "...O'quvchiga o'zi uchun yozilgan asar kerak emas - u aynan asarning g'ayrioddiy bo'lishini istaydi, undan noma'lum narsani, boshqa voqelikni, uni o'zgartira oladigan va unga aylana oladigan o'zga ruhni topishni xohlaydi" [9,c.3-11].

Mutolaa jarayoni, asar haqiqiy o'lchovlarini ochib berishi mumkin bo'lsa-da, muallif o'z asari haqida hech qachon bunday amal qila olmaydi. M.Blanshoning ta'kidlashicha, "yozuvchi hech qachon o'z asarini o'qiy olmaydi. Bu uning uchun erishib bo'lmas narsa, u yaratgan sir uning nazaridan chetda qoladi. O'zini o'qishning imkonsizligi shuni anglatadiki, endi asar ochgan makonda boshqa ijod uchun joy yo'q, shu bois yagona imkoniyat, bu asarni qayta-qayta yozishda namoyon bo'ladi".

Zamonaviy jamiyat sharoitida mutolaaning mohiyatiga diqqat qaratgan yana bir konsepsiyalardan biri bu, ekzistensial yondashuv bo'lib, u ekzistensializm g'oyalariga asoslangan va individual inson mavjudligi muammosi atrofida markazlashgan konsepsiyalarni o'z ichiga oladi

Shuni ta'kidlash joizki, ekzistensialistlar uchun o'qish falsafiy mulohazaning asosiy mavzusi bo'lmagan. Ularning asarlarida o'qishning to'liq rivojlangan modeli uchramaydi. Bu masala asosan mualliflarning asosiy g'oyalarini tasvirlash yoki tasdiqlash uchun qo'shimcha mavzu sifatida yoritilgan. Shu sababli, mutolaa hodisasini tahlil qilishga u yoki bu tarzda aloqador bo'lgan va mutolaaning mualliflik modelini ishlab chiqishda samarali asos bo'lib xizmat qilgan g'oyalarni ajratib ko'rsatamiz.

Eksperimental konsepsiyadan farqli o'laroq, ekzistensial yondashuvda mutolaa shaxsning o'zini mukammallashtirishi, mutlaq haqiqatga yaqinlashishi sifatida namoyon bo'ladi.

Umuman olganda, mutolaa masalasiga ekzistensial yondashuv o'qishni tushunishda maksimal xolislikni talab etadi, bu esa uni talqin qilishning har qanday nazariy tamoyillarini majburlab singdirishga yo'l qo'ymaydi. Mutolaa - bu fikr yuritish emas, balki boshdan kechiriladigan jarayondir. Ushbu yondashuv tarafdorlari mutolaani bilish yoki rivojlanish vositasi sifatida emas, mavhum texnologiya sifatida ham emas, balki insonning mavjudlik usuli sifatida ko'rib chiqadilar. O'qish hayotiy ssenariylarga, insonning dunyoda o'zini namoyon qilish shakllariga singib ketgan bo'lib, unda shaxsning "o'zini shakllantirishi" sodir bo'ladi. U inson mavjudligining asosiy "kayfiyati" bo'lmish borliqning dahshati oldidagi ochiq zaiflikdan qo'rquv va o'zining g'oyat nochor ekanligini anglashdan kelib chiqadi. Inson mutolaa orqali borliq dahshatidan boshpana topishga, qo'rquvdan o'zini himoyalashga intiladi. "Bu qo'rquv oddiy – inson vaqtini yo'qotishdan qo'rqib yozadi va o'qiydi, so'zga quloq tutadi va o'zini ishontiradiki, bu so'z bilan qo'llab-quvvatlanadigan e'tibor uning haqiqiy borlig'idir. Yozish va o'qish sirlari umr vaqtini xotirada metafizik tarzda saqlanadigan vaqt bo'lagiga aylantirish orqali qo'rquvdan himoalanishni va'da qiladi, bu insonning muallif-o'quvchi sifatidagi o'zligini anglash yaxlitligidir [10,c.122]. Shunday qilib, o'qish insonning o'zini yaratishi sifatida namoyon bo'ladi, ya'ni inson mutolaada boshqalar tajribasi orqali o'zini shakllantiradi.

Ekzistensial konsepsiya tarafdorlari o'qishning yagona munosib maqsadi deb faqat o'zini "dunyodagi mavjudlik" sifatida anglash, o'z mohiyatining chuqur tuzilishini ochish, o'z haqiqiylikiga yetishish va ekzistensialga yaqinlashishga intilishni tan oladilar. Chunki mazkur konsepsiya vakillarining fikriga ko'ra, insonlar ongli faoliyatining barcha ko'rinishlari asosida ekzistensiyaning anglanmagan ijodi yotadi [10,c.132].

Mutolaa fenomenini tahlil etishda qo'llaniladigan zamonaviy konsepsiyalarning biz taqdim etgan tasnifiy, yakuniy emas, balki markaziy tadqiqot vazifalarini hal qilish uchun asos bo'lib xizmat qiladi va mutolaaning zamonaviy nazariy tushunchalarining o'ziga xos yo'nalishlarini ko'rsatadi.

Keltirilgan konsepsiyalarni ajratib ko'rsatish, bizning fikrimizcha, ijtimoiy fanlardagi mutolaa muammolari tadqiqot maydonining barcha asosiy qismlarini to'g'ri taqdim etish imkonini beradi. Bu maydon umumjamiyat miqyosida makroiijtimoiy hamda obektiv-predmetli subektiv-qadriyatli yagona koordinatalar tizimi bilan belgilanadi. Ta'kidlash joizki, ilmiy bilimning ushbu sohasida yangi g'oyalarni ishlab chiqish asosan mavjud konsepsiyalarni keskin o'zgartirish va rad etish yo'li bilan

emas, balki ularni batafsil o'rganish, chuqurlashtirish, rivojlantirish va bu g'oyalarni umumiy tadqiqot maydoniga kiritish orqali amalga oshiriladi.

Bunda u yoki bu konsepsiyasining ommaviyligi ko'p jihatdan nafaqat uning paydo bo'lish vaqtiga, balki jamiyatning madaniy an'analariga ham bog'liq.

ADABIYOTLAR:

1. Бауман Философские связи и влечения постмодернистской 1 Антология мировой философии. В 4 т.- М.: Мысль, 1968.
2. Социологии чтение// Вопросы социологии. - 1992. - Т. 1, № 2. - С. 11 -22.
3. Бланшо М. От Кафки к Кафке II Всемирная философия XX век: сб. текстов. - Минск, 2004.-С. 161-178.
4. Бланшо М. Произведение и коммуникация // Пространство литературы / М.Бланшо. - М., 2002. - С. 180-213.
5. Больнов О. Философия экзистенциализма: философия существования / Отто Фридрих Больнов. - СПб.: Лань, 2004. - 222 с.
6. Бурдьё П. Начала : пер. с фр. / Пьер Бурдьё; пер. Шматко Н.А. - М.: SocioLogos, 2008.-287 с
7. Бурдьё П. Правила искусства. Генезис и структура поля литературы =Les regies de Parts: Genese et structure du champ litteraire I П.Бурдьё. - Paris: Seuil, 1992.-138 с.
8. Бурдьё П. Чтение, читатели, ученые, литература // Бурдьё П. Начала / Пьер Бурдьё; пер. Шматко Н.А. - М., 2006. - С. 167-177.
9. Бутенко И.А. Постмодернизм как реальность, данная нам в ощущениях II Социс. - 2000. - № 4- С.3-11.
10. Гадамер Г.Г. Введение к «Истоку художественного творения» // Хайдеггер М. Работы и размышления разных лет. - М., 2011. - С. 117-132.

REZYUME:

Mazkur maqolada mutolaa fenomenini talqin etishning zamonaviy konsepsiyalari ilgari surilgan qarashlar tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: mutolaa, kitobxon, matn, inson mohiyati, mavjudlik, ekzistensiya, ijtimoiy ong, jamiyat, makroiijtimoiy, sotsial funktsiya.

PEZIOME:

В данной статье анализируются взгляды, по интерпретации феномена чтения выдвигаемые современными концепциями.

Ключевые слова: чтение, читатель, текст, человеческая природа, существование, общественное сознание, общество, макросоциальное, социальная функция.

RESUME:

This article analyzes the views put forward by modern concepts of interpreting the phenomenon of reading.

Keywords: reading, reader, text, human essence, existence, social consciousness, society, macro-social, social function.

**MILLIY AXLOQIY QADRIYATLAR VA MILLIY MENTALITETNI JAMIYATGA TA'SIRI
HAMDA MILLIY O'ZLIKNI ANGLASHDAGI AHAMIYATI****Yuldasheva M. -***Qo'qon DPI dotsenti, falsafa fanlari nomzodi* 10.24412/2181-7294-2025-1-111-114

Milliy mentalitet millatning tarix davomidagi tabiiy sharoitlari, muvaffaqiyatli, og'riqli, madaniy, iqtisodiy, ijtimoiy, diniy, ma'naviy-ma'naviy hayotiy jarayonlari ta'sirida shakllanib, uning xulq-atvori va faoliyatida namoyon bo'ladi. Mentalitetning arxetip unsurlari keng vaqt oralig'ida o'zgarishsiz qolmoqda. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, "mentalitet taraqqiyotga nisbatan alohida immunitetga yega, u an'anaviy ijtimoiy institutlarga kiradi". Hozirgi o'tish davrida ro'y bergan yangilanish mentalitetning mazmun-mohiyatini ochib berdi. Demak, yangilanish mentalitetni himoya qilish – ya'ni o'tmish xususiyatlarini himoya qilish yoki bugungi kun talablarini mentalitet xususiyatlariga moslashtirish zaruratini ham keltirib chiqardi.

Bizga ma'lumki, milliy axloqiy qadriyatlar va milliy mentalitet asosan bir-biriga yaqin tushunchalardir. Demak, har ikki holatda ham millat merosi, diniy-falsafiy, dunyoqarashi, o'ziga xos xususiyatlari va hokazo. Oddiy qilib aytganda, milliy axloqiy qadriyatlar kengroq ma'noga ega bo'lib, xalqning butun tarixi, madaniyati, falsafasi, adabiyoti va boshqalarni o'z ichiga oladi, o'zida aks ettiradi. Zero, milliy mentalitet – odamlarning ijtimoiy ongidagi dunyoqarashning o'ziga xos, milliy identifikasiya yo'lida ifodalanishidir. Milliy axloqiy qadriyat(lar) deganda milliy mafkuraning shakllanishida muhim o'rin tutgan milliy boyligimiz, madaniyatimiz, ma'naviyatimiz, tilimiz, urf-odatlarimiz, diniy-falsafiy dunyoqarashimiz tushuniladi. Darhaqiqat, bu yerda asosiy va muhim narsa milliy ma'naviyat, milliy boyluk, milliy o'ziga xoslik va milliy mentalitetdir. Shu ma'noda "milliy ma'naviy qadriyat" tushunchasidagi "qadriyat" baho berishdan ko'ra millatning boyligi, o'ziga xosligini bildiradi.

Shuningdek, milliy axloqiy qadriyat deganda biz O'zbekiston xalqining boyligi, siymosi, urf-odatlarini, madaniyati tushuniladi. Bizningcha, axloqiy qadriyatlar ma'naviyat bilan chambarchas bog'liq bo'lib, u millat mavjudligini ochib beruvchi asosiy omillardan biridir. Shu bilan birga u shaxsning o'zini namoyon qilgan etnik o'ziga xoslik doirasida tasdiqlashidir. Garchi millatning alohida a'zolari milliy axloqiy qadriyatlarning yaratuvchisi bo'lsalar ham, keyinchalik bu a'zolarining ma'naviy-mafkuraviy, axloqiy g'oyalari butun jamiyatning umumiy boyligiga aylandi. Shuni aytish joizki, O'zbekiston xalqining ham milliy tili, milliy mentaliteti, milliy xarakteri, e'tiqodi, dini, urf-odatlarini va boshqalari bor. Bular milliy axloqiy qadriyatlar shaklida saqlanib qolgan.

Milliy mentalitet – bu milliy axloqiy qadriyatlardan milliy o'zlikni anglashga o'tish[1]. Demak, xalqda milliy axloqiy qadriyatlar milliy o'ziga xoslik darajasida namoyon bo'ladi, o'sha xalqda milliy uyg'onish va milliy o'zlikni anglash zaruriyati paydo bo'ladi. Ya'ni milliy etnik o'ziga xoslik, til, madaniyat va boshqalarni assimillatsiya qilish istagini his qilib, o'zini himoya qilishga harakat qiladi. Hozirgi vaqtda milliy axloqiy qadriyatlar milliy mentalitet – etnik kelib chiqishi, tili, madaniyati, diniy mafkurasi, ijtimoiy hayot, maishiy munosabatlar va boshqalar shaklida namoyon bo'ladi. U o'z o'tmishini ongida jonlantiradi, uni uyg'otadi va faqat o'ziga tegishli bo'lgan milliy axloqiy qadriyatlar, milliy boyluklar bilan kurashish darajasiga ko'taradi. Bu yesa muqarrar ravishda milliy o'zlikni anglash va milliy uyg'onishga olib keladi. Umuman olganda, mentalitet har bir xalqning o'ziga xos psixologik, madaniy, diniy va falsafiy turmush tarzidir. Shu ma'noda, har qanday xalq boshqa xalqlardan ajralib turmasdan, faqat o'z o'tmishiga tegishli bo'lgan milliy xususiyatlarini belgilamasdan turib, milliy mustaqillik uchun kurasha olmaydi.

Zero, milliy o'zlikni anglash jarayoni, shubhasiz, milliy mentalitetning yuksak bosqichga ko'tarilishidan boshlanadi. Shu ma'noda milliy mentalitet bilan bog'liq har bir tushuncha milliy o'zlikni anglash darajasiga ko'tarilib, milliy g'oyaga aylana olmaydi. Ana shu tushunchalargina milliy mentalitet darajasidan milliy o'zlikni anglash darajasiga, so'ngra jiddiy ilmiy, falsafiy, iqtisodiy,

siyosiy va ma'naviy yo'nalishlarga ega bo'lgan milliy g'oyaga ko'tarilishi mumkin. Chunki milliy mentalitetdan farqli o'laroq, milliy o'z-o'zini anglash har qanday etnik jamoaning o'zining boshqa xalqlardan farqli jihatlarini anglashi va o'zini millat sifatida tasdiqlashidir.

Shu ma'noda milliy axloqiy qadriyat bilan milliy mentalitet, milliy mentalitet va milliy o'zlikni anglash o'rtasidagi o'xshashlik va farqlarni hamda bu tushunchalarning milliy g'oyasini ajratib ko'rsatish zarur. Bizningcha, milliy axloqiy qadriyat va milliy g'oya xalqning nasl-nasabi, tili, dini va boshqa muhim xususiyatlarini aks ettiradi. Har bir xalq o'z milliy borligini saqlab qolish uchun o'zining ko'pgina boyliklari – tili, davlatchiligi, diniy-falsafiy dunyoqarashi, madaniyati va boshqalardan foydalanadi, milliy axloqiy qadriyatlar yoki milliy mentalitet sifatida xotiralarda yashaydi va avloddan avlodga o'tadi. Biroq shunday milliy axloqiy qadriyatlar borki, ular bugungi kungacha saqlanib qolgan bo'lsada, ularni shu ma'noda milliy g'oya sifatida qabul qilish to'g'ri bo'lmaydi. Masalan, , keksalarga hurmat, xotin-qizlarga, onalarga munosabat, halollik, to'y va dafn marosimlariga munosabat va hokazo. Bularning barchasini yuqorida tilga olingan milliy mentalitet tushunchasi bilan ko'proq bog'lash mumkin.

Demokratik jamiyatda axloqiy qadriyatlar shaxsning nafaqat o'zini, balki boshqalarni ham hurmat qilish tamoyilini rivojlantiradi. Har bir fuqaro jamiyat hayotida faol ishtirok etishi va o'z mas'uliyatini tushinishi zarur. Demokratik tizimda ozchilikning huquqlari va manfaatlarini himoya qilish muhim axloqiy tamoyil hisoblanadi. Jumladan, demokratik mentalitet nafaqat siyosiy tizimni, balki jamiyatni ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy jihatdan taraqqiy ettirish uchun ham asos yaratadi. Bunda ta'lim, erkin bozor iqtisodiyoti va inson huquqlarining ta'minlanishi muhim ahamiyat kasb etadi. Demokratik mentalitet jamiyatning barcha sohalariga ta'sir ko'rsatib, ijtimoiy hamkorlik, tinchlik va barqarorlikni ta'minlashga xizmat qiladi. Bu mentalitet g'oyaviy-mafkuraviy va ijtimoiy-madaniy liberalizmning negizini tashkil etadi, chunki u erkinlik, tenglik va adolat tamoyillarini targ'ib qiladi. Shu bilan birga, u fuqarolarning o'z salohiyatlarini ro'yobga chiqarishiga va siyosiy tizimni doimiy ravishda yaxshilashga imkon beradi. U.Mats fikricha, bugungi kunda asosan liberal talqindagi mafkuraga ehtiyoj mavjud. Biroq ba'zi mutaxassis olimlarning ko'rsatishlaricha, ayni shu munosabat bilan qirq yilcha avval G'arb tanlagan bu yo'l ilgarigi "yumshoq" keynscha sotsial kapitalizmni qayta qurish va uning asosiga yangi fundamentalistik neoliberalizm^[2] mafkurani qo'yish strategiyasi ishlab chiqilgan.[2] Bu mafkura "manba'ga qaytish" deb talqin etilgan va D.Xarvining "Neoliberalizmning qisqacha tarixi" nomli kitobida yoritilgan. Ijtimoiy ong uni qabul qila olmagan edi. Zero unda avvalo ilgarigi klassik liberalizm pozitsiyasiga ham, yangi Reformatsiya g'oyalariga ham, dastlabki xristianlik g'oyalariga ham zid keladigan – universal gumanistik ideallardan voz kechishdan tortib to yangi budparastlikka qadar olib keladigan fundamentalistik konsepsiya o'z ifodasini topgan edi.[3] Ayni shu jarayonni nazarda tutarkan, Amerikaning taniqli faylasufi E.Toffler o'zining "Hokimiyatning siljishi" (1990) nomli kitobida "Yer qimirlashidan oldin uning tektonik qatlamlarida siljish bo'lganiday, jahon tarixida juda noyob hodisalardan biri sodir bo'lmoqda – hukmronlikning o'z mohiyati o'zgarmoqda"[4] deb yozgan edi.

Bugun O'zbekiston milliy mentaliteti deganda biz o'zbek xalqining an'analari va konservatizmini nazarda tutamiz. Bu masalalarning salbiy tomoni shundaki, vaqti-vaqti bilan shakllangan ko'plab odatlar bizga milliy mentalitet sifatida taqdim etilmoqda. Mamlakatimizda islom dini qaror topgach, mentalitetimizning asosiy qismi islomiy qadriyatlarga asoslanadi. Ba'zan shunday bo'ladiki, biz xalqimizga tegishli bo'lmagan ba'zi qadriyatlarni milliy mentalitet sifatida qabul qilamiz va ularni o'zimizga xos xususiyatlar sifatida tavsiflashga harakat qilamiz. Aksariyat hollarda milliy mentalitet sifatida ko'rsatilayotgan bu qadriyatlar mamlakatimizda yashovchi etnik guruh, milliy ozchilik yoki biron bir qabila yoki guruhga tegishli bo'lib chiqadi. Darhaqiqat, har bir millat va xalqning milliy ruhi, milliy tafakkuri va qandaydir mentalitet-ruhiy qadriyatlari bor. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, mentalitet – bu millatga xos milliy-axloqiy qadriyatlar majmuidir.

² Neoliberalizm - nem. tilida Neoliberalismus. G'arb iqtisodiyot fanida liberalizmning o'rniga kelgan yo'nalish. U iqtisodiy jarayonlarda erkin raqobatni davlat nazorati bilan qo'shib – "raqobat mumkin qadar, rejalashtirish zaruriyat qadar" prinsipiga ko'ra amalga oshirilishi kerakligini asoslovchi tamoyil sifatida ta'riflanadi.

Shuningdek, mafkura muayyan ijtimoiy vazifalarni bajaradi va ijtimoiy guruhlar va ijtimoiy-siyosiy tendensiyalar manfaatlariga xizmat qiladi. Fikrlash va xulq-atvorning tegishli turlarini yoki hatto ijtimoiy faoliyat dasturini ishlab chiqadi. Milliy mafkura siyosiy talablarni ifodalaydi. Siyosiy kuchlar tashqi sharoitga va aholining milliy o'z-o'zi anglashiga qarab millatning madaniy o'ziga xosligini himoya qilishni, millatning hayotiy manfaatlarini ta'minlash maqsadida geosiyosiy makonni kengaytirishni yoki milliy o'zligini himoya qilishni talab qilishi mumkin. uning hududi va milliy suverenitetini chet el aralashuvidan, "mahalliy millat" uchun imtiyozlar yaratishdir.

Zero, mafkura siyosiy, huquqiy, falsafiy, axloqiy, diniy, estetik g'oyalar va qarashlar tizimi bo'lib qoladi. Demak, mafkurasiz jamiyat mumkin emas. Milliy mafkura keng tushuncha bo'lsa, milliy g'oya ko'proq millatga xosdir. Milliy g'oya millatga, mafkura davlatga xizmat qiladi. Milliy g'oya milliy mafkuraga aylanganda ham millatga, ham davlatga xizmat qiladi. Bundan tashqari milliy mafkura bir davlat hududida yashovchi ko'p sonli millatga emas, balki butun millat, xalq, etnik guruh va boshqa milliy ozchiliklarga xizmat qiladi.

O'zbek xalqining milliy xarakteri va mentaliteti ta'sirida shakllangan milliy mafkura – jahonda milliy o'zini-o'zi tasdiqlashning asosiy omili deb hisoblangani inkor yetib bo'lmaydigan haqiqatdir. Milliy-siyosiy mentalitetning yaratuvchisi xalq va siyosiy elita ekanligi ham ma'lum. Albatta, madaniyat negizida shakllangan siyosiy mentalitet an'ana bilan bog'liq bo'lib, siyosiy hayotda amalga oshadi. Chunki bir tomondan, xalq farovonligi, turmushining real darajasi va sifati bo'lsa, ikkinchi tomondan, milliy va insoniy qadriyatlar bilan boyitilgan o'z-o'zini anglashi, mazmun-mohiyatini belgilovchi omillar sifatida qaraladi.

"Mentalitet" atama sifatida birinchi marta 1856 yilda amerikalik olim Emerson tomonidan qo'llanilgan va darhol keng qo'llanila boshlandi[6]. Natijada fransuz gumanisti Marsel Prust uni neologizm sifatida o'z lug'atiga kiritdi. "Mentalitet" tushunchasini zamonaviy tadqiqotchilar ham uni madaniyatning alohida turi deb bilishadi. Siyosiy-falsafiy adabiyotlarda mentalitetni "milliy xarakter" sifatida qabul qiluvchilar ham bor. XX-asr fransuz gumanistlaridan Levi-Bryul, Lefebvre, Meerson, Fevr, Toff, Dobi va boshqalar turli yillarda mentalitet haqida turlicha fikr bildirgan. "Ko'rib turganimizdek, mentalitet vamentallik bo'yicha tadqiqotlar faol rivojlanmoqda, umuman mentalitet tarkibida mentallik hodisasi, uning tuzilishi va tarkibiy qismlari o'rganilmoqda, turli etnik guruhlar va ijtimoiy guruhlarining mentaliteti ya'ni, mentalligi tahlilga tortilmoqda. Shu bilan birga, olimlar ushbu tushunchalarning konsepsiya mazmunining murakkabligini ichki ma'nolarning farqlanishi bilan bog'liqligini ta'kidlamodalar. Biz o'z tadqiqotimizda ularning quyidagi fikrlariga tayangan holda mentallikni mentalitetning sinonimi va tarkibiy qismi sifatida qaraymiz. Bizningcha "mentalitet ajdodlar xotirasidir. U tabiiy va ijtimoiy meros dasturlari sinteziga asoslanadi" mentallik esa uning shakllanish asnosida namoyon bo'lishidir. Zero, mentalitet genetik shakllanish sifatida mentallik hodisasining kelib chiqishini hamda mentalitetning kelib chiqishi va evolyusiyasi jarayoniga ta'sir etuvchi omillar bilan bog'liqdir"[7].

Sirasini aytganda, Mafkuraviy va ijtimoiy-madaniy liberalizmning asosi sifatida siyosiy mentalitet tushunchasi siyosiy mafkuralar va madaniy meyorlarni shakllantirishda jamoaviy va individual tafakkurning rolini ta'kidlaydi. Siyosiy mentalitet odamlarning siyosiy jarayonlarni va ijtimoiy tuzilmalarni qanday idrok etishi va ular bilan aloqa qilishiga ta'sir qiluvchi munosabatlar, e'tiqodlar, qadriyatlar va kognitiv asoslarni o'z ichiga oladi. Siyosiy mentalitet deganda siyosiy xulq-atvor va fikrni shakllantiruvchi jamoaviy ong va individual moyillik tushuniladi. U kognitiv elementlarni (e'tiqod va bilim), affektiv elementlarni (hissiyotlar va munosabatlar) va me'yoriy elementlarni (qadriyatlar va tamoyillar) o'z ichiga oladi. Liberal mafkuraning markazida shaxs huquq va erkinliklarining ustuvorligiga ishonishdir. Liberalizmni qo'llab-quvvatlovchi siyosiy mentalitet shaxsiy avtonomiya, so'z erkinligi va fuqarolar erkinliklarini himoya qilishga urg'u beradi. Liberal siyosiy mentalitet oqilona munozara, tanqidiy fikrlash va dogma va avtoritarizmga shubha bilan qarashni rag'batlantiradi. Dalillarga asoslangan siyosat ishlab chiqishni qo'llab-quvvatlaydi va intellektual erkinlikni qadrlaydi. Turli qarashlar va madaniyatlarga bag'rikenglikni ta'kidlaydi. Ko'p mafkuralar birga yashashi va tinch raqobatlasha oladigan muhitni rivojlantiradi.

Barcha shaxslar muvaffaqiyatga erishish uchun teng imkoniyatlarga ega bo'lishi kerak, deb hisoblagan holda, ijtimoiy va iqtisodiy tenglikni himoya qiladi. Shu nuqtai nazardan siyosiy mentalitet

tengsizliklarni kamaytirish va ijtimoiy adolatni ta'minlashga qaratilgan siyosatni qo'llab-quvvatlaydi. Ijtimoiy-madaniy liberalizm madaniy xilma-xillik va innovatsiyalarga ochiqlik bilan ajralib turadi. Liberal siyosiy mentalitet multikulturalizm va madaniyatlararo muloqotni qadrlaydi va ilgari suradi. Ijtimoiy-madaniy liberalizmni qo'llab-quvvatlovchi siyosiy mentalitet shaxsiy erkinliklarni cheklovchi an'anaviy me'yorlarga qarshi chiqadi. Ijtimoiy munosabatlarda insonparvarlik, rahm-shafqat va hamdardlikka urg'u beradi. Inson qadr-qimmatini himoya qiluvchi va jamiyatning barcha a'zolari farovonligini ta'minlovchi siyosat va amaliyotlarni qo'llab-quvvatlaydi.

ADABIYOTLAR:

1. Беляев М.И. Концепция русского национальноо государства. - М., 2006
2. Тоффлер, Элвин. Третья волна. М.: АСТ, 2004 — 784 с.
3. Mansur Raxmatullayevich B̧Riyev JAMIYAT MODERNIZATSIYASI JAROYONIDA MILLIY MENTALITETDA KECHAYOTGAN O'ZGARISHLAR // Academic research in educational sciences. 2024. №TSUE Conference 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/jamiyat-modernizatsiyasi-jaroyonida-milliy-mentalitetda-kechayotgan-o-zgarishlar> (дата обращения: 06.09.2024).
4. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Mentalitet>
5. Mamaraimova O. "MENTALITET" VA "MENTALLIK" HODISASIGA ILMIY – FALSAFIY YONDOSHUV // Экономика и социум. 2024. №3-1 (118). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mentalitet-va-mentallik-hodisasiga-ilmiy-falsafiy-yondoshuv> (дата обращения: 06.09.2024).

REZYUME:

Maqolada milliy axloqiy qadriyatlar xalqning butun tarixi, madaniyati, falsafasi, adabiyoti va boshqalarni ŷz ichiga olish barobarida O'zbekiston xalqining boyligi, siymosi, urf-odatlar, madaniyatida tutgan o'rniga hamda milliy mentalitetni millatning tarixiy, tabiiy sharoitlari, muvaffaqiyatli, og'riqli, madaniy, iqtisodiy, ijtimoiy, diniy, ma'naviy-ma'naviy hayotiy jarayonlari ta'sirida shakllanib borishiga asosiy e'tibor qaratilgan

Kalit so'zlar: Mafkura, milliy mentalitet, qadriyat, jamiyat, millat, inson, demokratiya.

PEZIOME:

Национальные моральные ценности включают в себя всю историю, культуру, философию, литературу и т.д. нации. в то же время богатство, характер, обычаи, культура народа Узбекистана и Национальный менталитет формируется под влиянием исторических, природных условий нации, культурных, экономических, социальных, религиозных, духовных жизненных процессов.

Ключевые слова: Идеология, национальный менталитет, ценности , общество, нация , человек, демократия.

RESUME:

The article argues that national moral values encompass the entire history, culture, philosophy, literature, etc. of a people. At the same time, the wealth, image, traditions, and culture of the people of Uzbekistan are preserved . instead of and The national mentality is formed under the influence of the nation's historical and natural conditions, successful and painful cultural, economic, social, religious, and spiritual life processes. The main focus is on the progress

Keywords: Ideology, national mentality , values , society, nation , human, democracy.

ODAM O'G'IRLASH BILAN BOG'LIQ JINOYATLARGA QARSHI KURASH VA OLDINI OLISH

Ortiqov A.N. –

*O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
Axborot-resurs markazi boshlig'i, mustaqil izlanuvchi,*

doi 10.24412/2181-7294-2025-1-115-118

Hozirgi globallashuv sharoitida qonuchiligimizning eng muhim belgilari inson, uning hayoti, huquq va erkinligi, qadr-qimmati, qonuniy manfaatlarini ta'minlash, ozod va obod adolatli fuqarolik jamiyatini rivojlantirish hamda demokratik huquqiy davlat qurish bilan bog'liq o'zgarishlar bilan alohida ahamiyat kasb etadi.

Hozirgi vaqtda urf-odat sifatida ba'zi bir hududlarda uylanish va uni majburiy nikohga kiritish maqsadida qiz o'g'irlash holatlari kuzatilmoqda, misol tariqasida, Qoraqalpog'istonning Qonliko'l tumanida 30 yoshli erkak 24 yoshli qizni unga uylanish maqsadida o'g'irlab ketganligi va IIV Tergov departamenti ushbu holat yuzasidan Jinoyat kodeksining 136-moddasi (ayolni erga tegishga majbur qilish yoki uning erga tegishiga to'sqinlik qilish) bilan ish qo'zg'atilganini ma'lum qilgan [5]. Yana bir holatda 2024 yil 23 sentabr kuni Samarqand viloyati Qo'shrabot tumanida 8-sinf o'quvchisi bo'lgan qiz bir guruh shaxslar tomonidan o'g'irlab ketilgan va zo'rlangan. Qizning yaqinlariga ko'ra, u o'g'irlab ketilgan. Oradan ma'lum vaqt o'tgach, qarindoshlari qiz yo'qolgani haqida ariza yozishgan. Jabrlanuvchi oradan 13 kun o'tib, 6 oktabr kuni badanida zo'ravonlik izlari bilan topilgan [6]. Bunday jinoiy zo'ravonliklar jamiyatning manaviy-axloqiy holatiga ham ma'lum bir miqdorda zarar yetkazishi mumkin.

Hududlar kesimida ham, ushbu diagrammada ayollarga nisbatan, jinoyat qonunchiligimizning 136-moddasi buzilishini ko'rishimiz mumkin.


Majburiy nikoh va ayollarga nisbatan tajovvuzlarning ro'y berishi shaxs ozodligining cheklanishi va ayollarni ularning xohish-irodasiga zid ravishda buzuvchi qilish yoki nikohga kirish maqsadida jinoyatga qo'l urishlarida ifodalanadi.


2023 yilning 12 oyi davomida respublikamizda 17 ta Ayolni erga tegishga majbur qilish yoki uning erga tegishiga to'sqinlik qilish jinoyatlari qayd etilgan.

Shundan Toshkent viloyatida 2 tasi, Buxoro viloyatida 2 tasi, Qashqadaryo viloyatida 2 tasi, Farg'ona viloyatida 1 tasi, Andijon viloyatida 2 tasi, Jizzax viloyatida 1 tasi, Qoraqalpog'iston Respublikasida 7 tasi sodir etilgan [7].

Shuningdek, jinoyatchilik sabab va shart-sharoitlarini yana shartli ravishda umumiy va maxsusga bo'lib o'rganish ham maqsadga muvofiq. Jinoyatchilikning umumiy sabablariga aksariyat jinoyatlarni sodir etilishiga imkon bergan sabablar va unga yo'l qo'ygan shart-sharoitlarni kiritishimiz mumkin. Bular jumlasiga xususan, iqtisodiy, huquqiy, tashkiliy sabablarni keltirish mumkin. Masalan, iqtisodiy foyda olish yoki ishsizlik aksariyat jinoyatlarning sodir etilish sabablaridan hisoblanadi. Jinoyatchilikning maxsus sabablariga esa, aynan muayyan toifa jinoyatlarga xos bo'lgan sabablarni kiritishimiz mumkin bo'lib, jumladan shaxs ozodligiga qarshi jinoyatlarning maxsus sabablari sirasiga ularning muayyan hududlarda odat va an'analar bilan bog'lanib ketishi kabilarni kiritish mumkin.

2022-2024 yillarda Shaxs ozodligiga qarshi jinoyatlarining Respublikamizda sodir etilishi miqdoriy tahliliy holati (jinoyat ishi qo'zg'atilgan) [8].





Yuqoridagi statistik tahlildan nazar qilinsa Shaxs ozodligiga qarshi jinoyatlar so'ngi yillarda ham soni va salmog'i jihatdan o'sib borayotganligini ko'rish mumkin. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksiga muvofiq inson ozodligiga tajovuz qilish, ya'ni uni erkin harakatlanish va o'zining bo'lib turish joyini tanlash imkoniyatidan mahrum qilish bilan bog'liq harakatlar nafaqat 137-modda ("Odam o'g'irlash") bo'yicha, balki 135-modda ("Odam savdosi"), 138-modda ("Zo'rlik ishlatib g'ayriqonuniy ravishda ozodlikdan mahrum qilish"), 234-modda ("Qonunga xilof ravishda ushlab turish yoki hibsga olish"), 245-modda ("Shaxsni garov sifatida tutqunlikka olish") va boshqa normalar bo'yicha ham kvalifikatsiya qilinishi mumkin.

Aholi o'rtasida huquqiy ong va saviyaning yetishmasligi ham ba'zida shu jinoyatni sodir etishga turtki bo'lmoqda. Odamlarning huquqiy ongini yuksaltirishga erishish orqali ham ijobiy natijalarga erishish mumkin. Xususan, huquqning o'rgatilishi, huquqiy tarbiyaning to'g'ri yo'lga qo'yilishi odamlar orasida birovning huquqini buzmaslik, uni hurmat qilish g'oyalari singdirilishiga olib keladi. Agar odamlar ongi hayotga, sog'liqqa, sha'n va qadr-qimmatga, ozodlikka, jinsiy daxlsizlikka qarshi mo'tadil qarashga loqayd bo'lsa, bu jinoyatlar kamayishini orzu qilmasak ham bo'ladi. Fuqarolar eng ko'p tarqalgan jinoyatlar haqida bilib, ularga qarshi kurash masalalarini yechishning qonuniy yo'llarini topishda davlatga yordam bersalar, ularga qarshi birgalikda, bahamjihat kurash olib borsalargina yaxshi natijaga erishish mumkin. Eng muhim vazifa - sodir etilgan jinoyatni o'z vaqtida aniqlash va jinoyatchiga qonunda belgilangan jazoni tayinlashdir, shundagina javobgarlikning muqarrarliligi prinsipining ahamiyati oshadi va xalq orasida hech bir jinoyat jazosiz qolmaydi, degan ijobiy fikr shakllanadi. Jinoyatchilarda ham ozodlikdan mahrum bo'lgandan ko'ra, mehnat bilan pul topishga intilish kuchayadi.

Shaxs ozodligi va erkinligiga qarshi jinoyatlarning oldini olish va samaradorligini oshirish, ayniqsa hududlar kesimida, ko'plab omillarga bog'liq. Bu borada amalga oshiriladigan choralar tizimli va kompleks yondashuvni talab qiladi. Ushbu yuzasidan quyidagi fikrlarni keltirish mumkin:

1. Jinoyat sodir etish ehtimolini maksimal kamaytirish.

- Jinoyatchilik ko'paygan hududlarda muhitni yaxshilash: Tunda yoritish uskunalar, kameralar bilan jihozlash, jamoat joylarida xavfsizlikni ta'minlash bilan shug'ullanuvchi xodimlar soni va sifatini yaxshilash orqali –jinoyatning ma'lum miqdorda sodir etilish ehtimolini kamaytirish, ularning aholi bilan yaqin aloqada bo'lishi, tezkor javob berish tizimlarini kuchaytirish zarur, bu esa tezda jinoyatlarni aniqlash va oldini olish imkonini yaratadi.

2. Jinoyatchilikka qarshi profilaktika choralar ko'rish.

- Huquqiy madaniyatni oshirish: Aholining huquqiy ongi va madaniyatini oshirish, ularni jinoyatlarning oqibatlarini haqida xabardor qilish. Bu orqali odamlar jinoyatga qarshi salbiy munosabatni rivojlantiradilar. Mahalliy hududlarda huquqiy targ'ibot o'tkazib, zo'ravonlik va boshqa jinoyatlar yuzasidan tezkor xabar berish kerakligini aholiga o'rgatish va tushuntirish ishlari tashkil etilish.

- O'ziga xos xususiyatlari bo'lgan hududlarni tahlil qilish: Har bir hududda jinoyatchilik turini, ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarni hisobga olgan holda maxsus chora-tadbirlar ishlab chiqish zarur.

• So‘ngi yillarda respublikamizda shaxs ozodligi va erkinligiga qarshi jinoyatlarga qarshi kurashda ko‘plab amaliy ishlar boshlanib, davom ettirilmoqda. Eng avvalo Yangi tahrirdagi Konstitutsiyamiz keng jamoatchilik va rivojlangan qonunchilik normalari asosida qayta ishlab chiqildi, “Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni (2019), “Odam savdosiga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni (2020), “Xotin-qizlar va bolalar huquqlari, erkinliklari hamda qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish tizimi yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni (2023), O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 10-sentabrda “Jinoyatlarning sabablari va ularning sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlarni muhokama qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi 565-sonli qarori kabi qonunchilik hujjatlari qabul qilindi. Yangi O‘zbekiston Taraqqiyot strategiyasida asosida: zo‘rovonlikdan himoya qilish, odam savdosiga chek qo‘yish, xotin-qizlarning qonuniy manfaatlarini himoya qilish, OAV gender muammolarining keng yoritilishini ta‘minlash [9] kabi dolzarb vazifalar belgilab berildi. Hozirgi vaqtda mamlakatimizda 14 ta na‘munali tumanlararo markazlar hamda zo‘rovonlik qurbonlari murojaat qilishi mumkin bo‘lgan **1146 qisqa raqamli “Koll-sentr”**[10] tashkil etilib, hozirgi kunda zo‘ravonlik jabrdiydalarga ko‘maklashib kelmoqda. Shuningdek, jinoyatchilikka qarshi kurashish bo‘yicha 14 ta **“Hudud metodikasi”** yaratiladi. 2022–2025 yillarda O‘zbekistonda jamoat xavfsizligini ta‘minlash tizimini rivojlantirish strategiyasida [11] quyidagilar:

– Jamoat xavfsizligini ta‘minlash, guruhviy qonunbuzarliklar va ommaviy tartibsizliklarni bartaraf etish bo‘yicha 14 ta (Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Toshkent shahar va viloyatlar) “Hudud metodikasi”ni ishlab chiqish va amaliyotga tatbiq etish,

– Sodir etilgan jinoyat va huquqbuzarliklarning asl omillarini **“ilmiy diagnostika”** asosida aniqlash va **“ilmiy diagnostika xulosasi”** bilan **“Ye-jamoat xavfsizligi”** axborot tizimi orqali rasmiylashtirish tartibini joriy qilish belgilab berildi.

Xulosa o‘rinda aytganda, shaxs erkinligiga qarshi kurashda qonunchilik normalarga ham bir qancha o‘zgartirishlar kiritish lozim: Odam o‘g‘irlash jinoyatlari bilan o‘z maqsadlariga erisha olmagan jinoyatchilar jabrlanuvchini odam savdosi qurboniga aylantirishlari mumkinligini inobatga olib, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi 135-moddasida sanksiyasini og‘irlashtirish va ushbu moddaning **ikkinchi qismiga “takroran yoki xavfli residivist tomonidan yoxud ilgari ushbu kodeksning 136-137-moddalarida nazarda tutilgan jinoyatni sodir etgan shaxs tomonidan sodir etilsa”, “Xomilador ayolga nisbatan sodir etilsa”** sifatida yangi normalarni kiritilishi hamda jinoiy jazolarni og‘irlashtirilishi, Jinoyat kodeksi 135-modda **uchinchi qismiga “Tijorat uchun jinsiy ekspluatatsiya va fohishalikka majburlash”** sifatida yangi norma kiritilishi, o‘n yildan o‘n besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanishi maqsadga muvofiq deb o‘ylaymiz. Respublikamizda shaxs ozodligi va erkinligiga qarshi jinoyatlarning sabablari va unga imkon bergan shart-sharoitlarni o‘rganish, tahlil qilish va aniqlashda huquq-tartibot organlari xodimlariga yaqindan yordamlashib kelayotgan ilmiy-amaliy tadqiqot muassasalari, markazlari va alohida ishchi guruhlar faoliyat yuritib kelmoqda. Shunday ilmiy-amaliy tadqiqot va ta‘lim maskanlaridan biri O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti hisoblanib, respublikamizdagi kriminogen vaziyati og‘ir bo‘lgan quyi bo‘g‘in sanalgan mahallalarda kriminogen vaziyatni barqarorlashtirish, sodir etilayotgan har bir jinoyatning sabablarini aniqlash, **“ilmiy diagnostika”** qo‘yish orqali jinoyatchilik ko‘rsatkichlarini prognozlash, mahalla jinoyatchiligini barvaqt oldini olish, huquqbuzarliklar profilakasi, aholining huquqiy savodxonligini mustahkamlash yo‘nalishida soha vakillaridan iborat professor-o‘qituvchilar ishtirokida tizimli ishlar olib borilmoqda, shuni alohida ta‘kidlash joizki, kelgusi davrda ham yuqoridagi qonunchilik normalarini mustahkamlash, jinoyatchilikka qarshi ayovsiz kurashish orqali shaxs huquq va erkinliklarini ta‘minlash Yangi O‘zbekistonning bosh maqsadlaridan biri bo‘lib qolishi lozim.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2018.-Б.7.

2. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик / Масъул муҳаррир: проф. М.Ҳ.Рустамбайев. - Тошкент: ТДЮИ, 2007. - Б. 37.
3. Ниёзова С.С. Шахсинг зўрлик жинояти қурбонига айланишининг ижтимоий-рухий тавсифи // ТДЮИ Ахборотномаси. - Тошкент, 2010. - №3 - Б. 87.
4. Рустамбаев М.Х. Ответственность за преступления против здоровья по законодательству Республики Узбекистан. - Нукус: Каракалпакистан, 1992 - С.273.
5. <https://daryo.uz/2020/10/30/qoraqalpogistonlik-erkak-24-yoshli-qizga-uylanish-uchun-uni-olib-qochdi>.
6. <https://kun.uz/news/2024/11/13/samarqandda-maktab-oquvchisi-bir-guruh-shaxslar-tomonidan-ogirlab-ketilib-zorlandi>
7. Ўз.Рес. ПВ Ҳуқуқий статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар бошқармаси маълумотлар базаси.
8. Ўз.Рес. ПВ Ҳуқуқий статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар бошқармаси маълумотлар базаси.
9. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2023.-Б.245.
10. <https://qoraqalpoq.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=59372>
11. <https://uzreport.news/society/jinoyatchilikka-qarshi-kurashish-bo-yicha-14-ta-hudud-metodikasi-yaratiladi>

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада республикада шахс озодлиги ва эркинлигига қарши жиноятларнинг статистик ҳолати, шахс эркинлигини, дахлсизлигини ўрганилган.

Калит сўзлар: шахс озодлиги, зўравонлик, қиз ўғирлаш, профилактика, илмий диагноз, зўравонлик қурбонлари, жиноятларни олдини олиш.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматривается ситуация по преступлениям против свободы и неприкосновенности личности в нашей республике, а также защита свободы и неприкосновенности личности.

Ключевые слова: свобода личности, насилие, профилактика, научный диагноз, жертвы насилия, предотвращение преступлений.

RESUME:

This article examines the statistical situation of crimes against personal freedom and liberty in our republic, as well as the protection of personal freedom and integrity.

Keywords: person freedom, violence, girl abduction, prevention, scientific diagnosis, victims of violence, crime prevention.

YANGI O'ZBEKISTONDA XOTIN-QIZLARNING O'RNIGA DOIR O'ZGARISHLARNING NAZARIY MASALALARI

Toshboboieva M. –

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchisi 10.24412/2181-7294-2025-1-119-121

Yangi O'zbekiston taraqqiyotining bugungi bosqichida xotin-qizlar faolligini oshirish, ularni siyosiy, ijtimoiy va iqtisodiy hayotga keng jalb ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilangan. Bu jarayonda, ularning ijtimoiy-siyosiy bilimlarini, huquqiy madaniyati va ma'naviy-mafkuraviy axloqiy qadriyatlarni shakllantirishdagi ishtirokini oshirish muhim ahamiyatga ega. "O'zbekiston - 2030" startegiyasida ham "Xotin-qizlarni qo'llab quvvatlash tizimini kuchaytirish, ularning huquq va qonuniy manfaatlarini ta'minlash, ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy faolligini oshirish va gender tenglikni ta'minlash"[1] ustuvor vazifasi deb belgilangan. Har bir jamiyatda xotin-qizlar jamiyatdagi ma'naviy muhitni shakllantirish, yosh avlod ta'lim-tarbiyasida muhim rol o'ynaydi. Ular nafqat oilada farzandlar tarbiyasi, mahalla va jamiyatda ma'naviy-axloqiy qadriyatlarining mustahkamlanishida faol ishtirok etadilar.

Yangi O'zbekistonda jamiyatning ma'naviy-mafkuraviy rivoji madaniy qadriyatlar va milliy an'analariga tayanadi. Bu jarayonda xotin-qizlar madaniy merosni saqlash va uni jamiyatga targ'ib qilishda asosiy qatlamlardan biridir. Bundan tashqari, xotin-qizlar nafaqat milliy, balki umuminsoniy qadriyatlarni ham amalga oshirishda ishtirok etishlari kerak. Shuning uchun ularga har tomonlama ko'mak berish, ijtimoiy mavqeini yanada mustahkamlash, huquq va erkinliklarini kafolatlashga qaratilgan davlat siyosati yangi bosqichga ko'tarildi. Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev ta'kidlagani kabi: "Ayollarning huquq va manfaatlarini to'liq ta'minlash, onalik va bolalikni muhofaza qilish masalalari yangi tahrirdagi Konstitutsiyamiz, "Taraqqiyot strategiyasi — 2030" va O'zbekiston Respublikasida gender tenglikka erishish Strategiyasi kabi konseptual hujjatlarda o'zining to'liq ifodasini topgan" [2,14].

Xotin-qizlarning jamiyat ma'naviy-mafkuraviy rivojlanishidagi ishtiroki O'zbekiston jamiyatidagi taraqqiyot jarayonlariga, yangi yondashuvlarga va ijtimoiy islohotlarga asoslanadi. Ularning ijtimoiy faolligi va ma'naviy-mafkuraviy rivoji jamiyatda barqarorlik, o'zaro ishonch va yosh avlodni tarbiyalashda muhim ahamiyatga ega. Shu bilan birga, ular jamiyatda axloqiy normalarni, ma'naviy qadriyatlarni saqlash, avlodlarga uzatish va taraqqiy ettirishda faol ishtirok etishlari kerak. Bu borada falsafiy yondashuvlar va ilmiy nazariyalar, shu jumladan Farobiy, Ibn Sino, Gegel, Kant va boshqa mutafakkirlarning g'oyalari asosida xotin-qizlarning ijtimoiy faolligini oshirish bo'yicha qo'llaniladigan nazariyalar va yondashuvlar muhim ahamiyat kasb etadi.

Falsafiy jihatdan gender tenglik — insonlarning jinsiga qarab farqlab yoki cheklab qo'yilmasdan, ularning barcha sohalarida teng huquq va imkoniyatlarga ega bo'lishi tamoyilidir. Bu tushuncha ontologiya nuqtai nazaridan, inson tabiati va mavjudligining ajralmas qismi sifatida qoraladi. Inson jamiyatida erkak va ayol tabiiy teng mavjudotlar hisoblanib, ularning ijtimoiy rollari tabiiy emas, balki tarixiy va madaniy jarayonlar natijasida shakllangan. Bilish nazariyasi nuqtai nazaridan, gender tenglik haqidagi tasavvurlar jamiyat taraqqiyoti davomida o'zgarib borgan. Ilgari ayollar va erkaklar o'rtasidagi farqlar biologik va tabiiy jarayon sifatida qabul qilingan bo'lsa, hozirda bu qarashlar tanqid qilinib, insonlar haqidagi bilimlar feministik falsafa va ijtimoiy tadqiqotlar asosida kengaymoqda.

Axloqiy nuqtai nazardan, gender tenglik ijtimoiy adolat va insoniy qadr-qimmatning muhim qismi hisoblanadi. Har bir inson, jinsi va jinsiy mansubligidan qat'i nazar, teng huquq va imkoniyatlarga ega bo'lishi kerak. Zulm va diskriminatsiya axloqan qoralanib, jamiyatning barcha a'zolari uchun tenglik ta'minlanishi kerak. Gender tenglik faqat shaxsiy masala emas, balki ijtimoiy va siyosiy tizim bilan bog'liq tushunchadir. Jamiyatdagi hokimiyat munosabatlari, mehnat bozori, ta'lim tizimi va oila instituti kabi sohalarida tenglik ta'minlanishi jamiyatning barqaror va adolatli rivojlanishi uchun muhimdir. Ekzistensializm nuqtai nazaridan, har bir inson o'z shaxsiy erkinligini izlab, o'zini

anglash va amalga oshirish jarayonini o'zi belgilashi kerak. Gender stereotiplari esa insonning o'zini erkin anglashiga va shaxsiy salohiyatini ro'yobga chiqarishiga to'siq bo'ladi.

Ayollarning huquqlari va imkoniyatlarini ta'minlash falsafiy nuqtai nazardan jamiyatdagi gender bo'yicha tenglikni, inson huquqlarini himoya qilishni nazarda tutadi. Xotin-qizlarning ijtimoiy va siyosiy faolligini oshirishda huquqiy muhofaza va huquqiy bilimni oshirish muhim omil hisoblanadi. Buning yaqqol misoli sifatida xotin-qizlarning huquqlari bo'yicha maxsus qonunlar qabul qilingan va ularning huquqiy bilimlarini oshirishga yo'naltirilgan ma'rifiy tadbirlar olib borilmoqda. Shu bilan birga, huquqiy maslahatlar va huquqiy yordam ko'rsatish bo'yicha maxsus tashkilotlar faoliyat yuritmoqda. "Bu borada olib borayotgan tizimli chora-tadbirlarimiz xalqaro hamjamiyat tomonidan ham munosib e'tirof etilmoqda. Xususan, Jahon banki indeksida O'zbekiston gender tenglik sohasida dunyodagi eng tez rivojlanayotgan 5 ta mamlakat qatorida qayd etilgani, ochiq gender ma'lumotlar indeksida eng yaxshi 20 ta davlat qatoridan joy olgani sohadagi siyosatimizning xalqaro e'tirofi deyishimiz mumkin"[4,15]. Bunday o'zgarishlarga turtiki beradigan ijtimoiy-siyosiy o'zgarishlarni nazariy asoslari quyidagilarda namoyon bo'lmoqda:

1. Yangi O'zbekistonda xotin-qizlar haqidagi siyosatning nazariy asoslari. Yangi O'zbekistondagi siyosiy va ijtimoiy yangilanishlar kontekstida xotin-qizlarning o'rniga haqidagi ilmiy-nazariy qarashlarga jamiyatning rivojlanish strategiyalarida alohida e'tibor qaratilgan. Bu siyosatning nazariy asoslari hozirgi zamon talablariga javob berish va ayollarning jamiyatdagi o'rnini mustahkamlashga qaratilgan. Yangi O'zbekistonda ayollarning gender tengligini ta'minlashga qaratilgan siyosatning asosiy maqsadi ayollarning jamiyatda erkaklar bilan teng huquqlarga ega bo'lishlarini ta'minlashdir. Buning uchun, qonunlarning ijro etilishi, ayollarga nisbatan diskriminatsiyani yo'qotish, ularning ish joylarida, siyosatda va boshqa ijtimoiy soha va tizimlarda teng ishtirok etishini ta'minlash zarur.

2. Ma'naviy-mafkuraviy islohotlar va xotin-qizlarning o'rnini. Yangi O'zbekistondagi ma'naviy-mafkuraviy islohotlar, jamiyatning umumiy axloqiy va madaniy qadriyatlarini qayta tiklash va ularni zamonaviy talablarga moslashtirishni ko'zda tutadi. Ushbu islohotlar kontekstida xotin-qizlarning o'rnini va ularning ijtimoiy faolligini oshirish muhim masala hisoblanadi. Ma'naviy-mafkuraviy o'zgarishlar ayollar va erkaklar o'rtasidagi o'zaro hurmatni, tenglikni va adolatni shakllantirishga intiladi. Bunday islohotlar kontekstida xotin-qizlarning rolini yangilash, ularning ma'naviy qadriyatlarga ta'sirini oshirish muhim hisoblanadi. Bu islohotlar ayollarning ijtimoiy faolligini yanada kuchaytirishga yordam beradi.

3. Qonunchilik va xotin-qizlarning huquqlari. Yangi O'zbekistonda xotin-qizlarning o'rnini belgilashda huquqiy asoslar muhim rol o'ynaydi. Qonunchilik sohasidagi o'zgarishlar ayollarning huquqlarini muhofaza qilish va ularga imkoniyatlar yaratishga qaratilgan. Yangi qonunlar va normativ-huquqiy hujjatlar, jamiyatda ayollarning faol ishtiroki va ularning huquqlarini ta'minlashga yordam beradi. Shu ma'noda, O'zbekistonda ayollarga ish faoliyatini takomillashtirish, ularning biznesni olib borishdagi imkoniyatlarini kengaytirish, hamda ayollarning ish joylarida tenglikni ta'minlashga yo'naltirilgan siyosatlar amalga oshirilmoqda.

4. Yangi O'zbekistonda xotin-qizlarning ta'limi va mehnat faoliyati. Ta'lim va mehnat sohasida xotin-qizlarning o'rnini jamiyat rivojining muhim xususiyatlaridan biri hisoblanadi. Yangi O'zbekistonda ayollarning ta'limga kengroq kirishi va mehnat faoliyatiga jalb etilishi har tomonlama qo'llab-quvvatlanadi. Ma'naviy-mafkuraviy, iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanish uchun bu muhim omildir. Shunga asoslangan holda O'zbekistonda xotin-qizlarning ta'lim olishini rag'batlantirish, ularga imkoniyatlar yaratish, shu jumladan, yuqori ta'limga, kasb-hunar o'rganishga va tadbirkorlik faoliyatiga jalb etish ustuvor vaziga aylandi. Bu ayollarning hayotida ijtimoiy va iqtisodiy mustaqillikka ega bo'lishlarini ta'minlaydi. "So'nggi yetti yilda O'zbekistonda xotin-qizlarning davlat boshqaruvidagi ulushi 27 foizdan 35 foizga ko'tarildi. Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputatlarining 32 foizi, Senat a'zolarining 25 foizi ayollardan iborat. Bugun har bir mahallamizda ham ularning o'z vakillari bor.

Ishbilarmon xotin-qizlar safi ikki barobar kengayib, o'z biznesini yo'lga qo'ygan ayollar soni 205 mingdan oshdi. Yuz minglab ayollar kasb-hunar va tadbirkorlikka o'qitildi. Salkam yarim million nafar singillarimiz ish bilan ta'minlandi. Hozirgi kunda oliygohlarda ta'lim olayotgan talabalarning yarmidan ziyodini qizlar tashkil etmoqda"[5,14].

5. Tenglik va feminizmning yangi qarashlari. Yangi O'zbekistonda feminizmga nisbatan yangi qarashlar ishlab chiqilmoqda, bu qarashlar xotin-qizlarning siyosiy va ijtimoiy tengligini ta'minlashga qaratilgan. Feministik harakatlarning zamonaviy talqinlari, jamiyatda gender tengligini ta'minlash, ayollar va erkaklar o'rtasidagi munosabatlarni yaxshilashga yordam bermoqda. Yangi O'zbekistonda feministik nazariyalar ayollarning huquqlarini himoya qilish, ularning jamiyatdagi faol ishtirokini rag'batlantirish va gender tengligini ta'minlashga qaratilgan.

Xullas, Bu o'zgarishlar jamiyat rivojiga ijobiy ta'sir ko'rsatib, barqarorlik va adolatni ta'minlashga yordam beradi.

O'zbekiston xalqaro huquqiy va inson huquqlari sohasidagi tajribaga tayangan holda, ayollarning huquqlarini himoya qilish va gender tengligini ta'minlashda xalqaro standartlarga muvofiqlikni ta'minlashga harakat qilmoqda. Bundan tashqari, xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik, qonunchilikdagi ilg'or yangiliklarni joriy qilish ham muhim ahamiyat kasb etadi.

ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi "O'zbekiston – 2030" strategiyasi to'g'risida"gi 158-son farmoni // (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 12.09.2023 y., 06/23/158/0694-son; 29.12.2023 y., 06/23/214/0984-son)
2. Mirziyoyev Sh.M. Hozirgi zamon va Yangi O'zbekiston. – Toshkent: O'zbekiston" nashriyoti, 2024. –B. 14
3. O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 2 sentyabrdagi O'RQ-562-son "Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida"gi Qonuni // (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 21.04.2021 y., 03/21/683/0375-son; 16.12.2022 y., 03/22/809/1091-son; 12.04.2023 y., 03/23/829/0208-son)
4. Mirziyoyev Sh.M. Hozirgi zamon va Yangi O'zbekiston. – Toshkent: O'zbekiston" nashriyoti, 2024. –B. 15
5. Mirziyoyev Sh.M. Hozirgi zamon va Yangi O'zbekiston. – Toshkent: O'zbekiston" nashriyoti, 2024. –B. 14

REZYUME:

Ushbu maqolada Yangi O'zbekiston ma'naviy-mafkuraviy, ijtimoiy hayotida amalga oshirilayotgan islohotlarda xotin-qizlarning o'rni, uni mustahkamlashga qaratilgan davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Yangi O'zbekiston, xotin-qizlar, ma'naviy-mafkuraviy islohotlar, barqarorlik, davlat siyosati, ayollar faolligi, ayollar ta'limi, gender tenglik.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье проанализирована роль женщин в духовно-идеологических и социальных реформах, проводимых в Новом Узбекистане, а также приоритетные направления государственной политики, направленные на её укрепление.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, женщины, духовно-идеологические реформы, стабильность, государственная политика, активность женщин, женское образование, гендерное равенство.

RESUME:

This article analyzes the role of women in the spiritual, ideological, and social reforms being implemented in New Uzbekistan, as well as the priority directions of state policy aimed at strengthening their position.

Keywords: New Uzbekistan, women, spiritual and ideological reforms, stability, state policy, women's activism, women's education, gender equality.

ОИЛА МУҲИТИДА БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ОТА-ОНАЛИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕЛИШУВЛАР АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ

Сайдивалиева Х.Х. -

*“Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент*

 10.24412/2181-7294-2025-1-122-126

Оила бола тарбиясининг пойдевори ҳисобланади, чунки у боланинг жисмоний ўсиши, ҳиссий қўллаб-қувватланиши ва ижтимоий ривожланиши учун дастлабки муҳитни яратади. Барқарор муҳитга эга оилада болалар муҳим ҳаётӣ тарбияни ўзлаштиради, мустаҳкам ахлоқӣ қадриятларни шакллантиради ва келажакдаги фаровонлиги учун зарур бўлган кўникмаларга эга бўлади. Бироқ, низоли оилада тарбия олаётган болалар ёки оилада низолар юзага келганда, боланинг манфаатларини ҳимоя қилиш жиддий муаммога айланиши мумкин. Ота-оналар ўртасидаги келишмовчиликлар ёки оилавий муносабатлардаги ўзгаришлар, айниқса муаммолар ҳал этилмаса ёки тўғри бошқарилмаса, боланинг соғлом ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши тайин.

Бугунги кунда, оила ҳуқуқи мазкур турдаги муаммоларни ҳал этишда болалар тарбияси бўйича низоларни бартараф этишда келишувлардан фойдланишни ҳамда низоли вазиятларни келтириб чиқариш орқали ҳал этиш каби диспозитив усулларни таклиф этиб келмоқда. Масалан, ота-оналик келишувлари ҳар иккала ота-она учун аниқлик ва тузилмани таъминлаши, ўртадаги ноқулай низоларни камайтириши ва бола учун қулай муҳитни яратиши мумкин. Бундай келишувлар нафақат боланинг фаровонлигини ҳимоя қилади, балки ота-оналар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро тушунишни ҳам рағбатлантиради. Улар юридик амалиётда ўз ўрнини топаётгани сабабли, оилавий муносабатларни яхшилаш ва мураккаб оилавий вазиятларда болаларнинг фаровонлигини таъминлашнинг самарали йўлини таклиф этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси[1] болаларни ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини устувор қўйишнинг асосий тамойилларини белгилайди. Масалан, Конвенциянинг 3-моддасида боланинг манфаатлари унга таъсир қилувчи қарорларда ҳар доим биринчи ўринда туриши кераклиги таъкидланади. Бу тамойил, айниқса, оилавий муносабатларни шакллантиришда ёки болаларни тарбиялаш бўйича келишувларни тузиш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, 12-модда боланинг ўз ҳаётига дахлдор масалалар бўйича ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқи борлигини белгилайди. Бу қарашлар жиддий қабул қилиниши ва уларнинг аҳамияти боланинг ёши ҳамда етуқлигига қараб белгиланиши зарур. Бу эса оила ва ҳуқуқӣ қарорларни қабул қилишда болага йўналтирилган ёндашувга ўтишни акс эттиради. Ушбу тамойилларга риоя қилиш орқали, давлатлар болалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, уларни зарардан ҳимоя қилиш ва уларнинг умумий ривожланиши ҳамда фаровонлигини қўллаб-қувватлайдиган муҳитда ўсишини таъминлаш мажбуриятини оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси бола ҳуқуқларини инобатга олган тарзда оила муҳити ва никоҳнинг ҳолатидан қатъи назар ота оналик мажбуриятларини амалга оширишнинг ҳам қонунӣ нормаларини белгилайди, шу билан бир қаторда шартнома асосида ушбу муносабатларни тартибга солиш имконини яратади. Масалан, *ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудда келтириш тўғрисида келишув (92-модда), алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (100, 118-моддалар, 17-боб) ота-онанинг келишувига биноан болага исм, ота исми бериш (69, 208-моддалар), ота-онанинг келишувига биноан ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаш жойини белгилаш (75-модда), ота-она боладан алоҳида яшайдиган*

ота(она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида келишув (76-модда), болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув (195-модда).

Ўтказилган социологик сўровлар[2] ва амалиёт таҳлиллари мазкур келишувларнинг эр ва хотин ўртасида тузилмаслигини ва ота-оналарнинг мазкур шартномаларни тузиш ҳақида тасаввурларининг йўқлигини кўрсатди. Респондентлар никоҳдан сўнг юзага келадиган муносабатларнинг салбий ва кескин эканлиги, оталарнинг алимент тўлаш борасидаги масъулияқизлиги, ўзаро тил топшиб, келишиб низоларни ҳал этишга имкон йўқлиги, шартнома орқали бола тарбиясига оид масалаларга ечим топишнинг имконсизлигини таъкидлашади.

Томонлар ўртасида муносабатларнинг яхши ёки ёмонлиги оталарнинг фарзандларга бўлган муносабати ҳамда улардан хабар олишларида намоён бўлишини яққол кўринди. Ота ва оналарнинг муносабатлари жуда яхши бўлган ҳолатларда оталарнинг деярли барчаси (92,4 фоиз) фарзандлари билан ҳам ижобий муносабатларга эга. Салбий муносабатлар эса фарзандлар ва оталар муносабатларига ҳам салбий таъсир кўрсатади, хусусан турмуш ўртоғи билан жуда ёмон муносабатларга эга бўлганларнинг 62,9 фоизи оталар ва болалар муносабатларини жуда ёмон, 30 фоизи кўп ҳолатда ёмон дея баҳолашган (1-жадвал).

1-жадвал

		Алимент тўловчининг (собиқ эрингиз) СИЗ билан муносабати қандай?				Жами
		Жуда яхши	Кўп ҳолатда яхши	У қадар яхши эмас	Жуда ёмон	
Алимент тўловчининг (собиқ эрингиз) ФАРЗАНДЛАРИНИГИЗ БИЛАН муносабатлари қандай?	Жуда яхши	92,4	28,4	13,5	3,3	27,4
	Кўп ҳолатда яхши	5,1	47,8	17,1	3,8	13,4
	Кўп ҳолатда ёмон	1,7	16,4	58,5	30,0	32,1
	Жуда ёмон	0,8	7,5	10,9%	62,9	27,0
Жами		100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Оталарнинг турмуш ўртоғи (кўп ҳолатда собиқ) фарзандлари билан муносабатларининг ёмонлиги уларнинг ўз фарзандларидан хабар олиб туришига таъсир кўрсатади. Ижобий муносабатларга эга бўлган оталарнинг ҳар иккинчиси (52,2 фоиз) ҳар ҳафта, ҳар бешинчиси (19,9 фоизи) ҳар ой, 7,5 фоизи бир ойда 2-3 марта фарзандлари билан кўришишлари аниқланди. **Жуда ёмон муносабатларга эга бўлган эркакларнинг 92,5 фоизи фарзандларидан умуман хабар олишмайди (2-жадвал).**

2-жадвал

		Алимент тўловчининг (собиқ эрингиз) фарзандларингиз билан муносабатлари қандай?				Жам и
		Жуда яхши	Кўп ҳолатда яхши	У қадар яхши эмас	Жуда ёмон	
Алимент тўловчи (собиқ эрингиз) фарзандларингиздан хабар олиб турадими?	ҳар ҳафта	52,2	3,8	2,1	0,6	15,6
	бир ойда 2-3 марта	7,5	17,7	3,2		5,4
	ҳар ой	19,9	34,2	5,8	0,6	12,1
	йилига бир неча марта	5,0	17,7	12,7	1,3	8,2
	деярли келмайди	2,5	16,5	31,2	5,0	14,3
	умуман келмайди	13,0	10,1	45,0	92,5	44,4
Жами		100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Бу борада хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва қонунчилигини ўрганиш асосида никоҳдан ажралиш даврида ёки никоҳ тугатилгач боланинг манфаатларини инобатга олган ҳолда ота-оналик мажбуриятларини амалга ошириш масалалари келишувлар асосида ҳал этилганлигини кўриш мумкин. Ҳозирги кунда дунёнинг турли мамлакатларида болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал этишда оилавий келишувларнинг аҳамияти тобора ортиб

бормокда, бунда болаларнинг манфаатлари устувор ҳисобланмокда. Буюк Британияда шартномалар ота-оналик мажбуриятларини бажариш, ота-оналарга яшаш тартиби, учрашувлар жадвали ва қарор қабул қилиш масъулияти каби муҳим масалаларда ҳамкорлик қилиш имкониятини беради. Судлар бу жараёнда муҳим роль ўйнаб, ушбу келишувлар болалар фаровонлиги мезонларига мос келишини назорат қилади[3].

Австралия[4] да медиация ва оилавий низоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилади, бунда ота-оналар ўзаро келишувга эришишга рағбатлантирилади. Бу саъй-ҳаракатларнинг кўпчилиги рўйхатга олинган ота-оналик мажбуриятларини бажариш режаларига айланиб, ота-оналар ўртасида аниқлик ва ҳамкорликни таъминлайди. Худди шундай, Америка Қўшма Штатлари[5]нинг айрим штатларида оилалар медиация ёки суд томонидан тасдиқланган келишувлар орқали қонуний кучга эга бўлган шартномалар тузишлари мумкин. Бу эса ҳар бир боланинг ўзига хос эҳтиёжларига мослаштирилган мослашувчан ечимларни таклиф этади.

Келишувларни расмийлаштириш юрисдикцияга қараб фарқлансада, низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган диспозитив воситаларни қўллаш ҳаракати кучаймокда. Бу ўзгариш нафақат халқаро стандартларга мос келади, балки болаларнинг истаклари инobatга олиниши ва уларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ҳурмат қилинишини ҳам таъминлайди.

Оила қонунчилиги асослари ота-оналик ва бола тарбияси тўғрисидаги шартномаларнинг аниқ ва ижро этилишини таъминлаш учун мўлжалланган. Бу жараёнда судлар муҳим роль ўйнайди, улар ҳуқуқий нормаларга жавоб бериши ва боланинг манфаатларига чин дилдан хизмат қилиши учун ушбу шартномалар шартларини диққат билан кўриб чиқади. Йўл-йўрик кўрсатиш учун кўплаб ҳуқуқий тизимлар бундай келишувлар учун минимал талабларни, уларнинг қамровини ва ҳар қандай мақбул вариантларни белгилайдиган қонуний кўрсатмаларни ўз ичига олади.

Мазкур ҳуқуқий қоидалар кўпинча ҳар бир томоннинг мажбуриятларини, жумладан, васийлик ҳуқуқи, қарор қабул қилиш ваколати ва молиявий мажбуриятларини аниқлаштиради. Бу чалкашликни бартараф этишга ёрдам беради ва келгусидаги зиддиятлар хавфини камайтиради. Бундан ташқари, кўплаб юрисдикциялар медиация ва маслаҳатни рағбатлантиради ёки талаб қилади, бу эса оилаларга амалий келишувларни тузишда профессионал ёрдам олиш имконини беради.

Бола тарбияси мажбуриятлари бўйича оилавий келишувлар одатда уч асосий тоифага бўлинади:

1. ҳамкорликда тарбиялаш келишувлари;
2. васийлик амалга ошириш шартномалари;
3. боланинг таълим олишини ташкил этиш шартномалари.

Тадқиқот нуқтаи назаридан, бундай тоифалар болалар ва уларнинг ота-оналари учун барқарорлик ва аниқ кутилмаларни шакллантириш учун жуда муҳимдир[6]. Ҳамкорликда тарбиялаш келишувлари ота-оналарнинг фарзандларини тарбиялашда, айниқса ажралишдан сўнг, қандай ҳамкорлик қилишларини белгилаш учун ишлаб чиқилган. Бу келишувларда кундалик тартиблар, учрашувлар жадвали, мулоқот усуллари ва низоларни ҳал қилиш стратегиялари каби муҳим масалалар кўриб чиқилади. Аниқлик ва изчилликни таъминлаш орқали улар болалардаги ноаниқлик ва хавотирни камайтиради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ота-оналар ҳамкорликда тарбиялашни амалга оширганларида, болалар ижтимоий-ҳиссий жиҳатдан яхшироқ ривожланади. Улар ўзларини хавфсизроқ ҳис қилишади ва ота-она ўртасидаги зиддиятлар келтириб чиқарадиган стрессдан камроқ таъсирланишади[7, 352-362].

Пировардида, оилаларга қонуний ва амалий жиҳатдан самарали келишувлар тузиш имкониятини беради. Очик мулоқотни рағбатлантириш ва боланинг энг яхши манфаатларини устувор қўйиш орқали, бундай келишувлар болалар ишонч билан ривожланиши ва ўсиши учун барқарор, қўллаб-қувватловчи муҳитни таъминлашнинг кучли воситаси сифатида хизмат қилади.

Оилавий келишувларнинг асосий мақсади ота-оналар ўртасида ҳамкорлик муҳитини яратиш бўлиб, унда иккала томон ҳам боланинг манфаатлари йўлида фаол ҳамкорлик қилади. Биргаликда қарор қабул қилишни рағбатлантириш орқали, бу келишувлар низоларни фақат суд

орқали ҳал қилиш натижасида келиб чиқадиган зиддиятли вазиятларни камайтиради[8, 185-203]. Ота-оналар ўзаро ҳурматга асосланган мулоқот олиб бориб, муаммоларни биргаликда ҳал қилсалар, боланинг ҳиссий фаровонлигини таъминлайдиган барқарор муҳит яратилади. Бундан ташқари, бундай ҳамкорлик тизими ота-оналар ўртасидаги муносабатларни яхшилади, тушунмовчиликларни камайтиради ва низоларнинг кучайиб кетишининг олдини олади. Бу эса ўз навбатида вақт, маблағ ва руҳий зўриқишни тежашга ёрдам беради.

Болага йўналтирилган тамойиллар келишувнинг ҳар бир қисми боланинг ривожланиш эҳтиёжлари, ҳиссий фаровонлиги ва барқарор, хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқини устувор қўйиши кераклигини таъкидлайди[9]. Бу доимий тартибларни сақлаш, таълимни қўллаб-қувватлаш ва соғлом ҳамкорликда тарбиялаш усуллари ривожлантириш каби амалий жиҳатларга эътибор қаратиш демакдир. Муҳими, бу келишувлар катталарнинг ташвишлари боланинг манфаатларидан устун бўлмаслигини таъминлашга қаратилган. Иложи борица, судлар ва воситачилар боланинг фикрини инобатга олишни, шунингдек, тартибларни боланинг ривожланиш қобилиятлари, шахсий тажрибаси ва ўзгариб бораётган эҳтиёжларига мослаштиришни рағбатлантирадilar[10, 8-29].

Оилавий келишувлар кўплаб афзалликларга эга бўлса-да, музокаралар жараёнида ота-оналар ўртасидаги кучларнинг номутаносиб тақсимланиши жиддий муаммо ҳисобланади[11]. Молиявий тенгсизлик, руҳий тушқунлик ёки ҳуқуқий билимларнинг етишмаслиги каби омиллар бир ота-онанинг адолатли натижа учун самарали курашишини қийинлаштириши мумкин. Бу номутаносиблик баъзан қатъиятли ёки имкониятлари кўпроқ бўлган ота-она фойдасига нисбатан кўпроқ афзаллик берадиган келишувларга олиб келиши мумкин, бу эса охир-оқибат боланинг энг яхши манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Ушбу муаммони ҳал қилишда медиаторлар, қонуний вакиллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар муҳим роль ўйнайди. Уларнинг иштироки янада мувозанатли ва адолатли музокаралар жараёнини таъминлашга, ҳар икки ота-онанинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва энг муҳими, боланинг фаровонлигини кафолатлашга ёрдам беради.

Ҳатто яхши ишлаб чиқилган оилавий келишувлар ҳам, айниқса ота-оналардан бири келишилган шартларга риоя қилмаса, ижро этишда қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Баъзи юрисдикцияларда, риоя қилмаслик учун ҳуқуқий чоралар чекланган, ва ишни судга олиб бориш харажати ёки мураккаблиги ота-оналарни ижро этишни талаб қилишдан тийиб қўйиши мумкин[12].

Бундан ташқари, оилавий муносабатлар кўпинча вақт ўтиши билан ўзгаради. Кўчиб ўтиш, қайта турмуш қуриш ёки боланинг ривожланиш эҳтиёжларидаги ўзгаришлар дастлабки келишувга ўзгартиришлар киритишни талаб қилиши мумкин. Бу келишувнинг самарадорлигини сақлаб қолиш учун мунтазам кўриб чиқиш ва қайта музокарага тайёрликни муҳим қилади. Кучли ҳуқуқий асослар ва қулай низоларни ҳал қилиш хизматлари бўлмаса, батафсил оилавий келишув тузишнинг афзалликлари камайиб, оилалар янги шароитларга мослашишда қийналиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, турли хил маданий муҳитда истиқомат қилувчи оилаларнинг оилавий келишувлар қандай тузилиши ва амалга оширилишини ўрганиш маҳаллий анъаналарга ҳурмат билан БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида белгиланган универсал тамойилларга риоя қилишни мувозанатлаштирувчи стратегияларни очиб бериши мумкин. Бу маълумотлар оила қонунчилигига нисбатан маданий жиҳатдан сезгирроқ ёндашувларни шакллантириши мумкин.

Иккинчидан, ота-оналар ўртасида, аҳоли орасида оилавий шартномаларнинг аҳамиятига оид тарғибот ишларини кучайтириш. Бунда, технологиялар ривожланиши билан виртуал воситачилик ва музокара воситаларининг имкониятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Рақамли платформалар хизматлардан фойдаланиш имкониятини ошириши, харажатларни камайтириши ва айниқса иқтисодий жиҳатдан ноқулай ҳудудларда ота-оналарнинг мунтазам иштирокини рағбатлантириши мумкин.

Учинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида болаларга мос ҳуқуқни қўллаш ва низоларни ҳал қилиш тизимларини ривожлантиришга устувор аҳамият бериш. Бунга ихтисослаштирилган оилавий судлар, соддалаштирилган тартиб-қоидалар ва боланинг фаровонлигига эътибор қаратган ҳолда келишувларга риоя қилишни таъминлаш учун мажбурий ота-оналик таълими дастурлари кириши мумкин.

Тўртинчидан, медиаторлар, ҳуқуқшунослар ва оилавий психологлар учун ўқув дастурларини кенгайтириш ва такомиллаштириш жуда муҳимдир. Такомиллаштирилган ўқитиш ушбу мутахассисларни ҳамкорликни ривожлантириш, кучлар номутаносиблигини бартараф этиш ва боланинг манфаатларини устувор қўядиган келишувларни таъминлаш учун зарур бўлган кўникмалар билан таъминлаш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Конвенция о правах ребенка//https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml
2. Муаллиф томонидан социологик сўров усули орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Фарғона вилояти, Самарқанд вилояти, Тошкент шаҳрида 422 та турли ёш вакиллари ўртасида шунингдек 588 та ажрашган, алимент олувчи аёллар ўртасида ўтказилган.
3. Children Act 1989 // <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1989/41/contents>, Parental rights and responsibilities // <https://www.gov.uk/parental-rights-responsibilities>, Making child arrangements if you divorce or separate
4. Contents// <https://www.gov.uk/looking-after-children-divorce>
5. Family Law Act 1975// https://www.austlii.edu.au/cgi-bin/viewdb/au/legis/cth/consol_act/fla1975114/
6. Children in Between Online // <https://online.divorce-education.com>
7. Maccoby, E. E., Mnookin, R. H., Depner, C. E., & Peters, H. E. (1992). *Dividing the child: Social and legal dilemmas of custody*. Harvard University Press.
8. Kelly, J. B., & Emery, R. E. (2003). Children's Adjustment Following Divorce: Risk and Resilience Perspectives. *Family Relations*, 52(4), 352–362.
9. Emery, R. E., & Sbarra, D. A. (2002). Divorce Mediation: Research and Reflections. *Family Court Review*, 40(2), 185–203.
10. United Nations Convention on the Rights of the Child (UNCRC), Art. 3, Bowlby, J. (1969/1982). Attachment and Loss: Vol. 1. Attachment (2nd ed.). Basic Books.
11. McIntosh, J. E. (2007). Child Inclusion as a Principle and as Evidence-Based Practice: Applications to Family Law Services and Related Sectors. *Journal of Family Studies*, 13(1), 8–29.
12. Maccoby, E. E., & Mnookin, R. H. (1992). *Dividing the Child: Social and Legal Dilemmas of Custody*. Harvard University Press. Emery, R. E. *Renegotiating Family Relationships: Divorce, Child Custody, and Mediation* (2nd ed.). The Guilford Press. 2012

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада оила муҳитида болалар тарбияси билан боғлиқ муносабатларни келишувлар асосида тартибга солиш масаласи атрофлича кўриб чиқилади.

Калит сузлар: Оила, бола, тарбия, ижтимоий ривожланиш, ҳаётий тарбия, ахлоқий қадриятлар, кўникмалар

РЕЗЮМЕ:

В данной статье подробно рассматривается вопрос регулирования отношений, связанных с воспитанием детей в семье, на основе договоренностей.

Калит сузлар: Семья, ребенок, образование, социальное развитие, жизненное образование, этические ценности, навыки

RESUME:

This article comprehensively examines the issue of regulating relationships related to the upbringing of children in the family environment based on agreements.

Keywords: Family, child, education, social development, life education, moral values, skills

**ГЛОБАЛ ТРАНСФОРМАЦИОН ШАРОИТДА ИЖТИМОИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ОМИЛИ (СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ)****Тўраев О.Б. –***ЎзМУ мустақил изланувчиси, социология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент* 10.24412/2181-7294-2025-1-127-131

Соғлиқни сақлаш – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарорлик ва хавфсизликни таъминловчи бош омиллардан бири саналади. Шунингдек, давлатнинг иқтисодий ўсишига имконият яратувчи омиллар орасида аҳолининг сифатли тиббий ёрдамдан фойдаланиш даражаси алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда кузатилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ижобий динамикасида, ислохотларнинг самарасида бевосита соғлиқни сақлаш омилининг таъсири мавжуд. Ўз ўрнида, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгариш тенденцияси мавжуд соғлиқни сақлаш тизимида кўрсатилаётган хизматларнинг камрови, сифати, даражаси ва тиббий хизмат механизмларининг самарадорлигини оширишга бир томондан шароит яратса, иккинчи томондан ушбу тизимни янада ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Глобал трансформацион жараёнлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда, иқлим ўзгариши, турли эпидемиялар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа демографик босим соғлиқни сақлаш тизимига ва унга энг муҳтож шахсларга тобора кўпроқ зарар етказмоқда. БМТ маълумотларига кўра, дунё миқёсида 40% дан ортиқ аҳоли иқлим ўзгариши билан боғлиқ таҳдидларга жуда заиф бўлган ҳудудларда яшайди. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг маълумотида кўра, дунё аҳолисининг деярли ярми энг керакли тиббий хизматлар билан тўлиқ қамраб олинмаган. 800 миллиондан ортиқ аҳоли ёхуд дунё аҳолисининг 12% қисми даромадларининг камида 10% қисмини соғлиқни сақлаш харажатларига сарфласа, деярли 180 миллионга яқин киши ўз уй хўжаликлари бюджетининг чорак ёки ундан кўпроқ қисмини соғлиғини тиклашга сарфламоқда[1].

Ушбу муаммоли вазиятлар глобал даражада ижтимоий хавфсизликка таҳдидларни юзага келтирмоқда. ХХI аср тиббиётда замонавий технологиялар босқичи бўлишига қарамадан давлатлар ўртасида ўртача умр кўриш ёшининг турли даражада сақланиб қолмоқда. Бу аксарият давлатларда болалар ва оналар ўлимининг юқорилиги ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш самарадорлигининг пастлиги билан боғлиқ. Ушбу таҳдидларни бартараф этиш йўлида дунё ҳамжамияти ҳамкорликда бир қанча ижобий ишларни амалга ошираётганлигига қарамай, турли сабабларга кўра мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсатида кескин фарқлар мавжуд бўлиб қолмоқда.

Ретроспектив таҳлил натижалари сўнгги икки аср давомида ҳаёт давомийлиги кўрсаткичи глобал даражада сезиларли ошганини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, нисбатан камбағал давлатларнинг ушбу йўналишда сезиларли ютуқларга эришганлиги билан боғлиқ. Шундай бўлишига қарамадан, умр кўриш давомийлиги кўплаб Европа мамлакатлари ва Японияда 80 ёшдан юқори бўлса, Африканинг баъзи мамлакатларида 60 ёшдан паст ҳолатда бўлиши аҳоли саломатлиги билан боғлиқ таҳдидлар ханузгача глобал миқёсда мавжудлигини кўрсатмоқда[2].

Болалар ўлими даражасининг таҳлили аҳолининг саломатлиги билан боғлиқ умумий хулосаларни чиқаришда муҳим ҳисобланиб, бу кўрсаткичнинг ЖССТ томонидан тавсия этилган даражасидан юқори бўлиши давлатларда соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб муаммолар мавжудлигидан дарак беради. Хусусан, 2022 йилда болалар ўлими даражаси 0,5 фоизга камайган бўлса-да, кам даромадли мамлакатларда болалар ўлими даражаси юқори даромадли мамлакатларга нисбатан ўн марта юқорилигича қолмоқда[2].

ХХ асрда глобал даражадаги оналар ўлими кўрсаткичлари ҳар 100 000 тирик туғилган чақалоққа нисбатан 500 дан 1000 тагачани ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу

кўрсаткич 10 та ва ундан паст даражага тушган бўлса-да, ҳозирга қадар баъзи нисбатан кам ривожланган давлатларда 500 тагача бўлган кўрсаткич қайд этилмоқда. Бу аҳоли саломатлиги билан боғлиқ глобал тафовутлар турли кўрсаткичлар кесимида 60 баробаргача етганлигини кўрсатмоқда. 2021 йилга келиб глобал соғлиқни сақлаш харажатлари 9,8 триллион доллар ёки жаҳон ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 10,3% ни ташкил қилди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш кўрсаткичлари ҳам давлатлар кесимида нотекис бўлиб, дунё аҳолисининг қарийб 11 фоизи истиқомат қиладиган давлатларда жон бошига йилига 50 АҚШ долларида кам маблағ сарфланади. Ўз навбатида, юқори даромадли мамлакатлар эса соҳани молиялаштиришда жон бошига нисбатан ўртача 4000 АҚШ доллари сарфлашади[3]. Соҳада олиб борилган халқаро тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш тизимининг жон бошига нисбатан молиялаштирилишини 250 АҚШ долларида кам бўлмаслиги лозимлигини асослаб берган.


Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳолини сифатли тиббий хизмат билан тўлақонли қамраб олиш ва аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини барқарор мустаҳкамлаб боришни соғлиқни сақлаш соҳасида ижтимоий хавфсизликни таъминлашдаги миллий манфаат сифатида илгари суриш мумкин. Ўз навбатида, ушбу миллий манфаатни таъминлашда тўсқинлик қилувчи таҳдидлар ҳам мавжуд (1-расм).

Шунингдек, ижтимоий хавфсизликни таъминлашда аҳолини сифатли ва тўлиқ тиббий хизмат билан қамраб олиш жараёнида ҳар бир шахс ортиқча молиявий қийинчиликларга дуч келмаслиги муҳим саналади. Яъни, саломатлиги билан боғлиқ муаммолар шахсни камбағалликка олиб келмаслиги ва турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига сабаб бўлмаслиги керак.

Бугун Ўзбекистон таълим даражаси ва кутилаётган ҳаёт даври давомийлиги кўрсаткичларини ошириш, инсон капитални ривожлантириш йўлида амалга ошираётган ислохотлари орқали ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига яқинлашиш йўлида жадал ҳаракатларни олиб бормоқда. Хусусан, давлат бюджетининг ижтимоий мақсадларга сарфи 50% дан ортиқни ташкил этмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари шуни кўрсатадики, ушбу тизимнинг самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- мамлакатнинг демографик ҳолати;
- аҳолининг касалланиш кўрсаткичлари;
- мамлакатдаги санитария-эпидемиологик осойишталик ҳолати;
- ҳудудлардаги тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар тармоғининг шаклланганлик даражаси;
- соғлиқни сақлаш тизимининг молиялаштирилиш даражаси;
- ЯИМда соғлиқни сақлаш харажатларининг улуши;
- соғлиқни сақлаш тизимига ажратилган маблағларнинг йўналишлар кесимида оқилона тақсимланиши.



1-расм. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ижтимоий хавфсизликни таъминлашга оид миллий манфаат ва потенциал таҳдидлар[4]

Юқоридаги глобал трансформацион жараёнларнинг таъсирини тиббиёт тизимидаги кадрлар тайёрлаш тизими мисолида кўриб чиқамиз. Тиббиёт соҳасининг кадр таъминоти билан боғлиқ таҳдидлардан бири малакали тиббиёт ходимларининг чет элга чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлиб, БМТ Тараққиёт дастурининг 2019 йилда эълон қилинган ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда 14 мингдан ортиқ шифокорлар бошқа давлатларда меҳнат қилиш мақсадида мамлакатни тарк этганлиги таъкидланган.

Бу, ўз навбатида, шифокорлар етишмаслиги билан боғлиқ муаммони янада чуқурлаштирмоқда. ЖССТ тавсияларига кўра, ҳар минг нафар аҳолига 2,3 нафар шифокор ва 3 нафар ҳамшира тўғри келиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган бўлиб, ушбу ташкилотнинг Ўзбекистон бўйича эълон қилинган 2022 йил маълумотларига кўра, ҳар минг нафар аҳолига 1,6 нафар шифокор тўғри келади (ЖССТнинг 2016 йилги ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда ҳар минг нафар аҳолига 3,1 нафар шифокор кўғри келган). Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2022 йилда ушбу кўрсаткич 1,9 нафарга тенг бўлган.


Кадрлар етишмовчилиги муаммоси тиббиёт соҳасининг айрим йўналишларида нисбатан жиддий таҳдидларни юзага келтирмоқда. Хусусан, онкологлар 10 минг аҳолига нисбатан 0,24 нафарни (ЖССТ тавсиявий миқдори – 4,9), тиш шифокорлари 2,1 нафарни (ЖССТ тавсиявий миқдори – 8,1), дерматологлар 0,3 нафарни (ЖССТ тавсиявий миқдори – 4,3) ташкил қилмоқда. Ўзбекистондаги ўлим кўрсаткичларининг 9% ўсмалар сабабли юзага келаётганлигини инобатга олсак, малакали онкологлар етишмаслиги жиддий муаммога айланмоқда.

Тиббиёт йўналишида кадрларнинг профессионаллик даражаси улар томонидан йўл қўйилган тиббий хатолар орқали баҳолаш методикасига асосида шакллантирилади. ЖССТнинг тиббиёт ходимларининг малакасига оид рейтингда Ўзбекистон 39 балл билан 195 мамлакат ичида 82-ўринни эгаллаган ва соҳадаги ходимларнинг 70% га яқинида малака даражаси билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги таъкидланган. Миллий статистик маълумотларга кўра, 2023 йил январ ҳолатида 65% шифокорлар малака тоифасига эга бўлиб, тоифага эга бўлмаганлар 40,9% ни ташкил қилади[5].

ЖССТ меъёрларига кўра, тиббиёт йўналишидаги талабалар сони 100 минг аҳолига нисбатан 1,1 тани ташкил қилиши тавсия қилинган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1,4 тага тенг. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан, халқаро стандартларга нисбатан тиббий кадрларнинг етишмаслик даражаси 2 баробаргачани (ЖССТ меъёрлари бўйича 100 минг аҳолига 60 нафарни) ташкил қилмоқда. Бу, ўз навбатида, тиббий олий таълим муассасаларининг битирувчилари орасида хорижга ишлаш учун кетиш тенденциясининг юқорилиги билан боғлиқ. Хусусан, ўтказилган социологик тадқиқот натижалари тиббий олий таълим битирувчиларининг 21,4% қисмида хорижга ишлаш учун чиқиб кетиш режаси мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ушбу таҳдиднинг юзага келиши бевосита тиббиёт ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақининг нисбатан паслиги билан боғлиқ. Хусусан, 2024 йил биринчи чорагида республика бўйича ўртача ойлик иш ҳақи 4,919 млн сўмни ташкил қилган бўлса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 3,241 млн сумни ташкил қилган (русубликадаги ўртача ойлик иш ҳақи нисбатан 34% га кам).

Бу, ўз навбатида, соҳадаги коррупция даражасига ҳам таъсир қилмоқда. Хусусан, социологик тадқиқот натижалари респондентларнинг 68% қисми тиббий муассасаларга мурожаати давомида коррупцион муносабатларга дуч келганлигини билдириб, унга сифатли тиббий хизмат олиш учун пул беришга мажбур бўлиши (26%), тиббиёт ходимларининг ойлик маошининг камлиги (25,9%), шифокорларнинг беморларга муносабатини шаклланишида уларнинг моддий имкониятидан келиб чиқиши беморни пул беришга ундаётганлиги (25,1%), фуқароларнинг ўзлари шифокорга келгусида мурожаат қилишини инобатга олиб пул таклиф қилиши (23%) сабаб бўлаётганлигини кўрсатиб ўтади (2-расм).



2-расм. Тиббиёт йўналишида коррупцияга олиб келувчи сабаблар[6]

Юқоридаги сабаблар таҳлили шуни кўрсатмоқда-ки, тиббий хизматга эҳтиёж тўсатдан пайдо бўлиши туфайли бу йўналишдаги ижтимоий муносабатларда бошқа соҳаларга нисбатан ўзаро манфаатларга асосланганлик даражаси юқори бўлади. Яъни бемор сифатли хизмат кўрсатилишини ва имкон қадар тезроқ соғайишни хоҳлайди. Бундан ташқари, соҳада рискларни бошқариш тизимининг мавжуд эмаслиги (шу жумладан, коррупцион рискларни), мониторинг ва назорат қилиш имкониятининг пастлиги, хабар бериш тизимининг самарасизлиги ва хабар берувчиларни рағбатлантириш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, юқоридаги омиллар ва тиббиёт тизимида тушаётган демографик босимнинг юқорилиги шифохоналарда навбатларнинг юзага келишига олиб келмоқда. Социологик тадқиқот натижалари навбатлар сабаб, 29% респондентлар шифокор қабулига кирмасдан қайтиб кетишини, 27% респондентлар навбатлар сабаб мажбурий тиббий кўрикларга боришни хоҳламаслигини, 20% респондентлар тезроқ тиббий хизмат кўрсатилиши учун қўшимча ҳақ тўлашга тайёрлигини таъкидлаган. Экспертлар фикрига кўра, катта ёшли беморларнинг шифокор қабулидаги навбатларда узоқ кутиши инсултга дучор бўлиш рискини 10% га оширади.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги юқоридаги ҳолатлар соҳада қатор ислохотларнинг олиб борилаётганлигига қарамадан, социологик тадқиқот натижалари респондентларнинг 19% қисми тизимдаги ижобий ўзгаришларни ҳис қилишларини, 39% респондентлар ўзгаришлар мавжудлигини бироқ, мавжуд муаммолар тўла бартараф этилмаганлиги сабабли уларни ҳис қилмаслигини таъкидлаб ўтганлигини кўрсатмоқда. Бу, соҳада тизимли муаммолар сақланиб қолаётганлигини ва уларни бартараф қилиш учун мажмуавий-экотизимли ислохотларни олиб бориш зарурлигидан далолат беради.

Юқоридаги кўрсаткичларнинг таҳлили ижтимоий хавфсизликни таъминлашда соғлиқни сақлаш омилининг таъсир даражасини ёритиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимининг кўрсаткичлари мамлакатнинг ривожланиш даражасини ҳам ўзида ифода этади.

Умуман олганда, юқоридаги ижтимоий хавфсизликка таҳдидлар ва рискларни бартараф этиш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда бирламчи аҳамият касб этиши соҳада олиб борилаётган давлат сиёсатида инобатга олиниб, 2024-2030 йиллар учун “Аҳоли саломатлиги – 2030” миллий стратегияси доирасида ушбу риск ва таҳдидларни бартараф этиш ёки уларнинг салбий таъсирини минималлаштириш юзасидан 12 та йўналиш кесимида юқорида баён қилинган салбий тенденцияларни бартараф этиш учун 70 та мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда соғлиқни сақлаш кўрсаткичларининг юқорида таҳлил қилинган динамикаси, касалланиш ва молиялаштириш даражалари, шунингдек, аҳолининг ижтимоий гуруҳлар кесимидаги ўлими, ногиронлиги билан боғлиқ салбий ҳолатлар ижтимоий хавфсизликни таъминлашдаги соғлиқни сақлаш омилини очиб беради ва бу, ўз навбатида,

генафоннинг ўзгаришига, ўртача умр кўриш давомийлигига, меҳнат даражасига, шунингдек, инсон капиталининг ҳолатига таъсир кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР:

1. М. Андре. “Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботи 2023й.”. [https://www.uicc.org/what-we-do/thematic-areas/universalhealthcoverageuhc#:~:text=Over%20800%20million%20people%20\(almost,their%20household%20budgets%20on%20health,2023-yil15-sentyabr](https://www.uicc.org/what-we-do/thematic-areas/universalhealthcoverageuhc#:~:text=Over%20800%20million%20people%20(almost,their%20household%20budgets%20on%20health,2023-yil15-sentyabr).
2. Esteban Ortiz-Ospina Maks Rozer. “Global health”. <https://ourworldindata.org/health-meta>. 2024 y.
3. “JSST hukumatlarni Umumjahon sog‘liqni saqlash qamroviga sarmoya kiritish uchun shoshilinch choralar ko‘rishga chaqiradi”. <https://www.who.int/news/item/11-12-2023-who-calls-on-governments-for-urgent-action-to-invest-in-universal-health-coverage>. 2023 yil 11 dekabr.
4. Соҳа экспертларининг фикрлари ҳамда миллий хавфсизликка оид концептуал ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида шакллантирилган.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузиридаги статистика агентлигининг маълумотлари
6. Социологик тадқиқот натижалари асосида шакллантирилган.

РЕЗЮМЕ:

Мақолада ижтимоий давлатга трансформация шароитида тиббиёт соҳасида кузатилаётган глобал тенденцияларнинг Ўзбекистонга таъсири социологик нуқтаи-назардан ёритилган бўлиб, ушбу тенденцияларнинг аҳоли саломатлигини сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларга таъсири юзасидан фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: социологик тадқиқотлар, ижтимоий хавфсизлик, соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий тузилмалар.

РЕЗЮМЕ:

В статье представлен социологический анализ тенденций, наблюдаемых в медицинской сфере в условиях перехода к социальному государству, а также показано влияние этих тенденций на проводимые реформы в системе здравоохранения.

Ключевые слова: социологические исследования, социальное обеспечение, система здравоохранения, социальные структуры.

RESUME:

The article presents a sociological analysis of trends observed in the field of medicine in the context of the transformation to a social state, and expresses opinions on the impact of these trends on the reforms being carried out in the public health system.

Keywords: sociological research, social security, health care system, social structures.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ (СИ) АСРИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ САВОДХОНЛИГИ

Тошполатова Ш.М. -
ЎЗМУ таянч докторанти

 10.24412/2181-7294-2025-1-132-134

Сунъий интеллект глобаллашув даврида нафақат илмий-техник тараққиётнинг, балки ҳар қандай давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг янги йўналиши ҳисобланади. Ҳозир дунёда барча соҳаларда баъзан соғлом, кўпинча ғирром рақобат кетмоқда. Жаҳон цивилизациясининг умумий оқимидан четга чиқиб қолаётган давлатлар яққаланиб, тубсиз қолоқликка маҳкум бўлмоқда. Бундай шароитда у ёки бу халқнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан шу мусобақада қанчалик муваффақиятли иштирок этаётгани ва олға кетаётганига боғлиқ бўлмоқда.

Мана шундай таҳдидларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2024 йил нашр этилган “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” асарида бундай деб таъкидлади: **“Тарих синовларидан ўтган ҳақиқат шуки, ўзини ўзгартиришга қодир бўлган, вақтни – имкониятга, имкониятни ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ – буюк халқдир. Бундай халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, кўзлаган мурод-мақсадларига албатта эришади”**.

Миллий иқтисодиётни рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида 2020 йили келгусидаги ўн йилликка мўлжалланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилинди. Стратегияда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ҳамма ҳудудларни рақамлаштиришга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги Фармонида таъкидланганидек, “Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда”.

Ер юзидаги барча давлатлар сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришдан манфаатдор ва бунинг учун зарур чораларни кўрмоқда. Хитой илмий-технологик жиҳатдан энг қудратли давлат бўлиш учун ҳал қилувчи омил сифатида СИ ни ривожлантирмоқда. 2017 йили ХХР “Кейинги авлод сунъий интеллектини яратиш режаси”ни қабул қилди. Сунъий интеллект замонавий давлатлар учун халқаро рақобатнинг янги соҳаси бўлиб улгурди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг юқорида қайд этилган Фармонига кўра, сунъий интеллект технологияларини биринчи навбатда, давлат хизматчилари фаолият юритадиган соҳаларда татбиқ этиш назарда тутилган. СИ технологиялари ходимларнинг рақамли кўникмаларини ошириш орқали давлат хизматини оптималлаштиришга ёрдам беради. Давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида сунъий интеллектни жорий этиш устувор қилиб белгалангани унинг бизнес, молиявий ва ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини автоматлаштириш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятида, миллий маданиятни юксалтиришга қўшаётган ҳиссасини ошириш долзарблигини истисно этмайди.

Бугун мамлакатимиз эришаётган ютуқлар халқаро мезонлар нуқтаи назаридан танқидий баҳоланмоқда. СИ ни иқтисодиёт ва маданиятга, жамиятнинг барча соҳаларига жорий этишдан, гарчи бу жуда қийин жараён бўлса-да, қочиб бўлмайди, деган тушунча республикада кучайиб бормоқда. Ўзбекистоннинг Asakabank, Tenge Bank, Uzum Bank сингари корхона раҳбарлари “Биз эволюция йўли билан сунъий интеллектга **муқаррар равишда** (таъкид бизники) кириб борамиз”, деган фикрга қўшилмоқда. Бизнинг фикримизча, мамлакатнинг иқтисодий ва

технологик ривожланишида ортида қолишга йўл қўймаслик учун иқтисодиёт ва маданиятнинг турли соҳаларида СИ ни жадал ривожлантириш орқали эволюцион ёндашув сиқиб чиқарилиши керак.

Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг фикрича, замонавий СИ технологияларни илгари суришдаги асосий муаммо мана шу йўналиш бўйича етук кадрлар ва мутахассисларнинг етишмаслигидир. Зеро “техник билимларнинг етишмаслиги аксарият корхоналарда ушбу йўналишни жорий этишга тўсқинлик қилмоқда. Малакали мутахассислар ҳозирги бозорда қиммат баҳоланади ва камдан-кам учрайди”. Республикада СИ-технология соҳасида юқори сифатли касбий таълимга эга кадрлар етишмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, биз сунъий интеллектни кундалик амалиётга жорий этиш ҳақида гапирганда, кўпинча "заиф" (бошқача айтганда "тор", "амалий") деб аталадиган сунъий интеллект ҳақида гапирамиз. Заиф СИ деганда экспертлар бир мақсад ёки бир нечта вазифаларни ҳал қилиш учун яратилган СИ тизимини назарда тутати (масалан, банк миқдорларини баҳолаш). "Кучли" ёки "универсал" СИ (бошқача айтганда "интеллектнинг генератив модели", "суперинтеллект") инсон онгининг нучаси, муқобилидир. Кучли СИ ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиши, режалаштириши ва ҳатто ҳиссиётга берилиши мумкин. Кучли СИ ўз-ўзини бошқариш элементини ўз ичига олади. Ушбу талқинда кучли СИ инсон интеллектуал қобилиятларининг маълум бир тўплами сифатида эмас, балки табиий инсон онгининг тўлиқ аналози сифатида намоён бўлади.

Бундан ташқари, сунъий интеллектнинг кенгайтирилган талқини мавжуд бўлиб, маълумотни мақсадли ва мантиқий равишда қайта ишлайдиган ва бирламчи таҳлилларни амалга оширадиган барча рақамли тизимларни назарда тутати. Бу қобилиятлар дастлаб компьютер технологиясига хос эди. Ҳозирги босқичда рақамли технологиялар нафақат маълумотларни таҳлил қилиш, балки умумлаштириш қобилиятига эга ва бу сунъий интеллектнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилигандан далолатдир.

Табиий интеллектга тўлиқ ўхшашликни яратиш масаласи баъзи мутахассислар томонидан шубҳа остига олинади, айрим мутахассислар эса, уни яратиш бемалол мумкин деб ҳисоблайди. Ушбу тадқиқот ишида биз Ўзбекистон корхона ва муассасаларида сунъий интеллектни амалиётга оммавий жиҳатдан жорий этилишини кенг маънода тушунилган кучли СИ эмас, балки тор маънода талқин қилинган сунъий интеллектни назарда тутамиз. Чунки тор маънода талқин қилинган сунъий интеллект ўзи ҳал қила оладиган муаммоларнинг кўлами ва тезлиги жиҳатидан унчалик заиф эмас, айниқса, агар у бир вақтнинг ўзида бир нечта муаммоларни ҳал қилишга ва ҳулосаларни умумлаштиришга қаратилган генератив модел бўлса, кучли эканини намоён қилади.

Мамлакатнинг сунъий интеллектни жорий этишга тайёрлигининг халқаро кўрсаткичлари мавжуд. Ўзбекистонлик тадқиқотчи А.А.Бахромов ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлиги халқаро индексига асосланиб, Ўзбекистонга оид маълумотларни тақдим этади. Индекс ҳар бир мезон учун алоҳида рейтинг берилган бўлса-да, 10 та кўрсаткичнинг комбинацияси асосида ҳисобланади. Булар қуйидаги кўрсаткичлар:

- кўриш;
- бошқарув ва этика;
- рақамли қувват;
- адаптация имконияти;
- ҳажми ва инновацион салоҳияти;
- инсон капитали;
- инфратузилма;
- маълумотлар мавжудлиги, маълумотлар сифати.

Ўзбекистон Республикаси ушбу кўрсаткичлар йиғиндисига бўйича 173 давлат орасида 95-ўринни эгаллади. АҚШ 1-ўринда, Корея 7-ўринда, Россия Федерацияси 33-ўринда, Қозғистон 64-ўринда жойлашди.

СИ га тайёрлик индексини яхшилаш фақат зарур билимга эга бўлган кадрларни етиштириш ва мамлакатнинг барча тармоқлари ҳамда ҳудудларида СИ ни жорий этиш учун

керак бўлган илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланадиган харажатларни кўпайтириш даркор. Ушбу вазифани амалга ошириш катта молиявий инвестицияларни талаб қилади.

Кейинги пайтларда илмий муомалага “AI- recruiting” деган тушунча кириб келди. Инглизча “recruiting” – ёллаш, саралаш, комплектация қилиш маъноларини билдиради. СИ ёллаш – хизматга олишда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат органлари сафини тўлдиришдир.

Кўплаб мамлакатларда сунъий интеллект кучидан нафақат ишга ёллаш, балки турли соҳаларда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Давлатимизда 2022 йил октябрь ойида ушбу фаолиятни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Сунъий интеллект бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Маслаҳат кенгаши ва тайинланган этика бўйича мутахассис СИ ахлоқ кодексини амалга ошириш учун жавобгар этиб белгиланди.

СИ бўйича маслаҳат кенгашининг вазифалари қуйидагилардан иборат: “Экспертлар ҳамжамиятини шакллантириш ва ушбу мавзу бўйича жамоатчилик мулоқотини ривожлантириш... Ўзбекистон Республикасида СИ билан боғлиқ фаолият соҳаларини қўллаб-қувватлаш, индивидуал лойиҳалар яратиш, истиқболли ташаббусларни ишлаб чиқиш, сунъий интеллектдан онгли ва ахлоқий фойдаланиш устида ишлаётган глобал ҳамжамиятга интеграциялашув учун халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шавкат Мирзиёев. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон». Тошкент, «Ўзбекистон» 2024
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020-йил 5-октябрдаги Фармони. // <https://lex.uz/docs/5030957>
3. Решетникова М.С., Пугачева И.А., Лукина Ю.Д. Тенденции развития технологий искусственного интеллекта в КНР // Вопросы инновационной экономики, 2021, Т. 11, № 1
4. <https://www.gazeta.uz/ru/2024/03/06/ai-banks/>

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада сунъий интеллект даврида давлат хизматчиларининг рақамли саводхонлиги ҳамда уларга қўйиладиган ахлоқий талаблар ҳақида сўз боради. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг асосий маъно мазмуни кенг ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Сунъий интеллект, кадрлар, ахлоқ, кадрият, рақамли саводхонлик, давлат хизматчилари, кодекс, тараққиёт, стратегия

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассматривается цифровая грамотность государственных служащих в эпоху искусственного интеллекта и этические требования к ним. Разъяснен основной смысл стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030».

Ключевые слова: искусственный интеллект, человеческие ресурсы, этика, ценность, цифровая грамотность, госслужащие, кодекс, развитие, стратегия.

RESUME:

This article examines the digital literacy of civil servants in the era of artificial intelligence and the ethical requirements for them. The main meaning of the strategy “Digital Uzbekistan - 2030” is widely explained.

Key words: artificial intelligence, human resources, ethics, value, digital literacy, civil servants, code, development, strategy.

СИНЕРГЕТИКАНИНГ ОНТОЛОГИК ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ**Бозаров Д.М. -***ISTF доценти**фалсафа фанлари номзоди.* 10.24412/2181-7294-2025-1-135-138

Синергетиканинг шаклланиши постноклассик фаннинг ривожланиши, яъни кенг доирадаги парадигмал силжишлар рўй бериши билан боғлиқдир. Чунки постноклассик фан инсон билан боғлиқ мураккаб тизимларни ўрганиш билан характерланади. Бу эса кўп фанларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатини, дунёга яхлит трансфанга алоқадор назар (ёки қараш) бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ўз-ўзини ривожлантирувчи тизимлар борасидаги тадқиқотларни, фанлараро моделлаштириш ва лойиҳалаштиришни усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам синергетикани нафақат табиатшуносликда, балки ижтимоий-гуманитар соҳада, табиат ва инсонни ўрганувчи фанлар мулоқотида, таълим, педагогика, санъатда ҳам кенг қўллаш масаласи илгари сурилмоқда. Шунинг учун ҳам фалсафада синергетика янги парадигмал ёндашув сифатида маълум бир дунёқараш, билиш ва методологик характердаги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради, деган хулосага келинмоқда. Буни биз фалсафанинг онтологик масалаларида ва унинг замонавий таърифларида ҳамда интуитив, метафора ва эвристик мулоҳазаларда ҳам кузатишимиз мумкин бўлади.

Синергетика инсонлар орасидаги фикр-мулоҳаза алмашинувини янги умумий боғланиш манзарасини ишлаб чиқиб, уларнинг бир-бирларини тушунишлари учун муносиб восита ва технологияларни ҳам жорий этмоқда. Бу ҳақида А.Т.Зуба фикр билдириб: “Синергетика ёндашув вазиятларни башорат қилишда рецепт ёки кўрсатмаларни бермайди. Унинг қиймати шундаки, жамиятни мураккаб, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим сифатида намоён бўлади. Шунда биз, эҳтимол ҳозир аҳамиятсиздек туюлган бирон бир воқеликни келажакда катта таъсирга эга бўлишини англашимиз мумкин”[1.98], деб ёзади. Фикримизча, бундай мураккаб ўзгаришлар нафақат жамият тараққиётида, балки фан тараққиётида ҳам кузатилади. Ҳозирги вақтда синергетика мураккаб тўрсимон боғланишли тафаккур методи сифатида ҳам қайд этилмоқда. Шунинг учун ҳам Е.Н.Князева, С.П.Курдюмовлар “Янги илмий мураккабликларни ҳал қилишда фанлараро интегратив тафаккур услубини яратиш лозим”[2.39], - деб таъкидлаб ўтадилар.

Онтологик маънода синергетикада жонли тизимлар очик тизим сифатида кўриб чиқилади. Шу маънода синергетиканинг асосчилари уни “Инсоннинг табиат билан янги мулоқоти”, [3.5] – деган хулосага келганлар. Тадқиқотдан маълум бўлишича, “синергетика” тушунчасининг яна бир муҳим илмий жиҳати, оддий ва мураккаб тизимларнинг ташкил топиши ва фаолият ўзгариши жараёнлари ва тараққий этиш механизмлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам синергетиканинг илмий ғоялари ва тамойиллари барча тизимларни ривожланиши ва стратегик фаолият йўналишларини тадқиқ қилишда қўл келади.

Синергетиканинг илк асосчиларидан бири А.С.Шербаков ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг кибернетик ва синергетик назарияларининг ўзаро муносабатига эътибор қаратиб, “Тузилмавий генезиснинг ягона механизмларини тасвирлашда синергетика моддий тузилмалар шаклланиши ва ривожланишининг илмий назарияси сифатида келиб чиқади. Шу билан бирга бу кибернетиканинг маълум таассуротлар масштабини фақат кенгайтиради деб тушунмаслик керак. Синергетика нотирик табиат билан тирик табиатни бир-бирига мувофиқлаштиради” [4.111], - деган хулосага келади. Фикримизча, синергетиканинг бундай тараққиёт концепцияси сабаб – оқибат, детерминизм ва индетерминизмнинг ўзаро муносабатининг илмий таҳлилини чуқурлаштиришга имкон беради.

Синергетика мураккаб характерга эга. Чунки унда ноилмий билимларни тадқиқ этишга доир ёндашувлар ҳам мавжуд. Жумладан, фан тараққиёти натижасида юзага келган ҳаётий

реаллиқни мезони, инсонни англаш даражаси, ақл орқали энергия ва ахборотларни бошқариш, сунъий интеллектни янги имкониятларини талқин қилиш, коинотдаги ҳамфикр дўстлар билан алоқа ўрнатиш, ғайришуурий онг, ҳиссиёт имкониятларини тўғри баҳолаш ва шу каби бошқа масалаларни киритиш мумкин. Лекин бундан синергетикани илмийлик талабларига жавоб бермас экан деган фикр туғилмаслиги керак. Чунки унинг илмий асослари И.Р.Пригожин (Брюссел мактаби), Г.Хакен (Назарий физика ва синергетика институти), С.П.Курдюмов, Г.Г.Малинетский (Келдиш номидаги амалий математика институти), А.А.Самарский (Москва Давлат Университети), Л.И.Манделштам (ночизикли тебранишларни тадқиқ қилишга ихтисослашган мактаб) ва бошқа шу каби олимларни илмий фаолиятлари орқали қўлга киритаётган илмий натижаларда ўз исботини топган. Булардан келиб чиққан ҳолда биз синергетикани сермахсул илмий концепция дейишимиз мумкин. Бироқ синергетикани эътиборли жиҳати уни экспериментал фанлар билан яқинлиги ёки машҳур олим ва файласуфларни ижод маҳсули эканлиги билан эмас, балки уни одам ва олам муносабатларидаги глобал муаммоларга жавоб излаш имкониятини мавжудлиги ҳам аҳамиятлидир.

Ҳозирги кунда синергетика фанлараро тадқиқот методларини бирлаштириш орқали соҳалараро фалсафа белгиларини намоён қилмоқда. Шу боисдан ҳам синергетик тадқиқотларни олиб боришнинг ўзида ҳар бир онгли инсонни қизиқтираётган саволларга жавоб изланмоқда. Бундай саволлар жумласига коинот нима, коинотнинг ўлчами қанча, коинотдаги катта портлаш қачон содир бўлган, ҳаёт қандай пайдо бўлган, коинотда инсон ягона мавжудотми, ер юзидаги аҳоли қанчагача кўпайиб бориши мумкин, инсоният хавфли касалликларни енга оладими, инсонни ўзи қандай пайдо бўлган, онг нима дегани, иқлимни нима бошқаради, қандай қилиб бир ҳужайра бутун бир организмга айланади, сунъий интеллектни шакллантиришдан мақсад нима, нанофан ва нанотехнологияни истиқболи қандай бўлиши мумкин, фуқаролик жамиятининг императивлари нималар билан белгиланади, техносфера ва ахборот жамиятининг асосий тараққиёт тамойиллари нималар билан боғлиқ, биоэтика ва ноосфера ғояларининг стратегик йўналишлари ишлаб чиқишдан мақсад нима ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бизнингча, синергетикада инсоннинг ҳақиқатни билиш фаолиятида илмий ёндашувни кўпхиллилигини таъминлаш масаласи устуворлик қилади. Буни биз В.И.Аршинов, В.Э.Войцеховичларнинг илмий тадқиқотларидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Уларнинг фикрича, “Синергетика табиат ва жамиятни ўз-ўзини ташкиллаштириш муаммосига оид илмий билимларни ночизикли тафаккур ва ўзаро тартибланган тадқиқот методлари орқали ечимини топишга имконият яратади” [5.107]. Бундан маълум бўладики, синергетика илмий тушунча сифатида фақат илмий муаммоларни ечимини излаб топиш эмас, балки у дунёни янги тамойиллар асосида тушуниш, тараққиёт парадоксларини ноанъанавий ёндашув асосида таҳлил қилиш, янги илмий ғоя ва гипотезалар орқали илмий йўналишларни ишлаб чиқишга ҳам муҳим шарт-шароит яратади. Бизнинг назаримизда, синергетика фалсафий нуқтаи-назардан ҳам янги парадигма ҳисобланиб, унда инсон табиати, жамият ва инсонни ўз-ўзи ҳақида фикрлаши ҳамда мавжудлигини ҳис қилишга доир янги илмий фикр-мулоҳазалар муайян даражада тизимга солинган.

Фалсафий нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, эндиликда синергетика нафақат диалектик тафаккурга янги маъно-мазмун олиб кирди, балки, позитивизм, онтологизм, редукционизм, релятивизм, постмодернизм ғояларини ўзгаришига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Шунингдек синергетикада табиат, жамият, инсон, маънавий-эстетик муҳит, информатсион ва техноген фаолиятни янгича тасвирлаш, таҳлил қилиш, уларни гуруҳларга ажратиш, кузатиш, талқин қилишга доир интегратив тадқиқот методларини аниқлаб олиш имконияти мавжуд. Айни шу маънода нафақат бугунги кунда балки келажакда ҳам синергетика кибернетика, тизимли ёндашув билан ҳамкорликда фалсафа ва фанда катта ижобий ўзгаришлар ясаши мумкин. Шунинг учун ҳам синергетиканинг илмий тадқиқот доирасини маълум маънода бўлса ҳам ҳар бир фан соҳаси вакили билиши керак. Бу билан биз биринчидан, инсоннинг билим фаолиятига нисбатан синергетиканинг асосий ҳолатлари, маълум шаклда бўлса ҳам юқори даражада яқинлашганини билиш, иккинчидан фалсафадаги дунёқарашнинг долзарб муаммоларини ўз-ўзини ташкил қилиш назарияси позициясидан туриб таҳлил қилиш имкониятига эга бўламиз.

Учинчидан эса, синергетика ижтимоий ҳаётнинг баъзи соҳаларини башорат қилиш ва бу борада турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш имкониятини беради. Булардан келиб чиқиб биз синергетикага фанлараро тадқиқот методи ва ҳамкорлик ғояси хосдир дейишимиз мумкин. Бу ерда табиат, жамият, дунёнинг замонавий талабларга жавоб берадиган илмий кўринишни яратишга ҳаракат қилган турли фан соҳалари вакиллари синергетиканинг меҳнатларини назарда тутиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айнан шунинг учун ҳам биз синергетикани нафақат конкрет илмий метод тадқиқотлари, методологик тизимлар, назарий қурилмалар ўзига хос синтези, балки уларни постноклассик фаннинг янги ўлчамларига ўтказувчи парадигмадир дейишимиз мумкин.

Бугунги кунда синергетика янги илмий соҳа сифатида очик тизимларда ўз-ўзини ташкиллаштириш юзага келиши ва уларни қўллаб-қувватловчи жараёнда жамоавий, кооператив ўзаро ҳаракатларни тадқиқ қилишга мўлжалланган тамойилларни инъикос этириш билан ҳам кенг илмий жамоатчиликни қизиқтириб келмоқда. Шунинг билан бир қаторда синергетикада борлиқдаги ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларидаги турли тизимларни жиддий тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан маълум бўладики, тизимлар умумназарияси билан ўз-ўзини ташкил этиш тизимлар назарияси ёки синергетика билан, аввало тизимлик тамойили, редукционизмни инкор қилиш ғояси боғланади.

Синергетиканинг фалсафий ва методологик жиҳатларини тадқиқ этган олим В.П.Бранский синергетикада куйидаги илғор тушунчаларни алоҳида ажратади: “диссипатив тузилма, бифуркация, кооперация, рақобат, траектория, аттрактор” [6.5]. У ўзининг олиб борган изланишлари натижасида Гегель фалсафаси ва синергетиканинг ўз-ўзини ташкиллаштириш тамойилини таърифлашда кўп параллеликларни топади. Олим шунингдек, синергетикада бу икки параллеликни янги сифатларнинг пайдо бўлишида фундаментал аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлайди. Бироқ, В.П.Бранский уни диссипатив тизимлар селектив ривожини назарияси деб атади. Унинг бу фикри И.Пригожиннинг фикрига ўхшаб кетади. Дарҳақиқат, олиб борилган кўп йиллик изланишлар асосида В.П.Бранскийнинг ўзи синергетик маънодаги маданиятшуносликни суператтрактор (абсолют идеал)га қараб ҳаракат қилувчи социал тизимлар ривожини концепциясини ишлаб чиқади [7.112]. Бундан маълум бўладики, физика–математикавий синергетиканинг эришган ютуқлари бир қаторда анъанавий фалсафий муаммо ва таълимотларни тубдан қайта ўрганишни айнан синергетик парадигма талаб қилади.

Синергетика – бу мураккаб тизимларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириши ва ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи илмий йўналиш бўлиб, у фалсафа, табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг интеграциясини таъминлайди. Синергетика борлиқни статика эмас, балки динамик ўзгарувчан жараён сифатида талқин қилади. Бу ёндашув, борлиқ ва вақтнинг бирлиқда шаклланиши, хаос ва тартибнинг ўзаро боғлиқлиги, эволюция ва ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмларининг фалсафий асосларини янгича тушуниш имконини беради.

Синергетика анъанавий редукционистик моделлардан фарқли равишда тизимли ва интегратив ёндашувни таклиф этади. У фанлараро тадқиқотларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий, биологик ва физик жараёнларнинг умумий қонуниятларини аниқлашга йўналтирилган. Тартиб ва хаоснинг ўзаро таъсири мураккаб тизимларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнини белгилайди. Бу ёндашув нафақат табиатшунослик, балки ижтимоий ва гуманитар фанлар учун ҳам муҳим бўлиб, ижтимоий инқирозлар, иқтисодий беқарорлик ва маданий эволюция каби жараёнларни яхшироқ тушуниш имконини яратади.

Классик фан қатъий детерминизмга асосланса, синергетика индетерминистик ёндашувни ҳам ўз ичига олади. Бу эса тасодифийлик ва эҳтимолият ролини тан олишга, тизимларнинг турли йўналишларда ривожланиши мумкинлигини ҳисобга олишга имкон беради. Табиат ва жамиятдаги мураккаб тизимлар ўз тузилмаларида фрактал хусусиятларни намоён этади. Бу эса ривожланиш ва эволюция жараёнларининг кўп босқичлилиги ва иерархик тузилишини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Синергетика постноклассик фаннинг асосий парадигмаларидан бири бўлиб, онг, билим ва жамият тараққиётида янги ёндашувларни таклиф этади. Унинг универсал қонуниятлари нафақат табиатшунослик ва ижтимоий фанлар, балки кибернетика, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект тадқиқотларида ҳам қўлланилиши мумкин. Синергетик ёндашув мураккаб тизимларнинг ривожланишини тадқиқ қилишда

фанлараро методларнинг муҳимлигини кўрсатади. У инсон, жамият ва табиат ўртасидаги боғлиқликни англашга ёрдам беради, фаннинг янги моделларини ишлаб чиқишга тurtки беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Синергетика: человек, общество. – М.: РАГС. – 98 с.
2. Князева Е.Н., Курдюмов С.П. Жизнь неживого с точки зрения синергетики // Синергетика. Труды семинара. Том 3. – М.: Издательство МГУ, 2000. – С.39-61.
3. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. Новый диалог человека с природой. – М.: КомКнига, 2005. – 5-6 с.
4. Шербаков А.С. Самоорганизация материи в неживой природе. Философские аспекты синергетики. – М.: Изд-во МГУ, 1990. – 111 с.
5. Аршинов В.И., Войцехович В.Э. Синергетическое знание: между сетью и принципами / / Синергетическая парадигма. М., 2000. – 107-120 с.
6. Баранский В.П., Пожарский С.Д. Глобализация и синергетический историзм. – СПб.: Политехника, 2004. – 76 с.
7. Бранский В.П. Теоретические основания социальной синергетики // Вопросы философии. 2000. №4. – С. 112-129.

РЕЗЮМЕ:

Мазкур мақолада синергетиканинг постноклассик фан контекстидаги ўрни, унинг онтологик ва методологик асослари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: синергетика, онтология, методология, постноклассик фан, фанлараро тадқиқот, хаос, тартиб.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассматривается место синергетики в контексте постнеклассической науки, а также ее онтологические и методологические основы.

Ключевые слова: синергетика, онтология, методология, постнеклассическая наука, междисциплинарные исследования, хаос, порядок.

RESUME:

This article examines the role of synergetics within the framework of post-nonclassical science, focusing on its ontological and methodological foundations.

Key words: synergetics, ontology, methodology, post-nonclassical science, interdisciplinary research, chaos, order.

MODERNIZATSIYA: ILMIY VA IJTIMOIIY-FALSAFIY TALQINLAR

Umarova F.S. –

TTA dotsenti, falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

 10.24412/2181-7294-2025-1-139-142

Insoniyat sivilizatsiyasi til, tushuncha, soʻz vositalari mahsulidir. A.N.Uaytxedning yozishicha, sivilizatsiya til mahsuli boʻlganidek, til ham sivilizatsiya mahsulidir. “Til, - deb yozadi faylasuf, - har qanday mavjudlik mohiyatini bildiradigan bilim negizidagi aynanlikni ifoda etadi” [1, 366]. Ammo bu “aynanlik” tashqi muhit, tajriba, ong, tafakkur bilan bogʻliqdir. Shu nuqtai nazardan “til mohiyati ong vositasida tajribada oson oʻz ifodasini topadigan tajribalar yelementlari utilizatsiyasi hisoblanadi. Insoniyatning uzoq yillar davomida foydalanishi natijasida bu yelementlar insonning ulkan tajribalarini qamrab olgan mohiyatlar sifatida anglanadi. Har qanday til tarixiy anʼanalarni unutilishidan asraydi. U kishilar foydalanadigan jamiyat madaniyati ifodasidir. Til - ifodalar tizimi” [2, 364-365]. Bu oʻrinda gap shunchaki til toʻgʻrisida ketayotgani yoʻq. Til orqali ifodalanadigan soʻz, ifoda, tushunchalar oʻzida maʼlum bir yetimologik, gnoseologik va ijtimoiy-madaniy yuk tashishi ustida ketayapti. Shuning uchun til, tushuncha “tafakkurning odatiy natijasi va uning kashfiyotidir” [3, 367]. Falsafa ushbu “kashfiyot”dan bahramand boʻlib, oʻzining mavjudligini va ijtimoiy zarurligini isbot yetib keladi. Uning uchun har bir yangi soʻz, tushuncha gnoseologik yangilik, borliqni anglashning yangi vositasidir.

“Modernizatsiya” (fransuzcha “moderne”) tushunchasi, yetimologik nuqtai nazardan, modern, moda, modernizm, modifikatsiya kabi soʻzlar bilan bogʻliqdir. Ularning barchasi fransuz tilidan, leksikasidan olingan. Mazkur tushunchalar haqida qisqacha toʻxtalib oʻtish, bizning fikrimizcha, modernizatsiyaning turli ijtimoiy sohalar bilan bogʻliqligini, uni kengroq tushunish zarurligini anglashga yordam beradi.

“Moda” (fransuzcha “mode” yoki lotincha “modus”) soʻzi yetimologik nuqtai nazardan, fransuzcha talqinda meʼyor, tasavvur, obraz, usul degan maʼnolarni beradi. Yon-atrofni zamonaviylashtirishga, yangilik olib kirishga intilish insonning kiyinishi, yurish-turishi, oʻzini bezatishi kabilarda ham oʻz ifodasini topishi tabiiy holdir. Bu yestetik tasavvur “Did bilan bahslashmaydilar” (“So vkusom ne sporyat”), degan qoidaga, qarashlarga ziddir. Agar mazkur qoidaga amal qilsak, har kim oʻz bilganicha kiyinishi mumkin, bu uning sof shaxsiy ishi, oʻz didi, degan xulosaga kelamiz. Moda yesa maʼlum bir andoza, obraz va usulning kishilar, guruhlar davrasida tarqalishini taqozo etadi.

Modada ajoyib bir xislat, belgi bor. U mudom zamonaviylashib turadi, yangilanib turishi bilan kishilar diqqatini oʻziga tortadi. Hayot bir joyda qotib turmaganidek, moda ham bir joyda qotib turishni yoqtirmaydi. Moda faqat kiyinish, bezanish emas, u ijtimoiy hayotni, muhitni va tasavvurlarni oʻzgartirib turish hamdir.

“Modernizm” (fransuzcha – “modernism”)ning etimologik talqini uni “modern” taʼrifidan kelib chiqib qarashga undaydi. Maxsus adabiyotlarda u sanʼat va adabiyotga taalluqli voqea sifatida qaraladi. Fransuz simvolizmi va dekadans uning negizi ekani qayd etilgan holda, u ekspressionizm, syurrealizm, kubizm, dadaizm, abstraksionizm, pop art kabi ijod turlarining davr talablariga, oʻzgarayotgan estetik didlarga va yangilanishga oid jihatlarini qamrab olishi taʼkidlanadi. Mutaxassislar fikricha, nomumtoz uslubga moyillik, mavjud yondashishlar doiralarini kengaytirishga intilish, normativlikdan oʻzish, hatto radikal, yekstravagant koʻrinishda oʻzini namoyon yetish modernizmga xos xislatlardir [4, 148-149; 36]. Biroq modernizmning bunday badiiy-estetik talqini uning negizidagi etimologik mohiyatni rad yetmaydi, uni yangi fikrlar bilan toʻldiradi. Etimologik talqin avvalo soʻzning ilk maʼnosi, genezisidan kelib chiqishni taqozo etadi. Yuqoridagi misolimizda esa negiz “modern” degan soʻzdadir. Zamonaviylashish, davr ehtiyojlariga muvofiqlik, zamon bilan hamnafaslik ana shu soʻzning etimologik mohiyatini ifoda etadi.

“Modifikatsiya” (fransuzcha “modifisation”) obʼyektning oʻzgarishi, obʼyektda yangi xislatning, sifatning paydo boʻlishini anglatadi. Bunda obʼyekt ikkinchi bir obʼyekt talablariga

moslashtiriladi, bir shakldan ikkinchi shaklga o'tadi yoki ushbu shaklga xos xislatlarni o'zlashtiradi. Ammo modifikatsiya ob'yektning to'la boshqa ob'yektga moslashishini anglatmaydi, uning ayrim bir xislatlari yoki jihatlari o'zgarishini nazarda tutadi. Agar ob'yekt to'la ravishda ham shaklan, ham mazmunan moslashganida assimilyatsiya ro'y bergan bo'lardi. Shuning uchun modifikatsiyani ob'yektning qisman o'zgarishiga tadbqiq yetish o'rinlidir. Bu fikr modernizatsiyalashga ham taalluqlidir.

Modernizatsiya so'zi ham, voqelik sifatida qo'llanilishi va ilm-fanda iste'molga kiritilishi ham G'arb kashfiyoti hisoblanadi. G'arbdagi XIV-XVI asrlarda ro'y bergan Renessans va Reformatsiya mutaassiblik, dogmatizm va totalitarizmga qarshi yerkinlik, hurfikrlik va ma'rifiy taraqqiyot masalalarini qarshi qo'ydi, bu keyinchalik ijtimoiy hayotni yangilab turishni, zamonaviylashtirishni an'anaga aylantirdi. XIV asrda Italiyada boshlangan Renessans (Uyg'onish) keyin butun Yevropaga tarqaldi, XVI asrda Angliyada keng tarqalgan ma'rifatparvarlik, gumanistik g'oyalar liberalizmni ustuvor tamoyil sifatida shakllantirdi. Shuning uchun mutaxassislar liberalizmni jamiyatni yangilash, inson huquqlari va erkinliklarini ta'minlash, madaniy taraqqiyot omili bo'lganini qayd etadilar. Modernizatsiya jarayonlarini liberalizm va feodal tartiblariga qarshi qo'yilgan erkinlik, hurfikrlik, taraqqiyot, ayniqsa insonning iqtisodiy huquqlari, tadbirkorlik, yangi ishlab chiqarish vositalarini yaratish va joriy yetish kabi faoliyati bilan bog'lab qarash shakllandi. Ammo ilmiy adabiyotlarda uning genezisini hatto antik davrdan izlash ham uchraydi. Masalan, liberalizm erkinlik so'zi ma'nosida sitseron nutqlarida 338 marta uchraydi [5, 10-12]. To'g'ri, liberal g'oyalar, ayniqsa shaxs erki bilan bog'liq g'oyalar antik davrda eng ko'p ishlatilgan va faylasuflarni bezovta qilgan muammolardan biri edi. G.Xervorng va Yeysensmand fikricha, shaxs bilan jamiyat, fuqaro bilan davlat, siyosiy tuzum o'rtasidagi munosabatlar mohiyatini erkinlikda ko'rgan mutaxassislar bir tomondan, davlatni butun, shaxs erkinligini ta'minlovchi institut sifatida qabul qilgan, bu borada o'z jonlarini ayamaslikni afzal ko'rgan bo'lsalar, ikkinchi tomondan, erkin fikrlash, erkin yashashni hayotiy maqsad, individning yashash prinsipi deb bilganlar [6, 82; 238]. Polis davlatga xizmat qilish, u o'rnatgan tartiblarni e'zozlash qadimgi yunonliklarning "butun"ni, ya'ni davlatni asrashga oid asosiy g'oyasi edi. Suqrotning Afina sudi qarorini mutlaq haq bilib, o'zini o'zi o'ldirishi (zahar ichib o'ldirishi) bu g'oyaning tasdiqidir. Shu bilan birga, Suqrotning faylasuf sifatida faoliyati, fikrlash tarzi erkinlikning namunasi yedi. Platon va Aristotelning davlatni "butun" atab, shaxs erkinligini ushbu "butun" doirasida tasavvur etishlari, ideal jamiyat, baxt saodatli hayotni "butun" orqali mavjudligini isbotlashlari ana shu an'ananing ifodasi edi, albatta. Liberalizmning keng tarqalishi va demokratiyaning maftunkor tomoniga aylanishi aynan ana shu erkinlik, shaxs yerki va huquqlari bilan bog'liqdir. "Qadimgi Yunonistonda "erkinlik" deganda shaxsiy va siyosiy erkinlik nazarda tutilgan. Bu davlatdan ayri yerkinlik emas, balki shaxsning davlat oldidagi burchi va fuqarolik majburiyatlari bilan uyg'unlashgan yerkinlik yedi. "Tenglik" yesa yerkin fuqarolarning huquqiy tengligi, ya'ni davlatning o'z fuqarolariga munosabatlari ifodasi sifatida qaralgan. Faqat demokratiya yerkinlik va fuqarolarning tengligiga quriladigan davlatning asosiy modeli bo'lishi mumkin yedi. Shuning uchun liberal ruh o'zini antik respublikalarda namoyon yetgani bejiz emas yedi" [7, 15].

Renessans va ma'rifatparvarlik davri mutafakkirlari shaxs erki va huquqlarini ijtimoiy borliqdagi yeng muhim qadriyat sifatida targ'ib yetdilar. Masalan, Renessans davrining yirik vakili Pika dela Mirandola (1463 - 1494)ning fikricha, xudo odamni mutlaq yerkin mavjudot sifatida yaratgan, uning qanday fazilatlarga yega bo'lishi, axloqiy va ijtimoiy shakllanishi, avvalo, uning o'ziga bog'liq. Insondagi bu betakror xislatni, oliyanob fazilatlarni qanday ahamiyat va kuchga yega yekanini Renessans davrining yirik vakillari Leonardo da Vinchi, B.Mikelanjelo, S.Botticheli, Rafael, Yel Greko, Velaskes, Petrarka, A.Dante, Ye.Rotterdamskiy o'z ijodiy faoliyati bilan namoyon yetdilar. Keyinchalik liberalizm g'oyasini J.Lokk, D.Yum, A.Smit, M.Monteskyo, J.Pristli, J.J.Russo, Volter, Gelvesiy kabi faylasuflar davom ettirdilar va uni yangi, ayniqsa, ijtimoiy-siyosiy yondashuvlar bilan boyitdilar [8]. Mazkur adabiyotlarning tahlili ko'rsatadiki:

birinchidan, antik davr faylasuflari ilgari surgan yerkinlik g'oyasi, uni ijtimoiy-siyosiy jarayonlardan ajratishga, ulardan ayricha qarashga bo'lgan intilish liberal qarashlarga asos qilib olingan;

ikkinchidan, liberal g'oyalarga sotsiodinamik yondashilib, uni o'sha davrda hukm surgan monarxizm, despotizm va feodalizm tartiblariga qarshi qo'yish mustaqil fikrlashning namunasi, ifodasi sifatida baholangan;

uchinchidan, shaxs va tuzum, fuqaro va davlat o'rtasidagi munosabatlarni ratsionallashtirish muammolariga yechim qonunlarda, jamiyat tomonidan qabul qilingan, rasmiy ahamiyat va kuchga yega tartiblarda, deb qarash shakllangan;

to'rtinchidan, Renessans va ma'rifaparvarlik davrida inson ijtimoiy borliq, o'zgarishlar, taraqqiyot markaziga qo'yilgan, insondagi ijodiy va ma'naviy fazilatlarni ro'yobga chiqarish uchun dunyoviy bilimlarni, ratsional izlanishlarni qo'llab-quvvatlashga diqqat qaratilgan. Chunki, mutafakkirlar fikricha, ijtimoiy borliq o'zidan o'zi takomillashmaydi, ijobiy tomonga o'zgarmaydi, faqat gumanistik g'oyalar va intellektual, ma'rifiy izlanishlar inson kamolotini ta'minlashi mumkin. Qonun va huquq ular tayanadigan asosdir. Bu aslida mumtoz liberalizmning konseptual g'oyasi, uni ijtimoiy-falsafiy va siyosiy ta'limot sifatida shakllantirgan o'ziga xos jihat yedi, albatta. "Mumtoz liberalizm namoyondalarini qiziqtirib kelgan asosiy muammo shaxs va hokimiyat o'rtasidagi munosabatlar masalasi yedi. Chindan ham tenglik va shaxs yerkinligi g'oyasining siyosiy hokimiyat zarurati bilan uyg'unlashuviga qay yo'sinda yerishish mumkin? Inson, liberallar nazarida, oliy qadriyat sifatida har qanday yakka hokimiyatga bo'ysunmas yekan, umuman nimagadir bo'ysunishi kerakmi o'zi? Bu savolga barcha liberallarning javobi shunday: shaxs, individ qonungagina bo'ysunishi, itoat yetishi lozim, chunki faqat shu yo'l bilan odamlarning xatti-harakati va yehtiroslarini boshqarish mumkin bo'ladi. Demak, liberalizm qonundan tashqari ijtimoiy nazoratning barcha ko'rinishlarini inkor etadi" [9, 32-33]. Shuning uchun ham, liberalizmni maxsus tadqiq yetgan falsafa fanlari nomzodi, dotsent B.Umarov xulosa qiladi: "Xullas, liberalizmning tadbirkorlik yerkinligi, parlament tizimi, shaxs haq-huquqlari, oshkoralik va hokimiyat tarmoqlarining bo'linishi g'oyasini himoya yetib, zamonaviy tamaddun qiyofasini belgilab turgan umuminsoniy qadriyatlarning shakllanishi hamda qaror topishiga qo'shgan hissasi beqiyosdir" [10, 33]. Biroq, bizning fikrimizcha, liberalizmning ijtimoiy ahamiyati uning jamiyatni mudom yangilanib borishiga, modernizatsiyalashtirib turishga undaganidadir. Liberalizm qotgan g'oya, konsepsiya emas, u davrning talablariga muvofiq keladigan qarashlarga moslashish va ulardagi pozitiv tajribalarni o'ziga olish xususiyatiga yega. Ma'lumki, jamiyat, ijtimoiy munosabatlar statik yoki mexanistik voqeliklar emas, ular yangi-yangi qarashlarni, yondashishlarni shakllantiradi, qo'llab-quvvatlaydi. Haqiqatan ham, "daryoga ikki bor kirish yo'q", har kirganda u boshqacha bir holni in'ikos etadi, organizmga o'zgacha ta'sir qiladi. Bu inson sensitiv idrokining mahsuligina emas, balki avvalo "daryo", ya'ni ob'yektiv borliqning o'zida ro'y beradigan o'zgarishlar ta'siri mahsulidir. Shuning uchun aytish mumkinki, modernizatsiya liberal o'zgarishlar mahsuli sifatida shakllangan va ijtimoiy yehtiyojga aylangan. Modernizatsiya faqat amaliyot, ishlab chiqarish, ilmiy-texnik yangilanish emas, u, o'z navbatida, ijtimoiy ongdagi, qadriyatlar tizimidagi, yetnomadaniyat va yetnomentaletdagi o'zgarishlarning ham ifodasidir. Uni mana shunday kenglikda, keng ijtimoiy voqelik sifatida talqin qilgandagina bugun ro'y berayotgan tub o'zgarishlar mohiyatini, dinamikasini to'g'ri ilg'ab olamiz. Bizga falsafa doktori, dotsent M. Ataullaevning quyidagi fikrlari yaqin. U yozadi: "Jamiyatni modernizatsiyalash, yuqorida aytganimizdek, ijtimoiy ong bilan bog'liq jarayondir. Birinchi oqimdagi tasavvurlar, qarashlar endi industrial jamiyatga oid tasavvurlar va qarashlarga almashishi zarur. Agar birinchi oqimda ijtimoiy manfaatlar, qavm, yelat uchun yashash, jon kuydirish ustun bo'lsa (bu jamiyatda inson huquq va yerkinliklari deyarli hech nimani anglatmaydi), industrial jamiyatda shaxs yerki va huquqlari ustuvor tamoyilga aylanadi. Oldingi kollektivizm - individualizmga, an'anaviylik - modernizmga, boshqarish - plyuralizmga, jamoaviy iste'molchilik - xususiy ehtiyojlarni qondirishga, inson hayotini mutlaq yangi tamoyillar asosida tashkil yetishga undaydi. Bir qarashda bu futurologiya, amalga oshishi qiyin ijtimoiy ideal bo'lib ko'rinadi. O'n-o'n besh asrlar davomida yashab kelgan an'analar, ijtimoiy borliq haqidagi tasavvurlar, insonning mavqeiga oid qarashlarning tub o'zgarishi (o'zgartirilishi) ye'tiroz va qarshiliklar uyg'otmay qolmaydi. Industrial jamiyat agrar an'analarni rad yetgan, ular o'rniga mexanizatsiyaga asoslangan, mehnat an'alarini shakllantirishga qaratilgan qadriyatlar yediki, shuning uchun ham mutaxassislar modernizatsiyalashning boshlanishini "ikkinchi oqim", ya'ni ilm-fan, texnika ratsionalizm, sanoat rivojlanishi, qo'l mehnatini texnikaviy vositalarga almashishi hisoblanadigan yangi davr bilan bog'lashadi" [11, 72-73]. To'g'ri, mazkur

fikrda Ye.Toffler ta'siri mavjud. Shunday bo'lsa-da, tadqiqotchi modernizatsiyalashning ijtimoiy-falsafiy jihati va talqinini to'g'ri ifoda yetgan, uning zamonaviy jamiyatlardagi ahamiyatini ochib bergan. Ayniqsa uning modernizatsiyalashning inson huquq va yerkinliklari, huquqiy qadriyatlar bilan bog'liqligi haqidagi fikrlari, bu borada O'zbekiston tajribalarini tahlil qilgani bizga ilmiy metodologik va yempirik materiallar beradi. Eng muhimi shundaki, modernizatsiya an'anaviy jamiyatdagi stereotiplarning yangi tamoyillar asosida zamonaviylashganida, ilgari tartiblarning differensiallashuvi asosida o'zgarishi, yangilanishida aks yetishi yedi.

Har ikkala yondashuv ham modernizatsiyani an'anaviy jamiyat va qarashlardan kunora o'zgarib, yangilanib turadigan ijtimoiy munosabatlarga, tartiblar va qadriyatlarga o'tishga oid voqelik sifatida talqin etadi. Bizga keyingi yondashuv yaqin bo'lsa-da, jamiyatning ilmiy-texnik yangilanishini, ijtimoiy institutlarning modernizatsiyalashuvini rad yetolmaymiz, yetnotafakkurdagi zamonaviylashish jarayonlarini ana shu ijtimoiy o'zgarishlar zaminida qaraymiz.

Modernizatsiyalash G'arb madaniyati va taraqqiyotiga intilish tarzida ro'y berayotgani sir emas. G'arbdagi ilmiy-texnik kashfiyotlar va liberal demokratik qadriyatlar boshqa davlatlardagi yangilanishlarga andoza, model bo'lmoqda. Modernizatsiya fenomenal va institutsional belgilariga ega voqelik hisoblanadi. Har bir jamiyat, davlat uchun u betakror, noyob fenomendir. U yangilikka intilishni, ilmiy-texnik kashfiyotlar va ishlanmalardan keng foydalanishni, qotgan an'analar o'rniga zamonaviy yondashuvlarni joriy yetishga undaydi. Zamon va taraqqiyot talablariga muvofiq yangi ish usullarini, boshqarish tizimini, texnik va texnologik vositalarni tadbiq yetish uning xususiyati, talabi hisoblanadi. Undagi bu belgilar ijtimoiy hayotning dinamizmi bilan bog'liq. Demak, modernizatsiya "o'zi o'zi uchun" mavjud emas, u ijtimoiy hayot va taraqqiyot uchun zarur, ijtimoiy borliqni yangilash, zamonaviylashtirish usulidir. Modernizatsiyani mutlaqlashtirish mumkin emas. U ijtimoiy borliqdagi barcha muammolarni hal yetishni o'z zimmasiga olmaydi, u jamiyat va uning institutlari faoliyatini takomillashtirish, unga yangilik olib kirish, davr va taraqqiyot talablariga muvofiqlashtirishning bir usuli, yondashuvdir.

ADABIYOTLAR:

1. Уайтхед А.Н. Избранные работы по философии. - Москва: Прогресс, 1990. С.366.
2. Побережников И.В. Модернизация: теоретико-методологические подходы.-Екатеринбург, РАН, 2002. С.148-149; Moore W.E. Social change. Englewood cliffs.-N.Y.: Prentia-Hall, 1994. - P. 36.
3. Умаров Б. Концепция либерализма (История и современность). - Тошкент: Akademiya, 2011.- С.10- 12.

REZYUME:

Mazkur maqolada modernizatsiyaning etimologik, ilmiy va ijtimoiy-falsafiy masalalari tadqiq etiladi.

Kalit so'zlar: modernizatsiya, modern, moda, modernizm, modifikatsiya, estetika, zamonaviylik, yangilanish.

PEZIOME:

В данной статье исследуются этимологические, научные и социально-философские аспекты модернизации.

Ключевые слова: модернизация, модерн, мода, модернизм, модификация, эстетика, современность, обновление.

RESUME:

This article explores the etymological, scientific, and socio-philosophical aspects of modernization..

Keywords: modernization, modern, fashion, modernism, modification, aesthetics, modernity, renewal.

ERKINLIK VA QULLIK: YOXUD LIBERALIZM TARIXI VA TADRIJI XUSUSIDA

Tursinkulov N.A. –
GulDPI katta o'qituvchisi

 10.24412/2181-7294-2025-1-143-146

Erkinlik va qullik tushunchalari insoniyat tarixining eng muhim va murakkab mavzularidan biridir. Ular nafaqat shaxsiy hayot, balki ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy munosabatlarni ham belgilab kelgan. Har qanday jamiyatda erkinlikning mavjudligi yoki yo'qligi uning rivojlanish yo'nalishini belgilaydi. Shu nuqtayi nazardan, erkinlikni targ'ib etuvchi liberalizm mafkurasi ham tarixda alohida o'ringa ega.

Erkinlik - insonning o'z hayoti va tanlovlarini o'zi boshqarishi, cheklovlardan xoli bo'lishi, o'z fikrini erkin ifoda etishi huquqidir. Bu tushuncha qadim zamonlardan buyon insoniyat madaniyatida yuksak qadriyat sifatida qaralib keladi. Qullik esa, aksincha, kishilarning erkinlikdan mahrum qilinishi, boshqa birovning irodasiga bo'ysundirilishi holatidir. Ushbu ikki qarama-qarshi tushuncha bir-biri bilan uzviy bog'liq bo'lib, ular orqali insoniyat taraqqiyotining murakkab yo'nalishlarini anglash mumkin.

Erkinlik nima degani? Erkinlikni ham biz ko'proq uning qarama-qarshi tomoni bilan tushunamiz. Erkinlikning qarama-qarshisi bu qullikdir, ya'ni insonning butun irodasining ham aqliy iroda, ham vujudiy irodasining, ham e'tiqodiy irodasining butunlay olib qo'yilishidir. Qullik ikki xil bo'ladi:

- 1) Aqliy qullik (manqurtlik, ya'ni o'zining qul ekanligini umuman tushunmaslik)
- 2) Ongli qullik (o'zining qul ekanligini tushunadi)

Erkinlik va qullik bu falsafiy jihatdan dialektik bo'lib, biri bo'lmasa ikkinchisi ham mavjud bo'lmaydi. Erkinlik bu qullikning qarama-qarshisidir. Insonning aqliy, fikriy, e'tiqodiy va vujudiy jihatdan erkinligidir. Lekin inson har doim mutloq erkinmi? Yo'q albatta, inson mutloq erkin emas, insonda mutloq erkinlik bo'lishi mumkin emas. Agar inson bir o'zim o'rmonda yashayman yoki tog'da yashayman desa bu inson erkin degani emas. Bunda insonning fitrati buziladi chunki inson yolg'iz yashay olmaydi. Inson qaysi shartlarda erkin bo'lishi mumkin? Ijtimoiy mavjudod, ijtimoiy borliq sifatida jamiyatda yashab erkin bo'ladi. Bu esa uning mutloq erkinligi degani emas. Jamiyatda yashagan insonda mas'uliyat va vazifa paydo bo'ladi. Bu o'zining erkinliklarining bir qismini bir istab, bir istamay chegaralaydi, lekin erkinlikning birinchi sharti u insonning fitratiga mos bo'lishi, ya'ni u ijtimoiy hayotda yashashi; ikkinchisi u o'zining mas'uliyatlarini bilishi, masalan, albatta u inson yashashi uchun mehnat qilishi kerak. Mehnat qilmasa u moddiy bir imkonga ega bo'lmaydi. Bu uning ham mas'uliyatidir, ham vazifasidir.

Inson har doim erkinlik uchun kurashgan va erkinlikni talab qilgan. Bu Odam Ato yaratilgandan buyon insonda erkinlik orzusi bor hamda erkinlik uchun kurashi bor. Insoniyatning tarixi ikki narsaning talabi va kurashidir. Birinchisi erkinlik, ikkinchisi adolat. Bular bir-biridan ajralmaydigan tushunchalardir. Lekin erkinlikning chegarasi bo'lishi kerak, chunki insoniyat o'z ehtiyojlari ortidan erkinlikning chegarasidan o'tib, axloq normalarini chetga surib, insoniylikdan chiqib ketmoqda.

Islom dini ham dastab qullikni bekor qilish bilan jamiyatda o'zaro tenglik, ijtimoiy adolatni joriy etdi. Shu bilan birga erkinlikning chegarasini belgilab berdi. Qur'oni Karimda ham erkinlik va qullik o'rtasidagi munosabat ham bayon qilingan. "...ozod mushrikdan garchi u sizga yoqsa-da, iymonli qul yaxshiroqdir." [1, 218] (Qur'oni Karim, Baqara surasi, 221-oyat) Bu oyatda ko'p xudolikka, but va sanamlarga e'tiqod qilgan erkin inson har qanday axloqsiz ishni qilishi mumkin ekanligi, iymonli, Allohni tanigan va uning buyruqlarini bajaradigan inson afzalligi bayon qilingan. Islom insonlarni tafakkur erkinligiga doimo targ'ib qilib kelgan. Shu bilan birga insonning biologik mayllarini har qanday yo'l bilan qondirishni erkinlik sifatida qabul qilishni qoralaydi va oxir oqibatda insonni tuban holatga tushib qolishidan qaytaradi.

Islom mutafakkirlari tomonidan erkinlik va qullik haqidagi qarashlar muhim mavzulardan biri bo'lib, ularning asarlari ijtimoiy adolat, inson huquqlari va erkinlikning ahamiyatini ochib beradi. Ibn

Xaldun o'zining "Muqaddima" asarida "Qullik insonning tabiiy holati emas, balki jamiyatdagi siyosiy va iqtisodiy ziddiyatlarning natijasidir. Har bir jamiyatda erkinlik va adolat ustuvor bo'lsa, qullik kabi ijtimoiy illatlar yo'q bo'ladi" [2, 200] deb, ijtimoiy tuzum va qullikni tarixiy va sotsiologik nuqtai nazardan tahlil qiladi. U insonning erkinligi tabiiy holat ekanini ta'kidlab, qullikni ijtimoiy tuzumning majburiy natijasi sifatida ko'radi.

Imom G'azzoliy erkinlikni insonning ichki holati va ruhiy kamolotiga bog'liq deb hisoblaydi. Uning fikricha, insonning haqiqiy erkinligi uning nafs istaklaridan va dunyoviy orzularidan ozod bo'lishidadir. Haqiqiy qullik esa nafsga bo'ysunishdan kelib chiqadi. [3, 88]

Bizning fikrimizcha, barcha mutafakkirlar erkinlikni yuqori qadriyat sifatida tasvirlashgan va uni jamiyatning ma'naviy hamda ijtimoiy taraqqiyotiga asos qilib ko'rsatgan. Qullikni inson tabiatiga zid deb bilishgan va uni ijtimoiy tuzumdagi adolatsizlikning natijasi sifatida tanqid qilishgan. Ruhiy va axloqiy jihatdan erkinlikni inson kamolotining asosiy sharti sifatida ko'rishgan.

Liberalizm erkinlikni mafkura sifatida ilgari surgan asosiy harakat hisoblanadi. Uning shakllanishi Yangi davr falsafasi va ma'rifatparvarlik g'oyalari bilan bog'liq. XVII-XVIII asrlarda shakllangan ushbu oqim inson huquqlari, qonun ustuvorligi va iqtisodiy erkinlikni o'zining asosiy tamoyillari sifatida e'tirof etdi. Jon Lokk, Sharl Monteske, Volter va Adam Smit kabi mutafakkirlar tomonidan rivojlantirilgan ushbu g'oyalar nafaqat Yevropa, balki butun dunyo jamiyatlarida yangi davrga asos soldi.

Jon Lokk jamiyatni shaxsiy manfaat va davlat hokimiyatining muvozanati orqali boshqarish g'oyasini ilgari surar ekan, u "Insonlar tabiatan erkin va teng bo'lib tug'iladilar" [4, 118] deb ta'kidlagan. Ushbu ibora insoniyatning tug'ma huquqlariga e'tibor qaratgan liberalizm g'oyasining tamal toshi hisoblanadi. Lokkning fikriga ko'ra, insonlar tug'ilishdan oldin ham tabiiy huquqlarga ega. "Hokimiyatning yagona maqsadi - insonlarning tabiiy huquqlarini himoya qilishdir". [4, 198] Bu huquqlar yashash, erkinlik va mulkka ega bo'lish huquqini o'z ichiga oladi. Lokkning erkinlik talqini shundan iboratki, insonlar o'z hayotlarini boshqarish, tanlash va qaror qabul qilish huquqiga ega bo'lishi kerak.

Fransuz mutafakkiri Sharl Monteske erkinlikni cheksiz harakat qilish imkoniyati sifatida emas, balki qonuniy tartib doirasida amalga oshiriladigan harakatlar sifatida talqin qiladi. Bu nazariya shaxsiy erkinliklarni jamiyat barqarorligini saqlab qolish bilan muvozanatlashni maqsad qiladi. Uning fikricha, "Erkinlik – bu qonunlar ruxsat bergan narsalarni amalga oshirish imkoniyatidir". [5, 150] Monteske fikricha, qonunlar doirasidagi harakatlar erkinlikni belgilaydi, ammo bu qonunlarning o'zi qanday shakllantirilganiga bog'liq. Agar qonunlar adolatsiz yoki repressiv bo'lsa, ular erkinlikni cheklab qo'yishi mumkin. Masalan, avtoritar davlatlarda qonunlar shakliy jihatdan mavjud bo'lsa-da, ular erkinlikni ta'minlashdan ko'ra uni cheklashga xizmat qiladi.

Bizning fikrimizcha, ikkala faylasuf ham hokimiyatning cheksiz bo'lishi inson erkinliklari uchun tahdid ekanini tan olgan. Lokkning nazariyasida erkinlik insonning tabiiy huquqlari bilan bog'liq bo'lsa, Monteske erkinlikni qonunlar doirasida, tartibni saqlagan holda amalga oshirish zarurligini ko'rsatadi. Bu ikki yondashuv bir-birini to'ldiradi: inson erkinligi tabiiy huquqlar asosida mavjud bo'lsa, qonunlar bu erkinliklarni himoya qilish vositasi bo'lib xizmat qiladi. Lokk va Monteske nazariyalari demokratik jamiyatlar, huquqiy davlat va inson huquqlari tushunchalarining shakllanishida asosiy manba bo'ldi. Ular tomonidan ilgari surilgan erkinlik, tenglik va hokimiyatni cheklash tamoyillari hozirgi siyosiy tizimlar uchun ham dolzarbdir.

Biroq, erkinlik va qullik masalalari faqat liberalizm doirasidagina muhokama qilinmaydi. Bu tushunchalar qadimgi sivilizatsiyalardan boshlab har bir davrda o'ziga xos ma'no kasb etgan. Qadimgi Yunoniston va Rimda qullik iqtisodiy tizimning asosi bo'lsa, O'rta asr davrida qullik diniy va ijtimoiy tuzumlar orqali qonunlashtirilgan edi. XVIII asrdan boshlab esa, qullikka qarshi kurash kuchayib, erkinlik g'oyasi xalqaro huquqiy me'yorlar va insoniyatning umumiy qadriyatlari sifatida e'tirof etildi.

Liberalizm g'oyasi inson huquqlari, erkinlik, tenglik va huquqiy davlat tamoyillari asosida shakllangan siyosiy va falsafiy oqimdir. U o'zining tarixiy rivojlanish jarayonida turli bosqichlardan o'tib, zamonaviy demokratik tizimlarning shakllanishiga katta hissa qo'shdi. Liberalizm o'ziga xos evolyusiyani bosib o'tgan:

- Klassik liberalizm davri (XVII-XVIII asrlar). Klassik liberalizm tabiiy huquqlar, erkinlik va shaxsiy mulk himoyasiga asoslangan. U hokimiyatni cheklash, konstitutsiyaviy boshqaruv va qonun ustuvorligi g'oyalarini targ'ib qilish orqali o'ziga xos xususiyaga ega. Klassik liberalizmning absolyut monarxiyaga qarshi kurash, savdo-sanoat inqilobi, Yevropadagi ma'rifatparvarlik davri asosiy tashkil etuvchi omillari hisoblanadi.

- Liberalizmning kengayish davri (XIX asr). Bu davrda liberalizm erkin bozor tamoyillaridan tashqari, ijtimoiy masalalarga ham e'tibor qaratdi. Shu bilan birga fuqarolik huquqlari, gender tengligi va siyosiy huquqlarning kengayishi jarayoni boshlandi. Bu davrda Jon Styuart Mill shaxsiy erkinlik va jamiyat o'rtasidagi muvozanatni targ'ib qildi. Mill erkinlikni nafaqat siyosiy, balki iqtisodiy va ijtimoiy kontekstda ham tushuntirdi. "Bu nomga loyiq bo'lgan yagona erkinlik - bu o'z manfaatimiz uchun o'z yo'limiz bilan intilishdir, agar biz boshqalarni ulardan mahrum qilmasak yoki ularga erishish uchun urinishlariga to'sqinlik qilmasak." [6, 13]

- Ijtimoiy liberalizm davri (XX asrning boshlaridan). Ijtimoiy liberalizm erkinlik va tenglik tamoyillarini qo'llab-quvvatlagan holda, davlatning ijtimoiy adolatni ta'minlashdagi rolini kuchaytiradi. Bu oqim davlatning ijtimoiy xavfsizlik, ta'lim va sog'liqni saqlash sohasidagi faoliyatini kengaytirishni maqsad qiladi. Erkin bozor tamoyillari ijtimoiy farovonlik va davlatning iqtisodiy aralashuvi bilan birga qo'llanildi Davlat zaif qatlamlarni himoya qilishi va ijtimoiy adolatni ta'minlashi kerakligi ta'kidlandi John Maynard Keynes Erkin bozorning inqirozlarini yumshatish uchun davlat iqtisodiyotga aralashishi zarur ekanligini asoslab berdi ("The General Theory of Employment, Interest, and Money").

- Zamonaviy liberalizm davri (XX-XXI asrlar) Shaxsiy erkinlik va inson huquqlari global miqyosda targ'ib qilinmoqda. Gender tengligi, ekologik barqarorlik va global xavfsizlik masalalariga e'tibor kuchaydi. Neoliberalizm o'zining erkin bozorning ustuvorligi va davlat aralashuvining minimal darajasini targ'ib qiladi. Progresiv liberalizm esa, barqaror rivojlanish, inson huquqlari va ijtimoiy tenglik tamoyillarini qo'llab-quvvatlaydi. Globalizatsiya va axborot texnologiyalarining rivojlanishi va ijtimoiy harakatlar (masalan, ekologik harakatlar va gender tengligi harakatlari) muqobil tashkil etuvchi omillar hisoblanadi.

Liberalizm inson huquqlari va erkinlikni himoya qilish g'oyasidan boshlab, ijtimoiy adolat va global masalalarga e'tibor qaratadigan ko'p qirrali oqimga aylandi. U har bir davrning siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy ehtiyojlariga moslashib, yangi yo'nalishlarni qabul qilgan. Liberalizm erkinlik va tenglikni himoya qiluvchi global harakat sifatida o'z o'rnini saqlab kelmoqda.

Liberalizm inson huquqlarining himoyasi, demokratiya va ijtimoiy tenglikni ta'minlash yo'lida kuchli falsafiy poydevor bo'lib xizmat qilmoqda. Ammo bu g'oya doimo zamonaviy muammolar, jumladan, globalizatsiya, ekologik inqiroz va ijtimoiy notenglik sharoitida qayta ko'rib chiqilishi kerak. Yuqoridagi fikr va faktlardan kelib chiqib quyidagi amaliy takliflarni berishimiz mumkin:

1. Ta'lim tizimida erkinlik g'oyalarini targ'ib qilish orqali liberalizm tamoyillari maktab va universitet dasturlariga kiritilishi kerak, bu esa o'quvchilar va talabalarni inson huquqlari, demokratiya va fuqarolik jamiyati tushunchalari bilan tanishtirishga xizmat qiladi. Falsafiy mavzular bo'yicha interaktiv seminarlar va munozaralar tashkil qilish foydali bo'ladi;

2. Qonun ustuvorligini mustahkamlab, huquqiy davlat tamoyillarini kuchaytirish va adolatli qonunlarni ta'minlash orqali fuqarolar erkinligini himoya qilish kerak. Hokimiyatni bo'lish tamoyillarini amaliyotda to'g'ri tatbiq etish zarur;

3. Shaxsiy va iqtisodiy erkinlikni rivojlantirib, ijtimoiy siyosat orqali fuqarolarning iqtisodiy imkoniyatlarini kengaytirish va ijtimoiy himoyani kuchaytirish kerak. Tadbirlarni qo'llab-quvvatlash orqali erkin bozor tamoyillarini rivojlantirish va monopoliyalarga qarshi kurashni kuchaytirish lozim;

4. Gender va ijtimoiy tenglikni ta'minlash orqali liberalizmning zamonaviy talqinida gender tengligi va zaif qatlamlarni himoya qilishga alohida e'tibor qaratilishi kerak. Ijtimoiy va iqtisodiy resurslarni adolatli taqsimlash orqali ijtimoiy tengsizlikni kamaytirish maqsadga muvofiq;

5. Global masalalarga moslashib, liberalizm ekologik barqarorlik va iqlim o'zgarishlariga qarshi kurashda hamkorlik mexanizmlarini rivojlantirishda qo'llanilishi kerak. Inson huquqlari va erkinlikni xalqaro miqyosda targ'ib qilish uchun ko'p tomonlama diplomatik yondashuv zarur.

Ushbu takliflar nafaqat liberalizmning nazariy asoslarini yanada chuqurroq tushunishga, balki uni amaliy hayotda muvaffaqiyatli tatbiq etishga yordam beradi.

Jahonda erkinlik faqat qonun doirasidagi harakatlar bilan cheklanmasligi kerakligi haqida bahslar mavjud. Xususan, inson huquqlari global miqyosda universal qadriyat sifatida tan olinib, u qonuniy chegaralardan ustun qo'yilmoqda. Erkinlik masalasi global siyosiy va ijtimoiy muhitda ham dolzarb bo'lib qolmoqda. Liberalizm tamoyillari inson huquqlari, so'z erkinligi, demokratik boshqaruv tizimi kabi qadriyatlar orqali namoyon bo'layotgan bo'lsa-da, ular ko'p hollarda yangi tahdidlar va qarama-qarshiliklarga duch kelmoqda. Shunday ekan, erkinlik va qullik mavzusini tarixiy va zamonaviy kontekstda chuqurroq o'rganish muhim ahamiyatga ega.

ADABIYOTLAR:

1. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. Tavsiri hilol, "Hilol-Nashri", 2018.
2. Ibn Khaldun, The Muqaddimah (Translated by Franz Rosenthal), "Princeton University Press". 1967.
3. Al-Ghazali, Ihya Ulum al-Din ("Din ilmlarini qayta jonlantirish"), "Dar al-Ma'arif", Qohira. 1986.
4. Jon Lokk. Two Treatises of Government, "Cambridge University Press", ISBN: 978-0521357302, 1988.
5. Sharl Lui de Monteskye. Qonunlar ruhi haqida. "Hafner Publishing Company", ISBN: 978-0226476359, 1949.
6. John Stuart Mill. On Liberty. "J. W. Parker and Son", London. 1859.

REZYUME:

Ushbu maqolada erkinlik va qullik tushunchalarining tarixiy, falsafiy va ijtimoiy asoslari tahlil qilingan. Erkinlikning insoniyat madaniyatidagi ħrni, liberalizm mafkurasining shakllanishi va rivojlanish bosqichlari, shuningdek, ushbu tamoyillarning zamonaviy jamiyatdagi ahamiyati yoritib berilgan.

Kalit sĳzlar: erkinlik, qullik, liberalizm, inson huquqlari, qonun ustuvorligi, iqtisodiy erkinlik, ma'rifatparvarlik, globalizatsiya.

PEZIOME:

В данной статье анализируются исторические, философские и социальные основы концепций свободы и рабства. Освещены роль свободы в человеческой культуре, этапы становления и развития идеологии либерализма, а также значение этих принципов в современном обществе.

Ключевые слова: свобода, рабство, либерализм, права человека, верховенство закона, экономическая свобода, просвещение, глобализация.

RESUME:

This article analyzes the historical, philosophical and social foundations of the concepts of freedom and slavery. It highlights the role of freedom in human culture, the stages of formation and development of the ideology of liberalism, as well as the importance of these principles in modern society.

Keywords: freedom, slavery, liberalism, human rights, rule of law, economic freedom, enlightenment, globalization.

АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ ВА УНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Рахимова Ш.А. -

ТАТУ доценти

социология фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

 10.24412/2181-7294-2025-1-147-150

XXI асрдаги тезкор, кенг қўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиши ахборот маконининг глобаллашуви, ҳаётнинг деярли барча соҳаларига, айниқса, инсон турмуш тарзига кириб бориб, жаҳон тараққиётига кучли таъсир кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилади.

Ахборотни тадқиқ этишнинг илмий жиҳатларига қараб, унинг ташқи муҳитга мослашиш жараёнида олинган маълумотнинг мазмунини ифодалаш ранг-баранглик, ўзига хослик, янгилик, тузилмаларнинг мураккаблиги мезони, танлаш эҳтимоллиги, хилма-хилликни акс эттириш кабилар орқали таърифланади[1]. Бу таърифларнинг ҳар бири “ахборот” тушунчасининг у ёки бу қиррасини очиб берса-да, ушбу тушунчага турли муносабат ва фикрлар билдириб келинмоқда.

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонунинг 3-моддасида ахборот бу – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар [2] дея таъриф берилган.

Бундан ташқари, ахборотнинг моҳияти – хабар белгиларида эмас, балки ахборот алмашинуви иштирокчиларининг ташкилий тайёргарлиги даражасига ҳам боғлиқ. Ахборот алмашинуви эса иштирокчиларнинг ташкилий жиҳатдан хилма-хилиги, тузилмаларнинг фаолият турлари ўртасидаги фарқлардан келиб чиқади. Албатта, бу ҳол ахборот алмашинуви жараёни иштирокчиларини максимал даражада уйғунлашган тизимлар сифатида қараш асосида юзага келади.

Ахборот алмашинувида тизим сифатида ёндашиш илмий адабиётларда муайян даражада тадқиқ этилган. Бунга: В.Афанасьев [3], В.Тюхтин [4], А.Урсула[5] ва бошқаларнинг илмий ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур ишларда муаммолар, асосан, тизимли (тузилмавий-функционал) таҳлил усулида таҳлил этилган. Тизимли ёндашувнинг бундай усули фалсафа, психология, юриспруденция, матбуот назарияси, иқтисодиёт ва педагогика бўйича амалга оширилган илмий ишларга хосдир. Бинобарин, ахборот алмашинуви ҳодисасини тадқиқ этишда социолог олимлар тизимли ёндашув усулига мустаҳкам таянганлари бежиз эмас.

Ахборот алмашинуви жараёнининг хусусиятлари ҳақида белорусиялик мутахассислар: Г.Булацкий ва Ю.Прилюкларнинг [6] бу ҳақида берган таснифлари ўзининг қамрови ва теранлиги билан алоҳида ажралиб туради. Улар қуйидагилардан иборат:

Ахборот алмашинуви қанчалик муҳим ва ўзича мустақил ҳодиса бўлиб туюлмасин, бари бир у ҳамиша ўзаро таъсир кўрсатиш механизми бўлиб қолаверади. Буни ижтимоий ўзаро таъсирга нисбатан оладиган бўлсак, ҳар қандай ахборот алмашинуви кишилар, жамоалар ёки ижтимоий гуруҳларни маънавий ва интеллектуал такомиллаштириш механизми сифатида намоён бўлади.

Ахборот алмашинуви механизми амал қилишининг энг муҳим натижаси сифатида шуни келтириш мумкинки, мулоқотда иштирок этувчиларнинг тузилмавий ҳамда контент (мазмуний) параметрлари бир-бирига мос равишда ўзгаради, улар ўзаро мувофиқлашиб туради.

Ахборот алмашинувининг регулятив (тартибга солиш) функцияси мавжудлигини унинг асосий хусусиятларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Бунинг натижасида мулоқотга киришувчилар ўртасида маърифий функция ишга тушса, онг, билим ва дунёқарашни мақсадга мувофиқ тарзда шакллантириб бориш жараёни тартибга солинади.

Ахборот алмашинувининг ўзаро муносабатни долзарблаштириш хусусияти ҳам мавжуд. Маълумки, муносабат ўзаро таъсирнинг шарт, аломатидир. Мулоқот вақтида иштирокчилар алмашинаётган ахборот, уларнинг ўзига хос ифодаланиши оқибатида индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида муносабатлар ўзгариши, яъни ривожланиши ёки сусайиши мумкин.

Ахборот алмашинувида индикативлик хусусияти ҳам бор. Бу дегани ўзаро таъсирнинг, ҳеч бўлмаганда, бир компоненти ҳақида маълумотларга эга бўлинса, бошқалари ҳақида ҳам ишонч билан фикр юритиш, уларни қерда ва қандай қилиб излаш кераклигини ҳисоблаб чиқишга имкон беради. Жумладан, ижтимоий ташкиллаштириш ва бошқаришнинг ҳар қандай ҳодисасининг шакли қанчалик ноодатий бўлишига қарамай, ахборот алмашинуви ҳақида фикр юритишга асос бўлади.

Ахборот алмашинувидаги бу миқдор ва сифат ўзгаришлари, табиий равишда, жамият ҳаётига янгиликлар олиб кирмоқда. Бошқача айтганда, ахборот алмашинувининг регулятив функцияси амал қилаётгани туфайли социумда ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Маълумки, “регуляция” сўзи латин тилидан олинган бўлиб, фаннинг кўпгина соҳаларида қўлланилиб, “тартибга солиш”, “тартиблаштириш”, “нормаллаштириш”, деган маъноларни англатади [7]. Регулятив функция тартибга солиш, нормаллаштириш вазифасидир.

Агар ахборот алмашинуви ҳодисасига кенг қўламда қарасак, унинг инсон ва жамият ҳаётида нечоғли катта аҳамиятга эгаллигига гувоҳ бўламиз. Социумнинг энг кичик элементи – индивиддан тортиб, инсоният жамиятигача, яъни барчасининг мавжудлик ва ривожланиш шарт ахборот алмашинувидир. Шунга кўра, ахборот алмашинувининг регулятив функциясини тадқиқ этишда мазкур қўламни инобатга олиш зарур.

Бизнингча, бу ерда социал психолог Б.Ломовнинг [8] мулоқот структурасига таянган ҳолда ахборот алмашинувининг 3та даражаси тўғрисида таҳлилимишни илгари сурамиз:

Микро даражада ахборот алмашинуви. Бунда индивидлар орасида ахборот узатиш, қабул қилиш, унинг маъносини англаш жараёни кечади. Яъни мулоқотдаги шериклар ахборот алмашинуви жараёнида ўзаро таъсир ҳолатига киришиб, бир-бири билан ҳамкорлик қилиши ёки бир-бирига қаршилиқ кўрсатиши, яъни тўсқинлик қилиши мумкин.

Мезо даражада ахборот алмашинуви. Бунда индивид билан индивид ҳамда социал гуруҳлар ўртасида муайян вақт оралиғида ахборот алмашинуви рўй беради. Бу ҳолда кишилар аниқ бир вазифани бирор-бир вақт мобайнида бажариш учун алоқага киришадилар, яъни ахборот алмашинадилар. Бундай ахборот алмашинуви билвосита амалга оширилиши ҳам мумкин. Сўнгги пайтларда ҳаётга фаол кириб келаётган масофавий таълимни бунга мисол қилса бўлади.

Макро даражада ахборот алмашинуви. Бу индивиднинг ҳар томонлама ривожланиши учун бошқа одамлар, социал гуруҳлар билан алоқалари давомида содир бўладиган ахборот алмашинувидир. Шахснинг ким билан ва қандай (бевосита ёки билвосита) мулоқот қилиши, унинг турмуш тарзи, мулоқотнинг давомийлиги ахборот алмашинуви учун муҳим ҳисобланади.

Ахборот алмашинувининг барча – микро, мезо, макро даражалари шахс ва жамият ривожланиши учун аҳамиятга эга. Мисол учун, таълим соҳаси: мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим ва олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим босқичларининг ҳаммасида ахборот алмашинуви асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Таниқли олим Норберт Винер фикрига кўра, “Ахборот алмашинуви – бу жамиятни бирлаштирувчи ўзига хос цементга ўхшайди”[9] Ижтимоий коммуникация – инсонларнинг ўзаро муносабатларга киришишининг ўзига хос шакли бўлиб, унда ахборот узатиш тил ва бошқа белгилар тизимлари ёрдамида амалга оширилади.

Бизнингча, “ахборот алмашинуви” тушунчасининг тизимли таҳлили бу ўзаро таъсир, таъсир натижаси, объект ва субъект ҳолатининг ўзгариши, қайта алоқа, ахборотнинг қамров даражаси, шакл ва етказиш хусусиятларидан иборат тизим бўлиб, жамият ҳаёти ва индивид фаолиятидаги ривожлантиришнинг муҳим шарт бўлиб хизмат қилади. (Р.Ш.) [10]

Ҳозирги глобаллашув шароитида шахснинг камолоти ва унинг фаолияти тараққиёти, пировардида, жамият тараққиёти ҳам ўзаро ахборот алмашинув жараёнларининг қай даражада самарали ташкил этилиши ва кечишига боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнлардаги мулоқот ва

коммуникацияни ахборот технологиялари ёрдамида амалга ошириш замонавий жамиятнинг қадриятлари сифатида намоён бўлиб бормоқда. Бундан ташқари, таълим ахборот олиш маданиятини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлиб, таълим олиш тизимидаги ривожланиш ва ҳар бир кишини самарали тарзда ахборот воситаларидан фойдалана олиши жамиятнинг юксалишига сабаб бўлувчи омил сифатида баҳоланади.

Ахборот алмашинувини белгиловчи ижтимоий омил сифатида тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

ахборот оқимларининг фрагментарлиги, шахслараро алоқаларнинг бевосита ва билвоситалиги, мулоқотнинг виртуал воқеликка кўчиши Интернет глобал тармоғини ХХІ асрдаги ижтимоий-маданий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантирди;

барча даврларда ҳам ахборот алмашинуви рўй берганлигини инобатга олиб, инсоният ва маданиятлар, тамаддунлар тарихи ахборот алмашинуви жараёнидан иборат;

глобаллашув жараёнида ва жамиятнинг тез суръатлар билан ахборотлашиши туфайли бошқа маданиятлар элементларининг жадал интеграцияси кузатишмоқда;

сўнгги йилларда электрон алоқа учун янги технологик манбалар пайдо бўлиб бормоқда, улар ахборот асрининг ўзига хос хусусиятига айланиб, кишиларга ўзаро ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятларни яратиб беради. Бугунги кунда маълумотни қизиққан аудиторияга етказиш функцияси нафақат анъанавий оммавий ахборот воситалари, балки ижтимоий медиа (ижтимоий тармоқлар, блоглар, форумлар, фото ва видео-хостинг) томонидан ҳам амалга оширилади. Бу ахборот алмашинувининг янги хусусити сифатида намоён бўлмоқда;

ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларни ахборот алмашинувининг асосий воситаси айлантириб, жамоатчилик фикрини шакллантиришда кенг қўллаш мумкин. Кишилардаги ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш учун анъанавий ОАВнинг имкониятлари тобора қисқариб бормоқда;

ХХІ аср жамияти кенг кўламли ва чуқур ўзгаришлар натижасида принципаал янги кўринишдаги ижтимоий тизим ва ижтимоий эҳтиёжларнинг мутлақо бошқа матричасини шакллантирувчи ижтимоий жадал ўзгаришлари билан ажралиб туради. Бунда Интернет тизими коммуникацион маданиятнинг муҳим элементи эканлигини эътиборга олиш керак. Натижада коммуникацион маданиятнинг глобаллашув жараёнлари тубдан ўзгаришларни бошидан кечириб ҳамда назарий ва амалий социология фани томонидан ҳозиргача қайд этилмаган бир қатор функцияларни рўёбга чиқармоқда.

таълим тизимини ахборотлаштириш жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Таълим тизимига АКТни жорий этиш, янги технологияларни қўллаш, масофавий таълимни йўлга қўйиш, ўз навбатида, таълимга янгича ёндашишни, стандарт ва талабларга ўзгартиришлар киритишни, ўқитиш усуллари ва стратегиясини такомиллаштиришни талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.119–120.
2. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // 2002 йил 12 декабрь, 439-П-сон
3. З.Афанасьев В.Г. Человек: общество, управление, информация: опыт системного подхода. – Москва: 2013. – 208 с.
4. Тьютин В.С. Отражение, системы, кибернетика: Теория отражения в свете кибернетики и системного подхода. – Москва: Наука, 1972. – 256с.
5. Урсула А.Д. Природа информации: философский очерк. – Челябинск: 2010. – 231с.
6. Булацкий Г.В., Прилюк Ю.Д. Социология общения. – Минск: Изд-во Униерситетское, 1987. – С.16-17.
7. Губский Е. Ф., Кораблева Г.В., Лутченко В.А. Философский энциклопедический словарь . – Москва: Инфра-М, 1997. – 576 с.
8. Ломов Б.Ф. Методологические и теоретические проблемы психологии. – Москва, 1984. – С.242-271.
9. Норберт В. Кибернетика и общество; Тайдекс Ко.-2011. - С.34.
10. Рахимова Ш. Ижтимоий тизимни модернизациялаштириш жараёнида ахборот алмашинуви маданияти : монография . - Тошкент: Фан зйёкори, 2022. -169б.

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада ахборот, ахборотнинг моҳияти, ахборот алмашиш жараёнларининг хусусиятлари, тартибга солиш функциялари, микро, мезо ва макро даражалари ёритилган. Ахборот алмашиш жараёнини ўрганиш натижалари бўйича илмий ҳулосалар берилди.

Калит сўзлар : ахборот, алмашинув, хусусият, жараён, тизим, механизм, тартибга солиш, макро, микро, мезодаража, шахс, жамият, ижтимоий омил, таълим

РЕЗЮМЕ:

В данной статье описывается информация, сущность информации, характеристики процессов информационного обмена, регуляторные функции, микро-, мезо- и макроуровни. По результатам исследования процесса обмена информацией даны научные выводы.

Ключевые слова: информация, обмен, особенность, процесс, система, механизм, регуляторный, макро, микро, мезоуровень, человек, общество, социальный фактор, образование.

RESUME

This article describes information, the essence of information, characteristics of information exchange processes, regulatory functions, micro, meso and macro levels. Scientific conclusions are given on the results of the research of the information exchange process.

Keywords: information, exchange, feature, process, system, mechanism, regulatory, macro, micro, meso level, person, society, social factor, education.

GLOBAL AXBOROT MAKONIDA MANIPULYATSIYA: TARIXIY VA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR**Kuyliyev B.T. -***ToshPTI katta o'qituvchisi* 10.24412/2181-7294-2025-1-151-153

Global axborot makonining rivojlanishi va uning siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy jarayonlarga ta'siri bugungi kundagi eng muhim masalalaridan biri bo'lib qolmoqda. Axborotning tezligi va global miqyosdagi erkin aloqalar jamiyatlar o'rtasidagi o'zaro ta'sirni kuchaytirgan bo'lsa-da, bu jarayon ko'pincha manipulyatsiya, ya'ni jamoatchilik fikrini boshqarish va yo'naltirishga olib keladi. Bugungi kunda, global axborot makonida manipulyatsiya jarayoni turli siyosiy kuchlar, iqtisodiy manfaatdor tomonlar va boshqa muhim vositalaridan biriga aylanib, jamiyatda katta ta'sirga ega bo'lib bormoqda. Axborot manipulyatsiyasining tarixiy va zamonaviy yondashuvlarini tahlil qilish, bu fenomenning shakllanish va rivojlanish bosqichlari hamda uning hozirgi kunda qanday amalga oshirilayotganini tushunishga yordam beradi.

Axborot manipulyatsiyasi tarixiy uzoq jarayon hisoblanadi. Dastlab bu jarayonlar siyosiy hokimiyatni qo'llab-quvvatlovchi vosita sifatida xizmat qilgan. Qadimgi Rim imperiyasida "panem et circenses" (non va o'yinlar) shiori ostida aholining e'tiborini siyosiy masalalardan chalg'itish uchun axborot vositalari (turli o'yinlar, bayramlar)dan foydalanilgan [1]. Bu tamoyil asosida, jamoatchilikni siyosiy o'zgarishlardan uzoq tutish va hokimiyatni uzoqroq saqlab qolishga erishilgan.

O'rta asrlarda esa din va davlat hokimiyati axborotni boshqarishning asosiy vositalari bo'lgan. Xristian dinining tarqalishi, asosan, cherkov tomonidan boshqarilgan axborot tarmoqlari orqali amalga oshirilgan. Shu bilan birga, monarxlar va hukmdorlar xalqni boshqarishda yirik ommaviy yig'ilishlar va bayramlarni tashkil qilish orqali axborotning tarqatilishiga bevosita ta'sir ko'rsatishgan.

XIX-asrda ommaviy axborot vositalarining rivojlanishi bilan axborot manipulyatsiyasi yangicha tus oldi. Matbuot, radio va telivediniya iste'molining yoyilishi bilan siyosiy partiyalar va hukumatlar o'z siyosiy maqsadlarini amalga oshirish uchun ommaviy axborot vositalaridan keng foydalandilar. Ikkinchi jahon urushi davrida mamlakatlar axborot urushini faqat o'z hududlarida emas, balki dushman mamlakatlarining hududlarida ham olib borishdi [2]. Propaganda va reklama usullari axborot manipulyatsiyasining asosiy vositalariga aylandi. Bunday usullardan, eng avvalo, urushda xalqlarni yanada qattiqroq birlashtirish va dushmanlarni kuchliroq ajratish uchun foydalanilgan.

Hozirgi kunda axborot manipulyatsiyasi yanada murakkab va kompleks shakllarda amalga oshirilmoqda. Internetning rivojlanishi va ijtimoiy tarmoqlarning keng tarqalishi bilan axborotni boshqarish imkoniyatlari yanada kengaydi. Axborotning real vaqt rejimida tarqalishi, odamlar o'rtasidagi bevosita aloqalar, algoritmlar va sun'iy intellekt yordamida amalga oshiriladigan manipulyatsiya usullari bugungi kunda o'zining yuqori samaradorligini ko'rsatmoqda.

Ijtimoiy tarmoqlar, masalan, Facebook, Twitter va Instagram kabi platformalar siyosiy jarayonlarga, xususan, saylovlarga ta'sir ko'rsatishning kuchli vositasi bo'lib qolmoqda. Ushbu platformalar foydalanuvchilarning xatti-harakatlari, qiziqishlari, va boshqalar haqida katta hajmdagi ma'lumotlarni to'plab, siyosiy partiyalar va boshqa tashkilotlar maqsadli auditoriyani aniqlaydi va ularga mos ravishda maxsus xabarlar yuboradi. 2016-yilgi AQSh prezidentlik saylovlarida ijtimoiy tarmoqlarda amalga oshirilgan manipulyativ kampaniyalar buni yaqqol ko'rsatadi. Bots (sun'iy intellekt asosidagi botlar) va trollar yordamida yolg'on xabarlar va qo'rqitish kampaniyalari tashkil etish saylov natijalariga ta'sir qildi. Shuningdek, ijtimoiy tarmoqlar orqali fuqarolarning siyosiy qarorlarini o'zgartirish uchun ko'plab manipulyativ texnologiyalar ishlatildi.

Axborot manipulyatsiyasining yana bir zamonaviy shakli - fake news (yolg'on xabarlar) va deepfake (soxta video) texnologiyalari bo'lib, ularda texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash orqali ijtimoiy va siyosiy muhitni manipulyatsiya qilish osonlashgan. Yolg'on xabarlar, xususan, ijtimoiy tarmoqlarda tez tarqalib, jamiyatda ishonchsizlikni keltirib chiqarishi mumkin. Misol uchun, COVID-

19 pandemiyasi paytida, dunyoning turli burchaklarida sog'liqni saqlash sohasidagi yolg'on ma'lumotlar tarqatildi, bu esa odamlarning noto'g'ri qarorlar qabul qilishiga olib keldi. Deepfake texnologiyalari yordamida, soxta videolar yaratilib, jamoatchilikka noto'g'ri xabarlar taqdim etildi □□□. Ommaviy axborot vositalarida tarqatilgan yangiliklar va maqolalar ijtimoiy tarmoqlarda tarqatilganda, ular algoritmik tartibda filtrlash orqali foydalanuvchilarga taqdim etiladi. Bu, o'z navbatida, foydalanuvchilarning dunyoqarashini shakllantirish va siyosiy yoki iqtisodiy manfaatlarni ilgari surishi mumkin.

Fake news (yolg'on xabarlar) zamonaviy axborot manipulyatsiyasining eng keng tarqalgan shakllaridan biridir. Bu turdagi xabarlar ko'pincha odamlarni qo'rqitish, ularni jamiyatsdagi ma'lum bir g'oyaga yoki siyosiy partiyaga qarshi qo'llash uchun ishlab chiqiladi. Yolg'on xabarlar, ayniqsa, ijtimoiy tarmoqlarda tez tarqaladi va ular ko'plab odamlarning fikrini o'zgartiradi yoki ularni noto'g'ri qarorlar qabul qilishga undaydi. Yolg'on xabarlar o'zini ishonchli manba sifatida taqdim etishi mumkin. Bu xabarlar ko'pincha shok tasirini yaratadi va shu bilan ularni tezroq tarqatish imkonini beradi. Masalan, ijtimoiy tarmoqlarda tez tarqaladigan "clickbait" sarlavhalar, foydalanuvchilarni ma'lum bir maqolani yoki xabarni ko'rishga undaydi, bu esa ularni noto'g'ri xabar bilan aldashga olib keladi.

Deepfake — bu sun'iy intellekt yordamida yaratilgan soxta video yoki tasvirlardir □□□. Bu texnologiya odamlarning yuzlarini va ovozlarni taqlid qilish imkonini berib, ular haqiqiy videolar kabi ko'rinadi. Deepfake texnologiyasidan foydalanilish axborot manipulyatsiyasida yangi darajani boshlab berdi hamda odamlarni yolg'on videolar orqali manipulyatsiya ta'siriga tushish ehtimolini oshirdi. Deepfake texnologiyasi jahon siyosatida ham katta ta'sir ega. Siyosiy liderlar yoki taniqli shaxslarning soxta videolari yaratilib, ular orqali muayyan fikrlarni tarqatish yoki qarorlarni o'zgartirish mumkin. Masalan, saylovlar oldidan o'tkazilgan deepfake manipulyatsiyalari odamlarning siyosiy qarorlariga ta'sir ko'rsatishga qaratilgan. Zamonaviy axborot manipulyatsiyasining yana bir usuli bu ijtimoiy tarmoqlarda ishlatiladigan algoritmlar va filtrlash tizimlaridir. Algoritmlar foydalanuvchilarning oldindan qilgan harakatlariga asoslanib, ulardagi maxsus kontentni ko'rsatadi. Bu, o'z navbatida, ularning fikrini va qarashlarini manipulyatsiya qilish imkonini beradi.

Axborot manipulyatsiyasining siyosiy ta'siri katta bo'lib, u davlatlarning ichki siyosatini va xalqaro aloqalarni shakllantiradi. Ko'plab mamlakatlar axborot manipulyatsiyasidan o'z manfaatlari uchun foydalanishadi. Misol uchun, axborot urushi hozirgi kunda an'anaviy urushlardan farqli o'laroq, noaniq va kam ko'rinadigan shaklda olib borilmoqda. Qarshi davlatning ichki siyosatiga ta'sir ko'rsatish, davlatning xalqaro pozitsiyasini zaiflashtirish va o'z tarafdorlarini kuchaytirish maqsadida axborot manipulyatsiyasi amalga oshiriladi. Raqibning iqtisodiy va siyosiy tizimiga qarshi axborot urushlarini olib borish davlatlarga yangi imkoniyatlar yaratmoqda. Bundan tashqari, axborot manipulyatsiyasi demokratiyaning asosiy tamoyillariga tahdid soladi. Ommaviy axborot vositalarining mustaqilligi va obektivligi zararlanganda, fuqarolar to'g'ri va haqqoniy ma'lumot olish imkoniyatini yo'qotadilar. Aksariyat jamiyatlarda jamoatchilik fikrini manipulyatsiya qilish demokratik jarayonlarga salbiy ta'sir ko'rsatish ehtimoli yuqori bo'lib, bunda aholining ishonchli axborot olish huquqi buziladi.

Global axborot makonida manipulyatsiyalash jarayoni jahon siyosatining ajralmas qismiga aylangan. Tarixan, axborot manipulyatsiyasi siyosiy kuchlarning qo'llab-quvvatlovchi vositasi bo'lib kelgan bo'lsada, zamonaviy texnologiyalar yordamida bu jarayon yanada murakkablashib keng tarqalmoqda. Ijtimoiy tarmoqlar, fake news, deepfake texnologiyalari kabi vositalar axborot manipulyatsiyasining zamonaviy shakllarini tashkil etadi va jamoatchilik fikriga ta'sir etishda muhim rol o'ynaydi. Shu sababli, axborot manipulyatsiyasiga qarshi kurashishda jamoatchilikning ongli bo'lishi, axborot vositalarining ob'yektivligi va ta'sirchanligi muhim ahamiyatga ega.

ADABIYOTLAR:

1. Chomsky, N., & Herman, E. S. (2002). *Manufacturing Consent: The Political Economy of the Mass Media*. Pantheon Books. 41-P.
2. McChesney, R. W. (2013). *Digital Disconnect: How Capitalism is Turning the Internet Against Democracy*. The New Press. 278-P.

3. Kuyliev, B. T. (2020). RESEARCH OF STATE AND SOCIETY CATEGORIES IN THE FIELD OF SOCIAL SCIENCES. ДИСТАНЦИОННЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ И ДОСТИЖЕНИЯ НАУКИ, 144.
4. Fuchs, C. (2017). Social Media: A Critical Introduction. Sage. 346-P.
5. Pariser, E. (2011). The Filter Bubble: What the Internet Is Hiding from You. Penguin Press. 294-P.
6. KUILIEV, B. (2021). CHARACTERISTICS OF CONVERGENT POLITICAL MANIPULATION TECHNOLOGIES USED ON THE INTERNET. *Вопросы политологии*, 11(6), 1783-1790.
7. Куйлиев, Бобур. "Сравнительный анализ технологий политико-психологического манипулирования." *Актуальные проблемы обучения социально-гуманитарных наук в медицинском образовании* 1.1 (2023): 107-115.

REZYUME:

Maqolada axborot manipulyatsiyasining tarixiy taraqqiyoti tahlil qilinib, zamonaviy siyosiy texnologiyalar, ijtimoiy tarmoqlar va axborot urushi kabi omillar orqali jamoatchilik fikriga ta'sir qilish usullari ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: axborot manipulyatsiyasi, siyosiy manipulyatsiya, ijtimoiy tarmoqlar, fake news (yolg'on xabarlar), deepfake texnologiyalari, axborot urushi, internet va demokratiya

PEZIOME:

В статье анализируется историческое развитие информационного манипулирования и рассматриваются способы воздействия на общественное мнение посредством таких факторов, как современные политические технологии, социальные сети и информационная война.

Ключевые слова: информационная манипуляция, политическая манипуляция, социальные сети, фейковые новости, технологии deepfake, информационная война, интернет и демократия

RESUME:

The article analyzes the historical development of information manipulation and examines the methods of influencing public opinion through factors such as modern political technologies, social networks, and information warfare.

Keywords: information manipulation, political manipulation, social media, fake news, deepfake technologies, information warfare, internet and democracy.

JAN POL SARTR EKZISTENSIALIZMIDA MAVJUDLIK VA MOHIYAT MASALASI

Djuraev G'.A. -

*“ALFRAGANUS UNIVERSITY” nodavlat
oliy ta'lim tashkiloti o'qituvchisi* 10.24412/2181-7294-2025-1-154-156

Mavjudlik (existence) va mohiyat (essence) masalasi falsafaning ontologiya ya'ni borliq falsafasi sohasidagi eng fundamental muammolardan biri hisoblanadi. Bu tushunchalar antik falsafadan tortib zamonaviy falsafagacha turli xil talqin qilingan. An'anaviy falsafada mavjudlik va mohiyat bir-biridan farqlangan va ular o'rtasida aniq ierarxiya bo'lgan. Platon (427–347) falsafasiga ko'ra, mohiyat (eydoslar, g'oyalar) mavjudlikdan oldin keladi. Uning “G'oyalar olami” nazariyasiga ko'ra har bir jismoniy mavjudot faqat haqiqiy mohiyatning soyasidir. Haqiqiy mohiyat ideal formalarda mavjud, jismoniy obektlar esa ularning nusxasi hisoblanadi. Masalan, stol tushunchasi g'oya sifatida mavjud va har qanday konkret stol shu ideal g'oyaning aksidir. Bu yondashuv idealizm deb ataladi va unga ko'ra, haqiqiy reallik moddiy narsalarda emas, balki ularning eydoslarida (mohiyatida)dir.

Aristotel (384–322) Platonning g'oyalar olamini tanqid qilib, mavjudotlarning mohiyati ularning o'zida mavjudligini ta'kidlagan. Uning fikriga ko'ra har bir jism ma'lum mohiyat (essentia) va materiya (hyle) ga ega. Masalan, daraxt o'z mohiyatiga ega, chunki u o'z-o'zidan daraxt sifatida mavjud. Shunday qilib, Aristotel uchun mavjudlik va mohiyat birgalikda yuz beradi, biri ikkinchisiz mavjud bo'lolmaydi. Aristotel g'oyalari realizm asosini tashkil qiladi.

Stoiklar falsafasi (m.avv. III – II asr) realizm va materializmga asoslangan bo'lib, mavjudlik va mohiyat tushunchalarini o'zgacha tarzda talqin qiladi. Ularning ontologik qarashlari Geraklit, Platon, Aristotel ta'sirida shakllangan. Stoiklar falsafasi uch asosiy qismdan iborat: logika, fizika va etika. Ontologiya masalalari asosan fizika sohasiga tegishli bo'lib, u tabiat va mavjudlik haqidagi ta'limotni o'z ichiga oladi.

O'rta asrlarda esa yahudiylilik, nasroniylilik va islom dinining ta'siri natijasida teologik falsafiy qarashlar rivojlanishi sharqda Farobiy, Ibn Sino keyinchalik g'arbda Foma Akvinskiy va uning izdoshlarining mohiyat va mavjudlik muammosiga essensialistik yondashuvi ko'zga tashlanadi. Yangi davrda ham bu muammo dolzarbligini yo'qotmadi.

Falsafada ekzistensializm ontologik ta'limot sifatida borliq, mavjudlik haqidagi mulohaza yuritsada uning asosiy kategoriyasi hisoblangan ekzistensiya inson borlig'ini ifodalashi bilan insoniy subektivizmga to'g'ridan to'g'ri murojaat qiladi, ammo Sartrning insoniy subektivizmi solipsizm emas. U ekzistensialistlarni solipsizmga ayblashlariga ham qarshi chiqib mulohazalarini chuqur tahlil qilib o'tadi. Garchi Sartr subektivizmi Berkli idealizmidagi subektivizmining eng keskin ko'rinishidan farqlansada, haqiqatning, ijtimoiy. diniy, axloqiy qadriyatlarining sof subektivligi, ularning mutloq ahamiyat kasb etishini inkor qilish edi.

Sartr o'zi mansub bo'lgan falsafiy oqimni ikki xil ko'rinishini ajratadi; nasroniy ekzistensiyachilar – Yaspers, Gabriel Marsel, dahriy ekzistensiyachilar – Xaydegger, fransuz ekzistensiyachilari (“Tan modern” jurnali atrofida yig'ilgan Sartrning shogirtlari va izdoshlari A.Malro, A.Kamyu, M.Merlo Pontilar). Sartr o'zini dahriy ekzistensiyachilar qatorida deb bildi [1;182]. Ammo bu ikki guruhdagilarning deyarli barchasi inkor etdi.

Sartr nasroniy va dahriy ekzistensiyachilarni bir maslak birlashtirib turishini yozadi, ya'ni, “faqat tiriklik(mavjudlik) mohiyatdan avvaldir yoki, istasangiz, masalaga subektdan kelib chiqib yondoshish” maslagidir. Ba Ekzistensializmning eng asosiy va birinchi tamoyili bo'lgan “mavjudlikning mohiyatdan oldin” kelishini tushuntiradi.

Dahriy ekzistensializm ta'limotini himoya qilib Sartr quyidagilarni yozadi:

“Ekzistensiyachilik barcha xulosalarni izchil dahriychilikdan chiqarishga urinishdan boshqa narsa emas. U aslo umidsizlikka giriftor qilishga intilmaydi. Biroq, nasroniylar fikrlaganidek, har qanday e'tiqodsizlik umidsizlik deb atalsa, unda aynan umidsizlikni boshi – ekzistensiyachilikning

ibtido nuqtasidir. Ekzistensiyachilik – o‘zini Xudo yo‘qligini isbotlashga sarflaydigan dahriychilik emas” “... Bu Xudoning borligiga ishonamiz degani emas – masalaning Xudoning bor-yo‘qligida emas. Inson, hech narsa, hatto Xudo borligining ishonchli isboti ham, uni o‘zidan o‘zini qutqara olmasligiga ishonch hosil qilmog‘i va o‘zini o‘zi topmog‘i zarur. Shu ma’noda egzistensiyachilik bu hayotbaxshilik, harakar haqidagi ta’limotdir” [1;193].

Mavjudlik mohiyatdan avval (fransuzcha: l'existence précède l'essence) degan fikr egzistensializmning markaziy da’vosi bo‘lib, u narsaning mohiyati (tabiati) uning mavjudligidan ko‘ra asosiyroq va o‘zgarmasdir, degan an’anaviy falsafiy qarashni o‘zgartiradi. Ekzistensialistlarga ko‘ra, inson o‘z ongi orqali o‘z qadriyatlarini yaratadi va o‘z hayotining ma’nosini belgilaydi, chunki inson hech qanday o‘ziga xoslik yoki qadriyatga ega emas. Bu o‘ziga xoslik yoki qiymat shaxs tomonidan yaratilishi kerak. Ularni tashkil etuvchi harakatlarni qo‘yish orqali ular o‘zlarining mavjudligini yanada muhimroq qiladi.

Sartr uchun “mavjudlik mohiyatdan avval” g‘oyasi nafaqat o‘zining egzistensial tafakkurini yoki o‘zining egzistensializm versiyasini, balki o‘zini egzistensial deb e’lon qiladigan har bir tafakkur yoki falsafani ham belgilaydi va hal qiladi. Garchi Sartr keyinchalik o‘zini va o‘z tafakkurini ushbu bayonot va uning oqibatlaridan ajratishga harakat qilgan bo‘lsa-da, bu egzistensializm va har qanday noteistik egzistensial tafakkurning eng ko‘p iqtibos qilingan, takrorlangan va iqtibos keltiriladigan ta’rifiga aylandi.

“Egzistensializm - bu gumanizm” asarida Sartr -“inson o‘zi yaratgan narsadan boshqa hech narsa emas” va “inson tabiati yo‘q, chunki uni tasavvur qiladigan Xudo yo‘q” ekan, mavjudlik mohiyatdan oldin bo‘lishi kerakligini aytadi. Demak, insonlar dunyoda mavjud bo‘lgan holda o‘z qarorlari, xatti-harakatlari, fikrlari va tanlovlari orqali o‘zini belgilaydi, qaror qiladi, shakllantiradi va belgilaydi, ya’ni inson avvalo dunyoda mavjud bo‘ladi, keyin esa o‘zini o‘zi belgilaydi va tanlaydi.

Sartr formulasining kelib chiqishiga sabab Xaydeggerning “Vaqt va borliq” asari bo‘lib, u yerda Xaydegger “Dazeynning mohiyati uning mavjudligidadir” deydi. Shunga qaramay, Xaydegger ham, Sartr ham borliq va mavjudlik deganda nimani nazarda tutayotgani o‘rtasida farq bor, chunki “Gumanizm haqida maktub”ida Xaydegger o‘z fikrini Sartrning borliq tushunchasidan, uning egzistensializmidan va egzistensializmning o‘zidan uzoqlashtiradi. [2;196]

Sartr siyosiy faoliyat bilan ham shug‘ullanuvchi faylasuf sifatida o‘zining ambitsiyalariga ega edi va aynan shuning uchun “mavjudlik mohiyatdan avval” g‘oyasi bu g‘oyaning aksini ifodalovchi an’anaviy falsafiy qarash bo‘lgan essensializmga qarshi chiqdi. Essensializm – obektlarning o‘ziga xosligi uchun zarur bo‘lgan atributlar to‘plamiga ega bo‘lgan qarashdir. Ilk g‘arb tafakkurida Platon idealizmi hamma narsa shunday “ mohiyat”ga, ya’ni “g‘oya” yoki “shakl”ga ega, deb hisoblagan. Essensializm boshidanoq bahsli edi. “Parmenidlar” dialogida Platon Sokratning bu tushunchani shubha ostiga qo‘yishini tasvirlab, agar biz har bir go‘zal narsa yoki shunchaki harakat bir mohiyatdan iborat degan fikrni go‘zal yoki adolatli deb qabul qilsak, “soch, loy uchun alohida mohiyatlarning mavjudligini ham qabul qilishimiz kerak” degan fikrni bildiradi, va shu o‘rinda “axloqsizlik”ni ham mohiyati bor deyishlik shubha ostiga olinadi. Aristotel “mohiyat” atamasini kategoriyadagi narsalar umumiy bo‘lgan va ularsiz bu toifaga a’zo bo‘la olmaydigan narsalarga nisbatan qo‘llagan (masalan, ratsionallik insonning mohiyatidir; aqlsiz mavjudot odam bo‘lolmaydi). Bertran Rassel Aristotel falsafasini tanqid qilar ekan, uning mohiyat tushunchasi metafizikaga faqat og‘zaki qulaylik bo‘lgan narsani ko‘chirdi va u til xususiyatlarini dunyo xususiyatlari bilan aralashtirib yubordi, [3;82] deydi. Darhaqiqat, narsaning “mohiyati” bu belgilovchi xususiyatlardan iborat bo‘lib, ularsiz biz uning nomini ishlata olmaymiz. Mohiyat tushunchasi “umidsiz chalkash” bo‘lsa-da, u hozirgi zamongacha har bir falsafaning bir qismiga aylandi. Hatto absurdizm ham.

Essensializm, keng ma’noda, mohiyatning ustuvorligini tan oladigan har qanday falsafadir. “Mavjudlik”ni asosiy voqelik deb hisoblaydigan egzistensializmdan farqli o‘laroq , essensial ontologiyaga metafizik nuqtai nazardan yondashish kerak. Empirik bilimlar munosabatlar olam tajribasidan ishlab chiqiladi, uning tarkibiy qismlari va atributlari intellektual qurilgan qonunlar nuqtai nazaridan aniqlanadi va o‘lchanadi. Essensial ontologiyaga qarshi egzistensial ontologiya bir qator zamonaviy ijtimoiy munosabatlarning bahsli mavzusida yotadi.

Sartre ateistik pozitsiyada turib “XVIII asr faylasuflarining dahriyligi Xudo tushunchasini yo‘qotdi, lekin mavjudlikdan oldin mohiyat kelishi haqidagi g‘oyani yo‘qqa chiqarmadi.” – deb Didro, Volter va Kantni tanqid qiladi [1;183]. Uning dahriy ekzistensializmi nuqtai nazari markazida inson tabiati turadi. “...inson avval mavjud bo‘ladi, ko‘zga ko‘rinadi, dunyoga keladi va faqat shundan keyingina muayyanlashadi” deb ta’kidlaydi.

Sartre mansub bo‘lgan dahriy ekzistensializmining gumanistik mazmuni aynan manashu birinchi tamoyildan boshlanadi. Ya’ni, inson narsa-buyummas-ki uning mavjudligi mohiyatidan avval bo‘lsa. Inson avvalo mavjuddir, so‘ngra o‘z ixtiyori bilan o‘zini-o‘zi loyihalaydi. Har bir inson o‘z subektiv kechinmalari orqali loyihalaydi. Bu uning insoniy subektivligidir. Inson qandaydir tashqi ijtimoiy loyihaning mahsuli emas.

Sartre o‘zining falsafiy ta’limotining keyingi asosiy tamoyilini erkinlik va mas’uliyat masalasiga qaratadi. Inson o‘z mavjudligi asnosida hayotini loyihalashda mutloq erkindir. Erkinlik inson tomonidan ixtiyoriy tanlov asosida harakatlanadi. Ammo bu erkinlik haqiqatdan anglangan mavjudlikdan boshlansa unda albatta inson o‘zining borligi uchun mas’uldir [1;183]. Sartrening ta’kidicha, ekzistensiyachilik birinchi navbatda har qanday insoning hukmiga uning borligini havola qiladi va mavjudligi uchun to‘liq mas’uliyatni uning o‘ziga yuklaydi.

Sartrening so‘zlariga ko‘ra, “inson birinchi navbatda mavjud bo‘ladi, o‘zi bilan uchrashadi, dunyoda o‘zini namoyon qiladi va keyin o‘zini (mohiyatini) belgilaydi”. Shunday qilib, Sartre “deterministik asoslashlar” deb ataydigan narsalarni rad etadi va odamlar o‘zlarining xatti-harakatlari uchun javobgar bo‘lishlari kerakligini ta’kidlaydi.

Sartrening ontologik qarashlari uning antropologik qarashlari bilan uzviy bog‘lanib ketadi va fenomenologik va ekzistensialistik yondashuv asosida inson erkinligi va mas’uliyati masalasiga o‘tiv ketadi. Demak, inson o‘z mohiyatini o‘zi yaratar ekan mutloq erkindir. Ko‘p hollarda Sartrening mutloq erkinlik g‘oyasini tanqid ostida qoladi, ammo faylasuf adibning erkinlik g‘oyasi mas’uliyat g‘oyasi bilan chambarchas bog‘liq. Sartrening axloqiy qarashlari ham uning aynan erkinlik va mas’uliyat dialektikasidan boshlanadi. Ya’ni, inson o‘z xatti-harakatlari oldida erkin tanlovlar oldida turadi, ammo tanlovni amalga oshirib bo‘lgach mas’ul bo‘ladi.

ADABIYOTLAR:

1. Jan Pol Sartre. Abdulla Sher tarjimai. Ekzistensializm to‘g‘risida. Jahon adabiyoti. 1997. 5-son.
2. Хайдеггер, М. Письмо о гуманизме.// Хайдеггер, М. Бытие и время. М., 1993.
3. Bertrand Russell, (1991). A History of Western Philosophy, London: Routledge, 82 p.
4. Webber, J. (2009). The Existentialism of Jean-Paul Sartre. Routledge.
5. Abdurasulovich, D. G. O. (2025). A Comparative Analysis of The Ideas on The Human Problem in The Existentialism of Jean-Paul Sartre And Albert Camus. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES, 6(01), 43-46.
6. Djurayev, G. O. (2025). FRANSUZ EKZISTENSIALIZMINING VUJUDGA KELISHIDAGI IJTIMOY-FALSAFIY MUHIT. TAMADDUN NURI JURNALI, 1(64), 274-279.

REZYUME:

Sartrening “mavjudlik mohiyatdan oldin keladi” degan asosiy ekzistensial tamoyili yoritilib, uning inson erkinligi va mas’uliyati haqidagi qarashlari tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: ekzistensializm, mavjudlik, mohiyat, Sartre, erkinlik, mas’uliyat, ontologiya.

PEZIOME:

Детально раскрывается основополагающий принцип экзистенциализма Сартра — «существование предшествует сущности», а также исследуются его представления о свободе и ответственности человека.

Ключевые слова: экзистенциализм, существование, сущность, Сартр, свобода, ответственность, онтология.

RESUME:

Sartre’s fundamental existentialist principle — “existence precedes essence” — is explored in detail, along with his views on human freedom and responsibility.

Keywords: existentialism, existence, essence, Sartre, freedom, responsibility, ontology.

**NOKLASSIK BILISH NAZARIYASI VA TARMOQ PARADIGMASI DOIRASIDA
KOMMUNIKATSIYA****Shukurov A.Sh. -***O'zMU katta o'qituvchisi, PhD* 10.24412/2181-7294-2025-1-157-160

Fan falsafasi muammolarini o'rganishning dolzarbligi shundaki, fan tushunchasi, chegaralari va metodologiyasini tadqiq etuvchi ushbu soha G'arb va mamlakatimiz falsafasining yo'nalishi sifatida fan rivojlanishining turli modellarini taklif qiluvchi ko'plab o'ziga xos konsepsiyalar bilan taqdim etadi hamda uning roli, bilish va nazariy faoliyat xususiyatlarini aniqlashga qaratilgan. Fan falsafasining ahamiyati tarix falsafasi, mantiq, metodologiya, madaniyatshunoslik bilan bir qatorda tafakkurning borliqqa refleksiv munosabatini o'z nuqtai nazaridan tadqiq etishi bilan belgilanadi. Bu esa ilmiy-texnik inqiloblar sharoitida ilmiy bilimning ijtimoiy-madaniy vazifalarini anglash zaruriyatini keltirib chiqaradi.

Fan falsafasi, tabiatshunoslik yoki ijtimoiy-gumanitar fanlarni o'rganishga qaratilganidan qat'i nazar, tarixiy ijtimoiy-madaniy bilim maqomiga ega. U ilmiy izlanish mexanizmlarini, kashfiyot algoritmlarini, ilmiy bilimning rivojlanish dinamikasini va tadqiqot faoliyati usullarini o'rganadi. Fanning asosiy maqsadi haqiqatga erishish bo'lsa, fan falsafasi insoniyat uchun aqlni qo'llashning eng muhim sohalaridan biri hisoblanadi. Bu sohada haqiqatga qanday erishish mumkinligi haqidagi savolga javob topishga urinish amalga oshiriladi.

Bugungi kunda ijtimoiy fanlar falsafasini o'rganish tobora muhim bo'lib bormoqda. XXI asrda ijtimoiy-falsafiy tadqiqotlar jamiyatdagi o'zgarishlarni tahlil qilishda murakkab vaziyatlarga duch kelmoqda. Buning asosiy sababi vaqtning «tezlashuvi» bo'lib, hozirda bir yil ichida avvallari o'n yillar yoki asrlar davomida yuz bergan o'zgarishlar sodir bo'lmoqda.

Bunday tezkor o'zgarishlarning asosiy omili texnologik va axborot inqilobi bo'lib, u ijtimoiy kommunikatsiyani ham texnologiyalashtirdi. Bu jarayonning eng muhim natijalaridan biri Internetning paydo bo'lishi bo'ldi. Internet ijtimoiy munosabatlarga jiddiy ta'sir ko'rsatib, ijtimoiy institutlar, shaxslar va davlatlar o'rtasidagi aloqa usullarini tubdan o'zgartirdi.

Shu sababli, jamiyatning o'zgarishi va ijtimoiy kommunikatsiya jarayonlarini yanada chuqurroq o'rganish zarurati ortib bormoqda. Bu o'zgarishlar ijtimoiy fanlar falsafasi oldiga yangi savollar qo'ymoqda va zamonaviy jamiyatni tushunish uchun yangi yondashuvlar talab etmoqda.

Muloqotning mohiyati, mexanizmlari va tabiati qadimdan faylasuflar tomonidan o'rganib kelingan. Biroq, ayniqsa, XX asrning 40-yillaridan boshlab bu mavzuga alohida e'tibor berila boshlandi. An'anaviy yondashuvda kommunikatsiya turlicha talqin qilinadi.

Ba'zi tadqiqotchilar kommunikatsiyani «o'zaro ta'sir amalga oshiriladigan tizim, jarayon va ma'lumot almashish usuli» deb tushunadilar. Boshqalar esa uni «ramzlar orqali bir shaxsdan yoki guruhdan boshqasiga axborot, fikr, baho yoki his-tuyg'ularni yetkazish» sifatida ko'radilar. Yana bir qarashga ko'ra, kommunikatsiya – bu murakkab dinamik tizim bo'lib, uning tarkibiy qismlari axborotni qabul qilish, saqlash va qayta ishlash qobiliyatiga ega.

Umuman olganda, kommunikatsiya deganda turli sub'yektlar o'rtasida axborot almashinuvi va o'zaro ta'sir jarayoni tushuniladi.

Keltirilgan ta'riflardan «kommunikatsiya» tushunchasi ko'p qirrali bo'lishiga qaramay, bilishning klassik nazariyasida ularning deyarli barchasi axborot almashish jarayoniga asoslan ma'lum bo'ladi. Demak, kommunikatsiya axborot almashish yoki uni uzatish sifatida tushunilishi mumkin degan xulosaga kelish mumkin.

Kommunikatsiyaning klassik modeli K. Shennon va N. Viner asarlarida bayon etilgan bo'lib, unga ko'ra «axborot tizimning imkoniyatlarini tavsiflovchi xususiyat va kelajakdagi hodisalar ehtimolining tanlov imkoniyati sifatida tushuniladi» [1, -P. 59]. Bunday yondashuvda axborot mavjud imkoniyatlarning cheklanganligini anglash sifatida tavsiflanadi - voqealarning ehtimolligi qanchalik past va aniq bo'lsa, tizimning xabardorligi shunchalik yuqori bo'ladi. Bunda an'anaviy bilish nazariyasi

vakillari tizim o'z hayotiy faoliyatini boshqarish uchun axborotga muhtojligini, har qanday holat o'zgarishi axborot ekanligini va axborotning o'zi doimo tizim holatining o'zgarishiga olib kelishini ta'kidlaganlar. Shu bois, axborot tushunchasiga translyatsiya, ya'ni kommunikatsiya qobiliyati ham kiritilgan bo'lib, u shunchaki axborotni uzatkichdan qabul qiluvchiga yetkazish jarayoni emas, balki o'zaro ta'sirlashuvchi tizimlar holatining uzluksiz o'zgarishi hamda tizim va atrof-muhit o'rtasidagi izchil almashinuv sifatida talqin etilgan.

Jamiyat rivojlanishining hozirgi bosqichida an'anaviy aloqa modeli o'z o'rnini M. Kastels asarlarida [2] tasvirlangan tarmoq modeliga bo'shatmoqda. Bu model axborotga ega bo'lgan va o'zini kengroq ijtimoiy guruhga mansub deb his qiluvchi kishilar o'rtasidagi yangi turdagi ijtimoiy munosabatlarning shakllanishi bilan tavsiflanadi. Bu esa yangi ijtimoiy o'zlikni yuzaga keltirmoqda.

Kompyuter texnologiyalari «tarmoq» tushunchasiga yangi mazmun berdi. Endilikda tarmoqlar nafaqat axborotni uzatish, balki uni qayta ishlash qobiliyatiga ham ega. Integral tarmoqlar axborot almashinuvi va ijtimoiy muloqotning o'ziga xos shaklini yaratdi.

Insonlar avtomatlashtirilgan aloqa tizimlariga moslasha boshladilar va o'z muloqotlarini tarmoqlar orqali tashkil etishga odatlandilar. Ularning muloqoti kompyuter dasturlari tomonidan boshqariladi, natijada insoniy aloqa jarayonlari texnologik standartlarga muvofiq shakllana boshladi. Agar ilgari insonlar o'rtasidagi munosabatlar tabiiy va tasodifiy bo'lsa, bugungi kunda ular axborot uzatish va qayta ishlash jarayonlari orqali tizimli ravishda tashkil etilmoqda.

Bu jarayon texnologiyalarni inson muloqoti va ijtimoiy munosabatlarga moslashtirishga olib kelmoqda. Insonlar o'zaro aloqada bo'lishda texnologik tizimlarga tobora ko'proq bog'liq bo'lib bormoqda va bu jarayon tarmoq modeli sifatida shakllanmoqda. Shu tariqa, muloqot axborot texnologiyalariga asoslangan yangi formatga o'tayapti va insonlar o'zaro ta'sirlarini texnik vositalar orqali amalga oshira boshladilar.

Shunday qilib, tarmoq doirasidagi kommunikativ amaliyotlar an'anaviy usullardan tubdan farq qiladi. Hozirgi kunda barcha ijtimoiy institutlar tarmoq tashkilotiga to'liq o'tmagan bo'lsa-da, tarmoq jamiyati g'oyasi asta-sekin «ilgari mavjud bo'lgan barcha ijtimoiy shakllarni o'ziga singdirib, ularni bo'ysundirmoqda».

Zamonaviy dunyoda barcha sohalar «ijtimoiy tarmoqlar» bilan qamrab olingan, hatto ba'zi sohalarda ular yetakchi o'rinni egallashni boshlagan. Buning sababi shundaki, tarmoqlar ko'plab qo'llanish sohalarida an'anaviy ierarxik tuzilgan aloqalarga nisbatan ustunliklarga ega.

Tarmoq jamiyati o'zining moslashuvchanligi bilan ajralib turadi. Bu jamiyatda aloqalar oson shakllanadi, ma'lum vaqt davomida mustahkamlanadi va zarurat tug'ilganda bekor qilinishi mumkin. U asosan zamonaviy axborot texnologiyalariga asoslangan bo'lib, axborotni ishlab chiqarish, uzatish va qayta ishlash jarayonlari bilan chambarchas bog'liq.

Noklassik bilish nazariyasiga ko'ra, kommunikatsiya «ongli ravishda o'rnatiladigan o'zaro aloqa» sifatida tushuniladi. An'anaviy kommunikatsiyada muhim o'rin tutgan shartnoma tushunchasi o'rniga bevosita aloqa jarayoni qo'yiladi. Bu jarayonda asosiy vosita – munozara bo'lib, unda ishtirokchilarning umumiy va shaxsiy muloqot uslublari namoyon bo'ladi.

Tarmoq jamiyatini tushunish uchun tarmoq kommunikatsiyasini tahlil qilish muhim. Hozirgi davrda axborot texnologiyalari ta'sirida insonlar o'rtasida yangi muloqot shakli – «tarmoq kommunikatsiyasi» rivojlanmoqda. XXI asrda aynan shu jarayon jamiyatdagi chuqur o'zgarishlarning asosiy omillaridan biriga aylanib bormoqda.

«Tarmoqli jamiyat» tushunchasi M. Kastels tomonidan [3, -P. 66] ishlab chiqilgan bo'lib, u nafaqat uning shakllanish sabablarini aniqlagan, balki asosiy xususiyatlarini ko'rsatib bergan va shakllanish oqibatlarini bashorat qilgan. Tarmoqli jamiyat «axborot davrining xususiyati sifatida empirik tadqiqotlar orqali tajribada o'rnatilgan ijtimoiy tuzilmaning o'ziga xos shakli» hisoblanadi. Ushbu ta'rif tavsifiy va fenomenologik xususiyatga ega bo'lsa-da, u tarmoqli jamiyatning boshqa kitoblarida bayon etilgan, shuningdek, boshqa mualliflar tomonidan berilgan barcha qo'shimcha ta'riflar uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Tarmoq jamiyatining shakllanishiga XX asrda sodir bo'lgan uchta asosiy tarixiy hodisa sabab bo'ldi. Birinchisi – axborot-texnologik inqilob, ikkinchisi – 1960-70-yillardagi madaniy va ijtimoiy harakatlar, uchinchisi esa G'arb va Sovet Ittifoqi tizimlarining inqirozi natijasida yuzaga kelgan qayta

tuzilish jarayoni edi.

Tarmoq jamiyatining mohiyati shundaki, unda kommunikatsiya butun jamiyatdagi o'zgarishlarni shakllantiruvchi asosiy jarayon sifatida ko'riladi. Bu jarayonda axborot oqimi tartibsiz tarqalmaydi, balki tarmoq orqali harakat qiladi. Bunda kommunikatsiya faqat ma'lumot uzatish vositasi emas, balki jamiyatning turli tizimlari o'rtasida doimiy o'zaro ta'sir va axborot almashinuvi jarayoni hisoblanadi.

Natijada, tarmoq kommunikatsiyasi barcha ishtirokchilarni qamrab oladi. Har bir ishtirokchi o'z atrof-muhitiga ega bo'lsa-da, o'zi ham tarmoqning bir qismi sifatida boshqalarning atrof-muhiti hisoblanadi. Bu esa tarmoq jamiyatining murakkab va o'zaro bog'langan tuzilishini shakllantiradi.

Tarmoq tuzilmalari texnologik inqilob natijasi emas, balki jamiyat taraqqiyotining tabiiy davomidir. Zamonaviy dunyoda tarmoq butun jahon jamiyatining asosiy tuzilish shakliga aylangan. Bu jarayonning markazida global axborot tarmoqlari, ayniqsa, Internet turadi.

Tarmoq kommunikatsiyasi oddiy muloqotdan bir qator muhim xususiyatlari bilan farq qiladi. U ierarxiyasiz va mustaqil aloqa tizimiga ega bo'lib, barcha ishtirokchilar bir-biriga teng darajada bog'langan. Agar tarmoqning bir qismi uzilib qolsa, axborot muqobil yo'llar orqali harakat qilib, baribir kerakli manzilga yetib boradi. Eng muhim farq shundaki, tarmoq kommunikatsiyasi an'anaviy muloqot tushunchasini o'zgartiradi – u shaxsni muloqotning faol ishtirokchisiga aylantiradi. Endilikda har bir inson katta axborot oqimi ichida mustaqil yo'l topishi va ortiqcha axborot bilan kurashishi kerak bo'ladi.

Jamiyatdagi «tarmoq» metaforasi faqat kommunikatsiyani emas, balki zamonaviy ijtimoiy tuzilish tamoyillarini ham aks ettiradi. Bugungi kunda insonlar o'zaro aloqada bo'lish imkoniyatlari ko'paygan, ammo shu bilan birga, ular bir-biridan uzoqlashmoqda.

Axborot kommunikatsiyasining falsafiy jihatdan o'rganilishi hozirgi ilm-fanning dolzarb muammolaridan biridir. Kibernetika, ijtimoiy va umumiy kommunikatsiya nazariyalari ushbu masalaga e'tibor qaratgan bo'lsa-da, aksariyat tadqiqotlar aniq ilmiy usullarga tayanib, tarmoqli kommunikatsiyaning umumiy, yaxlit tahlilini bera olmaydi. Shu bois, axborot kommunikatsiyasini tizimli o'rganish ilmiy ma'lumot almashinuvi tizimini yaxshilash va ilm-fanni yanada rivojlantirishga xizmat qilishi mumkin.

Tarmoq jamiyati – bilimga asoslangan ijtimoiy tuzilish bo'lib, uning shakllanishi, rivojlanish omillari va mavjudligini belgilovchi manbalarni o'rganish bugungi kunda juda muhim. Shuning uchun zamonaviy ilm-fan tarmoq kommunikatsiyasini har tomonlama va chuqur tahlil qilishga tobora ko'proq e'tibor qaratmoqda.

Ilmiy jihatdan tarmoqli kommunikatsiyani falsafiy tahlil qilish uning tizimli manzarasini yaratish, mohiyatini tushunish va o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash imkonini beradi. Bu esa zamonaviy tadqiqotlarning dolzarb va istiqbolli yo'nalishlaridan biri hisoblanadi.

Hozirgi kunda ijtimoiy falsafada «tarmoqli kommunikatsiya» tushunchasi va uning chegaralarini to'liq ifodalovchi yagona nazariya hali ishlab chiqilmagan. Buning asosiy sababi – Internet tarmog'ining doimiy va tezkor rivojlanishi bo'lib, bu jarayon tarmoqli aloqa nazariyasini yaratishni murakkablashtiradi. Shu sababli, ushbu tadqiqot tarmoq jamiyatining shakllanishi, yangi ijtimoiy munosabatlar tizimi va ularning tarmoqlashuvi jarayonlarini o'rganishga qaratilgan.

Bugungi kunda muloqotni tushunishda turli nazariy yondashuvlar mavjud. Shuning uchun an'anaviy va noan'anaviy bilish nazariyalarini uyg'unlashtirish, tadqiqotlarni insonparvarlik qadriyatlariga asoslab olib borish muhimdir. Bunday sintez natijasida muloqotning keng qamrovli tushunchasi shakllanadi, bu esa turli nazariyalarning asosiy jihatlarini o'z ichiga olgan yagona tadqiqot dasturini yaratishga yordam beradi.

Ushbu tadqiqotning asosiy maqsadi tarmoq axboroti va tarmoq aloqasining o'zaro bog'liqligini aniqlash hamda ijtimoiy fanlar falsafasining rivojlanishi natijasida yuzaga kelayotgan tushunchaviy o'zgarishlarni o'rganishdir. Bu maqsadga erishish uchun quyidagi vazifalar bajarilishi lozim:

Noklassik bilish nazariyasi asosida tarmoq aloqasining o'ziga xos xususiyatlarini yoritish.

Falsafa va fan tarixida aloqaning klassik va noklassik tushunchalarini qayta ko'rib chiqish.

Ushbu tushunchalar o'rtasidagi o'xshashlik va farqlarni aniqlash.

Shunday qilib, tarmoqli kommunikatsiyani o'rganish faqat texnologik taraqqiyot bilan cheklanmay, balki jamiyat va falsafa nuqtai nazaridan ham katta ahamiyat kasb etadi.

ADABIYOTLAR:

1. Shanon, C., Weaver, W. The Mathematical Theory of Communication. Urbana / C. Shanon, W. Weaver, 1949. - 54 p.
2. Castells M. Materials for an exploratory theory of network society / M. Castels // Brit. J. of. Soc. - 2000. - № 51. - 55 p.
3. Castells, M. The Rise of the Network Society, The Information Age: Economy, Society and Culture Vol. I. / M. Castells - Cambridge, MA; Oxford, UK: Blackwell, 1996. - 66 p.

REZYUME:

Ushbu maqolada noklassik bilish nazariyasi va tarmoq paradigmasi doirasida kommunikatsiya jarayonlari tahlil qilinadi. Tarmoq jamiyati, axborot texnologiyalari va ijtimoiy munosabatlarning yangi shakllari ko'rib chiqiladi. Tarmoq kommunikatsiyasi tushunchasi, uning o'ziga xos jihatlari va falsafiy ahamiyati yoritiladi.

Kalit so'zlar: Noklassik bilish nazariyasi, tarmoq paradigmasi, kommunikatsiya, tarmoq jamiyati, muloqot mexanizmlari, axborot almashinuvi, tarmoq kommunikatsiyasi

РЕЗЮМЕ:

В данной статье анализируются процессы коммуникации в рамках неклассической теории познания и сетевой парадигмы. Рассматриваются новые формы отраслевого общества, информационных технологий и социальных отношений. Освещается понятие сетевой коммуникации, ее специфические аспекты и философское значение.

Ключевые слова: Неклассическая теория познания, сетевая парадигма, коммуникация, сетевое общество, механизмы коммуникации, обмен информацией, сетевая коммуникация

RESUME:

This article analyzes communication processes within the framework of the non-classical theory of knowledge and the network paradigm. New forms of network society, information technology, and social relations will be considered. The concept of network communication, its specific aspects, and philosophical significance are highlighted.

Keywords: Non-classical theory of knowledge, network paradigm, communication, network society, communication mechanisms, information exchange, network communication

GENDER MAFKURASI KONTEKSTIDA FALSAFA VA ILOHIYOT: CHEGARALAR VA ALOQALAR TAHLILI

Aminova G. -
O'zMU o'qituvchisi

 10.24412/2181-7294-2025-1-161-165

Gender disforiya bilan kasallangan shaxslarni davolash bo'yicha zamonaviy bahs-munozaralarda muhokama ko'pincha aniq va amaliy savollarga qaratilgan: O'n sakkiz yoshgacha bo'lgan bolalar ularni doimiy steril qiladigan muolajalarni olishlari kerakmi? Gender disforiya bilan bog'liq ruhiy salomatlik muammolarini kamaytirish uchun qanday muolajalar samarali? Qanday muolajalar gender disforiyadan aziyat chekayotganlarda o'z joniga qasd qilish ehtimolini kamaytiradi? Bunday savollarning aksariyati empirik, boshqalari esa axloqiy xarakterga ega. Ushbu munozaralarda chuqurroq falsafiy va teologik masalalarni ko'rib chiqish orqali har ikki turdagi savollarni yaxshiroq o'ylashimiz mumkin.

Tomas Bogardus o'zining «Jins/gender farqlari uchun dalillarni baholash» essesinde Rim papasi Fransisk «gender mafkurasi» deb atagan eng asosiy farqlardan birini shubha ostiga qo'yadi. Bogardus yozadi: «Ko'pgina faylasuflar bizning oddiy inglizcha erkak va ayol so'zlari «jins atamaları» bo'lib, gender biologik jinsdan farq qiladi, deb hisoblaydilar. Ya'ni, ular ayollik va erkaklik hatto qisman biologik jins bilan belgilanmaydi, deb hisoblaydilar. Ushbu gender tafovuti XX asrning keng ommalashgan va ilmiy madaniyatga oid eng ta'sirli g'oyalaridan biridir.» [1]

Bogardus jins/gender farqlari uchun bir qator turli dalillarni baholaydi. Tekshiruvdan so'ng, u taqdim etilgan dalillarning har biri jins va jins o'rtasidagi hozirgi standart farqni oqlay olmaydi, deb hisoblaydi. U shunday deb yozadi: «Tekshiruv natijasida jins/gender farqiga doir dalillar loydan yasalgan. Aslida, ularning barchasi muvaffaqiyatsizlikka uchraydi.» Bogardusning ta'kidlashicha, «Faylasuflar yo jins/gender farqlari uchun kuchli dalillarni ishlab chiqishlari yoki ayol va erkakning an'anaviy, biologik asoslangan ta'riflariga mos keladigan feminizmning xilma-xilligini rivojlantirishlari kerak.» Ushbu xulosa muhim oqibatlariga ega, chunki «agar feministik falsafada har qanday ta'limotni ortodoks deb hisoblash mumkin bo'lsa, bu jins/gender farqi mavjud, ya'ni ayol va erkak biologik jins nuqtai nazaridan aniqlanmagan gender atamalaridir».

Biz Bogardusning bu bildirgan fikrini ikki xil savolga ajratishimiz mumkin: jins va gender o'rtasidagi farq mavjudmi? Agar mavjud bo'lsa, erkaklar va ayollar atamaları jinsga emas, balki genderga ishora qiladimi? Ikkinchi savolning javobi birinchi savolning javobi bilan bog'liq, chunki agar jins va gender o'rtasida haqiqiy farq bo'lmasa, u holda erkaklar va ayollar jinsga nisbatan atamalardan farqli o'laroq, gender uchun atama bo'la olmaydi. Bogardusning bu fikrlarini jins va gender o'rtasida farq yo'qligini ta'kidlash sifatida talqin qilinishi mumkin. Biroq, bizningcha, uning tezisi ayol va erkak biologik jins nuqtai nazaridan belgilanmagan gender atamaları degan taklif uchun hech qanday asosli dalil bo'la olmaydi.

Bogardus Mari Mikkolaga tayanib, farqni tushunishning quyidagi usulini taklif qiladi: «Oddiy so'zlovchilar, odatda, «gender» va «jins» ma'nosiga ko'ra bir xil deb hisoblashadi: ayollar va erkaklar - bu mos ravishda erkak va ayol, birinchisi esa ikkinchisini ifodalashning siyosiy jihatdan to'g'ri usulidir. Feministlar odatda bu fikrga qo'shilishmaydi va ko'pchilik tarixan jins va gender o'rtasidagi farqni qo'llab-quvvatlagan. Uning standart ta'rifiga ko'ra, «jins» inson ayollari va erkaklarini anglatadi va biologik xususiyatlarga (xromosomal, jinsiy organlar, gormonlar va boshqa jismoniy xususiyatlarga) bog'liq. Shu bilan birga, «gender» ayollar va erkaklarni anglatadi va ijtimoiy omillarga (ijtimoiy rollar, pozitsiyalar, xatti-harakatlar, o'zini o'zi identifikatsiya qilish) bog'liq.» [2] Ushbu iqtibos u tanqid qilgan nuqtayi nazarni biroz buzib ko'rsatadi, chunki an'anaviy ta'rifda ayollar barcha ayollarni o'z ichiga olmaydi, chunki yosh qizlar va qizlar ayol emas. Shunday qilib, ayolning an'anaviy ta'rifi (masalan, Oksford ingliz lug'atida) shunchaki «ayol mavjudot» emas, balki «voyaga yetgan ayol mavjudot» degan ma'noni anglatadi. «Mutatis mutandis», bu gap insonga ham taalluqlidir.

Ko'pgina feministik mualliflar ayol katta yoshli ayol insoniy mavjudotga tegishli emas deb hisoblashadi, ammo ular qanday muqobil ta'rif to'g'ri ekanligiga qo'shilmaydilar. Bog'ardusning ta'kidlashicha, raqobatdosh tushuntirishlar «Batlarning performativ nuqtayi nazari, Berkett tajribasining to'g'ri ko'rinishi, Xaslingerning jinsiga asoslangan bo'ysunishi, Betcherning o'zini o'zi identifikatsiya qilishiga samimiy qarash va Jenkins nuqtayi nazari bilan gender me'yorlarining yetarlicha to'g'ri ko'rinishini qabul qilishni o'z ichiga oladi.» Bogardus an'anaviy, maydon ta'rifiga asoslangan ta'rif rad etilishining turli sabablarini baholaydi.

U ko'rib chiqadigan birinchi dalil biologik determinizmga qarshilik ko'rsatish foydasiga bo'lgan dalildir. Ushbu nuqtayi nazarni qo'llab-quvvatlovchi mualliflardan iqtibos keltirganidan so'ng, u pozitsiyani quyidagicha umumlashtiradi:

1. Agar ayollar yetuk ayol bo'lsa, ya'ni ayollar sof biologik mavjudotlar bo'lsa, biologik determinizm ayollarga nisbatan o'rinli bo'ladi: ayolning ijtimoiy, psixologik va xulq-atvor xususiyatlari muqarrar, chunki ular biologik holati bilan belgilanadi.

2. Ayollarga nisbatan biologik determinizm mavjud.

3. Demak, ayollar – bu faqat voyaga yetgan ayollar emas. Erkaklarga nisbatan ham xuddi shunday.

Bogardus bu dalilning birinchi sharti haqiqatga to'g'ri kelmasligini ko'rsatadi, dalilda ayollarni «kattalar ayollari» bilan almashtiradi. Bu almashtirish bizga quyidagi dalilni beradi:

4. Agar katta yoshdagi ayollar balog'atga yetgan ayollar bo'lsa, ularga nisbatan biologik determinizm to'g'ri bo'ladi: katta yoshdagi ayolning ijtimoiy, psixologik va xulq-atvor xususiyatlari muqarrar, chunki uning biologik holati bilan belgilanadi.

5. Katta yoshdagi ayollarga nisbatan biologik determinizm mavjud.

6. Shunday qilib, katta yoshdagi ayollar balog'atga yetgan ayollar emas.

Bu dalilning mantiqiy shakli to'g'ri; xulosa mantiqan asoslardan kelib chiqadi. Ammo bu bir-biriga zid xulosa, shubhasiz, noto'g'ri. Shunday qilib, bu xulosaga olib keladigan asoslardan biri yoki ikkalasi ham yolg'on bo'lishi kerak. Bogardusning ta'kidlashicha, biz birinchi iborani rad etishimiz va buning o'rniga biologik determinizmni haqiqatga aylantirish uchun yetuk ayol inson mavjudoti bo'lishning o'zi yetarli emas, deb ta'kidlashimiz kerak. Ammo agar birinchi asosning bu og'ishi «katta yoshli ayol ko'rinishidagi mavjudotlari» uchun yetarli darajada yaxshi bo'lsa, u ayollar uchun ham yetarli darajada yaxshi.

Xuddi shunday xulosaga kelishning boshqa usuli ham bo'lishi mumkin. Odamlar biologik mavjudotlardir, lekin ular ma'lum bir turning biologik mavjudotlaridir. Ular shunchaki hayvonlarning har qanday turi emas. Odamlar aqlli hayvonlardir. Ammo aqlli hayvonlarni ajratib turadigan narsa bu ularning aql-idroki va irodasi [3]. Aqlli hayvonlarning aql-idroki ularga oddiy hissiy idrok doirasidan tashqariga chiqishga va bug' va muz ko'rinishdan va sezgidan turli narsalar kabi tuyulsa-da, aslida ular H₂O shakllari ekanligini tushunishga imkon beradi. Shunga o'xshab, odamlarning irodasi ularga oddiy biologik impuls, xohish va istaklar doirasidan chiqishga imkon beradi, shunda ular och bo'lganda ro'za tutishlari mumkin. Jeyms Rayxmannning ta'kidlashicha, inson barcha hayvonlar orasida ma'lum turmush tarziga eng kam determinatsiyalashgan [4]. Shunday qilib, biologik determinizm odamlar uchun mavjud. Haqiqatan ham, Bogardusning ta'kidlashicha, feministlar biologik determinizmni jins/gender farqini qo'llashdan ancha oldin rad etishgan. Biologik determinizmni boshqa asoslarga ko'ra rad etishimiz mumkinligini hisobga olsak, bunday xulosaga kelish uchun bizga jins/gender farqining keragi yo'q.

Erkaklar va ayollarning an'anaviy ta'riflarini tanqid qilishning boshqa usulidan foydalangan holda, Bogardus «Biologik interseksual odamlar va noaniqlikdan dalil» asarida boshqa feministlarning qarashlarini umumlashtiradi:

7. Agar erkak va ayol jins atamaları bo'lsa, u holda har qanday katta yoshli odam bir vaqtning o'zida ikkalasini emas, balki aniq erkak yoki aniq ayol hisoblanadi.

8. Ammo ba'zi katta yoshli interseksual odamlar aniq erkak ham, aniq ayol ham emas.

9. Shunday qilib, erkak va ayol jins terminlari emas.

Bogardus asosiy shartga e'tiborni qaratadi: «Agar erkak va ayol jins atamaları bo'lsa, unda har qanday katta odam bir vaqtning o'zida ikkalasi emas, balki aniq erkak yoki aniq ayol bo'ladi.» Lekin

nima uchun biz buni haqiqat deb o'ylashimiz kerak? Biz to'liq kal erkak bilan qalin sochli erkak o'rtasida farq borligini ta'kidlashimiz mumkin, ammo ba'zi erkaklar soch to'kilishi chegaralari orasida ekanligini inkor etmaymiz. Kun - bu tun emas, tun - bu kun emas, lekin oqshom va tong ham bor. Bogardusning ta'kidlashicha, biologiya noaniqlikka to'la.

Bundan tashqari, agar noaniqlik erkak va ayolning jins atamaları sifatida qo'llanilishiga qarshi dalil bo'lsa, bu tanqid ularni gender atamaları sifatida qo'llashga nisbatan yanada ko'proq qo'llaniladi. Jinsning noaniqligi jinsning noaniqligiga nisbatan kamroq. Agar katta noaniqlik erkak va ayolning revizionistik gender ta'rifini obro'sizlantirmasa, nima uchun kamroq noaniqlik ushbu atamalar bilan an'anaviy jins ta'rifini obro'sizlantirishi kerak? U shunday deydi: «Aslida, jins va gender kategoriyalari alohida ekaniga ishonish va yomonroq ta'riflangan ko'proq gender kategoriyalarini qo'shish orqali gender revizionizmi noaniqlikni noaniqlikka to'ldirib yuboradi. Bu muammoni yanada chuqurlashtiradi. Shunday qilib, agar noaniqlik baho bo'lsa, gender revizionizm erkak va ayolning an'anaviy ta'riflariga qaraganda yuqori bahoga ega» [5]. Shuning uchun biz erkaklar va ayollarning mavhumligi tufayli ularni jinsiy atamalar sifatida tushunishni rad etmasligimiz kerak.

Bogardus ayol va erkakning an'anaviy ta'rifidan voz kechish uchun yana bir asosni ko'rib chiqadi, uni u jinsning me'yoriyligi argumenti deb ataydi. Mualliflardan iqtibos keltirgandan so'ng, u ularning qarashlarini quyidagicha umumlashtiradi:

10. Erkak bo'lish va ayol bo'lish kabi gender xususiyatlar inson qanday bo'lishi kerakligini taqozo etadi. Ular me'yoriy oqibatlarga ega.

11. Balog'atga yetgan erkak va balog'atga yetgan ayol bo'lish kabi biologik xususiyatlar inson qanday bo'lishi kerakligini talab qilmaydi. Ular me'yoriy oqibatlarga ega emas.

12. Shunday qilib, gender xususiyatlar biologik xususiyatlar bilan bir xil bo'lishi mumkin emas. Xususan, ayol va erkakning an'anaviy ta'riflari to'g'ri bo'lishi mumkin emas.

Bogardus 11-asosni shubha ostiga qo'yadi: «Katta erkak bo'lish va katta ayol bo'lish kabi biologik xususiyatlar odam qanday bo'lishi kerakligiga olib kelmaydi.» Bogardusning fikricha, agar biz individning voyaga yetgan erkak ekanligini bilsak, unda biz uni asir qilmaslik kerakligini ham bilamiz. Agar biz individning voyaga yetgan ayol ekanligini bilsak, biz uni qiynamasligimiz kerakligini ham bilishimiz mumkin. Bu yerda biz Bogardusning argumenti qo'shimcha qo'llab-quvvatlashga muhtoj deb o'ylaymiz, chunki haqiqatan ham individning voyaga yetgan shaxs ekanligini bilish bizga uning yoki uning axloqiy maqomi haqida hech narsa demaydi, deb hisoblaydigan faylasuflar bor [6].

Darhaqiqat, biologik xususiyatlar me'yoriy oqibatlarga ega emas, degan g'oya hatto odamlarga Lokkning o'z-o'zini anglash bilan tarkib topgan, deb qaraydigan tarafdorlari tomonidan ham rad etiladi. Masalan, Piter Singer kabi mutafakkirlar azob chekish qobiliyati insonga teng e'tiborga ega bo'lish huquqini beradi, deb hisoblaydilar. Azob chekish qobiliyati biologik xususiyatdir. Biologik xususiyat (sezgirlik) utilitaristlar uchun me'yoriy oqibatlarga ega; bunday xususiyatlar ham aristotelchilar uchun me'yoriy ahamiyatga ega. Darhaqiqat, nafaqat biologiya, balki erkak va ayollarning turli biologik voqeliklari ham axloq uchun muhim bo'lishi mumkin. Masalan, evolyusion biolog Devid Bassning ta'kidlashicha, erkaklar va ayollar ustuvorlik nuqtayi nazaridan farq qiladilar, ular sherigini qidirishda turli xil xususiyatlarni beradilar va turli juftlashish strategiyalarini namoyish etadilar [7]. Erkaklar hatto keksayganlarida ham ota bo'lishlari mumkin, shuning uchun potensial fertillik nuqtayi nazaridan erkakning yoshi tug'ish yoshlik bilan bog'liq bo'lgan ayolning yoshiga qaraganda kamroq ahamiyatga ega. Ayollarning homilador bo'lishi, tug'ishi va bola emizishi mumkinligi haqidagi faktlar ham axloqiy ahamiyatga ega bo'lgan muhim biologik haqiqatlardir. Bunday biologik faktlar evolyusion bosim orqali erkaklar va ayollar turmush o'rtog'idan qidiradigan narsalarni shakllantiradi. Erkaklar ham, ayollar ham aql-zakovat va do'stlikni birdek qadrlashadi. Ammo erkaklar va ayollar boshqa xususiyatlarni qanday baholashlari nuqtayi nazaridan farq qiladilar. «Jurnal of Psychological Science» jurnalida chop etilgan maqola mualliflari qirq besh mamlakatdagi erkaklar va ayollar o'rtasida so'rov o'tkazib, quyidagilarni aniqladilar: «Tafakkurlardagi universal jinsiy farqlarni qo'llab-quvvatlash qat'iyligicha qolmoqda: erkaklar ayollarga qaraganda jozibali yosh sheriklarni afzal ko'rishadi, ayollar esa erkaklarga qaraganda moliyaviy istiqbolga ega bo'lgan katta yoshdagi juftlarni afzal ko'rishadi.» [8] Ba'zi olimlar bu tafovutlar patriarxal zulm natijasi, degan nazariyani ilgari surganlar. Agar bu kamaytirilganda edi, deb taxmin qilishdi ular, bu farqlar

kamaytirilgan bo'lar edi. Biroq, gender tengligi yuqori bo'lgan Shimoliy Yevropa mamlakatlarida erkaklar va ayollar o'rtasidagi bu farqlar aslida kamayayotgani yo'q. [9] Bu faktlar turli xatti-harakatlar etikasini, shu jumladan, er-xotinlik etikasini ko'rib chiqish uchun ahamiyatga ega.

Erkaklar va ayollarning an'anaviy ta'riflaridan voz kechish uchun yana qanday sabablar keltiriladi? Bogardus fikriy tajribalardan olingan dalilni o'rganadi va uni quyidagicha umumlashtiradi:

13. Agar jins biologik jins bilan bir xil bo'lsa, u holda: agar menda XX xromosoma borligini aniqlasam, u holda men ayol bo'laman [men erkakman deb o'ylasam ham].

14. Agar menda XX xromosoma borligini aniqlasam ham, ayol bo'lmasdim.

15. Shunday qilib, gender biologik jins bilan bir xil emas.

Bu dalilning muammolaridan biri, Bogardusning fikricha, biologik jinsni xromosomalarga olib keladigan 13-asosdir. An'anaviy ta'rif tarafdorining bunday reduksionistik bayonot berishi shart emasdi. Biologik jinsni organizm ishlab chiqarishga mo'ljallangan gametalarning o'lchami nuqtayi nazaridan ko'rib chiqish mumkin: erkaklar ayollarga (tuxum hujayralariga) qaraganda kamroq gametalar ishlab chiqaradi. Yoki biologik jinsni gormonlar darajasi, gametalar o'lchami, xromosomalar, birlamchi jinsiy belgilar va ikkilamchi jinsiy belgilarni o'z ichiga olgan omillarning kombinatsiyasi sifatida ko'rib chiqish mumkin [10].

Tomas Bogardus ta'limoti jins va gender tushunchalari o'rtasidagi farqlarga chuqur tahliliy nazar tashlab, bu kategoriyalar nafaqat biologik va ijtimoiy jihatlar, balki falsafiy, madaniy va teologik prizmalar orqali aniqlangan murakkabroq fenomenlar ekanligini ta'kidlaydi. Bogardus jins biologik kategoriya sifatida xromosomalar, gormonlar va anatomik xususiyatlar kabi obektiv fiziologik belgilarga tayanishini, gender esa ijtimoiy kategoriya sifatida madaniy me'yorlar, ijtimoiy rollar va shaxsiy o'ziga xoslik ta'sirida shakllanishini anglash muhimligini ta'kidlaydi.

Uning asarlarida ushbu tushunchalar zamonaviy jamiyatda qanday o'zaro ta'sir qilishi va ularning talqini siyosat, axloq va ijtimoiy tuzilmalarga qanday ta'sir qilishi haqida muhim savollar ko'tariladi. Bogardusning ta'kidlashicha, jins va gender o'rtasidagi farqlarni yetarli darajada tushunmaslik ilmiy diskurslarda ham, kundalik amaliyotda ham noto'g'ri talqinlarga olib kelishi mumkin.

Bundan tashqari, Bogardus ushbu tushunchalarni yanada chuqurroq o'rganish uchun falsafiy tahlildan teologik an'analar bilan birgalikda foydalanish muhimligiga e'tibor qaratadi. Bunday fanlararo yondashuv nafaqat gender mafkurasining tarixiy va madaniy ildizlarini aniqlash, balki uning ijtimoiy institutlar va shaxs identifikatsiyasining shakllanishiga ta'sirini baholash imkonini beradi.

Shunday qilib, Tomas Bogardus ta'limoti nafaqat jins va genderni tushunish uchun nazariy asos, balki ularning jamiyatdagi rolini tahlil qilish uchun amaliy vosita ham beradi. Bu, ayniqsa, global o'zgarishlar sharoitida, gender o'ziga xoslik va tenglik masalalari siyosiy, ijtimoiy va madaniy kontekstlarda tobora dolzarb bo'lib borayotgan sharoitda muhimdir.

ADABIYOTLAR:

1. Tomas Bogardus, "Evaluating Arguments for the Sex/Gender Distinction," *Philosophia* 48.3 (July 2020): 873, doi: 10.1007/s11406-019-00157-6. All subsequent citations appear in the text.
2. Mari Mikkola, *The Wrong of Injustice: Dehumanization and Its Role in Feminist Philosophy* (New York: Oxford University Press, 2016), 23, emphasis original, cited in Bogardus, "Arguments for the Sex/Gender Distinction," 874.
3. Alasdair MacIntyre, *Dependent Rational Animals: Why Human Beings Need the Virtues* (Chicago: Open Court, 1999).
4. James B. Reichmann, *Philosophy of the Human Person* (Chicago: Loyola Press, 1985), 101.
5. Mere Abrams and Sian Ferguson, "68 Terms That Describe Gender Identity and Expression," *Healthline*, updated February 9, 2022, <https://www.healthline.com/health/different-genders>
6. Christopher Kaczor, *The Ethics of Abortion: Women's Rights, Human Life, and the Question of Justice*, 3rd ed. (New York: Routledge, 2022).
7. David M. Buss and David P. Schmitt, "Mate Preferences and Their Behavioral Manifestations," *Annual Review of Psychology* 70 (January 4, 2019): 77–110, doi: 10.1146/annurev-psych-010418-103408
8. Kathryn V. Walter et al., "Sex Differences in Mate Preferences across 45 Countries: A Large-Scale Replication," *Psychological Science* 31.4 (April 2020): 408, doi: 10.1177/0956797620904154.
9. Lingshan Zhang et al., "Are Sex Differences in Preferences for Physical Attractiveness and Good Earning Capacity in Potential Mates Smaller in Countries with Greater Gender Equality?" *Evolutionary Psychology* 17.2 (April–June 2019), 1474704919852921, doi: 10.1177/1474704919852921.

10. Suzy Weiss, "The Testosterone Hangover," Common Sense, April 19, 2022, <https://bariweiss.substack.com/p/the-testosterone-hangover?s=r>

REZYUME:

Maqola gender mafkurasining shakllanishi kontekstida falsafa va teologiyaning oʻzaro bogʻliqligini oʻrganishga bagʻishlangan. Gender tushunchalarining falsafiy va teologik asoslari, ularning ijtimoiy meʼyorlar va madaniy anʼanalarga taʼsiri koʻrib chiqiladi.

Kalit soʻzlar: falsafa, teologiya, gender mafkurasi, ijtimoiy-madaniy meʼyorlar, diniy taʼlimotlar, fanlararo yondashuv, gender tushunchalari.

РЕЗЮМЕ:

Статья посвящена исследованию взаимосвязи философии и теологии в контексте формирования гендерной идеологии. Рассматриваются философские и теологические основания гендерных концепций, их влияние на социальные нормы и культурные традиции.

Ключевые слова: философия, теология, гендерная идеология, социокультурные нормы, религиозные доктрины, междисциплинарный подход, гендерные концепции

RESUME:

The article is devoted to the study of the relationship between philosophy and theology in the context of the formation of gender ideology. The philosophical and theological foundations of gender concepts, their influence on social norms and cultural traditions are considered.

Keywords: philosophy, theology, gender ideology, sociocultural norms, religious doctrines, interdisciplinary approach, gender concepts.

PARLAMENTNING VAKILLIK FUNKSIYASI TA'SIR ETUVCHI MEXANIZM SIFATIDA

Isabaev M.B. –

*Yoshlar muammolarini o'rganish va istiqbolli kadrlarni
tayyorlash instituti tadqiqotchisi,
siyosiy fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

 10.24412/2181-7294-2025-1-166-170

Parlamentning vakillik funksiyasi jamiyatdagi barcha qatlamlarning manfaatlarini ifodalashda muhim rol o'ynaydi. Ushbu funktsiya parlamentning asosiy vazifalaridan biri bo'lib, unda fuqarolarning manfaatlari va talablarini ifodalash, qonunlar ishlab chiqishda ishtirok etish, shuningdek, hukumat faoliyatini nazorat qilish kabi masalalar mavjud. Vakillik funksiyasi parlamentni fuqarolarning ovozi bo'lishi, ularning ehtiyojlari va istaklarini qonun chiqarish jarayonida inobatga olish imkonini beradi. Buning samarali amalga oshirilishi uchun esa, parlament va fuqarolar o'rtasida doimiy va samarali muloqot muhim ahamiyatga ega.

Qonun chiqarish va kabinetni tuzishdan tashqari parlament faoliyatlari hamda parlament kuchlari o'rtasidagi munosabatlar nazariy va empirik jihatdan kam e'tibor qaratilgan[7, 733-754]. Fikrimizcha, parlamentlar faqat qonun chiqaruvchi organlar emas. Tadqiqotchilar bu oddiy haqiqatni uzoq vaqt davomida tan olishgan va qonun chiqarishdan tashqari parlament funksiyalarini muhokama qilishgan.

Parlament siyosiy institut sifatida ko'plab funksiyalarga ega. Xusasan, uning qonun chiqarish, nazorat, vakillik, hamkorlik, yordam va hukumatni shakllantirish kabi asosiy funksiyalari mavjud. Parlamentning barcha funksiyalari davlat boshqaruvining shakli (parlament respublikasi, prezidentlik respublikasi yoki aralash tizim) va davlatning konstitutsiyaviy tuzumiga bog'liq ravishda farqlanadi. Ushbu funksiyalar davlat hokimiyatlarining samarali muvozanatini ta'minlash va demokratik qadriyatlarni mustahkamlashga qaratilgan. Mazkur tadqiqotda ushbu funksiyalardan vakillik funksiyasiga alohida e'tibor qaratilgan.

Ma'lumki, demokratik parlamentlarda deputatlar fuqarolar tomonidan saylanadi. Deputatlar saylanadigan ba'zi saylov tizimlari geografik saylov okruglariga asoslanadi (bir saylov okrugi uchun bitta deputat yoki bir nechta deputat), boshqa tizimlar partiya ro'yxati orqali etnik, diniy yoki boshqa tarmoq saylov okruglari bilan rasmiy yoki norasmiy aloqalarga ega bo'lishi mumkin. Har qanday holatda ham, deputat muvaffaqiyatli bo'lishi uchun fuqarolar parlamentda samarali vakillik qilishlarini his qilishlari kerak.

Fuqarolarga ana shunday yaqinlik parlamentlarning vakillik funksiyasining asosidir. Jahon banki instituti uchun yozgan Jon K. Jonsonning so'zlariga ko'ra, "Butun xalqlar vakili bo'lgan bosh rahbarlar yoki qonunni barcha fuqarolarga nisbatan xolisona bajarish va sharhlash mas'uliyati bo'lgan byurokratlar hamda sudyalardan farqli o'laroq, qonun chiqaruvchilar vakillik qilish uchun javobgardirlar. Parlament, bu farqlarning yig'indisi sifatida, millatning e'tiqod va g'oyalarini ifodalaydi.

Parlamentning vakillik funksiyasi konstitutsiyaviy asosga ega bo'lsa-da, samarali jamoatchilik ishtiroki uchun amaliy va huquqiy mexanizmlar ham mavjud. Parlament a'zolari barcha masalalar bo'yicha mutaxassis bo'la olmasalar-da, ular o'z qonunlari va budjetlari asosida yashayotgan jamoatchilik bilan keng maslahatlashuvni ta'minlash uchun javobgardirlar. Jamoatchilik bilan muloqot yuqori sifatli qonunlar va budjetlarni ishlab chiqishga, shuningdek, jamoatchilikning roziligi va qoniqlanishini oshirishga xizmat qiladi. Bu parlament a'zolarining har bir saylovchining fikriga qo'shilishi shartligini anglatmaydi, lekin keng qamrovli eshituvlar ularga o'z vazifalarini samarali bajarishga yordam beradi.

Parlament a'zolarining faoliyatiga xalq bilan doimiy aloqalar o'rnatish kiradi. Ko'plab parlamentariylar SMS, qo'ng'iroqlar va shaxsiy so'rovlar orqali doimiy ravishda jamoatchilikning

ehtiyojlariga javob berishga majburlirlar. Ushbu vazifa ularning asosiy ish jarayonining bir qismi hisoblanadi.

Shuningdek, mahalliy va milliy darajada fuqarolar bilan siyosiy muloqotni olib borish parlament a'zolarining vazifalaridan biridir. Bu saylovchilarning fikrlarini tinglash, qonun loyihalarini ishlab chiqish, parlament monitoringini olib boorish ushbu fikrlar va ehtiyojlarga muvofiq tashkil etishni ta'minlaydi. Masalan, Janubiy Afrika Respublikasining Konstitutsiyasi Milliy Assambleyaning jamoatchilikning qonunchilik va boshqa jarayonlarda ishtirokini ta'minlash majburiyatini belgilab, jamoatchilik ishtirokini to'rt bosqichga ajratadi[8]. Xususan, fuqarolarni parlament va hukumat faoliyati haqida xabardor qilish, jamoatchilik bilan maslahatlashish va ularning fikrlarini so'rash, jamoatchilik bilan muloqot o'rnatish, hamkorlikni ta'minlash uchun jamoatchilik bilan birgalikda ishlash.

Parlament va jamoatchilik o'rtasida muloqotni samarali tashkil etishda, unda qo'llaniladigan vositalar muhimdir. Bugungi kunda parlament va uning a'zolari jamoatchilik bilan samarali muloqot o'rnatish uchun mahalliy jamoat forumlari, jamoatchilik bilan maslahatlashuvlar, partiya maslahatlari va fuqarolik jamiyati hamkorligi, ijtimoiy tarmoqlar va texnologiyalar, so'rov va uchrashuvlar kabi vositalardan foydalanadi[6, 46-49]:

Yuqorida ta'kidlab o'tilgan samarali muloqot vositalari, masalan, onlayn platformalar va ijtimoiy tarmoqlar, parlament a'zolariga jamoatchilik fikrlarini to'plash va qonunlarni ishlab chiqishda fuqarolarning qarashlarini inobatga olish imkonini beradi. Bunda zamonaviy texnologiyalar, xususan, veb-portallar, odamlar bilan bevosita muloqot qilishda muhim rol o'ynaydi.

Parlament vakillik funksiyasining amalga oshirilishi jamiyatda demokratik jarayonlarning ishonchli va shaffof olib borilishini ta'minlash uchun juda zarur. Bunda zamonaviy texnologiyalarning roli beqiyos. Bugungi kunda parlament o'z faoliyatini fuqarolar bilan bog'lash uchun turli onlayn platformalar, ijtimoiy tarmoqlar, mobil ilovalar va boshqa interaktiv vositalardan faol foydalanmoqda. Masalan, Gana parlamenti 2015 yilda fuqarolarni qonun chiqarish jarayoniga jalb qilish maqsadida "e-Parliament" platformasini joriy etdi[2]. Ushbu platforma orqali fuqarolar o'z fikrlarini bildirish, qonunlarga oid takliflar berish imkoniga ega bo'ldilar. Gana parlamenti bu yondashuvni amalga oshirish orqali fuqarolar bilan to'g'ridan-to'g'ri muloqot qilishni kuchaytirdi va qonun chiqarish jarayonining ochiqqligini ta'minladi.

Mamlakatimizda ham bu borada tizimli ishlar amalga oshirib kelinmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2017 yil 22 dekabr kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasida normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasiga keng xalq ommasini jalb qilish, buning uchun zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish, jumladan, Internet tarmog'ida maxsus "maydon"lar yaratishi zarurligini ta'kidlab o'tilgan edi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 22 yanvardagi PF-5308-son Qarori bilan tasdiqlangan Davlat dasturining 34-bandida "Mening fikrim" maxsus veb-portali orqali O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalari, xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlariga elektron jamoaviy murojaat qilish tartibini joriy etish belgilangan. "Mening fikrim" veb-portali mamlakatimizda fuqarolarning jamiyat va davlat ishlarini boshqarishda ishtirok etish imkoniyatlarini kengaytirish, davlat hokimiyati vakillik organlari faoliyatining ochiqqligi, qabul qilinayotgan qonunlarning hayotiy va samarali bo'lishini ta'minlash maqsadida yaratilgan[10]. 2020 yildan boshlab "Mening fikrim" onlayn platformasi orqali fuqarolarga qonunlar loyihalari bo'yicha o'z fikrlarini bildirish imkoniyati berilgan. Ushbu platforma nafaqat fuqarolarning fikrini inobatga olish, balki parlament a'zolarining fuqarolarga nisbatan javobgarligini oshirishga xizmat qilmoqda. Bunday vositalar parlamentni fuqarolar bilan to'g'ri muloqot o'rnatish va qonunlarni ishlab chiqish jarayonini yanada samarali qilishga imkon beradi.

Biroq, faqat texnologik vositalar emas, balki parlament a'zolarining fuqarolar bilan bevosita muloqoti ham juda muhim. Parlamentning vakillik funksiyasi fuqarolarni vakillik qilishni ta'minlashi uchun, deputatlar o'zlarining jamoatchilik bilan bo'ladigan aloqalarini doimiy va izchil olib borishlari kerak. Shuningdek, qonun loyihalari ishlab chiqilishidan oldin fuqarolarni jarayonga jalb qilish va ularning fikrlarini inobatga olish zarur. Fuqarolar va parlament o'rtasidagi samarali muloqot qonunlarni ishlab chiqishda natijalarga erishishga, shuningdek, jamiyatda qonunlarga bo'lgan ishonchni oshirishga

yordam beradi. Parlament a'zolari fuqarolarning ehtiyojlari va takliflarini o'z faoliyatlarida hisobga olgan holda, ularni qonunlarga aks ettirishi kerak.

Parlamentning vakillik funksiyasini amalga oshirish keng jamoatchilik ishtiroki orqali ham amalga oshiriladi. Xususan, buni hamkorlik asosida qonunlar yaratish, budjet muhokamalarini amalga oshirish hamda qabul qilingan qonunlarning bajarilishini nazorat etish kabi shakllarda amalga oshirilishi mumkin.

Jamoatchilik ishtiroki va uning hamkorligi asosida qonun ijodkorligi bu parlament, deputatlik guruhi, qo'mita yoki parlamentning alohida a'zosi tomonidan Palata muhokamasiga qo'yilgan qonun loyihalarini ko'rib chiqish va ko'rib chiqishda jamoatchilikni faol jalb etish jarayoni hisoblandi.

Jamoatchilikni jalb qilishning eng keng tarqalgan usuli bu jamoatchilik muhokamasidir. Ommaviy muhokamada qo'mita rasmiy yig'ilish o'tkazadi, unga manfaatdor shaxslar, manfaatdor tomonlar, mavzu bo'yicha ekspertlar va fuqarolik jamiyati muayyan jihatlar yoki butun mavzu bo'yicha og'zaki yoki yozma taqdimnomalar taqdim etish uchun taklif etiladi. Ushbu tinglovlar odatda qo'mita a'zolariga ma'ruzachilarga savollar berish va ma'ruzachilar tomonidan javob olish imkoniyatini o'z ichiga oladi.

2019 yil 13 apreldagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy choratadbirlar to'g'risida"gi qarori bilan barcha normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari loyihani ishlab chiquvchi tashkilotlar tomonidan O'zbekiston Respublikasi normativhuquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portaliga jamoatchilik muhokamasi o'tkazilishi uchun joylashtirilishi lozimligi belgilangan. Belgilangan tartibni samarali amalga oshirish va jamoatchilikni normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasida ishtirok etishlarini qulaylashtirish maqsadida, Adliya vazirligi tomonidan normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portal (regulation.gov.uz) modernizatsiya qilinib, 2024-yil 1-oktabrdan boshlab uning yangi versiyasi <https://regulation.adliya.uz/> ishga tushirilgan.

Ammo jamoatchilik muhokamasidan tashqari, parlament qo'mitasi parlament saylov uchastkalarini tark etib, turli hududlarda ko'proq guruhlar va odamlarga qonun loyihalariga o'z fikr-mulohazalarini bildirish imkoniyatini berish uchun eshituvlar o'tkazsa, samaraliroq bo'lishi aniqlandi. Albatta, bu kabi tashriflarni tashkil etish uchun resurslar va xodimlarning majburiyatlarini talab qiladi. Ammo buni amalga oshirish mumkin bo'lganda, qo'mita odatdagidan ko'ra kengroq manfaatdor tomonlarni eshitishi va qonun loyihasining mahalliy sharoitga yaqinroq bo'lganlarga qanday ta'sir qilishini bevosita ko'rishi mumkin. Texnologiyalar yordamida amalga oshirilgan virtual uchrashuvlar ham kengroq masofaviy ishtirok etish imkonini beradi.

Gruziya parlamentining Qishloq xo'jaligi qo'mitasi o'z salohiyatini oshirish bo'yicha ko'p yillik harakatlar rejasini ishlab chiqqandan so'ng 2014 yilda parlamentdan tashqari joylarda jamoatchilik tinglovlarini o'tkazishni boshladi. Mahalliy fermerlarni jalb qilish orqali Qishloq xo'jaligi sohasida qo'mita hukumat tomonidan e'tibordan chetda qolgan muammolarni qanday hal qilish bo'yicha ko'plab takliflarni eshitdi. Mamlakat bo'ylab o'tkazilgan har bir tinglovda kamida 200 nafar fermer ishtirok etdi. Ko'pgina fermerlar Gruziya qishloq xo'jaligini rivojlantirishning asosiy shakli bo'lgan kooperativlar haqida o'z muammolarini bildirishdi. Olingan fikr-mulohazalar asosida qo'mita tashabbusi bilan "Koperativlar to'g'risida"gi qonunga fermerlar manfaatini ko'zlab o'zgartirishlar kiritish tashabbusi bilan chiqdi va qabul qilindi[5].

Parlament yillik davlat budjetini tuzishda jamoatchilikni jalb qilishi muhim. Budjet loyihasini ishlab chiqish va taqdim etish an'anaviy ravishda ijro hokimiyati vakolati bo'lsa ham, ayrim mamlakatlarda parlament butun budjet davri davomida jamoatchilikni jalb qiladi. Shu jumladan vazirdan budjetni olishdan oldin fuqarolarning nuqtai nazarini tinglash uchun budjetdan oldingi maslahatlashuvlar o'tkaziladi. Budjetdan oldingi bunday maslahatlashuvlar palata tomonidan qabul qilinishidan oldin budjet loyihasini ko'rib chiqadigan asosiy qo'mita bo'ladigan budjet yoki moliya qo'mitasi orqali o'tkazilishi mumkin. Biroq, u barcha tarmoq qo'mitalari tomonidan kengroq maslahatlashuvlarni o'z ichiga olishi mumkin.

Yangi texnologiyalarni hisobga olgan holda, parlamentda budjet muhokama qilinayotganda odamlarni "real vaqt" rejimida jalb qilish imkoniyatlari mavjud. Bugungi kunga qadar ushbu vositalar

asosan mahalliy hukumat budjetlariga nisbatan qo'llanilgan. Ammo, fuqarolarga budjetning turli jihatlari va ularga qanday ta'sir ko'rsatishi haqida fikr-mulohazalarini bildirish imkonini berish uchun bunday vositalarni milliy parlamentga moslashtira olmasligiga hech qanday sabab yo'q.

2014 yildan beri Open North xalqaro munosabatlar va ijtimoiy yuksalish milliy demokratik instituti hamkorlari bilan Kiev shahrining "Aqli shahar" idorasi bilan yillik shahar budjetini tayyorlash va qabul qilishda fuqarolarning fikrini to'plashning yangi vositalari taqdim etilgan. Kiev aholisiga yillik budjet loyihalarini ko'rish imkonini beruvchi va ularga alohida budjet sarlavhalari va kichik sarlavhalari bo'yicha batafsil fikr-mulohazalarni taqdim etish imkoniyatini beruvchi buyurtma asosida tayyorlangan internet portali ishga tushirilgan. Ushbu ma'lumotlar umumlashtirilib, mahalliy saylangan mansabdor shaxslarga budjet mablag'larini ajratish to'g'risida qaror qabul qilishda taqdim etiladi. Yillik budjet qabul qilinishidan oldin portal faqat ikki oy davomida ochiq bo'lib, uni 8 ming nafardan ortiq kishi ko'rgan holda mingdan ziyod fikrlar bildirilgan.

Fuqarolarning davlat va jamiyat hayotida faol ishtirok etishni qo'llab quvvatlashga qaratilgan ajoyib xorijiy tajribalardan yana biri bu Edinburg shahar vakillik kengashidir. Buyuk Britaniyaning Edinburg shahar Kengashi a'zolari kelasi 2025 yil budjetini belgilashiga 3 oy vaqt qolganida, aholiga Kengash qaerga sarmoya kiritishi va uni tejash kerakligi to'g'risida fuqarolarga o'z fikrlarini bildirishlarini so'rab murojaat bilan chiqqib, onlayn budjet maslahati xizmatini ishga tushirgan. Unda Kengash mahalliy budjet qarorlarining qiyinlashib borayotgani, aholining mahalliy hokimiyat bajarishi kerak bo'lgan muhim masalalar haqida qanday fikrda ekanligini bilish har qachongidan ham muhimroqligi ta'kidlangan. Shuningdek, ushbu maslahat fuqarolarning fikrlari saylangan a'zolarga taqdim etiladigan yakuniy budjet takliflarini shakllantirishga va 2025 yil fevral oyida Edinburg budjeti bo'yicha yakuniy qaror qabul qilishga yordam berishi e'lon qilingan[12].

O'zbekistonda Prezidentning 2024 yil 10 iyuldagi PQ-249-sonli qaroriga[9] muvofiq davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan to'g'ri shartnomalar ular tuzilishidan oldin kamida bir ish kuni davomida jamoatchilik muhokamasidan o'tkazilishi shartligi belgilab qo'yilgan. Mazkur tartib 2024 yil 1 oktabrdan boshlab kuchga kirgan bo'lsa-da, vakolatli organ – Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda tizim operatori tomonidan davlat xaridlari elektron tizimida jamoatchilik muhokamasini o'tkazish uchun imkoniyatlar yaratilmagan. Elektron tizimda "muhokama jarayonida" bo'limi mavjud, ammo u yerda fikr bildirish imkoniyati yo'q. Ayni paytda, davlat buyurtmachilari to'g'ridan to'g'ri shartnomalar tuzishda "e'tiroz kelib tushmagan" degan mazmundagi bayonnomalarni joylashtirib kelmoqda. Bu "shablon"[11] bayonnomalarning barchasida "bir ish kuni ichida jamoatchilik tomonidan to'g'ridan to'g'ri shartnoma tuzish bo'yicha e'tirozlar tushmadi" degan standart ifodalardan foydalanilayotgani kuzatilmoqda. Jamoatchilik muhokamasining to'liq amalga oshirilmasligi ortidan davlat xaridlari bo'yicha qarorlar shaffof bo'lmay qolishi mumkin. Bu esa davlat mablag'laridan oqilona foydalanilishini ta'minlashga to'sqinlik qiladi va korrupsiya xavfini oshiradi.

Budjet va qonun ijodkorligida bo'lgani kabi, parlament o'zi qabul qilgan qonunlar ijrosini ta'minlash uchun nazorat qilishda ham muhim rol o'ynaydi. Parlamentning boshqa funksiyalari kabi, bu jarayonga jamoatchilik va fuqarolik jamiyatini jalb qilish uchun bir qator vositalardan foydalanish mumkin. Parlament tomonidan qabul qilingan va hozir amalga oshirilayotgan qonunning ta'siri yoki muammolari haqida tushunchaga ega bo'lish uchun jamoat forumlari, SMS xabarlar, mahalliy tashkilotlar bilan hamkorlik, so'rovlar va boshqa vositalardan foydalanish kerak bo'ladi.

Parlament, uning a'zolari muntazam ravishda jamoatchilikning fikr-mulohazalarini so'rashni ta'minlaydigan muntazam qayta aloqa zanjirlarini yaratishi kerak. Ushbu maqsadga erishish uchun turli xil vositalar mavjud. Masalan, ba'zi parlament qo'mitalari o'zaro hamkorlikning asosiy vositalari va usullarini belgilab beruvchi maxsus strategik (yoki harakat) rejalarini ishlab chiqishgan[3]. Parlament va uning qo'mitalari ko'rib chiqilayotgan har bir qonun loyihasi yoki o'tkazilgan so'rov uchun bunday vositalardan qanday foydalanishi borasida qonunchilik taqvim[1] mavjud bo'lsa, boshqa mamlakatlarda esa parlament faoliyati haqida saylovchilarning fikr-mulohazalarini bildirish imkonini beruvchi parlament axborot markazlari tashkil etilganini[4] kuzatish mumkin.

Bizning fikrimizcha, vakillik funksiyasining samarali bajarilishi uchun parlament a'zolari fuqarolar bilan to'g'ri va izchil muloqot o'rnatishi zarur. Parlamentda fuqarolarning manfaatlarini ifodalashda samarali usullarni ishlab chiqish uchun zamonaviy texnologiyalar va onlayn platformalarni

faol foydalanish tavsiya etiladi. Bunday yondashuv jamiyatdagi demokratik jarayonlarni kuchaytiradi, qonunlar ishlab chiqishda fuqarolarning ishtirokini oshiradi va parlament faoliyatining samaradorligini ta'minlaydi. Shuningdek, fuqarolar bilan muloqot va ular bilan o'zaro hamkorlik parlamentning jamiyatdagi rolini kuchaytiradi, qonunlarni ishlab chiqishda shaffoflikni ta'minlaydi va jamiyatda ishonchni oshiradi.

Xulosa qilib aytganda, parlamentlarning vakillik funksiyasi, uning asosiy vazifalaridan biri sifatida, fuqarolar nomidan ish yuritishni va jamiyatning turli guruhlarining manfaatlarini ifodalashni ta'minlashni nazarda tutadi. Parlament faqat qonun chiqaruvchi organ emas, balki xalqning ishonchini va fikrini aks ettiruvchi asosiy siyosiy institutdir. Deputatlar o'z saylovchilari bilan doimiy muloqotda bo'lib, ularning ehtiyojlarini va istaklarini yoritishlari, shuningdek, qarorlar qabul qilish jarayonida ularning manfaatlarini himoya qilishlari kerak.

ADABIYOTLAR:

1. British Columbia Legislative Assembly (Canada) at <https://www.leg.bc.ca/parliamentary-business/committees-calendar>.
2. Ekow Essabra-Mensah, "Connecting Citizens to Parliament initiative records massive success," B&FT Online, 24 May 2016.
3. Georgia Human Rights and Civil Integration Committee Actions Plan at <http://www.parliament.ge/en/saparlamento-saqmianoba/komitetebi/adamianis-uflebata-dacvisa-da-samoqalaqo-integraciis-komiteti/komitetis-samoqmedo-gegma>

REZYUME:

Ushbu maqolada parlamentning qonun ijodkorligi, nazorat qilish, hamkorlik qilish, yordam berish va hukumatni shakllantirish kabi asosiy vazifalari bilan bir qatorda vakillik funksiyasi ham ko'rib chiqiladi.

Tayanch iboralar: parlament, vakillik instituti, qonun ijodkorligi, nazorat, hamkorlik, hukumatni shakllantirish, vakillik, jamoatchilik.

RESUME:

This article examines the representative function of parliament, along with its main functions such as lawmaking, oversight, cooperation, assistance, and government formation. Because parliaments are not only legislative bodies.

Key words: parliament, representative institution, lawmaking, oversight, cooperation, government formation, representation, public.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассматривается представительная функция парламента, а также такие функции, такие как законотворчество, надзор, сотрудничество, содействие и формирование правительства.

Ключевые слова: парламент, представительный институт, законотворчество, надзор, сотрудничество, формирование правительства, представительство, общественность.

КОРРЕЛЯЦИЯ ФИЛОСОФИИ С ТЕОРИЕЙ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА

Кубатов Ш.Р. -

старший преподаватель НУУз

доктор философии (PhD)

 10.24412/2181-7294-2025-1-171-174

В последнее время теоретические вопросы с точки зрения правовых знаний охватывают не только чисто юридические науки, но и юриспруденция связана с философскими, психологическими, антропологическими аспектами права. В интересы юриспруденции входят такие понятия, как сущность правовых систем, их составляющие элементы, связи и пересечения правовых и других общественных наук.

Учёные всегда интересовались выделением общих принципов конвергенции и дивергенции смежных наук. На первый взгляд, отношение между философией и теорией права не применяется, а рассматривается как чисто теоретический аспект. Тот факт, что понимание тенденций трансформации юридической науки позволяет обобщить юридическую практику - профессиональную деятельность юриста.

Теоретические философско-правовые знания предмета регулирования науки являются инструментом, позволяющим практикующим юристам успешно решать чисто практические правовые проблемы и вопросы. В этом аспекте теоретические, философские знания дополняют содержание правоотношений, с которыми работают практикующие юристы. Глубокое знание отношений между философией права и теорией государства и права является ядром общенаучных форм знания, а укрепление отношений между последними отраслями характеризует интегративные тенденции их развития.

Исторический регресс формирования мировой философско-правовой мысли

Философско-правовые и теоретико-правовые идеи получили стремительное развитие в Древней Греции. Именно демократическая мысль сделала поворот от внешнего мира к человеческому. Общественно-политические выступления мыслителей, основанные на конкуренции сторон процессуальных действий, стимулировали формирование и формулирование интеллектуально-теоретической мысли, анализ и систематизацию общеправовых идей, не имеющих практического применения. В результате таких интеллектуальных принципов философского и научно-теоретического правового мышления возникли, например, в рассуждениях Сократа о праве как олицетворении разумного, справедливого и законного; в проекте Платона о «совершенно совершенном состоянии», в котором устанавливается власть, основанная на справедливости закона; в аналитиках, этике и политике Аристотеля. Именно Аристотель стал первым мыслителем, который сформулировал учение о естественном, негосударственном происхождении права и на этой основе выдвинул свою точку зрения на «лучшую форму правления» [1].

Философское понимание правовой действительности продолжалось до конца XVIII - начала XIX веков, но в отличие от философского понимания права термин «философия права» появился в юриспруденции относительно недавно, чуть более двух веков назад. Он был введен в научный оборот немецким юристом Г.Гюго в работе «Учебник естественного права, или философия позитивного права,» где термин «Философия права» использовался для обозначения науки, предназначенной для изучения установленного порядка в обществе, т.е. Г.Гюго рассматривал термин «Философия права» как синоним теории права [2].

Немецкий философ Г. Гегель основы права искал в естественной жизни людей, в различии между естественным и положительным законом. Под термином «философия права» он имел в виду только «философию естественного права.» Чтобы понять более глубокие взгляды Гегеля, необходимо обратиться к самой сути «природного права» как доктрины в философии права и

юриспруденции, которая признает существование нескольких неотъемлемых прав, принадлежащих ему от самого факта принадлежности к человеческому роду.

Позже под влиянием философских течений в научные круги был введен термин «Общая теория права». Большинство исследователей связывают его с немецким юристом А. Меркель, который в 70-х годах XIX века обозначил науку, сформированную на основе общих частей специальных наук, как обобщающую науку о праве.

Однако существует и другая версия термина «Общая теория права». Примат в введении последнего принадлежит немецкому ученому Фальку, который в 20-х годах XIX века предложил заменить философию права общей теорией права [3].

Учитывая вышесказанное, можно сделать вывод, что представители немецкой философско-правовой мысли инициировали дискуссии о связи философии права с общей теорией права. Современные немецкие юристы признают, что различие между теорией права и философией права «в немецкоязычном мире... остается неясным» [4].

Взаимосвязь философии права и теории государства

Философия выступает в качестве основы теории государства и права, ее методологической основы. Развиваются общие, философские подходы к научным исследованиям, используемым теорией государства и права. Научным циклом теории государства и права являются философские категории: сущность, содержание и форма, часть и целое, возможность и реальность, система и структура. Философия дает ключ к пониманию государства и права как социальных явлений, анализируя их сущность, природу, цель и место в общей системе таких явлений. Теория государства и права, в отличие от философии, изучает только государственно-правовые явления, руководствуясь принципом законности. Однако их знания во всем их многообразии и глубине позволяют вооружить философию материалом, на основе которого осуществляется обобщение и формулируются принципы общественного прогресса. Взаимодействие философии и теории государства и права лучше всего прослеживается через философию права [5].

Диапазон взглядов на это соотношение довольно широк. Они зависят от отношения отдельных исследователей к статусу философии права и общей теории государства и права как самостоятельных дисциплин в науке, особенностям мировоззрения.

Некоторые учение предлагают наглядно проиллюстрировать вышеупомянутый научный взгляд на взаимосвязь философии права с теорией государства и права.

2) общая теория права, напротив, покрывается философией права. По сравнению с предыдущей позицией, эта точка зрения имеет гораздо меньше сторонников [2].

Ученый А.Поляков, один из самых известных представителей вышеупомянутой научной мысли, в этом контексте рассматривает пересечение права с смежными областями гуманитарных наук и отмечает, что философия стремится к целостному обобщенному знанию, включающему рациональные, ценностные и практические аспекты. Она отвечает на следующие вопросы: что есть, как к нему обращаться, что нужно сделать для достижения поставленных целей, правильных целей. Только первый вопрос подпадает под общепринятые критерии научного знания и при определенных обстоятельствах может рассматриваться как выражение научной философии. Решение других вопросов основывается на определенных идеологических предпосылках, поэтому оно не может претендовать на общее значение, поскольку является обобщенным выражением индивидуального внутреннего опыта творца философской системы [9].

3) общая теория права и философия права являются самостоятельными науками со своими предметами. Подобная позиция в настоящее время является наиболее распространенной, хотя, по мнению М.Козюбра, она в основном является постулатной, а не обоснованной. Основное внимание здесь уделяется изучению предмета философии права и его отделению от предмета общей теории права.

4) ни общая теория права, ни философия права не являются науками, поскольку у них нет своих предметов. Общая теория права является лишь академической дисциплиной, которая

фактически является введением в догму права (теория правовых отношений), социологию права и философию права [2].

С последним сложно согласиться; автор не разделяет точку зрения о том, что нет субъекта теории государства и права, которая четко определена учеными, а именно: субъектом теории государства и права являются основные законы и совпадения происхождения, развития, функционирования государства и права в понятиях, категориях, принципах, теоретических конструкциях, через которые раскрываются их объективные свойства.

Название «Общая теория права» в значительной мере правильнее, чем название «Теория права», поскольку все юридические науки занимаются теоретическими исследованиями. Общая теория права рассматривает право как систему в целом, а не право отдельной страны или отдельной отрасли права, хотя в таком исследовании она, безусловно, основывается на теоретическом и практическом правовом опыте отдельных стран и выводах наук [10-12]. По своим задачам, функциям предмет общей теории права имеет наиболее общую научную ценность для юриспруденции. В связи с этим в литературе выражаются взгляды на общую теорию права как теорию для всей юриспруденции [13].

Философия права отвечает на возникающие в правовой сфере вопросы методом философии. Прежде всего, его предметом является выявление содержания закона и обоснование понимания этого содержания. Это определение не охватывает всего многообразия проблем философии права, но позволяет сосредоточиться на ее основной идее, связанной с идеей права как способа существования человека.

Обоснование взаимосвязи философии права и теории государства.

Исходя из анализа различных взглядов ученых на взаимосвязь философии права с теорией государства и права, авторы разделяют мнение о том, что философия права является частью как общей философии, так и общей теории государства и права. Философия права проявляется по-разному в каждой из этих наук в зависимости от объективных законов, являющихся предметом их изучения.

Философия права стала методологической основой юриспруденции путем изучения глобального государства – правовых категорий. Однако философия права не занимается практическим изучением основных законов государства и права, формальным – логическим, непосредственным и непосредственным извлечением конкретных – научных знаний. Она не заменяет теорию государства и права, предназначенную для анализа эмпирического материала, содержащегося в исторически сложившихся правовых нормах, в переплетении случайного и необходимого в правовой действительности, в сопоставлении правовых систем, в обобщении достижений конкретных юридических наук и формулировании правовых понятий. Философия права характеризуется высокой степенью абстракции; фокусируется на методологическом аспекте знания правовых явлений и процессов; изучает право методом философии: занимается сущностью права и справедливости, работает с философскими категориями, возникающими из общего знания вселенной. Можно сказать, что философия права — это система знаний о содержании права и обоснование понимания этого содержания. Она изучает фундаментальные принципы права, онтологическую природу права, его человеческую и социальную сущность. В его предметную область входят проблемы философско-правового понимания государства: правовая организация государства, правовые формы государственных функций, верховенство закона [5].

Основным направлением пересечения философии права и теории государства и права является изучение наднациональной сущности права и способов отражения естественного (препозитивного) права в положительном (государственном) праве.

Из сказанного возникает вопрос: является ли философия права философской или правовой дисциплиной? Кто должен обучать студентов: философ, знающий юриспруденцию, или юрист, знающий философию? В настоящее время большинство ученых считают его более близким к юриспруденции, но его развитие до сих пор тесно связано с развитием философской мысли. По сути, философия права — это междисциплинарное поле – философское знание – поле общего, правовое знание – поле специальности. Путь от философии к философии права идет от общего

через специфическое к специфическому (к истине права). Путь юриспруденции к философии права идет от специфического через общее к специфическому. Как видите, один и тот же результат достигается разными способами. И нет противоречий; все зависит от общего состояния философии и юриспруденции, политических и идеологических факторов и научных традиций в той или иной стране.

Поскольку право является сферой более практической жизни людей, философия права рассчитана на то, чтобы быть непосредственным результатом его понимания. Тесная связь философии и юриспруденции способствует пониманию права не только как функции государства, но и как сущности духовности человека.

Авторы приходят к выводу, что углубленное изучение научно-теоретических аспектов философии, философии права и теории государства и права является результатом преодоления разрыва между теорией и практикой и будет направлено на расширение взаимодействия философии, теории государства и права, результатов функционирования государства и права.

Философия права и теория государства и права предназначены для указания идеалов и идеальных моделей, к которым должно стремиться право.

Подчеркивая актуальность темы в плане преодоления значительного разрыва между теорией и практикой, между декларативными положениями законов и их фактическим исполнением, правовое сообщество все более расширяется и выходит на уровень практического применения философско-теоретической мысли.

ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Golovaty, S., Kozyubra, M., & Syroid. O. (2008). Anthology of liberalism: political-legal doctrines and the rule of law. Vagin and K., 992 p.
2. Kotsyubra, M. (2012). The relationship between philosophy and the general theory of law: history and modernity. Philosophy of law and the general theory of law, №1, 107 p.
3. Korkunov, N. (2004). Lectures on the general theory of law. Legal Center Press, 430 p.
4. Nersesiants, V. (1999). Problems of the general theory of law and the state. NORMA - INFRA-M, 832 p.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье на основе анализа истории философии права и общей теории государства и права и их развития автор обосновывает как автономный статус в юриспруденции двух дисциплин, их взаимосвязь и наоборот - различия.

Ключевые слова: философия, теория государства и права, корреляция, политическая философия, правовая теория, социальные институты, государственное управление.

RESUME:

In this article, based on the analysis of the history of the philosophy of law and the general theory of state and law and their development, the author substantiates both the autonomous status in jurisprudence of the two disciplines, their interrelation and, conversely, the differences.

Keywords: philosophy, theory of state and law, correlation, political philosophy, legal theory, social institutions, public administration, regulatory systems

REZYUME:

Ushbu maqolada huquq falsafasi tarixi hamda davlat va huquqning umumiy nazariyasi va ularning rivojlanishi tahlili asosida muallif ikki fanning huquqshunoslikdagi avtonom maqomi, ularning o'zaro aloqadorligi va aksincha, farqlarini asoslab beradi.

Kalit so'zlar: falsafa, davlat va huquq nazariyasi, korrelyatsiya, siyosiy falsafa, huquq nazariyasi, ijtimoiy institutlar, davlat boshqaruvi

**AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA MEDIA MADANIYATNI
ZAMONAVIY YO'NALISHLARI****Turgunov A.T. -***“ALFRAGANUS universiteti”, dekan o‘rinbosari,
Falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)* 10.24412/2181-7294-2025-1-175-178

Hozirgi kunda ta'lim jarayonlarini zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, internet tizimisiz tasavvur etib bo'lmaydi. Bu borada 2016 yilda AKT sohasida ta'lim berish va malaka oshirish bo'yicha Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi tizimida 7 ta oliy ta'lim muassasasi ham 6 ta akademik litsey faoliyat olib borgan bo'lsa, 2020 yildan boshlab AKT sohasida kadrlar tayyorlashga alohida e'tibor berilishi natijasida vazirlik tizimida 8 ta oliy ta'lim muassasasi, 3 ta texnikum, 6 ta akademik litsey, 15 ta axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga ixtisoslashtirilgan maktab faoliyat olib bormoqda.

Ko'pchilik tadqiqotchilarning ta'kidlashicha, inson, uning kundalik hayoti borgan sari ko'proq ommaviy kommunikatsiyalarga bog'liq bo'lib borayotganligi tufayli, inson o'ziga xos “ikkinchi reallik”ni, “subektiv reallik”ni yaratadi, va aytish zarurki, bu reallik ko'rsatadigan ta'sirning ahamiyati obektiv reallikning ta'siridan kam emas.

Axborot omillarining odamlar ruhiyatiga ko'rsatadigan ta'sirning ko'lami va qudrati, axborot-psixologik xavfsizlikni ta'minlashni hozirgi sharoitlarda umummilliy muammo darajasiga ko'tarishni taqozo qilmoqda.

Ko'lami, tizim-tuzilmasi turli darajada bo'lgan ijtimoiy subektlar timsolida axborot-psixologik xavfsizlikni ta'minlashning ko'plab turli-tuman obektlari mavjudligiga qaramay, yuqorida ta'kidlanganidek, inson, va avvalo yoshlar eng faol ijtimoiy qatlam bo'lganligi uchun, axborot ta'sirining asosiy va bo'linmas tuzilmaviy elementi hamda markaziy obekti bo'lib qoladi.

O'z maqsadlariga erishish uchun axborot-psixologik ta'sirning turli vositalarini qo'llashni boshlab, shu usul orqali odamlar xulq-atvorini ayni ularning manfaatlariga ziyon yetkazgan holda o'zgartirishi yuqorida tilga olingan ijtimoiy tashkilotlarning faoliyatini yanada xavfli qilib qo'yadi. Bu borada ayrim diniy sektalarning faoliyatini, milliy-etnik muammolar keltirib chiqaruvchi omillarni, nohalol reklamani misol sifatida keltirish mumkin.

Muayyan sharoitlarda davlatning o'zini shaxsning axborot-psixologik xavfsizligiga tahdid qiluvchi manbalardan biri sifatida ajratib ko'rsatish mumkin. Bu hol davlat rahbarlarining, siyosiy namoyondalarning xatti-harakatlari bilan bog'liq. Mamlakat manfaatlariga zid bo'lgan harakatlarini yashirish maqsadida aholiga axborot-psixologik ta'sir o'tkaziladi, ba'zi hollarda shunchaki jizzakilik qilib o'z apparatining qudratidan foydalanganlarida xavf yuzaga keladi.

Yoshlarda axborot madaniyatini shakllanishiga axborot-psixologik ta'sirning jihatlarini e'tirof etib, uning asosiy manbalarini umumlashtirgan tarzda quyidagicha keltirish mumkin. Davlat (shu jumladan xorijiy davlat), hokimiyat va boshqaruv organlari hamda boshqa davlat tuzilmalari va muassasalari. Jamiyat (turli, shu jumladan, xorijiy jamiyat, iqtisodiy, siyosiy va boshqa tashkilotlar). Turli ijtimoiy guruhlar (yashash, ish, o'qish, xizmat, birgalikda yashash va bo'sh vaqtni birga o'tkazish va shu kabi boshqalar bo'yicha rasmiy va norasmiy, barqaror va tasodifiy, katta va kichik ijtimoiy guruhlar).

Yoshlarda axborot madaniyatini shakllantirishda quyidagi sohalar muhim ahamiyatga ega:
ommaviy axborot vositalari;

adabiyot va san'at (shu jumladan, ommaviy madaniyat deb atalmish madaniyatning turli yo'nalishlari va boshqa shu kabilar);

ta'lim (shu jumladan maktabgacha tarbiya, o'rta, oliy va o'rta maxsus davlat va nodavlat ta'limi tizimlari, muqobil ta'lim deb atalmish ta'lim tizimi va boshqa shu kabilar);

tarbiya (ta'lim, jamoat tashkilotlari tizimidagi – rasmiy va norasmiy tashkilotlar, ijtimoiy ishni tashkil etish tizimlari va boshqa shu kabilardagi tarbiyaning turli shakllari);

shaxsiy muloqot.

Yoshlarning axborotga bo'lgan oshib borayotgan ehtiyojlarini qondirish va ularda axborot madaniyatni shakllantirish uchun:

- milliy axborot makonini izchil rivojlantirish va uni axborot resurslari bilan boyitish;
- axborotni izlash, uni qayta ishlash, uni saqlash va undan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish;
- davlat organlari faoliyati yuzasidan xolis, tezkor va to'la-to'kis axborot olish imkoniyatini yanada kengaytirish;
- axborot xizmatidan foydalanuvchilar, avvalo yoshlarning axborotga bo'lgan ehtiyojlarini mavjud manbalardan materiallarni tanlab olishda ularga metodologik yordam ko'rsatish yo'li bilan qanoatlantirish lozimdir.

Shu munosabat bilan, aholi o'rtasida media madaniyatini shakllantirish jarayonining samarasini oshirishga alohida e'tibor qaratadigan sohalarini tahliliy jihatdan ko'rib chiqish maqsadga muvofiqdir. Aholining xususan yoshlarning media madaniyatini shakllantirishning samarasini oshirishning **meyoriy-huquqiy, tashkiliy va texnologik** jihatdan amaliy ishlar olib borilishi kerak.

Axborot xavfsizligi tizimini meyoriy-huquqiy jihatdan qo'llab-quvvatlash. Ta'kidlash joizki, O'zbekiston axborot sohasida olib borayotgan siyosat yo'nalishi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida "Har kim fikrlash, so'z va e'tiqod erkinligi huquqiga ega. Har kim o'zi istagan axborotni izlash, olish va uni tarqatish huquqiga ega"[1], deb belgilab qo'yilgan.

Ushbu konstitutsiyaviy me'yorlar yanada takomillashtirildi va mass-media faoliyatini tartibga soluvchi 10dan ortiq qonunlar qabul qilindi. So'nggi yillarda mamlakatda mass-media faoliyatini qo'llab-quvvatlash va aholining media madaniyatini shakllantirishda samaradorligini oshirishga qaratilgan yana 20 dan ziyod normativ-huquqiy hujjatlar ham qabul qilindi. Media madaniyatni shakllantirishning yana bir samarali yo'li – mavjud normativ-huquqiy bazada belgilangan meyorlarni yanada takomillashtirishga qaratilgan **tashkiliy masalalardir**.

Tashkiliy masalalarni ta'minlashda, birinchi navbatda, mazkur sohadagi barcha ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini muvofiqlashtiruvchi davlat tuzilmalarini takomillashtirish talab etiladi. Davlat organlari, turli muassasalar, mansabdor shaxslarning axborot olish tartibi, fuqarolaraxborot resurslariga kirish, yaratish kabi imkoniyatlarini ta'minlash borasidagi majburiyatlari, "Axborot erkinligining tamoyillari va kafolatlari to'g'risida"gi (2002 y.) Qonun[2] da aks ettirilgan.

"Ushbu qonun talablariga muvofiq, bugun barcha davlat hokimiyati va boshqaruv organlari va boshqa nodavlat notijorat tashkilotlari hamda mansabdor shaxslar har kimga o'zining huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga daxldor bo'lgan axborot bilan tanishib chiqish imkoniyatini ta'minlab berishga, maqbul axborot resurslari yaratishga, foydalanuvchilarni fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va majburiyatlariga, ularning xavfsizligiga doir hamda jamiyat manfaatlariga taalluqli boshqa masalalar yuzasidan axborot bilan ommaviy tarzda ta'minlashga majburdirlar"[3]. Qonun meyorlariga muvofiq, saytda joylashtirilgan ma'lumotlar ommaviy axborot vositalarida e'lon qilingan ma'lumotlarga teng kuchga ega. Bundan tashqari, boshqa veb-saytlar soni doimiy ravishda o'sib bormoqda. Tasdiq sifatida: faqat "Uz" domeni zonasidagi veb-saytlar soni 15,5 mingdan oshdi (2002 yilda 587 ta)[4].

Shunday qilib, on-layn veb-saytlar sonini ko'paytirish orqali aholi va xalqaro hamjamiyatning mamlakatda olib borilayotgan islohotlar to'g'risida xabardorlik darajasini oshirish uchun sharoit yaratiladi.

Bundan tashqari, elektron ommaviy axborot vositalarini qo'llab -quvvatlash va Internet makonini rivojlantirishga qaratilgan bir qator qonun hujjatlari qabul qilindi, yangi veb-saytlar va mustaqil telekanallar paydo bo'lmoqda. Bir so'z bilan aytganda, aholining axborotga bo'lgan talabini qondirish bo'yicha izchil ishlar olib borilmoqda.

Ushbu vositalar va usullar texnologik qo'llab-quvvatlashning muhim omillaridir va ular axborotni to'plash, qayta ishlash, saqlash va uzatish jarayonida to'g'ridan-to'g'ri himoya qilish uchun mo'ljallangan.

Ma'lumki, mediamadaniyatning muhim bir jihatlaridan biri aholi tomonidan ma'lumotlarni, jumladan, shaxsiy ma'lumotlarni saqlashning texnik va texnologik imkoniyatlarning yaratilganligidan

iboratdir. Bu borada ijtimoiy tarmoqlarda tarqatilgan ma'lumotlarga ko'ra, butun dunyo bo'ylab o'nlab davlatlarning siyosatchilari, jurnalistlari va ijtimoiy faol odamlarining telefon so'zlashuvlari Pegasus josuslik dasturi yordamida sezdirmay kuzatilgan. Bu haqda 17ta nashrning 80 nafar jurnalisti birgalikda olib borgan surishtiruvda aytiladi. Ular orasida Guardian, Washington Post, Haaretz, Suddeutsche Zeitung va Amnesty International kabi nufuzli nashrlar bor. Telefonlari sezdirilmay kuzatilganlarning ro'yxatida 65 nafar top-menejer, 85 nafar huquq faoli, 189 jurnalist, 600dan ortiq siyosatchi va mansabdorlar, vazirlar, arab davlatlaridagi qirolik oilasi vakillari, advokatlar, ishlab chiqaruvchilar bo'lgan.

Har qanday davlatning axborot xavfsizligiga ta'sir ko'rsatadigan nisbatan yangi maydon – global axborot infratuzilmasining milliy segmentini yaratish.

O'zbekistonda global axborot infratuzilmasining milliy segmentini yaratishning asosiy strategik yo'nalishlarini belgilab olingan. Belgilangan quyidagi vazifalarni amalga oshirish aholi va avvalo, yosh avlodda axborot madaniyatini shakllantirishga ko'mak beradi:

- yuridik va jismoniy shaxslarning tadbirkorlik va xo'jalik faoliyatini, shuningdek, ilmiy tadqiqotlarini axborot bilan ta'minlashni takomillashtirish;

- davlat hokimiyati organlari, mahalliy o'zini o'zi boshqarish organlari faoliyatining barqarorligi va samaradorligini oshirish;

- dasturiy mahsulot vositalarini ishlab chiqish va sotish hamda robototexnika, Internet orqali axborot xizmatlarini tijoratlashtirish;

- axborot almashish va intellektual mulk shakllarini himoya qilishda xalqaro huquq normalariga rioya qilish;

- onlayn ta'lim shaklini takomillashtirish va mutaxassislar malakasini oshirish tizimini keng joriy qilish.

Internet va ijtimoiy tarmoqlar, xususan, maxsus muhitdan ijodiy va konstruktiv shaxslarni tarbiyalaydigan o'z-o'zini anglashning cheksiz erkinligi iste'molchi gedonizmini oziqlantiradigan aniq dozalangan ingredientlar bilan ijtimoiy muhitga aylanadi. "Iste'molchi"ning "foydalanuvchi" bilan simbiozi natijasida tarmoq hosil qiladi iste'mol bozorining diqqatga sazovor joylarini to'ldiradigan, inson hayotining barcha sohalariga integratsiyalashgan va eng muhimi, investorlar yoki reklama beruvchilar uchun har qanday raqamlarni oqlaydigan homunculi. Ijtimoiy tarmoqlar boshqaruv tizimlarining tarkibiy qismlariga aylanmoqda, balki senzura bilan bog'liq bo'lmagan yashirin mexanizmlarning yaratilishi tufayli (Bu yana ommaviy axborot vositalari loyihalariga xorijiy sarmoya kiritilishini ta'qiqlash munosabati bilan keng tarqalgan), lekin dangasalik, zavq va o'yin-kulgiga tashnalik, shuningdek, o'z-o'zini hurmat qilish, shu jumladan tijorat eksklyuzivligi orqali qulay odamni yaratish bilan. takliflar va o'rnatilgan e'tiqodlar u barcha g'oyalar va mahsulotlarning birgalikda ishlab chiqaruvchisi va umuman olganda, "o'z baxtining quruvchisi", hech bo'lmaganda virtual ekanligi. Bir tomondan, haqiqatan ham, yangi avlod zamonaviy voqelikka ko'proq moslashgan, ma'lumotlarga kamroq ishonadi, biroq boshqa tomondan, gadjetlar orqali hayotni optimallashtirish va kvazi-do'stlarning virtual muhitida yashashga tayyor bo'lishi ba'zi yangi halokatli oqibatlariga olib keladi.

O'zbekistonda raqamli fuqarolikni rivojlantirishga to'sqinlik qiluvchi asosiy omillardan biri – bu o'smirlar va kattalarning o'z raqamli bilimdonligiga ortiqcha baho berishidir. Tadqiqotlar yoshlarning ko'pchiligi (80 %) va ularning ota-onalarining 50 % global tarmoqdan foydalanish sohasidagi bilim va ko'nikmalarini yuqori ekanligini bildiradilar. Bu esa, Internetdan foydalanuvchilar o'z malaka va bilimlariga yangilash baho berishidan dalolatdir. Bunday qarashlar yoshlarning onlayn bilim va ko'nikmalarini rivojlantirishga bo'lgan rag'batini kamaytiradi hamda raqamli bilimdonlikning barcha tarkibiy qismlariga, jumladan, xavfsizlik masalasiga ham tahdid etadi. Masalan, kiber makondagi xavfni aniqlay bilish borasidagi o'z bilim va ko'nikmalariga haddan ziyod ishongan yoshlar, o'z bilim va ko'nikmalariga ishongan holda, ba'zi hollarda nojo'ya qadam qo'yishga moyil bo'ladi.. Xususan, ular hech kimni ogohlantirmasdan, virtual muhitda tanishgan "do'stlari" bilan yakkama-yakka uchrashuvga borishga tayyor bo'ladilar.

Yoshlarga axborot texnologiyalaridan foydalanish qanday muammolarga olib kelishi haqida oila va maktabda tushuntirish ishlarining yetishmasligi ularning global tarmoqda iste'molchi sifatida foydalanishi kayfiyatini yuzaga keltiradi, o'zining raqamli sohalardagi bilimlarini haddan tashqari

yuqori baholashga olib keladi va uning rivojlanish ragʻbatini zaiflashtiradi. Kattalarning yoshlarga behudaga tanbeh berishlari va Internet haqidagi oʻquv materiallarining zoʻrlab oʻqitilishi hech qanday samara bermaydi. Ammo raqamli tajribani oʻzaro muhokama qilish, tarmoqdagi resurslarning mazmuni yuzasidan muloqotlar oʻtkazish, raqamli bilim egasi modelini yaratish, yoshlarda bilimlarni kengaytirish, koʻnikmalarni shakllantirish yordamida yoshlarda yangi bilimlar olishga boʻlgan eʼtiyojni oshirish imkoniyati yuzaga keladi. Raqamli bilimdonlikni rivojlantirish uchun ragʻbatni oshirish vositalaridan biri maktablarda raqamli muammolarga bagʻishlangan “forsayt”³ (foresight) mashgʻulotlari boʻlishi mumkin. Ularni oʻtkazish natijasida yoshlarda global tarmoqning kelajagini koʻra olish, virtual tarmoqda oʻzlarining raqamli texnologiyalarga oid bilimlarini oshirish, kelgusida internet rivoji tufayli yuzaga kelishi mumkin boʻlgan tahdidlarga qarshi tura olish qobiliyatini shakllantirish maqsadga muvofiq.

ADABIYOTLAR:

1. Konstitusii Respubliki Uzbekistan. – T.: «Uzbekistan», 2010. – St.29.
2. Oʻzbekiston Respublikasining “Axborot erkinligining tamoyillari va kafolatlari tʻgʻrisida”gi (2002 y.) Qonuni. № 439-II // Oʻzbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Axborotnomasi. – 2003. – № 1.
3. Oʻzbekiston Respublikasining “Axborot erkinligining tamoyillari va kafolatlari tʻgʻrisida”gi (2002 y.) Qonunining 8-moddasi. Axborot erkinligi kafolatlari // <https://nrm.uz/contentf?doc=308152>
4. Informatsionniye tekhnologii dlya vsego i kazhdogo // Narodnoye slovo. - 2012. – 30 noyabrY.
5. Pegasus josuslik dasturi. Dunyo bʻylab maxsus xizmatlar telefonlarni sezdirmay kuzatgani aytilmoqda // <https://kun.uz/56542176>.
6. Муминов А.Г. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари - Т.: “Turon zamin ziyo” нашриёти, 2013. - 164 б.

REZYUME:

Maqolada jamiyatda axborot isteʼmoli madaniyati va media savodxonlikni rivojlantirish – axborot-mafkuraviy tahdidlarga qarshi kurashning samarali usuli sifatida koʻrilishi ilmiy dalillar bilan koʻrsatilgan.

Kalit soʻzlar: axborot urushi, axborot qarama-qarshiligi, axborot bosimi, psixologik urush, internet, mafkuraviy tahdid.

РЕЗЮМЕ:

В статье показано, что повышение культуры потребления информации и медиаграмотности в обществе является эффективным способом борьбы с информационными и идеологическими угрозами.

Ключевые слова: информационная война, информационный конфликт, информационное давление, психологическая война, Интернет, идеологическая угроза.

RESUME:

The article shows with scientific evidence that the development of information consumption culture and media literacy in society is seen as an effective way to fight against informational and ideological threats.

Keywords: information war, information conflict, information pressure, psychological war, Internet, ideological threat.

³ Форсайт – инглизча foresight – келажакка назар, яъни бирон бир воқеа, жараён, ҳодисани бир неча йил олдинга назар ташлаган ҳолда келажакдаги ҳолатини кўздан кечириш демакдир

АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ ОНГИДА ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ (ахборотлашув мисолида)

Мусаев Ф. -

*Ижтимоий Ҳимоя агентлиги масъул ходими,
мустақил тадқиқотчи*

 10.24412/2181-7294-2025-1-179-182

Жамиятнинг ижтимоий онги даражаси, унинг реал ҳолатининг трансформациявий жараёнлардан ўтиши бу шу давлат ва жамият барқарорлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Боиси, фуқароларнинг ижтимоий онги даражаси, унинг потенциали жамиятда ижтимоий-сиёсий жараёнлар изчиллиги, босқичма-босқичлигини таъминлаш, аввало, бошқарув мувозанатини шакллантиришда етакчи аҳамият касб этади. Фикримизча, ижтимоий онг ҳамда унинг субъектлари манфаатларига хизмат қилишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг эҳтиёжлари доимий ўзгарувчанликка мойил бўлади, бу эса жамиятда ижтимоий онгнинг манзарасида алоҳида кўриниш касб этади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий онгнинг трансформациялашуви жамият аъзоларининг (*фуқаролар, қатламлар, синфлар*) мақсад ва манфаатларига мос келсагина, муайян давлатнинг ижтимоий онг даражасини ҳақиқий маънода трансформациялашган деб атаса бўлади. Ахборот ўз навбатида инсон ривожланиш даражасини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳамда унинг иқтисодий ва сиёсий салоҳиятининг энг муҳим омилдир. Жамиятни ахборотлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири шахснинг ахборот маданиятини шакллантиришдан иборатдир. Бу ижтимоий масала ҳисобланади. Ахборот технологиялари соҳасидаги замонавий тараққиёт ва янги рақамли медиа ва ўқув воситаларининг кенг тарқалиши, медиа саводхонлиқнинг аҳамияти тобора ортиб боришига олиб келмоқда. Медиа саводхонлик деярли бутун дунё таълим тизимида энг асосий компетенциялардан бири деб тан олинмоқда [1]. Ижтимоий институтларнинг ташкил топиши ва шаклланиши муаммолари доимо социологик мазмундаги тадқиқотларнинг диққат марказида бўлган. Чунончи, ижтимоий институтлар таркибий хусусиятларини келгуси тараққиёти билан ўзаро боғлиқлигини, заруриятини Афлотун «улар агар ўзлари буюрган нарсани жорий эта олмаса, агар бошқалар бўйсунган нарсаларга ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг кўрсатмалари қонуний бўлмайди ва унинг таъсири сусаяди [2] », - дея изоҳлаган эди. И.Костиннинг фикрича, «Модернизация – аввало жамиятдаги ижтимоий институтлар ривожининг янги босқичидир, бунда улар фақатгина жамиятнинг технологик (инновацион) жиҳатдан эмас, балки қарашлар (*ижтимоий онги*) жиҳатдан янгиланишини англатади» [3]. Ғарблик олим Д.Норт «Замонавий жамият аслида шу жамиятда фаолият кўрсатадиган ижтимоий, сиёсий институтлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бунда уларнинг институционал жиҳатлари ўзгаради, мослашади ва такомиллашади» [4]. Яна бир социологик қарашга кўра, «ҳар қандай жамият ижтимоий, сиёсий институтларининг ўзига хос ўзгариши асосида кечади, бунинг асосини, аввало, қадриятлар ташкил этади» [5]. Ижтимоий институтлар трансформациялашувининг давлат ва жамият ҳаётида акс этиши ҳолатидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уларнинг жамият муносабатлардаги фаоллиги, таъсири ва фуқаролар билан ҳамкорлиги даражасини оширишга қаратилган яхлит ёндашувни ҳамда доимий мониторинг натижаларини таҳлил этиб боришни тақозо этади. Айни вақтда, бундай тадқиқотлар муайян давлат учун сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий жиҳатдан ривожланиш тенденцияларини ўз ичига олади ва ўрта, яқин истиқболга мўлжалланади, энг асосийси, ижтимоий-сиёсий трансформация жараёнларининг эволюцион тарзда кечишини таъминлаб беради. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий институтлар трансформациялашуви давлат бошқаруви тизимидаги ўзгаришларни назарда тутди. Тизим тушунчаси кенг қамровли бўлиб, у назария, классификация усули, амалий фаолият методи, институтларнинг таркибий қисми, қонунийлиги даражаси сифатида ҳам [5], ижтимоий фанларда тизим тушунчаси ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатувчи қисмлар бирлиги сифатида ҳам талқин

этилади [6]. Тизимнинг қандай кўринишга эга бўлиши унинг асосини ташкил этувчи таркибга боғлиқ. Ғарблик яна бир олим Г.Иннис ўз тадқиқотида жамиятдаги жамиятдаги ижтимоий институтлар трансформациялашувининг муайян давлатнинг тизимидаги ўзгаришидаги аҳамияти аслида шу жамиятдаги ижтимоий муносабатларини ҳам ўзгаришларига олиб келишини ва бошқарув тизимининг расмий жиҳатларига таъсир кўрсатиши билан изоҳлайди [7]. XX асрнинг 80-90-йилларида ижтимоий институтлар тизимидаги ўзгаришлар ҳамда уларнинг давлат бошқарувида таъсири уларни мустаҳкамлаш омили сифатида А.Пшевский, С.Хантингтон, Ф.Шмиттер, О.Доннелль Х.Линц каби транзитолог олимларнинг илмий қарашларида алоҳида ўрин эгаллади. А.Пшевскийнинг фикрига кўра, демократия – жамиятдаги ижтимоий, сиёсий институтларнинг ўзаро консолидацияси, яъни жамиятда демократик ўзгаришларнинг ҳамма учун бирдек имконият яратиб беришга қодир бўлган институтларнинг бирлашмасига нисбатан айтилади. Бунда ижтимоий институтлар жамиятда икки ўзгаришлар фазасини шакллантириши лозим: либерализация ва демократизация [8]. Кўрииб турганидек, ҳар бир жамият институтининг (*хусусан ижтимоий онг даражаси, шакллари ҳам*) жамиятдаги ўз вазифаси доирасида ўзгаришларга тайёр бўлиши жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Фикримизча, ижтимоий институтлар, ижтимоий онг шакллари трансформациялашуви, аввало, давлат бошқарувида плюрализмни, давлат бошқарувида нисбатан фуқароларнинг муносабати орқали мойиллигини ривожлантириш имкониятини оширишга хизмат қилади. Чунки трансформациялашув жараёнида янги ижтимоий муносабатлар, ижтимоий онгнинг янги босқичи табиий шаклланиши кузатилади. Фикримизча, жамиятда мавжуд ижтимоий институтлар фонида ижтимоий онгнинг трансформациялашуви – жамият ва давлат муносабатини янги босқичга олиб чиқиш векторидир. Бунда ижтимоий институтлардаги трансформациялашувнинг яна бир асосий самараси – боқарувнинг ижтимоий иерархик тизимнинг ўзгаришини назарда тутилади:

- а) бошқарув оптималлаштирилади;
- б) жамоатчилик назорати кучаяди;
- в) фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги иштироки, таъсири ошади;
- г) давлат бошқарувида янги талаблар, мойилликлар, ўллаш даражаси сезиларли ошади.

Аммо ижтимоий институтларнинг трансформациялашуви ҳар доим ҳам низоларсиз ёки натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Ижтимоий институтлар янги муносабатларга киришда давлат бошқарувининг ўзгариши билан боғлиқ жараёнларда алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш керак. Бу борада сиёсатшунос олим Ш.Пахрутдиновнинг куйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Жамиятдаги ижтимоий сиёсий хавф-хатарлар, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдидни англаб етишда, баҳолаш ва ниҳоят бартараф этишда инсон ва сиёсий институтлар омилини замон ва макон билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш” зарурияти мавжуд [9].

Ижтимоий институтларнинг трансформациялашуви, ўз навбатида, муайян давлатнинг ўрта ва узоқ мавжудлиги, ривожланиш самарадорлигини белгилашнинг навбатдаги бочқичидир. Аммо у турли давлат ва жамиятлар ҳаётида давлат бошқарувининг ижтимоий, сиёсий, маънавий табиатига (хусусиятлари), унинг ижтимоий институтларига кўпроқ боғлиқ тарзда кечишини алоҳида кўрсатиб ўтишимиз лозим. «Ўтиш даврида жамиятнинг сиёсий институтлари беқарор экан, давлат, давлат томонидан эълон қилинган трансформация жараёни мантикий аҳамиятга эга бўлмайди. Аммо бу жараён бирон-бир жамиятда тўлиқ тарзда амалга оширилмаган» [10]. Шунинг учун ижтимоий институтлар тизимида ўзгаришларни тадқиқ қилишнинг асосий сабабларидан бири – жамиятдаги институционал ўзгаришлар йўналиши, эволюцияси ва таъсир доирасини ўрганиш билан боғлиқ.

Янгилашлар, модернизация жамиятларнинг янги ижтимоий-сиёсий тусга (муносабатларга) киришини билдиради. «Бундай жамиятларга ўтиш, аввало, уларнинг тизими (*мавжуд қадриятлари, анъаналари, ижтимоий институтлари*), унга хос бўлган хусусиятларга алоҳида боғлиқдир» [11].

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий институтларга хос ўзгаришларни (*трансформациялашувни*) ҳисобга олиш – уларнинг шу жамиятга қанчалик мослашувчанлигини таъминлаш омилидир. Тортстейн Веблен ўзининг қарашларида ижтимоий институтларнинг

расмий тусга эга бўлиши натижасида жамиятдаги ҳам ижтимоий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий мавқеи белгиланиши мумкинлигини алоҳида кўрсатиб ўтади [12]. Олим бу ерда ижтимоий институтларнинг трансформация муносабатларида ижтимоий онг ва унинг шакллари мавжудлигининг яна бир ўзига хос хусусияти сифатида уларнинг аниқ макон ва замонда синовдан ўтганлигини алоҳида таъкидлаган. Фикримизча, ижтимоий институтлар, хусусан, жамиятдаги ижтимоий онг даражасининг трансформациялашувини тадқиқ этиш аслида давлат ва жамият муносабатларининг умумий ҳолати, унинг бошқаруви самарадорлиги ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Бу ўринда жамиятдаги барча янгиликлар, ўзгаришларни амалга ошириш механизми, аввало, унинг шу жамиятдаги ижтимоий онг шакллари билан бирга (асосан) кечишини таъкидлаш уларнинг яна бир бор ижтимоий, сиёсий, маънавий аҳамиятини кўрсатиб беради. Шунингдек, ижтимоий институтларнинг, хусусан, ижтимоий онг кўринишлари трансформациялашуви рўй бермаган давлат ва жамиятларда, аввало, унинг бошқарувида қуйидаги салбий тенденциялар кузатилади: - фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга, ўзгаришларга бўлган ишончи даражаси суств ёки деярли сезилмайди; - фуқаролар ўзларининг ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳадаги имкониятларини амалга оширишда иккиланади (*ёки умуман фойдаланмайди*), давлат ва жамият олдидаги асосий бурчларини бажармайди, ижтимоий бегоналашув даражаси ортиб боради; жамиятдаги айрим гуруҳлар, манфаатлар қўлида тўпланишига олиб келиб, бошқа иқтисодий ресурсларга эгалик ва бунинг натижасида талон-торож кузатилади; коррупцион элементлар давлат ва жамиятнинг барча поғоналарида оддий жараён сифатида намоён бўлади; ижтимоий институтлар ва уларнинг турли шакллари ўзаро ҳамкорлиги сусаяди ҳамда улар олдида қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш механизмларини қўлланилмайди; жамиятнинг ижтимоий, сиёсий институтлари мамлакат ва давлат манфаати учун эмас, айрим элита (гуруҳ)лар мақсадларидан келиб чиқувчи ёки “ишламайдиган нормалар”ни ишлаб чиқувчи инкубаторга айланиб қолади. Бу эса, ўз навбатида, давлат бошқаруви (*аппарати*)нинг самарадорлигига таъсир қилади, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини камайтиради, шунингдек, конун устуворлиги имкониятларини чеклайди.

Юқоридаги ҳолатлар ижтимоий институтлар доимий ўзгаришини, жамиятда ижтимоий онг даражасини янги муносабатларга трансформациялашуви зарурлигини яна бир бор англатади. Бунинг деярли ҳар қандай тузум ва тизимдаги давлатларда кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий институтлар, хусусан ижтимоий онг шакллари ўзгариши, трансформациясининг давлат ва жамиятга таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, жамиятда ижтимоий онг даражасининг ўзгариши жамиятдаги трансформацион ўзгаришларнинг йўналишини белгилашда алоҳида аҳамиятга эга ҳамда давлатнинг яқин ва ўрта истикболдаги ривожининг асосий индикаторини белгилаб беради;

иккинчидан, жамиятда замонавийлашув ва трансформацион ўзгаришлар асосида ғоялар (фикрлар, қарашлар) ўзгариши кузатилади ва бу, аввало, унинг асосий ижтимоий институтлар тизимидаги ўзгаришлар билан бирга кечиши жамиятда демократик ислохотларни кучайтиришга хизмат қилади;

учинчидан, ҳар қандай жамиятда ижтимоий институтлар (ижтимоий онг даражаси)нинг фаолияти ҳамда ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олмасдан туриб, уларнинг трансформациялашуви билан боғлиқ жараёнлар самарадорлигига эришиш мумкин эмас;

тўртинчидан, ижтимоий институтлар трансформациялашувини доимий тадқиқ этиш – муайян давлат ва жамият барқарорлигининг асосий омилларини белгилаб бериш ва бошқарувнинг салбий хусусиятлари (*неопатримониализм, коррупция, жинойятчилик, ижтимоий бегоналашув*)ни олдини олишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Медиа ва ахборот саводхонлигини шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари. – Тошкент: extremum-press, 2017. – 142б.
2. А.Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» – Т., 2021. – Б. 25.
3. Костин В.И., Костина А.В. Национальная безопасность современной России: экономические и социокультурные аспекты. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2013. – С. 219.

4. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Начала, 1997. – С. 180.
5. Парсонс Т. Система современных обществ. – М., 1997, – С. 57.
6. Система // Большой Российский энциклопедический словарь. — М.: БРЭ. — 2003, с. 1437.
7. [Берталанфи Л. фон. Общая теория систем — критический обзор // Исследования по общей теории систем: Сборник переводов / Общ. ред. и вст. ст. В. Н. Садовского и Э. Г. Юдина. — М.: Прогресс, 1969. — С. 23-82.](#)
8. Innis H.A. Empire and Communications. Toronto: University of Toronto Press, 1972. P 288.
9. Пшеворский А. Демократия и рынок. Политические и экономические реформы в Восточной Европе и Латинской Америке. М., 1999. С.52.
10. 10 Пахрутдинов Ш. Мустақиллик ва жамият тараққиётида таҳдид муаммоси. Сиёсий ғанлар бўйича номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Т.: 1999. – Б. 14.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ривожланган хорижий мамлакатлардаги етакчи илмий марказлар томонидан жамиятни янада медиаконни шакллантириш, инсон омилини ўрганиш, уларни глобаллашув жараёнларини таҳлил қилиш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал-методологик масалаларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар таҳлил берилган.

Калит сўзлар: ижтимоий онг, тафаккур, ижтимоий онг шакллари, социологик таҳлил, ижтимоий тизимлар, ижтимоий институтлар, трансформация, давлат, жамият, фуқаролар, синергетика, эволюция.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены научные исследования по концептуально-методологическим вопросам дальнейшего развития медиапространства.

Ключевые слова: общественное сознание, мышление, формы общественного сознания, социологический анализ, социальные системы, социальные институты, трансформация, государство, общество, граждане, синергетика, эволюция.

RESUME

The article presents research centers of developed foreign countries and scientific research on conceptual and methodological issues of the further development of the media space, the study of the human factor, and the analysis of their globalization particles.

Key concepts: social consciousness, thinking, forms of social consciousness, sociological analysis, social systems, social institutions, transformation, state, society, citizens, synergetics, evolution.

BAG'RIKENGLIK SIYOSATI – TINCHLIK, BARQARORLIK VA AHIL QO'SHNICHILIKNI TA'MINLOVCHI OMIL SIFATIDA

Rajabova M.I. -
O'zDJTU tayanch doktoranti

 10.24412/2181-7294-2025-1-183-186

Markaziy Osiyo mintaqasi murakkab geosiyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va strategik ahamiyatga ega hudud bo'lib, mintaqadagi davlatlar o'rtasida o'zaro hamkorlik, tinchlik va barqaror rivojlanishni ta'minlash uchun mintaq davlatlari orasida "bag'rikenglik siyosati"ni shakllantirish zarurati oshib bormoqda. Bag'rikenglik tamoyili bugungi zamonaviy jamiyatning muhim omillaridan biridir. Tolerantlik nafaqat shaxslararo munosabatlarni barqarorlashtirish, balki, siyosiy va huquqiy tizimlarning samarali yo'lga qo'yilishida ham muhim omil hisoblanadi. Bugungi kunda xalqaro maydonda yuz berayotgan turli xil geosiyosiy, etnik va milliy nizolarning asl sabablaridan biri sifatida davlatlar o'rtasida tolerantlik omilining yemirilib borayotganligini ko'rsatish mumkin.

Jahon miqyosida xalqaro aloqalar kengayib borayotgan zamonaviy globallashuv davrida, o'zaro mehr-oqibat, ishonch, hamkorlik va tinchlikka asoslangan tolerantlik (bag'rikenglik) omilining o'rni va roli nihoyatda kattadir. Bag'rikenglik – jamiyat va davlat hayotining ajralmas bir qismi bo'lib, inson va uning taraqqiyoti tarixida muhim rol o'ynaydi. Bugungi kunda tolerantlik kategoriyasi va uning zamonaviy xalqaro munosabatlarni rivojlantirishdagi rolini tadqiq etish ijtimoiy-falsafiy, tarix va siyosatshunoslik fanlari oldida turgan muhim ilmiy yo'nalishga aylanib ulgurgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida: "O'zbekiston bugungi kunda o'zining tashqi siyosatida Markaziy Osiyo mintaqasiga ustuvor ahamiyat qaratmoqda. Bu har tomonlama chuqur o'ylab tanlangan yo'ldir. Markaziy Osiyoning qoq markazida joylashgan O'zbekiston ushbu mintaq barqarorlik, izchil taraqqiyot va yaxshi qo'shnichilik hududiga aylanishidan bevosita manfaatdordir. Tinch-osoyishta, iqtisodiy jihatdan taraqqiy etgan Markaziy Osiyo – biz intiladigan eng muhim maqsad va asosiy vazifadir[1], – deya ta'kidlashi O'zbekiston Markaziy Osiyo mintaqasi uchun mas'uliyatni o'z yelkasiga olayotganligidan dalolat beradi.

Tolerantlik kategoriyasi ijtimoiy fanlarda noaniq va nihoyatda murakkab, ko'p o'lchovli tushuncha bo'lib, tadqiqotchilar orasida bu borada to'liq bir aniqlik mavjud emas. Tolerantlikka axloqiy tamoyil, xulq-atvor modeli, ijtimoiy ko'rinishlarda individual yoki ijtimoiy munosabat shakli va boshqalar sifatida qaraladi. Qarashlar turlicha bo'lmasin, tolerantlik tushunchasini aniqlash uchun siyosiy fikr tarixi, shuningdek, ushbu g'oyani himoya qilishdagi o'zgarishlar va davomiylikni o'rganish hamda bag'rikenglik jarayonini kuzatish lozim.

"Tolerantlik" atamasi ilmiy muomalaga XX asr o'rtalarida ingliz immunolog olimi Piter Brayan Medavar tomonidan kiritilgan bo'lib, mazkur tushuncha organizm immun tizimining unga ko'chirib o'tkazilgan boshqacha hujayralarga nisbatan toqatlilikini ifodalash uchun qo'llanilgan[2, 87]. Keyinchalik, ushbu tushuncha boshqa fanlarda ham faol ishlatila boshlandi.

Bag'rikenglik kategoriyasi turli kontekstlarda qo'llanilishiga qaramay, haligacha uning to'liq mazmuni mavhumligicha qolmoqda. Zamonaviy paradigmada tolerantlik demokratik qadriyat va axloq kodeksi sifatida ko'rsatilmoqda. Diniy nuqtayi nazardan tolerantlik bu – boshqalarning e'tiqodlariga nisbatan bag'rikeng va hurmatli munosabatda bo'lish va asosiy e'tibor dogmatizmga qaratiladi. Siyosiy kontekstda esa asosiy e'tibor boshqalarning nimaga ishonishi yoki o'ylashiga emas, balki odamlar nima qilayotganidan iborat. Dinlararo munozaralarda va siyosatda shakllanadigan bag'rikenglik tushunchalarining bir umumiy xususiyati bor: "o'zgarlar" tomonidan amalga oshirilgan harakatlar motivlarini tushunish juda oson, deb ishoniladi va bunday tushunish ("empatiya") tolerantlikning asosiy shartidir[3, 56].

Bag'rikenglikning birinchi tarixiy-siyosiy shakli diniy bag'rikenglik bo'lib, uning tamoyili Vestfaliya shartnomasida (1648 yil) o'rnatilgan. Bu shartnoma butun Germaniya bo'ylab lyuteranlar,

kalvinistlar va katoliklarning huquqlarini tenglashtirish ma'nosida dinlarning tengligi uchun asos yaratdi[4, 11].

Bag'rikenglik tamoyiliga nisbatan qo'llaniladigan yondashuvlarning tahlilidan ma'lum bo'ladi, ushbu tushunchaning mazmuni bo'yicha olim va tadqiqotchilar orasida yakdillik mavjud emas. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, hozirda uning mohiyatini tadqiq etishga qaratilgan bir nechta zamonaviy ilmiy yo'nalishlarni ajratib ko'rsatish mumkin. Xususan, shartli ravishda, tolerantlik fenomenining mazmunini ochib berishga qaratilgan ratsional, qadriyatli hamda subektiv yondashuvlar shakllangan. Bag'rikenglikning ratsional asoslarga ega bo'lgan birlamchi talqinlariga J.Lokkning o'zgalarning qarashlari va e'tiqodlarini tan olishga doir fikrlari, J.St.Millning turli xil hayot tarzlarining yonma-yon mavjud bo'lishining tabiiyligi haqidagi konsepsiyasi misol bo'la oladi. Mazkur mumtoz faylasuflarining qarashlari zamonaviy g'arb mamlakatlari olimlari tomonidan muayyan darajada rivojlantirilmoqda. Jumladan, P.Nikolson bag'rikenglikning ratsional talqini chegaralaridan tashqariga chiqish va ushbu tamoyilni alohida mustaqil foydali ma'naviy ne'mat sifatida olib qarash mumkinligiga urg'u beradi. Yana bir olim A.Makintayr bag'rikenglikni umumiy majburiy qadriyat ekaniga shubha bilan qaraydi, uning talqiniga ko'ra, zamonaviy madaniyatda ma'naviy-axloqiy hamjihatlikka erishishning ratsional kafolatlari mavjud emas[5, 19].

Tolerantlik kategoriyasini nazariy va amaliy qo'llashda 1995-yil 16-noyabrda Parijda YuNESKO Bosh Konferensiyasining 28-sessiyasida e'lon qilingan "Tolerantlik tamoyillari deklaratsiyasi"da berilgan ta'rifga tayanilmoqda. Ushbu hujjatda tolerantlikka quyidagicha ta'rif berilgan:

Tolerantlik – bizning dunyomizdagi turli boy madaniyatlarni, o'zini ifodalashning va insonning alohidaligini namoyon qilishning xilma-xil usullarini hurmat qilish, qabul qilish va to'g'ri tushunishni anglatadi. Uni bilim, samimiyat, ochiq muloqot hamda hur fikr, vijdon va e'tiqod vujudga keltiradi. Bag'rikenglik – turli-tumanlikdagi birlik. Bu faqat ma'naviy burchgina emas, balki, siyosiy va huquqiy ehtiyoj hamdir. Tolerantlik tinchlikka erishishni musharraf qilguvchi va urush madaniyasizligidan tinchlik madaniyatiga eltuvchidir[6].

Taraqqiyotning yangi bosqichida O'zbekiston tashqi siyosatda ilgari kuzatilmagan faol, ochiq, pragmatik va amaliy tashqi siyosatni olib bormoqda. Xususan, uzoq va yaqindagi barcha davlatlar bilan hamkorlik, uzoq muddatli va ko'p tomonlama sheriklik aloqalarini yanada kuchaytirish bo'yicha boshlagan tashqi siyosat yo'lini izchillik bilan davom ettirmoqda. So'nggi tendensiyalarni tahlil qiladigan bo'lsak, O'zbekistonning tashqi siyosati ikki tomonlama aloqalar ustuvorligi prinsipidan asta-sekin ko'p tomonlama hamkorlik formatiga o'tib bormoqda, deyish mumkin.

O'zbekistonning Markaziy Osiyodagi eng muhim strategik ahamiyatga ega bo'lgan qo'shnilaridan biri bu – Tojikiston hisoblanadi. O'zbekiston tarixiga nazar solsak, o'tgan asrlar davomida o'zbek va tojik qardosh xalqlari Turk xoqonligi, Arab xalifaligi, Somoniylar, G'aznaviylar, Qoraxoniylar, Xorazmshohlar, Temuriylar, Shayboniylar, Ashtarxoniylar kabi xonliklar, shuningdek, Rossiya imperiyasi va Sovet Ittifoqi tarkibida bo'lgan. Biroq, o'sha davrlarda ham o'zbek-tojik xalqlari azaliy do'stlik va yaxshi qo'shnichilik an'analarini davom ettirgan tarzda o'z yashash tajribasiga ega millatlar sifatida ahil va inoq hayot kechirganlar. Muhim jihati shundaki, ikki qardosh xalqlar mustaqillikka erishgach, davlatlararo hamkorlikni rivojlantirish yo'lida yangi bosqichni ochdi. 1992 yil 22 oktabrda O'zbekiston va Tojikiston o'rtasida diplomatik munosabatlar o'rnatildi.

Shuni ta'kidlash joizki, O'zbekiston va Tojikiston o'rtasidagi munosabatlar har doim ham maqtangulik darajada bo'lmagan, ya'ni ikki mamlakat o'rtasida geosiyosiy, chegara va Rog'un GES muammolari yuzaga kelib turgan va bu nafaqat ikki mamlakatda, balki mazkur davlatlardagi chegara oldi hududlarda yashovchi fuqarolar o'rtasida ma'lum bir ziddiyatlar kelib chiqishiga sabab bo'lgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning siyosiy irodasi va uzoqni ko'zlab yuritayotgan oqilona siyosati natijasida so'nggi yillarda O'zbekiston va Tojikiston o'rtasidagi ko'p qirrali hamkorlik yangi bosqichga ko'tarildi, ikki qardosh xalqning do'stligi mustahkamlandi. O'tgan qisqa davr ichida ikki davlat munosabatlarini mustahkamlash uchun juda kuchli turtki berildi. Ulkan o'zgarishlar sodir bo'ldi. Prezident Shavkat Mirziyoyevning 2018-yilning mart oyida davlat tashrifi maqomida amalga oshirgan Tojikiston safari bilan ikki tomonlama aloqalarda yangi sahifa ochildi. Dushanbeda do'stona muhitda olib borilgan muzokaralarning konstruktiv ruhi siyosiy, savdo-iqtisodiy,

transport-kommunikatsiya, madaniy-gumanitar va boshqa sohalarda katta miqyosdagi ikki tomonlama hamkorlikni kengaytirish hamda chuqurlashtirish omili sifatida xizmat qildi.

2018 yilning avgust oyida Tojikiston Respublikasi Prezidenti Emomali Rahmon O'zbekistonga davlat tashrifi bilan keldi. E'tiborli jihati shundaki, Tojikiston yetakchisi mamlakatimizga tashrifini uzoq tanaffuslardan so'ng, ya'ni 2001-yilda amalga oshirgan edi.

2018 yil 28 avgustda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning PQ-3923-sonli "O'zbekiston Respublikasi bilan Tojikiston Respublikasi o'rtasida strategik sherikchilikni yanada kengaytirish va mustahkamlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi[7] qarori qabul qilindi.

Prezident Shavkat Mirziyoyevning 2018 yildagi Tojikiston Respublikasiga davlat tashrifi chog'ida O'zbekiston va Tojikiston rahbarlari o'rtasida imzolangan "Do'stlik va ahil qo'shnichilik" to'g'risidagi qo'shma bayonotida ikki davlat o'rtasida uzoq yillar davomida hal etilmay kelinayotgan muammolardan biri ya'ni chegara muammosi o'zining maqbul yechimini topdi. Mazkur muzokaralar chog'ida Prezident Shavkat Mirziyoyev: "O'zbekiston va Tojikiston o'rtasida hal qilinmagan masalalar qolmadi"[8], – deya ta'kidladi.

Dunyodagi eng baland suv ombori bo'lishi kutilayotgan "Rog'un" ko'p yillardirki, O'zbekiston va Tojikiston o'rtasidagi ziddiyatga va mafkuraviy kurashlarga sabab bo'lib keldi. O'zbekiston tomoni yirik to'g'on suv tanqisligini yanada kuchaytirishidan havotirda, Tojikiston hukumati esa faqat Tojikistonga tegishli suvdan to'ldirilishini ta'kidlab keladi. Uzoq yillar bu tortushuv mafkuraviy tus oldi. Tojikiston hukumati «Rog'un»ni elektr mustaqilligini ta'minlovchi milliy strategik loyiha sifatida e'lon qilgan. Rog'un GESi xavfsizligi yuzasidan Jahon Banki ekspertlari tadqiqot o'tkazgan. Ekspertlar xulosasi O'zbekiston ta'kidlayotganidek xavfli emas, ammo bu xulosalar ko'proq seysmik faol hududda to'g'on ko'tarish xavfi bilan bog'liq. GESning to'liq qudrat bilan ishga tushishi mintqa aholisining suv ta'minotiga qanchalik ta'sir qilishi mavhum. Mazkur fikrlar bir tomondan to'g'ri. Chunki Rog'un GESi qurilishi rejalashtirilayotgan hudud xavfli seysmik zona bo'lib, agar suv ombori qurilishi ilmiy jihatdan chuqur rejalarga asoslangan va qo'shni davlatlarning milliy manfaatlarini hisobga olgan holda qurilmasa, bu turli xil xavf-xatarlar va davlatlar o'rtasidagi nizolarning kelib chiqishiga olib kelishi mumkin. Ammo ushbu masalaning ikkinchi tomoni ham mavjud, mazkur suv inshootini qurish masalasida maqbul muzokaralarni olib bormaslik ham qo'shni davlatlar o'rtasida geosiyosiy va mafkuraviy kurashlarning kelib chiqishiga hamda xalqaro munosabatlarda tolerantlik omilining yemirilishiga sabab bo'ladi.

Suv-energetika masalalari mintaqadagi barcha davlatlar manfaatlarini hisobga olgan holda amalga oshirilishi kerak. Prezidentlar suv-energetika resurslaridan kompleks foydalanish mintaqaviy barqarorlikning asosi ekanligini ta'kidladilar. Ushbu sohada ochiq muloqot, o'zaro anglashuvni mustahkamlash va konstruktiv hamkorlikni rivojlantirish, o'zaro maqbul, adolatli va oqilona yechimlarni topish muhimligi qayd etildi. Shu munosabat bilan O'zbekiston tomoni Tojikiston Respublikasida gidrotexnik inshootlar shu jumladan, Rog'un gidroelektr stansiyasining qurilishida umume'tirof etilgan xalqaro normalar va mazkur obektlarni qurish bo'yicha standartlarga rioya qilinishini hisobga olgan holda ishtirok etish imkoniyatini har tomonlama ko'rib chiqishga tayyor ekanligini bildirdi. Davlat rahbarlari mintaqadagi barcha davlatlarning manfaatlarini hisobga olgan holda konstruktiv muloqot o'rnatishga ko'maklashadigan Markaziy Osiyo transchegaraviy suv resurslaridan kompleks tarzda va samarali foydalanish bo'yicha huquqiy mexanizmlarni takomillashtirish zarurligini ta'kidladilar[9].

2024 yil 18 aprel kuni Dushanbeda O'zbekiston va Tojikiston prezidentlari o'rtasida muzokaralar bo'lib o'tdi. Muzokaralar yakunida ikki davlat prezidentlari Ittifoqchilik munosabatlari to'g'risidagi shartnomani imzoladi. Prezident Shavkat Mirziyoyev: "Ittifoqchilik shartnomasining imzolanishi birodar xalqlarimizning tub manfaatlariga to'liq mos keladi"[10], – deya ta'kidladi. Ushbu tashrif davomida O'zbekiston va Tojikiston o'rtasidagi ko'p qirrali hamkorlikning deyarli barcha yo'nalishlarini qamrab oluvchi 28 ta hujjat imzolandi.

Umumiy ma'noda tolerantlik – bu boshqa shaxsga ham, boshqa madaniy an'anaga ham hurmat bilan munosabatda bo'lishdir. Bundan tashqari, tolerantlik o'zgani o'ziga teng qadriyat sifatida e'tirof etishni, boshqasining mavjudligiga xayrixoh munosabatda bo'lishni va uning fikrini hurmat qilishni, muloqotga tayyorlikni, haqiqatga olib boradigan turli yo'llar mavjudligini tushunishni anglatadi.

Tolerantlik insonning boshqa individlar va tizimlar bilan muloqot qilish hamda o'zaro munosabatda bo'lishga ochiqligi sifatida namoyon bo'ladi. Bag'rikenglikni alohida shaxslar, guruhlar va davlatlar namoyon qilishi lozim.

Bugungi kunda zamonaviy xalqaro munosabatlar tizimida bag'rikenglik omilini rivojlantirish zarurati ortib bormoqda. Turli mamlakatlar o'rtasidagi munosabatlar ham huddi turli insonlar o'rtasidagi munosabatlarga o'xshaydi. Zero, insonlar o'zgalarning umuminsoniy huquqlarini tan olib, hurmat qila olsa, ularga nisbatan kechirimli va sabrli bo'la olsagina ular o'rtasida tinchlik, do'stlik, o'zaro ishonch va hamkorlik, bag'rikenglik kabi ahamiyatga molik fazilatlar shakllanadi. Odamlar o'rtasida o'zaro ishonch va murosaning mavjud emasligi ular orasida turli xil konfliktlarning yuzaga kelishiga olib keladi. Insonlarning "ishonch", "murosa", "bag'rikenglik", va "sabr" tushunchalariga bo'lgan munosabati vaziyatlarning ijobiy yoki aksincha salbiy jihatlar bilan yakunlanishini belgilab berishi mumkin. O'zbekiston so'nggi yillarda jahon hamjamiyatida nafaqat milliy manfaatlarni, balki Markaziy Osiyoning umumiy mintaqaviy manfaatlarini ifodalovchisi sifatida namoyon bo'lmoqda. Bu, avvalo, O'zbekistonning mintaqaning energiya manbalaridan oqilona foydalanish, Orol dengizi bilan bog'liq ekologik fojia, Afg'onistonda tinchlik va osoyishtalikni o'rnatish kabi ko'plab xalqaro tashabbuslarida o'z aksini topmoqda. Shuningdek, bugungi kunda O'zbekiston Markaziy Osiyo va Afg'onistonda "mas'uliyatli yetakchi" vektor siyosatini izchil ilgari surmoqda.

ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida nutq so'zladi // <https://president.uz/oz/lists/view/1063>.
2. Кушаев У.Р. Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги. Фалсафа фанлари бўйича фан докт. дисс. – Тошкент: 2017. –96 б.
3. Declaration of Principles on Tolerance. [Elektron manba:] <https://www.oas.org/dil/1995%20Declaration%20of%20Principles%20on%20Tolerance%20UNESCO.pdf>.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining O'zbekiston Respublikasi bilan Tojikiston Respublikasi o'rtasida strategik sherikchilikni yanada kengaytirish va mustahkamlash chora-tadbirlari to'g'risidagi 3923-sonli Qarori. [Elektron manba]: <https://lex.uz/docs/-4872244>.
5. Муминов.А.Г. Ўзбекистонда бағрикенглик тамойилларининг намоён бўлиши. Жамият ва бошқарув журнали. 2024, №1, 152-160.

REZYUME:

Mazkur maqolada bag'rikenglik siyosati va amaliyoti tizimli asosda ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: bag'rikenglik, axloqiy tamoyil, Markaziy Osiyo, pragmatik, konstruktiv, vektor,

РЕЗЮМЕ:

В данной статье системно рассмотрена политика и практика толерантности.

Ключевые слова: толерантность, Центральная Азия, прагматичный, конструктивный, вектор.

RESUME:

In this article, tolerance policies and practices are reviewed on a systematic basis.

Keywords: tolerance, moral principle, Central Asia, pragmatic, constructive, vector.

IJTIMOIY TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI ILMIY TADQIQOT OB'YEKTI SIFATIDA

Hamraeva V.M. –
O'zMU magistri

 10.24412/2181-7294-2025-1-187-191

Bizga ma'lumki tadbirkorlik faoliyati va biznes – bu yuridik va jismoniy shaxslar tomonidan risk bilan amalga oshiriluvchi va mulk, mahsulotlar savdosi, buyurtmani bajarish yoki xizmat ko'rsatish orqali tizimli daromad olishga yo'naltirilgan mustaqil faoliyat turi hisoblanadi. Tadbirkorlik faoliyatini yurituvchi shaxslar qonunda ko'zda tutilgan tartibda qayd etilgan bo'lishi shart. Ushbu faoliyat turida moddiy va ma'naviy boyliklarni ishlab chiqarish, xizmatlarni taklif etish orqali doimiy daromad manbai shakllantiriladi.

Sotsiologiyaning klassik vakillaridan aksariyati tadbirkorlikni ijtimoiy-madaniy omillarga bog'lab o'rgangan. Xususan, M.Veber (1864-1920) tadbirkorlik nazariyasi taraqqiyotiga salmoqli hissa qo'shgan olimlar qatorida o'ziga xos “tadbirkorlik ruhiyati” haqida gapirib, bu ushbu qatlam vakillarining ijtimoiy me'yorlari va an'alariga chuqur singib ketgan, deb biladi. M. Veber tadbirkorlik faoliyatida ratsionallikni ko'radi va tadbirkorlik ahloqi muammolarini o'rganib, iqtisodiy hulq-avtor sosiologiyasi yo'nalishiga asos soladi. Uningcha, tadbirkor dunyoga “amaliy rasionallik” nuqtai nazaridan qaraydi va “pul topish ishi”da o'zining “motivation prujina”siga ega bo'ladi. M.Veber ko'rsatishicha “tadbirkorning ideal tipi” Yevropada sodir bo'lgan reformastiyalar va sanoat inqiloblari davrida paydo bo'ldi [1].

Shunday qilib, tadbirkorlik - bu iqtisodiy faoliyatning alohida turi bo'lib, uning zamirida mustaqil tashabbus, javobgarlik, tadbirkorlik g'oyasiga asoslangan, foyda olishga yo'naltirilgan, maqsadga muvofiq faoliyatdir. Tadbirkorlik iqtisodiy faollikning alohida turi bo'lib, uning boshlang'ich bosqichi, odatda, fikrlash faoliyati yoki uning natijasi bilan bog'langan bo'ladi, faqat u keyin moddiy shaklni oladi. Ijtimoiy tadbirkorlik esa yangilik kiritish, tovar ishlab chiqarish faoliyatini o'zgartirish yoki korxonani (shu jumladan, kichik korxonani) tashkil qilish sohasida ijodkorlikning mavjudligi bilan ta'riflanadi. Tadbirkorlik faoliyatining ijodkorlik jihatlari boshqaruvning yangi tizimda ishlab chiqarishni tashkil qilishning yangi usullari yoki yangi texnologiyalarini tadbiq etishda o'z ifodasini topadi. Tadbirkorlik faoliyatining bir nechta yo'nalishlari mavjud. Masalan:

- 1) Iqtisodiy sohadagi tadbirkorlik
- 2) Soliq to'g'risida tadbirkorlik
- 3) Tashqi savdo bo'yicha tadbirkorlik
- 4) Ijtimoiy tadbirkorlik
- 5) Ta'lim va bandlikka oid tadbirkorlik

Ijtimoiy tadbirkorlik - bu ijtimoiy muammolarning innovatsion yechimini olib borish jarayoni hisoblanadi. Shuningdek, ijtimoiy tadbirkorlik - bu jamiyatdagi ijtimoiy muammolarni tadbirkorlik orqali bartaraf etish faoliyati. O'zining 20 yillik umrini AQSh va boshqa xorijiy mamlakatlardagi ijtimoiy tadbirkorlarning ijtimoiy-iqtisodiy faoliyatini o'rganishga bag'ishlagan davlat arbobi, AQSh dagi Ijtimoiy tadbirkorlik Institutining asoschisi va ijrochi direktori Jer Bush ijtimoiy tadbirkorlarga “Ijtimoiy tadbirkorlar – insonlarni qalb og'riqlaridan himoya qiluvchi ixtirochilardir” [5] deya ta'rif bergan.

Ijtimoiy tadbirkorlik tushunchasi bangladeshlik Muhammad Yunus kabi atoqli innovator nomi bilan aloqador. Ijtimoiy tadbirkorlik sohasida faoliyat olib borayotgan mashhur zamondoshimiz Muhammad Yunus Osiyo, Afrika va Lotin Amerikasining juda ko'plab yirik mamlakatlaridagi innovatorlarni mikrokreditlar bilan ta'minlash g'oyasiga boshchilik qilgan “Gramin Bank”ining asoschisidir [6]. U “mikrokredit otasi” sifatida nom qozongan va global tashkilotlardagi millionlab insonlarga kichik miqdordagi qarzlarni olish imkoniyatini beruvchi mikromoliyalashtirish revolyusiyasini o'rnatgan. Ijtimoiy Tadbirkorlik Dasturiga bergan takliflari va qo'shgan hissasi uchun Muhammad Yunus 2006 yilda Nobel Mukofoti bilan taqdirlangan [7]. Muhammad Yunusning ijtimoiy

tadbirkorlik sohasida olib borgan xizmatlari ko'plab mamlakatlar iqtisodchi olimlari tomonidan tan olinmoqda va amaliyotga joriy yetilmoqda. Xususan, Yevropa va Janubiy Amerikaning katta mamlakatlarida ham milliy ham hududiy miqyosdagi ijtimoiy tashkilotlar bilan hamkorlikda faoliyat olib borish tizimi yo'lga qo'yilgan.

Ijtimoiy tadbirkorning o'zi tadbirkorlik faoliyatining asosiy subekti bo'ladi. Ammo tadbirkor yagona subekt emas, har qanday holda u ishlab chiqarilgan tovar yoki xizmatning iste'molchisi hamda har xil vaziyatlarda yordamchi yoki raqib sifatida bo'luvchi davlat bilan o'zaro hamkorlik qilishga majbur. Iste'molchi ham, davlat, ham, yollanma (ishchi) xodim ham tadbirkorlik faoliyati subektlari qatoriga kiradilar.

Ijtimoiy tadbirkorlik – bu jamiyatning ijtimoiy muammolarini hal qilishga qaratilgan tadbirkorlik turi hisoblanadi. Sodaroq qilib aytganda, bu ijtimoiy maqsadlarni ko'zlaydigan biznes bo'lib, bunda daromadlar korxona egalarining daromadlarini ko'paytirishga yo'naltirilmaydi. Bunday korxonalarning ishiga asosan ijtimoiy jihatdan nobarqaror holatda bo'lgan yoki nogironligi bo'lgan shaxslar jalb etiladi. Ijtimoiy tadbirkorlikdan ko'zlanadigan asosiy maqsad bu jamiyatning zaif qatlamini ish bilan ta'minlash, ularning moliyaviy daromad topishiga ko'maklashishdan iborat [8].

Amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq, aholining ijtimoiy zaif qatlamlari uchun ish o'rinlarini yaratish, nogironligi bo'lgan shaxslar uchun mahsulot va asbob-uskunalar ishlab chiqaradigan korxonalar uchun soliq va boshqa turdagi imtiyozlar belgilangan. Biroq amaldagi qonunchilikda "ijtimoiy tadbirkorlik"ning huquiy tushunchasi va ijtimoiy tadbirkorlikka oid munosabatlarni huquqiy tartibga solish mexanizmlari aniq belgilanmagan.

Ijtimoiy tadbirkorlik borasida AQSh, Buyuk Britaniya, Polsha, Belgiya, Italiya va boshqa davlatlar qonunchiligi o'rganilganda, ushbu tadbirkorlik faoliyatining yo'lga qo'yilishi natijasida aholining ijtimoiy zaif qatlamlari ish bilan ta'minlanishi bilan birga, ijtimoiy tovarlar ishlab chiqarish va ijtimoiy xizmatlar ko'rsatish borasida yuqori natijaga erishilganini ko'rish mumkin. Bundan shuni anglash mumkinki, xorijiy mamlakatlarda ijtimoiy tadbirkorlikka oid munosabatlarning huquqiy tartibga solinishi natijasida aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlariga ish o'rinlarini yaratish, ijtimoiy tovar va mahsulotlarni ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatish borasida samarali natijalarga erishilgan.

Fikrimizcha, bugungi kunda ijtimoiy ahamiyatga molik muammolarni hal etishda yangi yondashuvlarni tatbiq etish, xalqaro tajribada keng qo'llaniladigan usullarni joriy etish muhim ahamiyatga ega. Demak, bu masalaga bugun hayotimizda keng kirib kelayotgan ijtimoiy tadbirkorlikni rivojlantirish orqaligina yechim topish zarur. Shu o'rinda ijtimoiy tadbirkorlik nima va u nega kerak, uning bugungi kundagi ahamiyati nimalardan iborat, degan savol tug'ilishi tabiiy.

Tadbirkorlik faqat guruhlar yoki shaxslar bunday sifatni rivojlantirish uchun zarur bo'lgan sifatlar to'plamini aniqlay va baholay olsagina rivojlanishi mumkin. "Bizning yana bir muhim vazifamiz kichik biznes va tadbirkorlik sohasini qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish, mamlakatimiz iqtisodiy qudratini, yurtimizda tinchlik va barqarorlik, ijtimoiy totuvlikni mustahkamlashdan, bu soha ulushini yanada oshirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratib berishdan iborat. Nega deganda, tadbirkor nafaqat o'zini va oilasini, balki xalqni ham, davlatni ham boqadi. Men takror bo'lsa ham, aytishdan hech qachon charchamayman, ya'ni "Xalq boy bo'lsa, davlat ham boy va qudratli bo'ladi". Shuning uchun bundan keyin tadbirkorlikni rivojlantirishga to'sqinlik qilish-davlat siyosatiga, Prezident siyosatiga to'sqinlik qilish, deb baholanadi. Prinsipial jihatdan g'oyat muhim bo'lgan bupozitsiyamizni yana bir bor alohida ta'kidlab o'tishni muhim va zarur deb hisoblayman" [8] - deya ta'kidlagan Sh. Mirziyoyev.

Tadbirkorlikning zamonaviy sotsiologik nazariyalari nuqtai nazaridan ushbu nazariya shuni ko'rsatadiki, tadbirkorlik fazilatlarini klasterlarini aniqlash shaxsning muvaffaqiyatli tadbirkor bo'lishi uchun ushbu ishonchlilik maqsadlarini amalga oshirishga ta'sir qiluvchi motivatsiya bo'lib xizmat qiladi. Biroq, nazariya shuni ta'kidlaydiki, agar muvaffaqiyatli tadbirkorlik fazilatlarini rivojlanishi kerak bo'lsa, individual darajadagi tadbirkorlik xususiyatlari har doim bir tomonlama bo'lishi kerak va guruh darajasidagi naqshlar oldindan ta'kidlanishi kerak. Bu shuni ko'rsatadiki, bir guruh shaxslar jismoniy shaxslarga qaraganda muvaffaqiyatli tadbirkor bo'lishga ko'proq moyil. Zamonaviy tadbirkorlik sharoitida bir qancha sotsiologik omillar o'zgarib kelmoqda. Misol uchun, raqamlashtirish biznesning

deyarli barcha sohalariga kirib borgan holda tez sur'atlar bilan rivojlanmoqda. Turli hukumatlar tomonidan qo'llab-quvvatlanadigan startap madaniyati, shuningdek, tadbirkorning jamiyatdagi katta o'zgarishlarga olib keladi. Biroq, zamonaviy tadbirkorlikning ba'zi holatlari 19-20-asrlarda mavjud bo'lganlardan tub farq qiladi, bu jamiyatlarda sotsiologik elementlarning yangi sinfini kafolatlaydi. Shuning uchun tadbirkorlikning yangi sotsiologik nazariyalarini ishlab chiqish zarur, ular ushbu omillarni o'z ichiga oladi va ularning dolzarbligiga asoslanadi.

Oliy Majlis Qonunchilik palatasidagi O'zLiDeP fraksiyasining navbatdagi yig'ilishida muhokama qilingan "Ijtimoiy tadbirkorlik to'g'risida"gi qonun loyihasini ham ushbu yo'nalishdagi ishlardan biri desak, mubolag'a bo'lmaydi. Qonun loyihasini ishlab chiqishda amaldagi qonunchilikda belgilangan o'z resurslarini ijtimoiy sohaga yo'naltirgan korxonalarni aniqlash mezonlari, ijtimoiy sohaga investitsiya jalb qilganlik uchun taqdim yetiladigan imtiyoz va preferensiyalar hisobga olindi. O'z navbatida, ijtimoiy korxonani aniqlash mezonlarining va ijtimoiy tadbirkorlik faoliyatini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning yangi shakllari belgilandi. Ijtimoiy tadbirkorlik faoliyatini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash yuridik shaxs yoki yakka tartibdagi tadbirkorlar ijtimoiy korxonalarning reyestriga kiritilgan kundan keyingi oyning birinchi sanasidan boshlab tatbiq etilishi va ijtimoiy korxonalarning reestridan chiqarilgan oyning birinchi kunidan bekor qilinishi nazarda tutilgan. Asosiy maqsadi ijtimoiy zaif qatlamni turmush darajasini yaxshilashdan iborat bo'lgan qonun loyihasida "ijtimoiy tadbirkorlik", "ijtimoiy korxona", "ijtimoiy korxonalarning reestri", "aholining ijtimoiy ehtiyojmand toifalari", "ijtimoiy loyiha", "ijtimoiy tovar", "ijtimoiy xizmatlar", "ijtimoiy sohadagi faoliyat" va "favqulodda holatlar" tushunchalari belgilanmoqda.

Ijtimoiy ahamiyatidan kelib chiqib, aholining ijtimoiy yehtiyojmand toifalariga mansub shaxslar sifatida I va II guruh nogironligi bo'lgan shaxslar, nogiron bolalar, qaramog'ida 16 yoshga to'lmagan yoki nogironligi bo'lgan bolalari bo'lgan yolg'iz shaxslar hamda "Mehribonlik" uylarining 30 yoshga yetmagan bitiruvchilari va jazoni o'tash muassasalaridan ozod qilingan shaxslar belgilanmoqda [8]. Mamlakatimizda ijtimoiy tadbirkorlik institutini yaratish va uni rivojlantirishning ayni fursati. Zero, ijtimoiy tadbirkorlik mavjud ijtimoiy muammolarni hal qilishning eng samarali usullaridan biri hisoblanadi. Mazkur qonun loyihasining qabul qilinishi shak-shubhasiz, ijtimoiy tovar va mahsulotlarni ishlab chiqarish hamda ijtimoiy xizmatlarni ko'rsatishda keng imkoniyatlar yaratadi. Ijtimoiy tadbirkorlik faoliyatining asosiy maqsadi ijtimoiy foydalilik hisoblanib, unga ko'ra korxonaning ishiga asosan ijtimoiy jihatdan nobarqaror holatda bo'lgan yoki nogironligi bo'lgan shaxslar jalb etiladi, shu bilan birga mazkur korxonalar ijtimoiy jihatdan foydali tovar va mahsulotlarni ishlab chiqarishga ixtisoslashgan bo'ladilar. Ijtimoiy tadbirkorlik uchun ko'plab imtiyoz va qulayliklar nazarda tutiladi, masalan dastlabki ikki yil davomida ish xaqi xarajatlarini qoplash, biznesni rivojlantirish uchun subsidiyalar ajratish, maslahat yordami, to'g'ridan-to'g'ri davlat yordami. Masalan, Janubiy Koreyada bir sohadagi biznesni rivojlantirish uchun har yili 30 ming AQSh dollari miqdorida grant ajratiladi va o'n yildan ortiq davr mobaynidagi faol davlat siyosati natijasida mazkur mamlakatda ijtimoiy biznesning barqaror tizimi yaratilgan bo'lib, unga o'n minglab kishilar jalb etilgan. Ijtimoiy korxona bu xususiy tashkilot hisoblanadi, shunga ko'ra u davlat tashkiloti bo'lishi yoki davlat tomonidan boshqarilishi mumkin emas.

MDH mamlakatlarida ijtimoiy tadbirkorlikka alohida e'tibor berilmaydi. Ijtimoiy korxonalarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning namunali misoli bo'lib o'ziga xos rivojlanish yo'li va davlat ko'magingining mukammal tizimiga ega Janubiy Koreya tajribasi hisoblanadi.

Janubiy Koreyada ommaviy ishsizlik va turmush darajasining tushib ketishiga sabab bo'lgan 1997-yilda vujudga kelgan Osiyo moliyaviy inqirozi mamlakatda ijtimoiy tadbirkorlikning paydo bo'lishiga turtki bo'ldi. Aynan o'sha paytda mamlakat rahbariyati Koreyada deyarli bo'lmagan notijorat tashkilotlar va ijtimoiy korxonalarga murojaat etish bo'yicha qaror qabul qilgan. Mazkur sohani boshidan yaratishga to'g'ri kelgan. Tayyorgarlik davri deyarli o'n yil davom etgan va faqat 2007 yildagina puxta ishlab chiqilgan "Ijtimoiy tadbirkorlikni rivojlantirish to'g'risida"gi Qonun va ijtimoiy tadbirkorlik bilan bog'liq to'liq dasturlar paketi qabul qilingan. Ko'nikma va malakalar nuqtai nazaridan yoshlarning ijtimoiy tadbirkorligi ularga yigirma birinchi asr uchun zarur ko'nikmalarni shakllantirishga yordam beradi. Qobiliyatlarga kelsak, ular "to'rtta S" deb ataladigan to'rtta toifaga bo'linadi: tanqidiy fikrlash va muammolarni hal qilish, hamkorlik, muloqot va ijodkorlik. Amaliy

tajribalari tufayli ular biznes yuritish bilan bog'liq hamma narsani o'rganadilar. Eng muhimi, ular raqamli ko'nikmalarini oshiradilar. Raqamli texnologiyalar yoshlar va yoshlarning ijtimoiy tadbirkorligi uchun ulkan salohiyatga ega. Nihoyat, ular ijtimoiy tadbirkor yoshlarga o'zlarining ijtimoiy sabablari haqida ma'lumot berish uchun ko'proq odamlarga murojaat qilishlariga imkon beradi va ularga o'z tarmoqlarini kengaytirishga yordam beradi.

Ijtimoiy tadbirkorlik jamiyat uchun ijobiy ta'sir ko'rsatadigan narsalarni yaratishdir. Ijtimoiy tadbirkorlik harakati kengayib borsa, bu dunyo global muammolar bilan kurashish uchun juda zarur bo'lgan tizimli o'zgarishlarni keltirib chiqarishi mumkin. Ayniqsa, yoshlarni ijtimoiy tadbirkorlikka yo'naltirish zarur. Ular ijtimoiy tadbirkor bo'lish va bir vaqtning o'zida ko'plab maqsadlarga erishish uchun mukammal nomzodlardir. Bu nafaqat yoshlarning ishsizlik darajasini pasaytiradi, balki ularni kasb-hunar bilan qurollantiradi, kelajakka tayyorlaydi. Mamlakatimizda aholining zaif qatlamini ijtimoiy himoyalash masalasi doim davlatimiz diqqat markazida bo'lib kelgan va bugungi kunda ham bu dolzarb masalaga katta ahamiyat qaratilmoqda. Ammo bugungi davr ijtimoiy ahamiyatga molik muammolarni hal etishda yangicha yondashuvlarni, xalqaro tajribalarni qo'llagan holda nodavlat ijtimoiy himoya siyosatini rivojlantirishni ya'ni ijtimoiy tadbirkorlikni joriy etishni taqozo etmoqda. Umuman lganda, yoshlarning ijtimoiy tadbirkorligi har bir kishi uchun yaxshiroq dunyo yaratishi mumkin, chunki u innovatsion yechimlar bilan eng dolzarb ehtiyojlarni qondiradi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti ta'kidlaganidek: "Yurtimizda tadbirkorlik sohasida yaratilayotgan qulay sharoitlardan foydalanib, yoshlarni o'z mustaqil ishini ochishga da'vat qilish - bu ham dinimiz buyurgan yaxshi amallardan biri".

Qonun ijtimoiy tadbirkorlik tushunchasiga aniq ta'rif berib, unga ko'ra ushbu faoliyat ijtimoiy xizmatlar ko'rsatishga yoki aholining ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini ish o'rinlari bilan ta'minlashga yo'naltirilgan barcha tadbirkorlik faoliyati turlarini o'z ichiga oladi. Amaldagi qonunchiligimizda "ijtimoiy tadbirkorlik"ning huquqiy tushunchasi aniq belgilanmagan. Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining alohida qarorlari bilan nodavlat maktabgacha ta'lim, nogironligi bo'lgan shaxslar uchun mahsulot va jihozlar ishlab chiqarish, shuningdek ruhiy buzilishlardan aziyat chekayotgan va nogironligi bo'lgan shaxslarni parvarish qilish bilan bog'liq tibbiy faoliyat sohalari uchun imtiyoz va qulayliklar, shu jumladan soliq va bojxona imtiyozlari taqdim etilgan. Masalan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 16 martdagi PQ-3606-son qarori bilan ruhiy holati buzilgan shaxslarning, shu jumladan, nogironlarning mehnat terapiyasi, ularni yangi kasblarga o'qitish va ishga joylashtirish uchun Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahridagi psixiatriya muassasalari hududida davlat-xususiy sheriklik shartlarida davolash-ishlab chiqarish korxonalari tuzilishi belgilangan. Mazkur davolash-ishlab chiqarish korxonalari 2018 yil 1 iyuldan 2023 yil 1 yanvargacha yer solig'i, yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i va mulk solig'idan, shuningdek, yagona soliq to'lovidan ozod qilingan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 15 sentabrdagi PF-6314-son Farmoniga muvofiq tadbirkorlik sub'yektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil tomonidan tadbirkorlik sub'yektlari faoliyatini tekshirish jarayonlarini muvofiqlashtirish va ularning ochiqqligini ta'minlash, shuningdek, davlat nazorati funksiyalari, majburiy talablar va tadbirkorlik sub'yektlari faoliyatini tekshirish huquqiga ega mansabdor shaxslarning elektron reestrlarini yuritish imkonini beruvchi "Yagona davlat nazorati" axborot tizimi ishga tushirilganligi ma'lumot uchun qabul qilindi.

Shunday qilib ijtimoiy tadbirkorlik jamiyat rivojlanishi va barqarorlikka erishishda muhim o'rin tutadi. Uning asosiy mohiyati iqtisodiy manfaatdan tashqari, ijtimoiy muammolarni hal qilishga qaratilgan innovatsion yechimlarni ishlab chiqishda namoyon bo'ladi. Ijtimoiy tadbirkorlik nafaqat aholi farovonligini oshirish, balki tenglikni ta'minlash, yangi ish o'rinlari yaratish va ekologik muvozanatni saqlash kabi dolzarb masalalarga ham yechim taklif etadi.

ADABIYOTLAR:

1. Shavkat Mirziyoyev. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – Toshkent: "O'zbekiston", 2016. – 54 b.

2. Xusanova.X.T, Hamrayeva.V.M. “Zamonaviy dunyoning sotsiomadaniy manzarasi va ijtimoiy tizimlar transformatsiyasi” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallar tʻplami., Toshkent sh., 20-aprel 2024. – B. 340-344

REZYUME:

Mazkur maqolada ijtimoiy tadbirkorlikning mazmun-mohiyati va uning ilmiy tadqiqot obyekti sifatida ўrganilishining ahamiyati tahlil qilingan.

Kalit soʻzlar: “motivasion prujina”, tizimli daromad, ijtimoiy meʼyorlar, iqtisodiy rivojlanish, “mikrokredit otasi”, ijtimoiy korxona

РЕЗЮМЕ:

В данной статье анализируются содержание и сущность социального предпринимательства, а также его значимость как объекта научного исследования.

Ключевые слова: мотивационная пружина, системный доход, социальные нормы, экономическое развитие, «отец микрокредитования», социальное предприятие, льгота, преференция.

PEZIOME:

This article analyzes the essence and significance of social entrepreneurship as an object of scientific research.

Keywords: motivational spring, systematic income, social norms, economic development, “father of microcredit”, social enterprise, privilege, preference.

**ZAMONAVIY JAMIYATDA INSON, FAN VA TEXNIKA KONVERGENSIYASINING
AXBOROTLASHUV ZARURATI.****Xaytboev B.X. -***Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat
o'zbek tili va adabiyoti universiteti o'qituvchisi* 10.24412/2181-7294-2025-1-192-196

Insoniyat ratsionalligining mevasi bo'lgan inson, fan va texnika konvergentsiyasining maqsadi ularning odamlar hayot yengillashtirishga qaratilgan samaradorlikni oshirish, optimallashtirish vositasi bo'lib xizmat qilishdir. Darhaqiqat fan va texnikaning taraqqiyoti inson dunyoqarashining chuqur o'zgarishlariga olib keldi. O'zini hukmron deb bashariyat texnika o'zgarib borgani sari u ham o'zgarishga, texnikalarni boshqarish darajasiga fikrlashga to'g'ri keldi. Shunday qilib, insoniylik texnika "sirkulyatsiyasi zanjiri" da, texnika va ilmiy bilimga aralashib ketishi, uning quchog'ida yo'q bo'lib ketishiga olib keldi.

Informatsion paradigma nihoyatda yuksak darajada konkretlikda ishonch bilan kelajakka eshiklarini ochib bermoqda. Informatsion paradigmaning eng muhim jihatlarini ko'rsatib o'tish maqsadga muvofiq bo'lar edi.

- Avvallari informatsiya industrial jamiyatning texnologik va texnik amaliyotiga ta'sir qilish mumkin bo'lgan xomashiyo deb qaralgan bo'lsa, bugungi kunda informatsiyaga ta'sir qilish uchun informatsion texnologiyalar yaratilgan (bu narsada jamiyat hayotining turli-tuman maqsadlari hisobga olinadi);

- Informatsiya insonning har qanday faoliyatining integral omili bo'lgani sababli buning individual va kollektiv hayotimizning barcha jarayonlari bevosita yangi informatsion texnologiyalar bilan shakllanadi;

- Informatsion tarmoqlar barcha turli-tuman ijtimoiy o'zaro ta'sirlari va jamiyat taraqqiyotidagi noaniqliklarga to'liq bo'lgan va tobora ortib borayotgan murakkabliklarga yaxshi moslashadi. Informatsion tarmoqlar nihoyatda sezgir, harakatchan va yangiliklar kiritish uchun ochiqdir. Informatsion jarayonlar faqat qaytar jarayonlargina emas; ijtimoiy tashkilotlar va institutlarni modifikatsiya qilish va ularning komponentlarini qayta guruppalash yo'li bilan fundamental o'zgartirib yuborish mumkin. Yangi informatsion – texnologiya paradigmasi konfiguratsiyasi shundayki, u o'z konfiguratsiyasini qayta tuzishi, rekonfiguratsiyalanishi mumkin – bu hozirgi kunda doimiy o'zgarib turuvchi va tashkiliy jihatdan qotib qolmagan jamiyatda xarakterli jihatidir.

Jamiyat taraqqiyoti informatsion paradigmasining istiqboli konkret texnologiyalarning yuksak integrallashgan sistemaga konvergentsiyasi an'analari bilan bog'langan bo'lib, bu sistemada eski, izolyatsiyalangan texnologik traektoriyalar deyarli bir – biridan farqlanmay, ajralmay qoladi. Masalan, mikroelektronika, telekommunikatsiya, optik elektronika va kompyuterlar endi informatsion sistemada mujassamlashgan. Biznesda, masalan, hozirgi kunda chiplarni ishlab chiqaruvchilar va programmistlar orasida farq bor. Hozircha bu farq bir muncha muddat saqlanib qoladi. Mikrokompyuterlarning imkoniyatlari chiplarning qo'vvatiga bog'liq. Mikroprotsessorlarni loyihalash kompyuterlar arxitekturasini bilan bog'langan. [2:608]

Biologik materiallardan foydalanish, garchi hali keng qo'llanishdan uzoq bo'lsa – da, eksperimental bosqichda (1995-yildan boshlangan). Hali biologiya bilan elektronikaning moddiy integratsiyasi uchun tatqiqotlar yo'li uzoq bo'lsada, biologiyaning mantiqi (programmalashtirilmagan informatsiya sohiblarining o'z – o'zidan yuzaga kelishi) hozir tobora elektron mashinalariga kiritilmoqda. Hususan, ko'plab laboratoriyalarda robotlarni o'qitish bo'yicha tatqiqotlar ancha ilgari ketgan.

G'arbchasiga ijtimoiy – falsafiy va siyosiy tafakkurda o'zgarishlar amalga oshirilgan ijtimoiy tashkillik (qurilish) postindustrial yoki keyinroq informatsion jamiyat deb nom oldi. Amerikalik ijtimoiy faylasuf Daniel Bellning (1919 y.da to'g'rilgan) fikricha boshlangan informatsion inqilob ikki

inqilobdan iborat: kompyuter inqilobi va telekommunikatsiya inqilobi, buning natijasida informatsiyani butun ijtimoiy hayotning, ayniqsa, iqtisodiy hayotning markaziy bo'g'ini bo'lgan texnika yaratildi. Shu munosabatda texnika mutaxassislari sinfi afzal ahamiyat kasb etadi. Fan nazariy bilimlar, innovatsiyalar manbayiga va uning siyosatini belgilovchi omilga aylanib bormoqda. Moddiy boyliklar ishlab chiqarish ustunligida servis (xizmat) iqtisodining roli ortib borishi, unda ish kuchining katta qismi band bo'lishi kuzatilmoqda.

D.Bellning postindustrial jamiyat nazariyasining asosiy qoidalari uning tomonidan 1960 yillarda ishlab chiqilgan edi. [3:786]

Ularni quyidagi ko'rinishda bayon qilish mumkin:

- Bozor munosabatlari, institutlari va infrastrukturallari evolyusiyasi tovarlar iqtisodidan xizmat iqtisodi yaratilishiga qarab siljimoqda. Bo'shagan ish kuchlari xizmat ko'rsatish sferasiga «migratsiya» qilmoqda.

- Fanning ijtimoiy mavqe'i ortib bormoqda, biluvchi (bilimdon) sinf shakllanmoqda, uning manfaatlari bilimni ishlab chiqarishga qaratilgan. Bilim jamiyatning bosh ishlab chiqarish kuchiga aylanmoqda. Bunday tezis XIX asrda K.Marks tomonidan ifodalangan edi.

- Nazariy bilim va unga xos bo'lgan simvolik – semiotik tashkillanish shakllarining ustuvorligi kuzatilmoqda. Bilim jamiyatning bazis resurslarini tashkil etadi va uning tashkillanish asosidir. Bilim ijtimoiy nazorat va innovatsion faoliyat omiliga aylanmoqda, shuningdek, inson munosabatlarini siyosiy boshqaruv va sozlab turish instrumenti bo'lib xizmat qilmoqda.

- Tovarlarni ishlab chiqarish va xizmatni nazariy bilimlar asosida rejalashtirish va bunda ularning maxsuslik sifatlarini hisobga olish ahamiyat kasb etmoqda. Yangi informatsion – kommunikatsiya yoki intellektual texnologiyalarning paydo bo'lishi kutilmoqda.

- Ish xarakteri o'zgarmoqda. Og'irlik markazi inson munosabatlarini boshqarish ko'chmoqda. Ayollar rolining o'sib borish an'anasi kuzatilmoqda. Bu narsa, ayniqsa, xizmat ko'rsatish sohasida sezilarli aks etmoqda.

- D.Bell alohida siyosiy birlik tarzida «situs» tushunchasini kiritdi va to'rt funksional situsni ko'rsatib o'tadi: ilmiy, texnologik, ma'muriy va kulturologik situs; besh institut situsi: biznes, universitet, ilmiy tatqiqot instituti, ijtimoiy va harbiy sohalar. Bell «mediokratiya» tushunchasiga alohida ahamiyat yuklaydi. Bu tushuncha ma'lumotli va iqtidorli shaxsning jamiyatdagi o'rnini ifodalaydi. Bell ana shunday jamiyatning kelajagini belgilaydi deb hisoblaydi, bunda boylikning, mulkning va odamlarning qaysi madaniyatga molik ekanini hisobga olmaydi.

- Bo'lajak jamiyatda tovar yetishmovchiligi kuzatilmaydi, biroq informatsiya va vaqt defitsiti saqlanib qoladi. Informatsion iqtisodning ustuvorligi qaror topadi va uning asosida – korporativ strategiya vujudga keladi. Informatsiya tovarga aylanadi, informatsion xizmat esa, shuningdek fan va bilim jamoat tashkilotlarining markazida bo'ladi. bilim xususiy mulkka bog'liq bo'lmagan xarakterga ega ijtimoiy tus oladi. Bilimlar oshishi eksponensial egrichiziq ko'rinishida bo'ladi bilimlarning samaradorligi – yangi texnologiyalarning yaratilishi bilan belgilanadi. [4:783]

Informatsion jamiyat – futurologik doktrina bo'lib, 1970-1980-yillarda kompyuter avj olgan davrda bahsli tus olgan yangicha qarash edi. Kelajak informatsion jamiyatning asosiy xususiyatlari haqida amerikalik kulturologik va futurolog olim Elvin Toffler o'zining «Uchinchi to'lqin» deb nomlangan kitobida bashorat qilgan edi. [5:783]

Uchinchi to'lqin deb jamiyat taraqqiyotining informatsion – kommunikatsion texnologiyalar asoslangan oxirgi fazasini nazarda tutadi.

Birinchi to'lqin – agrar (XVIII asrgacha), qishloq xo'jalik sivilizatsiyasi. Hitoy va Hindistondan to Meksikacha, Yunonistondan to Rimgacha agrar sivilizatsiyalar paydo bo'lganlar, mustahkamlanganlar va tanglikni boshidan kechirganlar, qaytadan rivoj topganlar. Sjunday ekan hamma joyda yer ijtimoiy-iqtisodning, hayot va madaniyatning, oilaviy tashkillanish ham siyosatning asosi bo'lgan.

Sayyoraning barcha joyida oddiy mehnat taqismoti mavjud edi, biroq jamiyatda bir necha bo'linishlar ya'ni turli xil jamoalar, kastalar, sinflar, qatlamlar, guruhlar mavjud edi: kitoblar, ruhoniylar, harbiy – jangchilar, qo'llar yoki krepostnoy dehqonlar. Hokimiyat hamma yerda avtoritar edi. Insonning ijtimoiy kelib chiqishi uning jamiyatdagi o'rnini belgilar edi. Iqtisod markazlashmagan

edi. Har bir obʻjina yoki latifundiya odamlar hayoti uchun zarur boʻlgan mahsulotning katta qismini ishlab chiqarar edi.

Ikkinchi toʻlqin – industrial yaʼni sanoatlashgan (1955 yilgacha) – sanoat revolyusiyasidan (XVIII asr oxiri XIX asrning birinchi choragidan Buyuk Britaniya, soʻngra esa Yevropa hamda AQShda) boshlanadi. Bu jarayonlar asta – sekin butun dunyoga tarqaladi. XX asrning oʻrtalarida industrial sivilizatsiya tantana qildi. Kapitalistik ishlab chiqarish ommaviy ishlab chiqarishga qurilgan – tovarlar, qadriyatlar, xizmatlar tiraji. Sanoat korxonasi jamiyatda yetakchi rol oʻynaydi. Texnologiyalarning almashinishi jarayoni avj oladi. Qoʻl ishlab chiqarishi mexanizatsiyalangan va avtomatlashtirilgan texnologiyalar bilan almashinadi.

Uchinchi toʻlqin – postindustrial jamiyat XX asrning ikkinchi yarmida asosan rivojlangan mamlakatlarda vujudga kela boshlagan. Postindustrial jamiyatda yetakchi rol informatsion – kommunikatsion texnologiyalarga oʻtib, ular jamiyatning barcha struktura(tizim)lariga, odamlarning yashash turmush tarzi va ongiga taʼsir koʻrsatadi. Jamiyatda tavar va boyliklar yaratishning yangi texnologiyalari vujudga keladi, ular endi odamning jismoniy kuchiga emas, aqliy qobiliyatiga suyanadi, undan foydalanadi. Ijtimoiy boylik yaratilishning yangi informatsion usulining belgilari orasida Toffler quyidagilarni sanab oʻtadi:

— Tezkor surʼatlar bilan rivojlanayotgan supersimvolik iqtisodiy tizim. Bu iqtisodiy tizim bevosita informatsiya va bilimga bogʻliq boʻladi. Ushbu tizim ommaviy ishlab chiqarishga asoslanmagan, balki mahsulotning tez va sezgir isteʼmol qilishga asoslangan boʻlib mahsulot shuning uchun kichik partiyalarda, biroq qiymati ommaviy ishlab chiqarilganidan baland boʻlmagan narhlarda ishlab chiqariladi. Narhning balandlab ketmasligi yangi informatsion texnologiyalar tufayli taʼminlanadi. Ishlab chiqarishning anʼanaviy omillari – mehnati, hom ashyo, kapital oʻz ahamiyatini yoʻqotadi va simvolik bilimlar tomonidan siqilib chiqariladi.

— Jamiyat va davlatning iqtisodiy almashuv birliklari metall yoki qogʻoz pullar emas, balki informatsion vositalar xizmat qiladi. Kapital yanada harakatchanroq boʻladi (mobillashadi), uning manbalari soni ortadi. Yangi iqtisod asosini xususiy uylarni ishlab chiqarish va savdo tashkilotlari, banklar va hukumat muassasalari, maktab va universitetlar bilan bogʻlaydigan kompyuter sistemalari tashkil qiladi, bunday sistemalarda qoʻl (dastaki) sanoat harakatlari informatsiyalar bilan boʻladigan manipulyatsiyalar bilan almashtirilib, mehnat faoliyatini elektron kollejlarda tashkil qilish imkonini beradi. Mikro elektron revolyusiya inson intellektining resursi va qudratini ancha oshirib yuboradi.

— Tovarlarni va xizmatlar sistemalashtiriladi, bu narsa standartlarni kengaytirish va qayta koʻrib chiqishni talab qiladi. Bundan standartlarni belgilovchi informatsiya ustidan nazorat qilish uchun kurash ketadi. Byurokratik strukturalar vaqtinchalik kichik ittifoqlar tomonidan siqib chiqariladi. Bilim byurokrtiyasi oʻrnini erkin informatsiya oqimi oladi. Tashkillanish shakllarining turli koʻrinishlari va miqdori ortadi. Har bir xodim ishlab chiqarish informatsion vositalari mulkdoriga aylangani uchun xodimlarni oʻzaro almashtirish imkoni yoʻqoladi, chunki har bir xodim informatsion vositalarning faoliyat koʻrsatishi haqida toʻliq xabarlar boʻladi. Bilimni tashabbus bilan qoʻsha oladigan, gʻoyani amaliyotda gavdalandiradigan yangi tipdagi xodim guruhi paydo boʻladi.

— Ijtimoiy boylik yaratish siklik xarakterda boʻladi. Umuman olganda sikllarni boshqarish metodikasi kompyuter monitoringini va doimiy ravishda ilmiy va ekologik bilimni ortishini taqozo qiladi. Bunday sikllar avval industrial ishlab chiqarish davrida alohida – alohida boʻlgan ishlab chiqaruvchi va isteʼmolchini birlashtiradi. Isteʼmolchi ishlab chiqaruvchi uchun talab va zarur informatsiyani taʼminlaydi.

— Yangi sistema bir yoʻla lokal darajada (mikroiqtisodda) va global darajada (makroiqtisodiy) rivojlanadi. Iqtisodiy har ikkala darajasi rivoji umumiy xoʻjalik jarayoniga integrallanib, bu jarayon individning manfaatlari va ehtiyojlariga yoʻnaltiriladi. Informatsion sivilizatsiyasini yaratish yoʻli namoyon boʻladi. [6:255]

Shu tufayli odamlarning informatsiyaning oʻziga munosabati ham oʻzgaradi. Tovar oʻrniga informatsiya ijodiy kuchlar va izlanishlarning stimulyatori tarzida qabul qilinadi, chunki odamlarning doimiy ravishda kompyuter bilan muomalada boʻlishlari ularning keng informatsion global fazoda oʻzlarini qanday tutishga oʻrgatadi. Bu oilani mustahkamlaydi, mehnat faoliyatini prinsipial darajada oʻzgartiradi, hayot tarzi, tafakkur tarzini charxlaydi, madaniyatning mohiyatini oʻzgartiradi.

«Uchinchi to‘lqin» ustuvorliklari kayfiyatida bo‘lgan omma ommaviy axborot vositalari yordamida o‘z his va didlarini manipulyatsiya qilish uchun uning o‘zi bu vositalarni boshqacha boshlaydi, ommaviy axborotni passiv iste’molchisidan o‘zining shaxsiy ekranli qurilmalarida uning imkoniyatlarini faol ishlab chiqaruvchiga aylanib qoladi. Bunday o‘zgarishlarda kabelli yo‘ldosh (sputnikli) televedenie va video kassetalari aloqa vositalari katta yordam beradi.

Boshqacha aytganda, auditoriyaning o‘zi informatsiya vositalarini manipulyatsiya qiladi, aksincha emas, personal displey qurilmalarida obrazlarni iste’molchisidan ishlab chiqaruvchisiga aylanadi. Bularning barchasi natijasida ommaviy televizion auditoriya sigmentlariga bo‘linadi, va ularning har biri bizning madaniyatimizning turli-tumanligini faqat kuchaytiradi. Uchinchi to‘lqin, Tofflarning fikricha ko‘ra, hozirgacha bizga ma’lum bo‘lgan barcha sivilizatsiyalardan farqli o‘laroq, shunday dunyoviy sivilizatsiyalarni yaratdiki, u o‘zining yanada sog‘lomligi, aql idroki va hayotbaxshligi, tartibli va demakratligi bilan ajralib turadi. Shu bilan birga, uchinchi to‘lqinda katta havf-hatar ham yashiringan, bu ekologik katastrofalardan tortib yadroviy terrorizm yoki elektron fashizm xavfigacha bo‘lishi mumkin. Toffler utopiyasi amaliy xarakterga ega va aslida amaliy insonning hayotiy vaziyatlardagi xulqini bayon qilishni eslatadi. Toffler dunyoda hali ham avvalgidek yomonlik, adolatsizlik, kassaliklar, ochlik-yalang‘ochlik mavjud ekanidan faromush bo‘layotgandek tuyuladi.

Informatsion paradigmaga asoslangan yana bir nazariya Gerbert Maklyuen tomonidan 1970 yillarda ilgari surilgan. Maklyuen ham jamiyatda informatsion texnologiyalarning ustuvorligi yetakchi rolligiga e’tibor beradi. Maklyuenning asosiy tezisi-«vositalarning o‘zi axborotdir». O‘z nazariyasida sivilizatsiya tarixini uch bosqichini ajratadi.

Birinchi bosqich: yozuvgacha bo‘lgan ibtidoiy madaniyat bunda aloqa va informatsiya o‘zining og‘zaki shakllari tufayli atrof dunyoni idrok qilish va tushunishga asoslangan tabiiylik va kollektivlik turmush tarzi xukumron bo‘lgan bosqich. Ikkinchi bosqich- yozuv-bosma madaniyati rivojlangan bosqich, bunda og‘zaki-emotsional muloqot shakllari, kitobiy shakllari bilan almashinib, tabiiylik va kollektivium o‘rnini individualizm va millatchilik egallagan. Uchinchi bosqich-hozirgi zamon bosqichi bo‘lib, bu bosqichda kitob madaniyatidan chetlashib olamni ko‘rish va eshitish asosida qabullashnishing og‘zaki va tabiiyligiga qaytish sodir bo‘ladi, biroq bu jarayon endi informatsiyani elektron tashuvchilari asosida amalga oshiriladi.

Sivilizatsiya taraqqiyotining barcha bosqichlarida ijtimoiy munosabatlarning rivojlanishida, odamlar ongi va psixologiyasida inqilobiy o‘zgarishlar aloqaning texnikaviy vositalari orqali determinatsiyalanadi deb faraz qilib, Maklyuen ijtimoiy-madaniy progressda informatsion (eshitish va ko‘rish) texnologiyalarning hal qiluvchi rol uynashini bashorat qiladi. Bu bashoratga ko‘ra, hukumronlik yozuv muloqoti emas, balki uning og‘zaki-elektron shakllari hukumronlikka o‘tadi, chunki ular muloqot fazosi, vaqti va chiziqligini qisqartiradi va bizni bir vaqtda amalga oshiriladigan munosabatlarning ko‘p sonligiga qaytaradi va bu bilan global informatsion tarmoqlarning yangi mikrorivoyatlari, «rituallari» va «tillar»ga olib keladi. Bu konsepsiyani tushuntirar ekan, Maklyuen shuni ta’kidlaydiki, ommaviy informatsiya elektorn vositalari ta’sirida dunyo «global qishloq» qa aylanadi, yangi «global teatr» bo‘ladi-yu, unda har kim unga informatsion strukturalar bergan rolni o‘ynaydi. Maklyuen fikriga ko‘ra, informatsion strukturalarini bog‘liq va ongning universal asoslari deb hisoblash mumkin. Bunday asoslar turli mamlakatlarda ayni bir davrda yashagan turli odamlar hayoti faoliyati va fikrlashining umumlashgan hayot tarzini shakllantirdai. Elektron ommaviy kommunikatsiya vositalari informatsion strukturalarning shakllantiruvchi ta’siriga misol bo‘lib xizmat qilishi mumkin. Ular yordamida fikrlash tarzi shakllanadi, bizning tajribamiz strkturalanadi, bizning atrof olamga qsrashlarimiz belgilanadi.

Kelajak to‘g‘risida nazariyotchilarning 1960-1990 yillarda yozgan narsalarini umulashtirib, shuni aytish mumkinki, ularning barchasida hayoliy fikrlar mavjud. Hozirgi kunda kapitalning iqtisodiy va ijtimoiy funksiyalari informatsiyaga o‘tadi deyish uchun juda ulkan optimizga kerak bo‘ladi. To‘g‘ri, inosnlar tug‘iladilar va dunyodan ketadilar, bilimlar va informatsiya yig‘iladi. Tajriba to‘planib, yangi texnologiyalar o‘zlashtirilgani sari, mumkin bo‘lmaganidek tuyulgan narsa, mumkin bo‘lish mavqeiga ega bo‘lishi mumikn. Yangi bilimlar iqtisodiy o‘shish manbaiga aylanishi mumkin, ijtimoiy tiklanishning yadrosi, bilimini ishlab chiqarish, qayta ishlash va yig‘ishning bosh markaziy

ijtimoiy instituti bo'lib universitet o'rin tutadi. U vaqtda sanoat korporatsiyasi asosiylik rolini yo'qotadi.

Informatsion utopiyalarda mumkin emas, bilimlar darajasi ijtimoiy differensiallashishning belgilovchi omili bo'ladi deb hisoblaydilar. «Egalar» va «ega emaslar» degan tushunchalar prinsipial yangi yangi ma'no kasb etadi. «Informatsiyaga ega» kishilarning yangi imtiyozli qatlami yuzaga keladi. Informatsiya vositalaridan chetda qolganlar «yangi kambag'allar» sonini tashkil qiladi. Ijtimoiy konfliktlar iqtisodiy sohadan madaniyat sohasiga ko'chish mumkin. Bunda eski madaniyatda ildiz otganlar bilan yangi informatsion madaniyat vakillari orasida kurash paydo bo'ladi. Natija o'laroq yangi ijtimoiy institutlar o'sadi, eskilari tanazzulga yuz tutaboshlaydi. Informatsion jamiyatning infrastrukturasi «mexanik» texnika emas, yangi «intellectual» texnika, bunda ijtimoiy tashkillanish va informatsion texnologiyalar «simbioz» ni yuzaga keltiradi. Jamiyat ijtimoiy jarayonlar programmalashtirilgan informatsion-texnologik davrga qadam qo'yadi.

ADABIYOTLAR:

1. Р 134 Рабочая тетрадь по философии: уч. пособие / Сост. Т.Л. Готьятова, С.В. Ковыршина, Л.Б. Подгорных СиБГИУ. – Новокузнецк, 2013. – 191 с.
2. Рабочая тетрадь по философии: уч. пособие / Сост. Т.Л. Готьятова, С.В. Ковыршина, Л.Б. Подгорных: СиБГИУ. – Новокузнецк, 2009. – 237 с.
3. Алексеева И.Ю., Аршинов В.И. Информационное общество и НБИКС-революция. М. ИФРАН 2016. 196 с.

REZYUME:

Ushbu maqolada texnika konvergentsiyasining maqsadi ularning odamlar hayot yengillashtirishga qaratilgan samaradorlikni oshirish va optimallashtirish masalalari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Konvergentsiya, inson, fan va texnika, Gumanizm, individual va kollektiv.

РЕЗЮМЕ:

В статье анализируются вопросы повышения эффективности и оптимизации конвергенции технологий, направленных на облегчение жизни людей.

Ключевые слова: Конвергенция, человек, наука и техника, Гуманизм, индивидуальное и коллективное.

RESUME:

This article analyzes the issues of increasing efficiency and optimizing the convergence of technologies, aimed at making people's lives easier.

Key words: Convergence, man, science and technology, Humanism, individual and collective.

ABU ALI IBN SINONING MANTIQUIY-GNOSEOLOGIK TA'LIMOTINI O'RGANISHNING AHAMIYATI

Nosirova M.-

O'zMU mustaqil izlanuvchisi 10.24412/2181-7294-2025-1-197-199

Ibn Sino – buyuk mutafakkir, faylasuf va tabib bo'lib, uning ilmiy merosi Sharq va G'arb sivilizatsiyasi rivojiga beqiyos ta'sir ko'rsatgan. U Aristotel va Forobiy an'analari davom ettirib, mantiq, falsafa, tibbiyot, matematika, fizika va boshqa fanlar bo'yicha yirik asarlar yaratgan. Uning “Al-Qonun fi-t-tib” asari tibbiyot fanining asosiy manbalaridan biri sifatida Ovrupo universitetlarida XVIII asrgacha qo'llanilgan. “Kitob ash-shifo” falsafiy asari esa mantiq, metafizika, matematika va tabiiy fanlarga oid chuqur ilmiy nazariyalarni o'z ichiga oladi. Ibn Sinoning bilish nazariyasi, sillogizm haqidagi qarashlari va uning ilmiy metodlari hozirgi kunda ham dolzarbdir. Ushbu maqolada uning mantiqiy-gnoseologik ta'limotining mohiyati, ilmiy tafakkurga qo'shgan hissasi va zamonaviy fan uchun ahamiyati tahlil qilinadi.

Ibn Sino insoniyat madaniyati, dunyo fani xazinasiga beqiyos katta hissa qo'shgan, o'z davridagi ilmlarning deyarli hamma sohalarini bilan shug'ullangan qomusiy olimdir. Turli manbalarda olim yaratgan asarlar to'rt yuz ellikdan ortiq deyiladi. Ammo hozircha fanga ma'lum bo'lgani ikki yuz qirq atrofida bo'lib, ularning ko'pchilik qismi falsafa va tibbiyotga aloqadordir.

Ibn Sinoga jahon miqyosida shuhrat keltirgan asari besh kitobdan iborat bo'lgan “Al-qonun fi-t-tib”dir. “Qonun” Ibn Sinogacha Sharq, Gresiya va Rimda yaratilgan tibbiyot haqidagi ilm va shaxsiy tajriba yakunigina bo'lib qolmay, bu fanni o'z davri uchun hayratomuz yuqori darajaga ko'targan asardir. “Qonun” XII asrdayoq Toledoda Herardo tomonidan arab tilidan lotinchaga qisqartirilib tarjima etilgan. Herardo “Ash-shifo”ni ham lotin tiliga ag'dargan. 1279 yili Natanta Meati Rimda “Qonun”ning to'liq nusxasini yahudiy tiliga tarjima etadi. Herardo amalga oshirgan Ibn Sino “Qonun”ining qisqartirilgan matni XIII asrda Fransiya, keyinchalik boshqa mamlakatlarga kirib keldi. Ko'pincha qirol va yirik aslzodalarning shaxsiy shifokorlari Ispaniyadan taklif etilgan yahudiylar bo'lib, ular Ibn Sino ta'limoti asosida ish ko'rganlar va olim usulini Ovrupoda ommalashtiruvchi bo'lganlar. Natijada “Qonun” shuhrati tez tarqalib, chop etuvchi uskana kashf etilgunga qadar o'nlab marotaba lotin tarjimasi ko'chirilib, qo'ldan-qo'lga o'tib yuradi. 1493 yil kitob bosish kashf etilgach, 20-30 yilda o'n olti marotaba chop etiladi. U davrda hech bir asar, hattoki isaviylarning diniy kitoblari ham shunchalik ko'p bosilmagan. “Qonun” Ovruponing hamma universitetlarida to XVIII asrgacha tibbiyot bo'yicha asosiy qo'llanma sifatida xizmat qilib kelgan.

Ushbu tadqiqotda tarixiy-falsafiy tahlil, komparativ yondashuv va manba tahlili metodlaridan foydalanildi. Ibn Sinoning mantiqiy-gnoseologik ta'limoti uning asarlari va olimlarning ilmiy izlanishlari asosida tahlil qilindi. Shuningdek, uning falsafiy qarashlari Aristotel va Forobiy ta'limotlari bilan solishtirilib, zamonaviy fan nuqtai nazaridan baholandi. Ilmiy metodlar orqali olim merosining dolzarbligi aniqlanadi.

Olimning falsafaga oid asarlarining eng yirigi “Kitob ash-shifo” bo'lib, mantiq, fizika, matematika va metafizika qismlarni o'z ichiga oladi. Mantiqning o'zi to'qqiz kitob, fizika sakkiz kitob, matematika to'rt va ilohiyot bir kitobdan iborat bo'lib, “Ash-shifo” yigirma ikki kitobni tashkil etadi. “Kitob an-Najot”, “Ash-shifo”ning qisqartirilgan turi bo'lib, tabiat, ilohiyot, riyoziyot qismlari dan iboratdir. Olimning falsafaga oid yirik asarlarining biri “Donishnoma” boshqa asarlardan farqli o'laroq, Isfaxon amiri A'lo ud-Davla iltimosiga binoan fors tilida yozilgan. Bu kitob ham o'z navbatida mantiq, ilohiyot, tabiat, geometriya, astronomiya, arifmetika, musiqa kabi qismlarga bo'lingan. Yuqoridagi yirik asarlardan tashqari Ibn Sino falsafaga oid yana bir qancha risolalar ham yaratgan: “Al-Ansof” Aristotel asarlariga sharhlar, “Fi-l-hudud”, “Hikmat aloiya”, “Al-hikmat al-mushriqiya”, “Uyun al hikma”, “al-Mabohisot” shular jumlasidandir. Ibn Sino nazariy asarlardan tashqari falsafiy qissalar ham yaratgan — “Hayy ibn Yakzon”, “Yusuf qissasi” va “Qissai Salomon va Ibsol”. Bu asarlarning mazmuni chuqur allegorik, majoziy ma'noga ega. Ulardagi badiiy obrazlar orqali yuksak axloqiy

normalar, o'z davri tushunchasidagi insonparvarlik g'oyalari targ'ib qilinadi. Buyuk olim adabiyot nazariyasiga ham qiziqqan, 1958 yil Londonda L. Dohiyat ismli olim "Avitsenna Aristotel "Poetikasi"ning sharhlovchisi" asarini chop ettirdi. Unda Ibn Sinodan quyidagi parchani keltiradi: "grek she'riyati asosan harakat va his-tuyg'uni tasvirlashga qaratilgan, boshqa hech narsa emas. Greklar nutq vositasi bilan harakatni kuchaytirganlar. Ular ba'zida notiqlik (san'ati), ba'zida she'rga murojaat qilganlar. Demak, ular poetik taqlid, harakat va hissiyotga chorlaganlar".

Mantiqqa oid asarlarning umumiy tavsiflari. Arab-fors falsafasiga antik davrdan to'qqiz qismdan iborat mantiqiy asarlar (Aristotel meros bo'lib qolgan. Forobiy ta'sirida Abu Ali ibn Sino mantiqiy masalalarni tartibga solish tartibini qayta tashkil etishdan iborat bo'lgan birinchi yangilikni kiritdi: u mantiqni tushuntirishni tushunchalar (tasavvur) va hukmlar (tasdiq-bayonlar) bilan boshladi. Umuman olganda, Ibn Sino mantiqiy va gnoseologiya fanlariga to'qqizdan ortiq maxsus va ixtisoslashgan bo'lmagan kitoblarni bag'ishlagan. Birinchi kitob "al-Madخال" (Muqaddima) bo'lib, unda mantiq fanini o'qitish, mantiqning ma'nosi, foydalari, fanlar tizimidagi o'rni masalalari yoritilgan. Ikkinchi kitob esa mantiqiy va falsafiy kategoriyalarga bag'ishlangan "Ma'kulot" bo'lib, yetti bo'lim va o'n uch bobni o'z ichiga oladi. Unda Ibn Sino asosiy kategoriyalarning mohiyatini va ularning mantiqdagi ma'nolarini ochib beradi. Uchinchi kitob "al-Ibara" (Hukm) bo'lib, u ikki bo'lim va o'n besh bobdan iborat bo'lib, unda hukmning shakllari, turlari va tuzilishi tahlil qilinadi. To'rtinchi kitob "al-Qiyos" (Sillogizmlar) deb nomlanadi, u to'qqiz bo'lim va o'n olti bobni o'z ichiga oladi va mazmuni jihatidan Aristotelning "Birinchi analitika" asariga yaqin bo'lgan sillogizmga bag'ishlangan. Keyingi, ya'ni beshinchi kitob «Al-Burhon kitobi» (Isbot) bo'lib, u ikkinchi tahlilga mazmunan yaqin. Abu Ali ibn Sino mazkur kitobida dalil turlarini o'rganadi, ma'lumdan noma'lumni topish, isbotlash jarayonida xatolikka yo'l qo'ymaslik, ilmiy tadqiqot jarayonida mantiqiy dalillardan qanday foydalanishni ko'rsatadi. Abu Ali ibn Sinoning oltinchi mantiqiy-falsafiy kitobi "Al-Jadal" (Dialektika) kitobi bo'lib, u mazmun jihatdan Aristotelning "Topika"siga yaqin bo'lib, besh bo'lim va o'n uch bobdan iborat bo'lib, unda kitob muallifi "dialektik" hukmlar deb atagan ehtimollik hukmlarini muhokama qiladi. Yettinchi kitob "as-Safsata" kitobidir, ya'ni Sofistika. U ikki bo'lim va to'qqiz bobdan iborat bo'lib, unda Ibn Sino mantiqda sofistika dalillarning o'rni masalasini tahlil qiladi. Sakkizinchi kitob "Al-Xitoba" kitobi – "Ritorika" bo'lib, unda ritorika san'ati muammolari yoritib, tizimlashtiriladi, olim va amaliyotchilar uchun ritorikaning mohiyati tushuntiriladi. Abu Ali ibn Sinoning mantiqiy risolalarining mustahkam jamlanmasi she'r san'ati, she'r turlari va she'riyatning sillogik hukmlar tizimidagi o'rni, odamlarga maksimal darajada ta'sir o'tkazish san'atiga bag'ishlangan "ash-Sher" (Poetika) to'qqizinchi kitobida jamlangan. Abu Ali ibn Sino mantiqqa oid maxsus asarlar bilan bir qatorda boshqa falsafiy asarlarida ham mantiqqa alohida bo'limlar bag'ishlaydi. Masalan, "Najot" (Najot) kitobida, "Danish-noma" ("Ilm kitobi"), "Ishorat i tanbehot" ("Nasihat va hidoyat"), "Hikmatul-mashriqiya" ("Sharqliklar falsafasi"), "Uyunul-hikma" ("Hikmat buloqlari") va boshqalar. E'tiborlisi, Ibn Sinoning mantiq haqida "Al qasida fil mantiq" risolasi haqida ham ma'lumotlar bor, biroq "Mantiq haqida poema" hali bizgacha yetib kelmagan [1]. Bundan tashqari, Abu Ali ibn Sino yigirma jildlik "al-Insof" umumiy falsafiy asarini yozgan bo'lib, u bizgacha yetib kelmagan (Mahmud G'aznaviyning g'alayonlari davrida qaytarib bo'lmaydigan darajada yo'qolgan) uning mantiqiy tushunchasini to'liq qamrab olgan. Ta'kidlash joizki, Ibn Sino o'z davrining chaqiriqlariga javob berar ekan, bilim nazariyasi, ontologiya, harakat, zamon, makon nazariyasiga tuzatishlar kiritadi, o'zidan oldingilarni, ayniqsa Arastuni to'ldiradi va tuzatadi.

Agar, Ibn Sino fikricha, mantiqiy tafakkurning asosini tushunchalarni shakllantirish jarayoni tashkil etsa, abstraksiyaning asosini tuyg'ular, sezgilar tomonidan ushlangan va g'oyalarda mustahkamlangan hissiy material obrazlari tashkil etadi. Aristotelning nomuvofiqligini yengib chiqqan Ibn Sino moddiy dunyoda materiya va shakl birgalikda mavjudligiga ishonch hosil qiladi. Ibn Sino materiyasiz, faqat shakllar mavhum bo'ladi, deb hisoblagan Arastu xatosini bartaraf etish uchun mavhumlik darajalarini batafsil ko'rsatadi. Uning aytishicha, agar mavhumlik faqat shakllar darajasida yuzaga kelsa, bu shakllarning materiyada mavjudligini va umuman, materiyaning umuman mavjudligini qanday bilish mumkin?[2] Mavhum shakllarning jism shaklidan mavhumlanishi asosida aqliy shakllar shakllanadi, bu esa Ibn Sinoni tafakkur sifatida bilish haqidagi ta'limotga olib boradi. Bu M. Dinorshoevning Avitsenna mantig'i haqida qiladigan muhim gnoseologik xulosasidir. Tushunchalar

(so‘zlar) - bu til, fikr yoki fikrlash shakllarining asosini tashkil etuvchi qurilish bloklari yoki atomlari. Tafakkur jarayonida ular (ism va f’el yoki predmet va predikat) bir-biri bilan gap yoki hukm shaklida bog‘lanadi. Binobarin, tushunchadan keyin mantiqiy tafakkurning muhim, zarur elementi hukm (qoziya) yoki asosdir. Hukm - bu gap (xabar) yoki iddao bo‘lib, eshitilganda uning haqiqat yoki yolg‘on ekanligiga javob beriladi. Masalan: Agar: Quyosh chiqsa, kunduz desalar. Javob «Ha» bo‘ladi. Agar ular: «Quyosh chiqsa, yulduzlar ko‘rinadi», deyishsa. Javob: “Yo‘q, unday emas” [3, - c. 60]. Yuqorida ta’kidlanganidek, Aristotel hukmlarning rivojlanishiga jiddiy e’tibor bermagan, u mantiqning mohiyatini asosan sillogizmning shakllanishida ko‘rgan.

Ibn Sino mantiqining navbatdagi muhim tarkibiy qismi sillogizm (qiyos) nazariyasi bo‘lib, bu nazariyani Abu Ali ibn Sino o‘zining “Al-qiyos” (“Sillogizmlar”) asarida keltirgan bo‘lib, u sillogizm turlarini belgilaydi va tavsiflaydi. Shuni ta’kidlash kerakki, u o‘zining asl shaklida Aristotel tomonidan «Birinchii tahlil» kitobida o‘rganilgan. Ibn Sinoning fikricha, sillogizm ma’lumdan noma’lumni anglashning bevosita yo‘lidir, ya’ni yangi narsalarni o‘rganish. U sillogizمنى “bilim olishning ishonchli vositasi” deb ataydi[4, - c. 50]. Ibn Sino mantiqning gnoseologik vazifasini, xususan, ko‘rgazmali ilm shakli sifatidagi sillogizمنى noma’lumni bilish vositasi sifatida tushuntirib, induksiya va analogiya bilan bir qatorda sillogizمنى ham muhim va ishonchli isbot vositalaridan biri sifatida taklif qiladi. Abu Ali ibn Sino sillogizmlarni xulosa shakllari deb hisoblaydi va ularni uch qismga ajratadi: bular sillogizmlar, induksiya, analogiya bo‘yicha xulosa. Isbot mantiqning Markaziy qismidir. Har bir daliliy fanning o‘ziga xos mavzusi bor, masalan, uzunlik va kattalik geometriya mavzusidir. Ilm-fan o‘z-o‘zidan Ravshan binolar yoki ta’riflarga ega prinsiplarga ega [5]. Abu Ali ibn Sinoning muhim yutug‘i shundaki, u Aristotel va Al-Farobiy g‘oyalarga asoslanib, namoyish nazariyasini asoslaydi. Ma’lumki, namoyish tezisni dalillardan chiqarish jarayoni bo‘lib, Abu Ali ibn Sino va boshqa musulmon mantiqchilari tomonidan mantiqning yakuniy maqsadi sifatida ko‘rib chiqiladi. Bu tezisni mavjud dalillar bilan mantiqiy bog‘lash usuli bo‘lib, ulardan tezisni olib tashlaganimizda dalillar ma’lum ma’noga ega bo‘ladi. Ibn Sinoning mantiqiy-gnoseologik ta’limoti ilm-fan taraqqiyotiga ulkan ta’sir ko‘rsatib, bilish jarayoni, mantiqiy tafakkur va ilmiy metodologiyaning rivojlanishiga asos bo‘ldi. Uning asarlari Sharq va G‘arb falsafasida muhim o‘rin egallaydi. Bugungi kunda Ibn Sinoning ilmiy merosini chuqur o‘rganish, zamonaviy falsafa va tibbiyotga integratsiya qilish dolzarb vazifadir. Taklif sifatida, uning mantiq va bilish nazariyasiga oid tadqiqotlarni kengaytirish, asarlarini yangi ilmiy yondashuvlar asosida qayta tahlil qilish hamda zamonaviy ta’lim tizimida kengroq qo‘llash tavsiya etiladi.

ADABIYOTLAR:

1. Имамходжаева, А. П. Ибн Сина и Аристотель: развитие логических идей. (Автореферат диссертации), Ташкент. 1990;
2. IbnSina.by Fazul-r Rahman./M.Sharif. A History of Muslim Philosophy (Ibn Sina), 493.
3. Абу Али ибн Сина. Даниш-намэ. Ибн Сина. Избранные философские произведения. М.: 1980. С.69
4. Абу Али ибн Сина (Авиценна). Сочинения, том шестой. Исцеление. Ду шанбе. Дониш. 2016. С. 50; также см.: Степанянц М.Т. Восточная философия. М., 2001. С.89
5. Абу Али ибн Сина. Сочинение. Т.2. С. 605.

REZYUME:

Mazkur maqola Abu Ali Ibn Sinoning mantiqiy-gnoseologik ta’limotining ahamiyatini tahlil qiladi.

Kalit so‘zlar: Ibn Sino, mantiqiy-gnoseologik ta’limot, falsafa, Aristotel, Farobiy.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье анализируется значение логико-гносеологического учения Абу Али ибн Сины.

Ключевые слова: Ибн Сина, логико-гносеологическое учение, философия, Аристотель, Фараби.

RESUME:

This article analyzes the significance of Abu Ali Ibn Sina’s logical-epistemological teachings.

Keywords: Ibn Sina, logical-epistemological teachings, philosophy, Aristotle, Al-Farabi.

EKOLOGIK MUAMMOLARNING O‘ZBEKISTON EKOLOGIK MUHITIGA TA’SIRI

Meylimurotova M. -

Shahrisabz davlat pedagogika instituti talabasi

 10.24412/2181-7294-2025-1-200-203

Ma'lumki, davlat uchun ekologiya­ning tutgan o'rni juda muhim, chunki u barqaror rivojlanishni, aholining salomatligi va farovonligini ta'minlash hamda tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni tashkil etishda asosiy omillardan biridir. O'zbekistonda ekologik vaziyat mustaqillik yillarida murakkab bo'lib qoldi, chunki hududda Sovet davridan meros bo'lib qolgan ekologik muammolar atrof-muhitga ta'sirini ko'rsatdi. O'zbekiston mustaqilligidan so'ng, 1991 yildagi ekologik o'zgarishlar bir qator omillar bilan bog'liq bo'lib, bu jarayonlar mamlakatning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy va ma'naviy-madaniy sohalari rivojiga to'siq bo'ldi.

O'zbekistonda ekologik muammolarning kuchayishi quyidagi omillar bilan bog'liq:

- *Birinchidan, Orol dengizining qurishi.* Orol dengizi ekologik muammolarning eng yirik omili hisoblanadi. 1960 – yillarda Orol dengizining sathi pasaya boshlagan, chunki Sirdaryo va Amudaryo daryolaridan sug'orish uchun katta miqdorda suv olinishi natijasida dengizga oqib keluvchi suv miqdori keskin kamaydi. Natijada dengiz maydoni yarmiga qisqardi, bu esa mahalliy iqlimga va ekologik fojea yuzaga kelib, tuproq sho'rlanishi, biologik xilma-xillikning kamayishiga olib keldi. O'zbekiston mustaqillikka erishgach, Orol dengizi bilan bog'liq ekologik vaziyat muammolarini hal qilish bo'yicha muhim qadamlar tashlandi. Dastlab, hukumat Orol dengizi fojeasini yumshatish va Orolbo'yi hududi ekologik holatini yaxshilash uchun milliy va xalqaro loyihalarni amalga oshirdi. Orolbo'yida yashil hududlar yaratish, daraxtzorlarni kengaytirish ishlari olib borildi. Bundan tashqari, Xalqaro hamkorlik ham yo'lga qo'yildi. 1993 yilda Markaziy Osiyo davlatlari ishtirokida Orolni qutqarish xalqaro jamg'armasi tashkil etildi. O'zbekiston hukumati BMT kabi tashkilotlar bilan hamkorlikda Orolbo'yida ekologik va iqtisodiy vaziyatni tiklashga qaratilgan loyiha va dasturlar ishlab chiqildi.

Qonunchilik palatasi tomonidan 2016 yil 5 avgustda qabul qilingan “O'simlik dunyosini muhofaza qilish va undan foydalanish to'g'risida”gi qonun imzolandi.

- *Ikkinchidan, tuproqning ifloslanishi* – Sovet ittifoqi davrida qishloq xo'jaligini rivojlantirishga noto'g'ri yondashish va paxta yakka xokimiyatchiligi siyosati ekin maydonlariga me'yoridan ortiq kimyoviy moddalarni ko'p qo'llanilishi bir tomondan hosildorlikni oshirdi, ikkinchi tomondan, tuproq va suv manbalarini ifloslantirishga sabab bo'ldi. O'zbekistonda pestitsidlar va o'g'itlarning noto'g'ri ishlatilishi natijasida biologik xilma-xillikning kamayishi va tuproq eroziyasi muammolariga sababchi bo'ldi.

- *Uchinchidan, havoning ifloslanishi.* O'zbekiston iqlim va havoning o'zgarishidan ham jabr ko'rmoqda. Harorat oshishi, yomg'irlarning kamayishi va qurg'oqchilik holatlari qishloq xo'jaligi mahsuldorligiga salbiy ta'sir ko'rsatdi. ko'plab korxonalar, zavodlardan, avtomobillarni ko'payishi va ulardan chiqayotgan zaharli moddalar havoning buzilishiga olib keldi.

- *To'rtinchidan, suv resurslari muammolari.* Suv resurslarini boshqarish masalalari O'zbekistonda dolzarb ahamiyatga ega. Sug'orish tizimlarining eskirishi, suvni behuda sarflash va suv taqsimoti muammolari mavjud. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev: “Bugun bizning oldimizda turgan muhim masala – suv tanqisligidir. Tarozining bir pallasida o'sib borayotgan qurilishlar, ishlab chiqarish, qishloq xo'jaligi turgan bo'lsa, ikkinchi pallasida har birimiz uchun zarur bo'lgan suvdan oqilona foydalanish masalasi turibdi “, deb ta'kidlagan.

O'zbekistonda ekologik ong va ekologik madaniyatni shakllantirish yo'lida sezilarli o'zgarishlar amalga oshirildi. Chunki ekologik muammolar o'z ta'sirini ko'rsatib, global xarakterga ega bo'ldi. Bu jarayon nafaqat o'sha iqlim bilan bog'liq yoki tabiiy resurslarning kamayishi bilangina cheklanib qolmay, davlatning ijtimoiy va iqtisodiy barqarorligiga ham ta'sir ko'rsatdi. Ekologik ong va ekologik madaniyatni shakllantirish davr talabi bo'lib qoldi. Ekologik ong insonning ona tabiatga,

tashqi olamga bo'lgan munosabatini belgilovchi qarashlarning umumiy yig'indisi sifatida qaralsa, ekologik madaniyat esa tashqi olamni asrashning amaliy ko'rinishidir. Mustaqillikdan keyin ekologik on va ekologik madaniyatni shakllantirishning usullari ishlab chiqarildi. Ushbu jarayon ko'p qirrali yondashuvlarni talab etdi, chunki u nafaqat davlat siyosati, balki ta'lim, axborot tarqatish va jamoat tashabbuslarini ham o'z ichiga oldi. Bu jarayon quyidagi tartibda amalga oshirildi:

1. *Huquqiy asoslarni mustahkamlash.* Mustaqillikdan so'ng davlatimiz fuqorolarning sog'lom va xavfsiz yashash muhitini huquqiy jihatdan belgilab qo'ydi. Bu jarayon ekologik xavfsizlikni ta'minlashning asosiy omili sifatida olib borildi va O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va asosiy huquqiy hujjatlari orqali amalga oshirildi. Bundan tashqari, ekologik qonunchilik tizimida "Atrof-muhitni muhofaza qilish to'g'risida" gi qonun, suv va tabiiy resurslardan foydalanish, chiqindilarni boshqarish to'g'risida ekologik qonunchilik hujjatlari qabul qilindi. Bu qonunlar orqali davlat ekologik muhitini yaxshilash, resurslardan oqilona foydalanish va shu kabi bir qator vazifalar amalga oshirilishi ko'zlandi.

2. *Ta'lim va madaniyatni targ'ib qilish usuli.* Bu usul ekologik ong va ekologik madaniyatni shakllantirishda muhim rol bo'lib xizmat qiladi. Ta'lim tizimida maktab va oliy ta'lim tizimida ekologik tarbiyaga oid fanlarni o'qitish, ekologik dasturlar, loyihalar va amaliy mashg'ulotlar o'tkazish orqali ekologik madaniyatni targ'ib qilish, yosh avlodning tabiatga bo'lgan munosabatini mustahkamlashga qaratilgan imminited hosil qilish amalga oshirildi. Ekologik masalaning mohoyatini insonning bolalik davridayoq shakllantirish zarur. Ta'lim tizimida ekologik madaniyatni oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar orqali yoshlarimizning atrof-muhitga bo'lgan hurmatini shakllantirish va ma'suliyatni oshirish maqsad qilub olindi. Bu jarayonda darsliklarda ekologik mavzularni keng yoritish, ekologik loyihalar, ekskursiyalar orqali nazariy bilimlarni amaliyotga tatbiq etish muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Bu jarayonda o'qituvchilar va ona-onalar bilan hamkorlik ham yo'lga qo'yildi. Ota-onalar bilan uchrashuvlar, konferensiyalar va turli xil tadbirlar orqali uyda ham ekologik madaniyatni shakllantirishga ko'maklashiladi. Bundan tashqari, madaniyat tizimida ham Ommaviy axborot vositalari bo'lgan televideniya, radio, internet va ijtimoiy tarmoqlar orqali ekologik muammolarni ommaga bildirish va bu orqali ekologik madaniyatni targ'ib qilish kabi vazifalar amalga oshirildi. Jamoat o'rtasida ekologik marosimlar o'tkazish, turli hasharlar tashkil etish, ekologik festivallar va sport musobaqalari tashkil etish orqali ham ommaga ekologik ongni vujudga keltirish asoslari ishlab chiqildi.

3. *Zamonaviy texnologiyalarni joriy etish usuli.* Bu usul ekologik madaniyatni shakllantirish va tashqi olamni muhofaza qilishda zamonaviy yechimlar va tadqiqotlarga asoslangan yondashuv bo'lib, ekologik barqarorlikni ta'minlashga muhim vosita bo'lib xizmat qildi. Bu soha yuzasidan turli raqamli monitoring tizimlari, energiya va resurslarni tejash uchun maxsus texnologiyalar, aqilli boshqaruv tizimlari, chiqindilarni qayta ishlovchi, suvni tejovchi texnologiyalar yaratishga e'tibor kuchaytirildi. Universitetlar, ilmiy-tadqiqot institutlarida ekologik innovatsiyalarni qo'llab-quvvatlash uchun loyihalar va tadqiqotlar olib borildi. Ushbu loyihalar atrof-muhitni himoya qilish, ofloslanishni kamaytirish, chiqindilarni qayta ishlash usullarini takomillashtirishga qaratilgan bo'lib, bu yechimlar kelajakda ekologik muammolarni bartaraf etishda asosiy poydevor bo'lib xizmat qiladi. Natijada, kelajak avlodlarga sog'lom, xavfsiz va barqaror ekologik muhit qoldirishga erishish mumkin.

Respublikamiz o'z mustaqilligini qo'lga kiritgandan keyingi eng yirik voqealardan biri tabiatni muhofaza qilish faoliyatining huquqiy taminlanganligi bo'ldi. 1992 yil 9 dekabrda O'zbekiston respublikasining "Tabiatni muhofaza qilish to'g'risida" gi qonun qabul qilindi. Bu qonun tabiiy muhit sharoitlarini saqlab qolishni, inson va tabiat o'rtasidagi munosabatlarning bir tekis rivojlanishini, ekologik tizimlarning tabiiy majmualarini va ayrim obektlarini muhofaza qilishda tabiiy resurslardan oqilona foydalanishning huquqiy, iqtisodiy, tashkiliy asoslarini belgilab berdi [2. 211-b]. O'zbekistonda ekologik munosabatlarni tartibga soluvchi bir qator qonunlar qabul qilindi. Masalan, 1993 yil 7 may kuni qabul qilingan "Alohida himoya qilinadigan tabiiy hududlar to'g'risida"gi qonunni olishimiz mumkin. Bu qonun O'zbekiston hududlarini himoya qilishning ekologik, huquqiy va iqtisodiy asoslarini ta'minlaydi. Bundan tashqari, 1993 yil 6 mayda O'zbekiston Respublikasining "Suv va suvlardan foydalanish to'g'risida" gi qonuni qabul qilingan. Bu qonunning vazifasi suv bilan bog'liq munosabatlarni tartibga solish, suvni ifloslanishdan, kamayib borishidan himoya qilish

vazifasini bajardi. 1996 yil 27 dekabrda O'zbekiston Respublikasining "Atmosfera havosini muhofaza qilish to'g'risida"gi qonun qabul qilindi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to'g'risida" 2017 yil 21-apreldagi PF-5024-son qonuni qabul qilingan. Bundan tashqari, Respublikada ekologik xavfsizlikni ta'minlash va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida davlat boshqaruvini tubdan takomillashtirish, ekologik holatni yaxshilash, chiqindilarning fuqarolar sog'lig'iga zararli ta'sirining oldini olish, aholi turmush darajasi va sifatini oshirish uchun qulay sharoitlar yaratish, maishiy chiqindilarni yig'ish, saqlash, tashish, utilizatsiya qilish, qayta ishlash va ko'mish tizimini yanada takomillashtirish vazifasi maqsad qilib qo'yildi.

Hozirgi kunda Respublikamiz 10 dan ortiq konvensiyalarga qo'shilgan. Ular quyidagilardir :

- *Tabiatga zarar keltirishga qaratilgan har qanday harbiy va boshqa xil ta'sirlarni man etish konvensiyasi ;*
- *Ozon qatlamini himoya qilish Vena konvensiyasi ;*
- *Ozon qavatini buzadigan moddalar bo'yicha Monreal qarori ;*
- *Xavfli chiqindilarni tashqariga tashib chiqarishni nazorat qilish bo'yicha Bazel konvensiyasi ;*
- *Tabiat va madaniy merosni asrash konvensiyasi ;*
- *Biologik turli-tumanlik konvensiyasi ;*
- *Tabiat va madaniy merosni asrash konvensiyasi va h.k*

O'zbekiston Respublikasi hukumati tomonidan tashqi muhitni muhofaza qilish bo'yicha 12 ta xalqaro kelishuvga erishgan. [3. 170-b]

Ekologiya va atrof – muhitni muhofaza qilish, qulay ekologik vaziyatni barqaror ta'minlash, hududiy birliklarning samaradorligini oshirish, shuningdek, 2017-2021 – yillarda O'zbekiston Respublikasining rivojlanish beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar strategiyasining maqsadlariga muvofiqlashtirish hamda davlat boshqaruvida ma'muriy islohotlar kontsepsiyasi doirasida davlat boshqaruvining samaradorligini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasida quyidagilar tuzilgan :

1. Biologik xilma-xillik va qo'riqlanadigan tabiiy hududlarni muhofaza qilish va ulardan foydalanishni nazorat qilish inspeksiyasi va yuridik shaxsni tashkil qilmasdan chiqindilarni yig'ish, saqlash, tashish, yo'qotish, qayta ishlash va nazorati inspeksiyasi bazasida ekologiya va atrof – muhitni muhofaza qilish nazorati inspeksiyasi;

2. Respublika ixtisoslashtirilgan sanitariya tozalash korxonalari assotsiatsiyasi;

3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish va rivojlantirish markazi. [4]

Ma'lumki, konstitutsiyaviy normalarning ekologik siyosatni amalga oshirishdagi o'rni va ahamiyati beqiyos. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida ekologik taraqqiyot strategiyasining asosiy qoidalari va aholining ekologik xavfsizligiga doir talablar belgilangan. Konstitutsiyada ekologik ma'suliyat va barqaror rivojlanish prinsplari aniq belgilab berilgan. Unga ko'ra, fuqorolarning sog'lom atrof-muhitda yashash huquqi kafolatlangan. Har bir insonning ekologik sog'lom muhitda yashash huquqini ta'minlash davlatning ustuvor vazifalaridan biridir. Bundan tashqari, davlat o'z zimmasiga ekologik xavfsizlikni ta'minlash, iqlim o'zgarishiga qarshi kurashish, tabiiy resurslarning qayta tiklanishini ta'minlash vazifalarini ham oladi. Fuqorolarga ham o'z navbatida, atrof-muhitga ehtiyotkorona munosabatlarda bo'lish, tabiiy boyliklarni avaylash va sog'lom ekologik madaniyatni shallantirish majburiyatlari yuklatilgan. Ushbu o'zgarishlar orqali O'zbekiston ekologik muammolarni hal qilishda xalqaro standartlarga muvofiq harakat qilishni maqsad qilgan.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekistonda ekologik muammolarga qarshi kurashishda bir qator muhim tadbirlar amalga oshirilmoqda. Orol dengizi muammosi va ekologik ofatlar mamlakatning tabiiy resurslarini zaiflashtirib, biologik xilma-xillik va suv manbalarining zararlanishiga olib kelgan. Shu bilan birga, ekologik muammolarga qarshi kurashishda davlatning ekologik siyosati, qonunchilik, ta'lim va xalqaro hamkorlik muhim rol o'ynamoqda. Ekologik ong va ekologik madaniyatni shakllantirish jarayonida jamoat tashkilotlari va axborot vositalariga e'tibor qaratilishi lozim. Zamonaviy texnologiyalar va ilmiy tadqiqotlar ekologiyani muhofaza qilishda muhim omil bo'lib, ular atrof muhitni asrash va tabiiy resurslardan oqilona foydalanishda samarali vosita hisoblanadi.

O'zbekistonning ekologik siyosati tabiiy resurslarni muhofaza qilish, barqaror rivojlanish va iqlim o'zgarishlariga qarshi kurashishga yo'naltirilgan, bu esa kelajak avlodlarga yaxshi ekologik muhitni saqlab qolishga imkon yaratadi.

ADABIYOTLAR:

1. Ergashev, M. Yo'lchiyeva, O'. Ahmedov, A. Abzalov "Ekologiya" "Darslik, Toshkent - 2018, 246 – bet
2. P. S. Sultonov "Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish asoslari" "Darslik, "MUSIQA" nashriyoti, Toshkent – 2007, 211- bet
3. Hamdamov, Z. Bobomuradov, E. Hamdamova "Ekologiya" "O'quv qo'llanma, Toshkent – 2009, 170 – bet
4. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7352198>
5. Nurillaevich, Omonov Bahodir, et al. "Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The Education And Training System." *Journal of Pharmaceutical Negative Results* (2022): 984-989.
6. Omonov, Bakhodir Nurillaevich, Go'zal Aralovna Ochilova, and Sitara Ayonovna Azamova. "SPECIFIC CHARACTERISTICS OF THE ECOLOGICAL ENVIRONMENT IN UZBEKISTAN." *World of Scientific news in Science* 1.3 (2023): 15-28.
7. Ayonovna A. S. IN THE CONTEXT OF ENVIRONMENTAL GLOBALIZATION, THE NEED FOR ENVIRONMENTAL EDUCATION BECOMES A PRIORITY //American Journal Of Social Sciences And Humanity Research. – 2024. – T. 4. – №. 07. – C. 30-35..
8. Azamova S. EKOLOGIK GLOBALLASHUV SHAROITIDA O 'ZBEKISTON TA'LIM MUASSASALARIDA EKOLOGIK MADANIYATNING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI //Universal xalqaro ilmiy jurnal. – 2024. – T. 1. – №. 4. – C. 286-289.
9. Ruxsora, G'ULOMOVA. "DAVLAT EKOLOGIK SIYOSATINING IJTIMOIIY MOHIYATI." *News of the NUUz* 1.1.3. 1 (2024): 93-96.
10. G'Ulomova, Ruxsora. "O'ZBEKISTONNING YASHIL IQTISODIYOTGA O'TISHI: MUAMMOLAR VA IMKONIYATLAR." *Academic research in educational sciences* 5.TSUE Conference 1 (2024): 608-612.

REZYUME:

Ushbu maqolada O'zbekistonda ekologik muammolar va ularning bartaraf etilishini ta'minlashga qaratilgan chora-tadbirlar o'rganilgan.

Kalit so'zlar: Ekologik tahdid, atrof-muhit, ekologik jamiyat, ekologik muammo, ekologik siyosat, konvensiya, ekologik madaniyat.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматриваются экологические проблемы в Узбекистане и меры, направленные на обеспечение их устранения.

Ключевые слова: Экологическая угроза, окружающая среда, экологическое общество, экологическая проблема, экологическая политика, конвенция, экологическая культура.

RESUME:

This article examines environmental problems in Uzbekistan and measures aimed at ensuring their elimination.

Keywords: Environmental threat, environment, ecological society, environmental problem, environmental policy, convention, environmental culture.

МОЛ-МУЛКНИ ЙЎҚ ҚИЛИБ ТАШЛАШ МУДДАТИНИ БИР ОЙ ЭТИБ БЕЛГИЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

Қулмаматов Д.У. -

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистри

 10.24412/2181-7294-2025-1-204-208

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан маълумки, мамлакатда коррупция даражасининг камайиши давлат ва жамият бошқаруви қарорларининг қабул қилиниши жараёнида ахборотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга ҳамда жамоатчилик назорати механизмларининг ривожланишига ёрдам беради ҳамда ахборотлар очиқлиги ва шаффофлигининг таъминланиши, ўз навбатида, коррупция даражасининг пасайишига олиб келади.

Шу ўринда мол-мулкларни йўқ қилиш жараёнини амалга ошириш учун қонунчиликда белгиланган муддатлар орқали коррупцион ҳолатларнинг юзага келишини таҳлил қиламиз. Демак, ушбу муддатлар тизимдаги кечикишлар, ҳисоб-китобдаги нотўғрилиқлар ва бошқа тартибсизликларни очиб бериши орқали коррупциянинг яққол намоён бўлишига сабаб бўлади.

Бунда биз, аввало, ушбу қонунчилик муддатлари қачон ва қандай шаклда белгиланганига, уларнинг амалга оширилиши жараёнида қандай механизмлар ишлатилишига ва бу механизмлар орасидаги заифликлар қандай коррупцион ҳолатларнинг юзага келишига олиб келишини кенгроқ таҳлил қиламиз. Масалан, 7 кунлик муддат ичида мол-мулкларни йўқ қилиш лозим бўлса, ушбу муддатларга риоя қилинмаслиги мумкин. Бу эса ўз навбатида, коррупциянинг манбаи сифатида кўриниши ва мол-мулкларни камомадига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, ушбу таҳлил орқали биз мол-мулкларни йўқ қилиш муддатларининг миллий иқтисодиёт, ҳуқуқий тизим ва умумий бошқарувдаги ролини, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларининг самарадорлигини такомиллаштириш учун қандай таклифлар келтириш мумкинлигини ҳам ўрганамиз. Натижада, ушбу ёндашув нафақат коррупция ҳолатларини аниқлашда, балки уларни бартараф этиш ва давлат бошқарувини янада шаффоф ва самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўладиган муддатларни белгилаш лозим. Қонунлар муайян соҳани тартибга солишга қаратилар экан, демак бу қонунлар давлатга, халққа умуман инсонларга қандайдир ҳуқуқни амалга ошириш имкониятини ёқи қайсидир ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан тийилишни таъминлашга қаратилган бўлиши шарт. Ҳар қандай қонун нормаларида англашилмовчилик ва коррупцион ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлигига қаратилган ноаниқликлар бўлиши мумкин эмас.

Ижро ишлари Ўзбекистон Республикасида “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ юритилади. Бюронинг ижро ҳаракатларини шу қонун асосида олиб борилишини ва қонунда қандай нормалар мавжудлигини жамоатчилик тушунмаслиги сабабли ижро ишини айрим муаммоларсиз бажаришга эришилмоқда. Бироқ, юқори суратларда ривожланаётган жамиятимизни ушбу қонун қабул қилинган даврдаги шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини бугунги кун фуқаролари билан солиштириб бўлмайди. Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ҳам кун сайин ошиб бормоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, юзага келаётган муаммолар ижро иши юритувида коррупцион муносабатларни содир этилишига замин яратиб бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун 2001 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 200-сонли Қарори 2009 йилда қабул қилингандан буён кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ижро иши юритувида оид ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқларини паймол қилувчи нормаларга асосланмаслиги лозим. Сабаби, мажбурий ижро ҳаракатлари бир томоннинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклашнинг

якуний босқичи ҳисобланади. Бу босқичда иккинчи томон (қарздор ёки жавобгар) нинг ҳуқуқларига путур етказмаслиги шарт.

Б.Беккулов ўзининг илмий ишида “Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омилларга – вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлигини таъкидлаб ўтади. Масалан, қонуннинг 23-моддаси

3-қисмида давлат ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кун муддат белгилайди. Мазкур нормани ижрочи ҳар бир қарздорга коррупцион вазиятлардан келиб чиқиб 3 кун, 5 кун ёки 10 кун ҳам белгилаш ваколати берилган. Бу каби ҳолатлар ижрочининг кайфиятига ёки қарздорнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлмаслиги керак. Шунинг учун ҳам қонуннинг 23-моддаси 3-қисмидаги ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий бажариш муддатини аниқ вақт режимида 15 кун этиб белгилаб қўйиш лозим” [4] лигини таъкидлаб ўтган.

Мол-мулкларни йўқ қилиш тўғрисидаги ижро ҳужжатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида иштирок этиши мажбурий бўлган ваколатли органларга тегишли хабарнома юборилади ҳамда хабарноманинг тарафларга етиб бориши ва ваколатли орган мансабдор шахслари томонидан тегишли ходимларнинг жалб қилиниши бўйича сарфланган вақтнинг миқдори ҳисобга олинмаган. Шу билан бирга, ушбу ҳужжатда аниқ белгилаб қўйилган муддатга мувофиқ, барча тегишли чора-тадбирлар давлат ижрочиси томонидан ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб 7 кун ичида мол-мулкларни тўлиқ йўқ қилишни таъминлаш зарурлиги тасдиқланади. Бу ифодада, хабарноманинг етказилиши ва тегишли ходимларнинг жалб қилиниш жараёнида кэтадиган вақт назарда тутилишидан қатъий назар, мол-мулкларнинг йўқ қилиниш муддати аниқ равишда 7 кун ичида бажарилиши шартлиги таъкидланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 200-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк бўлимлари ҳуқуқий асос ва тартибда кенг қамровли шаклда ифодалаб беради, яъники Суд қарорлари асосида аниқланган жиноий ёки маъмурий ишлар доирасида олиб қўйилган мол-мулк таркибига жиноий буюмлар ва қуроллар, шунингдек, ашёвий далиллар билан боғлиқ қисм киради. Ушбу буюмлар давлат даромадига ўтказилиши, шунингдек, жиноят жараёнида исбот материаллари сифатида эътироф этилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича суд қарорлари натижасида аниқланган, мол-мулк таркибида ҳуқуқбузарлик буюмлари ва қуроллар, шунингдек, ашёвий далилларга оид қисм давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган элементларга мос келади. Жиноят ишлар бўйича суд қарорлари асосида тергов, дастлабки тергов ёки суд жараёнида мол-мулк ундиравларини таъминлаш мақсадида банд солинган қисми, давлатга етказилган зарарларни қоплашга йўналтирилган тарзда давлат даромадига ўтказилади. Ушбу қисм, мулкни асоссиз эгаллаш ёки зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбуриятларни акс этиради. Тергов органлари қарорлари асосида ишни тўхтатиш вазиятида аниқланган мол-мулк таркибидан жиноий буюмлар ва қуроллар, шунингдек, ашёвий далилларга оид қисм ҳам давлат даромадига ўтказиладиган қисм сифатида белгиланган.

Божхона органлари қарорлари асосида экспорт қилишга тақиқ қўйилган буюмлар ва маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган қисми, шунингдек, мамлакат ҳудудига олиб кириладиган ва унинг ҳудуди орқали ташиладиган (ҳалқаро транзитдан ташқари) ҳолатда бўлган, аксиз марки билан белгиланган бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар ҳам давлат даромадига ўтказилиш тартибига киритилади. Солиқ органлари томонидан қабул қилинган қарорлар асосида аксиз марки билан белгиланган бўлмаган, сақланаяётган, сотиладиган ёки ноқонуний ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар ҳам давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк таркибига киритилган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қабул қилинган қарорлар асосида, аксиз марки билан белгиланган бўлмаган, сақланаяётган, сотиладиган ёки ноқонуний ишлаб

чиқилаётган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар ҳам давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкнинг тегишли қисмини ташкил этади.

Ушбу Низом асосида, белгиланган мол-мулк қисмлари қонуний меъёрлар ва тегишли суд, божхона, солиқ ҳамда тергов органлари қарорлари доирасида аниқланиб, давлат даромадига ўтказилиши тартибида қатъий ҳуқуқий қафолатланади. Ҳар бир бўлим учун белгиланган қоидалар ва мажбуриятлар, давлат мол-мулкни ҳимоя қилиш, мулк эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш ва давлат даромадини ошириш мақсадида, тегишли органлар томонидан синчковлик билан назорат қилиниши ва таъминланиши белгиланган.

Низомнинг 5-бандида “Олиб қўйилган мол-мулк, қоида ва меъёрларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бошқармалари томонидан, мол-мулкни сотишга оид хизматларни амалга ошириш мақсадида шартномалар тузган ва тегишли савдо ташкилотларига, мол-мулкни сақлашга ега бўлган муассасалар берилади. Бу тартибда божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулк назарда тутилмайди.

Божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш Божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулк, ушбу ҳужжатда кўрсатилган тартибда, «Божхона-сервис» давлат муассасаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари орқали сақлашга топширилади.

Қимматбаҳо металллар ва тошларнинг сақланиши аниқ белгиланган тартибда, олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металллар (палладий, иридий, родий, рутений, осмий), шунингдек қайта ишланмаган ва қайта ишланган табиий қимматбаҳо тошлар (олмос, бриллиант, ёқут, зумрад, сапфир, табиий марварид) ва ярим қимматбаҳо тошлардан тайёрланган заргарлик маҳсулотлари ва уларни ўз ичига олган маҳсулотлар, (кейинчалик қимматбаҳо металллар ва тошлар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига сақлаш мақсадида берилиши шарт.

Махсус шарт-шароит талаб қиладиган бошқа мол-мулк Автотранспорт воситалари, дори воситалари ва ҳоказо каби, махсус шарт-шароитларни талаб қиладиган мол-мулклар, тегишли бинолар, майдончалар ва омборлар орқали сақланиши мумкин.

Миллий ёки хорижий валютадаги олиб қўйилган нақд пул маблағлари (ашёвий далиллар сифатида эътироф этилган пул маблағлари мустасно) олиб қўйган органнинг талаб қиладиган махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бу амал уч кун ичида бажарилиши шарт бўлиб, пул маблағлари бюронинг туман (шаҳар) бўлимлари мазкур Низомнинг 53-бандига мувофиқ очиладиган махсус ҳисоб рақамларига, шунингдек, 57-банди ва қонунчиликда белгиланган тартибда эгаларига қайтариш учун ҳисобдан чиқарилади.

Сақлашга масъул шахслар мол-мулк сақлашга топширилгандан сўнг сақлаш шартларига қатъий риоя қилиш ва тегишли шарт-шароитларни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мазкур шахслар, мол-мулкнинг бузилиши, шикастланиши, ўзлаштирилиши, камомади, яширилиши ёки йўқ қилиниши ҳолларида тўлиқ моддий зарар учун жавобгарликка тортилади ҳамда бошқа қонуний жавобгарлик шаклларида дуч келиши мумкин.

Мол-мулкни қабул қилиш ва топшириш жараёнида мол-мулкни сақлашга қабул қилиш ва топшириш тўғрисидаги барча амаллар, ваколатли органнинг мансабдор шахси ва мол-мулкни сақлашга қабул қилган шахс томонидан имзоланган, уч нусхада расмийлаштирилади. Мазкур далолатномада, мол-мулкни сақлашга қабул қилган шахс ушбу мол-мулкнинг ўзлаштирилиши, камомади, яширилиши, йўқ қилиниш ёки унга шикаст етказилганлиги ҳолларидаги жавобгарлик, шу жумладан, жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги ҳам баён этилади.

Мол-мулк сақлашга топширилгунгача, унинг ҳолати ва сақланиши бўйича тўлиқ масъулият, мол-мулкни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси зиммасига юкланади. Бу босқичда, олиб қўйилган мол-мулкнинг сақланиши ва ягона ҳолда сақланишини таъминлаш мақсадида, барча тегишли чора-тадбирлар ва назорат механизмлари амалга оширилади” [5].

Олиб қўйилган мол-мулкнинг сақланиши бўйича қонунчиликда белгиланган тартиб ва меъёрлар, шартномавий асосда савдо ташкилотларига топширилиши, мол-мулкнинг махсус

шароитда сақланиши, нақд пул маблағларининг белгиланган депозит ҳисоб рақамларига ўтказилиши ҳамда сақлаш учун масъул шахсларнинг юкланадиган кенг қамровли жавобгарликлари тўлиқ баён этилган. Бундай ҳуқуқий механизмлар мол-мулкнинг бузилиши, шикастланиши ёки ўзлаштирилиши каби ҳолатларнинг олдини олиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва эгаларига қайта қайтариш жараёнидаги назоратни мустаҳкамлашга қаратилган.

Шу ўринда эътиборимизни мазкур Низомнинг 5-банди 5 хатбошига қаратадиган бўлсак сақлаш учун масъул шахс белгиланиши орқали ваколатли орган томонидан, мол-мулкни қонунчиликда белгиланган нормаларга мувофиқ сақлашни таъминлайдиган махсус омбор бинолари, асбоб-ускуналар ва шарт-шароитларга эга бўлган бошқа ташкилотларнинг инфратузилмасида жойлаштирилишига имкон яратилган. Бу ҳолатда бюро органларида ижро ҳаракатларини олиб боришда келиб чиқаётган муамоларга қаратсак.

Ваколатли органларнинг маъмурий бинолари ёки сақлаш учун ажратилган ҳудудларда мол-мулкни сақлаш шароитлари етарлича таъминланмагани сабабли, кўп ҳолларда мол-мулкнинг йўқолиши, ўзлаштирилиши ёки нобуд бўлиши ҳолатлари кузатилаётгани маълум. Айрим Давлат ижрочилари эса, ҳуқуқий билим ва кўникмалар етишмаслиги туфайли, бу масалада юқори турувчи мансабдор шахсларга мурожаат қилмасдан, ваколатли органдан мол-мулкни йўқ қилиш бўйича такроран сўровлар юбориш билан чекланмоқда.

Шунингдек, тергов органи томонидан далилий ашё деб топилган мол-мулк судга иш юборилганидан кейин бир неча ой ўтиб топилмай қолиши ёки бошқа муаммолар юзага келиши ҳолатлари мавжуд. Мол-мулкни йўқ қилиш учун белгиланган муддат амалда самарали ишламаяпти. Давлат ижрочиси ваколатли органдан мол-мулкни топиш учун муддат сўраганда, 3 кун ичида мулк топилиб, ижрочига топширилади, қолган 4 кун мобайнида эса уни йўқ қилиш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижро иши юритувига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳалари коррупция омилини кетириб чиқарадиган, коррупцион муносабатлар юзага келтирадиган қонунчиликдаги муаммоларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар сифатида – жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар мавжуд. Мазкур қонуннинг бирорта моддасида жамоатчилик назорати иштироки деган сўз ҳам йўқлигини кўришимиз мумкин. Албатта ижро иши юритувига оид қонунчиликдаги бундай муаммолар коррупцион муносабатлар юзага келишининг омилига айланиши мумкин. Биз амалиётчи ходим сифатида хизмат вазирамизни “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун асосида олиб боришимиз натижасида қонуннинг такомиллаштиришга эҳтиёжи борлигини кўраёмиз.

Коррупцияга қарши курашишда илғор тажрибага эга бўлган ҳамда бу борада муваффақиятга эришган айрим хорижий мамлакатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонун билан тартибга солинади. Жумладан, Россия Федерациясининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Федерал қонунида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва уларни кейинчалик йўқ қилиш мақсадида, коррупцияга қарши экспертиза ўтказилиши белгиланган. Бундан ташқари, Корея Республикасининг “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунида коррупцияга қарши кураш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссиясига қонун ва уларнинг лойиҳаларидан коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ваколати берилган. Шу билан бирга, Словения Республикасининг “Ҳалоллик ва коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари парламент томонидан кўриб чиқилгунига қадар, Коррупцияга қарши курашиш комиссияси томонидан коррупциянинг олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш юзасидан ўрганилиб, комиссия ҳулосасига асосан парламентга юборилиши белгиланган [7].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2009 йилдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 200-сонли Қарори айрим коррупцион нормалар акс этганлигини таҳлилий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилдик. Мазкур қонун

нормалари коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши, бунда ваколатли органлар томонидан далилий ашё тариқасида олинган мол-мулкни сақлаш учун топширишда бюро органлари билан шартнома имзолаган савдо ташкилотига топширишни аниқ белгилаб берилиши, шунингдек, ижро иши юритишни қўғзатиш тўғрисидаги қарор чиқарилган вақтдан бошлаб мол-мулк тоифасидан келиб чиққан ҳолда 30 кунгача узайтирилиши ижро иши юритувида коррупцион муносабатлар юзага келишини олдини олишга хизмат қилади.

Илгари сураётган таклифимизда мол-мулкни йўқ қилиш муддати унинг тоифасидан келиб чиқиб белгиланса, қуйидаги афзалликлар эришилади:

Аниқлик ва шаффофлик асосида ҳар бир мол-мулк тури учун белгиланган муддат орқали ижро жараёнини режалаштириш осонлашади.

Мол-мулкнинг ноқонуний равишда ўзлаштирилмаслиги, ижро жараёнидаги коррупциянинг келиб чиқмаслиги ҳамда шошилиш қарорлар қабул қилинмаслигига эришилади.

Техник имкониятлар орқали айрим мол-мулкларни йўқ қилиш учун махсус ускуналар, хизматлар ёки экологияга таъсири ҳисобга олинади.

Таклиф этиладиган муддатлар мисоли:

- Осон йўқ қилинадиган буюмлар (ҳужжатлар, маиший буюмлар, озиқ-овқат) – 7-10 кун
- Катта ўлчамли жиҳозлар, техникалар – 15-20 кун
- Экологик ёки хавфли мол-мулк (кимёвий моддалар, радиоактив материаллар) – 1 ойгача

Шу тарзда ҳар бир турдаги мол-мулк учун аниқ муддат кўрсатилса, ижро жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатларни олди олинишига эга бўлардик.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан қабул қилинган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Низом
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.08.2001 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун. <https://lex.uz/docs>
3. Беккулов А.Ф. “Давлат ижрочиси фаолиятида коррупциявий омилларни бартараф этишни такомил-лаштириш масалалари” мавзусида магистрилик иши.
4. Ҳамидов А.О. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлашда инновацион ёндашувларни жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусида ёзилган диссертация иши Тошкент – 2021 й.

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақолада мол-мулкни йўқ қилиш муддатини бир ой этиб белгилашнинг ҳуқуқий ва амалий асослари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: мол-мулкни йўқ қилиш, коррупция, ҳуқуқий механизмлар, ижро жараёни, қонунчилик, назорат, шаффофлик, давлат бошқаруви.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье анализируются правовые и практические основания установления срока уничтожения имущества в один месяц.

Ключевые слова: уничтожение имущества, коррупция, правовые механизмы, исполнительный процесс, законодательство, контроль, прозрачность, государственное управление.

RESUME:

This article analyzes the legal and practical basis for establishing a one-month period for the destruction of property.

Key words: property destruction, corruption, legal mechanisms, enforcement process, legislation, control, transparency, public administration.

SHAHARLASHISH JARAYONLARINING RETROSPEKTIV ASOSLARI

Ahmadjonova D.G. –

O'zMU magistri



10.24412/2181-7294-2025-1-209-211

Ma'lumki, sivilizatsiya kishilik jamiyati rivojining ma'lum davrida paydo bo'ldi. Sivilizatsiyaning yuzaga kelishida va rivojlanishida shahar yetakchi rol o'ynadi. Sababi, aynan shaharlar sivilizatsiya paydo bo'lishi va rivojlanishini ta'minlagan barcha jarayonlar kechgan markaz rolini bajargan. Umuman, sivilizatsiya va ilk davlatlar paydo bo'lish jarayoni ilk shaharlar tashkil topishi va rivojlanish jarayoni bilan proporsional kechgan.

Ilk shaharlar paydo bo'lishi masalasi to'g'risida olimlar o'rtasida turlicha qarashlar mavjud. Bir guruh olimlar shaharlar "revolyusion" tarzda paydo bo'ladi, deb hisoblasalar, ikkinchi guruh olimlar "evolyusion" nazariyani qo'llab-quvvatlaydi. Bunday bahslarga aniqlik kiritishda shaharlarni shakllantiruvchi shart-sharoitlardan kelib chiqish o'rinli. Shaharlarni shakllantiruvchi birinchi omil – tabiiy shart sharoitlar bo'lib, bu qulay tabiiy muhit, yer unumdorligi, suv resurslari va qulay iqlimni sharlaydi [1].

Shaharlar turli hududlarda turli davrlarda shakllanadi. Eng qadimgi shaharlar Shumer, Akkad va Hindistonda eramizdan avvalgi IV-III ming yillikda paydo bo'ldi. Xitoyda ilk shaharlar bir muncha kechroq, eramizdan avvalgi III-II-ming yillikda, Amerikada eramizdan avvalgi I ming yillik oxirlarida va Yevropaning shimolida hozirgi eraning I ming yillikning 2-yarmida paydo bo'ldi. Bu shaharlar insoniyat tarixidagi urug'chilik tuzumidan davlatchilikka o'tishning asosiy belgisi bo'lib qoldi.

Garvard universiteti professori Edvard Gleyzer shaharlarni ta'riflar ekan: "Shahar bu hamkorlik qilish imkoniyatlari va bu insoniyatning eng ko'zga ko'ringan omadli yechimlaridan biridir. Shahar hayotining zichligi, o'zgalarning muvaffaqiyatlari va omadlarini kuzatishdan kelib chiquvchi, doimiy yangi ma'lumotlar oqimini yaratadi" – deydi [2]. Shaharlar insonlar soni oshishi bilan birga fikrlar va g'oyalar xilma xilligiga erishadi, bir insondan ko'ra bir necha shaxslar bergan g'oyalar biron yangilik yaratilishiga olib keladi.

Shaharlarning paydo bo'lishi negizida mehnat taqsimotiga asoslangan va uning har xil turlarini shakllantirish yotadi. Birinchidan, qiymatda emas, tartibda. Hunarmandchilikni dehqonchilik va chorvachilikdan ajratish. Ikkinchisi - ma'muriy funksiyalarning (sud, fiskal, harbiy, hududiy va ma'muriy) paydo bo'lishi. Bu holda "poytaxt" (stolitsa) va "taxt" (stol, prestol) so'zlarining bir xil ildiz kelib chiqishini eslatib o'tish o'rinli bo'ladi. [3]

Shahar tushunchasini ikki jihatdan ko'rib chiqish mumkin: til (tilshunoslik) nuqtai nazaridan va madaniyat nuqtai nazaridan. Shahar, lug'at ta'riflariga ko'ra, "katta aholi punkti, ma'muriy, sanoat, savdo va madaniy markaz", "devor bilan o'ralgan va mustahkamlangan qadimiy aholi punkti" ma'nosida XIII asrdan beri ma'lumdur. [4] "Shahar" so'zi yunoncha *polis*, lotincha *urbs* so'zlaridan kelib chiqqan bo'lib, dastlab yerga egalik qiluvchi, hududi o'zlariga bo'ysunadigan, shuningdek, shahar markazining o'zi fuqarolarni birlashtirgan erkin, teng huquqli odamlar jamoasini anglatgan.

Urbanizatsiya – bu shaharlashuv, markazlashuv degani bo'lib, bir hudud markazida aholi sonini keskin o'sishidir. Insonlar sonining bir hududda to'planishi va zichlanishi "shahar" hududlarining shakllanishiga va markaz hududlarning paydo bo'lishiga sababchi bo'ldi. Barselona davlatining kengayishini loyihalashtirgan, ispan shahar rejalashtiruvchisi Ildefons Serda (1815-1876) zamonaviy shaharsozlikni fan sifatida nazariy asoslarini yaratib, "urbanizatsiya" atamasini fanga kiritdi. [5] 1867 yilda Ildefonsning fundamental ilmiy "Urbanizatsiyaning umumiy nazariyasi" asari nashr etildi. U birinchilardan bo'lib shaharlarni o'zaro bog'langan va dinamik tizim sifatida taqdim eta olgan. Urbanizatsiya so'zi bugungi kunda shaharni kengaytirish, qayta qurish jarayonini tasvirlash va o'rganish uchun foydalanilib kelinmoqda.

Urbanizatsiya jarayonlarining sezilarli belgilari asrdan asrga kengayib bordi. Albatta, bu jarayonlar O'rta Osiyo va O'zbekiston hududini ham chetlab o'tmadi. Hunarmandchilik va savdoning rivojlanishi natijasida miloddan avvalgi VII - VI asrlarda qadimgi shaharlar rivojlangan. Ular

mustahkam mudofaa devorlari bilan o'ralgan bo'lib, hunarmandchilik ishlab chiqarishi va savdo markazlari edi. Mil. avv. VII-VI asrlarda shahar madaniyati. Qadimshunoslar Afrosiyob (Samarqand), Yermo'rg'on va Uzunqir (Qashqadaryo vohasi), Ko'zaliqir (Xorazm), Qiziltepa (Surxondaryo vohasi) kabi qadimiy shaharlarni o'rganishgan. Qadimgi shaharlarga xos umumiy belgi ularning mudofaa devorlari bilan o'ralganligida edi. Shaharlarning bir qismi savdo va hunarmandchilik markazlari, shuningdek boshqalari alohida tuman va viloyatlar markazlari hisoblangan. Chunki, u davr uchun hunarmandlik asosiy daromad manbalaridan biri bo'lgan. Shahar ichkarisida turar-joylar va hunarmandchilik ustaxonalari joylashgan. Shunday qilib, shaharlarda savdo-sotiq rivojlangan shunga ko'ra, ilk o'rta asrlardan boshlab shahar hunarmandchilik, savdo-sotiq va madaniy hayotning markaziga aylandi.

Qadimgi va qadimiy shaharlar, G.Shoberg shaharlar paydo bo'lishining uchta sababini ko'rsatadi:

- 1) qulay ekologik baza;
- 2) qishloq xo'jaligi va qishloq xo'jaligidan tashqari tarmoqlarda yangi texnologiyalar;
- 3) murakkab ijtimoiy tashkilot va yuqori darajada rivojlangan hukumat tuzilmasi.

Shaharlarning paydo bo'lishining "texnologik" ilk sabablari orasida qishloq xo'jaligidagi inqilobdir, bu qishloq xo'jaligi mahsulotlarining sezilarli darajada yetarli bo'lishiga imkon berdi. Shuningdek, transport vositalari va ijtimoiy tashkilot shakllarining paydo bo'lishidadir, bu ko'p sonli aholining hayot tarzini tashkil qilish imkonini beradi.

Sotsiolog Larisa Filioglo o'zining "Makon va shahar sotsiologiyasi" [6] kitobida, dastlabki shaharlarning xususiyatlari, bu yuqori zichlikdagi uy-joylar va ko'p sonli doimiy aholi, ko'p sonli aholining qishloq xo'jaligi faoliyati bilan shug'ullanishi, yuqori soliqlar va kapital to'planishi (akkumulyatsiya), monumental yangi jamoat binolari, hukmron sinf, ro'yhatga olish, aniq fanlardan foydalanish, savdo, qarindoshlik munosabatlariga asoslanmagan ko'chishlardir deb yozadi. Urbanizatsiya jarayonlari davrlar mobaynida yozilgan va yozilmagan qonunlar asosida tartibga solinib turilgan. Sayyoramizning eng yetuk mavjudoti bu insoniyat bo'lib, u tarixdan o'sishda va rivojlanishda tinmagan.

Arxeologik tadqiqotlarga ko'ra, antik davr shaharlari kanalizatsiya tizimlari, shaharlarni obodonlashtirish, shu jumladan, saroy oldidagi maxsus tashkil etilgan joylar va ibodatxonalarga ega edi. Shunga qaramay, shahar hududi XV-asrga qadar urbanizatsiya talablariga ko'p tarafdin to'g'ri kelmas edi. U davrda shahar aholisi hali u qadar ko'p emas edi. Shahar ko'chalari yetarli darajada ba'zi hududlarida esa umuman yoritilmagan, piyoda yo'laklari va shu kabi shart – sharoitlar yetarli darajada ijobiy yo'lga qo'yilmagan edi. Yevropa shaharlarida ko'chalar infratuzilmasi, xatto ko'chalarni tozalash xizmatlari joriy etila boshlangan. XVII-XVIII asrlarga kelib Yevropa shahar hayoti yangi bosqichlarga o'tib borgan. Jumladan, ishlab chiqarish rivojlanishi va avtomobil ixtirosi shahar hayotini impulsiv jonlantirib yubordi. Angliya, Fransiya va Germaniya davlatlari shular jumlasidandir.

XIX asrga kelib aholi soni o'sib bordi, shu yo'sinda shahar aholisi ham sezilarli ko'paydi. Shahar hududlarida uy-joy muammosi keskinlashdi. Turar-joy binolarining ko'pchiligi xususiy ishlab chiqaruvchilar tomonidan qurilar edi, ularni o'z yashash joyi uchun hamda ijaraga berish uchun qurilar edilar. Shu davrlarga kelib urbanizatsiya jarayoning ko'pgina belgilari shaharlarda namoyon bo'la boshladi.

Shaharlar hayotini jadalashtirib yuborgan texnologik yangiliklar, xususan, birinchi daryo yo'lovchi tashish paroxodlari 1807 yilda AQShda qo'llanila boshlandi. Parijdagi bug' aylanma yo'li 1862 yilda qurilgan, Londondagi bug'li metro 1867 yilda ishlay boshlagan. Birinchi elektr tramvay 1881yilda Germaniyada va 1883 yilda AQShda yo'lga qo'yilgan. Trolleybus harakati esa AQShda 1882 yilda boshlangan. Elektr yer osti metrosi 1891 yilda Londonda, 1896 yilda Budapeshtda, 1898 yilda Parijda paydo bo'lgan. Yevropa va Amerikaning yirik shaharlarida avtobus qatnovi XX-asrda yo'lga qo'yilgan. Bunday sharoitlar va yangiliklar shahar aholisini quvontirishdan tashqari shahar chetidagi aholini shaharga qiziqishini orttirar edi. Aholi shaharga ish topish uchun, ta'lim dargohlarida o'qish va boshqa imkoniyatlar uchun ko'chib kela boshlagan. Shaharlar va shahar tizimlarining rivojlanishi XX-asrning ikkinchi yarmida rivojlangan mamlakatlarda davom etdi va hozirgi kungacha urbanizatsiya jarayonlari sodir bo'lmoqda. BMT prognozlariga ko'ra, XXI asrning o'rtalariga kelib

shahar aholisining ulushi dunyo aholisining 50% ni tashkil qiladi. Shu bilan birga, postindustrial davrda urbanizatsiya jarayoni yangi xususiyatlar kasb etishini boshladi.

Shaharlarning umumiy o'sishi bilan bir qatorda ta'limga qiziqish tendensiyasi, shahar aglomeratsiyasining shakllanishi va tez rivojlanishi bilan ko'zga tashlandi. Bu holat yer to'lovlarining oshishi va yirik shaharlarda eng ko'p namoyon bo'ladigan ijtimoiy-iqtisodiy va ekologik muammolarning kuchayishi bilan bog'liqdir. XXI-asr kuzatuvlari va statistikasiga ko'ra shahar chekkalari va shaharga yaqin hududlarda jadallik bilan qurilish ishlari olib borilmoqda.

Urbanizatsiya nafaqat hudud joylashuvi va iqtisodiy sharoitlarni o'z ichiga olishi zarur, balki yana bir necha imkoniyat va imtiyozlarni aholiga bera olishi hozirgi globalizatsiya jarayoni talabi hisoblanadi. Markazlashgan hudud ya'ni shahar aholiga ijtimoiy barqaror holat, siyosiy erkinlik, madaniy o'sish imkoniyatlari, sifatli ta'lim olish sharoitlari va ekologik toza muhit va resurslar shular jumlasidandir. Shaharda bu "takliflar" ning yo'qligi yolg'on (soxta) urbanizatsiya siyosatiga olib keladi. Urbanizatsiya va urbanizm har doim ham bir-biriga parallel ravishda ketavermaydi. Rivojlanayotgan mamlakatlarning aholi kontsentratsiyasi yuqori bo'lgan hududlarida ko'rishingiz mumkin, shaharlashgan, lekin shu bilan birga urbanizmning darajasi past. Soxta urbanizatsiya - bu shahar aholisining o'sishi jarayoni, ammo shahar infratuzilmasining rivojlanish sur'ati ko'paygan aholini zarur xizmatlar (infratuzilma, infastruktura) bilan ta'minlay olmaydi, shuningdek, yangi odamlarning shahar madaniy muhitiga qo'shilishiga yo'l qo'ymaydi.

Urbanizatsiya jarayoni nafaqat aholining bir joyga zichlashishi, balki uning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, madaniy va ekologik ehtiyojlariga mos ravishda rivojlanishi zarurligini ta'kidlab o'tish muhimdir. Urbanizatsiya jarayoni shaharlarning dinamik rivojlanishini ta'minlaydigan asosiy omil sifatida, shaharlarning davlatning iqtisodiy va ijtimoiy "yuragi" sifatida o'z o'rnini saqlab qolishini ta'minlaydi.

Urbanizatsiyaning hozirgi to'xtovsiz jarayonini bilgan holda, uning kamchiliklari o'rganilib, o'z vaqtida bartaraf etilmas ekan shaharlarning o'ziga xos xususiyatlarini ham yo'qotishiga olib kelishi mumkin. Shu sababli, urbanizatsiya jarayonining muvaffaqiyatli amalga oshirilishi uchun tizimli sotsiologik monitoring va tadqiqotlar o'tkazilishi zarur. Bu monitoring, shahar aholisining fikrini doimiy ravishda o'rganish va tahlil qilish orqali, shaharlar rivojlanishining ijtimoiy jihatlarini aniqlash imkonini beradi. Aholining ehtiyojlari va fikrlarini inobatga olgan holda, urbanizatsiya jarayonlarini yanada samarali va barqaror qilish mumkin.

ADABIYOTLAR:

1. Utayeva F.X. O'rta Osiyoning qadimgi va O'rta asrlar urbanizatsiyasi. O'quv qo'llanma. - Buxoro. 2021. - B. 7.
2. Глейзер Э. Триумф города: Как наше величайшее изобретение делает нас богаче, умнее, экологичнее, здоровее. - Москва., 2014. - С. 369.
3. Казанцев В.И., Светуньков М.Г. Социология города. - Москва., 2004. - С. 49.
4. F Ahmedova. Shahar sotsiologiyasi. O'quv qo'llanma. - Toshkent., 2023. - B.10.
5. Мальцев С. Специалист в области городского управления. Барселона: как спасти наследие Ильдефонса Серды. 2022. <https://habr.com/ru/companies/ruvds/articles/679064/>
6. Филиогло Л.Д. Социология пространства и города. - Москва., 2016. - С.40.

REZYUME:

Maqolada dastlabki shaharlarning paydo bo'lishi va rivojlanishining ijtimoiy shart sharoitlari o'rganilgan. Ushbu jarayon tarixiy dinamikada tizimlatirilgan va shaharlarlarda aholi konsentratsiyasi statistik ko'rsatkichlarda berilgan.

Kalit so'zlar: shaharlashuv, urbanizatsiya, soxta urbanizatsiya, hudud, ko'chish, ilk shaharlar, globalizatsiya.

РЕЗИОМЕ:

В статье исследуются социальные предпосылки возникновения и развития ранних городов. Этот процесс систематизирован в исторической динамике, а концентрация населения в городах приведена в статистических показателях.

Ключевые слова: урбанизация, ложная урбанизация, территория, переселение, первые города, глобализация.

RESUME:

The article examines the social prerequisites for the emergence and development of early cities. This process is systematized in historical dynamics, and the concentration of population in cities is shown in statistical indicators. The need to apply the concept of urbanization in scientific consumption is scientifically justified.

Keywords: urbanization, false, area, migration, first cities, globalization

XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARIDA HINDISTONDAGI IJTIMOIIY-SIYOSIIY JARAYONLAR**Abduvaxidov A.A. -***Imom Termiziy Xalqaro Ilmiy Tatqiqot Markazi Ilmiy xodimi* 10.24412/2181-7294-2025-1-212-215

Hindiston ko'p asrlik tarixga ega buyuk davlatlardan biridir. Lekin XX asr bu davlat tarixida juda katta o'zgarishlar bo'lib o'tgan davr hisoblanadi. Aynan shu vaqt Hindiston o'z mustaqilligini qo'lga kiritgan muvafaqqiyatli davr deb bilsak, shu bilan bir vaqtda hukumatda katta yo'qotishlar asri deb ham aytishimiz mumkin. Sababi, Pokiston va Bangladesh davlatlari ham aynan shu davrda Hindistondan ajralib alohida davlat sifatida dunyo xaritasidan joy olgan davrdir. Hindiston bu vaqtda dunyoning qoloq davlatlaridan biri edi. "Bu davrgacha davlatni ijtimoiy, siyosiy va iqtisodiy muammolar qiynab keldi: aholining qashshoqlashib borishi, turli xil epidemiyalarning tarqalishi shundoq ham qiyin bo'lgan xalqni battar qiyinchilik girdobiga kirgizib aholining katta qismining o'limiga sabab bo'ldi. O'rtacha umr yoshi pasayib ketib yigirma uch yoshni tashkil etdi [1]. Bu ishlarning asosiy sababi davlatning mustamlakaligi edi". Hindistonga G'arb ta'limini olib kirish, g'arbcha g'oyalarning keng tarqalishiga ham sabab bo'ldi. Jumladan hind madaniyatiga xristian missionerlarining faoliyati bilan hinduizmning yangicha ko'rinishi shakllana boshladi. Hinduizmning yangicha ko'rinishdagi shakllanishi hindlarga vatanparvarlik va ingliz hukumatiga qarshi kurashning kuchayishiga sabab bo'ldi.

Mo'tadillar g'arbcha madaniyatni jamiyatdan siqib chiqarish uchun Bhagavadgita g'oyalaridan foydalana boshladi. Ular yangicha madaniyatga ega iqtisodiyoti gurkiragan hukumatda yashagandan ko'ra o'lim afzal deya xalqqa murojaat qildilar. Bu paytda ekstrimistlar ham qo'l qovushtirib o'tirishmadilar. Ular xalq orasidagi "qutlug' Angliya hukumati" va "mutelik siyosati" kabi ayrim gaplarga iddao bilan chiqib, jiddiy noroziliklar bilan qaytarishdi. Ya'ni Britaniyaning Hindistonni iqtisodiy mustamlakaligidan ozod qilish Kongress va inqilobchilar oldidagi asosiy vazifa sifatida oldinga tashlandi. Bundan tashqari ya'na mo'tadillar o'z oldiga jamiyatdagi ijtimoiy vazifalarni, aniqroq qilib aytganda ayollar va qizlarning ta'lim olish masalasini birinchi o'ringa olib chiqdi. Bu esa keyinchalik ularning Kongressdagi siyosiy va iqtisodiy pozitsiyalarini yo'qotishiga olib keldi. Shu kabi qizg'in siyosiy masalalar Kongressning keyingi 10 yillik davrini ijobiy tomondan siyosiy o'zgarishlar tomon yetakladi. Bu vaqtga kelib inglizlar hindlar uchun katta ahamiyatga ega bo'lmagan siyosiy va konstitutsiyaviy o'zgarishlar qildi. Lekin, xalq ahvolini yengillashtiradigan iqtisodiy islohatlar o'tkazishdan bosh tortdi. Shu sababli ham bu jarayon hukumatda katta ovoz to'plab liderlikni saqlab turgan mo'tadillarning ahvolini battar og'irlashtirdi.

Mo'tadillar vakilidan chiqqan Gohali 1905-yilda prezident sifatida quyidagicha nutq so'zladi: "hukumatning maqsadi hind xalqi uchun ularning farovon yashashidir. Buning uchun biz yaxshimi yomonmi inglizlar bilan taqdirimizni birlashtirish va ularning rivojlangan iqtisodiyotini o'zimizga joriy etishdir". Bu kabi so'zlarning hukumat otasining og'zidan chiqishi Kongressda 20 yillik vaqt davomida davlatni boshqarib kelgan guruhning obro'siga katta tasir qildi. Aslida mo'tadillar a'zolarining qoni hind bo'lishiga qaramasdan o'zlarining yuqori g'arb madaniyatiga ega aslzodalardek ko'rar edi. Shunga qaramasdan ularning maqsadlari hindlarni yuqori mansablarga ko'tarib, hokimiyatni to'liq o'zlarining qo'lga o'tkazish edi [2]. Tushunish ozgina qiyinchilik tug'dirish mumkin, qanday qilib Hindistonda bo'la turib hokimiyatga hindlarni o'tkazishni maqsad qilganining sababi, mustaqillikka qadar hind hukumatining aksariyat qismi ingliz amaldorlaridan tashkil topgan edi. Bundan tashqari jamiyatdagi ijtimoiy masalalarni hukumat darajasiga olib chiqdi, davlat hududiga boshqa joylardan kirib kelayotgan tovar uchun boj to'lovlarini bekor qilish to'g'risidagi taklifga qarshi chiqdi, oddiy xalq uchun beriladigan kreditlarni, irrigatsiya va qishloq xo'jaligida islohatlar o'tkazishni va dalada mehnat qiluvchi yollanma ishchilarning sharoitlarini yaxshilashni talab qilib chiqdi. Shu bilan birga xalq orasida aholining qashshoqlashuvi oshib borayotganiga qarshi choralar ko'rishni hamda ommaviy axborot vositalariga qo'yilgan cheklovlarni tag-tugi bilan olib tashlashni qa'tiy talab qildi. Xususan

Tilak hukumatga qarshi chiqishlar qilgani uchun 18 oy davomida hibsda ushlanib, u nima sababdan hibsda ushlanib turganligi to'g'risidagi ma'lumotlarni matbuotda yoritmasligini hukumat qat'iy nazorat qilardi.

Mo'tadillar keng qamrovli ijtimoiylashuvni amalga oshira olmaganligi sababli ularni juda tor doiradagi xalq vakillari bilishardi. Ular faqat shaxar miqyosidagina chiqishlar qila oldi holos. Bu esa ularning zaif tomoniga aylandi. Lekin bunday kamchiliklariga qaramay mo'tadillar tinch yo'l bilan konstitutsiyaviy islohotlarni bosqichma – bosqich amalga oshirishga kirishdi, biroq bu uzoqqa cho'zilmadi. Sababi ingliz hukumati mustamlakachilik siyosati jilovini qattiq tutib “bo'lib tashla va hukmronlik qil” shiorini amalga oshira boshladi. 1905-yilda Bengaliya alohida davlat sifatida ajralib chiqishi aniq bo'lib qolganida mo'tadillar harakatining obro'si pastlay boshladi. Bu yetmagandek ekstrimistlarning ham inqilobiy harakatlari kamdan kam holatda ko'zga tashlanadigan bo'ldi.

Asli bengal millatidan bo'lgan hind o'g'lonlaridan biri Tagor ham bu vaqtda qo'l qovushtirib o'tirmasdan inglizlar uchun boshlangan tovarlar boykotiga katta urg'u berib Bengaliyaliklarni bunga juda katta propagandaga tortardi. Bu uchun Aurobindo Gxosh kabi qadimgi hind dini ta'limotidan foydalangan holda Gxoshning “Bandi mataram” nomli mustaqillikni anglatuvchi sheriylar chaqirig'iga musiqa bastaladi va bu tez fursatlarda omma e'tiboriga ozodlikni anglatuvchi qo'shiqqa aylandi [3]. Keyinchalik bu xalq uchun Ona Hindiston madhiyasi bilan bir qatorda turuvchi muqaddas hirgoya bo'lib qoldi. Tagor o'zining dastlabki asarlarida boshqa millatparvar faylasuflar qatorida g'arb madaniyatining Hindiston urf – odatlariga ta'siri to'g'risida ko'p to'xtalib o'tdi. Uning yozishicha “G'arb madaniyati hind an'analarini yemirib bormoqda, Yevropada buyuklikka da'vo qiluvchi insonlar juda ko'p, ular bu intilishi davomida o'zligini yo'qotib borib kam odamgina buyuklikka erishadi. Qadimgi hind ta'limotlari va hozirgi madaniyatimiz g'arb odatlaridan ustundir, sababi insonlar bu g'oyalardan ma'naviy ozuqa olib hayotdan qoniqish hosil qiladi”.

Tagor 1906 yilda Kalkuttada bo'lib o'tgan Kongress sessiyasida nutq so'zlaydi. O'z nutqida bengaliyaliklar o'z vatani Bengaliyaning geografik yaxlitligi uchun emas balki bengaliya adabiyoti va tili bilangina o'zlarini bengallar deb atashadi. U xalqni ma'nadan o'z ahamiyatini yo'qotgan foydasiz siyosatdan voz kechishga, mustamlakachilar tilida suhbatlashib ularni xursand qilish o'rniga samarali ishlar bilan shug'ullanishga chaqirdi. Shu bilan birga u qishloqlarda haqiqiy hind jamiyatini qayta tiklash talabi bilan chiqdi. Uning bu talabini qishloqlarda minglab odamlar yoqlab chiqib, ko'pgina qishloq sammitlari unga ijobiy javob qaytardi.

1905 – 1908 yillarda “Svadesh (ozodlik)” harakatini qo'llab quvvatlovchi ko'plab tashkilotlar paydo bo'la boshladi. Bular Jugantar (Yangi davr), Tong jamiyati, Salom senga Vatan hamda Anushin Samittining (Madaniyat va jismoniy tarbiyani rivojlantirish) jamiyatlari edi. Bu tashkilot va jamiyatlar Bengaliyaning madaniy jozibasini ochib, uning uyg'onishiga sababchi bo'ldi. Bundan tashqari shu yillar oralig'ida mustaqillikka da'vat etuvchi ko'plab bosmaxonalar tashkil topdi. Ular Ghosh va Bupendranath Data tomonidan tashkil qilingan “Jugantar” haftalik jurnali, Aurobindo Gxosh “Bandimatararam (Salom senga Vatan)”, Upadhyaya “Sandhaya (Kechgi ibodat)” Bepin Chandra Pala “Yangi Hindiston” kabi nashriyotlar o'z ishini boshladi [4]. Bularning barchasi yuqorida ta'kidlaganimizdek milliy ozodlik harakatini qo'llab-quvvatlab davlat mustaqilligi va chet el tovarlariga ommaviy boykot qilish to'g'risida maqolalar chop etdi. Bu davrlarda mamlakatning turli qismlarida ommaviy boykot xarid sohalarda amalga osha boshladi. Xususan Myumensingh oyoq kiyim tozalovchilari ingliz zodogonlariga xizmat qilishdan bosh tordi, Kalkutta kir yuvuvchilari inglizlar kiyimlarini yuvish va tozalash ishlarini bajarmay qo'ydilar, ruhoniylar va imomlar britaniyaliklar to'ylariga bormay qo'ydi, ko'pgina din vakillari peshvolari import qilingan tuz, shakar, turli xil shirinliklarni iste'mol qilish o'z dinlariga zid ekanligini uqtira boshladilar. Shu bilan ingliz tovarlarining birin-ketin xarid qilish quvvati pasayib boykotga uchradi.

Import tovarlarining iste'molini to'xtatish ichki bozordagi ishlab chiqarish quvvatining oshishiga bir tomondan sababchi ham bo'lib qoldi. Xususan Angliyadan keladigan gugurt, shakar, turli xil oyoq kiyimlar va metall buyumlari endilikda mahalliy ishlab chiqaruvchilar tomonidan ishlab chiqariladigan bo'ldi. 1907 yilda Bengaliyada inglizlar hukumatining moliyaviy yordamisiz Tata Iron and Steel kompaniyasining tashkil etilishi muhim qadam bo'ldi. Bu zavod keyinchalik ishlab chiqarish qobiliyatini keskin tarzda oshirib, birinchi jahon urushi vaqtida dunyoning yetakchi zavodlaridan biriga

aylandi. Lekin shu bilan birga Hindistonning yirik kompaniyalarida sarmoya tanqisligi yuzaga kelib ayrimlari inqiroz yoqasiga kelib qoldi.

1911 yil Hindiston qiroli sifatida toj kiygan ingliz shohi Jorj Hindistondan Bengaliya ajralib chiqmasligini va poytaxt Kalkuttadan Dehliga ko'chirilganini e'lon qildi. Shu bilan Hindiston hayotida yangi davrlar boshlandi, bir tomondan yaxshi, sababi inglizlar o'zi bilan dunyo madaniyati, ta'lim va texnologiyalarini kiritib keldi. Ikkinchi tomon qadimgi hindcha madaniyat va urf-odatlariga kuchli ta'sir ko'rsatdi, eng yomoni Britaniyaning birinchi jahon urushiga kirishishi Hindistonni ham ixtiyoriy va majburiy urushga tortilishiga sabab bo'ldi. Boshqa tomondan esa mahalliy ishlab chiqaruvchi sanoat korxonalari ingliz tomonidan harbiy buyurtmalar berilishi ularni moliyaviy jihatdan ancha kuchaytirib yubordi. Urushda Hindistonning Britaniyaga yetkazib berayotgan tayyor va yarim tayyor harbiy mahsulotlari katta tirgak vazifasini bajarib Britaniya Hindistonning rolini kuchaytirib yubordi [5]. Bu vaqtda elita qatlam vakillari o'zini – o'zi boshqarish usullarini qidira boshladi, sababi inglizlar urush bilan bo'lib Hindistondagi vaziyatdan ancha yiroqlashib qolgan edi. 1916-yilda Lakhnauda bo'lib o'tgan milliy ozodlik harakati ishtirokchilari o'rtasida katta yig'ilish o'tkazildi, unda mo'tadillar va liberallar guruhi a'zolari ham ishtirok edi. Bu yig'ilishda ikkita milliy ozodlik tashkilotlari ya'ni ekstrimistlar va mo'tadillar birlashdi va natijada Hindistonda katta kuch hosil bo'ldi [5]. Abul Qalam Ozod boshchiligidagi radikal kuchlarning sayi – harakati tufayli birlashgani uchun u rahbar sifatida ko'riladigan bo'ldi.

1910 yildan Hindistonda o'zini – o'zi boshqarish ijtimoiy harakati boshlanib ketdi, buning asosiy maqsadi mustamlaka davlatlar (xususan Hindiston), provinsiyalar, shtatlar o'zlarining deyarli barcha ichki masalalarini yuqori hukumatdan kutib o'tirmasdan o'zi qaror chiqarish mumkin bo'lgan. 1916 yilda butun Hindistonda uy boshqaruv ligalari tashkil etildi. Asta sekinlik bilan bu ligalarni xalq harakatining boshqaruviga aylantirilib yagona partiya birlashtirildi, 1918 yilda yagona partiya birlashgan uy ligalarining rahbari etib M.K.Gandi saylandi.

1915 yilda Gandi Afrikadan Hindistonga qaytib keldi. Janubda advokat sifatida ishlab hindularga zo'rovonliksiz harakat olib borish orqali ularning huquqini himoya qilgan. Faylasuf o'z yurtida ham xuddi shunday faoliyat olib borish uchun o'zining Satiyagraha (haqiqatda qati'yat) deb nomlangan dasturini e'lon qildi. Bir necha marotaba mitinglar uyushtirilib o'z dasturining konsepsiyalarini omma e'tiboriga havola qildi, tushuntirish berdi. Bora – bora Gandining bu chiqishlari katta ommani jalb qila oldi va hind millatchilari orasida eng mashhuri sifatida tanildi. Sababi uning dasturida hech qanday zo'rovonlik, qon to'kilish jihatlari ko'zga ko'rinmasligi, muammoni tinch yo'l bilan hal qilish imkoniyati mavjudligi deyarli butun xalqni qiziqтира oldi. Bu esa ingliz hukumatining qarshi kurashida Gandi yo'lchi yulduz vazifani bajarish uchun yaxshigina imkoniyat edi. Shu munosabat bilan hind diyoridagi barcha olimlar, faylasuflar va siyosatchilar Gandi atrofiga to'planishib yagona vazifani ya'ni vatanni mustamlakachilikdan ozod qilishga kirishishdi.

Dunyoda birinchi jahon urushi tugagandan so'ng geosiyosiy kuchga ega ko'pgina davlatlar birlashishdi. Xususan urushdan so'ng o'zaro davlatlar o'rtasida dunyo miqyosida janjal bo'lmasligi uchun Millatlar Ligasi tashkil etildi. Shuning uchun bu davlatlar o'z mustamlakalariga kuch ishlatmaslik va yuqori elita vakillari bilan siyosiy munozaralar olib borish amaliyotini yo'lga qo'yishdi. Xususan 1919 yilda Buyuk Britaniya Hindiston bo'yicha Montago Chelmsfort islohatlari to'g'risidagi qonunni imzoladi. Bu qonun hukumatdagi amaldorlarni saylash va lavozimlar tayinlash borasida katta ishlarni amalga oshirdi. Bundan tashqari hukumat to'liq avtokratiyadan vitse qirollikka o'tkaziladigan bo'ldi. Hattoki provinsiyalarda gubernatorlarning va vazirlikdagi vazirlarning ham saylanishiga erishildi. Yana shu bilan bir qatorda hukumatning Qonunchilik Assambiliyasining saylovlar to'g'risidagi qonunga ham bir qator o'zgarishlar kiritildi. O'zgarishlarga ko'ra endi hindular va musulmonlar uchun alohida saylash huquqi berilib, hindularga tajovuzkorlik va musulmonlarga qarshi chiqish qonun doirasida cheklab qo'yildi. Britaniya hukumati "yon berish siyosati"ni isloh qilish bilan bir qatorda mustamlakachilikka qarshi chiqib kuch ishlatgan harakat ishtirokchilari o'ta repressivlik siyosatini amalga oshirdi. Bunga yaqqol misol tariqasida "Amritsar qirg'ini" norozilik mitingini keltirishimiz mumkin [5]. Bu miting inglizlar hukumatining mustamlakachilik siyosatiga qarshi o'tkazilgan namoyishdir, unda ko'plab harakat ishtirokchilari halok bo'lganligining sababi, inglizlar namoyishchilarga juda tajovuzkorona tarzda qatliom amalga oshiriladi.

Satyagraha mustamlakachilikka qarshi kuch ishlatmaslik va zo‘ravonlik qilmaslikni birlashtirgan Hindiston jamiyatining ijtimoiy - siyosiy shakli edi. Dastur ikki qismdan tashkil topgan bo‘lib:

Birinchi qismida inglizlar tomonidan ipmort qilinib olib kelinayotgan tovarlarga, Britaniya hukumati faxriy unvonlariga, inglizlar sudlariga, parlament va qonunchilik saylovlariga hamda inglizlar tomonidan tashkil etilgan maktab va kollejlarga hind farzandlarini yubormaslik hamda hind hukumati ingliz hukumati rasmiy kutib olish kabi qabullariga boykot qilishdan iborat bo‘ldi.

Ikkinchi qism esa juda oddiy tarzda o‘tkazildi ya’ni butun Hindiston bo‘ylab davlat soliqlarini to‘lamaslik boshlandi. Bu esa hech qancha vaqt o‘tmasdan hukumat g‘aznasini bo‘shab qolishiga va mustamlakachi davlat tomonidan g‘aznani to‘ldirishiga olib keldi. Har vaqt katta miqdorda mablag‘ olib chiqib ketilgan davlat tomonidan o‘shancha miqdorda mablag‘ qaytarilishi Britaniya qirolligiga umuman yoqmasligi achchiq haqiqat edi.

Shuni aytish mumkinki, Hindiston davlati qadim tarixga ega bo‘lib, boy madaniyati va ko‘pgina diniy ta’limotlariga ma’naviyat o‘chog‘i hamdir. Agar biz uning yaqin tarixiga qarasak fors shohlari va turkiy shoxlar tomonidan bosib olingan mustamlaka davlat hisoblanadi. Eng qiziq tomoni XX asrga kelib butun millat shunday qahramonlik ko‘rsatishi odamni lol qoldiradi albatta.

ADABIYOTLAR:

1. Литман А.Д. Сарвепалли Радхакришнан. – М.: Наука, 1983.
2. Бурмистров С.Л. Очерки индийской философии XIX – XX веков. Москва.: Прогресс, 1993.
3. Аникеев Н.П. Философские и социальные взгляды Сарвапали Радхакришнана. – М.: Наука, 1984.
4. Radhakrishnan S. Religion and its place in human life // Radhakrishnan S. Occasional speeches and writings. – K.: India, 1965.
5. Радхакришнан С. Индийская Философия (в 1-х томах). Пер с англ. Москва.: Издательство иностранной литературы .1956.
6. Radhakrishnan S. Religion and culture. - New Delhi, 1968.
7. Аникеев Н.П. Современная Индийская философия. – М.: Наука, 1985.

REZYUME:

Maqolada XIX asr oxiri XX asr boshlarida Hindiston ingliz mustamlakachiligi davrida o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: “Hindiston Milliy Kongressi”, “Musulmonlar Ligasi”, “kuch ishlatmaslik”, “svaraj”, “svadeshi”.

PEZIOME:

В статье рассматривается период британского колониализма в Индии в конце XIX — начале XX вв.

Ключевые слова: «Индийский национальный конгресс», «Мусульманская лига», «ненасилие», «сварадж», «свадеш».

REZYUME:

The article examines the period of British colonialism in India in the late 19th and early 20th centuries.

Keywords: “Indian National Congress”, “Muslim League”, “non-violence”, “swaraj”, “swadeshi”.

SUD TIZIMIDA KORRUPSIYAVIY HARAKATLAR NATIJASIDA FUQAROLARNING BUZILGAN HUQUQLARINI TIKLASH

Raxmonaliev Z.I. –
FarDU talabasi

 10.24412/2181-7294-2025-1-216-219

Sud tizimi – har bir fuqaroning konstitutsiyaviy huquqlarini himoya qiluvchi va adolatni qaror toptiruvchi muhim institutdir. U nafaqat jinoyat va fuqarolik ishlari bo'yicha adolatli qarorlar chiqaradi, balki davlat hokimiyatining qonuniy asosda faoliyat yuritishini ham ta'minlaydi. Biroq, bu tizimdagi korrupsiyaviy omillar davlat boshqaruvi va jamiyat ishonchiga katta putur yetkazadi. Korrupsiya faqat moddiy zarar emas, balki fuqarolarning psixologik, ijtimoiy va huquqiy holatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Shu sababli, sud tizimidagi korrupsiyaning ildizlariga qarshi kurashish, tizimni tozalash va huquqiy adolatni tiklash davlat siyosatining eng ustuvor yo'nalishlaridan biri bo'lishi kerak. Sud tizimi jamiyatda adolat va qonun ustuvorligini ta'minlovchi asosiy institutlardan biri hisoblanadi. Biroq, korrupsiya ushbu tizimning samaradorligini pasaytirib, fuqarolarning buzilgan huquqlarini tiklash jarayoniga salbiy ta'sir ko'rsatadi.[1] Korrupsiyaning mavjudligi sud qarorlarining adolatsiz chiqishiga, fuqarolarning qonuniy manfaatlariga zarar yetishiga va ijtimoiy tengsizlikni kuchayishiga olib keladi. Korrupsiyaga qarshi samarali kurash olib borilmasa, sud tizimiga bo'lgan ishonch pasayib, jamiyatda huquqiy nihilizm shakllanishi mumkin. Shu bois sud tizimida korrupsiyaga qarshi qat'iy chora-tadbirlar ko'rilishi, adolat va qonun ustuvorligini ta'minlash yo'lida mustahkam mexanizmlar joriy etilishi lozim. Ushbu maqolada sud tizimidagi korrupsiyaning fuqarolik huquqlariga ta'siri, mavjud muammolar va ularning yechimlari ko'rib chiqiladi.

Shu bilan birga, korrupsiyaviy harakatlarning oldini olish uchun qonuniy islohotlar va institutsional o'zgarishlarning ahamiyati katta. Sudyalar, prokurorlar va advokatlarining shaffofligi, ularning moliyaviy daromadlarini ochiq yuritish, sud jarayonlarida zamonaviy texnologiyalardan foydalanish – korrupsiyaning oldini olishning muhim shartlaridan hisoblanadi. O'zbekiston va boshqa mamlakatlarning tajribasi shuni ko'rsatadiki xususan, Gruziyada 2004 yildan boshlab korrupsiyaga qarshi qat'iy islohotlar boshlangan. Sud tizimi to'liq isloh qilinib, barcha sudyalar ishdan bo'shatilib, qaytadan ochiq imtihonlar asosida tanlovdan o'tkazildi. Sud majlislari internet orqali jonli translyatsiya qilina boshlandi. Har bir sudya faoliyati jamoatchilik tomonidan baholanadigan ochiq reytinglar tizimi joriy etildi. Natijada, Transparency International reytingida Gruziya 2003 yildagi 124-o'ringdan 2012 yilda 51-o'ringa ko'tarildi.

Estoniya esa “e-justice” deb nomlangan elektron sud tizimini joriy etdi. Sud ishlariga oid barcha hujjatlar onlayn topshiriladi, jarayonlar masofaviy o'tkaziladi, va qarorlar avtomatik ravishda ochiq portalda e'lon qilinadi. Har bir qaror yuzasidan fuqarolar sharh qoldirishi mumkin. Bu tizim korrupsiya shikoyatlarini 70%ga kamaytirishga erishdi. O'zbekiston uchun ham bu tajribalardan foydalanish dolzarb: elektron sud, ochiq reytinglar, sudyalarni mustaqil test asosida tanlash va ommaviy monitoring korrupsiya xavfini sezilarli kamaytiradi.

Korrupsiya bilan samarali kurashish uchun sud tizimining mustaqilligini ta'minlash hamda qonun ustuvorligini mustahkamlash muhim ahamiyat kasb etadi. Shu sababli, sud tizimida shaffoflik va javobgarlikni kuchaytirish bo'yicha islohotlarning doimiy ravishda amalga oshirilishi talab etiladi. Korrupsiyaga oid ilmiy tadqiqotlar, xalqaro tashkilotlarning hisobotlari va O'zbekiston Respublikasi qonunchiligi doirasida qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlar [2] sud tizimidagi korrupsiya bilan bog'liq muammolarni chuqur tahlil qilish imkonini beradi. Xalqaro tajriba shuni ko'rsatadiki, korrupsiyaga qarshi samarali kurashish uchun mustaqil sud tizimi, kuchli nazorat mexanizmlari va jamoatchilik ishtiroki muhim ahamiyat kasb etadi. Jumladan, Transparency International tashkiloti tomonidan olib borilgan tadqiqotlar ko'rsatishicha, sud tizimining mustaqilligi va oshkoraligini ta'minlash korrupsiyaga qarshi kurashning eng samarali usullaridan biri hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasining "Sudlar to'g'risida"gi qonuni va "Sud hokimiyati mustaqilligini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi [4] farmonlari korrupsiyaga qarshi huquqiy asosni mustahkamlashga qaratilgan muhim hujjatlar hisoblanadi. Shuningdek, BMTning "Korrupsiyaga qarshi konvensiyasi" va Yevropa Kengashining korrupsiyaga qarshi kurash bo'yicha tavsiyalari sud tizimidagi shaffoflikni oshirish va korrupsiyaviy xavf-xatarlarni kamaytirishga qaratilgan muhim xalqaro me'yorlar sirasiga kiradi.

Shuningdek, huquqiy adabiyotlar va sud amaliyotini o'rganish natijalari sud tizimidagi korrupsiyaning ildizi faqat sudyalarda emas, balki butun sud-huquq tizimining tashkilotlanishida yotadi. O'zbekiston sud-huquq tizimida kuzatilayotgan korrupsiyaning ildizi bir necha muhim tizimli muammolarga borib taqaladi. Birinchidan, sudyalarni tanlash va tayinlash mexanizmlarida shaffoflik yetarli emas. Sudyalarni baholashda professional kompetensiyalar emas, ayrim hollarda shaxsiy tanish-bilishchilik, regional manfaatlar yoki ma'muriy bosim ustuvorlik qilishi kuzatilmoqda. Bu holat "iste'dodli va halol kadrlar emas, yaqinlar va tanishlar tayinlanmoqda" degan jamoatchilik fikrini kuchaytiradi.

Ikkinchidan, sud tizimida intizomiy nazorat va mas'uliyat tizimi zaif. Korrupsiyaga aralashgan sudyalarga nisbatan chora ko'rish tizimi yopiq holda, ichki intizomiy komissiyalar orqali olib boriladi. Bu esa, jamoatchilik nazorati va fuqarolar ishonchini susaytiradi.

Uchinchi muammo – sud qarorlarining asoslantirilmagan va umumiy shaklda yozilishi. Sud qarorlari ochiq deb e'lon qilinsa-da, ularning asosli tahlili, dalillar tahlili, huquqiy mezonlar bilan bog'liqligi ko'pincha yo'q. Bunday holat sud qarorlarining pora yoki siyosiy bosim bilan chiqarilganiga shubha uyg'otadi. Shu sababli, sud tizimining ichki tuzilmasi, me'yoriy asoslari, xodimlar tanlovi va qaror chiqarish jarayonlari butunlay ochiqlashtirilib, elektron tizimga o'tkazilishi zarur. Har bir sudya faoliyati bo'yicha ochiq reytinglar joriy qilinishi, ularning harakatlari ustidan shikoyatlarni onlayn ko'rib chiqish mexanizmi yaratilishi kerak. Masalan, ba'zi viloyat va tumanlarda sudyalarni tayinlashda professional mezonlardan ko'ra mahalliy hokimiyat bilan "kelishuv"lar asosida qaror qabul qilinishi korrupsiya xavfini kuchaytiradi. Shuningdek, sudyalarning moliyaviy ta'minoti yetarli emasligi, qonunlar va ichki ko'rsatmalardagi ziddiyatlar, sud majlislarining ochiqligi bo'yicha aniq mexanizmlarning yo'qligi korrupsiyani qo'llab-quvvatlovchi omillar bo'lib qolmoqda. Shuni ko'rsatmoqdaki, korrupsiyaning oldini olish bo'yicha maxsus mexanizmlar va mustaqil kuzatuv tizimlarining yo'qligi korrupsiyaga qarshi kurash samaradorligini pasaytiradi. Shu bois sud qarorlarining adolatligini oshirish uchun mustaqil jamoatchilik nazoratini kuchaytirish, sudyalar va huquqni muhofaza qiluvchi organlarning mas'uliyatini oshirish muhim ahamiyatga ega.

Ushbu maqolada quyidagi metodologiyalar qo'llanildi:

1. Normativ-huquqiy tahlil:

- O'zbekiston Respublikasining "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi qonuni asosida sud tizimidagi korrupsiyaga qarshi chora-tadbirlarni tahlil qilish.

- "Sudlar to'g'risida"gi qonun va sud tizimining mustaqilligini [4] ta'minlashga oid me'yoriy hujjatlar tahlili.

- BMTning Korrupsiyaga qarshi konvensiyasi va Yevropa Kengashining korrupsiyaga qarshi tavsiyalari [7] asosida O'zbekiston tajribasini qiyosiy o'rganish.

- O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining 2023–2025-yillardagi korrupsiya bilan bog'liq statistik ma'lumotlari asosida tahlillar olib borildi.

2. Qiyosiy tahlil:

- O'zbekiston va boshqa davlatlarning korrupsiyaga qarshi kurashish tajribalarini solishtirish.
- AQSh, Yevropa davlatlari va Turkiyaning sud tizimidagi korrupsiyaga qarshi monitoring va nazorat mexanizmlarini[3] o'rganish.

3. Statistik tahlil:

- 2023–2025-yillar davomida korrupsiya bilan bog'liq sud ishlarining dinamikasi.
- Transparency International tashkiloti va O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi tomonidan taqdim etilgan korrupsiyaga oid hisobotlar asosida korrupsiya darajasini tahlil qilish.
- Fuqarolarning sud tizimiga bo'lgan ishonchini aks ettiruvchi so'rovnomalar natijalari.

• O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining 2024 yilda e‘lon qilingan korrupsiyaga qarshi kurash bo‘yicha qonunchilik tashabbuslari va ularning natijalarini baholash.

4. **Empirik tadqiqot:**

• Sud qarorlarining adolatligini ta‘minlash bo‘yicha olib borilgan islohotlarning samaradorligini baholash.

• O‘zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurash bo‘yicha amalga oshirilayotgan islohotlarning natijalarini real misollar asosida o‘rganish.

• Sud tizimida korrupsiya bilan bog‘liq muammolar yuzasidan sudyalalar, advokatlar va prokurorlar o‘rtasida o‘tkazilgan so‘rov natijalari asosida xulosalar chiqarish.

Sud tizimidagi korrupsiya turli ko‘rinishlarda namoyon bo‘lishi mumkin: Korrupsiyaga aralashgan sud qarorlari ko‘plab fuqarolarning mulkiy, shaxsiy, va iqtisodiy huquqlarining buzilishiga olib kelmoqda. Masalan, 2023 yilda Qashqadaryo viloyatida fuqaro X.T. o‘zining meros huquqi bo‘yicha da‘vo qilgan ishi yuzasidan sudda yutqazdi. Keyinchalik aniqlanishicha, sudya qarorni javobgar tomondan olingan 10 ming AQSh dollari miqdoridagi pora evaziga chiqarib bergan. Bosh prokuratura bu holatni tasdiqladi, biroq sudya jarimaga tortilib, lavozimda qolgan. Bu kabi yumshoq jazo siyosati, sud hokimiyati tomonidan sodir etilgan huquqbuzarliklar uchun jamoatchilik nazoratining yo‘qligi fuqarolarning ishonchini yo‘qotmoqda. Boshqa holatda, Toshkent shahrida yirik tadbirkorlik kompaniyasining hisobvaraqlari asossiz ravishda muzlatilgan. Sud qarori hech qanday huquqiy asosga ega bo‘lmasdan chiqarilgan va tadbirkor keyinchalik xalqaro arbitraj sudiga murojaat qilishga majbur bo‘lgan. Ularning javobida esa O‘zbekiston sud tizimida "mustaqil tekshiruv imkoniyati mavjud emasligi" ta‘kidlangan. Bu holatlar sud tizimi faqat jinoyat ishlari emas, balki fuqarolik va iqtisodiy huquqlarda ham korrupsion xavflarni olib kelayotganini ko‘rsatadi. Bunday huquqbuzarliklar bo‘yicha shikoyatlar ommaviy ravishda ko‘rib chiqilishi, odil sudlovni tiklash bo‘yicha alohida tezkor mexanizm yaratilishi lozim. Korrupsiya oqibatida fuqarolar o‘z huquqlarini sud orqali tiklash umidini yo‘qotadi. Sud qarorlarining pora evaziga chiqarilishi yoki noqonuniy ta‘sir ostida qabul qilinishi jamiyatda “faqat pul va aloqasi borlar yutadi” degan stereotipni kuchaytiradi. Bu esa qonuniylikka emas, kuch va ta‘sirga asoslangan “adolat” tuyg‘usini shakllantiradi. Transparency International so‘rovlariga ko‘ra, O‘zbekiston aholisi orasida sud tizimiga ishonch 2020-yilda 41% bo‘lgan bo‘lsa, 2023 yilda bu ko‘rsatkich 36% gacha pasaygan. Bu – jiddiy xavotir uyg‘otuvchi fakt. Poraxo‘rlik, sud qarorlarini manipulyatsiya qilish, sudyalalar tomonidan manfaatlar to‘qnashuvi kabi. Ushbu holatlar natijasida fuqarolarning huquqlari buzilib, odil sudlovga bo‘lgan ishonch pasayadi. O‘zbekistonda korrupsiyaga qarshi kurash bo‘yicha quyidagi choralar amalga oshirilmoqda:

- Sudyalarning mustaqilligini ta‘minlash va ularga bosim o‘tkazilishining oldini olish;
- Elektron sud tizimlarini joriy etish orqali shaffoflikni oshirish;
- Sud jarayonlarida jamoatchilik nazoratini kuchaytirish;
- Korrupsiyaga aloqador shaxslar uchun javobgarlik choralarini kuchaytirish;
- Korrupsiyaga qarshi kurash bo‘yicha maxsus davlat organlarining faoliyatini kengaytirish;
- Fuqarolarning shikoyatlarini ko‘rib chiqish jarayonlarini soddalashtirish va tezlashtirish.

2024 yildagi sud tizimi bilan bog‘liq korrupsiyaga oid jinoyatlar haqida ma‘lumotlar quyidagicha:

Bosh prokuratura tomonidan e‘lon qilingan ma‘lumotlarga ko‘ra[5], 2024 yilda O‘zbekiston sud tizimida qayd etilgan korrupsiyaga oid jinoyatlar 42% ga yetgan. Bu ko‘rsatkich 2023 yildagi 40% bilan solishtirilganda, korrupsiyaga qarshi kurashda hali ham dolzarb muammolar mavjudligini ko‘rsatmoqda.

Eng ko‘p uchrayotgan jinoyatlar quyidagilardir:

- Poraxo‘rlik va noqonuniy to‘lovlar (23%)
- Sud qarorlarini manipulyatsiya qilish (12%)
- Mansab vakolatini suiiste‘mol qilish (7%)

Hozirgi paytda korrupsiyaga oid jinoyatlarda sudya, advokat yoki boshqa sud xodimlarining jazoga tortilishi kam uchraydi. Ko‘pincha bu kabi ishlar yashirin qoladi yoki yengil jazo choralari bilan cheklanadi. Jinoyat kodeksining 210-moddasi (pora olish), 211-moddasi (pora berish) va 212-moddasi (pora berishda vositachilik qilish) bo‘yicha jinoyat ishi qo‘zg‘atilgan hollarda sud xodimlariga

qoʻllanilayotgan jazolar amalda ogohlantirish yoki shartli jazo bilan yakunlanadi. Bu esa jazolarning muvofiqligi va ogohlantiruv kuchining zaifligini koʻrsatadi.

Shuningdek, hukumat tomonidan qabul qilingan yangi qonunchilik tashabbuslari orqali korrupsiyaga qarshi kurash choralari kuchaytirilmoqda. 2024 yil yanvar oyida joriy etilgan “Korrupsiyaga qarshi kurashish boʻyicha qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi[4] farmon asosida sud jarayonlari shaffofligini oshirish va elektron sud tizimlaridan keng foydalanish rejalashtirilgan. Bundan tashqari, sud tizimidagi korrupsiya bilan bogʻliq muammolarni hal qilish uchun xalqaro tashkilotlar tajribasidan foydalanish muhim ahamiyatga ega. Masalan, AQSh va Yevropa davlatlarida korrupsiyaga qarshi maxsus idoralar tomonidan olib borilgan monitoring va nazorat mexanizmlari korrupsiya holatlarining kamayishiga xizmat qilmoqda.

Sud tizimidagi korrupsiyaviy harakatlar fuqarolarning huquqlarini jiddiy buzadi. Yuqoridagi tahlillar asosida, korrupsiyaga qarshi kurash faqat qonunchilik asosida emas, balki amaliy, axloqiy va texnologik darajada olib borilishi zarur. Fuqarolar ishonchini tiklash uchun, birinchidan, ochiq sud jarayonlarini kengaytirish, ikkinchidan, sud qarorlarini tahlil qiluvchi ommaviy platformalar yaratish lozim. Uchinchidan, sudya, prokuror va advokatlar uchun majburiy korrupsiyaga qarshi malaka oshirish dasturlari ishlab chiqilishi kerak. Sud tizimi isloh qilinmasa, huquqiy davlat qurish haqidagi orzular faqat qogʻozda qoladi va adolat tamoyillariga putur yetkazadi. Ushbu muammoni hal qilish uchun quyidagi chora-tadbirlarni taklif qilamiz:

1. Sudyalarning moliyaviy va institutsional mustaqilligini oshirish.
2. Sud jarayonlarini raqamlashtirish va ochiqlikni taʼminlash.
3. Jamoatchilik ishtirokini kengaytirish va korrupsiyaga qarshi kurashda fuqarolarning faol ishtirokini taʼminlash.
4. Sud tizimida korrupsiyaga qarshi monitoring mexanizmlarini kuchaytirish.
5. Korrupsiya bilan bogʻliq huquqbuzarliklar uchun jazoni kuchaytirish va sudyalor uchun axloqiy kodeksni joriy etish.

Korrupsiyaga aloqador sud ishlarida shikoyat berish jarayonini soddalashtirish va mustaqil tekshiruvlarni kengaytirish.

ADABIYOTLAR:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.
2. Oʻzbekiston Respublikasining «Korrupsiyaga qarshi kurashish toʻgʻrisida»gi qonuni.
3. Xalqaro korrupsiyaga qarshi konvensiyalar.
4. Sud-huquq islohoti boʻyicha Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining farmon va qarorlari.
5. Xalqaro tashkilotlarning korrupsiya boʻyicha hisobotlari va statistik maʼlumotlari.
6. Transparency International tashkilotining yillik hisobotlari.
7. BMT Korrupsiyaga qarshi kurash Konvensiyasi va uning amaliyoti.

REZYUME:

Ushbu maqolada sud tizimidagi korrupsiya va uning fuqarolarning huquqlariga salbiy taʼsiri yoritiladi. Korrupsiyaviy harakatlar natijasida buzilgan huquqlarni tiklash boʻyicha huquqiy mexanizmlar, amaliyotdagi muammolar va ularning yechimlari tahlil qilinadi.

Kalit soʻzlar: sud tizimi, korrupsiya, huquqiy mexanizmlar, adolat, fuqarolik huquqlari, qonun ustuvorligi.

PEZIOME:

В статье рассматривается коррупция в судебной системе и ее негативное влияние на обеспечение прав граждан. Анализируются правовые механизмы восстановления прав, нарушенных в результате коррупционных действий, проблемы и пути их решения.

Ключевые слова: судебная система, коррупция, правовые механизмы, правосудие, гражданские права, верховенство закона.

RESUME:

This article discusses corruption in the judicial system and its negative impact on the rights of citizens. It analyzes legal mechanisms for restoring rights violated as a result of corrupt actions, practical problems and their solutions.

Keywords: judicial system, corruption, legal mechanisms, justice, civil rights, rule of law.

MUHANDISLIK BILIMLARINING EVOLYUSION TARAQQIYOTI

Sayfullaev S. –

TDTTrU mustaqil tadqiqotchisi

 10.24412/2181-7294-2025-1-220-223

Muhandislik falsafasi tarixi buyuk tarixiy taraqqiyotining faqat bir qismidir, lekin boshqa tarixlardan farqli o'laroq, u inson faoliyatining jamlangan va ilg'or qismini qayd etadi. Bu holatda "ilg'orlik" so'zi afzalliklarga oid oddiy hukmni anglatmaydi, balki ilgari mavjud bilimlarga asoslangan oldinga siljishni anglatadi. Shunday qilib, muhandislik falsafasi tarixi sivilizatsiya rivojlanishini ochib beradigan tarixning markaziy mavzusining bir qismini tasvirlaydi.

Insoniyat taraqqiyoti tarixi, eng avvalo, turli mahsulotlar va texnologiyalarni ixtiro qilish, yaratish va takomillashtirish tarixidir. Ehtimol, birinchi "muhandislar" deganda toshlar va tayoqlarni ov qilish va yirtqichlardan himoya qilish maqsadida o'zi uchun moslashtira boshlagan noma'lum ixtirochilarni tushunish mumkindir. Shu ma'noda aytish mumkinki, birinchi muhandislik vazifasi bu toshlar va tayoqlarni qayta ishlash edi. Va, shubhasiz, dastlabki – ibtidoiy "muhandis" sifatida o'zini yanada samarali himoya qilish va samaraliroq hujum qilish uchun tayoqqa tosh bog'lagan qadimgi davrning daho ixtirochilari tan olinishi kerak. Taxminan bir million yil oldin boshlangan uzoq ajdodlarimiz tomonidan tosh va tayoqlardan tizimli foydalanish va qayta ishlash boshlangan bo'lsa, taxminan 100 ming yil oldin olovni olish va ishlatish texnologiyasi paydo bo'lgan, 10 mingga yil oldin esa chaqmoq toshli kamon va o'qlar vujudga kelgan.

Darhaqiqat, muhandislik faoliyat tarixi va insoniyat tarixi ajralmasdir. Insoniyat tarixining dastlabki bosqichi ibtidoiy jamoa tuzumi edi. Ushbu bosqichdagi muhandislik faoliyati tosh va tayoqlardan yasalgan oddiy ov qurollarining paydo bo'lishi bilan tavsiflanadi. Ov va mehnat qurollarini ishlab chiqarishga o'tish - bu insoniyatga hayvonot olami bilan sivilizatsiya olamini ajratib turadigan jarlikdan o'tishga imkon bergan chegara, sakrash bo'lgan desak adashmagan bo'lamiz. Bu sakrash tasavvur qilib bo'lmaydigan darajada uzoq davom etdi: bu jarayonni kichik bir ko'chatning ko'p asrlik eman daraxtiga aylanishi bilan solishtirganda, bir lahzali portlash kabi ko'rinadi. Rudolf ko'li (Keniya) yaqinida olib borilgan arxeologik qazishmalar paytida topilgan birinchi sun'iy qurollarning (toshdan yasalgan) yoshi 2 600 000 yil ekanligini aytish kifoya!

Qadimgi odamlarning birinchi mehnat qurollarini tabiiy kuchlar tomonidan parchalangan toshlardan ajratish qiyin. Bu uchli tosh parchalari hali aniq shaklga ega emas edi. Lekin ular maqsadli yaratilganiga shubha yo'q. Bu qayta ishlash texnikasining o'xshashligi bilan ham ko'rsatiladi. Qadimgi odamlar qirralari yoki uchlari o'tkir toshlarni ishlatmoqchi bo'lganlarida, mos keladigan toshni topib, keyin uni boshqa tosh bilan bo'lishardi.

Vaqt o'tishi bilan inson ongli ravishda ma'lum bir shakl berilgan qurollarni yasay boshladi. Qo'l boltalari deb atalgan bu qurollar dastlab universal edi, chunki ular turli xil vazifalarni bajarishga mo'ljallangan edi. Keyinchalik odam turli xil qo'l boltalarini yasashni o'rgandi. Antropogenezning dastlabki bosqichlarida muhandislik faoliyatning tabiati va mazmuni juda sekin o'zgardi. Biroq, texnik rivojlanishning umumiy yo'nalishi shubhali emas. Ish usullarini takomillashtirish va ularning samaradorligini oshirish tendensiyasini hech bo'lmaganda ibtidoiy texnologiya jarayonlarining miqdoriy o'sishi misolida aniq ko'rish mumkin.

Keyingi muhandislik faoliyati jarayonida oddiy mehnat ov qurollarining to'planishi sodir bo'ladi, bu ularning farqlanishiga yordam beradi va individual jarayonlarni bajarish uchun mo'ljallangan maxsus vositalar paydo bo'lishiga olib keladi. Ilk texnik faoliyatning umumiy xususiyati va namunasi uning oddiydan murakkabgacha rivojlanishidir. Mehnat harakatlarining soddaligi va texnologiyani murakkablashtirishda yutuqlarga erishgan holda, inson ijtimoiy mehnat samaradorligi va unumdorligida g'alaba qozondi. Texnik vositalar va ular haqidagi bilimlar murakkabligining o'sishining ushbu ichki mexanizmi keyingi tarix davomida o'z faoliyatini davom ettiradi. Paleolit davrida texnik vositalar tasodifiy shakldagi va universal maqsadli yakka tartibdagi buyumlar emas,

balki uy-ro'zg'or buyumlarining turli xil ixtisoslashtirilgan buyumlari va ularni ishlab chiqarish vositalarining yaxlit majmualari edi. Ishlab chiqarish texnikasini takomillashtirish oddiy differensial buyumlar sonining ko'payishi, olovdan foydalanish, loydan yasalgan idishlardan foydalanish, tosh uchlari bo'lgan kamon va o'qlarni ixtiro qilishda namoyon bo'ladi. Yog'ochning moslashuvchanligi va elastikligidan unumli foydalanish boshlangan. Yoy, kamon va o'q kabi buyuk texnika yutuqlari insoniyatning dastlabki rivojlanishining oldingi bosqichlarida yaratilishi mumkin bo'lmagan birinchi murakkab kashfiyotlari bo'ldi, chunki ularni ixtiro qilish uzoq muddatli bilim to'plashni talab qiladi, shuningdek, boshqa ixtirolarning butun majmuasiga kirishni boshlab bergan.

Bu davrlarda insonning asosiy mashg'uloti oziq-ovqat olish edi. U o'rmon va dalalarda hayvonlarni ovlagan, ko'l va daryolarda baliq ovlagan, yovvoyi yeyiladigan o'simliklarni qaerdan topsa, iste'mol qilish uchun to'plagan. Uni oziq-ovqat va kiyim-kechak bilan ta'minlaydigan xonakilashtirilgan o'simliklari yoki hayvonlari yo'q edi. Ko'pgina oilalar va qabilalar ko'chmanchi bo'lib, oziq-ovqat manbalarini izlab harakat qilishgan. Bu odamlar eng xavfli inshootlarda - o'tloqli kulbalar va boshpanalarda yashagan. Lekin, dunyoning ba'zi qismlarida, masalan, Fransiya'dagi Musteriya madaniyatining g'orlari kabi ishonchliroq turar-joylar paydo bo'lgan. Aholi zichligi nihoyatda past edi, faqat vaqti-vaqti bilan qishloqlar deb atash mumkin bo'lgan bir nechta turar-joy guruhlar paydo bo'ldi. Ming afsuski, bunday jamiyatda muhandislik ustuvor rol o'ynamagan.

Materiallarni qayta ishlashning texnologik jarayonlarini ixrito etilishi, ish qurollarining samaradorligini oshirishga va prinsipial jihatdan yangi texnik vositalarni ishlab chiqmasdan ham mehnat unumdorligini oshirishga olib keldi. Shunday qilib, tosh buyumlarning yuzalarini parlatish va yog'ochga ishlov berish imkoniyatlarini keskin oshirdi. Yog'ochdan yasalgan murakkab duradgorlik va qurilish inshootlari paydo bo'ldi. Kompozit buyumlarning tosh va yog'och qismlarini birlashtirishning yanada samarali usullari qo'llanila boshlandi, bu esa dizaynning rivojlanishiga olib keldi. Tuproq unumdorligidan foydalanish va o'rmonlarni kesish hisobiga ekin maydonlarining kengayishiga olib keldi.

Muhandislik faoliyatida o'xshashi bo'lmagan g'ildirakni kashf qilish muhim ahamiyatga ega edi. Arxeologlarning fikriga ko'ra, g'ildirak Misrda O'rta Qirollik davridan beri ishlatilgan va g'ildirakning yaratilishiga asos bo'lgan dumaloq buyumlar og'ir narsalarni ko'chirish uchun qadimgi davrlardan beri ishlatilgan.

Eng katta yutuq g'ildirakli transport vositasining yaratilishi bo'lib, u birinchi marta miloddan avvalgi 4-ming yillikda Mohejo-Daro (Hindiston)da qo'llanilgan.

Biroq, g'ildirakning paydo bo'lishining aniq sanasini aniqlash qiyin. Shu bois, g'ildirak (yoki aylana) birinchi marta miloddan avvalgi 3500 yilda ishlatilgan degan qarashlar ham bor. Mesopotamiya (zamonaviy Iroq) yoki Markaziy va Sharqiy Evropada kulollar o'z mahsulotlarini tashish uchun g'ildirakdan foydalanishgan. Tarixchi olimlar tomonidan aniqlangan Mesopotamiyadan topilgan tasvirlarda (miloddan avvalgi 3200 yil) g'ildiraklari mustahkam arava tasvirlangan.

G'ildirak ixtirosi quruqlikda sayohat qilish usulini tubdan o'zgartirdi. Chorvachilik va dehqonchilikka o'tish, shu maqsadda yaylovlarni o'zgartirish uchun tizimli harakatlar amalga oshirish kabi murakkab vazifalarni hal etish uchun g'ildirakli aravaga bo'lgan ehtiyojni kuchaytirdi. Dastlab, g'ildirak harakatlanuvchi o'qqa mahkam bog'langan, keyin esa uyali g'ildirak ixtiro qilingan (miloddan avvalgi II ming yillik). Aravaning og'irligini kamaytirish uchun, qattiq yog'och g'ildiraklar o'rniga, keyinchalik spikerli g'ildiraklar o'rnatildi, metall o'qlar va g'ildiraklar paydo bo'ldi. Bu ixtirolar insoniyat hayotida muhim afzalliklarni ta'minladi.

Muhandislikning rivojlanish tarixi sivilizatsiyalar paydo bo'lgan davrga to'g'ri keladi. Ibtidoiy jamoalarning o'troq turmush tarziga o'tishi dehqonchilik, chorvachilik, kulolchilik, yigirish, to'quvchilik, tegirmonchilik va temirchilik bilan bir qatorda rivojlanish imkonini beradi. Mehnat faoliyatining bunday farqlanishi hunarmandchilik uchun zarur bo'lgan buyumlarni yaratish zarurati bilan bog'liq edi.

Evolyusiya davrlarining texnik vositalarning nisbatan tez o'zgarishi davrlari bilan muntazam ravishda almashinishi, biz ko'rib turganimizdek, muhandislik faoliyatning butun keyingi tarixiga xosdir.

Nil vodiysidan olingan arxeologik ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, u erdagi dag'al paleolit qurollari eramizdan avvalgi 6-ming yillik o'rtalarida maxsus neolit qurollariga o'tgan. Neolit davri loydan kimyoviy bog'langan suvni olib tashlash uchun zarur bo'lgan, taxminan 500°S haroratda loy mahsulotlarini yoqishning kimyoviy texnologiyasidan foydalangan holda olingan birinchi material bo'lgan keramikaning keng qo'llanilishi bilan tavsiflanadi. Keramikaning kashf etilishi Shumer va boshqa Mesopotamiya sivilizatsiyalarida madaniyatning rivojlanishi uchun alohida ahamiyatga ega bo'lib, u yerda faqat loydan yozuv lavhalari emas, balki o'roqlar, mixlar va hatto bolg'a ham yasalgan. Keramikaning kashf etilishi metallurgianing paydo bo'lishi uchun fundamental ahamiyatga ega edi.

Ehtimol, Afrika yoki Kichik Osiyoda miloddan avvalgi 6000 yillarda insoniyat tarixdagi eng muhim evolyusiyalardan birini boshladi. U o'simlik va hayvonlarni xonakilashtirish o'rgandi. Bu, birinchi navbatda, Dajla, Frot va Nil vodiylarida sodir bo'lgan. Odam guruh bo'lib uy-joy qurib, atrofida dehqonchilik qilgan. Bu esa oziq-ovqat ishlab chiqaruvchi jamiyatlarning paydo bo'lishiga olib kelgan.

O'sha paytda Dajla, Frot va Nil vodiylarida yashagan xalqlar doimiy turar-joylar qurgan. Ular daryo suvidan sug'orishda foydalanganlar. Ularning qurilish va sug'orish muammolarini hal qilishlari, albatta, muhandislik edi. Bu davrda qurilish, gidrotexnika, transport va metallurgiya vujudga keldi va ular insonlarga yangi turmush tarzidan kelib chiqqan bir qator muammolarni hal qilishga yordam berdi. Bu davrdagi odamlar olovni qanday yoqish va boshqarishni bilishgan. Vaqt o'tishi bilan qayiq yelkanlari, omoch, g'ishtni ixtiro qildilar. Ular rudadan mis eritish texnikasini ham kashf qildilar.

Uy o'simliklari va hayvonlarni yetishtirish boshlanganidan ko'p o'tmay, aholi tez o'sishni boshladi. Bundan tashqari, yetishtirish samaradorligi oshgani sayin, ilgari oziq-ovqat ishlab chiqarish bilan shug'ullanadigan odamlarning bir qismi boshqa mashg'ulotlar bilan shug'ullanish imkoniyati paydo bo'ldi va ular boshqa ishlarni qilishlari mumkin edi. Ba'zilar ruhoniylar, boshqalari hukmdor, boshqalari hunarmand, ba'zilar esa birinchi muhandis bo'lishdi. Yangi turmush tarzi muhandislik rivojiga turtki va imkoniyatlar yaratasa, afsuski ba'zilar qullikka aylantirish amaliyotini ham vujudga keltirdi.

Dehqonchilik va chorvachilikka o'tish insoniyat jamiyati tarixining haqiqiy boshlanishini yo'lga qo'ydi. Albatta, qishloq xo'jaligi birdaniga o'ylab topilgan narsa emas, balki bu sohadagi ko'plab individual yutuqlar natijasi edi. Zamonaviy bilimlar darajasi qishloq xo'jaligiga asoslangan iqtisodiyot birinchi marta zamonaviy Iordaniya va shimoli-sharqiy Iroq hududlarida miloddan avvalgi 8-ming yillikda paydo bo'lganligini ta'kidlab o'tmoq joiz.

Texnika taraqqiyoti tufayli mumkin bo'lgan ortiqcha mahsulotning to'planishi jamiyatning yanada tabaqalanishiga olib keldi. Qadimgi jamoa o'rnida qullik paydo bo'ldi. Qabilalar va davlatlar paydo bo'ldi. Mehnatning ixtisoslashuvi kengaydi. Quldorlik ishlab chiqarish usulining o'rnatilishi bilan hunarmandchilikni yanada o'sishiga olib keldi. Bu ikkinchi yirik ijtimoiy mehnat taqsimoti bo'lib hunarmandni, birinchi navbatda, texnik faoliyat bilan shug'ullanuvchi shaxsni keltirib chiqaradi.

Taxminan bir vaqtning o'zida jamiyat tuzilmasida hal qiluvchi o'zgarishlar ro'y berdi. Oddiy dehqon jamoalari o'zlarining farovonligi bo'yicha bir xil bo'lgan jamoalar bilan almashtirildi, bu jamiyatda aholining katta qismi ekspluatatsiya qilinadigan tartib joriy etildi, mehnatning barcha "ortiqcha" mevalari hukmron zodagonlar, ruhoniylar va amaldorlar tabaqasiga tegishli bo'la boshladi.

Bir qarashda bu o'zgarishlar ochiq-oydin falokatga o'xshardi. Ammo butun insoniyat nuqtai nazaridan bu oldinga qadam edi. Bunday sharoitda texnik taraqqiyot uchun jamiyatning sinfiy tuzilishi va yirik davlat tuzilmalari zarur edi. Misr, Mesopotamiya va Hindistonning birinchi sivilizatsiyalarining boyligi va farovonligini ta'minlovchi samarali sug'orish tizimlarini faqat yirik tashkilot yaratishi mumkin edi. Ko'pgina texnik yutuqlar, zarur narsalarni ishlab chiqarishda katta mehnat massalarini tashkil qilishni talab qilardi.

Shunday qilib, ko'pgina texnik yutuqlar nafaqat ijtimoiy o'zgarishlarni keltirib chiqardi, balki, jamiyatning asta-sekin sinflarga bo'linishiga sabab bo'ldi. Biroq, sinfiy davlatlarda muhandislik jarayonlarini tashkil etilishi keng ko'lamli sug'orish ishlarini amalga oshirishga juda qulay ta'sir ko'rsatdi va bu hayot ne'matlarining o'sishi manbai bo'ldi.

ADABIYOTLAR:

1. Salimov B.L. Muhandislik falsafasi. – T.: Toshkent davlat transport universiteti, 2024. 196 b.
2. Salimov B.L. Muhandislikning ijtimoiy – falsafiy asoslari. – T.: Toshkent davlat transport universiteti, 2023, 202 b.
3. Салимов Б.Л. Йўлдошов С.З. (2023). Инсоният ҳаётидаги туб бурилишлар. Innovative Technologies in Construction Scientific Journal, 1(2992-8893).
4. Салимов Б.Л. Равшанов О.Т. (2023). Техника тараққиётининг икки ёқлама таъсири. Innovative Technologies in Construction Scientific Journal, 1(2992-8893).

REZYUME:

Maqolada muhandislik faoliyatining tarixi butun insoniyat tarixining ajralmas qismi ekanligi, uning rivojlanish bosqichlari qadimiy ildizlarga ega ekanligi, xususan insoniyat tarixidagi ilk davrlardagi birinchi muhandislik ixtirolari haqida va bu muhandislik kashfiyotlarining ta'sirida insoniyat va jamiyat hayotida juda katta ijtimoiy o'zgarishlar sodir bo'lganligi ilmiy asoslangan holda bayon etilgan.

Kalit so'zlar: sivilizatsiya, evolyutsiya, muhandislik, tarix, texnika, taraqqiyot.

РЕЗИЮМЕ:

В статье рассматривается научный факт о том, что история техники является неотъемлемой частью истории всего человечества, что этапы ее развития имеют древние корни, в частности, о первых инженерных изобретениях в ранние периоды истории человечества, и что под влиянием этих инженерных открытий произошли большие социальные изменения в жизни человечества и общества.

Ключевые слова: цивилизация, эволюция, инженерия, история, технология, прогресс.

RESUME:

The article scientifically demonstrates that the history of engineering is an integral part of the history of all mankind, that its stages of development have ancient roots, in particular, the first engineering inventions in the early periods of human history, and that these engineering discoveries have led to major social changes in the life of mankind and society.

Key words: civilization, evolution, engineering, history, technology, progress.

VIRTUAL MUHIT VA SHAXS IDENTIKLIGI TRANSFORMATSIYASI

Soqiyev X.V. –
O'zMU dotsenti v.b., PhD

 10.24412/2181-7294-2025-1-224-226

Zamonaviy jamiyatda identifikatsiya qiluvchi omillar ijtimoiy tarmoqlar, internet resurslar, ommaviy axborot vositalari va turli xil axborot texnologiyalaridir. Ushbu vositalar an'anaviy identifikatsiya mexanizmlaridan farqli o'laroq, shaxs va jamoa darajasida yangi mental tayanch qadriyatlar tizimini shakllantirishda dominantlik qilmoqda. Chunki ular atrofdagi voqelikni idrok etuvchi faol matritsalarini belgilashning, madaniyatlararo muloqot tizimini faollashtirishning eng qulay vosita va mexanizmlarini o'zida aks ettirgan. Ya'ni, dolzarb yagona axborot makonini shakllantirishi, odamlarning zarur ehtiyojlarini qondirishi, tayanch qadriyatlar o'zgarishiga ta'sir ko'rsatadi. Aynan ular zamonaviy identifikatorning o'ziga xos xususiyatlarini aniqlaydi, bir vaqtning o'zida bir nechta soha identifikatorlarini shakllantirish imkoniyatlarini ochadi.

Bugungi kunda ijtimoiy tarmoqlarning rivojlanishi insonlararo muloqot shakllarining o'zgarishiga olib keldi. Zamonaviy fanda yangi falsafiy yo'nalishlar paydo bo'ldi. Xususan texno-falsafa yangi yo'nalishlardan biri bo'lib, ushbu yo'nalishda tadqiqot olib borayotgan olimlardan E.Klark, Sh. Zuboff, Z. Tufekchi kabi olimlarni misol qilish mumkin.

“Shaxs identikligi – dinamik jarayondir” deydi Endi Klark[1]. Uning fikriga ko'ra, shaxs identikligi insonning o'zi haqidagi tushunchasi bo'lib, uning shaxsiy, ijtimoiy va psixologik xususiyatlari orqali shakllanadi. Identiklikning tarkibiy elementlari insonning o'zini anglashi, shaxsning kimligi, jamiyat bilan o'zaro munosabatlari va shaxsiy tajribalarini o'z ichiga oladi. Ushbu tarkibiy qismlar turli falsafiy, psixologik va ijtimoiy yondashuvlarda turlicha talqin qilinadi. E.Klark va uning hammuallifi D.Chalmers tomonidan 1998 yilda nashr etilgan "The Extended Mind" maqolasida inson ongi faqat aql bilan cheklanmaganligi, balki insonning tanasi va atrof-muhiti bilan uzviy bog'liq ekanligini ta'kidlaydi. Bu nazariyaga ko'ra, inson ongi tashqaridan foydalanadigan vositalar — kitob, smartfon, kompyuter yoki har qanday tashqaridan yordamchi resurslar bilan birgalikda ishlaydi. Masalan, shaxsning xotirasi faqat miyasida emas, balki qayd daftarida yozilgan ma'lumotlar yoki telefonidagi qaydlar orqali ham aniqlanadi.

Quyida shaxs identikligining asosiy tarkibiy elementlari keltiriladi:

- **Shaxsiy (individual) elementlar.** Bu shaxsning o'ziga xos xususiyatlari va shaxsiy tajribalariga bog'liq bo'lgan identiklikdir;
- **Ijtimoiy elementlar.** Shaxs identikligi jamiyat bilan o'zaro ta'sir orqali shakllanadi. Inson o'zini jamiyatdagi boshqa kishilar bilan solishtirish orqali o'z identikligini anglaydi;
- **Biologik elementlar.** Shaxs identikligi biologik xususiyatlar orqali ham belgilanadi. Bu elementlar shaxsning ijtimoiy falsafiy va psixologik tushunchalarini shakllantirishga asos bo'ladi;
- **Psixologik elementlar.** Insonning o'zini anglashi va shaxsiy his-tuyg'ular orqali identiklikning psixologik asoslari quriladi;
- **Vaqt bilan bog'liq elementlar.** Shaxs identikligi vaqt kontekstida — o'tmish, bugun va kelajakka qarab quriladi;
- **Raqamli va virtual elementlar.** Zamonaviy jamiyatda raqamli texnologiyalar shaxs identikligiga yangi tarkibiy qismlarni qo'shmoqda.

Shaxs identikligini statik yoki doimiy bir holat sifatida emas, balki doimo o'zgarib turuvchi va muhit bilan muttasil o'zaro ta'sir qiluvchi jarayon sifatida mavjud. Mutaxassislar fikricha, shaxs identikligi insonning kundalik hayotda tashqaridagi vositalar va texnologiyalar bilan qanday munosabatda bo'lishiga bog'liq ravishda o'zgaradi. “Kengaytirilgan aql” (Supersizing the Mind. 2008) asari[2] da Klark takomillashgan ong nazariyasini kengroq yoritib beradi. U insonning shaxsiy "Men"i va ongini muhitdagi vositalar bilan qanday integratsiya qilinishini ko'rsatadi. Masalan deydi olim,

“agar inson o‘zi uchun muhim ma’lumotlarni yozish uchun smartfondan foydalansa, smartfon ham uning ongli jarayonlarining bir qismiga aylanadi”[2].

Shaxs va texnologiya integratsiyasi jarayonini Endi Klark shaxs identikligi masalasini texnologiya bilan bog‘liq ravishda tushunadi. Uning fikriga ko‘ra, inson doimo texnologiya bilan birga ishlaydi va bu texnologiya shaxs identikligining bir qismiga aylanadi. Masalan, insonning shaxsiy identikligi u qanday texnologiyalardan foydalanishiga qarab farq qilishi mumkin (smartfon, internet yoki sun‘iy intellekt vositalari).

“Tabiatan kiborg bo‘lgan insonlar” (Natural-Born Cyborgs" (2003) asari[3]. Klarkning bu asarida u insonlarni "tug‘ma kiborglar" deb ataydi. Uning fikriga ko‘ra, insonlar tarixan atrof-muhit bilan integratsiya bo‘lishga moslashgan. Insonning "Men" degan hissiyoti ongda emas, balki tashqi texnologiyalar va vositalar bilan hamkorlik orqali shakllanadi.

Shaxs identikligining modifikatsiyasi borasida Klark inson identikligini doimiy bo‘lmagan, balki muhit va texnologiyaning o‘zgarishi bilan transformatsiyalanuvchi jarayon sifatida tushunadi. Klarkning g‘oyalari shaxs identikligi haqidagi an‘anaviy tasavvurlarga qarshi chiqadi. U inson shaxsini faqat ong yoki jismning doimiy xususiyatlari bilan cheklamaydi, balki uning hayotidagi atrof-muhit, ijtimoiy aloqalar va texnologiyalar bilan integratsiyasini ham inobatga oladi. Uning fikrlari sun‘iy intellekt va inson omili integratsiyasi bo‘yicha zamonaviy muhokamalarda muhim o‘rin tutadi.

Ijtimoiy tarmoqlarda shaxs identikligi masalasini o‘rgangan zamonaviy faylasuflar bu jarayonni serqirra tushinishga yordam bergan. Ularning fikrlari insonning shaxsiyat, o‘zini namoyon qilish va ijtimoiy muhitdagi rolini Internet va texnologiyalar davrida qayta baholash uchun muhimdir. Ijtimoiy tarmoqlarning ma’lum bir texnik - texnologik asosga egaligi ijtimoiy jarayonlarni boshqarishi, insonlar tafakkuriga ta’sirining mavjudligidan anglash mumkinki, demak bu texnologik, matematik, aniqrog‘i algoritmik asosga ega. Agar shaxs o‘z identikligini tashqi muhit ta’sirida ham shakllantirar ekan demak, identiklikning ham algoritmik asosi mavjud degan xulosaga kelishi mumkin.

Shaxs identikligini algoritmash - bu shaxsning kimligi, shaxsiy xususiyatlari, odatlari, manfaatlari, xatti-harakatlari va boshqa identiklik bilan bog‘liq ma’lumotlarni algoritmalar orqali tushunish, modellashtirish yoki boshqarish jarayonini anglatadi. Boshqacha aytganda, bu jarayon shaxs haqidagi ma’lumotlarni raqamlashtirish, tahlil qilish va ular asosida turli xil avtomatlashtirilgan qarorlar qabul qilishga xizmat qiladi.

Ijtimoiy tarmoqlar, sun‘iy intellekt va katta ma’lumotlar (big data) sohasida shaxs identikligini algoritmash zamonaviy texnologiyalarning muhim ob‘yekti hisoblanadi.

Olim Z.Tufekchi o‘zning tadqiqotlarida shaxs identikligini algoritmash jamiyatda shaxslararo munosabatlar va ijtimoiy adolatga ta’sir ko‘rsatishi mumkinligini o‘rganishga alohida e’tibor qaratadi[4].

O‘z tadqiqotlarida raqamli texnologiyalar va ijtimoiy tarmoqlar yordamida tashkil etiladigan siyosiy harakatlar, norozilik namoyishlari va internet senzurasini chuqur tahlil qilingan.

Shaxs identikligini algoritmalar orqali boshqarish - bu inson shaxsiyatiga oid ma’lumotlarni tahlil qilish, modellashtirish va algoritmalar orqali insonning xatti-harakatlari, tanlovlari va qarashlarini yo‘naltirish yoki boshqarish jarayonidir. Ushbu jarayon raqamli texnologiyalarning rivojlanishi bilan ijtimoiy tarmoqlar, sun‘iy intellekt, reklama, tadbirkorlik, va siyosat kabi sohalarda keng tarqalgan.

Algoritmalar inson shaxsiyati haqidagi ma’lumotlar asosida qarorlar qabul qiladi yoki ma’lumot taqdim etadi, bu esa shaxsning kundalik hayoti, xohish-istaklari va xatti-harakatiga ta’sir qilishi mumkin.

Algoritmalar orqali shaxs identikligini boshqarishning muhim jihatlaridan biri bu, **shaxs haqida ma’lumot yig‘ish bo‘lib**, unda algoritmalar shaxs haqidagi ma’lumotlarni turli manbalardan yig‘adi, jumladan: ijtimoiy tarmoqlardagi faoliyati (layklar, postlar, do‘stlar doirasi). Qidiruv tarixlari va internetdagi kuzatuvlar. Kundalik harajatlari (onlayn xaridlar, kredit karta ma’lumotlari). Joylashuv ma’lumotlari (GPS). Biometrik ma’lumotlar (yuz, barmoq izlari, ovoz). YouTube, Netflix va Spotify kabi platformalarda akkauntlarining mavjudligini tahlil qilish. Onlayn-do‘konlardagi haridlari (Uzum, Asaxiy, Amazon).

Shaxs identikligini algoritmalar orqali boshqarish inson hayotini yengillashtirishda katta imkoniyatlar yaratada-da, bu jarayonda shaxsiy hayot va ahloq masalalariga yetarlicha e’tibor berish

lozim. Shaxsning erkinligi va shaxsiy ma'lumotlari himoya qilinishi kerak. Algoritmning mas'uliyatli ishlatilishi bu sohadagi asosiy muammolarni hal qilishda muhim o'rin tutadi

АДАБИЁТЛАР:

1. A.Clark, D. Chalmers Source: Analysis, Vol. 58, No. 1 (Jan., 1998), pp. 7-19 Published by: Oxford University Press.
2. A.Clark. Supersizing the Mind: Embodiment, Action, and Cognitive Extension (Philosophy of Mind). Oxford University Press. December 31, 2010. 318 p.
3. A. Clark. Natural-Born Cyborgs: Minds, Technologies, and the Future of Human Intelligence 1st Edition. Oxford University Press. December 9, 2004. 229 p.
4. Z.Tufekci. Twitter and Tear Gas: The Power and Fragility of Networked Protest. Yale University Press. 2017. 360 p.
5. Муминов А. Г., Муминов Э. А. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ //Science and innovation. – 2024. – Т. 3. – №. Special Issue 3. – С. 605-611.

REZYUME:

Maqolada virtual muhitning shaxs identikligiga ta'siri, uni shakllantiruvchi omillar va texnologik mexanizmlar tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: algoritim, ijtimoiy tarmoqlar, internet resurslar, shaxs identikligi, sun'iy intellekt texnologiyalari.

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматривается влияние виртуального мира на идентичность личности, факторы ее формирования и технологические механизмы.

Ключевые слова: алгоритм, социальные сети, интернет-ресурсы, идентичность личности, технологии искусственного интеллекта.

RESUME:

The article examines the influence of the virtual world on personal identity, the factors of its formation and technological mechanisms.

Keywords: algorithm, social networks, Internet resources, personal identity, artificial intelligence technologies.

JAMIYAT MA'NAVİY YUKSALISHINING AYRIM JIHLATLARI

Murotov E.N. –

*Denov tadbirkorlik va pedagogika
institutrti o'qituvchisi*

10.24412/2181-7294-2025-1-227-229

Har qanday jamiyatning muvaffaqiyatli taraqqiyoti uning ma'naviy poydevoriga bog'liq. Bugun jamiyatimizda milliy ma'naviyat, xalqning qadriyatlari va ma'rifiy merosini qayta tiklashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shuningdek, jahon madaniyati va ma'naviyatining eng ilg'or tajribalarini o'zlashtirishga harakat qilinmoqda. Ma'naviy yuksalish jamiyat a'zolarining shaxsiy va ijtimoiy mas'uliyatini oshirishga zamin yaratadi, bu esa mamlakatda barqarorlik va taraqqiyotga xizmat qiladi.

Jamiyatimizdagi tub o'zgarishlar jamiyatning ma'naviy va ijtimoiy tarkibiga katta ta'sir ko'rsatmoqda. Xususan, ta'lim-tarbiya sohasi, yoshlarning ma'naviyati va jamiyat ongini zamonaviylik bilan boyitish kabi sohalarida tub islohotlar amalga oshirilmoqda. "O'zbekistonda yangi Uyg'onish davri, ya'ni Uchinchi Renessans poydevorini yaratish to'g'risidagi ezgu orzularini ruyobga chiqarishni o'zimiz uchun asosiy maqsad qilib belgiladik. Bundan buyon bilim, ta'lim va tarbiya - Yangi O'zbekiston ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotining asosiy ustuniga aylanishi darkor"[1,136-137]. Ma'naviy yuksalish va mafkuraviy o'zgarishlar jamiyatning ijtimoiy ongida zamonaviylik va milliylik uyg'unligini ta'minlashga xizmat qiladi. Mamlakatimizning mustaqillik yillarida ma'naviy va mafkuraviy sohalarida to'plangan boy tajribasi jamiyatning rivojlanishiga poydevor bo'lib xizmat qilmoqda. Biroq zamon bilan hamnafas harakat qilish, jahon integratsiyasi va raqobati sharoitida milliy o'ziga xoslikni saqlab qolish muammolari dolzarbligini yo'qotgani yo'q. Zamonaviy axborot texnologiyalari jadal rivojlanib, jahon madaniyatining xilma-xil unsurlari jamiyatga kirib kelmoqda. Bu jarayonda milliy ma'naviyatni asrash, yosh avlod ongida g'oyaviy immunitetni shakllantirish, ularni axborot xurujlaridan himoya qilish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Ma'naviy yuksalish falsafiy nuqtai nazardan ongni shakllantirish va insonning hayotiy maqsadlarini aniqlash jarayoni sifatida talqin etiladi. Ma'naviy qadriyatlar insonning ma'naviy kamolotini ta'minlaydigan muhim vosita bo'lib, Yangi O'zbekiston jamiyatida bu qadriyatlarni qayta tiklash va ularni jamiyatning kundalik hayotiga joriy etish ehtiyoji paydo bo'ldi. Mafkura jamiyatda umumiy maqsad va qadriyatlar tizimini shakllantirish orqali ijtimoiy barqarorlik va rivojlanishga yo'naltirishidan kelib chiqib aytish joizki, insonparvar mafkura milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uyg'unlashtirish orqali ijtimoiy birdamlikni ta'minlashga qaratiladi.

Jamiyatda ma'naviy yuksalish milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uyg'unlashtirish, jamiyatda ma'naviy muvozanatni shakllantirish va inson kapitali rivojini ta'minlashga qaratilgan jarayondir. Bu jarayonni teran tushunish uchun uning nazariy va metodologik asoslarini chuqur tahlil qilish zarur. Ma'naviy yuksalish jamiyatning ma'naviy-axloqiy qadriyatlarini takomillashtirish, inson ongida yuksak ma'naviyatni shakllantirish va ijtimoiy munosabatlardagi ahloqiy prinsiplarni rivojlantirish bilan bog'liq. Bu tushunchani falsafiy nuqtai nazardan o'rganishda uning asosiy prinsiplari quyidagilar: milliy qadriyatlarga tayangan holda universal qadriyatlarni o'zlashtirish; jamiyatda o'zaro hurmat va bag'rikenglikni qaror toptirish; inson shaxsining kamolotini ta'minlash; milliy va jahon madaniyati merosini uyg'unlashtirish. Ushbu tamoyillar orqali O'zbekistonning tarixiy rivojlanish jarayonlarida ma'naviy taraqqiyot tendensiyalari va ularning zamonaviy davrdagi qo'llanilishini o'rganish mumkin.

Jamiyatda ma'naviy yuksalishning amaliy ko'rinishlari jamiyatning barcha sohalarida namoyon bo'lmoqda. Aslida, ma'naviy yuksalish nazariyasi ham metodologiya bilan birgalikda amaliyotga joriy etiladi. Mamlakatimizda bu jarayon boshqa sohalarlardan ko'ra ko'proq quyidagi sohalarida ko'zga tashlanmoqda, masalan: ta'lim va tarbiya: maktab va oliy ta'lim muassasalarida ma'naviyat va tarbiya darslari joriy qilingan. Madaniyat va san'at: milliy qadriyatlarni aks ettiruvchi loyihalar, filmlar va asarlar yaratilayapti. Jamoatchilik faoliyati: ma'naviyat markazlari va milliy g'oyani targ'ib qiluvchi tadbirlar tashkil qilinmoqda.

Jamiyat ma'naviy yuksalishining asosi faqat ma'naviyat bilan emas, balki mamlakatning siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va ma'naviy rivojlanishida tub islohotlarni amalga oshirishga qaratilgan

bo'ladi. Bu konsepsiyaning asosiy mohiyati – inson qadr-qimmatini ulug'lash, adolatli va barqaror jamiyat qurish, hamda milliy va umuminsoniy qadriyatlarni uyg'unlashtirgan holda mamlakatni rivojlantirishdir. Bu konsepsiyasining mohiyatida bir qator olijanob g'oya va tushunchalar yotadi. Milliy yuksalish konsepsiyasining markaziy g'oyasi "Inson qadri uchun" shioriga asoslangan. Bu g'oyaga ko'ra, jamiyatda har bir insonning huquq va erkinliklari ta'minlanishi, ijtimoiy adolat ustuvor bo'lishi lozim. Inson qadrini tiklash va uni ulug'lash, avvalo, ma'naviy yuksalish orqali amalga oshiriladi.

Shuningdek, bu konsepsiyasida adolat tamoyili asosiy mezon sifatida belgilangan. Bu tamoyil jamiyatdagi barcha jabhalar, jumladan, ta'lim, madaniyat, axloq va ma'naviyat sohalaridagi o'zgarishlarda o'z ifodasini topadi. "Yangi O'zbekiston - bu inson va biznes manfaatlarini adolatli qonunlar asosida himoya qilinadigan jamiyatdir"[1,94]. Adolatli jamiyat ma'naviy yuksalishning poydevori bo'lib, uning asosiy ko'rsatkichi aholining ma'naviy kamolotidir. Aynan Prezident Shavkat Mirziyoyevning tashabbusi bilan ilgari surilgan "Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari" g'oyasi bu konsepsiyaning bosh g'oyasi hisoblanadi. Bu g'oya milliy qadriyatlarni tiklash va zamonaviy jamiyat qurishda milliy ma'naviyatni yuksaltirishga qaratilgan. Globallashuv jarayonlari turli xil ijtimoiy, madaniy va ma'naviy tahdidlarni keltirib chiqarayotgan bir paytda, milliy yuksalish konsepsiyasi milliy o'zlikni saqlashga qaratilgan strategik harakatlarni taklif qiladi. Milliy ma'naviyat bu jarayonda asosiy qalqon vazifasini bajaradi.

Ma'naviy yuksalish jamiyat rivojlanishining ma'naviy, madaniy va axloqiy poydevorini mustahkamlashni nazarda tutadi. Yangi O'zbekistonda ma'naviy yuksalish jamiyatdagi ijtimoiy barqarorlikni ta'minlashning asosiy omillaridan biri sifatida qaraladi. Milliy g'oya, axloqiy qadriyatlar va ma'naviy kamolot jamiyatning turli qatlamlari o'rtasida hamjihatlik va o'zaro hurmat muhitini shakllantiradi. Ta'lim tizimi Yangi O'zbekiston konsepsiyasining ma'naviy yuksalish strategiyasini amalga oshirishda muhim rol o'ynaydi. Yangi avlodni milliy qadriyatlarga sodiq, ma'naviy barkamol shaxs sifatida tarbiyalash jarayoni ta'lim islohotlarining markaziy qismi hisoblanadi.

Ma'naviy yuksalish jamiyatning ijtimoiy ongini rivojlantirishda muhim rol o'ynaydi. Milliy g'oya, milliy qadriyatlar va ma'naviy meros jamiyatning turli qatlamlarini birlashtiruvchi asosiy manba sifatida namoyon bo'ladi. Ma'naviy yuksalish konsepsiyasida davlat siyosati ma'naviy yuksalishni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan bo'lib, ma'naviyatni rivojlantiruvchi davlat dasturlari, ma'naviyat markazlari va maxsus targ'ibot ishlari buning amaliy ko'rinishidir. Yangi O'zbekiston jahon hamjamiyatida milliy ma'naviyatni tanitish va targ'ib qilish orqali o'z o'rnini mustahkamlamoqda. Bu milliy madaniyat va qadriyatlarni dunyoga ko'rsatishda yangi imkoniyatlar yaratadi.

Ma'naviy yuksalish – inson va jamiyatning ma'naviy, axloqiy va intellektual rivojlanishiga qaratilgan jarayon bo'lib, uning asosida inson qadri, axloqiy qadriyatlar va madaniy-tarixiy meros yotadi. Bu tushuncha jamiyatdagi ma'naviy munosabatlarni takomillashtirish va inson shaxsini yuksaltirish jarayonini ifoda etadi. Ma'naviy yuksalishni to'g'ri tushunish uchun uning falsafiy negizlarini chuqur tahlil qilish zarur. Ma'naviy yuksalish insonning shaxsiy rivojlanishi bilan birga, jamiyatdagi umumiy ma'naviy muhitning yaxshilanishiga ham qaratilgan. U quyidagilarni o'z ichiga oladi: Milliy qadriyatlarni tiklash va ularni yangi zamon talablari bilan uyg'unlashtirish; Axloqiy me'yorlarni mustahkamlash va jamiyatda yuksak axloqiy tamoyillarni qaror toptirish; Insonning intellektual salohiyatini rivojlantirish.

Ma'naviy yuksalishning falsafiy asoslari inson ongi, shaxsiy va jamiyat rivojlanishining universal qonun-qoidalar bilan chambarchas bog'liq. Bu nazariya falsafiy tushunchalar, metodologiya va g'oyalar asosida shakllanadi. Ushbu tushunchaning ontologik asoslari tahlilida aytish joizki, ma'naviy yuksalish inson tabiati, uning ma'naviy-ruhiy ehtiyojlari va hayotdagi ma'nosi bilan bog'liq. Falsafiy nuqtai nazardan, insonning ma'naviy rivojlanishi uning jamiyatdagi mavqei va axloqiy javobgarligini belgilaydi. Shu ma'noda ma'naviy yuksalish – insonning tabiiy ehtiyojlaridan biri bo'lib, uning asosi insonning ichki quvvati va uning ezigulikka intilishida namoyon bo'ladi.

Ushbu tushunchaning chuqur gnoseologik asoslari mavjud. Chunki ma'naviy yuksalish insonning bilim olish jarayoni va bilim orqali o'zini anglashi bilan bog'liq. Bu jarayon insonning dunyoqarashi, axloqiy prinsiplari va ijtimoiy faoliyatini belgilaydi. Bilim va ma'rifat – ma'naviy yuksalishning asosiy manbai bo'lib, bu jarayonda inson hayotiy tajriba va madaniy merosni

o'zlashtiradi. "Buyuk ajdodlarimizning betakror va noyob ilmiy- ma'naviy merosi biz uchun doimiy harakatdagi hayotiy dasturga aylanishi, har birimizga kuch-quvvat va ilhom bag'ishlashi lozim. Avvalambor, milliy ta'lim tizimini ana shunday ruh bilan sug'orishimiz kerak"[1,138].

Ma'naviy yuksalishning axloqiy negizlari esa inson va jamiyat o'rtasidagi munosabatlarni tartibga soluvchi axloqiy qadriyatlardan iborat. Jamiyatda adolat, bag'rikenglik, inson huquqlariga hurmat va oilaviy qadriyatlar ma'naviy yuksalishning poydevori hisoblanadi. Demak, axloq – inson ma'naviyatining yuksak ko'rinishi bo'lsa, milliy va umuminsoniy qadriyatlar uyg'unligi ma'naviy yuksalishga turtki beradi. Ma'naviy yuksalish har bir millatning o'z tarixi, madaniyati va qadriyatlarini tiklash orqali jamiyatni ma'naviy barkamollikka yetaklaydi. Milliy o'zlikni saqlash – ma'naviy yuksalishning muhim omillaridan biri ekan, globallashuv davrida milliy ma'naviyatni asrash jamiyatning ma'naviy barqarorligini ta'minlaydi. Ma'naviy taraqqiyot — jamiyatning ma'naviy va axloqiy rivojlanishi, insonning shaxsiy kamoloti va axloqiy barqarorlikka erishish jarayonidir. Bu jarayonning falsafiy asoslari turli davrlarda jahon falsafasining markaziy mavzularidan biri bo'lgan. Jahon falsafasida ma'naviy taraqqiyot tendensiyalari har bir sivilizatsiyaning madaniy, ijtimoiy, diniy va ma'naviy asoslariga bog'liq holda shakllangan.

Yangi O'zbekistonda ma'naviy yuksalish milliy g'oya asosida shakllanadi. Milliy g'oya xalqning ma'naviy birligini ta'minlab, jamiyatning barcha sohalarida yuksalishga xizmat qiladi. Ma'naviy yuksalishni ta'minlashda ta'lim tizimi muhim ahamiyatga ega. Unda milliy va umuminsoniy qadriyatlarni yosh avlod ongiga singdirish maqsad qilingan. Ma'naviy yuksalish milliy madaniyat va san'at orqali namoyon bo'ladi. Teatr, kino, adabiyot va boshqa madaniy yo'nalishlar milliy ma'naviyatni taraqqiy ettirishda muhim o'rin tutadi.

Xullas, Yangi O'zbekiston konsepsiyasi ma'naviy yuksalishni milliy tiklanish va umuminsoniy rivojlanish o'rtasidagi ko'prik sifatida ko'radi. Ma'naviy yuksalish inson qadrini ulug'lash, ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash va milliy o'zlikni asrashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bu konsepsiya nafaqat jamiyatning ma'naviy poydevorini mustahkamlaydi, balki Yangi O'zbekistonning kelajagiga yo'naltirilgan strategiya sifatida harakat qiladi.

Yangi O'zbekiston jamiyatida ma'naviy yuksalishning nazariy va metodologik asoslari jamiyatning ma'naviy, axloqiy va ijtimoiy taraqqiyoti uchun muhim poydevor bo'lib xizmat qiladi. Bu jarayon falsafiy va amaliy yondashuvlar uyg'unligi orqali amalga oshirilib, milliy qadriyatlar va umuminsoniy g'oyalarning integratsiyasiga yo'naltirilgan. Mazkur nazariy-metodologik asoslar mamlakat taraqqiyotida ma'naviy yuksalishning mustahkam poydevorini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ma'naviy yuksalish inson va jamiyatning barkamollikka intilishi, ma'naviy boyliklarni takomillashtirish jarayonidir. Uning falsafiy negizlari inson ongi, bilim va axloqiy qadriyatlar asosida shakllanadi. Yangi O'zbekiston jamiyatida ma'naviy yuksalish milliy g'oya va milliy qadriyatlarning tiklanishi hamda ularning umuminsoniy g'oyalar bilan uyg'unlashishi orqali amalga oshiriladi.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: Ўзбекистон" нашриёти, 2024. -Б.138
2. A Muminov. Leading tendencies in the development of cultural and spiritual identity of the peoples of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 08, 2020. 5525-5538.

REZYUME:

Ushbu maqolada ma'naviy yuksalish tushunchasining mazmuni, uning doirasida jamiyatni ma'naviy yuksaltirishga qaratilgan islohotlarning mazmuni, soha va yo'nalishlarda namoyon bo'lish jarayonlari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Yangi O'zbekiston, ma'naviy yuksalish, ma'naviyat, jamiyat, yoshlar, ma'naviy taraqqiyot, islohotlar.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье проанализировано содержание понятия духовного возвышения, реформы, направленные на духовное развитие общества, а также процессы их проявления в различных сферах и направлениях.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, духовное возвышение, духовность, общество, молодёжь, духовное развитие, реформы.

RESUME:

This article analyzes the concept of spiritual elevation, the reforms aimed at promoting the spiritual development of society, and the processes through which these reforms manifest in various fields and directions.

Keywords: New Uzbekistan, concept, spiritual development, spirituality, society, youth, spiritual progress, reforms.